

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ФАКУЛЬТЕТ
“ИҚТИСОДИЁТ” КАФЕДРАСИ**

**ИННОВАЦИОН ИҚТИСОДИЁТГА ЎТИШ ШАРОИТИДА
МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТНИНГ ТАРКИБИЙ ТУЗИЛМАСИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ**

МАВЗУСИДАГИ

РЕСПУБЛИКА ИЛМИЙ – АМАЛИЙ АНЖУМАНИ

МАТЕРИАЛЛАРИ ТЎПЛАМИ

2018 йил 27-28 апрель

Гулистон – 2018

“Инновацион иқтисодиётга ўтиш шароитида миллий иқтисодиётнинг таркибий тузилмасини такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари” мавзусидаги илмий-амалий конференция материаллари.—Гулистон: Университет, 2018. 280 б.

Ушбу тўпламга 2018 йил 27-28 апрель кунлари Гулистон давлат университетиди “Инновацион иқтисодиётга ўтиш шароитида миллий иқтисодиётнинг таркибий тузилмасини такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари” мавзусида ўтказилган Республика илмий–амалий анжумани қатнашчиларининг маъруза материаллари киритилган.

Тўплам ОТМлари профессор-ўқитувчилари, докторантлар, мустақил изланувчилар, магистр ва бакалаврлар учун мўлжалланган.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Раис: М.Т.Ходжиев, ГулДУ ректори, т.ф.д., профессор.

Аъзолар:

А.Н.Сулайманов илмий ишлар бўйича проректори, т.ф.н., доц.,
О.Т.Сатторқулов и.ф.н., доц., А.А.Маматов “Иқтисодиёт” кафедраси
профессори, и.ф.д., О.Р.Раимбердиева и.ф.н., доц., А.Х.Бурхонов и.ф.н.,
А.А.Абдувоҳидов катта ўқитувчи, Б.Э.Матрасулов катта ўқитувчи,
М.Қ.Аллаёрова катта ўқитувчи, С.В.Мамажонов катта ўқитувчи,
М.Х.Нурмухаммедова катта ўқитувчи.

Тақризчилар: А.Ф.Хуррамов, и.ф.д., профессор. (ҚарМИ).
Ф.Т.Эгамбердиев, и.ф.д., профессор. (ЎзМУ)

Мазкур тўплам университет Кенгашининг 2018 йил 26 мартдаги 8-сонли йиғилиш қарори билан нашрга тавсия этилган.

© Гулистон давлат университети, 2018

**ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ РЕКТОРИ,
ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ,
ПРОФЕССОР МУХСИН ТАДЖИЕВИЧ ХОДЖИЕВНИНГ
КИРИШ СЎЗИ**

АССАЛОМУ АЛАЙКУМ, ҲУРМАТЛИ АНЖУМАН ИШТИРОКЧИЛАРИ!

Яқинда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Венадаги қароргоҳи биносига киришда Шарқ мутафаккирларидан Абу Али Ибн Сино, Умар Ҳайём, Абу Райҳон Беруний, Закариё ар Розийларга ҳайкал ўрнатилганлиги ҳақида оммавий ахборот воситалари орқали ўқиб, танишиб барчамизнинг кўнглимиз фахр ва ифтихорга тўлди. Бу мутафаккирлар ва улар қолдирган бой моддий ва маънавий мероси нафақат Марказий Осиё халқлари, балки бутун инсониятга тегишлидир. Бу мутафаккирларга ҳайкал ўрнатилишининг замирида назаримизда, ХХI аср - билим ва интеллектуал тафаккур асри эканлигига катта ишора бордек. Ҳақиқатдан ҳам, бугунги кунда дунё иқтисодиётининг тараққий этиши, бир сўз билан айтганда, башариятнинг яшаб қолиши билим ва тафаккурга боғлиқ бўлиб қолмоқда.

Жамиятнинг интеллектуал тараққиёти бу энг аввало, ижтимоий тараққиётнинг негизини ташкил этади, зеро, усиз жамият аъзоларининг барқарор ҳаётини таъмин этишга хизмат қилувчи илмий-техникавий ривожланишни амалга ошириб бўлмайди. Бугунги кунда барча тараққиёт йўлидан бораётган мамлакатлар ўз тараққиёт йўллариини инновацион асосда ташкил этишга интиломоқдалар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947 сонли Фармони билан тасдиқланган Ҳаракатлар стратегиясининг “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”да амалга оширишга оид давлат дастурининг “Ижтимоий соҳани ривожлантириш” деб номланган тўртинчи йўналишида¹ мактабгача таълим муассасаларининг қулайлигини таъминлаш, умумий ўрта, ўрта махсус ва олий таълим сифатини яхшилаш ҳамда уларни ривожлантириш борасида чора-тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилган. Мамлакатимизда олий таълим тизимини ислоҳ қилиш борасида қатор ижобий ўзгаришлар амалга оширилмоқда, шу ўринда хали амалга оширадиган вазифаларимиз ҳам бор.

2016 йил 30 декабрда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимизнинг етакчи илм-фан намоёндалари билан учрашувида бу борадаги кўп масалалар муҳокама қилиниб:

1. Мамлакатимизда юқори салоҳиятга эга, жаҳон миқёсида эътироф этилган олимлар кўплиги, улар ўз мактабларини яратиши, шогирдлар тарбиялаши лозимлиги;
2. Жаҳоннинг етакчи институтлари, илмий марказлари ва Фанлар академиялари билан илмий ҳамкорликни янада ривожлантириш;
3. Юқори салоҳиятга эга кадрлар тайёрлаш масаласини такомиллаштириш, илмий кадрлар ва юқори малакали мутахассислар, дунё даражасидаги янги олимлар авлодини тайёрлаш;
4. Илм-фан тараққиётида фундаментал тадқиқотлар муҳим аҳамиятга эга эканлиги боис, илмий изланишларни янада чуқурлаштириш;
5. Илм-фан ва ишлаб чиқариш ўртасида ўзаро интеграцион алоқаларни янги босқичга кўтариш зарурлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Юқорида тилга олиб ўтилган, ҳал этилиши кечиктириб бўлмайдиган вазифаларнинг амалий ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони// “Халқ сўзи”, 2017 йил 8 февраль.

тўғрисида»ги ПҚ-2909-сонли қарори қабул қилинди. Мазкур қарор асосида олий таълим тизимини ислоҳ қилишнинг:

- кадрлар тайёрлаш мазмунини тубдан қайта кўриш;
- ҳар бир олий таълим муассасасининг жаҳоннинг етакчи илмий-таълим муассасалари билан яқин ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш;
- ўқув жараёнига халқаро таълим стандартларига асосланган илғор педагогик технологиялар, ўқув дастурлари ва ўқув-услубий материалларини кенг жорий қилиш;
- ўқув-педагогик фаолиятга, мастер-класслар жорий этиш;
- малака ошириш курсларига хорижий ҳамкор таълим муассасаларидан юқори малакали ўқитувчилар ва олимларни фаол жалб қилиш;
- уларнинг базасида тизимли асосда республика ОТМлари магистрант, ёш ўқитувчи ва илмий ходимларининг стажировка ўташларини ҳамда профессор-ўқитувчиларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил қилиш каби устувор йўналишлари белгилаб берилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, бугунги кунда олий таълим тизими олдида турган энг катта муаммо - бу меҳнат бозорига чиқарилаётган ёш мутахассисларнинг компетентлиги талаб даражасида эмаслигидир. Айнан шу мақсадда, яъни тайёрланаётган ёш мутахассисларнинг компетентлигини ошириш, фан, таълим ва ишлаб чиқариш ўртасида ўзаро боғлиқликни таъминлаш борасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 27 июлдаги ПҚ-3151-сонли Қарори қабул қилинди. Бизнинг фикримизча олий таълим муассасаларида ўқув – илмий ва ишлаб чиқариш комплексларини яратиш ва бевосита профессор - ўқитувчиларнинг стажировкасини кенг қамровли тарзда ташкил этиш мазкур қарорнинг амалий ижросини таъминлашга хизмат қилади.

Маълумки, мамлакат иқтисодиёти ва ижтимоий ҳаётини янгилашнинг устувор вазифаси сифатида қаралувчи инновацион тараққиёт кўп жиҳатдан таълим сифатига ва айни пайтда унинг инновацион асосларда ташкил этилганлигига боғлиқдир. Бу эса ўз навбатида илмий-тадқиқот фаолияти инфратузилмасини такомиллаштиришни, таълим соҳасини бошқаришда давлат, маҳаллий ҳокимият органлари ва жамоатчилик бошқарувининг ўзаро уйғунлигини талаб этади. Гулистон давлат университетига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони, 2017 йил 20 апрелдаги «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2909-сонли Қарори, “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 27 июлдаги ПҚ 3151-сонли Қарорида кўзда тутилган вазифалардан келиб чиққан ҳолда, бугунги кунда қуйидаги устувор йўналишларда чора-тадбирлар амалга оширилмоқда:

- 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида амалга оширилиши кўзда тутилган вазифалар ижросини таъминлашда фаол иштирок этиш;
- дунё стандартлари ва бугунги кунда таркиб топган меҳнат бозори талабларидан келиб чиққан ҳолда олий таълим тизими мазмунини янада бойитиш;
- фан ва технологияларнинг устувор йўналишлари бўйича илмий тадқиқотларни ривожлантириш;
- фан, таълим ва ишлаб чиқаришнинг ўзаро интеграциялашувига асосланган таълим концепциясини амалга ошириш;
- узлуксиз таълим тизими концепциясини ҳаётга изчил жорий этиш орқали меҳнат бозори учун етарлича назарий ва амалий кўникмага эга бўлган мутахассисларни тайёрлаб бериш;
- халқаро илмий ҳамкорлик ва таълим хизматлари экспорти кўламларини кенгайтириш;

- талаба ёшларнинг академик мобиллиги ва ёш илмий-педагогик кадрларнинг инновацион фаоллигини ошириш орқали мамлакатимизда ёшлар сиёсати борасида амалга оширилган давлат сиёсатини ҳаётга изчил жорий этиш.

Юқорида кўзда тутилган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши Сирдарё вилоятида ягона бўлган олий таълим муассасаси – Гулистон давлат университетининг вилоятнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги ўрнини янада кенгайтиришга хизмат қилгани ҳолда, қуйидаги натижаларга эришилишини таъмин этади:

- университет базасида таълим, фан ва ишлаб чиқаришнинг ўзаро интеграциялашувини таъминловчи инновацион кластерлар яратилади (бизнес инкубаторлар, технопарклар);

- 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида кўзда тутилган ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан комплекс ривожлантириш борасидаги вазифаларнинг амалий ижросини таъминлашда Гулистон давлат университети асосий ижрочи сифатида келгусида “тадбиркорлик университети”га айланади;

- Талаба ёшларнинг академик мобиллиги ва компетентлиги ортади ва илмий-педагогик кадрларнинг инновацион фаоллиги яхшиланади.

ҲУРМАТЛИ, АНЖУМАН ИШТИРОКЧИЛАРИ!

Президентимиз Ш.М.Мирзиёевнинг жорий йил 5 апрель санасида Ўсимлик моддалари кимёси институтида олимлар, илм-фан соҳасининг етакчи мутахассислари билан ўтказган учрашувларида “Инновация - бу келажак деганидир” - деган юксак ғояни илгари сурдилар. Бугун университетимизда **“Инновацион иқтисодиётга ўтиш шароитида миллий иқтисодиётнинг таркибий тузилмасини такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари”** мавзусида ўтказилаётган Республика миқёсидаги илмий-амалий анжумани ҳам ана шу юксак ғояни ҳаётга изчил жорий этишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Ўйлаймизки, анжуман доирасида ишлаб чиқиладиган илмий ва амалий жиҳатдан асосланган таклиф ва тавсиялар албатта, мамлакатимиз иқтисодиётининг рақобатбардошлигини оширишга, унинг жаҳон ҳамжамиятидаги ўрнини янада мустаҳкамлашга, аҳоли турмуш фаровонлигини яхшилашга хизмат қилади.

Анжуман ишига муваффақият тилайман!

1-ШЎБА. ИННОВАЦИОН ИҚТИСОДИЁТГА ЎТИШ ШАРОИТИДА МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТДАГИ ТАРКИБИЙ ЎЗГАРИШЛАР ТАҲЛИЛИ ВА УНИНГ ИҚТИСОДИЙ ЎСИШ СИФАТИГА ТАЪСИРИ

ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШ ЙЎЛИГА ЎТИШНИНГ ИҚТИСОДИЙ ЎСИШ СИФАТИГА ТАЪСИРИ

**Жўраев Т.Т., и.ф.д., профессор
Шадиева Д.Х., катта ўқитувчи, ТМИ.**

2018 йил юртимизда “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили” деб эълон қилиниши иқтисодий ислохотларнинг янги сифат босқичини белгилаб берди. Бу босқичга сўнгги йилларда бир қатор чора-тадбирларни амалга ошириш орқали, яъни ҳар йили Инновацион ғоялар, лойиҳалар ва технологиялар республика ва худудий ярмаркаларини ўтказиш, давлат илмий-техника дастурлари доирасида лойиҳаларни амалга ошириш, Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси фаолиятини тубдан янгилаш, олий таълим тизимини ислоҳ қилиш, технопарк ва кичик саноат зоналарини ташкил этиш каби чора-тадбирларни амалга оширилиши инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш каби устувор йўналишга замин яратди.

XXI асрда илм-фан соҳаси ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг харакатлантирувчи кучига айланди. Халқаро ва ички рақобат кучаётган бир даврда ишлаб чиқарувчилар нафақат нарх ва сифат орқали истеъмолчиларни жалб қилиб, балки юқори технологик, қулай, бир қанча вазифаларни ўзида мужассам этган инновацион маҳсулотлар яратиб юқори фойда олишга муваффақ бўлмоқдалар.

Глобаллашув шароитида инновация – бу рақобатбардошликнинг асосий омилidir. Нафақат бир корхона мисолида, балки алоҳида тармоқ, миллий ва жаҳон иқтисодиёти миқёсида ҳам табиий ресурслар чекланган шароитда инновацион фаолият уларнинг муқобил вариантларини ишлаб чиқиш, ресурсларни тежовчи технологияларни яратиш ва экологияга бўлган зарарни камайтиришга қаратилган бўлиб, тадбиркорларга таннархни пасайтириш, сифатни ошириш, сотиш ҳажми ва фойдани кўпайтиришга имкон беради. Президентимиз 2017 йил 22 декабрда Олий Мажлис палаталарига қилган мурожаатномада таъкидлаганларидек: “Ўзбекистон илм-фан, интеллектуал салоҳият соҳасида, замонавий кадрлар, юксак технологиялар борасида дунё миқёсида рақобатбардош бўлиши шарт”.

Инновация – бу тараққиёт гаровидир. Инновацион фаолиятни ривожлантирган давлатлар фақат технологик етакчиликни кўлга киритиб қолмасдан, балки иқтисодий ютуқларга ва макроиқтисодий кўрсаткичларни ижобий динамикасига эришмоқдалар. Хатто жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ва унинг салбий оқибатларини бартараф этиш даврида ҳам ишлаб чиқариш, молия-банк соҳаларида иқтисодий қийинчиликларни кечирган ва рецессияга дуч келган мамлакатларда (Япония, АҚШ, Европа давлатларида) инновацион фаолиятга бўлган харажатларнинг барқарор ўсишини кузатишимиз мумкин. Сўнгги ўн йилда илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларига харажатлар Хитойда 4,3 баробарга, Жанубий Кореяда – 2,4 баробарга, АҚШ, Франция, Германия каби давлатларда – 1,5 баробардан кўпроққа ўганини таъкидлаш лозим. Инновацион ривожланиш назариясини асосчиси австриялик иқтисодчи-олим Йозеф Шумпетер сўзлари билан айтганда “Иқтисодий инқироз жамият ривожини ва ишлаб чиқариш кучлари ривожланиши суръатлари бир бирига мос келмаслигидан дарак беради ва инқироздан чиқиш учун жамият ривожланиш даражасига мос келадиган янги товарлар, янги технологиялар, янги бошқариш усуллари, яъни инновацияларни жорий этиш лозим”.

Фан-техника тараққиёти суръатлари жадаллашган замонда истеъмолчилар инновацион маҳсулотларга, масалан, телефоннинг янги модели, автомобилнинг сўнгги маркаси, ноёб инновацион технологияга бир неча баробар баланд нарх тўлашга тайёр эканликларини

кузатишимиз мумкин, бу ўз навбатида, корхоналарда инновацияларни кўпроқ жорий этишга мажбур этмоқда. Инновацион фаолиятни ривожлантирмаган корхоналар технологик ва иқтисодий қолоқликка учраши аниқ. Шу сабабдан, Жанубий Кореянинг “Samsung” компанияси ёки Германиянинг “Volkswagen” компанияси ҳар йили соф фойдадан 14-15 млрд. АҚШ доллари миқдорида илмий-тадқиқот ва тажриба конструкторлик ишларига йўналтирмоқдалар. Яъни мазкур корхоналар раҳбарияти молиявий ресурсларни катта бир қисмини таъсисчиларни тақдирлашга эмас, дивиденд тўлашга эмас, ишчиларни рағбатлантиришга эмас, балки шу корхона фаолиятига инновацион элементларни ишлаб чиқиш ва тадбиқ этиш, шу орқали уни ривожлантиришга катта эътибор қаратмоқдалар.

Инновация – бу интеллектуал бойлигимиз. Табiiй бойликлардан интеллектуал бойликнинг асосий фарқи унинг чекланмаганлиги ва инновацион салоҳиятни доимо ривожлантириш, юксалтириш имконияти борлигидадир. Айниқса, меҳнат ресурсларига бой давлатларда инновация – ҳар бир одамнинг интеллектуал салоҳиятидан оқилона фойдаланиш йўли, иқтисодий ўсиш захираси демакдир.

Президентимиз Ш.Мирзиёев таъкидлаб ўтганларидек: “Замон шиддат билан ривожланиб бораётган ҳозирги даврда ким ютади? Янги фикр, янги ғояга, инновацияга таянган давлат ютади”. Айнан инновацион фаолиятга инвестицияларни йўналтирган давлатлар тез суръатлар билан ривожланиб ялпи ички маҳсулот, экспорт ҳажми, миллий даромад каби кўрсаткичлар ўсишини кузатиш мумкин. Бу борада давлат миқёсида аниқ инновацион ривожланиш йўлига ўтиш бўйича стратегия ва миллий дастур ишлаб чиқиш долзарб масала ҳисобланади. Шу мақсадларда мамлакатнинг интеллектуал ва технологик салоҳиятини оширишга қаратилган ягона сиёсатини амалга оширувчи давлат бошқарув органи – Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги ташкил этилди. Мазкур вазирликнинг асосий вазифалари бўлиб мамлакатни ривожлантиришнинг узок муддатли сценарийларини ҳисобга олган ҳолда инновацияларни ишлаб чиқиш ҳамда давлат ва жамият қурилишига жорий этиш, шунингдек, илмий тадқиқотлар ва илғор технологияларнинг устувор ва истиқболли йўналишларини ривожлантириш стратегиясини белгилаш; фан ва инновацияларни ривожлантиришнинг замонавий инфратузилмасини шакллантириш; қишлоқ хўжалиги, таълим ва соғлиқни сақлаш тизимига инновацияларни жорий этиш; давлат илмий-техник ва инновацион сиёсатининг устувор йўналишларини белгилаш ҳамда давлат илмий-техникавий дастурларини тасдиқлаш; инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологияларни жорий этиш бўйича халқаро ҳамкорликни ривожлантириш ҳамда норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш; атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш тизимига инновацияларни жорий этиш ва бошқалар.

Ундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 ноябрдаги 5264–сонли Фармонида асосан мамлакатимизнинг инновацион ривожланишининг асосий йўналишларидан бири этиб илмий-тадқиқот ва инновация фаолиятини, энг аввало, ёш авлоднинг ижодий ғоялари ва ишланмаларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳамда рағбатлантириш, шунингдек, ушбу фаолиятда иқтидорли ёшлар фаол иштирок этиши учун қулай шароитлар яратиш йўналиши белгиланди. Инновацион ривожланиш йўлига ўтишда инсон капитали тараққиётнинг асоси ҳисобланади. Инновацион фаолият билан шуғулланадиган ходимлар – оддий кадрлар эмас, улар ақлий меҳнатга лаёқати бор, креатив фикрлайдиган, чуқур билим ва илмий ижодиёт кўникмаларига эга ходимлар бўлиши зарур. Ҳукумат олдимизга қуйган мақсадларга эришиш, инновацион иқтисодиётга ўтиш учун ана шундай интеллектуал салоҳиятга эга бўлган кадрларни илм-фан соҳасига кенг жалб этишимиз лозим.

Ўзбекистонда ишлаб чиқариш соҳаси ва барча тармоқларга инновациялар, замонавий бошқариш усуллари, ахборот-коммуникацион технологияларни, илм-фаннинг сўнгги ютуқларини жорий этилиши модернизация жараёнларининг мантиқий давоми ҳисобланади. Қисқа қилиб айтганда, инновация – бу мамлакатимизнинг технологик ва иқтисодий жиҳатдан ривожланган келажагидир.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ ВА ЖАДАЛ РИВОЖЛАНТИРИШ

и.ф.д., профессор А.Ф.Хуррамов. ҚарМИИ

Қишлоқ хўжалиги Ўзбекистон иқтисодиётининг муҳим тармоқларидан бири ҳисобланади. Бу тармоқ мамлакатимиз аҳолисининг озиқ-овқат маҳсулотларига, қайта ишлаш саноати тармоқларини эса хомашёга бўлган талабини қондириш билан бирга, экспорт салоҳиятини мустаҳкамлашнинг истиқболли манбаларидан бири саналади.


Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш масаласи республикаимиз иқтисодиётини ривожлантиришнинг муҳим устувор йўналишларидан бири сифатида эътироф этилмоқда. Мустақиллик йилларида қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш бўйича жуда улкан ва арзигулик ишлар амалга оширилди. Ишлаб чиқаришга янги техника ва илғор технологияларни жорий этиш ишлари йилдан-йилга жадаллашиб, чекланган ер ва сув ресурсларидан, капиталдан ва меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлиги юксалмоқда.

Республикаимиз аграр тармоғида амалга оширилаётган туб иқтисодий ислохотлар ва таркибий ўзгаришлар натижасида ўтган 2000-2015 йиллар оралиғида қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг ўртача йиллик ўсиш суръатлари ошиб бориш динамикасига эга бўлди. Хусусан, бу кўрсаткич ўтган йилга нисбатан ҳисоблаганда 2000-2016 йилларда ўртача 6 %дан юқори бўлди. Кейинги йилларда мамлакат ялпи ички маҳсулотида қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти салмоғининг камайиб бориш тенденцияси кузатилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотларига кўра 2000 йилда ялпи ички маҳсулот таркибида қишлоқ хўжалигининг салмоғи 30,1 % га тенг бўлган бўлса, 2016 йилда бу кўрсаткич 16,8 % гача пасайган. Бу ҳолат мамлакатимизда саноатнинг индустриал тармоқлари ҳамда хизматлар соҳасини жадал ривожлантириш борасида амалга оширилаётган чуқур таркибий ўзгаришлар натижалари билан изоҳланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони билан тасдиқланган **“2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”**да **қишлоқ хўжалигини** модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш бўйича қуйидаги вазифаларга асосий эътибор қаратилган.

Қишлоқ хўжалигида таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш орқали ишлаб чиқаришини изчил ривожлантириш, аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари, қайта ишлаш саноатини хомашё билан узлуксиз таъминлаш орқали мамлакатимиз озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, аграр секторнинг экспорт салоҳиятини сезиларли даражада ошириш истиқболда амалга оширилиши кўзда тутилган энг муҳим вазифалардан саналади. Биринчи навбатда 2016-2020 йиллар оралиғида пахта хомашёси етиштириладиган майдонларни 170,5 минг ва суғориладиган ғалла майдонларини 50,0 минг гектарга қисқартириш ҳисобига картошка майдонини 36,0 минг, сабзавотлар майдонини 91,0 минг, интенсив боғлар майдонини 18,0 минг, озуқа экинларини 50,3 минг, мойли экинларни 14,0 минг ва узумзорларни 11,2 минг гектарга кенгайтириш билан боғлиқ экин майдонларини янада оптималлаштириш ишлари амалга оширилади. Шу билан бир қаторда экинларга ишлов беришнинг илғор агротехнологияларини, юқори унумдорликка эга техникалар ва машиналарни ҳамда суғоришнинг замонавий усулларни қўллаш натижасида экинлар ҳосилдорлигини пахтада 26,1 дан 26,9 ц/га (+ 0,8), бошоқли донларда 54,9 дан 66,4 ц/га (+ 11,5), картошкада 218,9 дан 230,5 ц/га (+ 11,6), сабзавотларда 277,1 дан 294,0 ц/га (+ 16,9), меваларда 123,9 дан 140,4 ц/га (+ 16,5), токзорларда 126,7 дан 137,1 ц/га (+ 10,4) ошириш кўзда тутилмоқда.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ВА ЖАДАЛ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ



1-расм. Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадалривожлантиришнинг устувор йўналишлари.

Экин майдонлари таркибини оптималлаштириш ва ҳосилдорликни ошириш бўйича амалга ошириладиган чора-тадбирлар мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажмини сезиларли даражада ошишига олиб келади. Жумладан, 2016-2020 йиллар давомида бошоқли дон етиштириш ҳажми 1 195,0 минг, картошка 931,0 минг, сабзавотлар 3 002,2 минг, мевалар 648,6 минг ва узум 273,9 минг тоннага кўпаяди ва мамлакатимиз озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга замин яратади.

Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида биргина 2017 йилнинг ўзида пахта экин майдонларини 49 минг гектарга ва ғалла майдонларини 10 минг гектарга қисқартириш ҳисобига қисқартирилган экин майдонларининг 8,1 минг гектарига картошка, 27,2 минг гектарига сабзавот, 5,9 минг гектарига интенсив боғ, 2,9 минг гектарига тоқзор,— 10,9 минг гектарига озуқа экинлари ва 4 минг гектарига мойли экинларни жойлаштириш кўзда тутилган. Бу тадбирлар натижасида паст рентабелли экин майдонларида пахта ва ғалла етиштиришдан кўриладиган зарарни 80 млрд. сўмга қисқартириш, қўшимча 1 млн. тоннага яқин мева-сабзавот маҳсулотларини ишлаб чиқариш, худудларда 48,5 мингдан ортиқ янги иш ўринларини ташкил қилиш натижасида ушбу экин майдонларида банд бўлган аҳоли сонини 75,6 мингга етказиш, мева-сабзавот маҳсулотлари экспорти ҳажмини 2 баробар ошириш имкони яратилади

Замонавий агротехнологиялар асосида юқори ҳосилдорликка эга бўлган, эртапишар ҳамда ширин таъмга эга пакана ва ярим пакана дарахтларни экиш орқали интенсив боғ ва узумчиликни ривожлантириш ва дунё бозорларида харидоргир экспортбоп мева-сабзавот маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмларини ошириш энг муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг маълумотларига кўра 2011-2016 йиллар давомида боғдорчиликда янги агротехнологиялар асосида 31 308 гектар юқори ҳосил берадиган пакана ва ярим пакана интенсив мевали боғлар яратилган.

Ҳаракат стратегияси бўйича бу йўналишда фермер хўжаликлари маблағлари, тижорат банклари кредитлари ҳисобига жами 532 346,0 млн. сўм маблағ сарфлаш эвазига қуйидаги тадбирларни амалга ошириш белгиланган:

13 минг гектар майдонда янги интенсив боғ ва 7,3 минг гектар токзорлар ташкил қилиш ҳамда 15,4 минг гектар боғ ва 9 минг гектар токзорларни реконструкция қилиш;

мавжуд паст рентабелли боғ ва токзорларни босқичма-босқич, йилига 10 фоиздан ёки 26,4 минг боғ ва 14,1 минг токзорларни интенсив усулга ўтказиш эвазига 2020 йилга бориб уларнинг салмоғини 30 фоизга ошириш;

мевали боғлар ҳосилдорлигини камида 3-4 мартага ошириш;

янги ташкил этилаётган ва мавжуд интенсив боғ ва токзорларга босқичма-босқич йилига 5,7 минг гектардан томчилатиб суғориш тизимини жорий қилиш;

республика тупроқ-иқлим шароитига мос пакана ва ярим пакана дарахт кўчатлари ва пайвантаклари етиштириш ҳажмини камида 7000 мингтага ошириш;

истиқболли ва дунё бозорларида талаб юқори бўлган экспортбоп интенсив боғ мевалари кўчатларининг навларини синаш ва уларни республика ҳудудида экишга тавсия этиладиган қишлоқ хўжалиги экинлари Давлат реестрига киритиш ва бошқалар.

Қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини оширишда уруғчилик-селекция ва нав танлашнинг аҳамияти катта. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг маълумотларига қараганда мустақиллик йилларида мамлакатимиз олимлари томонидан мевали, резавор мевали, ёнғоқсимон, субтропик, цитрус ўсимликлар ҳамда узумнинг янги навларини яратиш, маҳаллий ва интродукция қилинган навларни ўрганиш, парваришlash технологияларини ишлаб чиқиш ва ишлаб чиқаришга жорий қилиш бўйича кенг миқёсда тадқиқотлар олиб борилди. Натижада Марказий Осиёда биринчи бўлиб селекцион йўл билан уруғли, данакли, резавор, ёнғоқ мевали экинлар селекцияси йўлга қўйилиб, янги навлар яратишга асос солинди. Кўп йиллик илмий тадқиқотлар туфайли 170 дан ортиқ мева-узум навлари яратилиб, уларнинг саксонга яқини Давлат реестрига киритилди. Ҳозирги кунда мева, сабзавот, картошка ва полиз навларининг 709 тури Давлат реестрига киритилган бўлиб, уларнинг 189 тасини маҳаллий навлар ва 520 тасини чет эл навлари ташкил этади.

ТАРКИБИЙ ЎЗГАРИШЛАР МАМЛАКАТ ИҚТИСОДИЙ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

и.ф.д., проф.Абулқосимов Ҳ. П., ЎЗМУ

Миллий хавфсизликнинг муҳим таркибий қисми, уни таъминлашнинг энг муҳим шарт иқтисодий хавфсизликдир. “Иқтисодий хавфсизлик” тушунчасини миллий иқтисодиёт мустақиллиги, унинг барқарорлиги, мустаҳкамлиги, доимо янгилашишга ва ўз-ўзидан такомиллашиб боришга қодирлигини таъминловчи шарт-шароитлар ва омиллар йиғиндиси дир.

Ички иқтисодий соҳаларда хавфсизлик табиий, техникавий-иқтисодий, инфратузилмавий, ижтимоий, микро ва макроиқтисодий ривожланишнинг бошқа омиллари, шунингдек, беқарорлик, тангликни келтириб чиқарувчи ички ва ташқи таҳдидлар таъсирдан ҳимоя қилувчи ички иммунитетлар билан боғлиқдир. Ташқи иқтисодий соҳадаги хавфсизлик

мамлакатнинг жаҳон бозоридаги рақобатбардошлилиги, миллий валютаси барқарорлиги, давлатнинг молиявий аҳволи билан тавсифланади.

Ишлаб чиқариш - хўжалик соҳасида энергетик ва технологик –иқтисодий хавфсизликни таъминлаш муҳим ҳисобланади. Энергетика ресурслари иқтисодий ресурслар ичида муҳим ўрин тутди. Бу ресурслар ҳар қандай мамлакат иқтисодиёти учун стратегик хом ашё ҳисобланиб унинг салоҳиятини, мустақил ривожланиш имкониятларини белгилаб беради.

Мамлакат иқтисодиёти энергетик хом ашё ресурсларининг импортига боғлиқ бўлиб қолса, у ҳолда иқтисодий мустақилликка эришиш мушкул муаммога айланади. Технологик хавфсизликнинг таъминланиши истиқболда фан, техника ва технология ютуқларидан ўз вақтида ва тўлиқ фойдаланиш имкониятини, интеллектуал салоҳиятдан хўжалик фаолиятида фойдаланиш даражасини ифодалайди. Шу боисдан энергетик ва технологик хавфсизликнинг таъминланиши мамлакат иқтисодиётининг салоҳиятини, қудратини ва мустақиллигини, рақобатбардошлилигини ифодалайди.

Энергетика хавфсизлигини таъминлаш учун ёнилғи-энергетика ресурсларини ишлаб чиқаришни кўпайтириш, истеъмолчиларга етказиб бериш ва уларни сотиш тизимини ташкил этиш муаммоларини ҳал этиш лозим бўлади. Ёнилғи-энергетика ресурсларини қидириб топиш, қазиб олиш ва дастлабки қайта ишлашни йўлга қўйиш ҳамда унинг ҳажмларини кўпайтириш орқали миллий иқтисодиёт эҳтиёжларини тўлиқ қондириш мумкин бўлади.

Ўзбекистон сиёсий мустақилликка эришганига қадар собиқ иттифоқнинг ягона халқ хўжалиги комплексининг хом-ашё базаларидан бири эди. Республика ер ости бойликларига, шунингдек, энергетика ресурслари хом ашёсига эга бўлишига қарамасдан, улардан ўз эҳтиёжлари учун мустақил фойдалана олмас эди. Шунинг учун ҳам нефть маҳсулотлари ва бошқа энергия ресурсларини четдан асосан МДХ мамлакатларидан ташиб келишга мажбур эдик. 1990 йилда республикада истеъмол қилинадиган нефтнинг 70 фоизидан ортиғи ва нефть маҳсулотларининг деярли ярми импорт қилинган¹. Бу эса мустақилликка эришгандан сўнг республика иқтисодиётининг бошқа мамлакатларга қарамлиги муаммосини кескинлаштириб қўйиши мумкин эди. Шу боисдан ҳам Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти Ислон Каримов энергетика мустақиллигига эришиш вазифасини белгилаб берар экан «...республика энергетика мустақиллигига эришган тақдирдагина тўла мустақил бўлади»², -деб таъкидлаган эди.

Энергетика хавфсизлигини таъминлаш учун нефть, газ ва бошқа ҳозирги даврда ишлатилаётган энергия ресурсларидан ташқари унинг янги турлари, манбаларини излаб топиш ва улардан фойдаланиш чора-тадбирларини амалга ошириш лозим бўлади. Шу боисдан республикамизда қуёш ва шамол энергиясидан, геотермал энергиядан, яъни ўртача температураси 45кС (градус) бўлган сувлардан, биомасса ва маиший қаттиқ чиқиндилардан, тўйинтирилган урандан (атом энергиясидан) кенг фойдаланишни йўлга қўйиш мақсадга мувофиқдир. Шуни, таъкидлаб ўтиш жоизки, энергетика ресурсларини ишлаб чиқариш ҳажмларини ўстириш билан бирга улардан тежаб, самарали фойдаланиш чора-тадбирларини кўриш лозим бўлади. Бунинг учун бу соҳада ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техника ва технологияни янгилаш каби ишлар амалга оширилиши даркор.

Технологик хавфсизлик мамлакат иқтисодиётининг илғор техника ва технология билан жиҳозланганлиги ва қуролланганлигини, бошқа мамлакатлардан келтириладиган технологияга қарам эмаслигини ифодалайди. Шунингдек, фан ва техника ютуқларидан фойдаланиш даражасини, интеллектуал, инновацион ва инженерлик салоҳиятнинг химояланганлигини ҳам акс эттиради. Технологик хавфсизлик мамлакат иқтисодий қудратини ифодалаб, ўзининг технологиясига асосланган жаҳон бозорларида ўхшаши йўқ, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришда ўз ифодасини топади¹. Унинг асосий кўрсаткичлари илмталаб ва юқори технологик маҳсулотлар ишлаб чиқарилиши ҳисобланади.

¹ Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. – Т., Ўзбекистон, 2000. – 64-б.

² Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. Т., Ўзбекистон, 1995. –234-б.

¹ Қаранг: Экономическая безопасность хозяйственных систем. Учебник.- М., Изд-во РАГА, 2001-с.410.

Ушбу хавфсизлик фан-техника соҳасидаги тадқиқотлар асосида янги техника ва технологияни ривожлантиришни ҳам тақозо этади.

Ўзбекистон учун технологик хавфсизликни таъминлаш ғоят муҳимдир. Чунки республикамизга собиқ тоталитар тузумидан мўрт, заиф, бир ёклама ривожланган асосан, хом ашё ва оралик маҳсулотлар ишлаб чиқаришга йўналтирилган иқтисодий мерос бўлиб қолган эди. Пахтанинг 95 фоизи қайта ишланмасдан республикадан ташқарига олиб кетилар эди. Собиқ шўролар даврининг 50 йили мобайнида енгил саноатнинг умумий тармоқ ишлаб чиқариш ҳажмидаги улуши 54 фоиздан 37 фоизгача, озиқ-овқат саноати улуши эса 30 фоиздан 14 фоизгача тушиб қолди. Шунга кўра ёқилғи, қора ва рангли металлургия каби хом ашё ишлаб чиқарувчи тармоқларнинг улуши кескин ўсди. Машинасозлик саноати тармоқлари пахта комплексига бўйсундирилган бўлиб, унинг улуши атиги 16% ни ташкил этади.¹ Бу албатта, республика иқтисодиётини марказга, бошқа собиқ иттифоқдош республикаларга боғлиқ ва тобе бўлиб қолишига олиб келди. Айниқса, технологик жиҳатдан миллий иқтисодийимиз импортга ўта боғлиқ, тобе қилиб қўйилди.

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг иқтисодий ривожланишнинг ўзбек моделини амалга оширилиши оқибатида қисқа вақт ичида чуқур тангликдан чиқишга муваффақ бўлди ва 1996 йилдан бошлаб иқтисодий ўсиш тенденцияларига эга бўлди. 1996-2003 йилларда Ўзбекистон иқтисодиёти ўртача 4% йиллик ўсиш суръатларида ривожланган бўлса, 2004 йилдан бошлаб, қулай ишбилармонлик муҳитини яратишга, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳазлашга қаратилган ислохотларни янада чуқурлаштиришни амалга ошириш натижасида, йилига ўртача 7-9% даражасидаги барқарор ва юқори ўсиш тенденциясига эга бўлди. Кейинги 10 йилда (2007-2016йй.) ЯИМ 2,2 баробардан зиёдга ўсди. Асосий капиталга киритилган инвестиция 2016 йилда 1991йилга нисбатан 4,2 мартага, 2000 йилга нисбатан 5,4 мартага ўсди. Асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг ЯИМдаги улуши 2016 йилда 25,0%ни ташкил этди. Бу кўрсаткич 2000йилда 22,9%ни, 2010 йилда 24,6%ни ташкил этган эди.

Иқтисодий таркибий тузилишини тубдан ўзгартиришга қаратилган сиёсатнинг амалга оширилиши натижасида 1995-2016 йилларда ЯИМ таркибида қишлоқ хўжалигининг улуши 32,4% дан 17,6%га қисқарди, саноатнинг улуши эса 27,8% дан 32,9%га, хизмат кўрсатиш соҳасининг улуши эса 39,8%дан 49,5%га ўсди. Аҳоли учун истеъмол товарлари ишлаб чиқариш 2016 йилда 1991 йилга нисбатан 10,9 мартага, 2015 йилга нисбатан эса 6%га ўсди². Буларнинг натижаси ўлароқ саноатда юксак технологияга асосланган ва истиқболли тармоқларнинг, чунончи, машинасозлик, ёқилғи-энергетика, кимё ва енгил саноат кабиларнинг ҳиссаси ортиб борди. Шунингдек, республика учун тамомила янги бўлган автомобилсозлик саноати вужудга келтирилди. Хорижий инвестицияларни жалб этиш йўли билан самолётсозлик, радиоэлектроника ва электроника соҳаларини ривожлантиришга катта эътибор берилмоқда. Енгил ва озиқ-овқат саноати учун асбоб-ускуналар, қишлоқ хўжалиги учун кичик механизация воситалари ишлаб чиқаришни таъминловчи бошқа истиқболли тармоқлар ва халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари амалга оширилмоқда.

2017йилда иқтисодий ўсиш суръатлари 5,5%ни ташкил этди, экспорт ҳажми қарийб 15%га кўпайди. Ташқи савдо айланмасининг ижобий сальдоси 854 миллион долларга етди. Давлатимизнинг олтин-валюта захиралари йил давомида 1,1 миллиард долларга кўпайди. Янги саноат корхоналарини қуриш, хизмат кўрсатиш объектларини ишга тушириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобидан 336 мингдан зиёд янги иш ўринлари ташкил этилди³.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномасида келтирилган иқтисодий муаммолар, яъни табиий, иқтисодий бой

¹ Абулкосимов Ҳ.П., Ваҳобов А.В., Раҳимова Д.Н., Нарбаев Б.И. Ўзбекистонда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш ва иқтисодий эркинлаштириш йўллари. Т., ТДТУ, 2001. -60-61-б.

² Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари //www.stat.uz.

³ Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси мурожаатномаси.//Халқ сўзи, 2017йил 23 декабрь.

ресурслардан фойдаланиш самарадорлигининг пастлиги, бу бойликларнинг катта қисмининг бекордан-бекорга исроф бўлаётганлиги, базавий соҳалардаишлаб чиқаришнинг йиллар давомида модернизация қилинмаганлиги, маҳсулот энергия сиғимининг юқорилиги, энергия ресурсларига нархларнинг пастлиги, инвестиция дастурларини шакллантиришдаги камчиликлар, бизнесга давлат аралашуви кўламининг катталиги, инновацион ривожланиш йўлига ўтишдаги сусткашликлар⁴ мамлакат иқтисодий хавфсизлигига жиддий таҳдидлар ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномасида иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг қуйидаги устувор йўналишлари белгилаб берилди:

-Ўзбекистонни технологик ривожлантириш ва ички бозорни модернизация қилиш бўйича кучли миллий ғоя, миллий дастур ишлаб чиқиш;

-Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили давлат дастурини амалга ошириш;

-тез ривожланаётган, йириклашиб бораётган корхоналарни рағбатлантириш сиёсатига ўтиш;

-инвестиция дастурларини шакллантиришда пухта режалаштирилган, узоқ муддатга мўлжалланган ягона концепцияни яратиш;

-миллий юк ташувчиларни қўллаб-қувватлаш, тадбиркорларга қўшимча шароитлар яратиш мақсадида “Миллий логистика порталини” ташкил этиш;

-қишлоқ хўжалигини янада ислоҳ қилиш бўйича комплекс дастур ишлаб чиқиш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, ҳудудларни жадал ривожлантириш;

-қурилиш соҳасини 2030 йилгача инновацион ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиш⁵.

Ушбу устувор йўналишларининг амалга оширилиши миллий иқтисодиётни янада барқарор ривожланишига, иқтисодий хавфсизликка таҳдидларнинг олдини олиш ва уларнинг салбий таъсирини юмшатишга имконият яратади. Иқтисодий хавфсизлик концепциясида иқтисодиётда ижтимоий ишлаб чиқариш ҳажми ва динамикаси, иқтисодий салоҳиятдан фойдаланиш самарадорлиги, иқтисодиётнинг очиқлиги, интеллектуал салоҳиятнинг ҳолати, инновацион даражаси, ўз ифодасини топиши лозим.

ИННОВАЦИОН ИҚТИСОДИЁТГА ЎТИШ ДАВРИДА МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТДА ТАРКИБИЙ ЎЗГАРИШЛАР

икт. ф. д., профессор А.А.Маматов. ГулДУ

Ўзбекистон Республикаси миллий иқтисодиётининг таркибий тузилмасини такомиллаштириш унинг тараққиётнинг асосий омилларидан бири ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг асосида албатта таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш, миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш ҳисобига унинг рақобатбардошлигини ошириш масаласи туради.

Бугунги кунда иқтисодий адабиётда миллий иқтисодиётнинг таркибий тузилмасидаги ўзгаришларнинг омилларини ўрганишга етарли даражада эътибор қаратилмаган. Иқтисодчи олимлар томонидан иқтисодиётнинг таркибий тузилмасини трансформациясининг турлича омиллар кўрсатилсада, бир омилнинг ўзи турли муаллифлар томонидан айни чоғда ҳам асосий, аҳамиятли ва иккинчи даражали омил сифатида ҳам қаралмоқда. А.В.Ваҳобов айтганларидек: “Ўзбекистон иқтисодиёти таркиби қуйидаги омиллар таъсирида шаклланади;

⁴ Қаранг: Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисга мурожаатномаси.//Халқ сўзи, 2017йил 23 декабрь.

⁵ Қаранг: Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисга мурожаатномаси.//Халқ сўзи, 2017йил 23 декабрь.

ижтимоий меҳнат тақсимои, илмий-техника тараққиёти, аҳоли эҳтиёжларининг ўсиши ва мураккаблашуви, бирламчи ишлаб чиқариш ресурсларини қўлами ва чекланганлиги, ташқи иқтисодий омиллар”⁶. Бизнинг тадқиқотларимизга кўра, бугунги глобализация даврида иқтисодиётнинг таркибий тузилмасидаги ўзгаришларнинг қуйидаги омиллари бир мунча аҳамиятли ҳисобланади (1.Расм).

Биринчидан, Ўзбекистон иқтисодиётини инновацион ривожланиш йўлига ўтказиш жаҳон иқтисодиётининг ривожланиш тенденциялари, узоқ муддатли истиқболда миллий инновация тизимининг барқарор ривожланишини таъминлайдиган омилларни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган. “Инновация – бу келажак дегани. Биз буюк келажакимизни барпо этишни бугундан бошлайдиган бўлсак, уни айнан инновацион ғоялар, инновацион ёндашув асосида бошлашимиз керак”⁷ дейди Президентимиз Ш.М.Мирзиёев. Инновацион ривожланиш, янги технологик асосдаги инновацион- инвестицияларни кўпайиши ҳисобига ишлаб чиқариш омилларининг сифат жиҳатдан такомиллашуви билан аниқланади.

Иккинчидан, уларнинг таркибига илмий-техник тараққиёт (ИТТ), илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлари (ИТТКИ), техника ва технологиядаги илғор ўзгаришлар киради. Илмий-техник тараққиёт жамиятнинг моддий-техник баъзасини, техника ва технологияларнинг қиёфасини қайта ўзгартириб юборди, жамғариш ва истеъмол ўртасидаги нисбатларнинг ўзгаришига олиб келади. Иқтисодиётнинг тармоқ таркиби тузилмасидаги ўзгаришларга илмий-техник тараққиётнинг таъсири, иқтисодиётнинг турли сектор ва тармоқлари ўртасида ишлаб чиқариш ресурслари билан биргаликда ижтимоий-зарурий меҳнат сарфларини қайта тақсимлаш кўринишида содир бўлмоқда. Масалан юқори техник тайёрлик даражасига эга бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқаришга мўлжалланган тармоқларнинг (машинасозлик ва металлга ишлов бериш, озиқ – овқат саноати) илгариларча ўсиш суръатлари тармоқлараро нисбатларнинг ўзгаришига ижобий таъсир кўрсатди. Бунинг натижасида қайта ишловчи тармоқларнинг саноат ишлаб чиқаришининг ялпи ҳажмидаги улуши 2005 йилдаги 38,5 фоиздан 2016 йилда 57,1 фоизгача ўсди. Иқтисодиётнинг техник инновацион тараққиётини таъмин этувчи тармоқлар (электро – энергетика, машинасозлик, кимё саноати) улушининг 2005 йилдаги 29,5 % дан 2016 йилда 32,5%гача ўсганлиги саноат таркибида юз бераётган ижобий ўзгаришлар ҳақида гувоҳлик беради.

Учинчидан, таркибий ўзгаришларнинг яна бир омили, мулкчилик муносабатларидаги ўзгаришлар ҳисобланади. Мулкчилик муносабатлари бутун иқтисодиётнинг таркибий тузилмасининг ички тизимига тўлиқ кириб боради. “Мулкчилик муносабатлари иқтисодий неъматларни ишлаб чиқариш ва жамият бойликларини ўзлаштириш жараёнларида вужудга келади”⁸. Маълумки, сиёсий-иқтисодий жиҳатдан, мулкчилик муносабатлари ишлаб чиқариш воситалари ва меҳнат маҳсулларини ўзлаштириш ва бегоналаштириш муносабатлари сифатида иштирок этгани ҳолда, асосий ишлаб чиқариш муносабати – ишчи ва ходимларни ишлаб чиқариш воситаларига бириктириш усули нуқтаи назаридан, иқтисодиётнинг таркибий тузилмасини акс эттиради ва ўз навбатида ижтимоий маҳсулотни ишлаб чиқариш, тақсимлаш, айрибошлаш ва истеъмол қилиш таркибини белгилаб беради.

Миллий иқтисодиётнинг таркибий тузилмасининг ривожланишини ўрганишга уклад нуқтаи назаридан ёндашув, бир мулкчилик шаклидан иккинчи бир мулкчилик шаклига томон ҳаракатланиш билан ҳам тавсифланади. Зеро, ҳар бир кейинги мулк шакли ўзидан аввалги мулк шаклига хос барча жиҳатларни ўзида мужассамлаштиради, худдики у билан бирга аввалдан мавжуд бўлганидек. Ушбу маънода таркибий ўзгаришларнинг хусусий мулк шаклидан жамоавий мулкчилик шакли томон, мулкчилик муносабатлари борасида

⁶. Ваҳобов А.В. Ўзбекистон иқтисодиётини модернизациялаш ва таркибий ўзгаришларни амалга ошириш-барқарор иқтисодий ўсиш омили сифатида. . Ўзбекистон иқтисодиётининг барқарорлиги ва мутаносиблигини мустаҳкамлаш бугунги куннинг устувор вазифаси. Республика илмий-амалий конференция материаллари. Т. 2009 й. Сентябрь.-Б.6.

⁷. Мирзияев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. Т. // Халқ сўзи, 2017 йил 23 декабрь.

⁸ Жўраев Т. Иқтисодиёт назарияси. (Ўқув кўлланма). –Т.: «Fan va texnologiya», 2017, -Б.68.

алоҳидалашган ташкилотлардан бир мунча уюшган ташкилотларга қараб ўзгараётганлигини кузатишимиз мумкин. Бунга Ўзбекистон иқтисодиётида бугунги кунда бирор бир мулк шаклининг яққол устунлик қилмагани ҳолда, турли хил мулкчилик шакллари мавжудлигини кўришимиз мумкин.

Таркибий тузилмадаги ўзгаришларнинг тўртинчи омили бўлиб, меҳнат тақсимоли ва унинг ихтисослашувидаги ўзгаришлар ҳисобланади. Бандликни таъминлаш масаласи аслида кўп қиррали бўлиб, у барча аҳолига ўз қобилиятини ишга солиш, ишчи кучини унумли ва самарали иш билан банд қилиш, зарур ҳолларда ишчи кучини иқтисодиёт тармоқлари ва соҳалари ўртасида қайта тақсимлаш каби масалаларни ҳам ўз ичига олади.


Ижтимоий меҳнат тақсимоли жараёнлари бевосита ишлаб чиқариш кучлари ва ишлаб чиқариш муносабатлари билан ўзаро боғлиқдир. Маълумки, ишлаб чиқариш кучлари таркибий ўзгаришларнинг моддий асосини ташкил этади, ишлаб чиқариш муносабатлари эса унинг ижтимоий шаклини белгилаб беради. Ижтимоий меҳнат тақсимоли ишлаб чиқариш омилларини иқтисодиётнинг турли соҳалари ва тармоқлари ўртасида тақсимлаш жараёнлари орқали, унда амалга ошаётган таркибий ўзгаришларнинг умумий моддий асосларини шакллантиради. Иқтисодиётнинг моддий-техник базасига таъсир этиш билан бир қаторда, меҳнат тақсимолидаги ўзгаришлар бутун бир ижтимоий-иқтисодий механизмга ҳам ўз таъсирини ўтказади.

Инновацион иқтисодиётга ўтиш, илмий –техникавий тараққиёт, мулкчилик муносабатларининг ривожланиши, ижтимоий меҳнат тақсимолидаги ўзгаришлар ижтимоий эҳтиёжлар тизимининг ривожланишини тақозо этади, ўз навбатида мазкур эҳтиёжларнинг трансформацияси ҳам иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларнинг омили бўлиб ҳисобланади. Эҳтиёжлар таркибидаги ўзгаришлар, ўз навбатида истеъмол таркибидаги ўзгаришларни вужудга келтиради, бунинг оқибатида эса, айтиш мумкин ишлаб чиқаришнинг таркибий тузилмасидаги ўзгаришларга олиб келади. Маълумки, инсон эҳтиёжлари тизими кўплаб моддий ва ижтимоий эҳтиёжларни ўз ичига қамраб олади. Ижтимоий эҳтиёжлар таркибига ижтимоий (мулоқотда бўлиш, ҳурмат қилиш, тан олиш, ўзини-ўзи намоён қилиш), маънавий эҳтиёжлар (баркамол ривожланиш, ижтимоий адолатга бўлган эҳтиёж ва бошқ.) қиради.

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида эҳтиёжларнинг қондирилиши фақатгина, моддий ёки бирламчи эҳтиёжларнинг тўла-тўқис қондирилиши асосидагина, ўзини барқарор тарзда янгитдан бунёд қилиши мумкин бўлган ижтимоий ва маънавий эҳтиёжларнинг долзарблигини янада ошироқда. Жамият ривожланиши билан бир қаторда қизиқиш ва интилишларнинг етарлича катта қисми ўзининг моддий йўналтирилганлигини йўқотади, бу эса ўз навбатида иқтисодиёт таркибий тузилмасидаги мос ўзгаришларда акс этади. Ҳаракатлар стратегиясининг 2018 йилда амалга оширишга оид давлат дастурида миллий иқтисодиётнинг таркибий тузилмасидаги мос ўзгаришлар сифатида туризм соҳасини ривожлантириш, кириш туризми ва ички туризмни ривожлантиришни рағбатлантириш, сайёҳлар учун маъмурий ва виза билан боғлиқ тартиботларни соддалаштиришга алоҳида эътибор қаратилади.

Ижтимоий эҳтиёжларнинг замонавий таркиби ранг – баранглиги, мураккаб табақаланиши ва ҳамда уни ташкил этувчи унсурларнинг кўпинча интернационал тавсифга эга бўлиши билан тавсифланади. Постиндустриал жамиятга ўтиш босқичида ижтимоий, маънавий эҳтиёжлар, хусусан ижодий фаолият билан шуғулланишга, ақлий ва маданий жиҳатдан камол топишга, мулоқот қилишга, фаол дам олиш ва ҳордиқ чиқаришга, ўзини – ўзи ривожлантиришга бўлган эҳтиёжларнинг ўрни ва аҳамияти ошиб бораверади. Замонавий ижтимоий эҳтиёжлар инфорацион технологиялар, глобал тармоқлар ва коммуникация соҳаларининг ривожланиши билан табиий равишда ўзаро боғлиқдир. “Ижтимоий эҳтиёжлар – маълум бир ҳаёт тарзига, меҳнатнинг характери ва маълум бир шарт-шароитларига бўлган эҳтиёжлардир. Масалан, инсонлар билан мулоқот қилишга, ақлий салоҳиятни ривожлантиришга, ўзини намоён қилишга бўлган эҳтиёж. Инсоннинг маънавий эҳтиёжлари

атроф борликни эстетик ҳис қилиш, ижод қилиш, маънавий жиҳатдан камол топишда ўз ифодасини топади”⁹.



1-Расм. Иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар ва унинг омиллари.

Ижтимоий эҳтиёжлар тизимининг бугунги кундаги трансформацияси шунда ифодаланадики, унга кўра моддий бойлик тўплаш инсон учун асосий ва ягона мақсад бўлмай қолди. Мос эҳтиёжларни вужудга келтирувчи ижтимоий қизиқишлар асосий омиллардан бирига айланиб бормоқда. Анъанавий ресурслар (ер, буюмлашган капитал, паст малакали меҳнат) ўз ўрнини илмий билим ва ахборотларга бўшатиб бермоқдаки, ижтимоий маҳсулотни яратиш ва ундан фойдаланишда уларнинг ўрни сезиларли даражада ўсиб бормоқда. Натижада, жамиятнинг тараққий этиши билан бир қаторда, фаолиятнинг ташқи рағбат уйғотувчи омилларининг устунлигидан ички мотивларга ўтиш юз беради. Агар шу пайтгача, унинг асносида янги инсоннинг шаклланиши юз берган ишлаб чиқаришнинг тараққиёти ижтимоий алмашинувлар жараёнининг оқибатидан кўра кўпроқ сабаби ҳисобланиб келган бўлса, бугунги кунга келиб вазият тубдан ўзгара бошлади. Иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларни келтириб чиқарувчи омиллар сифатида ижтимоий эҳтиёжлар тизими трансформациясининг бирламчилигидан келиб чиққан ҳолда, бир қатор иқтисодчилар таркибий ўзгаришларнинг ички зиддиятлари мавжудлигини кўрсатадилар ва улар орасида бошланғич, асосий ва ҳосилавий зиддиятларни ажратиш кўрсатишади.

Иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларнинг бошланғич зиддияти моддий ва ижтимоий эҳтиёжлар динамикаси; бирламчи, иккиламчи, учламчи ва ҳоказо эҳтиёжлар; меҳнат қилиш ва ҳордиқ чиқариш эҳтиёжлари; моддий тўқислик ва шахснинг ижодий камол топиши ўртасидаги зиддиятлар кўринишида намоён бўлади. Иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларнинг асосий зиддияти сифатида тузилмавий элементлар миқдорий тавсифлари ўзгаришининг турлича тезликда бўлиши (тезлашиш ёки тўхташ), мазкур ўзгаришларнинг турли хил вақтда юзага келиши (вақт оралиқлари) ва кўрсатиб ўтилган динамик жараёнларнинг турлича йўналишга эга эканлиги, бунинг натижасида эса, таркибий тузилма элементлари ўртасидаги алоқаларнинг сифат жиҳатдан ўзгариши юз бериши ва иқтисодий тизимнинг асосий нисбатлари ўзгаришини кўзда тутувчи, иқтисодиёт алоҳида таркибий тузилма элементлари ривожланишининг нотекис динамикасини қараб чиқади. Иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларнинг омиллари борасида ижтимоий эҳтиёжлар

⁹ Абулқосимов Х., ва бошқалар. Ўзбекистонда аҳоли турмуш даражасининг барқарор ўсиши.-Т.: “Академия”. 2011.-Б.45.

трансформациясининг бирламчилигини инкор қилган ҳолда, таркибий ўзгаришларнинг асосий зиддияти сифатида иқтисодий тизимнинг таркибий тузилмаси элементларининг нотекис динамикаси мавжудлигидир. Ўз-ўзидан таркибий тузилма элементлар ўртасидаги зиддиятлар тузилманинг такомиллашиш ва ривожланиш манбаи бўлиб ҳисобланади: таркибий тузилма элементларидан бирининг ўзгариши, шу заҳотиёқ, унинг тескариси билан мувозанатга келтирилади. Шу тариқа, ривожланишнинг босқичма – босқич эволюцион жараёни юз беради. Ривожланишнинг маълум бир босқичида шундай ҳолат юзага келадики, унда фаол бошланган ўзгаришлар таркибий тузилма доирасининг ўзида тўхталишлар мавжудлиги сабаб, тескари таъсир кўрсатувчи мос ўзгаришлар билан қопланмасдан қолади. Шу пайтда, яхлит ҳолда иқтисодий тизим қиёфасини ва иқтисодиёт таркибий тузилмасини сифат жиҳатдан ўзгартириб юборувчи, силжиш юз беради; янги мувозанат даври бошланади. “Бугун биз давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини тубдан янгилашга қаратилган инновацион ривожланиш йўлига ўтмоқдамиз. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки замон шиддат билан ривожланиб бораётган ҳозирги даврда ким ютади? Янги фикр, янги ғояга, инновацияга таянган давлат ютади”¹⁰.

Иқтисодиётдаги таркибий тузилмадаги ўзгаришларнинг асосий зиддиятини ҳал этиш ўзида, қарама-қарши томонлар ўртасида аввалдан мавжуд бўлган нисбатларни инкор этишни ифода этади. Бу жараён узлуксиз ҳисобланади, Зеро янги таркибий тузилманинг пайдо бўлиши, бу эскисини инкор қилиш демакдир. Иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларнинг алоҳида омилларидан бири, бу иқтисодиётдаги циклик жараёнлар ҳисобланади. “Бозор иқтисодиётининг цикли бўлиши унинг бир кўтарилиб, бир пасайиб туриш орқали ривожланиб бориши, яъни унинг ўсишининг тўлқинсимон шаклда бўлишидир”¹¹ Иқтисодий адабиётларда ўзининг омиллари, давомийлиги ва ижтимоий-иқтисодий оқибатлари бўйича циклик тебранишлар фарқланади. Иқтисодий цикллarning ҳар бири таркибий ўзгаришларнинг суръатига ва табиатига сезиларли даражада таъсир кўрсатади.

Иқтисодиётнинг тобора очиклик касб эта бориши, ахборот-коммуникация технологиялари ва шу кабиларнинг ривожланиши билан боғлиқ иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларнинг аҳамиятлилик даражаси кам бўлмаган омиллардан яна бири, таъсир доирасининг кучайиши жаҳон бозорида халқаро ихтисослашув билан изоҳланувчи ҳамда экспорт ва импорт, тўлов ва ташқи савдо баланси ва шу кабиларнинг ўзгаришида акс этувчи глобаллашув жараёнлари ҳисобланади. Замонавий глобаллашув жараёнлари миллий иқтисодиётнинг таркибий тузилмасига сезиларли даражада таъсир кўрсатмоқда ва бу таъсир кундан кунга ўсиб бормоқда.

Иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларнинг омилларидан яна бири, қонунчиликда ва шунингдек ҳукумат таъсир чораларининг бошқа шакл ва усулларида намоён бўлувчи, давлат иқтисодий сиёсати ҳисобланади. Иқтисодиётни давлат томонидан тартибланишнинг асосий мақсади иқтисодий мувозанатга эришиш асосида тангликнинг олдини олиш, ижтимоий ишлаб чиқаришнинг барқарор ўсишини таъминлаш, миллий иқтисодиёт равнақи учун имкониятлар яратиш, шунингдек, аҳоли турли табақалари ўртасида ижтимоий мувозанатга эришишдан иборат”¹² Агар давлатнинг иқтисодий сиёсати иқтисодиётдаги прогрессив таркибий ўзгаришларни рағбатлантирса, у ҳолда у самарали ҳисобланади, агар у объектив иқтисодий тараққиётнинг боришига тўсиқ бўлса, табиийки, у самарасиз ҳисобланади.

Шундай қилиб, бизнинг фикримизча, иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар омиллари қаторига инновацион иқтисодиётга ўтиш, илмий – техникавий тараққиёт, мулкчилик муносабатлари ва меҳнат тақсимотидаги ўзгаришлар, ижтимоий эҳтиёжлар тизимининг ривожланиши, иқтисодиётдаги циклик жараёнлар, глобаллашув жараёнлари ва давлат иқтисодий сиёсати қиради.

¹⁰ Мирзияев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. Т. // Халқ сўзи, 2017 йил 23 декабрь.

¹¹ Ўлмасов А., Ваҳобов А. Иқтисодиёт назарияси. Дарслик.ТДИУ.-Т.: “ИҚТИСОД МОЛИЯ”, 2014,-Б. 291.

¹² . Абулқосимов Х. Иқтисодиётни тартибга солишнинг бозор ва давлат механизмлари. Т.: Академия, 2012. – Б134.

МДХ ДАВЛАТЛАРИНИНГ ИННОВАЦИОН ИҚТИСОДИЁТГА ЎТИШИДА ВАЛЮТА КУРСИНИ ТАЪСИРИ

и.ф.д., проф Т.С.Расулов, ТДШИ

Маълумки, глобал иқтисодиётда давлатлар орасида яшаш стандартлари бўйича йирик тафовут мавжуд. Дунёнинг бой ҳудудларида фаровонлик кўрсаткичи анча юқори.

Халқаро таққослашларни олиб боришда нисбий фаравонликни бир неча усулларда ўлчаш имкони мавжуд. Буларга мисол қилиб қуйидагиларни келтириш мумкин:

- “Ялпи ички маҳсулотнинг аҳоли жон бошига тўғри келиши” (“*GDP per capita*”) усули;
- 1990-йилда АҚШ томонидан ишлаб чиқилган “Инсон тараққиёти индекси” (“*Human Development Index*”) усули. У туғилишда умр кўриш давомийлиги, таълим сифати ва даромад кўрсаткичларини ўз ичига олади;
- Буюк Британиянинг Лейсестер университети психологлари томонидан ишлаб чиқилган “Ҳаёт индексидан қониқиш” (“*Satisfaction With Life Index*”) усули. Бу усул одамлардан тўғридан тўғри улар ўзларининг соғлиги, бойлиги ва таълимидан қай даражада мамнун эканликлари ҳақида сўрашни ўз ичига олади.

Бундан ташқари ўртача умр кўриш, соғликни сақлаш, аҳоли саводхонлиги, ижтимоий ҳимоя, инсон эркинлиги каби кўрсаткичларидан ҳам фойдаланилади. Ҳозирги кун иқтисодиётида энг кўп қўлланиладиган ўлчов бу аҳоли жон бошига тўғри келувчи ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) ни ҳисоблашдир. Бу мураккаблашмаган лекин, фундаментал маълумоти жиҳатидан тушуниш ва ҳисоблаш осон бўлган усул саналади. Бу усулда халқаро таққослашларни амалга оширишда аҳоли жон бошига тўғри келувчи ЯИМ кўрсаткичларини умумий валютага келтириш орқали ҳисоблаш муҳим ҳисобланади, масалан, АҚШ долларарида ҳисоблаш қабул қилинган. Чунки турли валюталарда ҳисобланган таққослашлар катта аҳамият касб этмайди.

Аҳоли жон бошига тўғри келувчи маҳсулот қийматини бир умумий пул бирлигига келтириш зарур, акс ҳолда, бунинг ортидаги маълумот валюта курси туфайли бузиб кўрсатилиши мумкин. Мукамал бўлмаган валюта бозорлари баъзи пул бирликлари қийматини ҳаддан ташқари кўп баҳолайди, бошқаларини эса аксинча бўлиши мумкин. Баъзи мамлакатларда ЯИМ паст, лекин яшаш арзонроқ бўлиши мумкин. Минг доллар камбағал мамлакатларда бой мамлакатларга нисбатан кўпроқ маҳсулот ва хизматларни сотиб олиш билан бирга камбағал мамлакатнинг пул бирлигини жорий валюта курсида паст баҳоланади. Шу сабабли, агар доллар бошқа мамлакатнинг пул бирлигига харид қобиляти паритети (ХҚП) асосида валюта курси орқали ҳисобланса, ЯИМ анча аниқроқ бўлади. Бу шуни англатадики, ҳар қандай маҳсулот ёки хизмат тури бир мамлакатда бошқаси каби бир хил нархда бўлиши учун расмий валюта курсини тўғри ёлга қўйиш керак.

МДХ давлатларининг баъзи кўрсаткичлари, 2016 йил

	Аҳолиси (млн киши)	Аҳоли жон бошига ЯИМ, ХҚПда (минг АҚШ \$)	Аҳоли жон бошига ЯИМ, расмий валюта курсида (минг АҚШ \$)	ВКИ* Валюта курси индекси
МДХ	284	13,240	4,211	3,14
Россия	146,8	27,900	8,748	3,18
Украина	42,5	8,700	2,185	3,98
Беларусия	9,5	18,600	4,989	3,72
Молдавия	4,3	5,700	1,900	3,0
Армения	2,9	9,100	3,614	2,51
Азарбайжон	9,6	17,400	3,878	4,48
Қозоғистон	17,9	26,100	7,714	3,38

Қирғизистон	6,01	3,700	1,077	3,43
Тожикистон	8,7	3,100	795	3,89
Туркменистон	5,0	18,700	6,389	2,92
Ўзбекистон	32,1	6,640	2,210	3,01

*ВКИ = Валюта Курси индекси

Манбаа: www.worldbank.org/indicator

Маълумки, аҳоли жон бошига тўғри келувчи маҳсулотни ХҚП асосида ҳисоблаш жараёни осон эмас. Шунинг учун, Жаҳон Банки каби халқаро агентликлар ЯИМ кўрсаткичларини ХҚПда ҳам беришади. Юқоридаги статистик кўрсаткичларда ифодаланган МДХ давлатларида аҳоли жон бошига тўғри келувчи ЯИМ жорий валюта курсида ва ХҚПда берилган.

Келтирилган жадвалда биринчи бўлиб тўртта Европада жойлашган МДХ давлатлари, ундан сўнг иккита Кавказдаги давлатлар ва охирида бешта Марказий Осиё давлатлари берилган.

МДХнинг бутун аҳолиси 2017-йил 1-январ ҳолатига кўра 284 миллион кишини ташкил этиб¹³, Россия 146,8 миллион истиқомат қилувчилари билан гуруҳда етакчи ҳисобланади. Лекин бунга Россиянинг худуди катта тасъир қилади. Иккинчи ва учинчи ўринларда мос равишта Украина 42,5 миллион ва Ўзбекистон 32,1 миллион аҳоли билан эгаллаб турибди. *(Аслини олганда ҳозирда МДХ таркибида тўққизта давлат расман ўрин олган бўлиб, Украина ва Туркменистон кузатувчи аъзо ҳисобланишади.)*

МДХ давлатларида “ҳақиқий” яшаш стандарти кўрсаткичи расмий валюта курсида ҳисобланганда аҳоли жон бошига тўғри келувчи ЯИМ АҚШ долларларида жуда кам миқдорга эга бўлади. 2016-йилда МДХ бўйича аҳоли жон бошига тўғри келувчи ўртача ЯИМ 4,200 доллардан кўпроқни ташкил этди. Бир вақтда Жаҳон Банкига кўра Германияда бу кўрсаткич 42,200 долларни ташкил этган эди. Бир қарашда Германияда яшаш стандарти МДХ давлатларниқига қараганда 10 баробар яхшидек кўринади. Ёки, МДХ давлатлари ўртасидаги расмий курсда ҳисобланган ЯИМга эътибор қилсак ҳам катта фарқлар кўзга ташланади. Мисол учун, бу гуруҳда энг йирик кўрсаткич Россияда 8,748 доллар ва энг кам кўрсаткич Тожикистонда 795 долларни ташкил этади. Кўрсаткичлар Россияда Тожикистонга нисбатан ЯИМ 11 баробар кўп эканлигини ифодаламоқда. Лекин бу кўрсаткичлар нархлар даражаси ҳақида жуда кам маълумот беради.

МДХ давлатларида аҳоли жон бошига тўғри келувчи ҳақиқий ЯИМ паст, ёки жуда паст бўлиб, бу шундан далолат берадики, расмий валюта курслари нарх даражаларига жуда катта таъсир қилади. Шунинг учун ХҚП ни ҳисоблаш муҳим аҳамият касб этади.

ХҚП ҳисоблангандан сўнг ўртача яшаш стандарти (аҳоли жон бошига тўғри келувчи ЯИМ) аслига нисбатан тўрт баробарга ортди. Демак, МДХ мамлакатларида миллий валюталар анча паст баҳоланар экан.

ХҚП орқали тўғирланган кўрсаткичлар туфайли, эндиликда Россия 27,900 доллар билан энг юқори яшаш стандартига (аҳоли жон бошига тўғри келувчи ЯИМ) эришди. Тожикистон учун бу кўрсаткич 3,100 долларни ташкил этди. Лекин орадаги фарқ ўн бир баравардан ёққиз бараваргача камайди.

Юқоридаги жадвалда, шунингдек, МДХ давлатлари учун ВКИ (валюта курси индекси) ҳам берилган. ВКИ ҳисоблаб чиқилган ХҚПга аҳоли жон бошига тўғри келувчи ЯИМнинг нисбати орқали ифодаланган. Расмий валюта курси ҳар бир давлатда қониқарли нарх даражасини акс этириши керак. Агар бозорлар мукамал бўлганда эди, расмий курсда олинган ЯИМ ва ҳисобланган ХҚП ўртасида ҳеч қандай фарқ бўлмас эди. Юқоридаги жадвалда эса иккита кўрсаткич бири биридан кескин фарқ қилади ва МДХ мамлакатлари бўйича ўртача ВКИ 3,14 га тенг.

¹³ http://www.cisstat.com/eng/frame/_about.htm

ВКИ кўрсаткичи шуни англатадики, МДХ ҳудудига ғарбдан ташриф буюрувчининг юз доллари унга уч баробар харид қобилиятини тақдим этади. Чунки МДХ давлатларидаги ўртача истеъмолчи савати нархи унинг ғарбдаги эквивалентининг учдан бирига тенг. Лекин бу ҳолатда шуни назардан четда қолдирмаслик керакки, ғарбдан келганлар учун бу устунлик фақатгина ўртача истеъмол маҳсулотларини сотиб олишда асосли бўлиб, ҳашаматли меҳмонхоналар ва шунга ўхшаш жойдалардаги нархларга боғлиқ эмас.

МДХ мамлакатлари фуқароси Ғарбга ташриф буюрган вақтда эса, у ғарб валютасини сотиб олиш жараёнида пулининг паст баҳоланиши билан “жазоланади”.

Кўпинча бу каби миллий валютанинг паст баҳоланиши “валюта курси ҳимояланиши” сифатида таърифланади; у мамлакатнинг экспортга бўлган рақобатини ошириб, импорт қилишга бўлган хоҳишини камайтиради.

Ўзбекистонда шу каби муаммоларни инобатга олган ҳолда, 2017-йилнинг 2-сентябрида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Валюта сиёсатини эркинлаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-5177-сонли Фармони эълон қилинди. Бу Фармон амалдаги валютани тартибга солиш тизимини тубдан ислоҳ қилиш, валюта сиёсатини либераллаштириш, барча тадбиркорлик субъектларига ташқи савдо фаолиятини амалга оширишда тенг шароитлар яратишга қаратилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг мазкур Фармони қабул қилинишига мамлакатимиз экспорт салоҳиятини ошириш, ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини яхшилаш, жорий инвестицияларни жалб қилишга тўққинлик қилаётган қатор муаммо ва камчиликлар мавжудлиги сабаб бўлди.

Жумладан, валютани тартибга солишга ҳаддан зиёд маъмурий аралашув, ташқи савдо фаолиятини амалга оширишда иқтисодиётнинг айрим тармоқлари ва хўжалик юртувчи субъектлари учун алоҳида имтиёз ва преференциялар мавжудлиги оқибатида тадбиркорлик субъектлари ўртасида бизнесни юритишга доир тенг бўлмаган шарт-шароитлар пайдо бўлди ҳамда параллел чет эл валютаси бозори ва айирбошлаш курси вужудга келди.¹⁴

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 сентябрдаги ПФ-5177-сонли Фармони билан Ўзбекистон Республикасининг резиденти бўлган жисмоний шахсларга чет эл валютасини тижорат банкларининг валюта айирбошлаш шохобчаларига эркин сотиш ва конверсион бўлимларидан сотиб олиш ва чет элда ҳеч қандай чекловларсиз ишлатиш ҳуқуқи берилди.

Миллий валютанинг ягона тўлов воситаси сифатидаги мавқеини мустаҳкамлаш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида товар ва хизматлар (ишлар) учун чет эл валютасида тўловларни амалга ошириш тақиқланди. Шу жумладан, ушбу Фармон билан товар, иш ва хизматлар учун нарх ва тарифлар, шунингдек, жамиятларнинг устав капиталига қўйиладиган минимал талаблар фақат миллий валютада белгиланиши қайд этилди.

Шу муносабат билан, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида транспорт экспедитсияси шартномалари (юкларни етказиб бериш манзилидан қатий назар) бўйича ҳисоб-китоблар фақат Ўзбекистон Республикаси миллий валютасида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 сентябрдаги «Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида» ги ПФ-5177-сонли Фармонига кўра, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида товар (иш ва хизмат)лар учун тўловларни чет эл валютасида амалга ошириш тақиқланади, халқаро тажрибага мувофиқ халқаро тўлов карталари орқали тўловлар бундан мустасно.

Юқорида қайд этилган ўзгартиришлар ва қўшимчаларга кўра, чет эл валютасида даромад олувчи юридик шахс ташкил этмасдан фаолият кўрсатувчи якка тартибдаги тадбиркорлар ва фермер хўжаликларига ўз маблағларини эркин тасарруф қилишларини кафолатлаш мақсадида, уларнинг банк ҳисобварағидан чет эл валютасини нақд кўринишида олиш ҳуқуқи берилди.

¹⁴ www.cbu.uz

Марказий банк томонидан валюта курсининг эркинлаштирилиши натижасида тижорат банклари кредит портфелининг хорижий валютадаги қисми бўйича вужудга келиши мумкин бўлган ўзгаришлар ва уларнинг салбий оқибатларини бартараф этиш юзасидан амалга оширилиши лозим бўлган ишлар таҳлил этилди.

Мамлакат ҳудудидаги барча тўловлар миллий валютада амалга оширилиши лозимлигини инобатга олиб ҳамда ноқонуний ва спекулятив операцияларни олдини олиш мақсадида эҳтиёж учун зарур бўлган валютани қонуний равишда эркин харид қилиш имконини берувчи чет эл валютасини сотиб олиш тартиби жорий этилди.

Чет эл валютаси олди-сотдиси бўйича банк хизматларининг оммабоплигини таъминлаш учун Марказий банк ва тижорат банклари томонидан қатор чора-тадбирлар амалга оширилди.

1. Барча вилоятларда кенг қамровли валюта айирбошлаш шохобчалари тармоғи яратилиб, ҳозирда уларнинг умумий сони 900 дан ошди ва уларда мижозларга тезкор хизмат кўрсатиш учун барча зарур шарт-шароитлар мавжуд. Аҳолига валюта айирбошлаш операциялари бўйича хизмат кўрсатиш учун банк инфраструктурасини кенгайтириш ишлари давом эттирилмоқда.

2. Жисмоний шахсларнинг конверсион карталаридан чет элда фойдаланиш бўйича барча чекловлар бекор қилинди, хусусан:

- банкоматлар орқали чекланмаган миқдорда нақд чет эл валютасини ечиш имконияти яратилиб, барча мавжуд кунлик ва ойлик чекловлар бекор қилинди;
- конверсион карталардан фойдаланишда мамлакат ва турли хил мақсадлар бўйича ўрнатилган чекловлар бекор қилинди. Эндиликда ушбу карталар орқали дунёнинг барча мамлакатларида исталган дўкон, меҳмонхона ва тўлов қабул қилиш имкони мавжуд бўлган нуқталарда тўловларни амалга ошириш мумкин;
- конверсион карталардаги маблағлардан Ўзбекистондаги банклар орқали тегишли ҳужжатлар (инвойс) тақдим этган ҳолда даволаниш, ўқиш ва бошқа мақсадлар учун фойдаланиш мумкин.

3. Якка тартибдаги тадбиркорларга чет эл валютасини сотиб олиш имконияти берилди. Натижада истеъмол товарлари импорти билан шуғулланувчи якка тартибдаги тадбиркорларга чет эл валютасини жисмоний шахслар учун ўрнатилган тартибда, банклардаги ҳисобварақлар орқали сотиб олишга рухсат берилди (харид қилинган чет эл валютаси банк ҳисобварағига ўтказилади ва мижозга халқаро тўлов картаси тақдим этилади).

Шу муносабат билан, якка тартибдаги тадбиркорлар чет эл валютасини чекланмаган миқдорда харид қилиб, ушбу маблағларни ўз хоҳишига кўра, жорий халқаро операциялар (товар ва хизматлар импорти) тўловлари учун ёналтиришлари мумкин. Бунда чет эл валютасини харид қилишда савдо тушуми ва банкка кирим қилинган маблағлар ҳисобидан амалга оширишлари мумкин.

Валюта курсининг бозор механизмлари асосида шаклланиши ва унинг ташқи иқтисодий шароитларга мос равишда ўзгариб бориш хорижий валютага бўлган талаб ва таклифни мувозанатлаштириш имконини беради. Бошқача қилиб айтганда, айнан бозор механизмлари асосида шаклланидиган валюта курси ташқи шароитлар ўзгаришига тез мослашиш ва унинг салбий оқибатларини минималлаштириш орқали “автоматик стабилизатор” функциясини бажаради.

Ташқи омилларнинг таъсири кучайган шароитда айирбошлаш курсини барқарорлаштириш бўйича пул-кредит сиёсати имкониятларининг чекланганлигини инобатга олган ҳолда Марказий банкнинг асосий эътибори валюта курси ўзгаришларининг салбий оқибатларини юмшатишга, яъни ички нархлар ошишининг олдини олишга қаратилади.

Хусусан, девальвация жараёнлари юзага келганда Марказий банкнинг фоиз сиёсати монетар омилларнинг инфляцияга таъсирини камайтириш, сўмнинг харид қобилиятини сақлаб қолиш ва миллий валютадаги молиявий активларнинг (аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг жамғармалари) кадрсизланишига йўл қўймасликка қаратилади.

Валюта курсининг эркинлаштирилиши оқибатида тижорат банклари кредит портфелининг хорижий валютадаги қисми бўйича вужудга келиши мумкин бўлган ўзгаришлар ва уларнинг салбий оқибатларини бартараф этиш юзасидан амалга оширилиши лозим бўлган ишларнинг Марказий банк томонидан таҳлил этилиши натижасида Марказий банк тижорат банкларга:

- хорижий валютада кредит олган ҳар бир мижоз билан биргаликда ушбу кредитларни қайтариш имкониятларини ўрганиб чиқиш;
- ўрганиш натижасида мижознинг пул оқими амалдаги кредит шартномаси бўйича ўз мажбуриятини амалга оширишга етмаган тақдирда, мижоз билан биргаликда, ойлик тўловни 2017 йилнинг сентябр ойига қадар амалга оширилган тўлов миқдоридан камайтирмаган ҳолда, асосий қарзни қайтариш миқдорини кейинги муддатларга ўтказиш орқали камайтириш ёки кредитни қайтариш муддатини узайтириш юзасидан кредит шартномасига тегишли ўзгартиришлар киритиш масаласини кўриб чиқишни тавсия қилди.

ЎЗБЕКИСТОНДА ТАШҚИ САВДОНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ БУГУНГИ КУНДАГИ ҲОЛАТИ

и.ф.д. профессор Расулова Д. В., ТМИ

Бугунги кунда Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятида ўзининг мустақил овозига эга бўлган давлат даражасига кўтарилди ва нуфузли халқаро ташкилотларга аъзо бўлди. Дунёдаги саноати ривожланган етакчи мамлакатлар билан сиёсий-дипломатик, савдо-иқтисодий ва маданий алоқалар ўрнатмоқда. Икки ва кўп томонлама манфаатли алоқалар тобора ривожланиб бормоқда. Шундай шароитда мамлакатнинг ташқи иқтисодий имконияти табиий ресурсларнинг мавжудлиги, ишлаб чиқариш ва илмий-техник имкониятларнинг барпо этилиши, инфратузилма, ижтимоий соҳа, маҳсулот ва хизматларнинг мамлакат ташқарисига экспорт қилиниши ёки чет эл фуқароларига, корхона ва ташкилотларига, шу жумладан республикадаги хорижий корхоналар ва қўшма корхоналарга сотилиши билан аниқланади.

Шунинг учун ҳам, мамлакат иқтисодиётини барқарор ривожланишида нафақат аҳолининг озиқ-овқат ва саноат маҳсулотларига ҳамда турли хил хизматларга нисбатан ўсиб бораётган эҳтиёжларини тўлиқ қондиришда балки, республикадаги барча ишлаб чиқариш соҳаларининг тайёр техника ва технолигияга бўлган эҳтиёжларини таъминлашда ташқи савдо, яъни, экспорт ва импорт муҳим ўрин эгаллаб, бугунги иқтисодиётни модернизациялаш ва диверсификациялаш шароитида унинг аҳамияти каттадир.

Мазкур масалаларга Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармонида¹ “... ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни рағбатлантириш сиёсатини давом эттириш ҳамда, энг аввало, истеъмол товарлар ва бутловчи буюмлар импортининг ўрнини босиш, тармоқлараро саноат кооперациясини кенгайтириш ҳамда экспорт фаолиятини либераллаштириш ва соддалаштириш, экспорт таркибини ва географиясини диверсификация қилиш, иқтисодиёт тармоқлари ва худудларнинг экспорт салоҳиятини кенгайтириш ва сафарбар этиш тўғрисида ...” ва шунингдек, “Ташқи савдо соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 13 апрелдаги ПФ-5012-сон Фармонида² “... ташқи савдо фаолияти соҳасида ягона давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, жаҳон бозорларининг комплекс маркетинг тадқиқотларини олиб бориш, Ўзбекистон

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармонининг 1-илоvasи “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”. Lex.uz.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ташқи савдо соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ПФ-5012 13.04.17 й. http://taraqqiyot.uz/about/article_post/tashk-i-savdo-so-asida-boshk-aruv-tizimini-takomillashtirish-chora-tadbirlari-to'grisida.

Республикасининг экспорт салоҳиятини ривожлантириш дастурларини амалга оширишда кўмаклашиш, ташқи бозорлардаги талаб-эҳтиёжларни ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилаётган юқори қўшилган қийматли маҳсулотларнинг рақобатдошлигини кучайтириш ва ривожлантириш бўйича амалий чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, хўжалик юритувчи субъектлар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар тури ва хилларини тизимли асосда таҳлил қилиш, ташқи бозорларда унинг рақобатдошлиги даражасини аниқлаш, тегишли маълумотлар базасини шакллантириш, товарлар, ишлар ва хизматлар экспортини қўллаб-қувватлаш, Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлар билан савдо ҳамкор-лигини кенгайтириш ва мустақамлашга кўмаклашиш, Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариладиган товарлар, ишлар ва хизматларнинг ташқи бозорларга чиқиши учун қулай шарт-шароитларни таъминлаш, сотиш бозорларини диверсификациялашга йўналтирилган тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, ишончли хорижий савдо шерикларини излаш ва танлашда хўжалик юритувчи субъектларга, шунингдек, маҳаллий корхоналарнинг тендер савдоларида, халқаро савдо-саноат кўргазмалари, ярмаркаларида ва хорижий мамлакатларда ўтказиладиган бошқа шундай тадбирларда иштирок этишларига амалий ёрдам кўрсатиш, импорт бўйича келтириладиган товарлар (ишлар, хизматлар)нинг ҳажми ва таркибини чуқур таҳлил қилиш, маҳаллий хомашё негизида импорт ўрнини босадиган тайёр маҳсулот, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқариш ҳамда уларни маҳаллийлаштириш масалалари юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш, мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифатини ошириш бўйича концепция ва дастурлар ишлаб чиқишда қатнашиш, ташқи савдо асосий кўрсаткичлари параметрларини шакллантиришда ва Ўзбекистон Республикасининг божхона-тариф сиёсатини такомиллаштиришда иштирок этиш, ташқи савдони либераллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш, товарлар (ишлар ва хизматлар), шу жумладан, ўзига хос товарлар ва саноат маҳсулотлари ташқи савдоси, шунингдек, ташқи савдода тариф ва нотариф бошқаруви чораларини қўллаш соҳасида давлат сиёсатини амалга ошириш билан боғлиқ тадбирларни мувофиқлаштириш ...” ва “Ташқи савдо фаолиятини янада эркинлаштириш ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 3 ноябрдаги ФҚ-3351-сон Қарорларида³ “Ташқи савдо фаолиятини янада эркинлаштириш, ташқи бозорларда талаб юқори бўлган маҳсулотларнинг экспорт ҳажмлари ва турларини кўпайтириш, тадбиркорлик субъектларининг рақобатбардош-лигини ошириш ва молиявий барқарорлигини таъминлаш, экспортга божхона расмийлаштируви, Ташқи савдо операцияларининг ягона электрон ахборот тизимида (ТСОЯЭА) ҳисоб-китоблар тўғрисидаги маълумотномасиз амалга ошириш ...” каби жиҳатларига алоҳида эътибор қаратилган.

Ўзбекистонда ташқи савдо ва унинг иқтисодий ривожлантиришдаги аҳамияти, экспорт ва импорт муносабатларини ривожлантиришнинг инновацион бошқаруви самарадорлиги масалалари бўйича муаммонинг умумий томонлари қатор иқтисодчи олимларимиз томонидан ўрганилган. Уларнинг ишлари хўжалик юритишнинг бозор иқтисодиёти шароитида ташқи савдо ва экспорт-импорт муносабатларини самарали юритиш назарияси ва амалиётини ишлаб чиқишга катта ҳисса қўшган, жумладан:

Мамлакат ташқи иқтисодий потенциалини аниқловчи энг муҳим иқтисодий кўрсаткичлар ишлаб чиқариш ҳажми, шу жумладан аҳоли жон бошига, ЯИМда товар ва хизматлар экспортининг улуши ҳамда товарлар умумий экспорти ҳажмида саноат товарлари улуши ҳисобланади.

Товарларнинг экспорт таркиби фан-техника ютуқлари ва халқаро меҳнат тақсимотининг чуқурлашуви таъсири остида ўзгариб боради. Ҳозирги даврда халқаро савдонинг экспорт таркибида қайта ишловчи саноат маҳсулотлари етакчи ўринга эга бўлиб,

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ташқи савдо фаолиятини янада эркинлаштириш ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори ФҚ-3351 03.11.17 й. https://www.norma.uz/raznoe/tashqi_savdo_faoliyatini_yanada_erkinlashtirish_va_tadbirkorlik_subektlarini_qullab-quvvatlash_chora-tadbirlari_tugrisida

унинг ҳиссасига жаҳон товар айрибошлаганининг 3/4 қисми тўғри келади. Озиқ-овқат, хом-ашё ва ёқилғи улуши фақат 1/4 қисмини ташкил қилади.

Хизматлар экспорти товарлар экспортдан фарқ қилади. Чет эллик истеъмолчиларга хизматкўрсатиш, чет эл валюталарини олиш билан боғлиқ бўлиб, у миллий чегарада амалга оширилади (масалан, чет эл компанияси вакилларига почта, телеграф хизмати кўрсатиш, чет эл фуқароларига сайёҳлик хизмати кўрсатиш ва ҳ.к.).

Капитал экспорт қилиш ҳам ўзига хосхусусиятларга эга бўлади. Капитал экспорти кредит бериш ёки чет эл корхоналари акцияларига мақсадли қўйилмалар каби шаклларда амалга оширилиб, капитал чиқарилган вақтда экспорт қилувчи мамлакатдан маблағлар оқимини тақозо қилади ва шу орқали тасарруфида бўлган ресурслар ҳажмини қисқартиради.

Экспорт салоҳияти (экспорт имкониятлари) –бу мазкур мамлакат томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг ўз иқтисодиёти манфаатларига путур етказмаган ҳолда жаҳон бозорида сотиши мумкин бўлган қисмидир.

Қайсидир мамлакат ишлаб чиқарувчи мамлакатдан товарни ўз истеъмоли учун эмас, балки учинчи мамлакатга қайта сотиш учун олган тақдирдарэксспорт рўй беради, реимпорт эса истеъмолчи мамлакатдан реэксспорт товарни сотиб олишни билдиради.

Агар мамлакатда экспорт миқдори импорт миқдоридан ошиб кетса, бу нималарга таъсир қилади?⁴

Биринчидан, мамлакат олтин валюта захиралари ҳажмига таъсир қилади. Чунки, экспортни биз хорижий валютага сотамиз ва ўз навбатида импортни ҳам хорижий валютага сотиб оламиз, яъни экспортнинг импортдан ошиши – мамлакатга соф хорижий валютанинг кириб келишини билдиради.

Иккинчидан, бу соф хорижий валютанинг кириб келиши ўз навбатида миллий валюта алмашув курсига таъсир қилади:

Хорижий валюталар кириб келишининг ўсиши (соф экспорт > 0) => Валюта бозоридаги хорижий валюталарнинг ўсиши => бозордаги талаб ва таклиф қонунига асосан миллий валютанинг мустаҳкамланишини билдиради.

Учинчидан, халқаро иқтисодий инфратузулмадаги шарт-шароитларнинг яратилиши мамлакатдаги инфляцияга таъсир қилади:

Экспорт товарлар нархининг ўсиши => хорижий валюталарнинг ўсиши (соф экспорт > 0) => Мамлакат ичида сўмга бўлган талабнинг ошиши (экспортчиларга сўм керак - қонун бўйича мамлакат ичидаги солиқлар, иш ҳақи ва бошқа тўловларни олиб боришга) => Марказий банк бу талабни қондириши зарур – қоғоз пул чиқариш орқали (сўмнинг эмиссияси) => Иқтисодиётда инфляция тенденцияси рўй беради.

Тўртинчидан, Мамлакатнинг ташқи қарзи ҳажмига таъсир қилади (мамлакатнинг ташқи савдодаги ижобий қолдиғи халқаро бозорларга қарамликни юмшатади ва мамлакатнинг ташқи қарзини хорижий валютада тўлаш имконини беради).

Бешинчидан, инвестициявий муҳитга ижобий таъсир қилади (чунки, сармоячилар бундай ҳолатларга жиддий эътибор беришади).

Нима сабабдан мамлакатлар ташқи савдо ёки халқаро савдо алоқаларини янада кенгайтиришга аҳамият берадилар?

Чунки, ҳар қандай айирбошлаганининг аҳамияти, унинг самарадорлиги билан, шу жумладан, халқаро миқёсда ҳам келишилган битимлардан томонларнинг оладиган самараси билан белгиланади. Яъни, хоҳ товар ва хоҳ хизматлар савдоси бўлсин, айирбошлаганидан олинадиган афзалликка ҳар бир қатнашувчи мамлакат эга бўлади ва натижада бутун жаҳон хўжалиги тизими ўзаро манфаатдор бўлади.

Мамлакатлар ўртасидаги халқаро айирбошлаш ва халқаро савдонинг ривожланишида глобаллашувнинг аҳамияти тўғрисида гапирадиган бўлсак, мамлакатлар қадим замонлардан буён моддий ноз-неъматларни тайёр маҳсулотлар ва турли хил ресурслар кўринишида ўзаро айирбошлаб келишган, яъни бир-бирлари билан халқаро иқтисодий муносабатларга

⁴ <https://otvet.mail.ru/question/42036359>.

киришишган. Ўз навбатида, айирбошлашнинг ҳажми ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиш даражасига ва товар ишлаб чиқариш ҳажмининг ошишига боғлиқ бўлган. Чунки, ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши, бир томондан, мамлакатлар ўртасида хўжалик алоқаларининг кенгайишига имкон яратса, иккинчи томондан, турли хил хомашёлар, материаллар ва бошқа ресурсларга бўлган талабнинг ошиб бориши айирбошлаш заруриятини келтириб чиқаради.

Жаҳон иқтисодиётида глобаллашувнинг шаклланиши мамлакатлар ўртасида савдо-иқтисодий алоқаларнинг ривожланишига олиб келган [9]. Глобаллашувнинг I босқичи 1870-1913 йиллар мобайнида шаклланди ва бу давр мобайнида товарлар айирбошлаш 20 мартагача ошди ёки жаҳон ишлаб чиқаришининг 33 фоизини ташкил этди. Глобаллашувнинг II босқичи 1950-1973 йилларга тўғри келади ва бу давр жаҳон ишлаб чиқаришида ва савдосида “олтин давр” ҳисобланади. Глобаллашувнинг III босқич даври ўз ичига 1983 йилдан бошлаб ҳозирги кунгача давом этиб келмоқда ва бу босқичда жаҳон иқтисодиётида йирик интеграцион ҳудудлар, яъни НАФТА, Европа Иттифоқи, АСЕАН, АТЕС, МЕРКОСУР ҳамда Япония блокининг пайдо бўлиши рақобатбардош товарлар ишлаб чиқариш орқали дунё бозорларига кириб боришни асосий мақсад қилиб олдилар.

Ўз навбатида халқаро савдонинг ривожланиши Умумжаҳон савдо ташкилоти мамлакатлари ўртасидаги савдо алоқаларини тартибга солиш, (ГАТТ-the General agreement on tariff and trade) назорат қилиш ёки бир неча мамлакатнинг бошқаларга нисбатан камситилишига йўл қўймаслик каби муҳим вазифаларни бажариши натижасини билдиради⁵.

Мамлакатимизда халқаро савдо-иқтисодий алоқалар ўрта асрлардан бошланган ва у бугунги интеграциялашув жараёнида ҳам ўз ўрнига эга.

Айниқса, Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг халқаро савдони эркинлаштиришнинг асосий омилларидан бири халқаро иқтисодий ташкилотларга аъзо бўлиш ва ана шу ташкилотлар доирасида фаолият кўрсатиш жараёнларини фаоллаштириши зарур эди. Ўзбекистон Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ), Европа Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ИХХТ), Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДХ), Шанхай Ҳамкорлик ва хавфсизлик ташкилоти (ШХХТ), Марказий Осиё Ҳамкорлик Ташкилоти (МОХТ), Иқтисодий Ҳамкорлик Ташкилоти (ИХТ), Жаҳон Савдо Ташкилотининг кузатувчиси (ЖСТ), Жаҳон Банки (ЖБ), Халқаро Тикланиш ва тараққиёт банки (ХТТБ), Халқаро ривожланиш уюшмаси, Халқаро молия корпорацияси (ХМК), Осиё тараққиёт банки, Ислом тараққиёт банки, ЮНЕСКО ва шу каби ўнлаб нуфузли халқаро ташкилотларнинг аъзоси бўлди.

Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашувида Халқаро валюта фонди (ХВФ) билан ҳамкорлиги алоҳида ўрин тутди. Давлатимиз томонидан олиб борилаётган ташқи сиёсат ҳар жиҳатдан дунёда ўз мавқеига эга ва халқаро иқтисодий алоқаларни йўлга қўйишда ҳам ўрнак бўла олади.

Хўш, Ўзбекистон халқаро савдода иштирок этишнинг барча ҳуқуқий-меъёрий талабларига жавоб берар экан, унинг иқтисодиётида экспорт ва импортни ривожлантириш орқали қандай имкониятларга эга бўлади?

Биринчидан, ташқи бозорга ўзининг тайёр маҳсулотлари билан чиқаётган ишлаб чиқарувчилар рағбатлантирилади, яъни улар маҳсулотларини экспорт қилиш орқали барқарор валюта захираларига эга бўладилар.

Иккинчидан, ишлаб чиқарувчилар ўз эҳтиёжидан келиб чиқиб ишлаб чиқаришни кенгайтириш мақсадида техника ва технологияларни харид қилиш имкониятига эга бўлади.

Учинчидан, ташқи бозорларни мониторинг қилиш орқали ички ва ташқи бозорларда талабгор бўлган импорт ҳамда экспорт товарлари ўрнини босувчи маҳсулотларни ишлаб чиқарадиган янги корхоналарни куриш, янги иш ўринларини шакллантириш имконини беради.

⁵ Болтабоев М., Кўчаров А., Зикриёев А., Ўзбекистоннинг халқаро савдода тугган ўрни. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси “Фан” нашриёти, 2005. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти, 2005. 6-12 б.

Тўртинчидан, миллий иқтисодиётда технологик янгиланиш амалга ошади ва миллий sanoat ишлаб чиқаришига янги техника ва замонавий ускуналар ўрнатилади ва натижада жаҳон бозорида рақобатлаша оладиган миллий маҳсулотлар ишлаб чиқарила бошлайди.

Бешинчидан, мамлакатимизда халқаро савдо-иқтисодий алоқалар ривожланиши орқали миллий иқтисодиётнинг жаҳон иқтисодиётига интеграллашуви янада мустаҳкамланади.

МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

**профессор М.Б.Усмонов,
Ўз.Р. Миллий Гвардияси Ҳарбий-техника институти**

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида хусусий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга давлат сиёсати даражасидаги масала сифатида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев томонидан 2018 йил “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили”, деб номланди.

Юртбошимиз томонидан ушбу йилда фаол тадбиркорлар сафини кенгайтириш, хусусан, юқори технологиялар, илм-фаннинг энг сўнгги ютуқларига асосланган техника ва асбоб-ускуналарни мамлакатимизга олиб келиш ва жорий этиш учун муносиб шароит яратиш, хориждаги етакчи компания ва ташкилотларда тажриба орттириш, ўзаро манфаатли ҳамкорлик қилиши вазифаси қўйилди.

Бугунги кунда хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг 56,7 фоизи ишлаб чиқарилмоқда, sanoat маҳсулотларининг учдан бир қисми, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 98 фоизи етиштирилмоқда. Иш билан банд жами аҳолимизнинг 77 фоиздан ортиғи мазкур тармоқда меҳнат қилмоқда. Хусусан, 2017 йилда янги sanoat корхоналарини қуриш, хизмат кўрсатиш объектларини ишга тушириш ҳисобидан 336 мингдан зиёд янги иш ўринлари ташкил этилди.

Шу сабабдан, мамлакатимизда хусусий тадбиркорлик фаолиятининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 15 майдаги “Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги тарихий фармони асосида Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига алоҳида янги “тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилиш, қонунга хилоф равишда аралашуш билан боғлиқ жиноятлар ҳамда хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига тажовуз қиладиган бошқа жиноятлар” таҳриридаги 11 моддадан иборат 13-боб, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга алоҳида янги “Тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилганлик, қонунга хилоф равишда аралашганлик ҳамда хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига тажовуз қиладиган бошқа ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик” таҳриридаги 11 моддадан иборат 16-боб киритилди.

Ушбу қўшимча ва ўзгартиришларга биноан хусусий мулк ҳуқуқини бузиш, тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини текшириш ва молия-хўжалик фаолиятини тафтиш қилиш тартибини бузиш, тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини ва (ёки) уларнинг банклардаги ҳисоб-варақлари бўйича операцияларни қонунга хилоф равишда тўхтатиб туриш, тадбиркорлик субъектларини ҳомийликка ва бошқа тадбирларга мажбурий жалб этиш, лицензиялаш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини ва рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш, хўжалик юритувчи субъектларга ва бошқа ташкилотларга пул маблағлари беришни асоссиз равишда кечиктириш каби ҳуқуқбузарликлар учун жиноий ва маъмурий жавобгарлик қўлланиладиган бўлди.

Мамлакатимизда бугунги кунда амалга оширилаётган ислохатларнинг янги тараққиёт босқичида тадбиркорлар ҳуқуқини ҳимоя қилишни янада такомиллаштириш ҳамда Асосий қонунимизда ўрнатилган “ҳар бир шахс мулкдор бўлишга ҳақли” ва “хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясида”, деган қоидаларни амалда таъминлаш мақсадида янги институт - Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги “Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил” институти таъсис этилди ва унинг ҳуқуқий мақомини белгилашга қаратилган Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 29 августдаги “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил тўғрисида”¹⁵ги қонуни қабул қилинди.

Шунингдек, бугунги кунда тадбиркорлик соҳасини ривожлантиришга бағишланган бир қатор муҳим Президент фармонлари қабул қилинди. Чунончи, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2016 йил 5 октябрда “Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатдан яхшилашга доир қўшимча чор-тадбирлар тўғрисида”¹⁶ги фармони қабул қилиниб, унда хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва унинг дахлсизлиги кафолатларининг ҳуқуқий механизмининг янада мустаҳкамлаш, тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги бюрократик тўсиқларни бартараф этиш мақсадида хусусий тадбиркорликка кенг эркинлик бериш, уларнинг фаолиятига давлат органларининг аралашувини тубдан қисқартириш, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олди олинишини таъминлаш тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантириш соҳасидаги давлат сиёсатининг устувор йўналиши ва давлат органларининг биринчи даражали вазифаси сифатида белгилаб берилди.

Ушбу фармонга биноан 2017 йилнинг 1 январидан бошлаб тадбиркорлик субъектларини режадан ташқари текширишларнинг барча турлари бекор қилинди, молия-ҳўжалик фаолиятини амалга оширишда биринчи марта ҳуқуқбузарлик содир этган тадбиркорлик субъектлари йўл қўйилган қонунбузарликларни қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда ихтиёрий равишда бартараф этган ва етказилган моддий зарарни қоплаган тақдирда, маъмурий ва жиноий жавобгарликдан ҳамда жарима ва молиявий санкциялар қўлланилишидан озод этилди.

Шуни айтиш керакки, тадбиркорлик фаолияти соҳасида қабул қилинган 40 дан ортиқ меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда тадбиркорлик субъектларини ташкил қилишни соддалаштириш билан боғлиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди, ушбу ўзгартириш ва қўшимчаларга биноан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи, назорат органларининг тадбиркорлик фаолиятига ноқонуний аралашувини бартараф этиш учун қатъий тартиб ўрнатилди. Давлат, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари билан ўзаро муносабатларда тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқининг устуворлиги тамойили жорий этилди.

Хулоса қилиб айтганда, иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш учун хусусий тадбиркорлик фаолиятининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш ушбу соҳани ривожлантиришга, мамлакатимиз иқтисодиётини юксалтиришга, халқимизнинг фаровонлигини оширишга хизмат қилади.

МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТДА КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИНИНГ ТАРКИБИЙ ТУЗИЛМАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

У.В.Ғафуров – и.ф.д., доцент, БМА

Президентимиз Ш.М.Мирзиёевнинг мамлакатимизда фаол тадбиркорликни ривожлантириш масалаларининг аҳамияти ҳақида “Фаол тадбиркорлик бизнес фаолиятини

¹⁵Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017, 35-сон, 915-модда

¹⁶Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016, 40-сон, 467-модда

инновацион, яъни замонавий ёндашувлар, илғор технология ва бошқарув усуллари асосида ташкил этадиган иқтисодий йўналишдир”¹⁷ деб таъкидлаши яна бир бор мазкур соҳанинг миллий иқтисодиётимиз тараққиётидаги муҳим ролини белгилаб берди.

Миллий иқтисодиётда кичик бизнеснинг тўлақонли ривожланиши ҳамда ўз вазибаларини самарали бажаришида соҳа таркибий тузилмасининг мукамаллик даражаси муҳим ўрин тутди. Таркибий тузилманинг мукамал бўлиши кичик бизнес салоҳиятидан тўлиқ фойдаланиш ҳамда унинг рақобатбардошлигини ошириш имконини беради. Иқтисодий тараққиётнинг юксалиб бориши билан кичик бизнеснинг таркибий тузилишини такомиллаштириш объектив заруратга айланади. Чунки, мамлакатдаги барқарор иқтисодий ўсиш суръатларини, ЯИМ ҳажмидаги, бандликни таъминлашда соҳа улушини ошириб бориш пировардида янгидан-янги кичик бизнес субъектларининг ташкил этилишини тақозо этади. Бу эса кўп жиҳатдан кичик бизнес таркибида юқори технологик ишлаб чиқаришнинг устувор ҳолдаги ривожланишига боғлиқ.

Кичик бизнес корхоналарининг таркиб топиши жиҳатидан бир неча йўллари мавжуд:

- муайян аҳоли яшаш пунктида ижтимоий ва бозор инфратузилмаси объектлари сифатида (чакана савдо дўконлари, умумий овқатланиш шохобчалари, маиший хизмат кўрсатиш корхоналари, бозорчалар, кичик ишлаб чиқариш корхоналари (нон заводлари, қандолатчилик корхоналари ва бошқ.)). Буларнинг сони мазкур ҳудуддаги аҳоли сони ва уларнинг мазкур маҳсулот ва хизматларга талаби билан аниқланади. Бироқ, аҳоли пункти ва йирик корхоналар билан боғлиқ тадбиркорлик субъектлари сонининг ўсиши маълум чегарага эга бўлиб, унга муайян турдаги маҳсулот ва хизматга бўлган талаб ҳажми, муайян вақт оралиғида ўртача битта кичик бизнес корхонаси (тадбиркорлик субъекти) томонидан муайян талабни қондириш имконияти каби омиллар таъсир кўрсатади;

- йирик корхоналар, айниқса шаҳар ташкил этувчи йирик корхоналар атрофида ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилма объектлари сифатида;

- мустақил товар ишлаб чиқарувчи ва хизмат кўрсатувчи корхоналар сифатида.

Юқоридаги фикрга таянган ҳолда, кичик бизнес фаолияти учун ташкил этиш жиҳатидан энгил ва қулай ривожланиш шарт-шароитларига эга бўлган анъанавий соҳа ва тармоқлар (масалан, чакана савдо, умумий овқатланиш, маиший хизмат кўрсатиш ва бошқалар) ҳамда маълум даражада технологик асосларни тақозо этувчи, ташкил этилиши жиҳатидан нисбатан мураккаброқ талабларга эга ноанъанавий соҳа ва тармоқларни ажратиш мумкин.

Шуни таъкидлаш лозимки, аксарият тадбиркорлар ўз капиталларини дастлаб анъанавий соҳа ва тармоқларга киритадилар. Бу ҳолатни қуйидаги сабаблар орқали изоҳлаш мумкин: мазкур соҳа ёки тармоқ маҳсулотлари (хизматлари)нинг бирламчи, энг зарур, ҳар кунлик эҳтиёжларни намоён этиши; уларда фаолиятни ташкил этишнинг тадиркорлардан у қадар катта ҳажмдаги капиталга, махсус билимга эга бўлиш, алоҳида рухсат олиш каби мураккаб талаблар қўймаслиги; капитал айланиш тезлигининг нисбатан катта эканлиги; фойда нормасининг дастлабки босқичда юқори бўлиши; соҳага кириш ва ундан чиқишнинг нисбатан эркинлиги; товар ва хизматларнинг муайян харидорлари мавжудлиги ва ҳ.к.

Миллий иқтисодиёт ривожланишининг дастлабки палласида тадбиркорлик субъектлари сонининг озлиги натижасида улар ўртасидаги рақобат кучсиз бўлиб, олиндиған фойда нормаси юқори бўлади. Кейинчалик иқтисодиётдаги тадбиркорлик субъектлари сонининг жадал ўсиб бориши корхоналар ўртасидаги рақобатнинг кучайишига; ҳар бир корхонага тўғри келувчи ўртача савдо ҳажмининг камайишига; нарх даражаси ҳамда фойда нормасининг пасайишига олиб келади. Бу эса, тармоқлараро рақобат самарасининг амал қилишига, яъни, биринчидан, анъанавий соҳаларда фойда нормасининг пасайиши натижасида бошқа соҳалардаги фойда нормасининг нисбатан юқори бўлиши; иккинчидан, анъанавий соҳаларда рақобатнинг ҳаддан ташқари кучайиши ва ўртача фойда нормасининг пасайиши сабабли бошқа ноанъанавий соҳаларга капитал киритилиши ҳажмининг сезиларли

¹⁷ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2017 йил 22 декабрь. – www.uza.uz

даражада ошиши; «капиталнинг дастлабки жамғарилиши» ҳамда фан-техника тараққиётининг жадал суръатлари таъсирида техника ва технологияларнинг арзонлашуви жараёнларининг эндиликда кичик тадбиркорлик субъектлари учун ҳам катта маблағ тақозо этадиган ноанъанавий соҳа ва тармоқларга кириш имкониятини туғдиришига имкон яратади.

Бундан кўринадики, кичик тадбиркорлик учун анъанавий бўлган соҳаларда янги корхоналарни ташкил этиб бориш имконияти маълум даражадан кейин чекланиб боради. Чунки, анъанавий соҳаларда ташкил этилувчи кичик бизнес корхоналари сони муайян ҳудуд (маҳаллий бозор)даги маҳсулот ва хизматларга талаб ҳажмига бевосита ва узвий боғлиқ бўлиб, ушбу талабни қондириш имконини берувчи корхоналар сони билан чегараланади. Корхоналар сонининг мазкур чегарадан ошиб кетиши маҳсулот ва хизматларга нисбатан ўзгармас талаб ҳажмининг бозордаги янги иштирокчиларга ҳам тақсимланиши натижасида мавжуд рақобатнинг янада кучайишига олиб келади.

Мазкур назарий ёндашувдан, айниқса, аҳоли яшаш пунктлари ва массивларида муайян товар ва хизматлар тури бўйича ташкил этилиши мумкин бўлган кичик бизнес субъектларининг оптимал сонини аниқлашда фойдаланилиши уларнинг фаолият барқарорлигини таъминлаш (яъни рақобатнинг ҳаддан ташқари кучайиб кетиши оқибатида тадбиркорлик фаолияти тўхтатилиш ҳолатларини маълум даражада тартиблаш) имконини беради.

Кичик бизнес субъектларининг ўз фаолиятини дастлаб содда, паст технологик даражага эга бўлган соҳалардан бошлаб, корхоналар сони ўсиб бориши билан технологиядан фойдаланишнинг ўртача даражаси ҳам ўсиб боришини қуйидаги ҳолатлар орқали изоҳлаш мумкин:

1) тадбиркорларнинг ўз фаолиятини яққол кўзга ташланиб турувчи эҳтиёж (талаб)ни қондиришдан бошлаши. Масалан, аҳоли янги турар-жой массивининг барпо этилиши биринчи навбатда бу ҳудудда озик-овқат дўконлари, бозорчалар, умумий овқатланиш шохобчалари, маиший хизмат кўрсатиш (сартарошхона, маиший техника таъмири, пойафзал тузатиш ва ҳ.к.) шохобчаларининг ташкил этилишини тақозо этади. Корхоналар сони ушбу ҳудуддаги аҳоли эҳтиёжини тўлиқ қондирадиган даражага етиши билан аста-секин эҳтиёжнинг юқори техник ва технологик асосда қондирилувчи турларига ихтисослашган корхоналар ташкил этиб борилади;

2) дастлаб анъанавий соҳаларга киритилган капитал маълум вақтдан сўнг кўпайиб («капиталнинг дастлабки жамғарилиши»), кўпроқ маблағ талаб қилувчи соҳаларни йўлга қўйиш имконини ҳам яратади.

Фикримизча, кичик бизнеснинг таркибий тузилишини такомиллаштиришда қуйидаги жиҳатларга эътибор қаратиш зарур ҳисобланади:

1) хомашё ва материалларни саноат асосида қайта ишлаш орқали тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришнинг улушини ошириш;

2) юқори қўшилган қийматга эга маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг улушини ошириш;

3) фан-техника салмоғи юқори бўлган ишлаб чиқаришнинг улушини ошириш;

4) экспортга мўлжалланган маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишнинг ошириш ва ҳ.к.

Кичик бизнес субъектларининг таркибий тузилмасини такомиллаштириш пировардида миллий иқтисодиёт таркибий тузилмасининг такомиллашуви орқали барқарор ўсиш суръатларини таъминлашга имкон яратади.

БАРҚАРОР ИҚТИСОДИЙ ЎСИШНИ ТАЪМИНЛАШДА ТАРКИБИЙ ЎЗГАРИШЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ

и.ф.н.доц.О.Т.Сатторкулов,
талаба Ш.Н.Умматов, ГулДУ

Иқтисодий ўсиш муайян қонуниятлар асосида содир бўлади. Баъзан уни ҳаракатлантирувчи куч циклик аҳамият касб этса, бошқа пайтларда экстенсив ва интенсив омилларга боғлиқ бўлади. Шубҳасиз, давлатнинг сиёсати иқтисодий жараёнларга тўғридан-тўғри таъсир кўрсатиши ёки жамиятнинг ижтимоий ва иқтисодий институтларга таъсир этиши орқали билвосита таъсирга эгадир. Иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларда содир бўлиши ёки сустлашуви айрим ҳолларда циклик хусусиятга эмас, балки айнан давлат сиёсатининг амалга оширилиши билан боғлиқлиги кузатилади.

Одатда, юқори суръатдаги иқтисодий ўсиш иқтисодиётда таркибий ўзгаришларнинг амалга оширилаётган даврига тўғри келади.

“Бугун биз давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини тубдан янгилашга қаратилган **инновацион ривожланиш йўлига ўтмоқдамиз**. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки замон шиддат билан ривожланиб бораётган ҳозирги даврда ким ютади? Янги фикр, янги ғояга, инновацияга таянган давлат ютади. Инновация – бу келажак дегани. Биз буюк келажакимизни барпо этишни бугундан бошлайдиган бўлсак, уни айнан инновацион ғоялар, инновацион ёндашув асосида бошлашимиз керак. Шунинг учун биз Инновацион ривожланиш вазирлигини ташкил этдик ва унинг олдида аниқ вазифаларни қўйдик. Бу вазирлик нафақат иқтисодиёт соҳасида, балки бутун жамият ҳаётида энг муҳим лойиҳаларни амалга оширишда ўзига хос локомотив ролини бажаради, деб ишонамиз”¹⁸.

Мамлакат иқтисодиёти таркибининг аҳамияти иқтисодиёт тармоқлари ўртасидаги мувозанатни таъминлашда, уларнинг самарадорлигини оширишда ва барқарор иқтисодий ўсишга эришишда кўринади. Иқтисодиётнинг таркибий тузилиши мамлакатлар ривожланишининг хусусиятларига боғлиқ ҳолда ўзгариб боради. Иқтисодиётдаги таркибий силжишлар мамлакат иқтисодиётининг барқарор ўсишини таъминлашдаги муҳим омиллардан ҳисобланади. Кўпчилик ривожланган Ғарбий Европа давлатлари, Жануби-шарқдаги янги саноатлашган давлатлар юқори даражада иқтисодий ўсишга иқтисодиётидаги катта таркибий силжишлар ҳамда бошқа сифат жиҳатдан ўзгаришлар эвазига эришдилар.

Маълумки, иқтисодиётда таркибий силжишларни амалга ошириш натижасида туб таркибий ўзгаришларни татбиқ этиш мумкин. Бугунги кунда мамлакатимизда жадал ва мутаносиб иқтисодий ўсиш, чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ва иқтисодиётни диверсификация қилишга катта эътибор қаратилмоқда. Биринчи Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек: «Мамлакатимиз иқтисодиётини таркибий ўзгартириш, тармоқларни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашга доир лойиҳаларни амалга ошириш учун инвестицияларни жалб қилиш борасида бажарилаётган ишлар алоҳида эътиборга лойиқ».

Иқтисодиётдаги таркибий силжишларни баҳолашда иқтисодиёт таркибига асосан тармоқ, такрор ишлаб чиқариш, минтақавий ва ташқи савдо жиҳатидан қаралади. Иқтисодиётдаги таркибий силжишлар тармоқ жиҳатдан қаралганда, асосий уч тармоқ: саноат, қишлоқ хўжалиги ва хизматлар кўрсатиш соҳаларининг умумий ишлаб чиқаришдаги улуши ёки ушбу тармоқларда банд бўлган аҳоли сонига қараб аниқланади. Мамлакат иқтисодий ўсишининг дастлабки босқичларида мазкур уч тармоқнинг иқтисодиётдаги улуши жиҳатидан қишлоқ хўжалиги устунлик қилса, иқтисодий ўсишнинг кейинги босқичларида саноат ва юқори иқтисодий ўсиш палласида эса хизматлар кўрсатиш соҳасининг етакчилик қилиши кузатилади.

¹⁸ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. <http://www.press-service.uz/ru/lists/view/>

Мамлакатимизда сўнги йилларда қишлоқ хўжалигининг ЯИМдаги улуши камайиб, саноатнинг улуши ортиб бормоқда. Масалан, 1995 йилда қишлоқ хўжалигининг ЯИМдаги улуши 37,4 фоизни ташкил қилган бўлса, 2017 йилда бу кўрсаткич 16,2 фоизни ташкил этди. ЯИМда саноатнинг улуши эса 1995 йилдан 2004 йилдаги 17,1 фоиздан 24,1 фоизга кўтарилди. ЯИМда хизматлар кўрсатиш соҳаси улуши 2004 йилда жами 56,1 фоиз бўлган бўлса, 2016 йилда бу кўрсаткич 58,7 фоизни ташкил қилди. Мазкур маълумотлардан қишлоқ хўжалигининг ЯИМдаги улуши икки баробардан кўп қисқарганини кўриш мумкин, аммо қишлоқ хўжалигининг ўзгармас баҳолардаги ҳажми 1991 йилга нисбатан 2,7 баробар ошган. Бундай юқори даражадаги ўсишда қишлоқ хўжалиги улушининг қисқарганини ЯИМ таркибида хизматлар соҳасида қурилишнинг 4,8 ва хизматларда 4 баробар ошгани ҳамда соф эгри солиқларнинг 6,4 баробар ошгани билан асосланади.

Мамлакатимизда ЯИМ таркибида саноат улушининг ортиб бориши барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашга катта ҳисса қўшади. Чунки мамлакат иқтисодиёти барқарор ўсишининг зарурий шарт саноат қайта ишлаб чиқариш тармоқларининг шиддат билан ривожланишидир. Саноат соҳасининг ривожланиши эса иқтисодиёт бошқа тармоқларини индустриал лаштиришга шарт-шароит яратиб беради ҳамда шунга мувофиқ бу тармоқларда меҳнат унумдорлигини оширади. Мамлакатимизда 2000 йилда ЯИМ таркибида саноатнинг улуши 14,2%, қишлоқ хўжалиги 30,1% ни ва хизматлар кўрсатиш 55,7% ни ташкил қилган бўлса, 2016 йилда бу кўрсаткич саноатда 24,2%, қишлоқ хўжалигида 16,8% ва хизматлар кўрсатишда 59,0%ни ташкил қилган. Қишлоқ хўжалигининг ЯИМдаги улуши камайиши, аввало, саноатнинг, кейин эса хизматлар кўрсатиш соҳасининг ЯИМдаги улушининг ортиши билан бирга юз берди. Бу эса мамлакатда барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашда сезиларли таркибий силжишлар амалга ошаётганининг яққол исботидир. Россияда 2014 йилда саноатнинг ЯИМдаги улуши 2000 йилдаги 37,9% дан 36,3% га тушиши, ЯИМда қишлоқ хўжалиги улушининг 6,4% дан 3,4% га тушиши ҳамда хизматлар кўрсатиш соҳаси ЯИМдаги улушининг 55,7% дан 59,8% га ошиши кузатилган. Худди шундай ЯИМда хизматлар кўрсатиш соҳаси улушининг ошиши тенденцияси Хитойда ҳам кузатилишини кўришимиз мумкин. 2014 йилда Хитой ЯИМда хизматлар кўрсатиш соҳасининг улуши 2000 йилдаги 39% дан 46,1% га ошиши кузатилган.

Таҳлил қилинаётган давлатлар орасида Ўзбекистон ЯИМда хизматлар кўрсатиш соҳасининг улуши бўйича Россия ва Жанубий Кореядан кейин учинчи ўринда туриши мамлакатимизда ушбу соҳага катта эътибор берилаётганидан далолат беради.

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, саноатнинг қазилма тармоқларига нисбатан қайта ишлаб чиқариш саноат тармоқлари кўпроқ иқтисодий наф келтиради, у ички бозорга мўлжалланган. Лекин шуни айтиш керакки, ички бозорнинг сотиб олиш қобилияти ҳар доим ҳам етарли даражада эмас, шунинг учун тайёр саноат маҳсулотларини кенг экспорт қилишнинг зарурати туғилади. Шунингдек, иқтисодиётда маҳаллий табиий ресурслардан фойдаланаётган хом ашё тармоқлари ҳам янги технологиялар асосида ривожланиши зарур. Мамлакат иқтисодиётида таркибий силжишлар саноат тармоқларининг сифат жиҳатдан силжиши, кўп ресурс фойдаланиш дан ресурсларни тежаш технологиясига ўтишни талаб қилади.

Рус иқтисодчи олими С.Д. Алексеевичнинг фикрича, иқтисодиёт таркиби узоқ муддатли даврда мамлакат иқтисодий ўсишининг муҳим шарт-шароитларини юзага келтиради. У миқдорий ва сифат хусусиятларига эга бўлиб, миллий иқтисодиётдаги ўзгаришларни акс эттиради. Иқтисодиёт таркиби мамлакат миллий иқтисодиётининг барқарорлиги ва ҳавфсизлигини тавсифлайди. Шунинг учун иқтисодиётда миқдорий ва сифат жиҳатдан таркибий ўзгаришларни амалга ошириш давлат иқтисодий сиёсатининг асосий мақсадларидан биридир¹⁹. Иқтисодиётда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, яъни иқтисодиётни таркибий жиҳатдан қайта қуриш ишлаб чиқаришнинг технологик янгиланиши ва унинг ташқи ҳамда ички ўзгаришларга мослашиши заруриятини аниқловчи

¹⁹ Д.А.Сергеев. Структурные преобразования как фактор экономического роста в трансформационной экономике : Дис. ... канд. экон. наук: 08.00.01: казань, 2004 187 с. Ргб оД, 61:04-8/3995.

ишлаб чиқариш кучларининг катта миқдордаги таркибий ўзгаришларини ифодалайди. Бунда муҳим мақсад: ишлаб чиқаришни қайта ташкил этиш, жумладан, корхоналарнинг самарасиз бўғинларини йўқ қилиш ёки қўшиб юбориш, жисмонан ва маънан эскирган асосий воситаларни алмаштириш, техник янгиликларни киритиш ҳамда янги маҳсулот турларини ишлаб чиқаришдир. Буларнинг бари тармоқлараро, ҳудудий, технологик, институционал ва ишлаб чиқаришнинг бошқа муҳим таркибий силжишларига олиб келади.

Иқтисодчи олим А.А. Кушнаревнинг фикрича, иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар иқтисодий самарадорликни, жаҳон ва миллий бозорларда рақобатбардошликни камайтирувчи ёки оширувчи иқтисодиёт -нинг турли тармоқлари, секторлари, ҳудудлар, корхоналар турлари, технологик укладлар ва иқтисодий тизимнинг бошқа элементлари ўртасидаги ўзаро нисбатларнинг мавжуд ўзгариши ҳисобланади.²⁰

Ч.К.Кареновичнинг қараши бўйича эса, туб таркибий ўзгаришлар даврида миллий иқтисодиёт бошқа даврларга нисбатан юқори ўсиш суръатларига эга бўлиб, унинг алоҳида тармоқлари ва соҳалари ривожланишида тенгсизлик кучаяди.²¹ Ўртача ўсиши Буюк Британияда 3,5% (1983–1990 йилларда), АҚШда 4,3% (1983–1990 йилларда), ГФРда 2,4% (1983–1990 йилларда), Японияда 4,5% (1983–1990 йилларда), Жанубий корейда 8,0% (1983–2002 йилларда), Хитойда 10,8% (1983–2002 йилларда) ҳамда Россияда 5,3% (1997–2007 йилларда)ни ташкил этган (жадвал-1.1.).

Иқтисодий ўсиш суръатларининг юқори даражада сақланиши ва барқарор сақланишининг асосий омиллари бўлиб, экспорт салоҳиятининг юқори суръатларда ошиши ҳамда иқтисодиётда кенг кўламдаги инвестицияларнинг амалга оширилиши ҳисобланади.

Мамлакатимизда иқтисодиёт тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш борасида амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар, уларнинг натижалари атрофлича муҳокама қилинмоқда.

1.1.- ж а д в а л. Жаҳоннинг айрим мамлакатларидаги таркибий ўзгаришларнинг иқтисодий ўсишга таъсири, ЯИМ ўсиши фоиз ҳисобида

<u>Мамлакатлар</u>	<u>Таркибий қайта қуриш даври</u>	<u>Қайта қуришдан кейинги давр</u>	<u>Инкироздан кейинги давр</u>
АҚШ	4.3 (1983–1990)	3.2 (1993–2007)	2.3 (2010–2013)
Буюк Британия	3.5 (1983–1990)	2.9 (1993–2007)	1.3 (2010–2013)
Германия	2.4 (1983–1990)	1.4 (1993–2007)	1.9 (2010–2013)
Япония	4.5 (1983–1990)	1.4 (1993–2007)	1.7 (2010–2013)
Жанубий Корея	8.0 (1983–2002)	4.3 (2003–2007)	3.7 (2010–2013)
Хитой	10.8 (1983–2002)	7.5–8.0 (2003–2007)	8.4 (2010–2013)

Хусусан, бу борада Иқтисодиёт, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестиция ва савдо вазирликлари, «Ўзавтосаноат», «Ўзбекенгилсаноат» компаниялари, савдо-саноат палатаси вакиллари «2015–2019 йилларда ишлаб чиқаришни таркибий ўзгартириш, модернизация ва диверсификация қилишни таъминлаш бўйича чора-тадбирлар дастури» ижросини таъминлаш мақсадида бажарган қатор ишларини қайд этиш жоиз. Дастурда 5 йил ичида 876 та инвестицион лойиҳа амалга оширилиши ва ушбу мақсадлар учун 41 . АҚШ долларидадан ортик инвестиция киритилиши режалаштирилган.

²⁰ А.А. Кушнарев. Структурные преобразования экономики как особый объект управления: <http://cyberleninka.ru/article/n/strukturnye-preobrazovaniya-ekonomiki-kak-osobyu-obekt-upravleniya>.

²¹ Ч.К. Каренович. Влияние изменений структуры экономики на темпы экономического роста страны.

Ҳар бир ривожланаётган ва иқтисодиётида таркибий ўзгаришларни амалга ошираётган мамлакат каби Ўзбекистонда ҳам хорижий инвестициялар ни жалб қилиш доим устувор масала бўлиб келган. Жаҳон амалиётида хорижий инвестицияни жалб қилишда икки масалага катта эътибор берилади:

биринчидан, хорижий тадбиркор капитални миллий иқтисодиётга бир марта олиб киради (ишлаб чиқаришни харид қилиш ёки ташкил этишда), унинг даромади репатриация қилиниши эса узлуксиз давом этади. Даромаднинг қайта инвестициялаш масаласи эса анча нозик ҳисобланади ва бундай қарорни қабул қилиниши мамлакатдаги умумий инвестиция муҳити ва валюта конвертацияси каби омилларга боғлиқ бўлади;

иккинчидан, хорижий тадбиркор капитални асосан миллий иқтисодиётнинг максимал даражада фойда олиш имкони мавжуд соҳаларига йўналтиришга ҳаракат қилади. Бу, ўз навбатида, соҳаларни ривожлантиришда миллий манфаатларга тўғри келмаслиги мумкин. Шу билан бирга, экология меъёрлари юқори бўлган ривожланган мамлакатлардан экологияга аҳамият бермайдиган ривожланаётган мамлакатларга атроф муҳитга зарар келтирадиган корхоналарнинг кириб келиши масаласи ҳам муҳим ўринга эга.

Маълумки, мамлакат инвестиция муҳитини ижобий баҳолашда, авваламбор, сиёсий барқарорликка катта аҳамият берилади. Мамлакатда ҳукм сураётган сиёсий барқарорлик инвестор ўз фаолиятини синчковлик билан режалаштириш ва дарҳол фойда олиш эмас, балки узоқ муддатга мўлжалланган инвестиция лойиҳаларини тузиши учун замин яратади. Ўзбекистондаги инвестицион муҳит Марказий Осиё мамлакатлари ичида энг барқарори ҳисобланади.

ОСОБЕННОСТИ ПЕРЕХОДА К ИННОВАЦИОННО-ОРИЕНТИРОВАННОМУ ТИПУ РАЗВИТИЯ ЭКОНОМИКИ УЗБЕКИСТАНА

к.э.н. доцент А.Х.Бурханов, ГулГУ

Обеспечение инновационного процесса на практике происходит при наличии инновационной среды и инфраструктуры, которую нам еще предстоит совершенствовать. Высокотехнологичные и умеренно высокотехнологичные отрасли в Узбекистане полностью зависят от импорта комплексных процессов и производства уже известной на рынке продукции.

Особенность перехода к инновационно-ориентированному типу развития экономики Узбекистана состоит в том, что возрастание глобальной конкуренции создает вызовы, которые предстоит решать в ближайшие годы:

-важнейшей характеристикой мирового инновационного развития становится конкуренция за качественный человеческий капитал, а растущая мобильность высококвалифицированного персонала обеспечивает распространение знаний;

-роль информационных технологий в процессе распространения знаний становится все более актуальной для дальнейшего роста инновационной активности, процессы распространения знаний вышли за пределы отдельных экономик;

-глобализация заставляет компании конкурировать на все более высоких уровнях технологий и в то же время стимулирует процессы специализации и локализации инноваций.

Основной целью инновационного развития на долгосрочную перспективу является формирование инновационной системы открытого типа, обеспечивающей создание конкурентоспособного продукта и услуг на основе использования зарубежного научного потенциала и технологий с селективной поддержкой отечественных разработок, ориентированных на реализацию приоритетных задач модернизации экономики страны.

Основными направлениями инновационного развития на среднесрочную перспективу являются: расширение возможностей для развития бизнеса, повышения инновационно-инвестиционной привлекательности приоритетных производств; достижение высокого уровня инновационной деятельности предприятий и организаций, в том числе новых

инновационных малых предприятий; организация эффективной научно-исследовательской деятельности на основе сбалансированных фундаментальных и прикладных исследований, интеллектуальной капитализации, трансфера знаний и технологий на республиканском и межрегиональном уровнях; ориентация сферы среднего и высшего образования на международные стандарты; обеспечение условий для формирования прогрессивного технико-технологического уклада и привлекательности инновационного регионального пространства.

В соответствии с долгосрочной целью и основными направлениями инновационного развития на среднесрочную перспективу определены следующие задачи: формирование адекватного инновационной экономике человеческого потенциала, основу которого составляют мотивированные и образованные граждане с высокими потребностями в инновационных продуктах; наращивание инвестиционной активности на прорывных направлениях современных технологических укладов; ускоренная модернизация экономики республики, основанная на современных принципах промышленной политики: кластеризация экономики, государственно-частное партнерство; создание конкурентоспособного сектора исследований, разработок и условий для его расширенного воспроизводства; широкое привлечение инвестиционных ресурсов в инновационную сферу республики; содействие развитию малых форм предприятий в научно-технической сфере; разработка механизмов общественного выбора приоритетов инновационного развития; экспертиза инноваций и защита прав собственности на разработки; разработка индикаторов инновационной деятельности и развитие системы ее мониторинга; широкомасштабная подготовка управленцев (менеджеров), работающих в сфере инноваций; привлечение молодежи в науку.

Важнейшим конкурентным преимуществом в современных условиях является уровень развития новых знаний и их эффективное применение в социально-экономическом развитии. Именно этот фактор в решающей мере определяет роль и место страны в мировом сообществе, уровень жизни народа и обеспечение национальной безопасности. В промышленно развитых государствах 80-95% прироста ВВП приходится на долю новых знаний, воплощенных в инновациях. Переход этих стран на инновационный путь развития стал возможен благодаря созданию национальных инновационных систем (НИС). Явившись закономерным результатом предшествующего индустриального развития, НИС как действенная система институтов позволила высокоразвитым странам обеспечить лидерские технологические прорывы и поддерживать конкурентоспособность своих экономик на самом высоком уровне.

В целом, можно выделить следующие основные проблемы существующей инновационной среды республики, нерешенность которых негативно влияет на развитие отечественного инновационного потенциала:

- отсутствие системной, четко структурированной законодательной базы для осуществления всех стадий инновационной деятельности, а также мер ее государственной поддержки, включая прямые (бюджетное финансирование) и косвенные (налоговые преференции, государственные гарантии и т.д.) механизмы, а также нормативно-правовой базы, регулирующей условия создания предприятий и нормы взаимоотношений между субъектами инновационной инфраструктуры;

- ограниченный платежеспособный спрос на внутреннем рынке на передовые технологии и нововведения, наличие низкого спроса со стороны реального сектора экономики на перспективные – с точки зрения их коммерческого применения – результаты научно-технической деятельности, отсутствие сложившегося рынка инновационной продукции;

- неразвитость специальных финансовых механизмов поддержки отдельных элементов инновационной инфраструктуры, инновационного предпринимательства и самостоятельных инновационных проектов, а именно фондов рискованного финансирования (венчурных фондов), специальных финансовых механизмов поддержки фирм на этапе их

быстрого роста, сертифицированных оценщиков фирм и интеллектуальной собственности, страхования инновационных инвестиций, лизинга высокотехнологичного оборудования и приборов, фондового рынка для наукоемких компаний, торговых домов и др.;

- отсутствие действенных механизмов реализации определенных государством приоритетных направлений развития науки и технологий, множественность научных организаций, претендующих на соответствующую государственную поддержку. Следствием этого становится распыление бюджетных средств и недофинансирование исследований в перспективных областях науки, обеспечивающих, в т.ч., конкурентоспособность экономики страны на мировом рынке;

- отсутствие эффективной координации инновационных работ, финансируемых отдельными органами исполнительной власти (Министерства здравоохранения, Министерства сельского и водного хозяйства и др.), что препятствует как консолидации финансовых, кадровых и организационных ресурсов государства для реализации крупных научно-производственных проектов, так и инвентаризации и введению в хозяйственный оборот результатов научно-технической деятельности, объектов интеллектуальной собственности, полученных за счет средств бюджета, в смежных отраслях реального сектора экономики;

- слабость кооперационных связей между научными организациями, учреждениями образования и производственными предприятиями;

- неразвитость современных форм инновационного менеджмента и коммерциализации нововведений (посредством рынка научно-технической продукции);

- низкая инновационная активность ведущих промышленных предприятий республики.

При этом основными экономическими факторами, сдерживающими инновационную активность предприятий реального сектора экономики, являются низкий инновационный потенциал, недостаток собственных средств для расширения данного вида деятельности, высокая стоимость нововведений, экономические риски и длительные сроки окупаемости; низкая информационная прозрачность инновационной сферы, прежде всего, недостаток информации о новых технологиях и возможных рынках сбыта принципиально нового (инновационного) продукта, а также сведений для частных инвесторов и кредитных организаций об объектах вложения капитала с потенциально высокой доходностью; низкий уровень развития малого инновационного предпринимательства; низкая инновационная культура населения и предпринимателей.

МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТ ТАРҚИБИЙ ЎЗГАРИШЛАРИДА ТУРИЗМНИНГ АҲАМИЯТИ

**Ҳошимов П. З. и.ф.н, доцент
Баратова З.М. талаба, ЎзМУ**

Хозирги даврда иқтисодиётда амалга оширилаётган таркибий ўзгартириш мамлакатнинг жаҳон иқтисодиётида тутган ўрнини янада мустаҳкамлашга ҳамда Юртимизнинг улкан туристик салоҳиятидан фойдаланиб, уни юқори даражага олиб чиқиш мақсадида изчил ислохотлар амалга ошириш Ўзбекистонда барқарор ривожланишнинг ўтишга хизмат қилади. Ўзбекистонда узок муддатли барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашнинг ва жамият тараққиётига эришишнинг муҳим омили ҳисобланади. Бу соҳани юксак тараққий эттириш мамлакатимизда янги иш ўринлари яратиш, иқтисодиётни диверсификатсия қилиш, ҳудудларни жадал ривожлантириш, валюта тушумларини кўпайтириш, аҳоли даромадлари ва турмуш даражасини оширишга хизмат қилади.

Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 3 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси туризм салоҳиятини ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонлари ҳамда 6 февралдаги “Кириш туризмни

ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ва жорий йил 7 февралдаги “Ички туризмни жадал ривожланишни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорлари юртимизда сайёҳлик йўналишини кескин ривожлантириш, мавжуд имкониятлардан оқилона фойдаланиш, хорижлик меҳмонлар оқимини кўпайтириш, туристик, маданий, табиий ва спорт салоҳиятини бутун жаҳонга намоён этиш, туризм маданиятини шакллантириш, хорижий инвестицияларни жалб қилишда ва иқтисодий янада ривожлантиришда асос бўлиб хизмат қилади.

Мазкур ҳужжатлар билан туризм салоҳиятини, соҳага инновацион ғоя ҳамда технологияларни жорий этиш, табиий, маданий ва тарихий меросимизнинг мавжуд ресурс ҳамда имкониятларидан ҳар томонлама фойдаланиш ҳисобига юксалтиришга қулай шароит яратади. Эндиликда туризм соҳаси тараққиётига жиддий соя солаётган хорижий фуқаролар учун виза ва паспорт режимини либераллаштириш ишлари ривожланмаётганлиги, уларга элестрон визаларни расмийлаштириш имконияти йўқлиги, ички ҳамда зиёрат туризми салоҳиятидан суёт фойдаланилганлиги, инфратузилманинг етарлича ривожланмаганлиги, соҳага ахборот-коммуникация технологиялари талаб даражасида татбиқ этилмаганлиги каби муаммолар ўз ечимини топмоқда. Фармон билан 7 та давлат фуқаролари учун республикамиз ҳудудига кирган кундан эътиборан 30 кунлик муддатга визасиз режим белгилаш, 39 та давлат фуқаролари учун Ташқи ишлар вазирлигига туристик ваучерга оид талабни бекор қилиш, жорий йилнинг 1 июлидан эътиборан бир қатор хорижий мамлакатлар фуқаролари учун электрон кириш визалари бериш тизимини жорий этиш, туризм соҳаси билан боғлиқ бўлган обектларни, уларнинг атрофини ободонлаштириш ва бошқа туризм салоҳиятини ривожлантириш бўйича биқ қатор вазифалар белгилаб қўйилди. Туризм соҳасида фаолият олиб бораётган тадбиркорлик субъектлари учун айрим солиқ мажбуриятларининг бекор қилиниши, имтиёзли кредитлар олиш, хорижий инвестицияларни жалб этиш масалаларида кенг имтиёзлар берилмоқда.

Туризм соҳасида фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектлари республика ҳудудига олиб кирилаётган туристик тоифадаги транспорт воситалари ҳамда канат йўли, тоғ-чанғи кўтаргичлар, фуникулёрлар ва бошқа шунга ўхшаш объект ва иншоотларни қуриш, реконструкция қилиш ва жиҳозлаш учун жиҳозлар, ҳаво машиналари, аеростатлар, квадроцикллар ва моторли қайиқлар учун 2022 йил 1 январигача божхона тўловларидан озод этилади.

Самарқанд ва Бухоро каби сайёҳлар кўп ташриф буюрадиган жойларда йўл кўрсаткичлари мавжуд. Ўзбекистоннинг барча шаҳарларида бир неча тилда (бутун дунё аҳолисига тушунарли бўлиши учун) йўл кўрсаткичлари ўрнатилиши борасида чора тадбирлар амалга оширилмоқда. Сайёҳлар оқимини оширишда нафақат ҳаво йўллари, балки тезюар поездлар хизматидан фойдаланиш ҳам катта фойда беради. Шу муносабат билан Ўзбекистонда тезюар поездлар сони ва йўналишларини ошириш режалаштирилди. Бу эса мамлакатимизга келаётган сайёҳлар кўламини оширишга хизмат қилади. 2016 йилнинг ўзида мамлакатимизга 2157,7 минг нафар чет эл фуқаролари ташриф буюрган²².

Ўзбекистон зиёрат туризми, тоғ туризми, маънавий-маърифий туризм, экотуризм, этнотуризм бўйича катта салоҳиятга эга, бу йўналишлардаги туризмни ривожлантириш учун мавжуд инфратузилмани такомиллаштириш, янгиларини йўлга қўйиш кераклиги қайд этилди. 2016 йилда 433 та туристик фирмалар томонидан 465,4 минг шахсларга хизматлар кўрсатилган, бу кўрсаткични янада ошириш мақсадида янги инфратузилмалар ишлаб чиқилиб амалиётга жорий этилди.

Яна бир нарсага эътиборни қаратиш лозимки - фақат 5 юлдузли эмас, балки 3 ва 4 юлдузли меҳмонхоналарга катта эътибор қаратиш зарур. Ўзбекистонда ўртача талабга жавоб берадиган меҳмонхоналарни ҳам кўпайтириш зарур. 2016 йилда меҳмонхона ва шунга ўхшаш жойлаштириш воситалари сони 750 тани ташкил қилди. Улардаги ўринлар сони 37,8 мингга бўлиб, 1513,1 минг кишига хизматлар кўрсатилган²³.

²² Stat.uz sayti ma'lumotlari

²³ O'sha manba

Бугун Ўзбекистоннинг туризм йўналишида қиладиган ишлари кўп. Бунда нафақат Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, балки юртимиздаги барча идора ва ташкилотлар, вилоят ҳокимликлари, давлат ва хусусий сектор, шу билан бирга барча фуқаролар ҳамжиҳатликда, бир тизим асосида ишлаши керак.

ИННОВАЦИОН ИҚТИСОДИЁТГА ЎТИШ ШАРОИТИДА ИННОВАЦИОН ЛОЙИХАЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ ИҚТИСОДИЙ ЎСИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

доцент Р.Ж.Маҳмудов, ГулДУ

Инновацион иқтисодиётга ўтиш шароитида иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш бўйича биринчи навбатда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, ҳамкорлик алоқаларини кенгайтириш, мустақкам ҳамкорликни йўлга қўйиш, мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотларга ички талабни рағбатлантириш масалалари алоҳида ўрин тутади.

Республикада ишлаб чиқариш соҳасини ривожлантиришнинг муҳим йўналишлардан бири енгил саноат тармоғини янада юксалтириш саналади. Тармоқ корхоналари пахта толасини қайта ишлаб калава ип, хом сурп, газлама, трикотаж полотноси, трикотаж ва тикувчилик буюмларини ишлаб чиқаради, ҳамда унинг асосий қисмини экспорт қилади. Жумладан, тўқимачилик саноатида экспортбоп рақобатбардош маҳсулотлар тайёрлашга йўналтирилган, якуний ишлаб чиқариш шаклига эга бўлган янги, замонавий тўқимачилик комплексларини ривожлантириш устувор аҳамият касб этади. Қолаверса, Ўзбекистонда ишлаб чиқариш қуввати, асосан йигирув ишлаб чиқаришда жамланган бўлиб, тўқув ва тикувчилик ишлаб чиқаришларини ташкил этишга инвестицияларни жалб қилиш учун қулай имконият мавжуддир.

Енгил саноатни янада ривожлантиришда тайёр маҳсулотни ишлаб чиқариш, унинг сифатини жаҳон андозалари даражасига етказиш, хориж технологиялари ва инвестицияларини жалб этиш ҳисобига қўшма корхоналарни тузиш, бу соҳада кичик бизнес улушини янада ошириш энг самарали усулларида бири бўлиб ҳисобланади.

Биринчи президентимиз И.А.Каримов ўз маърузаларида “Ўйлайманки, бугунги кунда кичик бизнес ва тадбиркорликни кенгайтириш учун бизнеснинг янги ташкилий-ҳуқуқий шакли сифатида оилавий бизнесни қонуний белгилаб қўйиш вақти келди. Мамлакатимизда бизнесни ташкил қилишнинг ушбу шакли бизнесни юритишда юзага келган миллий анъналаримизга, хўжалик юритиш фаолиятининг мавжуд ҳолатига тўла мос келади”²⁴ –деб таъкидлаган эдилар. Шундан сўнг, мамлакатимиздаги демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси асосида оилавий бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун бизнеснинг янги ташкилий ҳуқуқий шакли “Оилавий тадбиркорлик” тўғрисидаги қонун қабул қилинди ва амалиётга жорий этилди. Ушбу қонуннинг қабул қилиниши:

- кўплаб кичик бизнес субъектларини ташкил этилишига
- янги иш ўринлари яратилиши натижасида минглаб аҳолининг иш билан таминланишига;
- оила бюджети даромадлари ошишига олиб келди.

Бугунги кунда президентимиз Ш.Мирзиёев томонидан амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар халқ хўжалигининг барча тармоқларида ўзининг самарасини кўрсатаёпти. Айниқса, ишлаб чиқаришни замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозлаш, корхоналарни модернизациялаш чора-тадбирлари жаҳон стандартлари талабларига жавоб берадиган рақобатбардош маҳсулотлар ҳажмини кескин кўпайтирмоқда. Албатта, бундай сезиларли ўзгаришлар енгил саноат тармоғида ҳам яққол кўзга ташланади.

²⁴ И.А.Каримов Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси.Т.: Ўзбекистон, 2010 йил 49бет

Йирик саноат корхоналари билан касаначилар ўртасида кооперацион алоқаларнинг мустаҳкамланиши аҳоли бандлиги муаммосининг ҳал этилишида муҳим аҳамиятга эга. Бунда меҳнат билан бандликнинг ўзига хос жиҳатлари ва минтақалар бўйича жойлашуви ҳисобга олинади.

Республикамызда аҳоли бандлигини таъминлаш ва оилавий бюджет даромадларининг барқарор ўсишини таъминлашнинг омилларидан яна бири бу касаначиликни ва унинг шакллари кенг ривожлантириш бўлиб ҳисобланади. Йирик саноат корхоналари билан, шу жумладан енгил саноат корхоналари билан касаначилик алоқаларининг ўрнатилиши ҳам юқоридаги муаммоларни ҳал этишга катта ёрдам беради ва аҳолини иш билан таъминлашда кўмаклашади. Қолаверса, бугунги кунда юртимизда касаначиларнинг иш стажини ҳисоблаш, уларга пенсия ва ижтимоий суғурта бўйича нафақалар тайинлаш ҳуқуқи таъминланади. Йирик корхоналар билан касаначилар ўртасидаги кооперацион алоқалар қуйидагилар асосида ўрнатилади: йирик саноат корхоналари касаначиларга зарур хом ашё ва материалларни етказиб беришни таъминлашлари зарур бўлади. Касаначилар вақтдан унумли фойдаланишган ҳолда, оилавий пудрат асосида кам фойда келтирадиган ва кўпроқ қўл меҳнати талаб қилинадиган товарларнинг айримларини уй шароитларида ишлаб чиқаришади. Натижада, бу йирик корхоналарга иш самарадорлигини ошириш имкониятини беради. Касаначилик билан шуғулланиш аҳолига бир қанча афзалликлар беради:

1. Касаначилик билан шуғулланаётган шахс меҳнат дафтарчаси асосида фаолият юритади, пенсиялар ва ижтимоий суғурта бўйича нафақалар тайинлашда ишлаган вақти меҳнат стажига қўшилади;

2. Меҳнат шартномаси асосида фаолият юритаётган касаначилар банд аҳоли тоифасига киради;

3. Касаначилик билан шуғулланаётган турар жойларни яшаш учун мўлжалланмаган жойлар тоифасига ўтказиш талаб этилмайди;

4. Меҳнат шартномаси асосида ишлаётгани учун касаначидан ишлаб чиқариши учун керак бўладиган асбоб ускуналарни сотиб олиш, хом ашё ва керакли материаллар билан таъминлаш ва ишлаб чиқарган маҳсулотини қандай сотиш кераклиги ҳақидаги муаммоларни ҳал этишига хожат қолмайди. Чунки булар билан корхона шуғулланади.

Касаначилар томонидан ишлаб чиқариладиган маҳсулот ассортиментларини аҳоли истеъмол моллари ва техник йўналишдаги маҳсулотлар ташкил қилади. Касаначилик асосида ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатишни ташкил этиш, кўпроқ саноат ишлаб чиқариши самарадорлигини таъминлайдиган тикувчилик, ипакчилик, қайта ишлаш, мебелсозлик, электротехника, теллекоммуникация, сервис ва хизмат кўрсатиш тармоқларида олиб борилиши мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Бугунги кунда енгил саноат фаолиятининг технологик, инновацион ва ахборот соҳаларини ривожлантириш стратегик муҳим аҳамиятига эга, чунки ушбу тадбирлар корхоналарнинг иш самарадорлигини ошириб, уларнинг рақобатбардошлигини таъминлайди. Бу соҳада инновацион лойиҳаларни яратиш ва уларни ҳаётга тўғри тадбиқ эта олиш муҳим аҳамият касб этади. Инновацион лойиҳанинг самарали амалга оширилиши учун бир қанча омилларга алоҳида эътибор қаратиш зарур. Жумладан: корхона ҳақидаги ахборотларни чуқур ва пухта, илмий таҳлил этиш, инновацион мақсадларни амалга оширишга хизмат қиладиган тадбирларни ташкил этиш, инновацион фаолиятни амалга ошириш жараёнини тўғри ташкил этиш ва х.к. Юқорида саналганларни умумлаштирган ҳолда инновацион лойиҳа илм-фан ва техника тараққиётининг муҳим йўналишларида муайян мақсадларни амалга оширишга қаратилган моддий ресурслар ва муддати ва буни амалга оширувчиларини қамраб олган жараён дейишииз мумкин. Инновацион лойиҳани амалиётга тадбиқ этишимиз учун, у албатта молиявий жихатдан асосланган ва маблағ билан таъминланган бўлиши лозим бўлиб ҳисобланади. Инновацион лойиҳа бўлиши учун бир неча талабларга жавоб бериши керак бўлиб ҳисобланади. Жумладан, инновацион лойиҳалар ҳар томонлама пухта ўйланган бўлиб, катта самарадорликка эришишни

таъминлай олиши керак. Яна шуни ҳам унутмаслик лозимки, инновацион лойиҳаларни ишлаб чиқишда катта инвестицион қўйилмаларни талаб қилиши лойиҳани қисқа муддатларда амалга ошириш имкониятини чеклайди, шуларни инобатга олган ҳолда лойиҳани тузиш мақсадга мувофиқ бўлиб ҳисобланади. Бунинг учун, инновацион лойиҳа анчайин мураккаб ва самарадорлигини тўла оқлай олиши керак бўлади. Инновацион лойиҳа тузишда унинг бир қанча бўлимларига алоҳида аҳамият бериш жуда зарурдир. Лойиҳалар корхонанинг истиқболли режаларини ҳам ўзида акс эттириши ва келажакда қандай фаолият юритиши зарурлигини ҳам белгилаб бера олиши лозим. Инновацион лойиҳалар илғор технологиялар янгиликлар ва янги турдаги маҳсулот ва хизматларни ш ўз ичга олиши зарур.

Енгил саноат корхоналарига янги технологияларни жорий этиш ишларини амалга ошириш жараёнида инновацион лойиҳаларни турли йўналишларда амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Биринчи йўналиш истеъмол хусусиятлари оширилган нарҳи ва сифати бўйича рақобатбардош, хавфсизлик, эргономика, гигиена талабларига мос келувчи, ҳамда инсон фаолияти учун қулай шароитлар яратилишини таъминловчи мутлақо янги тўқимачилик маҳсулотлари тайёрлаш учун нанотехнологиялардан фойдаланган ҳолда янги материаллар ва бирикмалар ишлаб чиқариш.

Иккинчиси, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, маркетинг тадқиқотлар ва молиявий менеджментни ривожлантириш, корхоналарнинг бизнес режалари ва бизнес ғояларини ишлаб чиқиш, саноатни таркибий қайта қуриш дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш инновацион тизимини яратишдир.

Учинчи йўналиш эса, материаллар ва маҳсулотларни сертификатлаш ва стандартлаштириш, уларнинг хавфсизлиги ҳамда фойдаланиш хусусиятларини баҳолаш усуллари ва мезонларини яратиш, шу жумладан, ҳалқаро стандартлар, патентлар, товар белгиларини ҳисобга олган ҳолда мамлакатимиз ва ҳалқаро стандартлар уйғунлашувини таъминловчи норматив техник ҳужжатлар ишлаб чиқиш.

Хулоса қилиб айтганда, бутунги кунда Ўзбекистон енгил саноати дадил қадамлар билан тараққиёт сари интилмоқда. Бунинг учун мамлакатимизда барча табиий захиралар: пахта, пилла, жун хом-ашёси етарли. Энг муҳими, соҳани ривожлантиришга ҳукуматимиз томонидан малакали мутахассислар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Яратилаётган барча имкониятлардан максимал равишда фойдаланиб енгил саноат соҳасини ривожлантирсак, ҳудудларда иш билан бандликни колаверса, банд аҳоли таркибида аёллар сонини оширишга хисса қўшган бўламиз.

ЛИБЕРАЛИЗАЦИИ ЭКОНОМИЧЕСКОЙ ЖИЗНИ В УЗБЕКИСТАНЕ

к.э.н. доцент Райимбердиева О.Р.
Турдикулова Г., студент, ГулГУ

Определение собственного экономического развития и выработка пути входа в рыночную экономику для независимого Узбекистана было решающей и основной задачей. *«Необходима принципиально новая, собственная модель построения социально – ориентированной рыночной экономики, – указывал первый Президент Ислам Каримов, – которая учитывала бы отличительные особенности республики, максимально отвечала прошлому, настоящему и будущему развитию Узбекистана».*

Распад СССР, с одной стороны, а с другой стороны, внутренние противоречия, касающиеся социально-экономической сущности общества, требовали реформирования прежней командно-административной системы управления и государственной монополии в экономике.

Необходимо было определить особую роль государства в развитии социально-экономической структуры, учесть специфику республики с менталитетом его народа и

связать все это с мировой экономикой. «Государство в период перехода к рыночной экономике выступает гарантом экономических свобод, выступает главным участником реформаторского процесса»

Все это показывает, что Узбекистан, не копируя слепо характер и способы реформирования, должен идти собственным путем, используя прогрессивный опыт мирового развития, учитывая собственные материальные, социальные и культурные факторы.

В экономической реформе Узбекистана главной задачей определялось построение социально ориентированной рыночной экономики, открытой миру. Конечной целью реформ является: построение сильного демократического правового государства и гражданского общества с устойчивой социально – рыночной экономикой и открытой внешней политикой.

Основная стратегия реформ, избранная в Узбекистане, – это поэтапное формирование государством деидеологизированной социально—ориентированной рыночной экономики.

Ведущими направлениями экономических реформ явились:

- ❖ разгосударствление и приватизация госпредприятий;
- ❖ демонополизация и всемерное расширение конкуренции;
- ❖ становление и развитие частнопредпринимательской деятельности во всех отраслях и сферах национальной экономики;
- ❖ коммерциализация деятельности госпредприятий;
- ❖ формирование рыночной инфраструктуры;
- ❖ либерализация цен, как условие либерализации внутриэкономической и внешней торговли;
- ❖ реформирование государственной собственности и ее институтов;
- ❖ формирование собственной денежно-кредитной системы;
- ❖ реформирование бюджетно–налоговой системы;
- ❖ формирование и утверждение соответствующей хозяйственно-правовой базы.

Реформирование и либерализация экономической жизни общества можно выделить несколько этапов.

Во-первых, республика сделала первый шаг к осуществлению на практике политики по упрочнению макроэкономики. Государство взялось за решение вопросов по поддержке разработанной денежно-кредитной, бюджетной и анти эмиссионной политики, по снижению инфляции.

Во-вторых, страна смогла обеспечить постоянную государственную поддержку промышленности по приоритетным направлениям производства. Это, в свою очередь, привело к сдерживанию безработицы, обеспечению занятости трудовых ресурсов, к стабилизации доходов населения и бюджетных доходов.

В-третьих, стремясь к обретению нашим государством подлинной экономической независимости, был резко сокращен ввоз зерна, мяса, молочной продукции. Сделаны определенные шаги для уменьшения ввоза из соседних стран нефти и нефтепродуктов.

В-четвертых, созданы все возможности для привлечения в нашу страну иностранных инвестиций.

Укрепилась законодательная база предпринимательства, была обеспечена его поддержка государством.

Важнейшим вектором преобразований является либерализация экономической системы, создание благоприятного инвестиционного климата.

Однако одних только правовых гарантий предпринимателям со стороны государства недостаточно для утверждения рыночных отношений.

Главным вопросом является создание условий для того, чтобы в полном объеме можно было воспользоваться частным предпринимателям этими правами и гарантиями. Государство обязано привлекать к ответственности тех, кто мешает деятельности предпринимательства.

Сформировалась ярко выраженная экономика с довольно значительным частным сектором и небольшим, но мощным государственным сектором в стратегически важных отраслях и сферах.

Государственное регулирование экономикой, в основном, осуществлялось на макроэкономических процессах, что привело к сдерживанию спада производства.

Проведение государством сильных социальных защитных мер по обеспечению гарантий определенного уровня жизнеобеспечения населения, создало стабильность и спокойствие в стране.

Стабилизация производства привела к созданию условий для начала его подъема и развития.

Все это гарантировало мир, социальную гармонию и уверенность граждан страны в правильности курса, выработанного Президентом нашей республики.

ИҚТИСОДИЁТДА ТАРКИБИЙ ЎЗГАРИШЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШДА БОЖХОНА ТЎЛОВЛАРИНИНГ ЎРНИ

**и.ф.н., доцент Пардаев Т. Н.
Олий ҳарбий божхона институти**

Божхона тўловлари ундириш механизмларини тўғри танлаш ва қўллаш ташқи иқтисодий фаолият субъектларини қўллаб - қувватлаш, импорт ўрнини босувчи товарлар ишлаб чиқарувчи корхоналарни рағбатлантириш, қулай инвестиция муҳитини яратиш, экспорт товарларини жаҳон бозорларидаги рақобатбардошлик даражасини ошириш билан бирга, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш орқали иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга оширишда имконият яратади.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А.Каримов- «Биз учун асосий вазифа – ишлаб чиқаришни техник ва технологик жиҳатдан узлуксиз янгилаб бориш, доимий равишда ички имконият ва захираларни излаб топиш, иқтисодиётда чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, саноатни модернизация ва диверсификация қилишни изчил давом эттиришдан иборат бўлиши зарур»²⁵ деб таъкидлаб, асосий устивор вазифа эканлигини кўрсатиб ўтганлар.

Республикамизда олиб борилаётган ислохотлар самарасини янада ошириш, давлат ва жамият ривожини янги босқичга кўтариш, ҳаётнинг барча соҳаларини либераллаштириш, иқтисодиётни модернизация қилиш бўйича энг муҳим устувор йўналишларни амалга ошириш, давлатнинг иқтисодиётдаги улушини камайтириш ва таркибий ўзгартиришларни жадаллаштиришга қаратилган ишларни изчил давом эттириш мақсадида, мамлакатимиз Президентининг 2017 йил 2 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони эълон қилинди²⁶. Унда иқтисодиётни янада ривожлантириш ва либераллаштириш 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта асосий устивор йўналишларидан бири эканлиги белгилаб берилди.

Мамлакат иқтисодиётини либераллаштириш ташқи иқтисодий фаолиятни либераллаштириш билан узвий боғлиқ жараёндир. Ташқи иқтисодий фаолиятни либераллаштириш деганда, энг аввало, экспорт-импортни расмийлаштириш жараёнларини соддалаштириш, ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширишда хўжалик юритувчи субъектларининг эркинлиги ва иқтисодий мустақиллигини ошириш, ташқи савдони тартибга

²⁵. И.Каримов “Бош мақсадимиз – мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, олиб бораётган ислохотларни, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришдир”. Халқ сўзи №11 2016 йил 16 январ, 3-б.

²⁶. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” 2017 йил 7-февралдаги 4947-сон Фармони. «Халқ сўзи» газетаси, 2017 й. 8-февраль, 28 (6722)-сон; 2-бет

солишда маъмурий усулларини оптималлаштириш ва соддалаштириш, бюрократик тўсиқларни бартараф этилиши тушунилади.

Ҳар бир давлат ўз иқтисодиётини ҳар томонлама ривожлантириш, дунё хўжалигига интеграциялашув жараёнларини ҳисобга олиб, ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солишда турли хил воситалардан фойдаланади ва уларни қўллашни доимий равишда такомиллаштириб боради. Ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солиш давлат воситалари характериға кўра тариф ва нотариф воситаларға бўлинади. Бож тарифи божхона чегараси орқали олиб ўтиладиган Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолиятининг товар номенклатурасига мувофиқ тизимлаштирилган товарларға нисбатан қўлланиладиган божхона божлари ставкаларининг жамланмасидир.

Нотариф воситалар ўз навбатида иқтисодий, маъмурий ва техник чораларға бўлиниб, уларға божхона қиймати, солиқлар, сертификатлар, лицензия ва рухсатномалар, квоталар, товарларға қўйиладиган техник талаблар ва бошқалар киради. Ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солиш давлат воситалари таркибида божхона тўловлари асосий ўринни эгаллайди ва миллий иқтисодиётда бозор муносабатлари тамойилларини қарор топтириш имкониятларини яратади.

Божхона тўловлари-мамлакат иқтисодиётини барқарор ривожланишиға мутаносиб равишда ташқи савдо айланмасини зарур даражада тартибга солиш, иқтисодий хавфсизликни таъминлаш ҳамда фискал вазифаларни бажариш мақсадларида қўлланилади. Ушбу вазифалардан келиб чиқиб, дунё мамлакатларида ўз иқтисодиётининг ривожланиш даражасидан келиб чиқиб, турли хил божхона тўловлари ва ставкаларидан фойдаланади ҳамда уларни қўллашда имтиёз ва преференциялар беради.

Ўзбекистон Республикасида қонун ҳужжатларига асосан божхона органлари томонидан бож, акциз ва қўшилган қиймат солиғи ҳамда божхона йиғимлари ундирилади.

Амалдаги меъёрий ҳужжатлар асосида мамлакатимизда товарларни экспортини рағбатлантириш мақсадида товарларни божхонада экспортға расмийлаштиришда божхона тўловлари ундирилмайди (бундан божхона йиғимлари мустасно). Асосий божхона тўловлари республикамизға четдан олиб келинаётган товарлардан ундирилади ва улар жами ундириладиган божхона тўловларининг қарийб 98 фоизини ташкил этади.

Иқтисодиётда чуқур таркибий ўзгаришларни амалға оширишда божхона тўловлардан имтиёзлар берилмоқда. Натижада, охириги уч йил ичида импорт қилинган товарларға ҳисобланган божхона тўловлари таркибида имтиёзлар миқдори 9,5 фоизға ўсган ва 2017 йилда 22,8 трлн.сўмни ташкил этган.

1-жадвал. Импорт товарларига жами ҳисобланган божхона тўловлари таркибида ундирилган ва имтиёзлар берилган божхона тўловларининг салмоғи. (фоизда).

№	Кўрсаткичлар	Йиллар		
		2015	2016	2017
1	Импорт товарларига жами ҳисобланган божхона тўловлари	100,0	100,0	100,0
	Шу жумладан:			
	А) божхона тўловларидан берилган имтиёзлар салмоғи	65,7	70,4	75,2
	Б) ундирилган божхона тўловлари салмоғи	34,3	29,6	24,8

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, божхона тўловларини ундириш ва давлат бюджетига ўтказиш 2017 йилда 2013 йилға нисбатан 1.6 мартаға ошган. Божхона тўловларини ўсишиға: товарларнинг божхона қийматини аниқланишини такомиллашаётганлиги, божхона тўловлари ставкаларини ўзгариши, эркин алмаштириладиган валюта курсининг ўзгариши, божхона соҳасида автоматлаштирилган ахборот тизимиидан самарали фойдаланилаётганлиги, божхона соҳаси бўйича меъёрий-ҳуқуқий базани такомиллашаётганлиги каби асосий омиллар таъсир этган.

2-жадвал. Ўзбекистон Республикаси божхона органлари томонидан 2013-2017 йилларда Давлат бюджетига ўтказилган божхона тўловлари миқдори. млрд.сўмда.

	Йиллар	2013	2014	2015	2016	2017
	Кўрсаткичлар					
	Давлат бюджетига ўтказилган божхона тўловлари млрд.сўм.	4512,9	5714,0	5945,2	5627,9	7588,5

Божхона органларида замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва интерактив хизматлар кўламини кенгайтириш тадбиркорлик субъектлари фаолиятини энгиллаштирди, божхона тўловларини ҳисобланиши, ундирилиши ва Давлат бюджетига ўтказилиши соддалаштирди, бунинг натижасида божхона расмийлаштируви жараёнини тезлаштиришга имкон берди.

Хулоса қилиб айтганда, ташқи иқтисодий фаолиятни божхона тўловлари орқали тартибга солишни янада такомиллаштириш Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегиясида иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштириш бўйича устувор йўналишида белгилаб берилган асосий вазифаларни самарали ҳал қилишга катта ҳисса қўшади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, божхона тўловларини ундириш ва йиғилувчанлигини ошириш ва улардан бериладиган имтиёзларни самарадорлигини ошириш мақсадида куйидагиларни амалга ошириш лозим деб ҳисоблаймиз:

- божхона тўловларидан имтиёзлар берилган товарлар бўйича камерал назоратни янада такомиллаштириш ва унинг самарадорлигини ошириш мақсадида Давлат солиқ органлари билан автоматлаштирилган ахборот тизимини яратиш;

- бугунги кунда жаҳон бозорида конъюнктура ўзгариб, рақобат тобора кучайиб бораётганини ҳар томонлама ҳисобга олиб, божхона тўловлари ставкаларини белгилаш услубиётини ишлаб чиқиш ва ушбу асосда божхона тўловлари ставкаларини доимий равишда такомиллаштириб бориш.

Юқоридаги таклифларни инобатга олган ҳолда мазкур йўналиш бўйича амалдаги меъёрий ҳужжатларни такомиллаштириш, мамлакатимиз ташқи иқтисодий фаолиятини тартибга солишни такомиллаштиришга, иқтисодиётни реал сектори корхоналарини модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни рағбатлантиришга, божхона тўловларини тўлиқ ундириш ва қўлланилаётган имтиёзлардан мақсадли фойдаланилишига, иқтисодиётда самарали таркибий ўзгаришларга эришишига хизмат қилади.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ИННОВАЦИОН ИҚТИСОДИЙ ЎСИШНИ ТАЪМИНЛОВЧИ ОМИЛЛАР

доц. Н.Жапақов, ўқ. И. Раҳмонов. ГулДУ

Маълумки, биз қишлоқ хўжалигини ислоҳ этишда суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини тубдан яхшилашга алоҳида эътибор бермоқдамиз. Бу вазифа энг муҳим устувор йўналишлардан бири бўлиб келган ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади. Чунки, қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришнинг самарадорлиги, мамлакатимизнинг иқтисодий ва озик-овқат хавфсизлигини таъминлаш, нафақат қишлоқ меҳнаткашлари, балки бутун Ўзбекистонимиз аҳолисининг моддий фаровонлигини ошириш бебаҳо бойлигимиз бўлган еримизнинг унумдорлиги, унинг сифатини мунтазам яхшилаб бориш билан узвий боғлиқдир.

Ўтган даврда бу борада кўрилган чоралар натижасида 1 миллион 700 минг гектар суғориладиган ернинг мелиоратив ҳолати яхшиланди. Бу жами экин экиладиган

майдонларнинг ярмидан зиёди демакдир. Ана шундай ишлар туфайли сизот сувлари энг оғир даражада, яъни, 2 метргача юзада жойлашган ерлар қарийб 500 минг гектарга ёки учдан бирига камайди, кучли ва ўртача шўрланган ерлар эса 100 минг гектарга ёки 12 фоизга қискарди. Мелиорация тадбирлари амалга оширилган экин майдонларида пахта ҳосилдорлиги гектарига ўртача 2-3 центнер, бошоқли дон экинлари бўйича эса 3-4 центнерга ошгани бу борада эришган энг муҳим натижамиздир. Ҳозирги вақтда, бозор иқтисодиёти жараёнларида иш юритадиган тадбиркорлик фаолияти асосий иқтисодий ресурслардан бири ҳисобланади. Чунки бу соҳа ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқаришда билим, малака, тажрибага эга бўлган, юқори даромад ва фойда олишга эришиш йўлида таваккалчилик билан иш бажарадиган ташаббускор инсон фаолияти сифатида муайян маҳсулотларни ишлаб чиқариш, иш бажариш ва хизмат кўрсатиш, иш ўринларини яратиш, бандликни таъминлашда энг маъқул бўлган хўжалик юритиш шаклидир.

Албатта, юртимизда иқтисодиётни эркинлаштириш учун кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб – қувватлашнинг самарали механизмлари яратилган. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни кейинги йилларда иқтисодиётни яратишдаги ўрнини Сирдарё вилоятининг қишлоқ хўжалиги – аграр тармоғида товар маҳсулотлари ишлаб чиқараётган ва уни қайта ишлашда фаолият кўрсатаётган фермер хўжаликлари ва деҳқон – аҳоли томорқа хўжаликлари мисолида кўриб чиқадиган бўлсак бугунги кунда кўп тармоқли фермер хўжалигини ташкил қилиш тўғрисида қабул қилинган қарорлар бугуннинг нечоғли иқтисодиётни ривожланиши учун тўғри қабул қилинганлигини кўришимиз мумкин.

Қишлоқ хўжалигида кўп тармоқли фермер хўжалигининг бир устунлик ва мамлакатимиз иқтисоди ривожланишига қўшадиган ҳиссасини олиб кўрадиган бўлсак бугунги кунда ернинг унумдорлигини ошириш долзарб масалалардан бўлса шу масаланинг ечимини ҳам шу қарор ижросида кўрсак бўлади. Мисол учун олиб қарайдиган бўлсак ер унумдорлигини ошириш мақсадида тупроқ таркибидаги гумус миқдорини ошириш учун чорва моллари ва парранда гўнглари лозимлиги барчага аён, шундай экан кўп тармоқли фермер хўжалиги ўзининг чорва ва паррандаларида чиққан гўнг хисобига ўзининг фермер хисобидagi ер унумдорлиги оширишга имконияти кенгайди. Шунини ҳам инобатга олиш керакки бу фермер хўжалиги ушбу гўнгни тупроққа солингунча бўлган харажатлари миқдори камаяди. Булардан ташқари асаларичиликни ҳам бу соҳага боғлаш орқали қишлоқ хўжалиги экинлари гулларини асалари билан чанглаштириш эвазига ҳосилдорликни зезиларли даражада ўсишига олиб келиши барчага маълумдир. Бу тадбирлар орқали қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари таннархи кўп тармоқли фермер бўлганлиги ҳисобига тушаётганлиги маълум бўлади. Хулоса қилиб айтганда кўп тармоқли фермер хўжалигини ташкил қилиш бўш иш ўринларини яратишда муҳим омилдир.

Яна шунини ҳам таъкидлаш мумкинки қишлоқ хўжалигида кўп тармоқли фермерликнинг аҳамияти бир бошқарув тизими орқали турли соҳаларни бир мақсад остида ҳаракатга келтириш орқали исрофгарчиликлар олди олинади ва кам харжат қилиш орқали турли маҳсулотлар етиштириш имконияти туғилади, оқибатда иқтисодий ўсишни максимал даражасига эришиш имконияти кенгайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларини давлат йўли билан қўллаб - қувватлаш ҳамда мамлакатни озиқ – овқат билан таъминлашда уларнинг ролини кучайтириш борасидаги чора - тадбирлар тўғрисида”ги Фармони соҳа ривожини учун муҳим дастуриламал бўлиб келмоқда.

Дунё бўйича аҳоли сонининг кун сайин ўсиб бораётган моддий неъматларга бўлган талаб – эҳтиёжларини қондириш биринчи даражали вазифа ҳисобланади. Яъни, озиқ овқат, сабзавот-полиз, чорва, балиқ, парранда маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кўпайтириш, бу маҳсулотларни қайта ишлаб, ички бозорни тўлдириш ва истеъмолчиларга таклиф этиш ҳозирги кун талабидир.

Вилоят бўйича статистик маълумотлар асосида иқтисодий ҳолат таҳлил қилиб кўрилса йил сайин аҳолининг томорқа хўжаликларида деҳқончилик маҳсулотларининг айрим турларини етиштириш бўйича эришилган, пировард натижалар таҳлил қилинганда ана

шу ўсиш суръатлари намоён бўлади. Бу эса, аграр сектордаги субъектлар – деҳқон, фермер хўжаликлари ва шахсий ёрдамчи – томорқа хўжалиқларини ривожлантириш, маҳсулотлар ишлаб чиқаришни узлуксиз кўпайтириб бориш учун доимий равишда имконият ва шароитлар яратиш лозимлигини тасдиқлайди. Бунинг учун шрот ва шелуха маҳсулотларини сотишга ихтисослаштирилган шахобчалар, аралаш ем – хашак ишлаб чиқаришни кўпайтириш, шунингдек, маҳсулотларни қайта ишлайдиган агро – цехларни саноат асосида ташкил этишга жиддий эътибор қаратишни талаб этади.

Кўп тармоқли фермер хўжалиги ташкил қилиш қанчалик бугунги кунда тўғри қабул қилинганлиги ушбу кузатишларда яққол намоён бўлмоқда.

ИННОВАЦИОННЫЙ ПРОЦЕСС В СФЕРЕ УПРАВЛЕНИЯ

доц. Б.Курбонов, препод.КурбановаГ.Б., ГулГУ

В хозяйственной практике так сложилось, что из всех нововведений, осуществляемых на предприятиях, та их часть, которая относится к сфере управления, в лучшем случае выступает как экзотика, чаще же всего она традиционно остается в тени для самих предприятий, но и при проведении исследований по проблемам инноваций. В то же время значимость качественного и эффективного управления, степень его влияния на результаты деятельности любой организации уже никем не подвергается сомнению. Необходимость развития систем управления тоже не оспаривается. В докладе первого Президента Республики Узбекистана И. Каримова отмечено, что в 2015 году проделана большая работа по коренному изменению принципов и подходов в системе корпоративного управления, приданию ему подлинно рыночного характера. На основе изучения передового международного опыта корпоративного управления предприятиями была разработана и утверждена новая типовая структура акционерного общества. На ее базе с учетом современных подходов корпоративному управлению разработан и утвержден новый Классификатор должностей и профессий²⁷.

Однако сам инновационный процесс в сфере управления (в отличие от сферы основного производства) остается для многих достаточно неясным. Поэтому, прежде чем переходить к изложению результатов анализа ситуации с нововведениями в сфере управления, сложившейся на предприятиях, необходимо определить основные понятия и теоретические позиции, с которых проводился анализ, а также саму логику диагностики и анализа. Прежде всего, это касается сущности управленческих нововведений и их типологии; границ таких нововведений; соотношения инновационных процессов на предприятии и управления; факторов, влияющих на эффективность управленческих новаций; установок руководителей в отношении процессов развития, а также тех основных тенденций развития корпоративного управления в странах с развитой рыночной экономикой.

Основными характеристиками нововведения являются:

- предмет инновации (что изменяется и как изменяется);
- степень новизны;
- глубина преобразований (степени радикальности изменения предмета инновации);
- масштаб преобразований (затрагивается ли деятельность одной или нескольких сфер деятельности или всей фирмы в целом);
- уровень разработанности (степень подготовленности новшества к внедрению);
- потенциал новшества (оценка ожидаемого полезного эффекта и ее обоснование);

²⁷ Каримов И.А. Наша главная цель - несмотря на трудности, решительно идти вперед, последовательно продолжая осуществляемые реформы, структурные преобразования в экономике, создавая еще более широкие возможности для развития частной собственности, предпринимательства и малого бизнеса. // Народное слово № 11, 16.01.2016.

- ожидаемая продолжительность внедрения;
- трудоемкость внедрения;
- объем финансовых затрат на внедрение.

Для эффективного решения задачи управления инновационными процессами необходима специальная система.

Инновация – значит будущее. Если мы сегодня начинаем строить наше великое будущее, то должны делать это, прежде всего на основе инновационных идей, инновационного подхода. Именно поэтому мы организовали Министерство инновационного развития и поставили перед ним конкретные задачи. Надеемся, что это министерство будет выполнять роль своеобразного локомотива в реализации важнейших проектов не только в экономической сфере, но и в жизни всего нашего общества. В 2018 году в центре внимания будут находиться задачи по развитию научно-исследовательской и инновационной деятельности, мобилизации для этого необходимых финансовых ресурсов, всесторонней поддержке участия одаренной молодежи в этом процессе, творческих идей и разработок²⁸.

Управленческие нововведения часто выпадают из поля зрения руководителей, сводящих обычно развитие предприятия к техническим или технологическим новациям. Потенциал организации воспринимается однозначно как технический и технологический. Организационный и кадровый потенциалы (то есть степень наращивания возможностей за счет более эффективного управления и использования человеческих ресурсов) серьезно не используются.

Анализируя инновационные процессы в сфере управления, важно отметить, что в основе управленческих нововведений лежат объективные процессы изменения условий хозяйственной деятельности предприятий и соответственного изменения содержания управленческой деятельности.

Можно выделить разные модели управления предприятием в зависимости от условий деятельности - модель рационального управления в спокойной, стабильной внешней среде; модель управления в условиях достаточно динамичного рынка и модель приспособления к спонтанно, неожиданно возникающим проблемам, угрозам и возможностям, проистекающим из внешней среды предприятия. Это задает определенную логику анализа управленческих новаций. Во-первых, выявление того, в какой степени нововведения в управлении предприятиями в Узбекистане адекватны тенденциям развития социально-экономической ситуации в стране. Во-вторых, насколько процесс внедрения управленческих новаций соответствует известному мировому опыту²⁹.

В странах с развитой рыночной экономикой на определенном этапе их развития именно ускоренное нарастание неустойчивости финансово-экономических условий деятельности потребовало по-новому организовать управление предприятием.

По мере изменения уровней нестабильности управленческая практика выработала ряд методов организации деятельности фирмы в условиях растущей непредсказуемости, новизны и сложности окружения. В зависимости от усиления фактора нестабильности можно выделить четыре этапа в развитии этих систем.

1. Управление на основе контроля за исполнением.

2. Управление на основе экстраполяции, когда темп изменений ускоряется, но будущее еще можно предсказать путем экстраполяции прошлого.

3. Управление на основе предвидения изменений, когда начали возникать неожиданные явления, и темп изменений ускорился, однако не настолько, чтобы нельзя было вовремя предусмотреть будущие тенденции и определить реакцию на них.

²⁸ Послание Президента Республики Узбекистан Ш. Мирзиёева Олий Мажлису. <http://www.press-service.uz/ru/lists/view/1371>

²⁹ Азизова С.Х. Инновационный подход управления на предприятиях. // Пути развития региональных агропромышленных комплексов в условиях модернизации экономики. Сборник республиканских научно-практических конференций. Т.: “Университет”. 2017. стр.343.

4. Управление на основе гибких экстренных решений в условиях, когда многие важные задачи (или обстоятельства внешней среды) возникают настолько стремительно, что их невозможно вовремя предусмотреть.

Таким образом, мировой опыт показывает, что необходимость выбора адекватной системы управления, а значит и нововведений в существующую систему управления предприятием объективно определяется уровнем нестабильности среды, в которой предприятие действует.

В заключении можно сказать, что социально-экономическое развитие нашей страны заключается в том, что предприятия должны ориентироваться на значимое качество управления в рыночных условиях, а именно - это гибкость, способность переориентироваться на решение новых задач, использовать новые, адекватные условия, формы и методы управления.

МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТНИНГ ТАРАҚҚИЁТИ ВА ДИВЕРСИФИКАЦИЯЛАШУВИ ШАРОИТИДА СОЛИҚ МАЪМУРЧИЛИГИ ТИЗИМИНИ ВУЖУДГА КЕЛИШИННИНГ ИҚТИСОДИЙ ШАРТ-ШАРОИТЛАРИ

Агзамов А.Т. ТДИУ катта ўқитувчиси

Республикаимиз ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ривожланишининг ишлаб чиқаришининг модернизациялашуви шароитида солиқлар воситасида бир томондан тартибга солиш иккинчи томондан эса рағбатлантириш ҳамда иккала жараёни тўғри ташкил эта олиш хўжалик юритувчи субъектларимиз фаолиятининг бозор муносабатларининг иқтисодий талабларига мослашишида, уларнинг босқичма-босқич ривожиди муҳим аҳамият касб этади. Мамлакатимизда иқтисодиётнинг барқарор ўсиши ва унда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, унинг энг муҳим тармоқларини техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, солиқ сиёсатини янада эркинлаштириш борасида изчил ишлар амалга оширилмоқда.

Мазкур вазифалар ижроси юзасидан кейинги йилларда солиқ тизимини соддалаштириш, солиқ юкини камайтириш, қўшимча имтиёз ва преференциялар бериш, айрим йўналишлар бўйича солиқ солиш тизимларини такомиллаштириш бўйича қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

Давлат солиқ маъмурчилигининг замонавий услубларини жорий этиш ва солиқ йиғилувчанлигининг ҳамда солиқ хизмати органлари тизимини ислоҳ этишнинг муҳим йўналишлари :

➤ солиқ маъмуриятчилиги жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва илғор автоматлаштирилган таҳлил услубларини кенг жорий этиш, солиқ тўловчиларга, энг аввало, тадбиркорлик субъектларига тўғридан-тўғри мулоқотсиз электрон хизмат кўрсатишга тўлиқ ўтиш;

➤ солиқ солиш объектлари ва солиқ солинадиган базанинг ўз вақтида ҳамда ишончли ҳисобга олинишини таъминлаш, ваколатли органлар ва ташкилотлар мансабдор шахсларининг солиқ солиш масалалари билан боғлиқ бўлган ишончли ахборотни ўз муддатида тақдим этиш бўйича масъулиятини кучайтириш;

➤ солиқ мажбуриятларини бажаришда солиқ тўловчиларга ҳар томонлама қўмаклашиш, солиққа оид ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг таъсирчан механизмларини ишлаб чиқиш ва солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш, солиқ назоратини амалга оширишнинг замонавий услубларини жорий этиш;

➤ макроиқтисодий кўрсаткичлар динамикаси ва ҳудудларнинг солиқ салоҳиятини тизимли таҳлил қилиш орқали солиқ солиш объектларини тўлиққамраб олишни таъминлаш ва солиқ солинадиган базани кенгайтириш бўйича самарали чора-тадбирларни амалга ошириш;;

➤ фаолият кўрсатмаётган корхоналарнинг фаолиятини тиклашга ҳар томонлама кўмаклашиш, паст рентабелли ва зарар кўриб ишлаётган корхоналарнинг молиявий аҳволини соғломлаштириш, ўзаро ҳисоб-китоблар механизмларини мустаҳкамлаш, солиқ қарзи ошишига йўл қўймаслик орқали солиқ солинадиган базани кенгайтириш;

➤ солиқ солиш масалаларида, шу жумладан республика ва маҳаллий бюджетлар даромадларини оширишнинг қўшимча захираларини аниқлаш орқали молия органлари, манфаатдор вазирлик ва идоралар, шунингдек маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан ҳамкорликни янада кенгайтириш;

➤ кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш, солиқ органларини маънавий-ахлоқий жиҳатдан юқори малакали ходимлар билан тўлдириш бўйича тизимли ишларни амалга ошириш, шунингдек ходимлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини таъминлаш ва улар учун хизматни ўташнинг муносиб шарт-шароитларини яратишдир.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича [Харакатлар стратегиясидаги](#) солиқ солиш тизимини изчиллик билан соддалаштириш, солиқ солинадиган базани кенгайтириш орқали солиқ юкини пасайтириш каби вазифаларнинг ижросини таъминлаш юзасидан:

✓ солиқ органлари ва ҳалол солиқ тўловчилар ўртасида уларга жорий солиқ солиш масалаларини ҳал қилишда ҳар томонлама кўмаклаш-ган ҳолда кенгайтирилган ахборот алмашинувини назарда тутувчи солиқ назоратининг замонавий шакли - солиқ мониторинги жорий этилади;

✓ йирик солиқ тўловчилар бўйича солиқ маъмуриятчилиги функциялари Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат солиқ бошқармалари томонидан амалга оширилади;

✓ вақтинчалик молиявий қийинчиликларга тўқнаш келган ҳалол солиқ тўловчилар - хўжалик юритувчи субъектларга қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда солиқ таътиллари берилиши мумкин;

✓ ўтказилган камерал назорат натижалари бўйича аниқланган тафовутлар юзасидан солиқ тўловчилар томонидан асослар тақдим этилмаган тақдирда, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар суммаларини суд тартибда ундириш жорий этилади;

✓ ортиқча тўланган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни қайтариш ёки ҳисобга олиш солиқ тўловчи ваколатли органларга мурожаат этган санадан бошлаб 15 иш куни ичида амалга оширилади;

✓ давлат солиқ хизмати органларига кирим ҳужжатларини расмий-лаштирмасдан товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қиладиган хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳисобварақлари бўйича операцияларини 5 банк кунигача бўлган муддатга вақтинчалик тўхтатиб туриш ваколати берилади;

✓ Тошкент, Нукус шаҳарларида ва вилоят марказларида солиқ органларига ҳисоб-китоблар ҳақидаги маълумотларнинг онлайн режимида берилишини таъминлайдиган назорат-касса машиналарини қўллаш орқали нақд пул тушуми устидан автоматлаштирилган назорат тизими жорий этилади, республиканинг қолганхўдудларида мазкур тизим босқичма-босқич киритилади;

✓ солиқ текшируви объектларини самарали танлаб олиш учун солиққа оид ҳуқуқбузарликларни содир этиш хавфларини таҳлил қилиш, шунингдек солиқ органлари томонидан юқори ликвидли маҳсулотлар ҳақиқий ишлаб чиқариш ҳажмининг доимий ҳисоби ва назоратини амалга ошириш бўйича ихтисослаштирилган автоматлаштирилган тизим жорий этилади;

✓ давлат солиқ хизмати органлари хўжалик юритувчи субъектлар ходимларининг ҳисоботдаги ва ҳақиқий сони мувофиқлиги устидан тизимли мониторингни амалга оширади, натижаси бўйича солиқ солинадиган базани аниқлаштиради.

МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТ РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ ОШИРИШДА ТАРКИБИЙ ЎЗГАРИШЛАР ВА МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ЖАРАЁНЛАРИНИНГ ЎРНИ

Иқтисодиётнинг таркибий тузилишини такомиллаштириш вазифаси иқтисодий ислохотларни амалга оширишда доимо диққат марказида бўлиб, иқтисодий ривожланиш борасида эришган ютуқларимизнинг энг муҳим омили саналади. Жаҳон иқтисодиётида кечаётган мураккаб жараёнлар, иқтисодиётни барқарор ривожлантириш, иқтисодиётнинг рақобатбардош-лигини оширишда унинг таркибий тузилишини муттасил такомиллаштириб бориш, корхоналарда ишлаб чиқариш қувватларидан самарали фойдаланиш заруратини янада кучайтирди. Мамлакатнинг рақобатбардошлиги энг аввало унинг миллий иқтисодиётида фаолият юритувчи субъектларнинг рақобатбардошлиги орқали ифодаланади.

Миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлиги – иқтисодиётнинг тўловга қодир талабга мос келувчи, иқтисодий ўсиш ва турмуш сифатини оширишни таъминлайдиган товар ва хизматлар ишлаб чиқариш ва ички ҳамда ташқи бозорларда сотиш қобилиятидир.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг энг муҳимлари сифатида корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни янада кучайтириш, замонавий, мослашувчан технологияларни кенг жорий этиш, таркибий ўзгаришларни ва иқтисодиётни диверсификация қилиш жараёнларини давом эттириш, хизмат кўрсатиш ва кичик бизнес соҳасини янада ривожлантириш, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, банк ишини янада такомиллаштириш, мамлакатни модернизация қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Ички ва ташқи бозордаги рақобатбардошлик ўзаро жиддий фарқ қилиб, бу бозорларда ички ва ташқи муҳитни ташкил этувчи омилларнинг турлича эканлиги, яъни тўловга қодир талаб ҳажми, ички ва ташқи бозордаги нархлар ўртасидаги фарқлар, олиб борилаётган ташқи савдо сиёсати ва ҳ.к.лар билан белгиланади.

Миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлик даражаси унинг табиий ресурс салоҳияти, меҳнат ресурсларининг сони ва сифати (малака даражаси), ишлаб чиқаришнинг техник-технологик модернизациялашганлик даражаси, иқтисодиёт таркибий тузилишининг такомиллашганлиги, давлатнинг иқтисодий ривожланиши ҳамда иқтисодий ислохотлар стратегияси қай даражада илмий асосланганлиги ва ўзгаришлар жараёнларини ҳисобга олганлиги ҳамда бошқа бир қанча омилларга боғлиқ.

Француз иқтисодчи олими Ф.Перрунинг фикрига асосан муаян иқтисодий бирликнинг таркиби айни макон ва замон шароитда уни тавсифловчи мутоносибликлар ва нисбатлар мажмуидир. Иқтисодиётнинг таркибий тузилиши – иқтисодиётнинг турли қисм ва бўлаклари ўртасидаги мутоносибликлар ва ўзаро нисбатларини англатади

Мураккаб тизим сифатида иқтисодиётнинг барча элементлари ўртасидаги шаклланган ва ўзгариб борадиган мутоносибликлар ва ўзаро нисбатлар таркибий ўзгаришларни тавсифлайди.

Миллий хўжаликнинг мақбул таркиби, алоҳида турдаги ишлаб чиқаришларнинг ривожланганлиги ва баланслашганлиги, уларнинг ўзаро мутоносиблиги ҳар қандай давлат ривожланишининг пировард мақсади – аҳоли турмуш фаровонлигининг ошишига хизмат қилади.

Мамлакат иқтисодиётининг таркибий тузилиши шаклланишида унинг табиий ресурс салоҳияти, географик жойлашуви, ишлаб чиқариш кучларининг ривожланганлик даражаси каби омиллар муҳим аҳамиятга эга бўлсада, уни ўзгартириш ва такомиллаштиришда давлатнинг таркибий сиёсати ҳал қилувчи роль ўйнайди. Таркибий ўзгаришлар сиёсати – давлат томонидан амалга ошириладиган, иқтисодиётнинг таркибий тузилишини такомиллаштириш, унинг самарадорлигини оширишга қаратилган чора-тадбирлар мажмуи.

Ҳозирги кунда иқтисодий ислохотларнинг таркибий ўзгаришлар сиёсати куйидагиларни қамраб олади:

- мамлакат иқтисодиётининг диверсификациялашув даражасини ошириш, яъни ишлаб чиқарилаётган товарлар ва хизматлар номенклатурасини кенгайтириш, ЯИМ, экспорт каби

кўрсаткичларда алоҳида тармоқ маҳсулоти ёки маҳсулот турларининг устунлик берилишига барҳам бериш;

- ташқи бозорлардаги конъюнктура ўзгаришларига кам таъсирчан бўлган тармоқлар ва соҳаларнинг ЯИМ ва бандликдаги улушининг юқори бўлишига эришиш;

- тайёр маҳсулот ишлаб чиқарувчи, шунингдек, экспорт қилувчи корхона ва тармоқларнинг хом ашё ва бутловчи қисмлар билан таъминланишида маҳаллий корхоналар улушининг оширилишига эришиш;

- юқори технологиялар ва замонавий техника билан билан қуролланган, арзон ва сифатли, ташқи бозорда эркин рақобатга кириша оладиган саноат тармоқларининг саноат ишлаб чиқариши кўрсаткичларидаги улушини ошириш;

- конъюнктура ўзгаришларига тез мослашувчи, капитал сиғими паст бўлган соҳа ва тармоқларнинг ялпи иқтисодий кўрсаткичлардаги салмоғини оширишга эришиш.

Иқтисодиётнинг таркибий тузилишини такомиллаштириб бориш, чуқур қайта ишланган, тайёр, қўшилган қиймат ҳиссаси юқори бўлган маҳсулот ишлаб чиқарувчи тармоқларни жадал ривожлантириш ва уларнинг ЯИМ ҳамда мамлакат экспортидаги улушини кўпайтириш муҳим аҳамиятга эгадир. Бу эса миллий иқтисодиётнинг барқарорлигини таъминлайди.

ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТНИНГ ҲОЗИРГИ БОСҚИЧИДА МАМЛАКАТИМИЗДА ПУЛ –КРЕДИТ СИЁСАТИНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ

О.Тошбоев

Марказий банк Сирдарё вилоят бошқармаси

бошлиғи ўринбосари

К.Раҳматов ГулДУ катта ўқитувчиси

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки инфляциянинг ўсишини олдини олувчи таъсирчан чора сифатида қуйидаги мақсадларни кўзлайди: Монетар омилларнинг нархлар ўсишига таъсирини ва инфляцион хатарларни чеклаш ҳамда инфляцияни мақсадли кўрсаткичлар доирасида сақлаб қолиш; Ижобий реал фоиз ставкаларини таъминлаш, иқтисодиёт реал секторини кредитлашда мувозанатли шароитларни яратиш; Валюта курси шаклланишининг эркин бозор режимига ўтиш учун зарур шарт-шароитларни яратиш; Нархлар барқарорлиги ва паст инфляцион кутилишларни таъминлаш ҳамда ўрта ва узоқ муддатли инвестицион қўйилмаларни рағбатлантириш орқали тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш учун қулай иқтисодий шароитларни шакллантириш ва бошқалар.

Ўтган йилларда амалга оширилган банк-молия соҳаларидаги тизимли тадбирлар натижасида, яъни 2016 йил давомида ўтказилган стерилизация операцияларининг ўртача ҳажми 2015 йилга нисбатан 1,3 мартага ошди. Бу эса банк тизимидаги ликвидликни самарали бошқаришга, пул массасининг прогноз кўрсаткичларидан ортиқча ўсишининг олдини олишга ва шу орқали ички бозорда нархлар барқарорлигини таъминлашга хизмат қилди.

Айни дамда, товар ва хизматларни харид қилишда нақд пулсиз, нақд пул қўринишидаги ҳисоб-китобларни амалга ошириш амалиёти кенг тарқалган. Аммо неъматларни нақд пулсиз қўринишда айрибошлаш амалга оширилганда сотувчилар томонидан сунъий равишда нархларнинг ошириб кўрсатиш ҳолатлари юзага келмоқда. Мазкур ҳолат икки хил қўринишдаги тўловлар ўртасидаги тафовутнинг бир-биридан кескин фарқланишига ва натижада истеъмолчиларнинг ҳақли норозилигига сабаб бўлмоқда. Бу эса, ўз навбатида, нархларнинг бозор қонунларига зид бўлган ҳолатда ўсишига олиб келмоқда.

Юзага келаётган ноиқтисодий камчиликларни бартараф этиш бўйича 2017 – 2021 йиллар давомида нақд пулсиз қўринишда товар ва хизматлар сотишда сунъий юқори нархлар ўрнатганлик учун жавобгарликни ошириш ҳамда бозор механизмларини жорий қилиш тартибини ишлаб чиқиш белгиланган. Иккинчидан, маҳсулотлар, ишлар ва хизматларга

нархларни декларация қилиш тартибини босқичма-босқич қисқартириш ҳамда кейинчалик 2020 йилда уни бекор қилиш вазифаси белгиланган. Учинчидан, нақдсиз ҳисоб-китоблар ҳажми ва қамровини ошириш, шу жумладан, иқтисодиёт соҳаларида тўловларнинг замонавий электрон шакллари жорий этиш ва тадбиркорлик субъектларини рағбатлантириш, шунингдек, банкдан ташқари айланишини қисқартириш лозим. Бунинг учун аҳолига муайян вақт давомида белгиланган лимит доирасида банк маблағлари ҳисобидан товар ва хизматлар учун тўловларни амалга ошириш имконини берувчи кредит карталарини муомалага киритиш; банк пластик карталари орқали ҳисоб рақамларга масофадан хизмат кўрсатиш тизимларидан («СМС-банкнинг», «Интернет-банкнинг», «Мобил-банкнинг») фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш; банк пластик карталари орқали жисмоний шахсларнинг депозит ҳисоб рақамларини бошқариш имкониятини кенгайтириш; тўлов терминалларидан фойдаланганлик учун ижара тўлови миқдорини икки мартага қисқартириш; пластик картадаги маблағларни бошқа картага ўтказиш бўйича кўрсатиладиган хизматлар учун тарифларни камайтириш; валюта ва солиқ назоратини соддалаштиришни ўз ичига олган электрон тижоратни ривожлантиришни рағбатлантириш, пластик карталар бўйича ўзаро ҳисоб-китоб қилиш тизимида олинмаган товар ва фойдаланилмаган хизмат учун тўловни қайтаришнинг тартиб-таомиллари ва технологияларини жорий этишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш кўзда тутилган.

Мамлакатимизда пул-кредит сиёсатини амалга ошириш борасида тўпланиб қолган муаммоларни бартараф этиш учун валютани тартибга солишнинг илғор бозор механизмларини босқичма-босқич жорий этиш кун тартибидаги бирламчи масалалардан ҳисобланади. Шунинг учун ҳам валютани тартибга солишнинг янги механизмлари ишлаб чиқиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорини тайёрлаш Ҳаракатлар стратегиясида белгилаб қўйилди. Қарор лойиҳасида қуйидагиларнинг акс этиши назарда тутилган: валюта бозоридаги хорижий валютага бўлган талаб ва таклифдан келиб чиқиб, бозор механизмини ҳисобга олган ҳолда, ички ва ташқи бозорларда маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг рақобатдошлигини таъминловчи ва қўллаб-қувватловчи валюта курси сиёсатини такомиллаштириш; тадбиркорлик субъектларининг ўз валюта маблағларини эркин тасарруф этиш ҳуқуқи тўлиқ амалга оширилишини таъминлаш; ҳар қандай манипуляцияларнинг олдини оладиган механизмларни жорий этган ҳолда, хорижий валютанинг биржада эркин муомалада бўлишини таъминлаш; тижорат банклари томонидан жалб қилинган ва ўз ресурслари ҳисобидан хорижий валютани тегишли қоидаларга риоя қилган ҳолда эркин сотиш тизимини жорий қилиш; бюджетга қўшимча тушумлар, тижорат банкларининг жорий кредитлари ва Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг маблағлари ҳисобидан иқтисодиётнинг таянч тармоқларини вақтинчалик молиявий қўллаб-қувватлаш чораларини кўриш.

Халқаро глобаллашув жараёнларининг чуқурлашиб бораётгани мамлакатларнинг валюта сиёсатига жиддий таъсир кўрсатмоқда ва қатор давлатларда “Голланд касали”нинг юзага келишига туртки бермоқда. “Голланд касаллиги” табиий ресурс манбаларининг кашф этилиши натижасида мамлакат саноатлашув даражасининг пасайиб кетиши, давлат миллий валютасининг кучли ревальвацияланиши ва натижада мамлакат экспорт товарлари рақобатдошлигининг сезиларли даражада пасайишини англатади. “Голланд касаллиги”га учраган давлатда асосий экспорт товарларини ишлаб чиқаришга асосланган мамлакат қайта ишлаш саноатида кескин пасайиш юз беради ва мамлакатнинг анъанавий экспорт тушумлари манбаи бўлган қайта ишлаш саноатига нисбатан кучли салбий таъсир вужудга келади. Табиий ресурслар учун қулай баҳолар шароити йўқолгач, мамлакатнинг кучсизланган анъанавий саноати орқали иқтисодий барқарорликни таъминлаши анча оғир кечади.

Юқоридан таъкидланган “касаллик”нинг олдини олиш учун Ҳаракатлар стратегиясида банк фаолиятини тартибга солувчи замонавий тамойил ва механизмларни жорий қилиш, уларнинг самарали фаолият кўрсатишига йўл қўймаётган тўсиқларни бартараф этиш учун 2018-2019 йилларга мўлжалланган банк фаолиятини янада

такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар, жумладан, қуйидаги вазифалар белгиланмоқда: банк назорати бўйича Базель қўмитасининг талабларига асосан, тижорат банкларининг маблағлари етарлилиги ва ликвидлилиги даражаси кўрсаткичини қўллаб-қувватлаш; бошқарув ва банк таваккалчилиги тизими, шу жумладан, хориждаги илғор тажрибалар асосида тижорат банкларида менежмент таваккалчилиги самарадорлигини янада ошириш; тижорат банклари фаолиятига, шу жумладан, кредит сиёсатида давлат ҳокимияти органлари томонидан маъмурий аралашувларнинг олдини олиш ва йўл қўймаслик; тижорат банкларининг капиталлашувини ошириш, кредит портфели миқдорини доимий ошириб бориш ва унинг сифатини яхшилаш, инвестициявий лойиҳаларни молиялаш ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни кредитлаш кўламини янада ошириш; банкларга хос бўлмаган вазифаларни истисно этиш бўйича амалий чораларни кўришни назарда тутувчи дастур лойиҳасини ишлаб чиқиш.

Банкларнинг умумий капитали ва депозит базасининг янада мустаҳкамланиши уларнинг иқтисодиётдаги ишлаб чиқариш жараёнларини молиявий қўллаб-қувватлаш, инвестицион фаолликни рағбатлантиришни ички манбалар ҳисобидан амалга ошириш имкониятларини кенгайтириб, банк тизими активларининг сифат ҳамда миқдор жиҳатдан ошишига олиб келади. Мижозларга кўрсатилаётган банк хизматлари сифатини тубдан яхшилаш, хусусан, омонатларнинг янги ва мижозлар талабларига мос жозибадор турларини жорий этиш тижорат банкларини молиявий ресурслар билан таъминлашнинг энг қулай воситаси ҳисобланади.

2018 йилда иқтисодиётдаги инфляцион хатарлар ва кутилмалар келгуси йилда ҳам иқтисодиётда муайян инфляцион босим сақланиб қолиши ва нархлар ўсиши, номонетар омиллар ҳисобига рўй бериши прогноз қилинмоқда. Хусусан: А) ташқи иқтисодий фаолият эркинлаштириб борилиши шароитларида ички нархларнинг ташқи нархларга нисбатан мослашуви; Б) бозор шароитларида ишлаб чиқариш таннархи, шу жумладан, зарурий хомашёни импорт қилиш харажатлари ошиши натижасида энергия манбалари, хусусан, бензин, дизель ёқилғиси ва электр энергияси нархлари оширилиши; В) иш ҳақи, пенсия ва бошқа ижтимоий тўловлар оширилиши каби омиллар ҳам инфляция даражасининг 2018 йилда ҳам нисбатан юқори даражада бўлишига олиб келиши мумкин.

2018 йилда пул –кредит сиёсати иқтисодиётда юқори инфляцион кутилмалар шароитида амалга ошириб борилади. Шундан келиб чиққан ҳолда жорий йилда пул –кредит сиёсатини амалга оширишда асосий эътибор монетар омилларнинг инфляцияга таъсирини минималлаштириш ва шу орқали нархлар барқарорлигини таъминлаш учун зарур шароитни яратишга қаратилади. 2018 йилда пул –кредит инструментлари самарадорлигини ошириш чоралари мамлакатда юзага келган янги иқтисодий воқелик ва талабларга мос равишда мажбурий заҳиралаш талабларини такомиллаш-тириш, банклараро пул бозори фаолиятини кенгайтириш, монетар операциялар ўрни ва таъсирини ошириш, пул –кредит ва фискал сиёсат мутаносиблигини таъминлашга қаратилади. Халқаро тажриба ва андозалар асосида банк назорати амалиётини такомиллаштириш, шунингдек, банк тизимида рақобат муҳитини яхшилаш, банкларнинг кредит сиёсатида бозор механизмларини кенг жорий этиш бўйича ишларнинг давом эттирилиши банк тизимида бўлган ишончнинг ортишига ва пул –кредит сиёсати самарадорлигини таъминлашга хизмат қилади.

INNOVATSIYALAR – IQTISODIY O'SISH OMILI SIFATIDA

**kat. o'q. Boltaeva Sh. B.,
talaba Axmedov G'. N., BuxDU**

XXI asr axborot texnologiyalari asri desak xato bo'lmaydi. Ushbu asrda yashar ekanmiz har daqiqamiz har onimiz yangiliklar va yangilanishlarga, axborotlar va kashfiyotlarga boy bo'ladi. Xuddi shunday ekan yangiliklardan orqa qolishdan yomoni yo'q. Yangiliklar va kashfiyotlar fanda 'Innovatsiya' iborasi bilan ifodalanadi.

“Innovatsiya” iborasi inglizcha “innovation” soʻzidan olingan boʻlib, “yangilik kiritish” degan maʼnoni bildiradi. Buning zaminida esa yangi tartib, yangi odat, yangi usul, kashfiyot, yangi qarash va gʻoyalari yotadi. Innovatsiya deganda yangi ilmiy texnik yutuqni ifodalab, yangi maxsulotni yaratish, amalda qoʻllash jarayoni xam tushuniladi.

Innovatsiyalar shuningdek, «yangi kombinatsiyalarni amalga oshirish» tushunchasi bilan ham anglashiladi. Ushbu terminga yirik iqtisodchi olim Yozef Shumpeter tashkilot, mahsulot yoki ishlab chiqarish jarayonini doimiy takomillashtirish yoʻli bilan olinuvchi strategik afzallik va yutuqlarni kiritgan.

Shumpeterning qarashlarida innovatsiya sifatida quyidagi besh hol nazarda tutilganligini koʻrish mumkin:

- yangi neʼmat tayyorlash;
- ishlab chiqarishning yangi usulini joriy qilish;
- yangi sotuv bozorini oʻzlashtirish;
- xom ashyo yoki yarim tayyor mahsulotlar yangi manbasiga ega boʻlish;
- tegishlicha qayta tashkil qilish, masalan, monopol holatni taʼminlash

Koʻpchilik tadqiqotchilar ishlab chiqarishni rivojlantirish intensivligining toʻgʻridan-toʻgʻri tavsifi hisoblangan texnologik innovatsiyalarga eʼtibor qaratadi. Ular qatoriga fan-texnika taraqqiyotini belgilab beradigan ishlab chiqarish texnologiyalari, usullar, vositalar va oʻzgarishlar kiritiladi.

Ilmiy asoslangan yangiliklar tarqatish va joriy etish paytidan boshlab innovatsiyalarga aylanadi. Zamonaviy iqtisodiyotda innovatsiyaning roli kun sayin ortib bormoqda. Innovatsiyani qoʻllamasdan turib ilm sarfi va yangiligi yuqori darajada boʻlgan raqobatbardosh mahsulotlarni yaratish mumkin emas.

Shuning uchun bozor iqtisodiyotida innovatsiyalar raqobat kurashida samarali vosita hisoblanib, yangi talablarning vujudga kelishiga, mahsulot ishlab chiqarish harajatlarning kamayishiga, investitsiya oqimining koʻpayishiga, yangi mahsulot ishlab chiqaruvchilarning imidji, yaʼni reytingi oshishiga, yangi ichki va tashqi bozorlarni ochish hamda egallab olishga olib keladi.

Hozirgi davrda bizning respublikamizda iqtisodiyotni rivojlantirish barcha tarmoqlardagi tarkibiy oʻzgarishlar bilan birga olib borilmoqda. Ayniqsa ishlab chiqarish va xizmat koʻrsatish sohaslariga innovatsiyalarni kiritish jarayonida koʻp muammolar paydo boʻlmoqda va ularni oʻz vaqtida hal etish kerakli kadrlar va moddiy texnika bazasi bilan taʼminlash masalalarini yechishni hamda tashkiliy va uslubiy tadbirlarni, ilmiy izlanishlarni talab etadi.

Innovatsion muhitni shakllantirish doimiy ravishda mahsulotni yangilash, ishlab chiqarish fondlarini yangi texnika asosida yangilash, mamlakatni ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirish imkoniyatini yaratadi va muhim omil hisoblanadi.

Jahon amaliyoti shuni koʻrsatadiki, koʻplab rivojlangan mamlakatlar yuksak taraqqiyot darajasiga fan va texnika sohasidagi eng soʻngi innovatsiyalarni ishlab chiqarishga tez va keng koʻlamda joriy etish hisobiga erishmoqdalar.

Gʻoyalarni amalga oshirish, yaʼni korxonani toʻliq yoki qisman yangilash uchun mumkin boʻlgan tadbirkor faoliyatining asosiy yoʻnalishlarini ajratish mumkin:

- ishlab chiqarishning boshqaruv tizimini oʻrganish;
- yangi texnika yoki texnologiyalarni qoʻllash;
- mahsulotni ishlab chiqarishda yanada tejimli yoki mustahkam yangi materiallardan foydalanish;
- mahsulotlarning dizayni, qadoqlanishini yaxshilash;
- korxonalar reklama kompaniyasini tashkil qilishning printsiplari yangi tizimini yaratish.

Hozirgi kunda jamiyat hayotida innovatsion sohaning jadal rivojlanishi, iqtisodiyotda intellektual mahsulot, axborot va ilmiy-texnik va innovatsion faoliyat ulushining oʻsishi shunga olib keldiki, innovatsiyalar xuddi foydali qazilmalar, ishlab chiqarish quvvatlari va intellektual salohiyat kabi, mamlakatning boyligi hisoblana boshladi.

Mamlakatimiz va uning har bir fuqarosi manfaatlarini yo'lida innovatsion va ilmiy-texnik salohiyatdan samarali foydalanishning mamlakatda kompleksli innovatsion siyosatni shakllantirish va uni amalga oshirish uchun qonunchilik asoslari yaratmasdan turib hech ham imkoni yo'q edi.

Bozor islohotlarining amalga oshirilishi, mamlakatning jahon hamjamiyatiga integratsiyalashuvi, jahon iqtisodiy tizimining bilimlar va axborot rolining o'sishi tomon o'zgarishi, yangi texnologiyalar va kapital bozori o'rtasidagi aloqalar kuchayishi bilan mamlakatimiz iqtisodiyotining innovatsion rivojlanish yo'liga o'tishi dolzarb ahamiyat kasb etadi.

O'zbekistonning innovatsion rivojlanish yo'liga o'tish yo'llari va usullarini ishlab chiqish mumkin. Zamonaviy dunyoda intellektual mahsulotning tijoratlashuvi, fan va texnika rolining tubdan o'zgarishi sababli har bir davlat, shuningdek, alohida korxonalar darajasigacha bo'lgan quyi boshqaruv darajasidagi strukturalar bozor sharoitlarida ilmiy-texnik va innovatsion faoliyatga resurslar ajratish, bu faoliyat natijalarini amalga oshirishga o'z munosabati haqida tasavvurga ega bo'lishi, ya'ni mamlakat, mintaqa, tashkilot va alohida shaxsning belgilangan ijtimoiy-iqtisodiy maqsadlariga samarali erishish imkonini beradigan o'z innovatsion siyosatini ishlab chiqishi lozim.

МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТНИНГ ЕНГИЛ САНОАТ ТАРМОҒИДАГИ КОРХОНАЛАРНИ БОШҚАРИШДА ИННОВАЦИЯЛАРНИНГ ЎРНИ

**Б.А.Нарбутаев, ўқитувчи,
Г.Қ.Тўхтамишева, ўқитувчи, ГулДУ**

Инновация бу – янгилик, ишлаб чиқарувчига талаб қилинаётган бозордаги маҳсулотни сифат жиҳатидан ўсишини таъминлаб бериш орқали максимал фойда келтиришни таъминлайдиган илмий ғоядир. Инновацион ғоялар ва технологиялар ёрдамида иқтисодиётимизнинг саноат тармоғини чуқур қайта тузиш, бошқарув тизимини янада самаралироқ ташкил этиш, маҳсулот ҳажми ва сифатида салмоқли ўсишига ва иш унумдорлигини оширишга эришиш мумкин. Мамлакатни қайта ислоҳ қилиш ва модернизациялаш шароитида энгил саноат соҳасини ривожлантиришга кўпроқ аҳамият бериш ижобий самара беради. Бу соҳанинг бошқа соҳалардан ажралиб турадиган жиҳати шундаки, бу тармоқда бошқа тармоқларга қараганда кўпроқ ишчи кучи керак бўлади. Бу эса ўз навбатида, ишсизлик муаммосини ижобий ҳал этишга ёрдам беради. Қолаверса у корхоналар табиий хом-ашё ресурсларидан фойдаланади. Ушбу манбалар эса республикамизнинг қишлоқ ҳудудларида жойлашганини инобатга оладиган бўлсак, бу шаҳар ва қишлоқ яшаш даражаси ўртасидаги фарқни камайишига олиб келади. Энгил саноат тармоғини ривожлантиришимиз учун, бу соҳада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ҳиссасини оширишимиз, яъни ички маҳсулот ва экспорт даражасини оширишимиз лозимдир.

Барчамизга маълумки, кичик бизнеснинг ихчам ва ҳаракатчанлиги, бозор конъюктураси ўзгаришлари ва истеъмолчилар ўзгаришларига тез мослаша олиши, иқтисодиёт тармоқларини барқарор ривожлантириш зарур бўлган шароитда янги иш ўринларини яратиш ва аҳоли даромадларини ошириш борасида энг қулай воситадир. Шундай экан, бугунги кунда кичик бизнесни нафақат сон жиҳатидан, балки сифат жиҳатидан ҳам ривожлантиришга аҳамият беришимиз, бу тармоқда янги инновацион технологиялардан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқаришни ташкил этишимиз замон талаби бўлиб қолди.

Афсуски, бугунги кунда юқори технологик жараёнларни талаб этадиган саноатимиз тармоғида кичик бизнеснинг улуши етарли даражада эмас. Мазкур соҳа ва тармоқларда кичик бизнес тараққиётини таъминлаш, умуман, иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини барқарор ривожлантиришнинг асосий йўналишларидан бири сифатида инновацион жараёнларни фаоллаштириш, айниқса, кичик бизнес субъектларининг инновацион

фаолиятларини рағбатлантириш юқори самара беради. Мамлакатимизда инновация фаолиятини ривожлантиришимиз учун илмий, меъёрий-ҳуқуқий база яратилган бўлиб, кадрлар салоҳиятимиз ҳам юқори даражада эканлигини инобатга оладиган бўлсак, мазкур соҳадан фойдаланиш кўрсаткичларимиз талаб даражасида эмаслигини кўришимиз мумкин. Бу соҳада кутилаётган натижага эришишимиз учун қуйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

– ҳар бир саноат корхонаси бошқарув фаолиятида инновацион менежмент усул ва технологияларини тадбиқ этиш;

– энгил саноат корхоналаридаги маркетинг бўлимлари фаолиятларини такомиллаштириш орқали, маркетинг тадқиқотларини кўпроқ олиб боришга жалб этиш ва бу тадқиқотлар асосида янги инновацион ғояларни ишлаб чиқишни рағбатлантириш;

– ҳар бир корхона раҳбари инновацион ғояларни амалиётга қўллашдан аввал уларни синаб кўриш учун етарли шарт-шароитларни яратиб бериш;

– саноат тармоғида инновацияларни жорий этишда молия-кредит муассасалари билан ҳамкорликда иш олиб бориш, яъни саноат корхоналари учун зарур ресурслардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш ва яратилган янги инновацион лойиҳаларни самарали молиялаштириш тизимини ишлаб чиқиш;

– ҳар бир корхонанинг ўзида инновацион лойиҳалар билан ишлайдиган ишчи гуруҳлар ташкил этиш ва инновацион ғоялар муаллифларини моддий рағбатлантириб бориш.

Бугунги, рақобат кучайиб бораётган бир даврда энгил саноат корхоналари ўз ишлаб чиқариш фаолиятларида янги инновацияларни қўлламасдан, бошқарувни ташкил этишларида инновацион менежмент технологияларини қўлламасдан бозорга янги маҳсулотларни кирита олишлари қийиндир. Амалдаги бошқарув усулларини доимий равишда такомиллаштириш ва бошқарувда инновацион менежментни қўллаш бугунги куннинг талаби бўлиб ҳисобланади.

INNOVATION IQTISODIYOT BARQAROR TURIZMNING ASOSIDIR

tayanch doktorant N.A.Rasulov, NamDU

Hozirgi kunga kelib, dunyoning barcha mamlakatlarida zamonaviy turizmning eng muhim yo'nalishlaridan biri sifatida, sayyohlarni jalb etishni rejalashtirish va turizm bozorida bir xil taklif turiga ega bo'lgan sayyohlar sonining ortib borishi natijasida turizm bozorida keskin raqobat muhitining o'sishi kuzatilmoqda. Shu sababdan, davlat tashkilotlari va turizm kompaniyalari sayyohlarni jalb qilish, ularga takliflar ishlab chiqish va atrof-muhit ixtisoslashuvini kengaytirish uchun so'nggi turdagi texnologiyalarni qidirmoqda. Shuning uchun, ichki turizm va tashqi turizm bozorini rivojlantirishda, davlat va xususiy turizm kompaniyalarining birgalikdagi harakati maqsadga erishishning birgalikdagi kaliti bo'ladi.

Kharichkov S., Nezdoyminov S., Dyshlovoy I., Nezdoyminov S., Andreeva N., Petrychenko P. va boshqa bir qator xorijiy olimlar "yashil" iqtisodiyot tamoyillarning shakllanishi strategik, ko'p qirrali va murakkab masala sifatida e'tirof etishadi. Ularning asosiy maqsadi, turizm bozorini shakllantirish buning asosida yashil tabiat tomonidan yaratilgan mo'jizalarni, inson qo'li bilan bunyod etilgan turli xildagi dam olish maskanlarini va h.k. muhofaza qilishdan iboratdir [1-3].

Tadqiqotlar shuni ko'rsatadiki, mintaqaviy turizmni rivojlantirish kontseptsiyalarining aksariyati tadbirkorlik sub'ektlari uchun rekreatsion faoliyatning jozibadorligini baholaydi, lekin turizmni va mehmonxona infratuzilmasini ekologik jihat tashkil qilish, "yashil" investitsiyalarni jalb qilish bo'yicha xalqaro tajriba asosidagi "yashil texnologiyalar" ning afzalliklarini o'z ichiga olmaydi. Yuqorida fikrlarning barchasi maqolaning mazmunini yoritadi, bu esa ilmiy va amaliy jihatdan ushbu sohani yanada tadqiq etishga imkon yaratadi.

Asosiy natijalar quyidagi uslublar yordamida qo'lga kiritildi: Ukraina hududlarida bo'sh vaqt va sayyohlikni modernizatsiya qilish uchun "yashil iqtisodiyot" dastur printsiplarini amalga oshirishning mumkin bo'lgan gipotezalari; mintaqaviy tizimlarda turizmni tashkil etish

muammolariga tanqidiy yondoshish; Barqaror turizmni rivojlantirish uchun ko'rsatkichlar tahlil qilish uchun, avvalo, deb mintaqaviy statistika monitoringi; nazariy umumlashma va taqqoslash, tahlil qilish va sintez, tizimlashtirish, grafik vizuallashtirish.

Hozirgi kunga kelib, turizm sohasida barqaror rivojlantirish muammolari tahlil qilinmoqda, "yashil" iqtisodiyotni taraqqiy ettishi asosida turizm infratuzilmasini modernizatsiya qilishning samarali udulini ishlab chiqish uchun davlat mintaqaviy siyosatining kontseptual qoidalari va maqsadlarini shakllantirishda olimlar va mutaxassislarning erishgan yutuqlarini umumlashtirishdan iborat. Har bir mamlakatda turizm sohasi juda murakkab tizim sifatida tan olinib, uning rivojlanish darajasi o'ziga bog'liq hisoblanadi. Bundan tashqari, turli xil ofatlar va tabiatning turli zararlar keltirishi mumkin bo'lgan, sohalardan biri hisoblanadi. Shuningdek, rivojlangan mamlakatlarda turizm sanoati katta miqdordagi resurslari xalqaro turizm bozorida o'z sayyohlik mahsulotlarini ilgari surish uchun yo'naltiriladi.

Buning asosiy sabablaridan biri, mamlakatlarning turizm sohasidagi obro'sini shakllantirish va turizm bozorida o'xshash bo'lgan sayyohlik takliflariga ega bo'lgan boshqa davlatlar orasidagi farqni yuzaga keltirish bilan bog'liq. Misol uchun, 2009 yilda Turkiya davlati, ayrim mamlakatlar turizm bozorida o'zining salohiyatini oshirish maqsadida va "yashil" dam olish maskanlarini barpo etish uchun 3 million AQSh dollari sarfladi. Ushbu turistik investitsiyalarning mamlakatga qaytib kelishi investitsiya aylanmasi, xomashyo sarflamasdan milliy daromadlarni ko'paytirish, aholini ish bilan bandlik darajasini oshirish, valyutalar hajmini oshirish, to'lovlar balansini takomillashtirish va mamlakat infratuzilmasini rivojlantirishga erishdi. Xalqaro statistik ma'lumotlarga ko'ra, dunyo miqyosidagi eksport daromadlari ko'p bo'lgan 15 mamlakatning turizm sohasidagi daromadlari yuqori darajani tashkil etadi. Iqtisodiyoti rivojlanmagan 45 davlatda esa, eksport hajmining 25 foizidan oshig'i turizm daromadiga ega. Turizm, ko'plab mamlakatlarning qariyb 40 foiz asosiy daromad manbai sifatida e'tirof etiladi. Mamlakatlarning qariyb 80 foizi uchun 5 ta asosiy daromad manbalari mavjud.

Shuningdek, barcha mamlakatlarda qo'llanilishi mumkin bo'lgan yagona model bo'lmasa-da, Daniya tajribasi [4] shuni ko'rsatdiki, xalqaro munozarada ta'kidlangan ko'plab vositalar aslida mantiqiy ravishda qo'llanilganda ishlaydi. Ular orasida boshqalar:

- yo'nalish qayerga ekanligi va u yerga qanday yetib borish to'g'risidagi nizomlar, maqsadlar, standartlar va aniq ko'rsatmalar mavjudligi, bu yangiliklarga investitsiyalar yo'naltirish va ularni rag'batlantirish uchun yordam beradi;

- moliyaviy vositalar. Narxlar aniqlashtirish. Ekologik xarajatlarni yanada narxlarda aniq aks ettirish kerak. Texnika, yoqilg'ilar va h.k. uchun xarajatlarni kamaytirish yoki narxlarni pasaytirish, ekologik va iqlimga mos texnologiyalarni jalb qilish muhimdir;

- innovatsiyalarni mustahkamlash, jumladan, yangi va energiya resurslarni tejoychi, ekologik va iqlimga mos texnologiyalarni rivojlantirish va jalb etish.

- axborot darajasini oshirish va iste'mol qilishning barqaror bo'lmagan oqibatlarini haqida xabardorlikni oshirish.

Xulosa o'rnida shuni ta'kidlash joizki, turizmni rivojlantirish har bir mamlakatning o'z qo'lida. Uni yanada ko'rkam qilish uchun esa bor imkoniyatlar jalb etilsa bo'lgani. Xususan, hozirgi kunda mamlakatimizda sanoqli olimlarimiz yashil iqtisodiyot bo'yicha izlanishlar olib borishmoqda. Mamlakatimiz tarkibiy hududlarining yashil iqtisodiyot asosidagi barqaror turizmni rivojlantirish uchun xorijiy investorlarni shu yo'nalish bo'yicha yo'naltirish kerak deb hisblaymiz.

ИҚТИСОДИЁТНИ ЭРКИНЛАШТИРИШ СОҲАСИДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИСЛОҲОТЛАР ВА УЛАРНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

кат. ўқ.Ў.Шукурова, ГулДУ

Ўзбекистонда бозор муносабатларига асосланган иқтисодиёт турини шакллантириш ва ривожлантириш иқтисодиёт субъектларининг эркин иқтисодий фаолиятини таъминлашга қаратилган. Иқтисодий фаолият эркинлигини таъминлаш миллий иқтисодиёт

субъектларининг бозор қоидалари асосида ривож топиб боришини англантиши билан бирга турли тармоқларнинг мутаносиб ўзаро алоқаларининг амал қилишини, мулк ва фаолият натижаларини эркин ўзлаштирилишини тақазо қилади. Шунинг учун бозор иқтисодиёти қонунларининг тўлақонли амал қилиши учун иқтисодий алоқа ва муносабатларда янгича механизмнинг амал қилиши керак бўлади. Оқибатда, мулкый турли-туманлик ва фаолият натижаларини мустақил ўзлаштириш соғлом рақобат муҳитини қарор топишини таъминлайди. Бу эркин иқтисодиёт тамойилларининг жорий этилиши орқали таъминланиб, иқтисодий ислохотларнинг янада чуқурлашиб боришига олиб келади. Шунинг учун Президентимиз Ислом Каримов "... бозор ислохот-ларини янада чуқурлаштириш, кучли бозор инфратузилмасини яратиш, барқарор ва ўзаро мутаносиб, мустаҳкам иқтисодиётнинг муҳим шарти бўлган эркин иқтисодиёт тамойилларини жорий этишдан иборат" эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтдилар. Эркин иқтисодиёт тамойилларининг янада кенг жорий этилиши тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг қафолати бўлиб, ишлаб чиқаришни бозор қоидалари асосида ташкил этишни, соғлом рақобат муҳитини шаклланишини ва ҳар қандай иқтисодий алоқалар манфаатлар заминида юзага чиқишини таъминлайди. Эркин бозор тамойилларининг жорий этилиши ва амал қилиши иқтисодиётда шундай ҳолатнинг яратилишига олиб келадик, бу ҳолат объектив иқтисодий механизмнинг амал қилишини таъминлаб, бозор иштирокчиларининг иқтисодий фаоллигини муттасил ортиб боришига туртки бўлади.

Эркин иқтисодиёт тамойиллари мазмунан қуйидагилар билан белгиланади:

- хусусий мулкнинг иқтисодиётдаги етакчи ўрни;
- тадбиркорлик ва танлаш эркинлиги;
- соғлом рақобатчилик муҳитининг мавжудлиги;
- бозор турларининг эркин ташкил топиши ва ривожланиб бориши;
- иқтисодий алоқалар фойда ва даромад топиш манфаатлари заминида ташкил топиши;
- нархларнинг бозорда эркин шаклланиши;
- давлатнинг иқтисодиётга аралашувини чекланганлиги.

Бу тамойилларнинг амал қилиши фақат ҳуқуқий қонунлар доирасида ўз ифодасини топиши керак. Энг муҳими, бозор қонунларининг, иқтисодий фаолият ва танлаш эркинликларининг амал қилишлари учун шарт-шароитлар яратиш ҳамда иқтисодиётни тартибланишнинг бозор ва давлат механизмларининг уйғунлигини таъминлаш зарур. Бунинг учун эскидан қолган иқтисодий қарашлар ва иш олиб бориш қоидаларининг янги иқтисодиёт тамойилларига қандай йўсинда таъсир этаётганлигига алоҳида эътибор бериш керак бўлади.

Эркин иқтисодиёт тамойиллари ҳақида фикр юритилганда эркин иқтисодиёт тушунчаси нимани англантишига ҳам эътиборни қаратишимиз лозим. Эркин иқтисодиёт - бу турли мулк шакллари ва тадбиркорлик фаолиятининг мавжудлиги ҳамда уларнинг эркин ҳаракати орқали иқтисодиёт субъектларининг фойда олишга интилишларини юзага чиқарувчи иқтисодий муносабатлар мажмуидир. Эркин иқтисодиёт тадбиркорлик ва танлаш эркинлигини таъминлар экан, бу ҳолат фойда олиш, наф кўриш, манфаатни қондириш кабиларнинг мавжудлиги билан изоҳланади. Эркин иқтисодиёт қуйидаги ҳолатлар билан характерланади: 1. Тадбиркорлар қатлами иқтисодиётнинг асосий субъектини ташкил этади ва улар даромадларини максималлаштиришга интилувчилардан ташкил топади. 2. Фирмалар қаттиқ рақобат шароитида фаолият юритадилар. 3. Молиявий интизомга қаттиқ риоя этилади. 4. Ресурслар бозори эркин бўлади. 5. Хўжалик ҳаётининг ҳуқуқий таъминоти кучли бўлади. 6. Истеъмолчилар талаби бозорга кучли таъсир этиб туради. 7. Товар ва ресурслар баҳоси, фоиз ставкаси, валюта курси бозорга қараб ўзгарувчан бўлади. 8. Жамғармаларнинг асосий қисми банкларда ва молия бозорида ҳаракатланади. 9. Давлат сектори очик ва тижоратлашган бўлади.

Иқтисодий ислохотларнинг чуқурлашиб бориши очик иқтисодиётга хос бўлган белгиларнинг ривожланишига маъмурий тўсиқларни келтириб чиқармаслиги керак. Бу тўсиқлар экспорт ва импортни тартибга солишда, иқтисодий маълумотларнинг

етишмаслигида, иқтисодиётнинг реал ҳолатини изоҳлаб берувчи иқтисодий таҳлилий материаллардан хабардор бўлишида намоён бўлиши мумкин. Натижада хусусий тадбиркорликнинг ривожини боши берк кўчага кириб қолиши, тадбиркорликнинг ривожланиши учун иқтисодий муҳитнинг торайиб кетиши юз бериши мумкин.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг аҳамияти асосан қуйидаги бешта устуворликни таъминлашга хизмат қилади: хусусий тадбиркорлик иш билан бандлик масаласини юмашатади ва индивидуал имкониятлар доирасида иш ўринларининг яратилишига олиб келади; бозор қондаларига мос равишда даромад топиш учун шарт-шароит ҳозирлайди; пул топишга бўлган қизиқишни кўчайтириб, товар ишлаб чиқаришнинг кўпайишига олиб келади; ўрта мулкдорлар ва ўрта ҳол аҳоли қатламини ташкил топишининг асосини ташкил этади; аҳоли турмуш фаровонлиги оширишнинг моддий асосини яратилишига хизмат қилади.

Эркин иқтисодиёт тамойилларининг жорий этилиши кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг кенг ривожланишига шароит яратиб бериши ҳақида фикр юритилганда, ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва савдо-сотик эркинлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилиши керак. Чунки, ўтиш даврида дастлаб, кичик қўламдаги тадбиркорлик турлари ривож топиб боради ва бир вақтнинг ўзида йирик ишлаб чиқаришнинг ҳам таркибий ўзгариши ва ривож топиши руй беради. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик нодавлат секторда салмоқли ҳиссага эга бўлиши билан бирга, йирик ишлаб чиқаришнинг таркибий қисмига айланиб бориши ҳам юз бериши керак.

Бундай жараёнларни иқтисодий ислоҳотларни муваффақиятли амалга оширган кўпчилик мамлакатлар мисолида кўриш мумкин. Ёхуд, хусусий тадбиркорлик иқтисодиётни таназзул ҳолатидан чиқариш учун дармон бўлиб хизмат қилади деб айтиш ўринлидир. Шунинг учун, хусусий тадбиркорликнинг ривожланишига тегишлича эътибор берилмаслик иқтисодий ислоҳотлар самарасини таъминлашни чеклаш билан баробардир. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши жамиятда ўрта ҳол қатламнинг шаклланиши ва кўпайиб боришининг бош асосини ташкил этади. Бу эса жамиятда иқтисодий барқарорликнинг ҳукм суришини, тинчлик ва тотувликни, келажакка ишонч билан қарашни қарор топтириб, аҳоли тушмуш даражасини ўсиб боришининг бош омилига айланиб қолади.

Эркин иқтисодиёт тамойилларини жорий этиш учун қуйидагиларни амалга ошириш талаб этилади: 1.Тадбиркорлик мустақиллигига зид келувчи чеклашларни олиб ташлаш. 2.Ишлаб чиқариш ва молиявий ресурслар олди-сотди муносабатларидаги тўсиқларни олиб ташлаш. 3.Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш. 4.Монополистик фаолиятларга жиддий зарба бериш. 5.Хусусий сектор манфаатларининг амалдорларга боғлиқлигини юкотиш. 6. Корхона фаолиятидаги молиявий чекловларга барҳам бериш. 7. Алоҳида корхона ва тармоқларга ҳаддан зиёд имтиёзлар беришни тугатиш.

Хуллас, эркин иқтисодиёт тамойилларининг жорий этилиши бозор муносабатларининг ривожланишини таъминлаб, иқтисодий муносабатлар бозор қонунлари асосида ташкил топишини ва барқарор иқтисодий ўсиш учун иқтисодий шарт-шароитларни юзага келтириб, объектив иқтисодий қонунларнинг реал амал қилишини қарор топтиради.

ИҚТИСОДИЁТНИ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНТИРИШДА ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

**кат.ўқ. А.Ў.Зурапов. Ўз.Р. Миллий
Гвардияси харбий-техника институти**

Ўзбекистон иқтисодиётини инновацион ривожланиш йўлига ўтказиш жаҳон иқтисодиётининг ривожланиш тенденциялари, узоқ муддатли истиқболда миллий инновация тизимининг барқарор ривожланишини таъминлайдиган омилларни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган. Ўзбекистонда 2010-2021 йилларда инновацион инвестицион ривожланишнинг мақсадли кўрсаткичлари Прогнозлаш ва макроиқтисодий тадқиқотлар

Институти томонидан миллий инновацион тизим (МИТ) ўзгаришлари интенсивлиги ва ўсишининг омилларидан келиб чиқиб, аниқланди.

Бу кучли рақобатбардош технологик платформалар ва кластерлар ядросини шакллантирадиган тизимли инновацион лойиҳаларни амалга оширишга; давлат харажатлари салмоғини камайтириш ва кўпроқ рағбатлантириш билвосита воситаларидан фойдаланадиган хусусий инвестицияларнинг ўсиши; чекланган миқдордаги лойиҳаларга ресурсларни жамлаш; рискларни тақсимлаш асосида инновацион инвестицион соҳада халқаро кооперацияни ривожлантиришга қаратилган. Мавжуд иқтисодий ўсиш салоҳияти ва захираларидан келиб чиқиб, юқори технологияли тармоқлар маҳсулотлари улушини 2010 йилдаги 11,3% дан 2016 йилда 15% ва 2021 йилда 31% гача етказиш башорат қилинмоқда, инновацион инвестицион маҳсулотлар ишлаб чиқариш салмоғи эса йиллар бўйича мос равишда, 2,9% дан 15% ва 22% гача ўсади³⁰.

Бу кўрсаткичларга эришиш учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича

Ҳаракатлар стратегиясида қабул қилинди. Қабул қилинган ҳаракатлар стратегияси дастурига кўра 2017-2021 йилларда миллий иқтисодиётимизга катта миқдорда инновацион инвестиция ресурслари жалб қилинади. Илмий-техник ишларга харажатлар 2016 йилда ЯИМга нисбатан 1% гача ўсишга эришилади. Ушбу кўрсаткич 2021 йилга бориб инновацион ривожланган мамлакатлар кўрсаткичига яқинлашган ҳолда ЯИМнинг 3%ига етиши мумкин. ИТТКИга харажатларни оширишда аксарият қисми “илм-фан-ишлаб чиқариш” алоқасини кенгайтириш орқали илғор илмий-техник ишланмаларга қўйилмаларнинг илгарилаб ўсиши ҳисобидан иқтисодиёт нодавлат сектори киритиши керак. Корхоналар ва ташкилотлар томонидан инновацион инвестицияларга сарфланаётган харажатлар улуши 0,4% дан 2016 йилда 2,8% гача ва 2021 йилга бориб эса 5% гача оширилиши прогноз қилинган³¹.

Иқтисодиёт реал секторини модернизациялаш жараёнлари эвазига сўнгги йилларда ЯИМнинг юқори ўсиш суръатларини сақлаб қолишга эришилди. 2000 йилдан 2016 йилгача бўлган давр оралиғида инновацион маҳсулотлар улуши юқори бўлган саноат ишлаб чиқариши ўсиш суръатлари 6,6 фоиздан 12,7 фоизгачани ташкил этган бўлса, қишлоқ хўжалигининг ўсиши – 4,5 фоиздан 7,0 фоизгачани ташкил этди. Мазкур давр мобайнида хизматлар соҳаси тармоқлари жадал ривожланди. 2000-2016 йиллар оралиғида ташқи савдо айланмасининг қарийб 3,6 маротаба ўсганлиги, жаҳон хўжалигига интеграциялашув жараёнларининг кучайганлигидан далолат беради.

³⁰ Прогнозлаш ва макроиқтисодий тадқиқотлар Институти томонидан ҳисобланган.

³¹ Прогнозлаш ва макроиқтисодий тадқиқотлар Институти томонидан ҳисобланган.

1-жадвал.Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётида 2010-2021 йилларда инновацион ривожланишининг мақсадли йўналишлари³²

Кўрсаткичлар	2010 й.	2012-2016 йй.	2017-2021 йй.
Илмий-техник ишларга харажатларнинг ЯИМ га нисбатан салмоғи, %	0,2	1,0	3,0
Юқори технологияли тармоқлар улуши (ЯИМ умумий ҳажмига нисбатан, %да)*	11,3	15,0	31,0
Инновацион маҳсулот ҳиссаси** (ЯИМ умумий ҳажмига нисбатан % да)	2,9	15,0	22,0
Инновацион фаолиятга харажатлар салмоғи (умумий маҳсулотга нисбатан % да)	0,4	2,8	5,0
Инновацион маҳсулот экспортининг умумий экспортдаги салмоғи, % да	5,8	15,0	28,0
Табийий фанлар ва муҳандислик таълими бўйича талабалар қабул қилиш салмоғи, %	28,7	40,0	45,0
Ўзбекистон резидентлари томонидан хорижий патент маҳкамаларида йиллик рўйхатга олинган патентлар сони, дона	8***	1000	1300

* дунёда умумқабул қилинган БМТ таснифлашига мувофиқ (“Юқори технологияли соҳа таснифи”): 20 та тармоқ, жумладан, машинасозлик, кимё-фармацевтика, микробиология, кимёвий толалар ва ипак саноати;

** фақат янги маҳсулотни мужассамлаштириб: 2003 йилда инновацион (янги) маҳсулотларнинг Ўзбекистонда саноат ишлаб чиқариши умумий ҳажмида 2,9% ни ташкил этди, шу жумладан, 2,8% и саноатга тўғри келди.

Жамият ва иқтисодиётни ислоҳ этиш борасида Ўзбекистонда қўлга киритилган муваффақиятларни нуфузли хорижлик мутахассис ва олимлар модернизациялаш ва ислохотларни амалга ошириш борасидаги ўзбек моделининг самарадорлиги билан боғлашмоқда. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти эксперти В.Поповнинг фикрича, Ўзбекистон собиқ иттифоқ маконидаги мамлакатлар орасида ЯИМ таркибида саноат ишлаб чиқаришининг улуши ўсган ва саноат таркибининг ўзида инновацион маҳсулотлар бўлган машинасозлик ва кимё тармоқларининг улуши ортган ягона мамлакат бўлиб қолди³³.

Халқаро миқёсда катта нуфузга эга бўлган Жаҳон иқтисодий форуми рейтингига кўра, Ўзбекистон 2014 – 2016 йиллардаги ривожланиш яқунлари ва 2017 – 2018 йилларда иқтисодий ўсиш башоратлари бўйича жаҳонда энг тез ривожланаётган бешта мамлакат қаторидан ўрин эгаллаган. Бундан ташқари, Ўзбекистон 2015 йилда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Озиқ – овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилотига аъзо бўлган давлатларнинг озиқ- овқат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида Минг йиллик ривожланиш мақсадларига эришганлиги учун бериладиган мукофотга сазовор бўлган 14 та давлатдан бири сифатида эътироф этилди.

Саноатнинг бир қатор тармоқларида янги инновацион турдаги тайёр маҳсулотларнинг яратилиши ва ишлаб чиқарилаётган товарлар номенклатурасининг кенгайтирилиши саноатни диверсификациялаш даражасининг ортишига имкон яратди. Масалан, 2005 – 2016 йиллар давомида тармоқнинг умумий ишлаб чиқариш ҳажмида янги инновацион турдаги маҳсулотларнинг улуши: энгил саноатда 0,02 %дан 2,2 %га; озиқ – овқат саноатида 0,6%дан 2,5 %га; кимё ва нефт – кимё саноатида 1,7 %дан 7,5 %га; металлургияда 0,1%дан 6,8%га ўсганлигини кўришимиз мумкин. Ушбу туфайли, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмида янги инновацион турдаги маҳсулотлар улуши 2008 йилдаги 4,5 %дан 2015 йилда 6,9 %гача ўсди. Юқори техник тайёрлик даражасига эга бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқаришга мўлжалланган тармоқларнинг (машинасозлик ва металлга ишлов бериш, озиқ – овқат саноати) илгариларчи ўсиш суръатлари тармоқлараро нисбатларнинг ўзгаришига

³² Прогнозлаш ва макроиқтисодий тадқиқотлар Институтининг томонидан ҳисобланган ва эълон қилинган маълумотлар.

³³ Попов В. Экономическое чудо переходного периода: как Узбекистану удалось то, что не удалось ни одной постсоветской экономике. Журнал Новой экономической ассоциации, 2014, № 1 (21), с. 136–159.

ижобий таъсир кўрсатди. Бунинг натижасида қайта ишловчи тармоқларнинг саноат ишлаб чиқаришининг ялпи ҳажмидаги улуши 2005 йилдаги 38,5 фоиздан 2016 йилда 57,1 фоизгача ўсди. Иқтисодийнинг техник инновацион тараққиётини таъмин этувчи тармоқлар (электро – энергетика, машинасозлик, кимё саноати) улушининг 2005 йилдаги 29,5 % дан 2016 йилда 32,5%гача ўсганлиги саноат таркибида юз бераётган ижобий ўзгаришлар ҳақида гувоҳлик беради.

Истиқболда инновацион ривожланиш сиёсатини олиб боришга тизимли ёндошувни амалга ошириш натижасида давлат, бизнес, фан ва таълим ўзаро таъсири механизмини ўз ичига оладиган, ЯИМда умумий фан сиғими юқори бўлган маҳсулотлар ва хизматлар улушини оширишга эришиш имконини берадиган самарали миллий инновацион тизим шаклланади.

ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТНИНГ ҲОЗИРГИ БОСҚИЧИДА САНОАТЛАШТИРИШ СИЁСАТИНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

таянч докторант Б.Б.Тошбоев, ГулДУ

Жаҳонда интеграция ва глобаллашув жараёнларини чуқурлашиб бориши миллий иқтисодиёт олдида бир қатор янги вазифаларни қўймоқда. Миллий иқтисодиётнинг дунё бозорида ўз ўрнини топиши, яъни маълум «дарчани» эгаллаши учун унинг рақобатдошлик даражаси доимий равишда ўсиб бориши лозим. Ушбу мақсадларга эришиш учун миллий иқтисодиётни барча соҳаларида техник ва технологик янгиланиш амалга оширилиши керак. Бу борада фан ва техника ютуқлари, ишлаб чиқаришни бошқарувнинг (менежмент) янги усуллари доимий равишда жорий этиш орқалигина эришиш мумкин. Иқтисодий ривожланган мамлакатларда кейинги йилларда фан ва техника ютуқларини ва ишлаб чиқариш бошқарувини янги усуллари жорий этиш билан бирга, инсон капитали ривожига жуда катта эътибор берилмоқда. Информацион технология, роботлар, био-, нанотехнологияларни ишлаб чиқариш жараёнига кенг жорий этилиши муносабати билан меҳнат ресурсларининг касбий малакасини ошириш катта аҳамият касб этиб, уларнинг сифати мамлакат иқтисодиёт рақобатдошлигини ва барқарор ривожланишини таъминлайди.

Мамлакат иқтисодиётининг стратегик вазифаларидан бири унинг таркибий ўзгариши ва юқори технологияли юқори технологияли ишлаб чиқаришни ривожлантиришдир. Саноати ривожланган мамлакатларнинг тажрибаси шуни кўрсатадики, ушбу муаммоларни ҳал қилишнинг энг муҳим воситаси - давлат саноат сиёсатини амалга оширишдир.

Жаҳонда давом этаётган молиявий –иқтисодий инқироз шароитида миллий иқтисодиётни тўлиғича реиндустриализациялашга қаратилган чора-тадбирларни ва саъй-ҳаракатларни фаоллаштириш ва уларни рағбатлантириш алоҳида аҳамият касб этади. Жаҳон бозоридаги мураккаб иқтисодий вазият, хомашё нархларининг беқарорлиги ҳолатида импорт ўрнини босувчи ишлаб чиқаришларни ташкил этиш, маҳаллийлаштириш дастурларини изчиллик билан ҳаётга жорий этиш, Ҳаракатлар стратегиясида кўзда тутилган чора -тадбирларни амалга оширишнинг туб моҳиятини ташкил этади. Жаҳон тажрибаси ривожланган саноатга эга бўлмаган миллий иқтисодиётларнинг рақобат курашига чидамсиз эканлигини кўрсатади.

Саноат тармоғининг ривожини туфайли унда банд бўлган ходимларнинг сони кўпаяди, уларнинг билими ва маҳорати ортади, кадрлар салоҳияти юқори даражага кўтарилади. Фақат йирик машина индустриясигина фан ва техника ҳамда инновациянинг барча ютуқларини мужассамлаштириб, меҳнатни техника билан қуроллантириб меҳнат унумдорлигини юқори даражага кўтара олади. Саноат ва айниқса, унинг энг муҳим соҳаси бўлган оғир саноат мамлакатда кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришнинг асоси ҳисобланади. У моддий-техника воситаларини ўзи ва бошқа тармоқлар учун такрор ишлаб чиқариш билан бир вақтда жамият аъзолари ўртасидаги ижтимоий-ишлаб чиқариш муносабатларини такомиллаштириб ҳам боради.

Саноат моддий ишлаб чиқаришнинг бош тармоғи, иқтисодиётнинг пойдеворидир. Миллий иқтисодиётнинг барча тармоқларини қайта қуришга қодир бўлган йирик машиналашган саноатгина иқтисодий мустақилликнинг бирдан-бир моддий негизи бўлиши мумкин. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармонида олиб борилаётган ислохотлар самарасини янада ошириш, давлат ва жамиятнинг ҳар томонлама ва жадал ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиш, мамлакатимизни модернизация қилиш ҳамда ҳаётнинг барча соҳаларини либераллаштириш бўйича устувор йўналишларни амалга ошириш мақсадида 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тасдиқланди³⁴. Ушбу Ҳаракатлар стратегиясида иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишлари алоҳида муҳим ўрин эгаллайди. Иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг асосида албатта таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш, миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш ҳисобидан унинг рақобатдошлигини ошириш масаласи туради. Иқтисодиётни модернизациялаш, ислохотларни чуқурлаштириш, янги ишлаб чиқариш қувватлари ва асосий фондларни яратиш, амалда фаолият юритаётган техника ва технологияларни янгилаш, уларни қўллаб-қувватлаш инвестицион жараёнларни нечоғлиқ тўғри ва самарали амалга оширишга боғлиқ. Иқтисодиёт таркибида саноатнинг ривожланиш динамикасидаги муҳим ўзгариш корхоналар ва ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгиланиш асосида саноатда чуқур таркибий ўзгаришлар ва диверсификациянинг амалга оширилгани ҳисобланади. Саноат сиёсатидаги асосий устувор аҳамият институционал ислохотларнинг сифатини ошириш ва тадбиркорлик фаолиятига кенг йўл очиб бериш, саноат ишлаб чиқаришни модернизация ва диверсификация қилиш, иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, ўрта ва узоқ муддатда саноатни ривожлантириш бўйича дастурий чора-тадбирларни амалга оширишга қаратилади. Давлатимиз раҳбари томонидан Ҳаракатлар стратегиясида юқори технологияларга асосланган қайта ишлаш тармоқларини, энг аввало, маҳаллий хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматга эга тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни жадал ривожлантиришга қаратилган сифат жиҳатидан янги босқичга ўтказиш орқали саноатни янада модернизация ва диверсификация қилиш зарурати алоҳида таъкидланади. Мустақиллик йилларида саноат тармоғи ва хизматлар соҳасининг ривожланиш салоҳиятини янада кенгайтирилиши натижасида ЯИМ таркибида қишлоқ хўжалиги улушининг (1995 йилда 32,4 фоиздан 2016 йилда 17,6 фоизга) босқичма-босқич камайиш тенденцияси сақланиб қолди. Шу билан бирга, ЯИМ таркибида қишлоқ хўжалиги улушининг камайиши қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ижобий ўртача йиллик ўсиш суръатлари фониди содир бўлди. Саноат тармоғини диверсификациялаш, модернизациялаш, техник ва технологик янгилаш бўйича чора-тадбирларнинг қабул қилиниши натижасида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш умумий ҳажмининг ўсиши ва ЯИМ таркибида саноатнинг (қурилишни қўшган ҳолда) улуши 1995 йилдаги 27,8 фоиздан 2016 йилда 32,9 фоизгача ошиши таъминланди.

Миллий иқтисодиётнинг саноат сиёсати доирасида иқтисодиётнинг тармоқлараро ривожланишининг устувор йўналишларининг саноат портфелини яратиш, импорт ва экспорт таркибини яхшилаш саноат сиёсатининг мақсадини ташкил этгани ҳолда, саноат сиёсатининг самарадорлиги давлат саноат сиёсатининг матрицасини қуришга асосланган бўлиб, у саноат сиёсати мақсадларига эришиш натижасида олинган мамлакатнинг миллий бойликлари ўсишининг нисбати, уни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган харажатларга кўп жиҳатдан боғлиқ ҳисобланади. Миллий иқтисодиётда саноат сиёсатини амалга ошириш саноат сиёсатининг турлари, уларни молиялаштириш манбалари ва рағбатлантирувчи солиқ сиёсатининг турларини таҳлил қилишнинг ҳар бир босқичини назарда тутати, бу босқичлар:

³⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони. // Халқ сўзи, 8 февраль 2017 йил.

1) миллий иқтисодиётнинг эътибор қаратилиши лозим бўлган асосий соҳаларини аниқлаштириш; 2) миллий иқтисодиётни қайта саноатлаштириш учун шарт-шароитлар яратиш билан боғлиқ бўлган ишлаб чиқаришларни қўллаб-қувватлаш; 3) мамлакат иқтисодиёти рақобатбардошлигини ошириш-га хизмат қилувчи асосий омилларни тизимлаштиришдан ташкил топади.

Ушбу ҳолатда миллий иқтисодиётнинг изчил ривожланишига ёрдам берадиган муайян соҳалар учун афзалликлар яратиш ("ўсиш нуқталари"ни яратиш) мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Саноат сиёсатини амалга оширишнинг жаҳон тажрибаси ушбу ёндашувнинг самарадорлигини кўрсатади.

Импорт ўрнини босадиган сиёсатнинг амалга оширилиши доирасида, асосан, мамлакат иқтисодиётининг технологик мустақиллигини ва умуман олганда импорт ўрнини босишнинг стратегик мақсадини белгилайдиган саноат ишлаб чиқаришини таъминлаш кўзда тутилади.

Импорт ўрнини босиш сиёсатини амалга ошира бориб, ҳукумат миллий хўжаликнинг иқтисодий ва технологик имкониятларини ҳисобга олган ҳолда, иқтисодий муносабатларда иқтисодий изоляциядан узоқлашиши керак. Жаҳон амалиёти саноат сиёсатининг муваффақияти глобал илмий ва технологик тараққиётнинг ўзига хос жиҳатларини қай даражада ҳисобга олинишига боғлиқ эканлигини кўрсатади.

Жаҳон бозорида мамлакатимиз иқтисодиётининг ўрнини мустаҳкамлашда янгитдан саноатлаштириш сиёсати тамойилларини амалиётга изчиллик билан жорий этиш талаб этилади.

Миллий замонавий саноат сиёсатини амалга ошириш давлат бошқаруви ва иқтисодиётни саноатлаштиришда бизнес ва фаннинг ўзаро уйғунлигини таъминлашни тақозо этади. Бу борада қуйидагиларни эътиборга олиш лозим:

1. Бозор шароитида рақобатбардошлик муаммоларини ҳал қилиш услугиётини ишлаб чиқиш.

2. Саноат кооперациясини ривожлантириш, мулкчиликнинг турли шакллари ва тижорат манфаатлари борасида корхоналарнинг ўзаро интеграциялашувини таъминлаш.

3. Экспортга йўналтирилган йўналишни кучайтириш, шу жумладан, импорт ўрнини босувчи сиёсат талабларига риоя қилган ҳолда, янги соҳа тармоқларга эътибор қаратиш.

4. Ҳудудларнинг иқтисодий тараққиётдаги ўрнини ошириш: - минтақаларда самарали инновацион инфратузилмани ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш;

5. Мамлакатимизда "Саноат сиёсати тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунини ишлаб чиқиш, Вазирлар Маҳкамаси таркибида алоҳида Саноат ва оғир машинасозлик вазирлигини ташкил этиш ва шу кабилар.

КОРХОНАЛАР ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТИНИНГ МАЗМУНИ ВА АҲАМИЯТИ

кат. ўқ.Б.Х.Маъмуров, ТАТУ

Ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг ҳозирги тарихий босқичида ишлаб чиқарувчи кучларнинг ўсиши, меҳнат унумдорлиги ва ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигининг доимий суратда ошиб бориши кўп жиҳатдан илмий-техника ютуқларига таянади. Ўз навбатида, илмий-техника тараққиёти техниканинг тубдан янги турларига, технология ва бошқа инновацион фаолият маҳсулотларига олиб келувчи фундаментал илмий ғоялар узлуксиз оқими билан озикланади.

Кундалик амалиётимизда янгиликлар, новация, янгиликларни киритиш, инновация каби тушунчалар қўлланилади. Бугунги корхоналар инновацион фаолиятини янада аниқроқ тушуниш учун бу тушунчалар мазмунидаги тафовутларни фарқлаш мақсадга мувофиқ. "Янгиликларни киритиш" тушунчаси инглизча innovation сўзининг таржима вариантдир. Инглиз тилидан сўзма-сўз таржима қилинганда "новацияларни киритиш" оддий қилиб айтганда, "янгиликларни киритиш"ни билдиради. Янгиликлар деганда янги тартиб, янги одат, кашфиёт ёки қандайдир янги ҳодиса кўзда тутилади. "Янгиликларни киритиш", янада

аниқроғи, “янги нарсани киритиш” ибораси янгиликлардан фойдаланиш жараёнини англатади. Шундай қилиб, янгиликларни тарқатиш учун қабул қилинган пайтдан бошлаб, у инновацияга айланиб, янги сифат касб этади.

“Инновация – бу фан ютуқлари ва илғор тажрибалардан фойдаланишга асосланган техника, технология, меҳнатни ташкил қилиш ёки бошқариш соҳасида киритилган янгиликлардир.

Шунингдек, машҳур австриялик иқтисодчи олим И.Шумпетер инновацияларни тавсифловчи бешта ўзига хос ўзгаришларни келтиради:

– янги техника, янги технологик жараёнлар ёки ишлаб чиқаришнинг янгича бозор таъминотидан фойдаланиш;

– янги истеъмол хоссаларига эга бўлган маҳсулотларни хўжалик оборотига киритиш;

– пировард маҳсулот ишлаб чиқаришга қаратилган ишлаб чиқариш жараёнида янги турдаги хом ашёдан фойдаланиш;

– корхонани бошқариш таркиби ва уни моддий-техник таъминлаш тизимини ташкил қилишдаги ўзгаришлар;

– мазкур инновация пировард маҳсулотлари учун янги сотиш бозорларининг пайдо бўлиши.

Инновация фан, маданият, таълим ҳамда жамиятнинг бошқа фаолият соҳаларидаги иқтисодий, ҳуқуқий ва ижтимоий муносабатларни, ишлаб чиқариш фаолияти жараёнини такомиллаштиришга қаратилган илмий тадқиқотлар ва ишланмалар натижаларидан фойдаланиш оқибатида вужудга келади. Бироқ жамият инновацион ривожланишида фундаментал фанларнинг роли муҳимлигига қарамасдан, жаҳон илм-фанидаги фундаментал тадқиқотларнинг ижобий натижаси маълум бир фоизлардан иборат эканлигини унутмаслик керак. Мазкур ҳолатни ҳисобга олиб, яратилган янгиликларни бозорга чиқариш жараёни муҳим аҳамият касб этиб, уни инновацион маҳсулотларнинг тижоратлашуви, деб номлаш қабул қилинган. Шу билан боғлиқ равишда, дунёнинг кўпгина мамлакатларида устувор фундаментал тадқиқотлар асосан, конкурс асосида ажратиладиган давлат бюджети маблағлари ҳисобидан ҳамда қисман бюджетдан ташқари фондлар маблағлари ҳисобидан молиялаштирилмоқда.

Инновацияларнинг кенг доираси, корхоналар фаолиятига таъсири ва фойдаланишнинг синергетик тавсифи уларни таснифлашга қатъий ёндошувни талаб қилмоқда. 1-жадвалда инновацияларнинг таснифи келтирилган бўлиб, уларни аниқ, тўла ва объектив баҳолаш, натижавийлигини аниқлаш ҳамда корхоналар иш амалиётида улардан ҳар бирининг жорий этилиш жараёнларини бошқариш усуллари танлаш имконини беради.

Инновацияларнинг таснифланиши

№	Таснифлаш белгиси	Таснифий гуруҳлаш
1.	Натижаси инновациялар бўлган ФТТ босқичлари ва инновацияларни қўллаш соҳалари	Илмий, техник, технологик, ахборот, ташкилий-бошқарув, ижтимоий
2.	Инновацияларни амалга ошириш суръатлари	Жадал, секинлашган, ўсиб боровчи, бир текис, сакрашсимон
3.	Инновацияларни қўлами	Трансконтинентал, трансиллий, минтақавий, йирик, ўрта, майда
4.	Инновацияларнинг амалиётдаги натижавийлиги	Юқори, паст, барқарор
5.	Инновациялар самарадорлиги шаклига кўра	Иқтисодий, ижтимоий, экологик, интеграл

Назарий нуқтаи назардан инновацияларнинг ҳар хил турларини уларнинг қўлланиш соҳасидан келиб чиқиб, табақалашуви катта қизиқиш уйғотади. Улар қуйидагиларни ўз ичига олади:

- техник, янги ёки такомиллашган хоссаларга эга маҳсулотларни ишлаб чиқаришда намоён бўлади;
- ташкилий-бошқарув, энг аввало, ишлаб чиқаришни, транспорт, сотиш ва таъминотни ташкил қилиш жараёнлари билан боғлиқ;
- ахборот, илмий-техник ва инновацион фаолият соҳасидаги рационал ахборот оқимларини ташкил қилиш, ахборот олишнинг тезкорлиги ва ишончлилигини ошириш вазифасини ҳал қилади;
- ижтимоий, меҳнат шароитларини яхшилашга, соғлиқни сақлаш, таълим, маданият муаммоларини ҳал қилишга қаратилган.

Инновация жараёнлари бошланғич материаллар ва кўрсаткичларни такомиллаштириш ҳисобига иқтисодий кўрсаткичларни яхшилаш имкониятини яратади. Бу эса, маҳсулот ишлаб чиқариш харажатларининг пасайишига ва сифатининг ошишига олиб келади.

Мазмунан олганда, инновацион жараён илмий билимларнинг инновацияга айланиши жараёнини ўзида мужассамлаштириб, уни инновацион ғоялардан аниқ маҳсулот, технология ёки хизматларга қадар ўзгартириш ва амалда фойдаланишда тарқаладиган жараён воқеаларининг кетма-кет занжири сифатида тасаввур қилиш мумкин. ФТТдан фарқ қилиб, инновация жараёни жорий этиш, яъни бозорда янги маҳсулот, хизматнинг биринчи марта пайдо бўлиши ёки янги технологиянинг лойиҳа қийматига етказилиши билан яқунланмайди.

Ховард Кен ва Э.Коротковнинг таъкидлашича, “инновацион соҳа инноваторлар, инвесторлар, рақобатбардош маҳсулотлар ёки хизматларни ишлаб чиқарувчиларнинг ўзаро таъсири тизимини ўзида мужассамлаштиради”.

Инновацион жараён инновацияларни яратиш, ўзлаштириш ва тарқатиш билан боғлиқ бўлиб, уларни яратувчилар (новаторлар) буюмнинг ҳаётий цикли ва иқтисодий самарадорлик каби мезонлар билан бошқарадилар. Инновацион фаолият стратегияси иқтисодий ёки ижтимоий соҳада бетакрорлиги тан олинадиган янгиликларни яратган ҳолда рақобатчилардан илгарилаб кетишга қаратилган.

Ҳар қандай инновацияни уни олиб борадиган инновацион жараённинг хусусиятларини ҳисобга олиб, ўрганиш лозимлигидан келиб чиқилса, илмий-техник янгилиги, ишлаб чиқаришга қўлланиувчанлиги, тижорий амалга оширилувчанлиги каби хоссалари унинг учун муҳим аҳамият касб этади. Кўрсатилган хоссалардан исталганининг мавжудмаслиги хусусийлаштирилган корхона даражасидаги инновацион жараён пировард натижаларида салбий акс этади.

Инновацион жараённинг илмий-техник янгилиги, ишлаб чиқаришга қўлланувчанлигидан фарқ қилиб, тижорий жиҳати инновацияни бозор иштирокчиларининг реал эҳтиёжлари орқали англаган иқтисодий зарурият сифатида таърифлайди. Шу билан боғлиқ равишда инновацион жараён ташкилотчилари унинг моддийлаштирилиши ва тижоратлаштирилиши ўртасида аниқ чегарани кўришлари зарур. Агар инновация жараённинг биринчи таркибий қисми инновациялар, кашфиётлар ва ишланмаларни sanoat маҳсулоти, меҳнат буюмлари ва воситалари, ишлаб чиқаришни ташкил этиш технологияларининг янги техник жиҳатдан такомиллашган турларига айлантириш билан боғлиқ бўлса, иккинчи таркибий қисми уларнинг даромад манбаига айланишини таъминлайди. Демак, илмий-техник инновациялар нафақат янгиликларга, балки бозор талабини қондириш лаёқати ва товар ишлаб чиқарувчиларга фойда келтириш имкониятига ҳам эга бўлиши керак.

Ўзбекистон Республикасида инновацияларнинг юқорида келтирилган таснифланиши натижаларидан амалиётда фойдаланиш инновацион фаолиятни тартибга солиш органларига миллий иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг инновацион ривожланиши асосий йўналишларини яхши фарқлаш ҳамда уларнинг ўзига хослиги ва мавжуд ижтимоий-иқтисодий салоҳиятини ҳисобга олган ҳолда ўз фаолиятини такомиллаштириш имкониятини яратади.

ИННОВАЦИОН ИҚТИСОДИЁТ АФЗАЛИГИ (Осиёнинг ривожланган давлатлари мисолида)

кат.ўқ.М. Исроилов, ГулДУ

XX аср ва XXI аср жаҳон тарихида турлича номлар билан аталади. Глобаллашув даври, ахборот ҳукмронлигига асосланган информацион цивилизация асри, технократия ҳукмронлиги, Илмий-техника инқилоби даври, Индустириал цивилизация асри, Постиндустириал цивилизация асри каби тарихий терминлар шулар жумласидан.

Мазкур терминлар аслида тарихий тараққиётдаги туб ўзгаришлар, яъни XX асрдаги илмий-техника инқилоби ютуқларининг ишлаб чиқаришга фаол жалб қилиниши билан боғлиқдир. Бу даврга келиб энди давлатнинг иқтисодий тараққиётини белгиловчи янги мезонлар пайдо бўлдики, энди улар билан ҳисоблашиш заруратга айланиб қолди. Шундай мезонлардан бири инновация ва инновацион иқтисодиёт тушунчаларидир.

Дастлаб мазкур тушунчаларга алоҳида тўхталиб ўтиш жоиз. Инновация (инг. *innovations* — киритилган янгилик, ихтиро) — 1) техника ва технология авлодларини алмаштиришни таъминлаш учун иқти-содиётга сарфланган маблағлар; 2) илмий-техника ютуқлари ва илғор таж-рибаларга асосланган техника, технология, бошқариш ва меҳнатни ташкил этиш каби соҳалардаги янгиликлар, шунингдек, уларнинг турли соҳалар ва фаолият доираларида қўлланилиши¹.

Инновацион иқтисодиёт- иқтисодиёт тармоқлари, яъни sanoat, кишлоқ хўжалиги, хизмат кўрсатиш, ташқи савдо ва ташқи иқтисодий алоқалар, иқтисодиётни бошқаришга фан-техника соҳасидаги қўлга киритилган янгиликлар, кашфиётлар, ноу-хау, патентларни жорий этиш ҳисобига интенсив ривожланишни йўлга қўйган замонавий иқтисодиётни ифодаловчи тушунчадир.

Инновацион иқтисодиёт биринчи навбатда инсон омили, яъни инсоннинг интеллектуал салоҳиятидан самарали фойдаланишни кўзда туттади. Мазкур типдаги иқтисодиёт аломатлари аввалги даврларда ҳам кўзга ташланган бўлса-да, бироқ бугунгидек долзарблик касб этмаган. Негаки кейинги даврларда жаҳон афкор оммасини жиддий ташвишга солаётган глобал муаммолар: аҳоли сонинг кескин ўсиши ҳисобига хом-ашё ресурсларининг камайиб бориши, sanoatлашув жараёнидаги экологик инкирозларни

¹ Н. Тўхлиев. Осиё тараққиёт модели. Т. Ўзбекистон. 2015. 169-бет.

бартараф этиш зарурати ўз навбатида ишлаб чиқаришни оптималлаштиришнинг муҳим шарти ҳисобланган инновацион иқтисодиётга ўтишни заруратга айлантирмоқда.

Қолаверса, Собиқ Иттифоқ давридаги иқтисодий тараққиётга хос хусусиятлар: маъмурий-буйруқбозлик, иқтисодий тараққиётга ривожланган давлатлар ютуқларининг жалб қилинмаслиги, табиий ресурслардан аёвсиз фойдаланиш, исрофгарчилик, экстенсив омилларнинг устунлиги ҳисобига турғунлик ва кейинчалик қолоқликнинг вужудга келишидан тегишли сабоқ чиқарган МДХ мамлакатларининг инновацион иқтисодиётга муружат қилиши тарихий зарураат бўлиб қолди.

Демак инновацион иқтисодиёт, ишлаб чиқаришда хом-ашё ресурсларини тежайдиган, экологик тоза маҳсулот ишлаб чиқариш ҳисобига атроф-муҳит муҳофазасини таъминлашни мақсад қилиб кўювчи, вақтни ва сарф-харажатларни тежовчи, кадрларга юксак маънавий-интеллектуал талаблар қўйган, шунингдек, ахборот асрнинг ютуқларидан фойдаланган ҳолда, бошқарув ва меҳнатни оқилона ташкиллаштирувчи, товар-пул муносабатлари, хизмат кўрсатиш жабҳалари, ахборот ва молия айрибошлаштини оптималлаштирувчи келажак авлодга улкан табиий ресурслар ва бой интеллектуал мерос қолдирувчи, шунингдек глобалл иқтисодий тараққиёт талабларига тез мослашувчи иқтисодиёт ҳисобланади.

Инновацион иқтисодиёт ўз навбатида жаҳон интеллектуал мулкнинг энг муҳим сегментларидан бўлган илмий ишланмалар бозорини ривожланишига тurtки бўлди. Бу бозор илмий-техникавий ишланмалар ва турли лойиҳалар олди-сотди қилиниши, тендерлар ўтказилиши, контрактлар тузилиши, грантлар танлови ўтказилиши, ярмарка ва кўрғазмалар ташкил этилиши, янгиликларни инновация фирмалари ва биржалардан сотиб олиши билан характерланади. Бу бозорда сотувчи сифатида университетлар, илмий тадқиқот муассасалари, конструкторлик, технологик, лойиҳалаштириш фирмалари фаолият кўрсатади. Улар ўзи ишлаб чиққан ғоялар ва лойиҳаларни таклиф этадилар. Харидор вазифасини эса турли ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш фирмалари ва давлат идоралари бажаради.

Иқтисодиёт тармоқларини инновациялар янада ривожлантириш орқали индустриал цивилизациядан постиндустриал цивилизацияга ўтиш самарадорлигини оширишини биз узoқ Шарқ давлатлари мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Узoқ Шарқ мамлакатларининг геостратегик қулай минтақада яъни жаҳон бозорининг муҳим маркази бўлган Тинч Океани ҳавзасида жойлашганлиги, мазкур мамлакатлар аҳолисидаги интизом, меҳнатсеварлик, садоқат ва янгиликларга ташналикнинг кучлилиги, шунингдек илм-фанга бўлган эътиборнинг кучлилиги, фан ва ишлаб чиқариш интеграциясининг самарали йўлга қўйилганлиги, инсон омилнинг роли ошганлиги, иқтисоднинг интеллектуаллашиши, яъни фан ютуқларига суяниш инновацион иқтисодиётни ривожлантиришнинг асосий омиллари ҳисобланади.

Бу борада Узoқ Шарқ давлатлари ишлаб чиқаришга патентлар, ноу-хауларни жорий этишни дастлаб АҚШ ва Ғарб давлатларидан ўзлаштирган бўлсалар, кейинчалик бу борада уларга тенглашиб, ҳатто айрим жабҳаларда ўзиб кетишга ҳам муваффақ бўлдилар.

Япония, Хитой ва “Осиё йўлбарслари” XX асрнинг охирига келиб ишлаб чиқариш учун энг муҳим инновациялар: ахборотлаштириш, компьютер ва дастурлар яратиш, ишлаб чиқариш ва таълимни компьютерлаштириш, биотехнология, элетрон машинасозлик, тикланадиган энергия манбалари, роботлаштириш суратлари бўйича етакчиларга айланишди.

Дарҳақиқат ХХР, Япония, Осиё йўлбарслари ва Ҳиндистон жаҳонинг янги инновация маркази бўлиб қолди. Фактлар буни тасдиқлайди.

ХХР чиқиндиларни қайта ишлаб, ундан энергия олмоқда. ХХР муқобил энергияни такомиллаштиришда ҳам пешқадамлардан. Бундан ташқари Хитой энг тезкор компьютер “Тяньхе” ни ишлаб чиқди ва бу борада АҚШ ва Ҳиндистон билан рақобатлашмоқда. Ҳиндистоннинг АКТ борасида яратган дастурларига, медицинадаги ютуқларига бутун дунёда талаб кундан кунга ошиб бормоқда. Ҳиндистон ахборот асри ютуқларини энг фаол ўзлаштирган давлатлардан бўлиб қолмоқда. Сингапур таълимни компьютерлаштиришда ўзига хос ютуқларни қўлга киритди. Бу мўжазгина давлат, шаҳарда

фаолият юритаётган 170 та илмий-тадқиқот институти энг мураккаб технологияларни ишлаб чиқариш билан шуғулланмоқда¹.

Хулоса қилиб айтганда инновацион иқтисодиётни ривожлантириш борасида ХХР, Япония, Ҳиндистон ва Осиё йўлбарслари тажрибаларини ўрганиш ривожланаётган давлатлар учун назарий ва амалий аҳамият касб этиши шубҳасиз.

ИҚТИСОДИЁТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ИННОВАЦИОН ЁНДАШУВ ТАМОЙИЛЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ

**и.ф.н., доц.Д.И.Рўзиева,
БухМТИ**

Дунё амалиётида ҳар бир илмий ишланмаларни иқтисодиётнинг реал секторига жорий этишнинг самарали механизми йўлга қўйилган, яъни ҳар қандай давлатнинг барқарор тараққиётининг асосини инновацион фаолият ташкил этади. Буни биз иқтисодчи олимларимизнинг фикри билан исботлаймиз.

Австриялик олим Й.Шумпетер 1911 йилда инновацион фаолиятнинг асосий вазибаларини кўрсатиб бериб, унда янги техника ва янги технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришни янги бозор таъминотидан фойдаланиш (олди-сотди)ни, янги хусусиятларга эга маълумотларни тадбиқ этишни, янги хом-ашёдан фойдаланишни, ишлаб чиқариш ва унинг моддий-техник таъминотини ташкил қилишдаги ўзгаришларни, янги сотиш бозорларини пайдо бўлиши тўғрисида гапириб, инновацион фаолиятни истеъмол товарларнинг янги турларини янги ишлаб чиқариш ва техник воситалар, бозорларни ташкил этиш шаклларини саноатга тадбиқ этиш ва уларда фойдаланиш мақсадида ўзгариш сифатида эканлигини талқин этган.

Дарҳақиқат, инновацион фаолият бу мамлакат иқтисодиётининг ривожланишида айниқса, ишлаб чиқаришни бозор талабларига мослаштиришда алоҳида ўрин тутадиغان яхлит бир тизимдир яъни инновацион фаолият ҳақиқатдан мақсад билан кўзлаб қилинган барча илмий, технологик, ташкилий, молиявий, тижорат, маркетинг ҳаракатлардир. Инновацион фаолият шунингдек қандайдир аниқ инновацияни тайёрлаш билан тўғридан-тўғри боғлиқ бўлмаган тадқиқотлар ва ишланмаларни ўз ичига олади. Ишлаб чиқариш фаолияти самарадорлигини оширишда эса бевосита унинг ўрни бекиёсдир. Буни иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (ОЭСР) доирасида фан ва техника кўрсаткичлари бўйича миллий экспертлар гуруҳи ташкил қилинганлигидан, Фраскати қўлланмаси (“Тадқиқотлар ва тажриба ишланмаларини текширишлар учун таклиф қилинаётган стандартли амалиёт) ишлаб чиқилганлигидан кўриш мумкин.

Бозор иқтисодиёти ҳар бир ишлаб чиқариш корхонасидан бозор талабига жавоб берувчи рақобатбардош маҳсулотларни яратишни талаб қилади. Рақобатбардош маҳсулотлар эса, ўз навбатида инновацион ёндашувни яъни:

- ишлаб чиқариш корхоналарига замонвий, илғор ишлаб чиқариш технологияларини ва асбоб-ускуналарни жалб этиш;

- маҳсулот сифатини ошириш;

- ишлаб чиқаришни ташкил этишда глобал сифат стандартларига жавоб бериш;

- қўл меҳнатини камайтириш кабиларни талаб қилиш орқали ишлаб чиқариш самарадорлиги оширишга, уларининг ривожланиши ва юқори суръатларда ўсишига бевосита ўз таъсирини кўрсатади.

Ишлаб чиқариш корхоналарида инновацион ёндашув орқали янги маҳсулот турларини яратиш, унинг самарадорлигини оширишга таъсир қилувчи қуйидаги тамойилларини кўриш мумкин. Буларга:

¹ Баҳодир Зокир. “Осиё йўлбарслари”: либераллашувнинг шарқона тажрибаси. // Тафаккур. 2012. №-2,18-бет.

- ишлаб чиқариш корхоналарида янги маҳсулот яратиш учун бозор сиғимини шу маҳсулот турига нисбатан ўрганиш;
- янги маҳсулот турини яратиш учун тезкор тайёргарлик ҳолатини ўрганиш;
- ихтисослаштирилган ишлаб чиқариш ячейкаси ташкил этиш;
- маҳсулот харажатларини камайтирилишига алоҳида эътиборни қаратиш (бозордаги нарх-наво, истеъмолчилар даромадлари...);
- материал ва ишлаб чиқариш заҳиралари таъминотини таҳлил қилиш (ишлаб чиқаришнинг улуксизлигини таъминлаш мақсадида);
- юқори мослашувчан ва тез қайта қурилувчи ишлаб чиқариш;
- ички логистиканинг максимал самарадорлиги;
- ташқи логистиканинг оптималлаштириш қиймати.

Бизга маълумки, ишлаб чиқариш корхоналарини инновацион ёндашув орқали ташкиллаштириб, уни бошқариш айниқса бозор қонуниятига асосланган мамлакатларда ғоятда мураккабдир. Айниқса, бугунги кунда ишлаб чиқариш корхоналарида инновацион фаолиятини самарали ташкил қилиш учун бизнингча, қуйидагиларга алоҳида эътиборни қаратиш лозим:

- мамлакатда инновацион сиёсатни самарали ташкиллаштириш механизминини ишлаб чиқиш;
- инновацион фаолиятни ва мамлакат инновацион стратегиясини молиялаштириш йўллариини ўрганиш;
- мамлакатда илмий тадқиқот ва тараққиёт бўйича салоҳиятини ошириш;
- маҳаллий ҳокимият томонидан таълим ва корхоналар ўртасидаги ҳамкорликка доир тўсиқларни бартараф қилишга оид қонуниятни яратиш;
- юқори технологияли корхоналар филиалларини ривожлантириш (нанотехнологиялар, биотехнологиялар, электроника ва б.) борасидаги оқсоқликларни бартараф қилиш чораларини ишлаб чиқиш;
- ишлаб чиқариш корхоналарида инновацион самарадорликни ошириш учун ишлаб чиқаришига юқори малакали, рақобатбардош, етук кадрларни жалб қилиш йўллариини излаб топиш.

Юқоридагилардан келиб чиқиб шуни айтиш мумкинки, мамлакат иқтисодиётини инновацион ривожлантиришда инновацион ёндашув тамойилларига алоҳида эътиборни қаратиб, бунда мунтазам равишда ишлаб чиқариш корхоналарида бозор қонуниятига талабидан келиб чиқиб, янги маҳсулот ассортиментини ва номенклатурасини яратиш ва янги маҳсулот турини яратиш учун тезкор тайёргарлик ҳолатини ўрганиб бориш, ишлаб чиқариш корхоналарида яратилаётган янги маҳсулот нарх-навосини белгилашда истеъмолчилар даромадларидан келиб чиқиб ёндашиш, ички ва ташқи логистиканинг максимал самарадорлигига эришилса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

ОСНОВНЫЕ НАПРАВЛЕНИЯ ГОСУДАРСТВЕННОЙ ИННОВАЦИОННОЙ ПОЛИТИКИ И МЕХАНИЗМ ЕЕ РЕАЛИЗАЦИИ

**преподаватель Джураев И.Б.,
студент Абдусаматова Н., ГулГУ**

Государственная инновационная политика представляет собой совокупность мероприятий, направленных на активизацию инновационной деятельности, повышение ее эффективности и широкое использование результатов в целях ускоренного социально - экономического развития страны и наиболее полного удовлетворения общественных потребностей. Она включает три этапа, т.е. разработку научно обоснованных концепций развития инновационной деятельности – осуществляется на основе анализа состояния инновационного потенциала; определение основных направлений

государственной поддержки инноваций; осуществление практических действий по реализации поставленных целей, направленных на повышение инновационной активности.

В первую очередь, необходимо обеспечить опережающее развитие и адресную поддержку тех отраслей и производств, которые имеют и могут иметь высокую конкурентоспособность на мировом рынке и в предстоящий период могут стать локомотивами экономического роста, дальнейшей модернизации и диверсификации экономики³⁵.

В инновационной политике необходимо выделить две стороны – стратегическую и тактическую. Стратегия государственной инновационной политики формируется на основе долгосрочных концепций социально - экономического и общественно – политического развития страны. Выбор стратегии инновационной политики предполагает определение основных направлений государственного регулирования инновационной деятельности и принятие методов развития и использования научного потенциала, установление главных целей инновационного развития в соответствии с социально - экономическими целями. Тактика предполагает определение текущих целей и конкретных мероприятий, обеспечивающих достижение этих целей с наибольшей эффективностью. Тактические средства – это финансирование исследований и проектно - конструкторских разработок, материально - техническое и информационное обеспечение, подбор кадров, создание правовых и организационных условий для реализации мероприятий инновационного развития.

Эффективность государственной инновационной политики, методов ее формирования и основных направлений поддержки инноваций в известной мере находит отражение в научно - техническом лидерстве. Оно проявляется в международном масштабе: расширении экспорта научно - технических информационных результатов (лицензий, патентов и др.), увеличении экспорта готовых новшеств, широком оказании безвозмездной научно - технической инновационной помощи другим странам. Научно – техническое лидерство – это доказательство правильности выбранного стратегического курса и тактических действий по формированию и проведению государственной инновационной политики. Научно - техническое лидерство является следствием правильного выбора направлений исследований. Правильный выбор должен привести к лидерству по тем направлениям, по которым имеется приоритет в развитии³⁶.

Государственная инновационная политика в основном направлена на создание благоприятных экономических, организационных, правовых, информационных и социально - психологических условий для осуществления инновационных процессов. Эти условия и многообразие методов формирования инновационной политики определяют основные направления государственной поддержки инноваций. Основные направления государственной поддержки инноваций включают:

- 1) содействие развитию научных исследований, прежде всего в перспективных направлениях;
- 2) кадровое обеспечение инновационной деятельности;
- 3) содействие разработке (в рамках правительственных ведомств) разнообразных программ, направленных на повышение инновационной активности;
- 4) формирование государственных заказов в виде контрактов на проведение инновационных разработок, обеспечивающих начальный спрос на многие новшества, которые затем находят широкое распространение на рынке (внутреннем и внешнем);
- 5) применение фискальных и прочих инструментов государственного регулирования;

³⁵ Каримов И.А. Создание в 2015 году широких возможностей для развития частной собственности и частного предпринимательства путем осуществления коренных структурных преобразований в экономике страны, последовательного продолжения процессов модернизации и диверсификации – наша приоритетная задача.// Народное слово, №11. 17.01.2015.

³⁶ Султанова Г. Факторы инновационной активности предприятий в Узбекистане.//Основные направления дальнейшей модернизации и повышения конкурентоспособности национальной экономики: материалы VII Форума экономистов. Ташкент: ИПМИ, 2015.

б) участие государства в роли посредника в организации эффективного взаимодействия различных секторов науки и стимулировании кооперации в области инновационных разработок между промышленными фирмами и высшими учебными заведениями;

7) координацию инновационной деятельности в регионах;

8) создание правовой базы инновационной деятельности;

9) регулирование международных связей в области инновационных процессов.

Последние два направления важны с точки зрения степени участия государства в поддержке инновационной деятельности. Ведь правовое регулирование инновационных процессов является исключительной прерогативой государства, а регулирование международных связей в области инновационных процессов в основном также осуществляется государством.

Рыночная экономика и конкурентная среда требуют от субъектов предпринимательства постоянного внедрения новых инновационных элементов в свою производственную деятельность. В национальной экономике потребность в инновациях неуклонно растёт, однако субъекты предпринимательства участвуют в финансовом обеспечении инновационной деятельности с различной степенью активности. В переходной экономике Узбекистана основным поставщиком инвестиций для финансирования инновационной деятельности всё ещё является государство. Современный этап модернизации экономики требует качественно нового механизма мобилизации инвестиций для нужд создателей инновационной продукции и пересмотра методологии финансового обеспечения субъектов национальной инновационной системы. Средства государственного бюджета в Узбекистане направляются на финансовое обеспечение государственных и международных научно-технических программ, на содержание уникальных научных объектов, отдельных научно-исследовательских институтов, архивов, оплату труда экспертов и заработную плату старших научных сотрудников-соискателей.

Сравнительный анализ структуры распределения государственных инвестиций по направлениям государственных научно-технических программ в 2004 и 2014 гг. показал, что основная их доля приходится на прикладные исследования: они составили 68% от общего объёма финансового обеспечения в 2004 г. и 58% в 2014 г. Это объясняется тем, что прикладные исследования, основываясь на результатах фундаментальных наук, имеют практический результат и направлены на создание новых видов техники и технологий, позволяющих осуществить прорыв в той или иной области, что очень важно на нынешнем этапе модернизации национальной экономики.

Таким образом, на пути к инновационному развитию экономики одного лишь наличия институтов, занимающихся НИОКР, недостаточно для достижения поставленной цели- построения экономики инновационного типа. Необходима достаточно прочная финансовая основа инновационной деятельности, которая, помимо государственного финансирования, должна пополняться финансовым обеспечением со стороны корпоративных и частных инвесторов, деятельность которых напрямую зависит от своевременного введения инновационных элементов в производство.

ИҚТИСОДИЁТДА БАНДЛИКНИ ТАЪМИНЛАШДА ИННОВАЦИЯЛАРНИНГ ЎРНИ

таянч докторант З.М.Зикрияев,ТДИУ

Ҳозирги шароитда ишлаб чиқариш жараёнарига инновацион технологияларнинг интенсив тарқалиши ва жорий этилиши билан боғлиқ сифат жиҳатдан таркибий ўзгаришлар узлуксиз равишда кечмоқда. Билимларга асосланган иқтисодийнинг ривожланиши ушбу ўзгаришларни тезлаштириш учун маълум даражада туртки берди. Мазкур ўзгаришлар аҳолининг иш билан бандлиги соҳасидаги барча ижтимоий-иқтисодий институтларни қамраб олади ва умуман иқтисодий катта таъсир кўрсатади.

Иқтисодийнинг инновацион ривожланиш йўлига ўтиши ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларига илм-фанга асосланган технологияларнинг оммавий жорий этилиши, меҳнатни ташкил этишнинг аҳоли бандлиги шаклининг ўзгаришига, меҳнат бозорида янги тенденциялар пайдо бўлишига олиб келувчи янги шакллари ривожланиши билан тавсифланади. Унинг энг муҳим жиҳатлари ичида қуйидагиларни ажратиш мумкин: ишлаб чиқариш воситаларининг бешинчи ва олтинчи технологик укладларга мос келувчи интеллектуал капитал фойдасига дематериализация қилиниши; хўжалик юритувчи субъектлар хатти-ҳаракати мотивациясининг инсон капитални ривожланиш томонга сурилиши; ахборот тармоқлари орқали масофавий иш билан бандликдан кенг фойдаланишда намоён бўладиган ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этиш борасидаги муносабатларнинг виртуаллашуви ва ҳ.к.³⁷

Ижтимоий ривожланиш ҳозирги ҳолатининг ўзига хос хусусиятлари шундан иборатки, билимлар иқтисодийда инновациялар, кўпроқ, ресурсларнинг вариатив комбинациялари ва амалий илмий ютуқларга эмас, балки билимлар оқимининг амалиётда самарали қўлланилишига асосланади.³⁸ Агар ушбу нуқтаи назардан келиб чиқадиган бўлса, меҳнат ресурслари инновацион ўсишнинг муҳим манбаига айланиб бораётганлигига гувоҳ бўламиз. Улар билимларнинг эгаси бўлгани ҳолда инновацияларнинг ёйилишини таъминловчи ижтимоий-иқтисодий алоқаларни ҳосил қилади.

Таъкидлаш лозимки, иқтисодийда муайян хилдаги бандликнинг устунлик қилиши ижтимоий ишлаб чиқаришнинг жорий хусусияти билан узвий боғлиқ. Индуриал иқтисодийгача бўлган даврда иш билан бандлик соҳасида инновацияларни жорий этиш алоҳида хўжалик юритувчи тузилманинг муайян жиҳатлари билан боғлиқ тасодифий хусусиятга эга. Саноат инқилоби янги хилдаги бандликни капитални янгилаш даврлари билан чегараланган қатъий вақт доираларида ёйиш имкониятини кенгайтди.³⁹ Мазкур ҳолатда иш билан бандлик шаклининг ўзгаришини кўриб чиқишда иқтисодийнинг пасайиши ва жонланиши билан узвий боғлиқ бўлган яққол ифодаланган дискрет хусусиятни таъкидлаш мумкин. Шу билан бирга бешинчи ва олтинчи технологик укладларнинг ёйилиши, ишлаб чиқариш муносабатлари тизимига инновацияларнинг жорий этилиши маҳсулот ва меҳнат ресурслари рақобатбардошлигининг шарти ҳисобланган узлуксиз жараёнга айланмоқда.

Шунинг учун шаклланаётган иқтисодийда билимлар “бевосита ишлаб чиқарувчи куч” сифатида иштирок этади.⁴⁰ Б.Салиховнинг таъкидлашича, билимларга асосланган иқтисодий «...инсон фаолиятининг унинг доирасида инсонга билиш-яратиш вазифаларини ҳал этиш учун зарур бўлган билимлар такрор ҳосил қилинадиган ўзига хос соҳасидир».⁴¹ Г.Клейнер бу борада ҳозирги вақтда «ишчи қўлларнинг» ноиндуриал бозоридан ва «ишчи бошларнинг» индуриал бозоридан «динамик қобилиятларнинг» постиндуриал бозорига ўтиш рўй бермоқда, деб таъкидлаган.⁴² Агар ўтган даврда билимлар ишлаб чиқариш воситаси бўлган бўлса, ҳозирда ушбу ролда бундай билимлар манбаи сифатида инсон қатнашмоқда. Демак, аҳолининг иш билан бандлиги инсон томонидан ўзининг интеллектуал ва инновацион салоҳиятини амалга ошириш соҳаси бўлади. Ўз навбатида, бу аҳолининг иш

³⁷ Dorenbosch, L. On the job Innovation / L. Dorenbosch, M. L. van Engen, M. Verhagen// The Impact of Job Design and Human Resource Management through Production Ownership. Creativity and Innovation Management, 14(2). – 2005. – P.130.

³⁸ Горденко, Г.В. Межфирменная кооперация в инновационной сфере как объект государственного регулирования / Г.В. Горденко// [Электронный ресурс] Экономика, предпринимательство и право, 2012. – № 2 (13). – С. 9-15.

³⁹ Курносова, Т.И. Гибкая занятость в экономике развитых стран: причины, формы, эффективность: дис. ... канд. эконом. наук: 08.00.01 / Курносова Татьяна Ивановна. – Москва, 1988. - 143 с.

⁴⁰ Макаров, В. Контуры экономики знаний / В.Макаров // - Экономист, 2003. № 3. – С.3.

⁴¹ Салихов, Б.В. Интеллектуальный капитал организации / Б.В. Салихов // Сущность, структура и основы управления. – Москва, 2008. – С.45

⁴² Локосов, В.В. Трансформация социальных систем (опыт реформ в современной России): автореф. дис. д-ра социол. наук: 22.00.04 / Локосов Вячеслав Вениаминович. – Москва, 2002. – С.64.

билан бандлигини бошқаришнинг меҳнат ресурсларини инновацияларни ташаббус қилиш ҳисобидан ўз салоҳиятини амалга оширишга ундовчи самарали механизмини яратишга бўлган эҳтиёжни белгилаб беради.

Аҳолининг иш билан бандлиги соҳасидаги трансформация жараёнларини объектив тарзда тушуниш учун иқтисодий ривожланиш цикллари ва уларнинг аҳолини иш билан бандлиги шаклининг ўзгаришида намоён бўладиган ижтимоий-иқтисодий оқибатларни умумий тавсифлаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади (1-жадвал).

Аҳолининг иш билан бандлиги шаклининг ўзгариши ва инновацион иш Фан-техника тараққиёти асосида постиндустриал жамиятга ўтиш аутсорсинг орқали ўзаро боғланган тор ихтисослашган мослашувчан ишлаб чиқаришларни тезда ёйиш учун ижтимоий-иқтисодий шароитларни яратди. Ҳозирги шароитда анъанавий иш билан бандликка бўлган асосий талабни таъминлаган анъанавий йирик корхоналарнинг миллий маҳсулотни шакллантиришдаги иштироки камайиб бормоқда, бу ностандарт иш билан бандликнинг пайдо бўлишига ва иқтисодиётда «анъанавий» ходимлар сони ва ролининг қисқаришига олиб келади. Аҳолининг инновацион иш билан бандлигини ривожлантириш жараёнларида меҳнат ресурсларининг таркибига таъсир кўрсатувчи гендер ва бошқа ижтимоий трансформациялар катта аҳамиятга эга, бу меҳнат бозорига оилали аёллар, кекса фуқаролар ва талабаларнинг чиқиши билан боғлиқ. Бунинг оқибатида, меҳнат бозоридаги таклиф соҳасида рақобат сезиларли даражада ошди.

1-жадвал. Иқтисодиётни инновацион ривожлантиришнинг техник-иқтисодий шартларини ҳисобга олган ҳолда аҳоли иш билан бандлигининг шаклини ўзгартириш

Кондратьев-нинг узун тўлқинлари	Инновацион ривожланиш	Иш билан бандлик шаклининг ўзгариши
1. Жонланиш	Янги инновацион тўлқин шаклланади. Ушбу босқичда аввалги цикллarning тўпланган салоҳияти ҳисобидан иқтисодиётни комплекс таркибий ўзгартириш юз беради, ишлаб чиқариш воситалари ва инсон капиталига киритиладиган инвестициялар ҳажми ошади.	Ишлаб чиқариш жараёнларига инновацион технологияларнинг жорий этилиши ҳисобидан иш билан бандликнинг янги шакллари пайдо бўлади. Меҳнатни ташкил этиш борасида юзага келган муносабатларнинг ижтимоий-иқтисодий эскириши меҳнат бозорида ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларни амалга ошириш ва ижтимоий инновацияларни жорий этишга бўлган талабни шакллантиради.
2. Кўтарилиш	Янги укладнинг шаклланган технологик негизи ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг янги форматига бўлган талабни шакллантиради. Иқтисодиётнинг илғор тармоқлари хўжалик юритувчи субъектлари янги технологияларни фаол жорий этади.	Мазкур босқичда аҳоли бандлигининг шаклини ўзгартириш суръатлари энг юқори бўлади, бу бандликнинг шаклланган янги шакллари ижтимоий ва ҳуқуқий мослаштиришга бўлган эҳтиёжни кучайтирувчи меҳнат унумдорлигининг ўсиши билан боғлиқ. Ушбу босқичда меҳнат бозори иштирокчилари ўртасидаги ижтимоий муроса ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланади.
3. Пасайиш	Сердаромадлиликни камайитирувчи қонун кучга киради, бу устунлик қилаётган технологик уклад самарадорлигининг қисқаришига олиб келади. Ишлаб чиқаришга киритиладиган инвестиция-ларнинг кескин қисқариши юз беради....	Юзага келган ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг кадрсизланиши юз беради, бу ишлаб чиқаришнинг самарасизлиги ва яширин ишсизликнинг ўсиши билан кузатилади. Инсон капиталини ривожлантиришга капитал қўйилмалар ҳажмининг камайиши содир бўлади.
4. Депрессия	Эскирган технологиялар ижтимоий-иқтисодий ривожланишни таъминлашга қодир эмас. Капиталлар таркибий инновацияларни шакллантиришга йўналтирилади.	Аҳоли фаровонлигининг камайиши ва ижтимоий кескинликнинг ўсиши юз беради, бунга ишсизлик даражасининг ошиши ҳам сабаб бўлади. Бандлик ва меҳнатни ташкил этиш эски шаклларининг барҳам топиши натижасида уларнинг янги шакллари пайдо бўлишига замин яратилади.

Манба: жадвал муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Бизнингча, инновацион хатти-ҳаракатни бутун иш билан бандлик сиёсати доирасида макродаражада ҳам кўриб чиқиш мумкин, бунда меҳнат ресурсларининг инновацион хатти-ҳаракати меҳнат бозори субъектлари томонидан меҳнат ресурсларининг инновациялар соҳасидаги ташаббускорлигидан катта самарага эришиш учун шароитлар яратишга йўналтирилган чора-тадбирлар мажмуининг амалга оширилишини ўзида намоён этади.

Ижтимоий-иқтисодий тенденциялар хусусиятини ҳисобга олган ҳолда инновацион ривожланиш суръатлари, иш билан бандлик шаклининг ўзгариши ва жамиятнинг инновацион иқтисодиётга мослашиш қобилияти ўртасида узилишнинг пайдо бўлиши мумкинлигини таъкидлаш лозим. Масалан, хўжалик юритувчи субъектлар меҳнат унумдорлигининг ошишида намоён бўладиган инновацион фаолликнинг ортиши ва аҳоли сонининг ўсиши меҳнат бозорида рақобатнинг кучайиши муносабати билан табиий тарзда меҳнат ҳақининг даражасида ўз аксини топади. Бу ривожланган мамлакатларнинг ижтимоий тузилмасида ўрта синфнинг устунлик қилиши асосида йўлга қўйилган ижтимоий-иқтисодий муносабатларни ўзгартирувчи мустақил трендни шакллантиради.

Бизнинг назаримизда, меҳнат бозоридаги тангликни инновацион хизматлар соҳасини ривожлантириш ҳисобидан юмшатиш мумкин. Ишлаб чиқаришда рақобатнинг кучайиши ва хизматлар кўрсатиш соҳасида талабнинг ортиши тобора кўпроқ ишлаб чиқарувчиларни хизматлар кўрсатиш соҳасига чорлайди. Мазкур тенденция айниқса АТ-компаниялар иқтисодий моделлари шаклининг ўзгаришида кўзга ташланади.

АТ-маҳсулот бозоридаги тенденция шуни кўрсатмоқдаки, кўплаб ишлаб чиқариш компаниялари ўз ишлаб чиқаришини асосий маҳсулотга қўшимча хизматларнинг мажбуран кўрсатилишига йўналтирмоқда. Бунинг ҳисобидан улар қўшимча маҳсулот ҳажмини оширишга ва бир вақтнинг ўзида буюртмачига айланадиган харидор билан узоқ муддатли ўзаро ҳамкорликни сақлаб туриш ҳисобидан хизматларни индивидуллаштиришга бўлган талабни қондиришга эришади. Шу муносабат билан микроэлектроника ишлаб чиқариш соҳасида жаҳонда етакчи ҳисобланган Тайванда микроэлектроника ишлаб чиқариш ва инновацион хизматлар кўрсатишни ўз ичига олувчи АТ-тармоқ ривожланишининг мавжуд тенденцияси катта қизиқиш уйғотади.

Сўнгги йилларда Oracle, IBM, Microsoft ва SAP компаниялари маълумотларни бошқариш ва таҳлил қилиш соҳасига ихтисослашган ташкилотлардан дастурий таъминот харид қилиш учун жами \$15 млрд.дан кўп маблағ сарфлаган. Мазкур тармоқ \$100 млрд.дан ортик қийматда баҳоланмоқда ва бир йилда камида 10 фоиз тезлик билан ривожланмоқда, бу умуман бизнес учун дастурий таъминотга қараганда икки марта тез.⁴³ Statista статистика базасининг маълумотларига кўра, хизматлар ва дастурий таъминот аппарат воситаларини ривожлантириш учун очик булутли инфратузилма харажатлари даражаси 2016 йилда бутун жаҳонда \$38 млрд.ни, 2026 келиб эса \$173 млрд.ни ташкил қилади.⁴⁴

Юқорида айтилганлардан шундай хулосага келиш мумкинки, инновацион тармоқларнинг ривожланиши моддий ишлаб чиқариш соҳасида меҳнат ресурсларига бўлган талабнинг камайишига ва ахборот хизматлари ҳамда касбий хизматлар кўрсатиш соҳаларида уларга бўлган эҳтиёжнинг ортишига олиб келади.

Бу мослашувчан ишлаб чиқаришнинг қўлланилиши, тармоқ кичик инновацион корхоналарнинг ёйилиши, инновацион менежментни жорий этиш ҳисобидан замонавий бошқариш моделларининг долзарбланиши билан боғлиқ хўжалик фаолиятини юритишнинг янги ташкилий шакллари пайдо бўлишига ва ёйилишига олиб келади.

⁴³ The Economist. [Электронный ресурс] 25 February 2010. Retrieved 9 December 2012. Режим доступа: URL: <http://www.economist.com/node/15557443>

⁴⁴ Source: Statista: Public cloud Infrastructure as a Service [Электронный ресурс] (IaaS) hardware and software spending from 2015 to 2026, by segment (in billion U.S. dollars). Режим доступа: URL: <http://www.statista.com/statistics/507952/worldwide-public-cloud-infrastructure-hardware-and-software-spending-by-segment>.

Шунинг учун иш билан бандликнинг янги белгиси, трансформация жараёнларининг таъсири остида ижтимоий ишлаб чиқаришда иштирок этиш меҳнат бозорида ўзининг талаб этилишини йўқотиши мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, инновацион иш билан бандлик бандликнинг ностандарт ташкилий-ҳуқуқий шакллари қўллаш орқали меҳнат ресурсларидан фойдаланишнинг янада мослашувчан шакллари татбиқ этишни назарда тутди. Иш билан бандликнинг ностандарт шакллари мавжуд бўлиши, ўз навбатида, меҳнат бозорининг майдаланишига, меҳнат ресурсларини бирлаштириш учун ижтимоий базанинг камайиши туфайли касаба уюшмаларининг ижтимоий ҳаётдаги функциялари ва ролининг ўзгаришига олиб келади. Шу муносабат билан меҳнатни муҳофаза қилиш ва иш билан бандлик муаммоси бандликни бошқаришга нисбатан бошқа талабларни қўювчи янги аҳамият касб этади.

ИННОВАЦИОН ИҚТИСОДИЁТГА ЎТИШДА ГЛОБАЛЛАШУВ ВА ИҚТИСОДИЙ ХАВФСИЗЛИК МАСАЛАЛАРИ

Ўқ.Б.Омонбоев, ГулДУ

Ҳозирги даврда инсоният тараққиёти ва жамият ҳаётининг жаҳон миқёсида интеграциялашуви натижасида “глобаллашув” жараёнлари юз бермоқда. Бу жараён мутлақо янгича хўжалик-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, табиий-биологик глобал муҳитнинг шаклланишини ва шу билан бирга, мавжуд миллий ва минтақавий муаммоларнинг жаҳон миқёсидаги муаммоларга айланиб боришини ифода этмоқда.

Глобаллашув - жаҳон хўжалиги ривожланишининг объектив жараёни бўлиб, жуда кўп ижобий хусусиятларга эгадир: булар асосан турли мамлакатлар хўжалигининг ўзаро алоқаси, хорижий сармояларни жалб қилиш, илм-фан, техника, технология ютуқлари алмашувининг тезлашуви ҳамда давлатларнинг илмий-техникавий тараққиётига кўмаклашув билан изоҳланади.

Глобаллашувнинг таркибий йўналишларидан бири иқтисодий жараёнларнинг глобаллашувидир. Бу, биринчидан, миллий хўжаликларнинг ўз мамлакатлари чегараларига сиғмай бошқа мамлакатлар хўжалиги билан интеграцияга киришгани натижасида товарлар оқими тезлашиб инвестициялар киритишга шароит қулай бўлиб, мамлакат ривожланиши учун қўшимча йўл очилади. Иккинчидан, савдо эҳтиёжи бу жараённи тезлаштиришга туртки бўлади. Учинчидан, табиий ресурсларнинг нотекис жойлашганлиги зарур хом-ашёга эга бўлишга ундайди. Тўртинчидан, меҳнат тақсимоли устунликларидан, миллий иқтисодиётларнинг ўзаро боғлиқлигидан фойдаланиб олдинга ўтиб олиш имконияти мавжуд бўлади. Бешинчидан, ҳарбий ва бошқа соҳалар эҳтиёжлари глобал алоқага эга бўлишга ундайди, бу эса транспорт, шунингдек, коммуникациянинг бошқа воситаларини жиддий ривожлантиришни талаб этади. Олтинчидан, аҳоли миграцияси жараёнларини бошқариш зарурияти янги қадамлар ташлашни шарт қилиб қўяди ва ҳ.к. Иқтисодий глобаллашувнинг ҳаракатлантирувчи кучларига жаҳон иқтисодиёти доирасида куч тўплаётган капиталнинг жамланиши ва марказлашишини, хўжалик ҳаётининг трансмиллийлаштирилиши - йирик трансмиллий компаниялар ва молиявий гуруҳларнинг ўсиши ва ривожланишини киритиш мумкин.

Иқтисодиётнинг глобаллашувида пировард мақсад барча давлатларда муттасил иқтисодий ўсиш ва аҳоли фаровонлигининг ошишини таъминлашдан иборат. Глобал режаларнинг юзага келиш тамойили сифатида эса глобаллашув халқаро иқтисодий алоқалар борасида янги қулайлик ва имкониятлар яратиш билан бир қаторда турли-туман таҳдид ва зиддиятларни ҳам келтириб чиқармоқда. Биринчидан, глобал боғлиқлик тамойиллари кучайган сайин жаҳон хўжалик тизимининг ривожланишидаги номутаносиблик тобора ортиб бормоқда. Ривожланган ва ривожланаётган давлатлардаги ижтимоий-иқтисодий тараққий этиш кўрсаткичлари ўртасидаги тафовут тобора ортиб бормоқда. Иккинчидан, мамлакатлар иқтисодий ривожланиши интенсивлиги турли-туман йўналишлар, мезонлар бўйича хилма-

хил тарзда намоён бўлмоқда. Учинчидан, эркин иқтисодийликни барпо этишда хўжалик юретишнинг жаҳон қоидаларини унификациялашга уринилмоқда, лекин бунда халқаро ташкилотларнинг ҳаракатлари муваффақиятсиз чиқмоқда. Чунки, ҳар бир давлат иқтисодийликни тартибга солиш, уни эркинлаштириш ва ташқи иқтисодий фаолиятини ривожлантиришда ўзига хос восита ва услубларни қўлламоқда. Буларнинг барчаси ташқи иқтисодий хавфсизликни таъминлашни тақозо этади.

Ташқи иқтисодий хавфсизлик - шартномалар ва институционал тузилишни амалга ошириш борасидаги барча халқаро шартлар мажмуаси бўлиб, унда ҳар бир жаҳон ҳамжамиятидаги аъзо давлатнинг эркин сайлаш ва ўзининг ижтимоий-иқтисодий тараққиёт стратегиясини ишлаб чиқиши, ташқи босимга учрамаслиги, бошқаларнинг ички ишига аралашмаслиги, ўзаро манфаатли ва ўзаро мувофиқлик асосида жаҳондаги бошқа давлатлар билан ҳамкорлигидир.

Таъкидлаш жоизки, очиқ иқтисодий шароитида ташқи таҳдидлар таъсирига бутунлай барҳам бериш имкони бўлмайди. Иқтисодий хавфсизликка таҳдид солувчи ташқи омилларга қуйидагилар киреди:

- экспорт таркибидаги хом-ашё товарларининг устуворлиги, анъанавий машинасозлик ва ҳарбий саноат товарлари бозорларининг йўқотилиши;

- мамлакатнинг кўп турдаги маҳсулотлар, шу жумладан, стратегик аҳамиятдаги ва озиқ-овқат маҳсулотлари импортига қарамлиги;

- экспорт ва валюта назоратининг яхши йўлга қўйилмаганлиги, божхона чегараларининг очиқлиги;

- рақобатга бардошли экспортни қўллаб-қувватловчи молиявий, ташкилий ва ахборот инфратузилмаларнинг ривожланмаганлиги ва импорт таркибининг рационал эмаслиги;

- экспорт-импорт операцияларига хизмат кўрсатувчи транспорт инфратузилмаларининг ривожланмаганлиги;

- тижорат ва истеъмол моллари бўйича импорт қарамликнинг ортиши;

- иқтисодийликнинг ҳаддан ташқари очиқлиги;

- миллий товарларни ички ва ташқи бозорлардан сиқиб чиқариш мақсадида чет эл капиталларини жалб қилиш;

- экспорт товарларига нархларнинг кескин пасайиб кетиши ёки аксинча, импорт товарларига нархларнинг кескин кўтарилиб кетиши ташқи бозорга боғлиқ бўлган иқтисодий учун ўта хавfli ҳисобланади;

- бозорларда савдо қилиш ёки маҳсулот етказиб берувчи мамлакат ёки мамлакатлар гуруҳи томонидан эмбарго киритилиши ҳам иқтисодий ривожига хавф туғдиради;

- бир мамлакатдан ёки мамлакатлар гуруҳидан айрим турдаги маҳсулотларни келтиришда юқори даражадаги қарамлик, боғлиқлик. Чунки бу иқтисодий қарамликдан сиёсий жиҳатдан таъсир кўрсатиш йўлида фойдаланишлари мумкин;

- миллий иқтисодий учун унинг экспорти таркибида икки-уч хил товарнинг устувор ўринни эгаллаши, ҳатто экспорт ҳажмининг ярмидан кўпини ташкил этиши ўта хавfli ҳолатларни туғдириши мумкин. Кўпгина ривожланаётган мамлакатлар тажрибаси кўрсатадики, экспортнинг бундай таркиби жаҳон бозори конъюктураси ёмонлашган шароитда, уларга бўлган талабнинг камайиши оқибатида иқтисодий инқирозига олиб келиши мумкин;

- мамлакат экспорт қилаётган хом-ашё ресурсларига жаҳон бозоридаги нархларнинг тушиб кетиши оқибатида унинг ташқи савдо айланмаси пасайиб кетади. Натижада валюта тушуми камаяди ва бу ҳол мамлакат учун зарур инвестиция лойиҳаларининг бажарилишига салбий таъсир кўрсатади;

- хорижий инвестицияларни иқтисодийликка жалб қилиш жараёнлари устидан назоратнинг йўқлиги ёки етарли эмаслиги;

- мамлакатдан молиявий маблағларнинг катта миқдорларда чиқиб кетиши, яъни “капиталнинг қочиши” иқтисодий хавфсизликка жиддий таҳдиддир;

Юкоридагилардан кўриниб турибдики, глобаллашув жараёнида миллий иқтисодиёт хавфсизлигини таъминлаш нақадар муҳим аҳамиятга эга эканлиги, қолаверса, товар ва хизматлар рекламасининг мазмуни, йўналиши, тарғиб қилиш усул ва услублари жамиятдаги умумэтироф этилган меъёрларга жавоб беришга қаратилган қоидаларни ишлаб чиқиш ва улар бўйича назорат тизимини такомиллаштиришни тақозо этади.

СРАВНИТЕЛЬНЫЙ АНАЛИЗ ОЦЕНОЧНОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ В МИРЕ

**Мирджалилова Д.Ш., Файзиева Г.А.,
ст. преподавателя, ТАСИ**

Формирование оценочной деятельности в странах с рыночной экономикой происходило одновременно с развитием института частной собственности, рынок которой предполагает свободное обращение имущества, что, в свою очередь, повлекло за собой потребность в объективной и адекватной его оценке. Таким образом, помимо страхования, брокерских и финансовых услуг образовался новый институт – независимая оценка собственности. Оценка востребована при проведении процедур приватизации и банкротства предприятий, конкурсов, аукционов, заключении договоров аренды, доверительного управления, залога, ипотеки и других операций. Таким образом, оценочная деятельность стала одним из важнейших элементов инфраструктуры общественных отношений и самостоятельным профессиональным видом деятельности в условиях рыночной экономики.

Оценочная деятельность является одним из аспектов многогранного понятия «оценка», означающего также и процесс профессионального стоимостного оценивания, реализуемого оценщиком, и прикладную экономическую науку (и, соответственно, научную дисциплину) со своей методологией, терминологией, принципами исследования, и профессиональное мнение (суждение) оценщика относительно стоимости того или иного конкретного объекта оценки. Процесс регулирования оценочной деятельности осуществляется применением комплекса мер и процедур, обеспечивающих соответствие услуг оценщиков определенным критериям и нацеленных на повышение их качества. Эти критерии устанавливаются при государственном регулировании – госорганами, а в случае саморегулирования – профессиональным сообществом оценщиков, но они могут вводиться ими и совместно.

В Узбекистане систематизация деятельности оценщика нашла свое отражение в стандартах оценки, которые в 1997-1998 гг. по заданию Госкомимущества Республики Узбекистан в рамках инновационных программ ГКНТ Республики Узбекистан были разработаны и зарегистрированы под единым названием «Национальная система оценки имущества».

Важным этапом развития оценочной деятельности и гармонизации ее с международными правилами и стандартами рыночной оценки стало принятие Закона «Об оценочной деятельности» от 19.08.1999 г. №811-1. Закон стал одновременно и методологической основой деятельности оценщиков, введя ряд основополагающих понятий рыночной оценки, требований к ее процедуре, составлению отчета об оценке. Закон установил прозрачную систему государственного регулирования деятельности посредством ее лицензирования и стандартизации. Важно и то, что закон, регламентируя права, обязанности и ответственность оценщиков, одновременно обеспечивал их защиту, предоставляя право создавать профессиональные объединения и союзы.

Сегодня во всем мире насчитывается большое количество международных стандартов оценки, и самые известные – IVSC, Red Book, USPAP и другие. Каждый из них применяется больше чем в одной стране. Также существует огромное количество национальных (государственных) стандартов оценки, применяемых только в одной стране, например, в Аргентине. Зачастую в таких случаях речь идет о малоразвитой системе оценки в данной стране. Считается, что в тех случаях, когда законодательство страны предусматривает

отступление от международных стандартов, должны разрабатываться национальные стандарты оценки как «дополнительные».

В цивилизованном мире оценка не считается массовой профессией, а расценивается скорее, как элитарная, поскольку к услугам оценщиков прибегают в основном не простые граждане, а профессионалы рынка, то есть брокеры, работающие с недвижимостью, банковские служащие, страховые агенты и др. Возможно, поэтому в ряде стран с развитой рыночной экономикой оценочная деятельность не регламентируется непосредственно государством. Однако при этом в некоторых странах, таких как Италия, Испания, Япония, государство регламентирует оценочную деятельность посредством введения лицензирования. Это касается и США, где несколько лет назад было введено лицензирование оценщиков недвижимости. В то же самое время роль профессиональных организаций оценщиков в США очень важна. Они обеспечивают и высокий уровень профессионального образования, и возможность практикующим оценщикам воздействовать на законодательство, и защиту профессиональной организацией оценщика, обвиняемого в каких-либо нарушениях (в ситуации, когда это может отразиться на профессии в целом).

На основе изучения различных источников, описывающих особенности формирования и развития оценочной деятельности в 23 странах мира, посредством введения ряда критериев выявлено следующее:

1. По уровню развития оценки собственности все страны могут быть разделены на группы. Согласно рейтингу «впереди планеты всей» по уровню развития оценочной деятельности находятся – США; на втором месте – Великобритания; на третьем – Бразилия; на четвертом – Канада; пятое место разделяют – Франция, Россия, Новая Зеландия, Украина, Польша и Китай; шестое место делят – Австрия, Австралия, Казахстан, Чехия, Сингапур, Япония, Молдова, Германия и Финляндия; на седьмом месте – Таиланд, Италия и Швеция; замыкает рейтинг – Норвегия.

2. В большинстве развитых зарубежных стран в сфере оценочной деятельности применяется модель саморегулирования с минимальным вмешательством государства. Так, в ряде стран с развитой рыночной экономикой, таких как Великобритания, Китай, Канада, Швеция, Таиланд, Норвегия отсутствует контроль со стороны государства. Здесь оценочная деятельность не урегулирована строго законом и в основном наблюдается саморегулирование с помощью профессиональных сообществ оценщиков. К странам с частичной долей вмешательства государства в регулирование оценочной деятельности относятся Италия и Япония.

3. На последнем месте из списка рассмотренных стран по уровню регулирования оценочной деятельности стоят Тайланд, Италия, Швеция и Норвегия. Практически во всех этих странах существуют свои профессиональные национальные стандарты оценки, которые не являются законодательно утвержденными и носят лишь рекомендательный характер. Рынок оценочных услуг в Италии признается экспертами самым непрозрачным в Европе. Там не требуется и обязательное посещение оценщиками специальных курсов по изучению методологии оценки.

4. Для ответа на вопрос, какой вид регулирования более благоприятен для развития данной профессии, можно констатировать следующее. С одной стороны, саморегулирование влечет за собой понимание общих интересов для оценщиков, разработку рычагов влияния на свою деятельность, в том числе и посредством профессиональных стандартов. С другой стороны, существует опасность формирования некой «обособленной», «закрытой» системы для общества, где имеет место прикрытие каких-то противоправных действий (например, проведение заказных оценок), искусственное создание барьеров вступления в отрасль и прочее. Если же говорить о сочетании государственного регулирования и саморегулирования, то такой вариант представляется наиболее плодотворным, хотя и существует опасность неизбежного смещения центра влияния (преобладание либо государственного регулирования, либо саморегулирования), то есть риск возникновения нестабильности системы оценки в целом.

МОДЕРНИЗАЦИЯ ШАРОИТИДА ИҚТИСОДИЁТНИ ЭРКИНЛАШТИРИШ- ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИНИНГ МУҲИМ ЙЎНАЛИШИ СИФАТИДА

Ўқ.Д.Чилматова, Ўқ.С.Исмоилова, ФарДУ

Мустақиллик йилларида мамлакатда ҳуқуқий демократик давлат, кучли фуқаролик жамияти қуришга, эркин бозор муносабатларига ва хусусий мулк устуворлигига асосланган иқтисодий ривожлантиришга, халқ осойишта ва фаровон ҳаёт кечирishi учун шарт-шароитлар яратишга, халқаро майдонда Ўзбекистоннинг муносиб ўрин эгаллашига қаратилган комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди. Олиб борилаётган ислохотлар самарасини янада ошириш, давлат ва жамиятнинг ҳар томонлама ва жадал ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиш, мамлакатимизни модернизация қилиш ҳамда ҳаётнинг барча соҳаларини либераллаштириш бўйича устувор йўналишларни амалга ошириш мақсадида 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тасдиқланди. Унда мамлакатни ривожлантиришнинг қуйидаги 5 та устувор йўналиши белгиланган:

1. Давлат ва жамият қурилишини такомиллаштириш;
2. Қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш;
3. Иқтисодий янада ривожлантириш ва либераллаштириш;
4. Ижтимоий соҳани ривожлантириш;
5. Хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий руҳдаги ташқи сиёсат юритиш.

Мазкур йўналишларнинг ҳар бири мамлакатдаги ислохотларни ва янгиланишларни янада чуқурлаштиришга оид аниқ бўлимлардан иборат.

Ҳаракатлар стратегиясини беш босқичда амалга ошириш назарда тутилган, бунда йилларга бериладиган номларга мувофиқ ҳар йили уни амалга ошириш бўйича Давлат дастури тасдиқланади.

Давлат дастурининг “Иқтисодий янада ривожлантириш ва либераллаштириш” деб номланган учинчи йўналишида кўрсатилган чора-тадбирларни рўёбга чиқариш учун миллий валюта ва нархларнинг барқарорлигини таъминлаш, валютани тартибга солишнинг замонавий бозор механизмларини босқичма-босқич жорий этиш, маҳаллий бюджетларнинг даромад базасини кенгайтириш, ташқи иқтисодий алоқаларни кенгайтириш, экспортга мўлжалланган маҳсулот ва материаллар ишлаб чиқариш учун замонавий технологияларни жорий этиш, транспорт-логистика инфратузилмасини, тадбиркорликни ривожлантириш ҳамда хорижий инвесторлар учун инвестициявий жозибадорликни ошириш, солиқ маъмурчилигини яхшилаш, банк фаолиятини тартибга солишнинг замонавий принциплари ва механизмларини жорий этиш, кўп тармоқли фермер хўжаликларини ривожлантириш, шунингдек туризм индустриясини жадал ривожлантириш назарда тутилган.

Шунингдек ушбу йўналиш хусусий мулкни, молия бозорини ҳимоя қилиш, қишлоқ хўжалигини модернизациялаш, заргарлик соҳасини ривожлантириш, айрим миллий корхоналарнинг акцияларини (IPO) нуфузли хорижий фонд биржаларига дастлабки тарзда жойлаштиришга тайёргарлик кўриш чора-тадбирларини ҳам ўз ичига олади.

2017 — 2021 йилларда умумий қиймати 40 миллиард АҚШ доллари миқдоридagi 649 та инвестиция лойиҳасини назарда тутувчи тармоқ дастурларини рўёбга чиқариш режалаштирилган. Натижада кейинги 5 йилда саноат маҳсулотини ишлаб чиқариш 1,5 баравар, унинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 33,6 фоиздан 36 фоизгача, қайта ишлаш тармоғи улуши 80 фоиздан 85 фоизгача ошади.

Давлат дастурига киритилган тадбирлар тўлиқ, ўз вақтида ва сифатли бажарилишини назорат қилиш Ҳаракатлар стратегияси бешта йўналишининг ҳар бири бўйича тузилган комиссиялар зиммасига юклатилган.

Ҳаракатлар стратегиясининг амалга оширилиши Ўзбекистон Республикасининг мамлакатни ислоҳ қилиш ва модернизациялаш, ривожланган бозор иқтисодиётига

асосланган ҳуқуқий демократик давлат, кучли фуқаролик жамияти барпо этиш, қонун устуворлигини, хавфсизлик ва ҳуқуқ-тартиботни, давлат чегараларининг дахлсизлигини, жамиятда миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш йўлидаги шахдам ҳаракатларига янги куч бағишлайди.

ИҚТИСОДИЁТНИ РЕСТРУКТУРИЗАЦИЯЛАШНИНГ МАЗМУНИ ВА СТРАТЕГИК ВАЗИФАЛАРИ

Ўқ. Э.Шодиев, ГулДУ

Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳатлар фаол иқтисодий сиёсат юритишни, улар билан боғлиқ жараёнларни тартибга солиш тизими яратилишини тақоза этмоқда. Иқтисодиётни эркинлаштириш, унинг таркибини бозор иқтисодиёти талабларига мос ҳолда ўзгартириш ва такомиллаштиришда реструктуризациялашнинг ахамияти бекиёсдир.

Ўзбекистонда реструктуризациялашга иқтисодий жараёнларни жадаллаштириш, ишлаб чиқаришни янгилаш ва модернизациялаш, ишлаб чиқариш менежментини илғор усулларини амалиётда қўллашнинг муҳим омили сифатида қаралмоқда. Зеро иқтисодиётни реструктуризациялашни жадаллаштириш орқали иқтисодий тизимда таркибий ўзгаришларни юзага келтириш, корхоналарни замонавий техника ва технологиялар билан қайта жихозлаш ҳамда рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мамлакат иқтисодиётини бозор муносабатларига мослаштириш шароитидаги энг долзарб вазифа бўлиб юзага чиқмоқда. Иқтисодиёт ва унинг тармоқларида ишлаб чиқаришида давлат ва нодавлат сектори улушининг ўзгариши, қўшилган қиймат улуши юқори соҳаларининг ялпи маҳсулотдаги салмоғининг ошиб бориши, ресурс, меҳнат ва илм талаб қиладиган тармоқлар ўртасидаги нисбатнинг ўзгариши, экспортга йўналтирилган саноатлашувнинг жадаллашиши кабилар иқтисодий реструктуризациялашнинг натижалари ҳисобланади. Ўзбекистон саноат корхоналарида реструктуризацияни амалга оширишдан кўзланган асосий мақсад уларнинг узок муддатли истиқболда барқарор ривожланишини таъминлашдан иборат бўлиши керак.

Иқтисодиётни структуравий қайта қуриш ва реструктуризациялаш бир-бирини тўлдирувчи жараён бўлиб, ЯММ ўсишини барқарорлаштиради. У йўл ҳам, бу йўл ҳам маълум инвестициялаш заруриятини тақоза этади. Бироқ ресурсларни соҳалар ва корхоналар ўртасида қайта тақсимлаш меҳнат самарадорлигига жиддий таъсир этмасда, реструктуризациялаш унинг ўсишига ва ишлаб чиқариш самарадорлигининг оширилишида муҳим омил ҳисобланади. Шундан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистонда реструктуризациялашга иқтисодий жараёнларни жадаллаштириш, ишлаб чиқаришни янгилаш ва модернизациялаш, ишлаб чиқариш менежментини илғор усулларини амалиётда қўллашнинг муҳим омили сифатида қаралмоқда.

Зеро иқтисодиётни реструктуризациялашни жадаллаштириш орқали иқтисодий тизимда таркибий ўзгаришларни юзага келтириш, корхоналарни замонавий техника ва технологиялар билан қайта жихозлаш ҳамда рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мамлакат иқтисодиётини бозор муносабатларига мослаштириш шароитидаги энг долзарб вазифа бўлиб юзага чиқмоқда. Корхоналар фаолиятининг иқтисодий самарадорлигини оширишнинг икки йўналиши мавжуд:

Биринчиси - бу иқтисодиётни структуравий қайта қуриш бўлиб, бунда ресурслар кам самарали соҳа ва корхонадан самаралироқларига қайта тақсимланади. Бундай ҳолатда таклиф этилаётган маҳсулотлари талабни қондираётган корхоналар кенгайиб, самарасиз корхоналар ёпилиб кетади.

Иккинчи йўналиш - бу корхоналар фаолиятини бозор талабларига мос ҳолда реструктуризациялашдир (биринчи навбатда янги маҳсулотларни яратиш, эскиларини ишлаб чиқарилишини такомиллаштириш, ташкилий-техникавий ўзгартиришлар киритиш). Иқтисодиётни структуравий қайта қуриш ва реструктуризациялаш бир-бирини тўлдирувчи жараён бўлиб, ЯММ ўсишини барқарорлаштиради.

У йўл ҳам, бу йўл ҳам маълум инвестициялаш заруриятини тақоза этади. Бироқ ресурсларни соҳалар ва корхоналар ўртасида қайта тақсимлаш меҳнат самарадорлигига жиддий таъсир этмасада, реструктуризациялаш унинг ўсишига ва ишлаб чиқариш самарадорлигининг оширилишида муҳим омил ҳисобланади. Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти И.А.Каримов: «Иқтисодиётни ислох этишнинг стратегик вазифаси уни чуқур структуравий қайта шакллантириш, ишлаб чиқаришни мунтазам модернизациялаш ва технологик ўзгартиришлар ҳисобланади. Фақат шунинг ҳисобига биз иқтисодиётимизни барқарор ўсишини таъминлашимиз, жаҳон бозорида муваффақиятли рақобатлаша олишимиз мумкин бўлади», деб таъкидлаб ўтган. Агар реструктуризацияни ҳўжалик усуллари ва иқтисодий тузилмалар самарадорлигини ошириш мақсадида комплекс ўзгартириш сифатида қаралса, иқтисодий тизимнинг ҳар қандай даражасида қўллаш мумкин бўлади. Макроиқтисодиёт даражасида реструктуризация иқтисодиётнинг маълум тармоқларининг ЯММ даги ҳиссасининг, аҳолининг бандлиги, экспорт ва бошқалардаги ўсганлигини, шу билан бир вақтда бошқа тармоқлар ҳиссасини қисқарганлигини англади.

Меғоиқтисодий даражада реструктуризация қанчалик зарурлиги таркибий ўзгариш натижалари ёки талаб даражаси ўзгариши, иқтисодиётдаги ҳаражатлар тизимидаги ўзгаришлар шунчалик номоувфиқлик асосидаги технологик ишлаб чиқаришдан воз кечишга мажбур қилади.

Бу эса ўз навбатида давлат аралашувини, янги саноат сиёсатини (жумладан, структуравий) талаб этади, агар тайёрланаётган маҳсулот ишлаб чиқаришдан олиб ташланмаса, уни модернизациялаш, янги намуналарини ишлаб чиқаришни ўзлаштириш, технологияларни такомиллаштириш тахмин қилинади.

Ўзбекистоннинг жаҳон бозорига глобаллашуви ва интеграциялашув жараёнлари давом этмоқда. Шу муносабат билан республика иқтисодиётининг замонавий ривожланиши босқичидаги муҳим ўзига хос хусусияти ташқи муҳит омилларига нисбатан ноаниқлик ва ортирилган сезувчанлик ҳисобланади.

MAMLAKATNING IJTIMOIIY IQTISODIY RIVOJLANTIRISHDA INNOVATSIYALARNI AHAMIYATI

Z.R.Xusanova, AnDU

Olib borilayotgan islohotlar samarasini yanada oshirish, davlat va jamiyatning har tomonlama va jadal rivojlanishi uchun shart-sharoitlar yaratish, mamlakatimizni modernizatsiya qilish hamda hayotning barcha sohalarini liberallashtirish bo'yicha ustuvor yo'nalishlarni amalga oshirish maqsadida **2017 — 2021 yillarda O'zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo'nalishi bo'yicha** Harakatlar strategiyasi qabul qilindi.

Uchinchi yo'nalish **iqtisodiyotni yanada rivojlantirish va liberallashtirishga** yo'naltirilgan makroiqtisodiy barqarorlikni mustahkamlash va yuqori iqtisodiy o'sish sur'atlarini saqlab qolish, milliy iqtisodiyotning raqobatbardoshligini oshirish, qishloq xo'jaligini modernizatsiya qilish va jadal rivojlantirish, iqtisodiyotda davlat ishtirokini kamaytirish bo'yicha institutsional va tarkibiy islohotlarni davom ettirish, xususiy mulk huquqini himoya qilish va uning ustuvor mavqeini yanada kuchaytirish, kichik biznes va xususiy tadbirkorlik rivojini rag'batlantirish, hududlar, tuman va shaharlarni kompleks va mutanosib holda ijtimoiy-iqtisodiy taraqqiy ettirish, investitsiyaviy muhitni yaxshilash orqali mamlakatimiz iqtisodiyoti tarmoqlari va hududlariga xorijiy sarmoyalarni faol jalb etish kabi muhim masalalarni o'z ichiga olgan.

Mamlakatimizni ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirish, intellektual salohiyatni himoya qilish va takomillashtirish, yangi sanoat va moliyaviy texnologiyalarni joriy etish, ishlab chiqarish ko'lamini kengaytirish, mahsulot sifatini oshirish hamda uning raqobatbardoshligini ta'minlashga doir vazifalarni hal etishda innovatsiyalar muhim o'rin tutadi. Shu bois mamlakatimizda innovatsion faoliyatni rivojlantirishga katta e'tibor berilayotir.

O'zbekistonda innovatsion madaniyatni shakllantirish, olimlar, sanoatchilar, ishbilarmonlar va yoshlarning innovatsion-texnologik rivojlanish, mamlakatimiz ilm-fani yutuqlarini namoyish

etish, bu boradagi xalqaro tajribani o'rganish hamda xorijiy ishtirokchilar bilan ko'p tomonlama munosabatlarni rivojlantirishga doir hamkorligini mustahkamlashga xizmat qilmoqda. Tarmoqlararo strategik innovatsiyalar va axborotlashtirish markazi olimlarining axborot texnologiyalari sohasidagi yutuqlari bunga misol bo'la oladi. Ushbu yo'nalishdagi ilmiy ishlanmalardan ko'plab sanoat korxonalarida samarali foydalanilmoqda va bu xomashyoni qayta ishlash jarayonini boshqarishni avtomatlashtirish, ishlab chiqarish hajmini oshirish, mahsulot sifatini yaxshilash hamda elektr va issiqlik energiyasini tejash imkonini berayotir.

Keyingi yillarda ilm-fan jahon bozoriga chiqariladigan mahsulot va texnologiyalar sifat va raqobatbardoshligini ta'minlashda muhim kasb etayotir. Mazkur omillardan yetarli darajada foydalana olmaganlar esa global iqtisodiy jarayonlardan ortda qolishlari muqarrar.


Aytish joizki, O'zbekistonda ham innovatsiyani rivojlantirish uchun eng qulay shart-sharoitlar yaratildi. Uzoq yillar mobaynida jamlangan ilmiy va texnologik salohiyat, informatsion va ilmiy-tadqiqot infratuzilmalari, yuqori malakali kadrlar buning garovi bo'lmoqda. Shu nuqtai nazardan yuqori texnologiyali tarmoqlar majmuasini shakllantirish va O'zbekiston milliy iqtisodiyotini taraqqiyotning innovatsion o'zanlariga yo'naltirish uchun barcha imkoniyatlar ishga solinayapti.

Mamlakatimizda ishlab chiqarishni modernizatsiyalash bo'yicha olib borilayotgan islohotlar nafaqat korxonalarda ishlatiladigan texnika va texnologik jarayonlarni yangilashni, balki boshqaruv va hisobini tashkil etishda innovatsion yondashuvni talab etadi. Shu nuqtai nazardan korxonalarda ishlab chiqarilgan mahsulotlarni baholashning amaliyotda qo'llaniladigan ayrim jihatlarini tadqiq etish katta ahamiyatga ega.

Quyidagi grafikda so'nggi yillarda o'z kuchi bilan innovatsion mahsulotlar, ishlar, xizmatlar ishlab chiqargan korxonalar va tashkilotlar dinamikasi keltirilgan. (1-rasm)

1-rasm

O'z kuchi bilan innovatsion mahsulotlar, ishlar, xizmatlar ishlab chiqargan korxonalar va tashkilotlar soni (2010-2016 yillar)



Innovatsion mahsulotlar, ishlar, xizmatlar ishlab chiqargan korxonalar va tashkilotlar soni 2010 yildan 2016 yilgaqadar 8 barobarga ko'payib, 289 tadan 2374 taga yetdi. Jumladan birinchi marta innovatsion mahsulotlar, ishlar, xizmatlar ishlab chiqarishni o'zlashtirgan korxonalar soni 696 taga ko'paydi.⁴⁵

Albatta, har qanday davlat sotsial-iqtisodiy, innovatsion-texnologik, ekologik, va hududiy taraqqiyot, inqirozlarni oldindan ko'ra olish, undan chiqishni ta'minlash, uning oqibatlarini bartaraf etish, iqtisodiyotni innovatsion yangilash borasida uzoq muddatli strategiyani ishlab chiqar ekan, kelajak avlodning milliy manfaatlarini hisobga olgan holda mamlakatning barqaror rivojlanishini ta'minlashga harakat qiladi. Innovatsion taraqqiyotni uzoq muddatli prognozlashtirish, strategik

⁴⁵ www.stat.uz

rejalashtirish va dasturlash tizimini yo'lga qo'yish ham masalaning muhim jihatidir. Mutaxassislar fikricha, davlat innovatsion maqsadlarni amalga oshiruvchi xususiy investitsiyalarga imtiyoz va ustuvorliklar berish, taraqqiyot banklarini shakllantirish, innovatsiyalarni kafolatlash va sug'urtalash, kichik va xususiy innovatsion biznesni qo'llab-quvvatlash uchun venchur jamg'armalari tizimini rivojlantirish, yirik innovatsion loyihalarga milliy va xorijiy sarmoyalarni jalb etish uchun yuqori texnologiyali fond birjarlarini tashkil etish innovatsion tizimni rivojlantirishda ham muhim o'rin egallaydi. SHu o'rinda 2016 yilda mamlakatimiz hududida joriy qilingan innovatsiyalarga e'tibor bersak(1-jadval).

1-jadval

Joriy qilingan innovatsiyalar soni (2016 yil)

	Jami	Shu jumladan tadqiq qilinganlar:				
		o'z kuchi bilan	Boshqa Tashkilotlar bilan hamkorlikda	ulardan :		Boshqa tashkilotlar tomonidan
				ilmiy tadqiqot institutlari bilan hamkorlikda	oliy ta'lim muassasalari bilan hamkorlikda	
Texnologik innovatsiyalar	1816	1523	117	41	5	176
Shu jumladan:						
Mahsulotlar bo'yicha innovatsiyalar	1118	973	73	15	4	72
Jarayonlar bo'yicha innovatsiyalar	698	550	44	26	1	104
Marketing innovatsiyalar	51	39	-	-	-	12
Tashkiliy innovatsiyalar	39	29	-	-	-	10

2016 yilda 893 ta korxonalar va tashkilotlar tomonidan 1816 turdagi texnologik innovatsiya joriy etildi. Joriy qilingan texnologik innovatsiyalarning 44 foizi (799 tasi) kichik korxonalar va mikrofirmalar hissasiga to'g'ri keladi.

Shu o'rinda mamlakatimizning uzoq muddatli innovatsion taraqqiyot strategiyasi va milliy innovatsion tizimi mamlakat rahbariyati tomonidan belgilab berilgan istiqbolli innovatsion siyosat asosida ishlab chiqilganini alohida ta'kidlash joiz. Xulosa o'rinda aytish mumkinki, global inqiroz sharoitida innovatsiya sohasidagi muammolarni vaqtida va muntazam yechib borish mamlakat iqtisodiyotini rivojlantirishning asosiy shartidir.

2-ШЎБА. ИННОВАЦИОН ИҚТИСОДИЁТГА ЎТИШ ШАРОИТИДА МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТНИНГ ТАРМОҚ, ХУДУДИЙ ВА ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ТАРКИБИ РИВОЖЛАНИШИ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ ВА УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ

ОСОБЕННОСТИ ПРОМЫШЛЕННОЙ ПОЛИТИКИ УЗБЕКИСТАНА

**д.э.н. проф. Х.П.Абулкасимов, НУУз.
д.э.н. проф. М.Л.Турсунходжаев, ТГТУ
магистр М.Х.Абулкасимов, ВВТИ**

В Узбекистане экономические реформы пришлось начинать в исключительно сложной обстановке. Уровень сырьевой направленности экономики в целом и уровень износа основных производственных фондов в промышленности здесь были очень высокими. К началу реформ имела место высокая степень физического и морального износа оборудования в ведущих отраслях. Так, износ основных производственных фондов в целом по промышленности к 1991 г. достиг 41%, причем износ в топливной, химической и нефтехимической отраслях и в цветной металлургии превышал 51%, а в мукомольно-крупяной и комбикормовой-57%. Характерными для промышленности Узбекистана были низкий технологический уровень производства, его высокая материалоемкость и энергоемкость, в 6-7 раз превышающая уровень развитых стран, слабое использование отходов и вторичных ресурсов, недостаточный уровень механизации и автоматизации производства, высокая доля ручного труда во всех отраслях⁴⁶. Все трудности стартового периода экономических реформ необходимо было принимать в расчет при определении приоритетов и темпов экономических преобразований в промышленности.

В Узбекистане одновременно осуществлялось решение трех крупных сложных проблем. Это-обеспечение макроэкономической и финансовой стабилизации, институциональных и структурных преобразований в экономике.

Промышленная политика в годы независимости осуществлялась на основе важнейших принципов "узбекской модели" экономических реформ, автором которой является Первый Президент Республики Узбекистана Ислам Каримов. Это прежде всего формирование организационно-правовой базы, активное участие государства в проведении структурно-инвестиционной политики, последовательность рыночных преобразований.

Промышленная политика в суверенном Узбекистане на начальном этапе преобразований была направлена прежде всего на обеспечение экономической независимости, в частности, энергетической безопасности страны, а также на преимущественное развитие капиталоемких отраслей добывающей промышленности, связанной с использованием богатых источников минерального сырья.

За счет проведения активной государственной политики стимулирования и поддержки стратегически важных отраслей экономики (ТЭК, машиностроение, металлургия, химия, зерноводство) удалось в основном обеспечить экономическую безопасность страны. Если в 1990 г. обеспеченность собственной нефтью в Узбекистане составляла лишь 28% (то есть 72% потребляемой нефти республика была вынуждена импортировать), то уже с 1995 г. не только прекратился импорт нефти, но и увеличен ее экспорт в 3,3 раза⁴⁷.

В результате осуществления промышленной и инвестиционно-структурной политики в Республике Узбекистан созданы такие совершенно новые отрасли промышленности, как

⁴⁶ Данные Государственного комитета РУз по статистике.

⁴⁷ Данные Государственного комитета РУз по статистике.

автомобилестроение, нефтегазохимия, нефтегазовое и железнодорожное машиностроение, производство современных строительных материалов, бытовая электроника, фармацевтика, пищевая, текстильная и ряд других. В них сосредоточено более 60% от всей производимой в республике промышленной продукции с высокой добавленной стоимостью.

В последние годы в Узбекистане активно реализуются программные меры по модернизации, техническому и технологическому обновлению отраслей экономики, повышению эффективности производств, в результате которых за 2000-2016 годы производительность труда увеличилась в 2,3 раза. Важное место в реализации проектов по модернизации и техническому перевооружению базовых отраслей экономики, осуществлении эффективной структурной и инвестиционной политики занимает созданный в 2006 году Фонд реконструкции и развития Узбекистана, уставный капитал которого в настоящее время составляет 25 миллиардов долларов США. Активное участие фонда в подготовке и реализации новых проектов уже обеспечило привлечение свыше 10 миллиардов долларов иностранных инвестиций и кредитов в виде софинансирования из средств Всемирного Банка, Азиатского банка развития, Исламского банка развития, финансовых институтов Японии, Республики Корея, КНР, а также других зарубежных банков и инвесторов.

Стимулирующее влияние на проведение данной промышленной политики оказала реализация Программы локализации производства готовой продукции, комплектующих изделий и материалов. За период 2000-2016 годы реализовано свыше 2,8 тысяч проектов локализации, в рамках которых освоено производство более 4,8 тысяч новых видов продукции, ранее завозимых по импорту. На этих предприятиях создано более 22,9 тысяч новых рабочих мест. В результате объем производства локализуемой продукции за этот период возрос более чем в 225 раз и составляет сегодня 20% от всей производимой промышленной продукции, а ежегодный эффект импортозамещения составляет более 6,2 миллиардов долларов США⁴⁸.

Обеспечена социальная направленность структурных сдвигов. Развитие многих предприятий в обрабатывающей промышленности, кроме чисто экономического эффекта, обеспечивает получение значительного социального эффекта в виде создания большого числа новых рабочих мест. За 2000-2016 годы структура экономики кардинально изменилась: доля промышленности в ВВП увеличилась с 14,2% до 24,3% .

В настоящее время в Узбекистане действует 42986 промышленных предприятий, из которых 40451 предприятие обрабатывающей промышленности, 1294 предприятия горнодобывающей промышленности и разработки карьеров, 333 предприятия электроснабжения, подачи газа, пара и кондиционирования воздуха, 908 предприятий водоснабжения, канализации, сбора и утилизации отходов. За 2016год вновь создано 5019 промышленных предприятий, в том числе 4785- в сфере обрабатывающей промышленности.

В настоящее время Узбекистан вступает в новый этап экономических реформ и структурных преобразований, направленных на обеспечение устойчивого развития страны на предстоящие годы. Указом Президента Республики Узбекистан «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 года утверждена Стратегия действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах. В Стратегии для повышения конкурентоспособности национальной экономики за счет углубления структурных преобразований, модернизации и диверсификации ее ведущих отраслей определены следующие задачи:

⁴⁸ Данные Государственного комитета РУз по статистике.

-обеспечение сбалансированности и устойчивости национальной экономики, увеличение в ее структуре доли промышленности, сферы услуг, малого бизнеса и частного предпринимательства;

-проведение активной инвестиционной политики, направленной на модернизацию, технического и технологического обновления производства, реализации проектов производственной, транспортно-коммуникационной и социальной инфраструктуры;

-дальнейшая модернизация и диверсификация промышленности путем перевода его на качественно новый уровень, направленного на опережающее развитие высокотехнологичных обрабатывающих отраслей, прежде всего по производству готовой продукции с высокой добавленной стоимостью на базе глубокой переработки местных сырьевых ресурсов;

-создание эффективной конкурентной среды для отраслей экономики и поэтапное снижение монополии на рынках товаров и услуг;

-освоение выпуска принципиально новых видов продукции и технологий, обеспечение на этой основе конкурентоспособности отечественных товаров на внешних и внутренних рынках;

-продолжение политики стимулирования локализации производства и импортозамещение, прежде всего потребительских товаров и комплектующих изделий, расширение межотраслевой промышленной кооперации;

-сокращение энергоемкости и ресурсоемкости экономики, широкого внедрения в производство энергосберегающих технологий, расширение использования возобновляемых источников энергии, повышение производительности труда в отраслях экономики;

-создание новых и повышение эффективности действующих свободных экономических зон, технопарков, малых промышленных зон⁴⁹.

На основе данной стратегии в 2017-2021 годах планируется реализовать отраслевые программы, предусматривающие в общей сложности 649 инвестиционных проектов на сумму 40 миллиардов долларов США. В результате в последующие 5 лет производство промышленных товаров увеличится в 1,5 раза, его доля в ВВП-с 33,6 процента до 36 процентов, доля перерабатывающей отрасли-с 80 процентов до 85процентов⁵⁰. В частности в ближайшие 5 лет в Узбекистане планируется реализовать 210 проектов по развитию текстильной промышленности, которые обойдутся государству в 3,2 млрд долларов. Предполагается, что 2,2 млрд долларов пойдут на реализацию программы по развитию текстильной и швейно-трикотажной промышленности на 2017-2021 годы. А один миллиард долларов будет направлен на программу по обеспечению структурных преобразований, модернизации и диверсификации производства в 2015-2019 годы, которая уже успешно реализуется в регионе⁵¹.

ИҚТИСОДИЁТНИ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШИНИНГ ИШ БИЛАН БАНДЛИККА ТАЪСИРИ

**доц.Ф.О. Базаров,
талаба Ш.Қ. Нуров, ТМИ**

Ҳозирги шароитда ахборот инқилоби ва унинг оқибати сифатида ишлаб чиқариш жараёнига ва меҳнатни ташкил этишга ахборот технологияларининг кенг жорий этилиши, янги илм-фанга асосланган иқтисодиёт тармоқларининг пайдо бўлиши муносабати билан иқтисодиётда трансформация жараёнларининг фаоллашуви юз бермоқда.

Иш билан бандлик шаклларининг ўзгариши аҳолини иш билан бандлигининг анъанавий юзага келган тузилмасини ўзгартириб, меҳнат ресурсларининг ҳаракатчанлигини

⁴⁹ Стратегия действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах.

⁵⁰ Комментарий к Указу Президента Республики Узбекистан «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан»

⁵¹ Данные Министерство Экономики Республики Узбекистан.

оширади, бунда меҳнат ресурсларининг тақсимланиши халқаро меҳнат бозорида юзага келадиган конъюнктуранинг таъсири остида юз беради.

Иқтисодий фаол аҳолини ишлаб чиқаришнинг анъанавий тармоқларидан озод этиш ва уларни иқтисодиётнинг инновацион секторига ишга йўналтириш хўжалик юритишнинг барча даражаларида, биринчи навбатда, минтақавий даражада самарали иш билан бандлик сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга оширишни тақозо этади, бу ҳол мамлакатимиз учун ўта муҳим, чунки, иш билан бандлик шаклини ўзгартириш жараёнига Ўзбекистон Республикаси ҳудудларининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишидаги фарқлар катта таъсир кўрсатади. Шу билан бирга, аҳолини иш билан бандлигини тартибга солиш чора-тадбирларини ўз вақтида ишлаб чиқиб, амалга ошириш давлат, меҳнат ресурслари ва иш берувчилар ўзаро ҳамкорлигининг янги шакллари, шунингдек, мамлакатнинг инновацион ривожланишга жадал ўтишини таъминлайди.

Иқтисодиётнинг инновацион ривожланиш йўлига ўтиши ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларига илм-фанга асосланган технологияларнинг оммавий жорий этилиши, меҳнатни ташкил этишнинг аҳоли бандлиги шаклининг ўзгаришига, меҳнат бозорида янги тенденциялар пайдо бўлишига олиб келувчи янги шаклларининг ривожланиши билан тавсифланади. Унинг энг муҳим жиҳатлари ичида қуйидагиларни ажратиш мумкин: ишлаб чиқариш воситаларининг бешинчи ва олтинчи технологик укладларга мос келувчи интеллектуал капитал фойдасига дематериализация қилиниши; хўжалик юритувчи субъектлар хатти-ҳаракати мотивациясининг инсон капиталини ривожланиш томонга сурилиши; ахборот тармоқлари орқали масофавий иш билан бандликдан кенг фойдаланишда намоён бўладиган ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этиш борасидаги муносабатларнинг виртуаллашуви ва ҳ.к.

Ижтимоий ривожланишнинг ҳозирги ҳолатини ўзига хос хусусиятлари шундан иборатки, билимлар иқтисодиётида инновациялар, кўпроқ, ресурсларнинг вариатив комбинациялари ва амалий илмий ютуқларга эмас, балки билимлар оқимининг амалиётда самарали қўлланилишига асосланади. Агар ушбу нуқтаи назардан келиб чиқадиган бўлсак, меҳнат ресурслари инновацион ўсишнинг муҳим манбаига айланиб бораётганлигига гувоҳ бўламиз. Улар билимларнинг эгаси бўлгани ҳолда инновацияларнинг ёйилишини таъминловчи ижтимоий-иқтисодий алоқаларни ҳосил қилади.

Иш билан бандлик меҳнат ресурсларини ишлаб чиқариш жараёнларига киритишни назарда тутаяди, шунинг учун инновацион меҳнатнинг хусусиятини тушуниш муҳим аҳамият касб этади. Иқтисодиётга доир ишларнинг аксарияти «меҳнат» тушунчасини инсоннинг ижтимоий фойдали фаолияти билан боғлайди. Шаклланаётган инновацион иқтисодиёт учун меҳнат фаолиятининг қуйидаги ўзига хос хусусиятларини ажратиш мумкин: ишлаб чиқаришнинг ижодий хусусияти; ходимларнинг инновацион хатти-ҳаракатини сақлаб туриш; кооперациянинг ишлаб чиқариш жараёнларини индивидуаллашуви ва ишлаб чиқариш муносабатларининг глобаллашуви билан боғлиқ икки томонлама хусусияти.

Ахборотни яратиш ва тарқатишга асосланган фаолият иқтисодиётнинг инновацион секторлари корхоналари учун асосий жиҳатга айланмоқда. Ҳозирги шароитда ахборот ресурсларининг юқори аҳамиятга эгаллиги унинг ишлаб чиқариш воситаси ва мақсади сифатидаги ролини белгилаб беради. Ахборот меҳнатини-ахборотни яратиш ва тарқатиш мақсадида меҳнат ресурсларининг интеллектуал капиталидан фойдаланишга йўналтирилган ижтимоий фойдали фаолиятни шакллантириш учун замин яратилади.

Фикримизча, замонавий иқтисодиёт учун меҳнатнинг янги мослашувчан (инновацион) тури ҳосил, бу иш билан бандликнинг янги шакллари ва турларини жорий этиш ҳисобидан унинг мазмуни ва таркибини доимий равишда янгиланган тури зарурлигида намоён бўлади. Инновацион иш билан бандлик инсоннинг, фирмадаги кадрлар салоҳиятининг, тармоқ меҳнат ресурсларининг, ҳудуддаги иқтисодий фаол аҳолининг технологик янгиликлар туфайли келиб чиққан иқтисодиётнинг янги эҳтиёжларига тезда мослашиш қобилиятини ўзида намоён этади.

Инновацион иш билан бандлик бандликнинг ностандарт ташкилий-ҳуқуқий шакллари қўллаш орқали меҳнат ресурсларидан фойдаланишнинг янада мослашувчан шакллари татбиқ этишни назарда тутлади. Иш билан бандликнинг ностандарт шакллари мавжуд бўлиши, ўз навбатида, меҳнат бозорининг майдаланишига, меҳнат ресурсларини бирлаштириш учун ижтимоий базанинг камайиши туфайли касаба уюшмаларининг ижтимоий ҳаётдаги функциялари ва ролининг ўзгаришига олиб келади. Шу муносабат билан меҳнатни муҳофаза қилиш ва иш билан бандлик муаммоси бандликни бошқаришга нисбатан бошқа талабларни кўювчи янги аҳамият касб этади.

Ҳозирги вақтда ахборот ва коммуникация технологияларининг ривожланиши ва кенг тарқалиши ходимлар билан иш берувчилар ўртасидаги ўзаро ҳамкорликнинг янги шакллари пайдо бўлиши учун шароитлар яратади. Хўжалик амалиётида коммуникация воситаларидан фойдаланиш иш берувчига ходимни корxonанинг асосий инфратузилмасидан узоқлаштириш асосида турли хилдаги меҳнатни ташкил этиш имконини беради. Хизматлар кўрсатиш билан боғлиқ юзага келган виртуал муҳит меҳнат ресурсларига ўз ишини Интернет глобал тармоғи орқали бажаришга шароит яратади.

Ўтказилган таҳлил натижалари шуни кўрсатдики, ностандарт иш билан бандлик инновацион хатти-ҳаракатга таъсир кўрсатиши мумкин, бу ходим манфаатларининг қисқа муддатли мақсадларга эришишга қайта йўналтирганлиги, ташкилот ичидаги муносабатларнинг йўқолганлиги ва ходимда иш берувчига бўлган ишончнинг камайганлиги билан боғлиқ. Айни пайтда иш билан бандликнинг ностандарт шакллари қўллаган ҳолда меҳнат ресурсларини бошқариш замонавий усулларининг самарали уйғунлаштирилиши нафақат иш билан бандликнинг ностандарт шакллари қўллашдан кўриладиган харажатларни қоплаши, балки ходимларнинг инновацияларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишга бўлган мотивациясини кучайтириши ҳам мумкин.

Шуни таъкидлаш лозимки, ижтимоий иш билан бандлик муносабатлари фан-техника тараққиётининг таъсири остида янги-инновацион ҳолатга ўтади. Унинг доирасида меҳнат ресурслари билимларнинг эгаси ролида иштирок этади. Ўз навбатида, инновацион иш билан бандлик меҳнат ресурсларини илм-фанга асосланган ишлаб чиқариш жараёнларига жалб этиш, уларнинг инновацион салоҳиятини ривожлантириш ва инновацион хатти-ҳаракатини рағбатлантириш борасидаги ижтимоий муносабатлар тизимини ўзида намоён этади. Бунда меҳнат ресурсларининг инновацион салоҳияти дейилганда, биз меҳнат ресурслари субъектларининг юзага келадиган муносабатларга тўғри мослашиш, самарали ва ностандарт қарорларни мустақил қабул қилиш ҳамда уларни тез ўзгарувчан техник-иктисодий муҳит шароитида ишлаб чиқариш жараёнларида амалга ошириш қобилиятини тушунаμισ.

АГРОПРОМЫШЛЕННЫЙ КОМПЛЕКС РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН НА ПУТИ К РЫНОЧНОЙ ЭКОНОМИКЕ

**доц. Райимбердиева О.Р.
студент Абдугаппаров И., ГулГУ**

Республика Узбекистан живёт в условиях полного политического суверенитета. Однако политическая независимость и завоеванный нами суверенитет могут остаться пустыми словами без адекватного независимого экономического базиса.

В Узбекистане сейчас четко обозначены основные концепции и принципа создания независимого экономического базиса. Они сформулированы и доведены до всего народа Первым Президентом И.А. Каримовым. Эти концепции и принципы в полной мере базируются на максимальном учете исторического прошлого, на традициях и обычаях народа и современных реалиях социально-экономического и политического положения страны. В них главным является положенное о собственном пути обновления и прогресса, а наиболее важной отличительной чертой - социальная ориентация на повышение жизни трудящихся.

Главное же сейчас - это целенаправленное ускоренное продвижение по пути их практической реализации. И здесь есть вопросы, имеющие принципиальное значение и определяющие налу стратегию и тактику в процессе создания этого экономического базиса.

В рыночных условиях хозяйствования, в силу отсутствия государственной монополии на реализацию, уже конечный потребитель сам или через соответствующие многообразные оптовые структуры диктует свои условия производителю, а последний обязан считаться с их конкретным спросом. Другими словами конечная цель производителей и в целом АПК может быть достигнута лишь при условии реализации его продукта, т.е. процесс воспроизводства завершается после полного прохождения продуктом всех его стадий. Поэтому неудивительно, что в развитых капиталистических странах агропромышленное производство ориентировано, прежде всего, на рынок, который является не только неотъемлемым элементом системы АПК, но и заключительной, и контролирующей функцией агропромышленного производства и выступает как система агробизнеса, в которой производство и рынок слита в единое целое, а конкурентная борьба выступает, прежде всего, как борьба за рынок, за покупателя и потребителя.

В связи с этим особую актуальность приобретают два вывода: во-первых, что формирование и развитие служб маркетинга в структуре АПК для оптимального нахождения ответы на вопросы: что, как, когда и сколько производить, когда и как реализовывать товары, являются необходимым условием перехода на рыночные экономические отношения; во-вторых, что формирование обширной и многоукладной сети заготовительно-реализационных структур является одним из важных факторов нормального функционирования АПК в новых условиях.

С обретением Республикой политического суверенитета и переходом к рыночным отношениям перед АПК встали новые более сложные задачи, иные масштабы производства, возникла объективная необходимость ускоренного сокращения огромного разрыва между достигнутым и перспективным уровнем развития АПК, постепенного достижения сначала относительной, а затем, по некоторым видам, полной продовольственной и агросырьевой независимости.

Переход к рыночной экономике объективно предполагает формирование и развитие всех его базовых основ, к которым относятся: многообразные формы собственности и прежде всего частная собственность на средства производства; свобода предпринимательства и выбора всех субъектов этой собственности; личным интерес как главный движущий мотив поведения каждой экономической единицы; свободная или совершенная конкурентная борьба; свободное рыночное ценообразование на товары и услуги. Многолетняя история развитая рыночных отношений свидетельствует о том, что только при создании необходимой правовой социально-экономической базы для полнокровной реализации всех перечисленных принципов эффективно функционирует рынок; только в их единстве, комплексе и взаимодействии наиболее ярко и ощутимо проявляются мощь и сила рынка. Вместе с тем эта же история свидетельствует и о другом: одинаковых рыночных систем и одинаковых путей перехода к ней не бывает.

Собственный путь социально-экономического развития независимого Узбекистана обусловлен целым рядом обстоятельств, в том числе реальной обстановкой, которая сложилась как тяжелое наследие тоталитарной системы с ее неэффективным хозяйственным механизмом и в котором приходится обновлять все стороны экономики, национальным и историческим прошлым, особенностями жизненного уклада и менталитета узбекского народа.

Поэтому исключительную важность приобретает проблемы максимального учета этих особенностей и нестандартные подходы для обеспечения ускоренного и относительно безболезненного перехода к рыночным отношениям.

Здесь излишне еще раз говорить о важности этого сектора в формировании продовольственного баланса Республики и о том, какое огромное внимание уделяется его развитию в последние года.

В теоретическом и практическом плане личные подсобные хозяйства являются прообразом ныне формирующегося фермерства.

В этой связи следует ускорить процесс структурной перестройки экономики, где должны создаваться новые отрасли и новые виды производства. Следовательно, резко повышается роль и значимость глубокого учета закона абсолютных и сравнительных преимуществ, усиления интеграционных и кооперативных связей, внутри государственного экономического пространства.


Вывод здесь однозначный: уровень и структура экономики Республики должны иметь такую основу, которая не только обеспечит успешное решение жгучих социально-экономических проблем, но и позволит вести со всеми, не оглядываясь по сторонам, самостоятельный политический диалог.

MAMLAKAT MAKROIQTISODIY KO'RSATKICHLARINI REGRESSION TAHLIL QILISH

dots. X.I.Mo'minov, BuxDU

Iqtisodiyotni modernizatsiyalash bo'yicha olib borilayotgan islohotlar nafaqat korxonalarda ishlatiladigan texnika va texnologik jarayonlarni yangilashni, balki boshqaruv va hisobini tashkil etishda innovatsion yondashuvni talab etadi. Shu nuqtai nazardan korxonalarda ishlab chiqarilgan mahsulotlarni baholashning amaliyotda qo'llaniladigan ayrim jihatlarini tadqiq etish katta ahamiyatga ega.

1-rasmda so'nggi yillarda o'z kuchi bilan innovatsion mahsulotlar, ishlar, xizmatlar ishlab chiqargan korxonalar va tashkilotlar dinamikasi keltirilgan.



1-rasm. Innovatsion mahsulotlar, ishlar, xizmatlar hajmi va xarajatlari dinamikasi (2010-2016 yillar)

Innovatsion mahsulotlar, ishlar, xizmatlar ishlab chiqargan korxonalar va tashkilotlar soni 2010 yildan 2016 yilga qadar 8 barobarga ko'payib, 289 tadan 2374 taga yetdi. Jumladan birinchi marta innovatsion mahsulotlar, ishlar, xizmatlar ishlab chiqarishni o'zlashtirgan korxonalar soni 696 taga ko'paydi.

Innovatsion mahsulotlar, ishlar, xizmatlar hajmi 2016 yilda 10688,2 mlrd. so'mni tashkil qildi. Ushbu ko'rsatkich 2015 yilga nisbatan 1,3 barobar, 2008 yilga nisbatan 8 barobarga ko'paygan. Innovatsiyalarga xarajatlar 2008 yilga nisbatan 5 barobarga ko'paygan bo'lsa, 2015 yilga nisbatan

53 foizga kamaygan.

2016 yilda o'z kuchi bilan ishlab chiqarilgan innovatsion mahsulotlar, ishlar, xizmatlar hajmining asosiy qismi Toshkent shahriga (48 foizi), Qoraqalpog'iston Respublikasi (18,3 foizi), Toshkent viloyati (9,3 foiz) va Andijon viloyatiga (8,3 foizi) to'g'ri kelmoqda, qolgan 16,1 foizi respublikaning boshqa viloyatlari hissasiga to'g'ri keladi.

2010 yilda innovatsiyalar asosan tashkilotning o'z mablag'lari hisobidan (69,7 foizi) moliyalashtirilgan. 2014 yildan boshqa mablag'lar hissasi (55,4 foiz) oshgan. 2016 yilda tashkilotning o'z mablag'lari hisobidan moliyalashtirish 2010 yilga nisbatan 6,4 barobar oshgan.

2016 yilda texnologik, marketing va tashkiliy innovatsiyalarga xarajatlarning 45,9 foizi (1180,0 mlrd.so'm) tashkilotning o'z mablag'lari hisobidan, 12,2 foizi (314,9 mlrd. so'm) xorijiy kapital, 6,1 foizi (157,3 mlrd. so'm) tijorat banklari kreditlari, 35,7 foizi (919,1 mlrd. so'm) boshqa mablag'lar hisobidan moliyalashtirilgan. 2016 yilda 893 ta korxon va tashkilotlar tomonidan 1816 turdagi texnologik innovatsiya joriy etildi. Joriy qilingan texnologik innovatsiyalarning 44 foizi (799 tasi) kichik korxon va mikrofirmalar hissasiga to'g'ri keladi.

Respublika bo'yicha 2016 yilda har bir innovatsion faol tashkilot o'rtacha 2 tadan innovatsiya joriy qildi. Jumladan har bir innovatsion faol tashkilotga Andijon, Farg'ona viloyatlari, Toshkent shahrida o'rtacha 3 tadan innovatsiya, Buxoro, Qashqadaryo, Navoiy, Samarqand, Sirdaryo, Toshkent viloyatlarida o'rtacha 2 tadan innovatsiya, Qoraqalpog'iston Respublikasi, Jizzax, Namangan, Surxondaryo va Xorazm viloyalarida o'rtacha 1 tadan innovatsiya joriy qilingan.

2016 yilda o'zlashtirilgan innovatsiyalar jami ishlab chiqarilgan innovatsion mahsulotlar, ishlar, xizmatlar hajmining 20,8 foizini (2221,5 mlrd. so'm) tashkil etdi. Ushbu ko'rsatkich eng yuqori bo'lgan Andijon viloyatida 80 foizni (709 mlrd. so'm), Buxoro viloyatida 54,5 foizni (42,1 mlrd. so'm) tashkil qilgan.


Innovatsion mahsulotlarning yalpi ichki mahsulotga ta'sirini regression tahlil orqali o'rganamiz. Bunda omilni innovatsion mahsulotlar deb, natijani YaIM deb olamiz.

Berilganlar asosida regressiya tenglamasi $y_x=57,53+13,35x$ ekanligi ma'lum bo'ldi.

1-jadval. Innovatsion mahsulotlarning YaIMga ta'siri.

Yillar	Innovatsion mahsulot, mlrd so'm, x	YaIM, trln so'm, y	x×y	x ²	y _x	x-5,87	y-135,83
1	2	3	4	5	6	7	8
2011	1,3	79	102,70	1,69	74,88	-4,57	-56,83
2012	3,6	98	352,80	12,96	105,58	-2,27	-37,83
2013	4,6	121	556,60	21,16	118,93	-1,27	-14,83
2014	7	146	1022,00	49,00	150,96	1,13	10,17
2015	8	172	1376,00	64,00	164,31	2,13	36,17
2016	10,7	199	2129,30	114,49	200,35	4,83	63,17
Jami:	35,20	815,00	5539,40	263,30	815,00		
O'rtacha:	5,87	135,83	923,23	43,88	135,83		

Innovatsion mahsulotlarga bog'liq holda, YaIM miqdorini 2-rasmda tasvirlaymiz:



2-rasm. Innovatsion mahsulotlarga bog'liq holda, YaIM o'zgarishi.

Korrelyatsiya koeffitsientini Fexner formulasi bo'yicha hisoblash quyidagi natijaga olib keldi:

Omilning (innovatsion mahsulotlar) o'tacha bilan farqlanishi hamda natijaning (YaIM) o'rtacha bilan farqlanishi bir xil ishorada. 1-jadvalning 7- va 8-ustunlarida ishoralar 6 vaziyat o'xshashligidan

$$F_x = \frac{A-B}{A+B} = \frac{6-0}{6+0} = 1,0;$$

ekanligi kelib chiqadi. Bu esa innovatsion mahsulotlar bilan YaIM o'rtasida bog'lanish (zichlik) juda yuqori ekanligini ko'rsatadi.

2016 yil yakunlari bo'yicha O'zbekiston yalpi ichki mahsuloti 199325,1 mlrd. so'mni tashkil qildi. YaIM ning 1991-2016 yillarda o'rtacha yillik o'sish sur'ati 4,5 foizni tashkil qildi.

O'zbekiston o'zining rivojlanish modelini izchil amalga oshirishi natijasida, boshqa mamlakatlarga nisbatan eng qisqa muddatlarda, ya'ni 1996 yildayoq iqtisodiy tanazzulning oldini oldi, makroiqtisodiy barqarorlikni ta'minladi va iqtisodiyot tarkibini o'zgartirish bilan bog'liq asosiy iqtisodiy masalalarni amalga oshirishga kirishdi.

O'zbekiston iqtisodiyoti 1996-2003 yillar davomida o'rtacha yillik 4% o'sish darajasi bilan rivojlandi.

Qulay ishblarmonlik muhitini yaratish, ishlab chiqarishni modernizatsiya qilish, texnik va texnologik yangilashga qaratilgan iqtisodiy islohotlarni chuqurlashtirish jarayonlari natijasi sifatida mamlakatimiz iqtisodiyoti 2004 yildan boshlab yillik 7-9 foiz darajasidagi yuqori va barqaror o'sish sur'atlarini namoyish qila boshladi.

Mustaqillik yillarida sanoat tarmog'i va xizmatlar sohasining rivojlanish salohiyatini yanada kengaytirilishi natijasida YaIM tarkibida qishloq xo'jaligi ulushining (1995 yilda 32,4 foizdan 2016 yilda 17,6 foizga) bosqichma-bosqich kamayish tendentsiyasi saqlanib qoldi. Shu bilan birga, YaIM tarkibida qishloq xo'jaligi ulushining kamayishi qishloq xo'jaligi mahsulotlarining ijobiy o'rtacha yillik o'sish sur'atlari fonida sodir bo'ldi.

Sanoat tarmog'ini diversifikatsiyalash, modernizatsiyalash, texnik va texnologik yangilash bo'yicha chora-tadbirlarning qabul qilinishi natijasida sanoat mahsulotlari ishlab chiqarish umumiy hajmining o'sishi va YaIM tarkibida sanoatning (qurilishni qo'shgan holda) ulushi 1995 yildagi 27,8 foizdan 2016 yilda 32,9 foizgacha oshishi ta'minlandi.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА АМАЛГА ОШИРИЛГАН ЧУҚУР ТАРКИБИЙ ЎЗГАРИШЛАР ВА УЛАРНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

доц. А.Сулаймонов, ГулДУ

Агросаноат мажмуасининг таркибий қисмлари бўлган қишлоқ хўжалиги ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш билан шуғулланувчи озиқ-овқат саноати Ўзбекистон иқтисодиётининг муҳим тармоқлари ҳисобланади. Бу тармоқлар мамлакат аҳолисининг озиқ-

овқат маҳсулотларига, қайта ишлаш саноати тармоқларини эса хом ашёга бўлган талабини қондиради. Озиқ-овқат маҳсулотларининг 90 фоизга яқини аграр тармоқда тайёрланади. Қишлоқ хўжалиги республикамининг истеъмол бозорига озиқ-овқат маҳсулотлари ва қайта ишлаш саноатига хом ашё етказиб бериш билан бирга, қишлоқ хўжалиги машинасозлиги, кимё саноати каби бир қатор тармоқлар маҳсулотлари учун кафолатли бозор ҳисобланади.

Ўтган 2016 йилда мамлакат ялпи ички маҳсулотининг 16,6 фоизи қишлоқ хўжалиги ҳиссасига тўғри келди. Шу йили қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш 6,8 фоизга, деҳқончилик маҳсулотлари-6,7 фоизга, чорвачилик маҳсулотлари-6,8 фоизга ўсди. Қишлоқ хўжалиги мамлакатимиз аҳолисининг салмоқли қисмини иш ўринлари ва даромад билан таъминлаб келмоқда. Қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган чуқур таркибий ислохотлар, ишлаб чиқаришдаги техник қуролланиш ва механизациялаш даражасининг ортиши ҳамда модернизациялаш жараёнлари натижасида иқтисодиётда банд бўлган тармоқлар таркибида қишлоқ хўжалигининг улуши 2002 йилдаги 32,6 фоиздан 2015 йилда 27,0 фоизга камайди.

Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш масаласи республикаминг иқтисодиётини юксалтиришнинг муҳим устувор йўналишларидан бири сифатида эътироф этилмоқда. Мустақиллик йилларида қишлоқ хўжалигини ислох қилиш бўйича жуда катта ишлар амалга оширилди. Ишлаб чиқаришга янги техника ва илғор технологияларни жорий этиш ишлари йилдан-йилга жадаллашиб, чекланган ер ва сув ресурсларидан, капиталдан ва меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлиги юксалмоқда.

Республикаминг аграр тармоғида амалга оширилаётган туб иқтисодий ислохотлар ва таркибий ўзгаришлар натижасида ўтган 2000-2015 йиллар оралиғида қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг ўртача йиллик ўсиш суръатлари ошиб бориш динамикасига эга бўлди. Хусусан, бу кўрсаткич 2000 йилдаги 103,1 фоиздан 2015 йилда 106,8 фоизга ошди. Кейинги йилларда, таъкидланганидек, мамлакат ялпи ички маҳсулотида қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти салмоғининг камайиб бориш тенденцияси кузатилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотларига кўра 2000 йилда ялпи ички маҳсулот таркибида қишлоқ хўжалигининг салмоғи 30,1 фоизга тенг бўлган бўлса, 2015 йилда бу кўрсаткич 16,6 фоизга пасайган. Бу ҳолат мамлакатимизда саноатнинг индустриал тармоқларини ҳамда хизматлар соҳасини жадал ривожлантириш ва рақобатбардошлигини ошириш борасида амалга оширилаётган чуқур таркибий ўзгаришлар натижалари билан изоҳланади.

Мамлакат ялпи ички маҳсулотида қишлоқ хўжалиги салмоғининг пасайиб бориши қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажмининг камайиб борганини аңлатмайди. Аксинча, қишлоқ хўжалиги маҳсулоти қиймати жорий нархларда 2000 йилда 1387,2 миллиард сўмдан 2015 йилда 42 280,4 миллиард сўмга ёки абсолют кўрсаткичда қарийб 30,5 мартага ўсган.

Қишлоқ хўжалигида асосий капиталга киритилаётган инвестициялар қиймати ҳам муттасил ўсиш тенденциясига эга бўлмоқда. Агар 2000 йилда бу мақсадлар учун амалдаги нархларда 42,6 миллиард сўм сарфланган бўлса, 2015 йилда 1 506,5 миллиард сўм кўп сарфланган ёки 35,4 мартага ошган. Шуни мамнуният билан қайд этиш жоизки, мустақиллик йилларида мамлакатимиз қишлоқ хўжалигини барқарор суръатлар билан ривожлантириш борасида амалга оширилган кенг қўламли ислохотлар натижасида аграр тармоқнинг тараққиёт даражаси дунё миқёсида ҳам эътирофга сазовор бўлмоқда. Жумладан, мамлакатимиз 2015 йилда БМТнинг озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО)га аъзо давлатларнинг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида «Минг йиллик ривожланиш мақсадлари»га эришгани учун бериладиган мукофотида сазовор бўлган 14 та давлатдан бири сифатида эътироф этилгани фикримизни исботлайди.

Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги тармоғининг ривожланиш даражаси Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига (МДХ) аъзо мамлакатлар ичида энг юқори ривожланиш кўрсаткичларидан бири бўлмоқда.

Кейинги йилларда бутун жаҳонни ташвишга солаётган глобал муаммолардан бири аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини барқарор ва узлуксиз таъминлаш

хамда озиқ-овқат хавфсизлиги билан боғлиқ бўлмоқда. Биринчи Президентимиз Ислон Каримов 2014 йил 9 июнда Тошкентда бўлиб ўтган «Ўзбекистонда озиқ-овқат дастурини амалга оширишнинг муҳим захиралари» мавзусидаги халқаро конференциянинг очилиш маросимидаги нутқида жаҳонда юз бераётган молиявий-иқтисодий инқирозлар, ер юзи аҳолисининг тез кўпайиб бораётгани билан озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиш имкониятлари чеклангани ўртасидаги тафовут туфайли дунёнинг бир қатор мамлакатларида, энг аввало, озиқ-овқат маҳсулотларини жадал ишлаб чиқариш учун тегишли шароитлар мавжуд бўлмаган мамлакат ва ҳудудларда озиқ-овқат дастурини ҳал этиш масаласи йилдан-йилга кескинлашиб бораётганини, бунинг оқибатида жаҳон бозорларида нарх-наво кўтарилиши, Осиё, Африка ва Лотин Америкасининг кўплаб давлатларида озиқ-овқат таъминотида узилишлар юзага келиши, ер шари аҳолисининг 30 фоизидан зиёди тўлақонли равишда овқатланмаслиги, озиқ-овқат истеъмоли таркибида энг асосий микроэлемент ва витаминлар етишмаслиги оқибатида 160 миллиондан ортиқ бола бўйининг ўсиши, жисмоний ва интеллектуал ривожланишига доир камчиликлардан азият чекиши каби бир қатор муаммолар бутун дунёда барқарорликка нисбатан жиддий хавф-хатарга айланаётганини аниқ ва ишончли далиллар асосида очиб берган эдилар. Биринчи Президентимиз мазкур маърузада таъкидлаганидек: «бу ўринда гап, биринчи навбатда, атроф-муҳитнинг экологик жиҳатдан бузилиши ҳамон давом этаётгани, иқлим ўзгаришларининг олдиндан айтиб бўлмайдиган оқибатлари, тез-тез такрорланаётган курғоқчилик ва сув ресурслари тақчиллиги, жумладан, суғориш учун ерости сувларининг тугаб бораётгани, ирригация, мелиорация ва ерларнинг унумдорлигини қайта тиклашга йўналтирилаётган инвестицияларнинг етарли эмаслиги ҳақида бормоқда. Ерларнинг экологик жиҳатдан бузилиши кимёвий моддалар, минерал ўғит ва пестицидларни тинимсиз ишлатиш оқибатида янада кучаймоқда. Буларнинг қаторига урбанизация, яъни шаҳарлашув жараёнлари, аҳолининг қишлоқлардан шаҳарларга кўчиши билан боғлиқ муаммолар ҳам кўшилмоқда»⁵².

Жаҳон озиқ-овқат хавфсизлигида ташвишли ҳолатлар юзага келаётган бир шароитда мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини ҳам миқдор, ҳам сифат жиҳатдан мунтазам ошириб бориш ва шу орқали озиқ-овқат хавфсизлигини мустаҳкамлашга катта эътибор қаратилмоқда. Чунки мамлакат аҳолисининг озиқ-овқат маҳсулотларига, қайта ишлаш саноатини эса хом ашёга бўлган тобора ўсиб бораётган эҳтиёжларини қондириш, энг муҳими, мамлакатимизнинг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш масалалари, энг аввало, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажмини барқарор суръатлар билан ошириб бориш орқали таъминланади. Кейинги йилларда фермер хўжаликлари экин майдонлари ҳажмини оптималлаштириш, ишлаб чиқаришга янги ва илғор технологияларни жорий этиш, селекция ишларини яхшилаш, ғўза ва бошоқли дон экинларининг районлаштирилган навларини жорий қилиш, замонавий агротехнологияларни ўзлаштириш борасида кенг қамровли, шу билан бирга, пухта ўйланган ишлар амалга оширилди.

BOZOR MUNOSABATLARIGA O'TISHDA AHOLINING IJTIMOIY HIMOYA TIZIMI

I.f.n. U.I. Maraimova, AnDU

Mamlakatimiz mustaqillikka erishganidan to hozirgi kunga qadar amalgaoshirib kelayotgan tub islohotlarimizdan ko'zlangan asosiy maqsadlardan biri-jamiyatimizda bozor munosabatlarini avj oldirish asosida shaxs huquq va erkinliklarini yanada kengaytirish, bu huquq hamda erkinliklar kafolatlarini kuchaytirishdan iboratdir.

Ijtimoiy-iqtisodiy islohotlarimiz evolyutsion tarzda, bosqichma-bosqich mamlakatimiz, hayotimizning barcha jabhalarida, fuqarolarimiz moddiy, ma'naviy-ruhiy ahvolidagi salmoqli ijobiy

⁵² Ислон Каримов. «Ўзбекистонда озиқ-овқат дастурини амалга оширишнинг муҳим захиралари» мавзусидаги халқаро конференциядаги нутқи. «Халқ сўзи» газетаси, 2014 йил 6 июнь.

o'zgarishlar yasar ekan, bularning barchasida inson va uning manfaatlarini ta'minlash ustuvor vazifalardan bo'lib qolaveradi.

O'zbekiston Respublikasi birinchi Prezidenti I.A. Karimov ta'kidlaganlaridek, «Bizning hamma ishlarimizda-bu iqtisodiy siyosatimizni shakllantirish masalasi yoki iqtisodiyotni isloh etish va modernizatsiya qilish dasturini hayotga tatbiq etish bo'ladimi, ijtimoiy soha tizimida ertangi va uzoq muddatli istiqbolga mo'ljallangan eng muhim ustuvor yo'nalishlarni belgilab olish bo'ladimi-bularning barchasida biz uchun faqat bitta masala eng ustun va hal qiluvchi o'rinda turadi. Buham bo'lsa, inson manfaatlarining ustuvorligidir. Xalqimizning turmush darajasi va hayot sifatini izchil va bosqichma-bosqich yuksaltirib borish bo'yicha bizning asosiy maqsadimiz ham ana shundan iborat»⁵³.

O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasida fuqarolarning ijtimoiy ta'minot olishga bo'lgan huquqlari mustahkamlab va kafolatlab qo'yilgan. Jumladan, Konstitutsiyamizning 39-moddasida shunday deyiladi: «Har kim qariganda, mehnat layoqatini yo'qotganda va boquvchisidan mahrum bo'lganda va qonunda nazarda tutilgan boshqa hollarda ijtimoiy ta'minot olish huquqiga ega. Pensiylar, nafaqalar, ijtimoiy yordam turlarining boshqa turlari rasman belgilab qo'yilgan tirikchilik uchun zarur eng kam miqdordan oz bo'lishi mumkin emas»⁵⁴.

Ijtimoiy himoya davlatimizning ichki siyosatining asosiy tamoyillaridan biri qilib belgilandi, chunki bozor munosabatlariga bosqichma-bosqich o'tib borar ekanmiz, aholini kam ta'minlangan, muhtoj qatlamini ijtimoiy larzalardan ishonchli tarzda himoyalash va kafolatlash zarur. Aholini davlat himoyasiga muhtoj bo'lgan qatlami ko'p bolali oilalarni, qariyalar, nogironlar, boquvchisidan mahrum bo'lganlarning ahvoli bozor munosabatlarga o'tish davrida narx-navoning oshishi, pulning qadrsizlanishi bilan tirikchiligi qiynlashib qoladi.

Ijtimoiy adolat qoidalarini ro'yobga chiqarish, aholining eng nochor qatlamlari-keksalar, nogironlar, yetim-yesirlar, ko'p bolali oilalar, o'quvchi yoshlarning davlat tomonidan ijtimoiy muhofazaga bo'lgan kafolotli huquqlarini ta'minlashdir. Har qanday davlat ham o'z aholisini himoya qila olsagina, u insonparvar davlat bo'la oladi.

Kishilarning ijtimoiy himoyalashning va huquqiy kafolotlashning kuchli va ta'sirchan mexanizmi mavjud bo'lgandagina, ijtimoiy-siyosiy barqarorlikni saqlab qolish mumkin. 2017-2021 yillarda O'zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo'nalishlari bo'yicha Harakatlar strategiyasining IV ustuvor yo'nalishi 4.2. bo'limida aholini ijtimoiy himoya qilish va sog'liqni saqlash tizimini takomillashtirish: aholiga majburiy ijtimoiy kafolatlarni ta'minlash, aholining ehtiyojmand qatlamlarini ijtimoiy himoyalashni kuchaytirish hamda keksalar va imkoniyati cheklangan shaxslarni davlat tomonidan qo'llab-quvvatlash, ijtimoiy xizmat ko'rsatishni yaxshilash, sog'liqni saqlash sohasini, aholining sog'lom turmush tarzini shakllantirish, pensionerlar, nogironlar, yolg'iz keksalar va aholi boshqa ehtiyojmand toifalarining to'laqonli hayot faoliyatini ta'minlash uchun ularga tibbiy-ijtimoiy yordam ko'rsatish tizimini yanada rivojlantirish va takomillashtirish; farmatsevtika sanoatini yanada rivojlantirish, aholi va tibbiyot muassasalarining arzon, sifatli dori vositalari va tibbiyot buyumlari bilan ta'minlanishini yaxshilash bo'yicha chora-tadbirlarni amalga oshirish; aholi kasallanish ko'rsatkichlari pasayishini va hayotining davomiyligi uzayishini ta'minlash kabi masalalar ko'rsatilib o'tilgan.⁵⁵

Aholini ijtimoiy himoyalash masalalari ijtimoiy ta'minot organlari bilan birga Mehnat, Moliya, Sog'liqni saqlash, Aloqa vazirliklari, Pensiya Jamg'armasiga hamda jamoat tashkilotlari bo'lgan Ko'zi ojizlar, Kar-soqovlar, Nogironlar, Qizil Yarimoy jamiyatlari, «Mehribonlik», «Bolalar», «Navro'z», «Sog'lom avlod uchun» kabi xayriya jamg'armalariga ham yuklatilgandir. Hozirgi sharoitda aholining ijtimoiy himoya turlari kengayib, uning qo'llanish asoslarini tubdan

⁵³ Karimov I. Inson manfaatlarini ustuvorligini ta'minlash-barcha islohot va o'zgarishlarimizning bosh maqsadidir. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2007 yilda mamlakatni ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirish yakunlari va 2008 yilda iqtisodiy islohotlarni chuqurlashtirishning eng muhim ustuvor yo'nalishlariga bag'ishlangan O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi majlisidagi ma'ruzasi. \ Xalq so'zi. 2008. fevral.

⁵⁴ O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi - T: «O'zbekiston» NMIU, 2013- y.

⁵⁵ 2017-2021 yillarda O'zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo'nalishlari bo'yicha Harakatlar strategiyasi. 2017 y 7-fevral

o'zgartirish talab qilinayotgan bir paytda xizmat ko'rsatilayotgan aholi soni va sarflanayotgan mablag' miqdori jihatidan pensiya ta'minoti aholini ijtimoiy himoyalashda asosiy o'rinni egallaydi.

Aholini ijtimoiy himoya qilishda fuqarolarning o'zini-o'zi boshqarish organlarini rolini oshirish, ijtimoiy muhofazaning muayyan shaxsga yo'naltirilganligini ta'minlashda ularning ma'suliyatini yanada kuchaytirish maqsadida bir qator qaror va farmonlar ishlab chiqilmoqda.

Aholini muhofaza qilishning aniq shaxsga qaratilishini yaxshilash uchun turar joy muassasalari bolali oilalarga nafaqalar hamda yolg'iz o'zgalar parvarishiga muhtoj pensionerlarni asosiy oziq-ovqat mahsulotlari bilan ta'minlash masalalarini o'z zimmasiga olgan bo'lsa, yolg'iz keksalarni, pensioner va nogironlarni ijtimoiy ta'minot va uy-joy maishiy sharoitlarni yaxshilash yuzasidan ehtiyojlarni qondirish masalalarini hal qilish uchun homiylar mablag'larini jalb qilish zarurligi belgilanmoqda.

Aholini ijtimoiy himoyalashning amaldagi mexanizmini tanqidiy baholash va mustahkamlash maqsadida uning aniq toifadagi kishilarga qaratilishini kuchaytirish lozim bo'ladi. Shuningdek, aholini ijtimoiy himoyalash tizimida yolg'iz qariyalar, pensionerlar va huzuridagi nogironlarning talablari va ehtiyojlariga alohida e'tibor berish lozim bo'ladi.

ҚИШЛОҚ ЖОЙЛАРДА ИНФРАТУЗИЛМА ШАҲОБЧАЛАРИНИНГ ХУДУДИЙ ТАШКИЛ ЭТИШ ЭТИЛИШИ

**доц. Л.Қ.Каршибаева, ўқ. Н.Мадрахимова,
талаба М.Шарофидинов. ГулДУ**

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида қишлоқ инфратузилмасининг ривожланиши, қишлоқ аҳолисининг турмуш фаровонлигини юксалтириш, унинг ҳаёт шaroитларини яхшилашга бўлган эътибор давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Буни, энг аввало, таълим ва соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш, баркамол ёш авлодни тарбиялаш, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш тизимини такомиллаштириш ва ҳалқаро талаблар даражасига кўтариш, спортни ривожлантириш ва бошқалар мисолида аниқ кўриш мумкин.

2013 йилда республика жами аҳолисининг 55 фоиздан ортиқроғи меҳнат ёшидаги аҳолига, 40 фоизга яқини, яъни 10 млн. кишидан ортиқроғи банд аҳоли ҳиссасига тўғри келган. Агарда мамлакатимиз меҳнат салоҳиятининг катта қисмини қишлоқ жойларда тўпланганлигини эътиборга олсак, бандлик муаммоси бу жойлар учун нақадар муҳимдир.

Маълумки, аҳоли бандлиги ва турмуш даражасининг қандай бўлишида хизмат кўрсатиш тизимларининг ривожланганлиги, ҳудудларнинг ижтимоий ҳамда ишлаб чиқариш инфратузилма шaroитлари муҳим аҳамиятга эга. Бунда, энг аввало, таълим, соғлиқни сақлаш, уй-жой коммунал хизматлар, аҳолининг тоза ичимлик суви, табиий газ, йўл ва бошқалар билан таъминланишини таҳлил қилиш керакли натижалар беради.

Республика бўйича аҳоли пунктлари ва уй-жой фондини инфратузилма билан таъминланишининг ҳозирги ҳолатини таҳлил қилиш кўрсатадики, ичимлик суви ва канализация билан таъминланиш даражаси шаҳарлардан шаҳарча ва қишлоқларга борган сари камайиш хусусиятига эга. Масалан, 2017 йилда мамлакатимизнинг барча шаҳарлари ичимлик суви билан 100 фоиз таъминланган бўлса, ушбу кўрсаткич шаҳарчаларда 97,4 фоизни, қишлоқ аҳоли пунктларида эса 85,4 фоизни ташкил қилди.

Аҳоли пунктларини ичимлик суви билан таъминланишига нисбатан канализация билан таъминланиш даражаси жуда паст. Ҳатто, бу кўрсаткич республиканинг шаҳар жойларида 63,0 фоиздан ошмайди. Шаҳарчаларда у 30,7 фоизни, қишлоқ аҳоли пунктларида эса 0,7 фоизни ташкил қилади ҳолос. Шу билан бирга, сўнгги йилларда аҳоли пунктларини канализация билан таъминланиш даражасининг пасайиб бориши ҳам кузатилади.

Ҳудудлар аҳолисининг турмуш шaroитларини турличалигига уларнинг уй-жой фондини таъминланиши ҳолати ҳам ўз таъсирини кўрсатади. Таҳлиллар кўрсатадики, жами шаҳар уй-жой фондини 84,5 фоизи водопровод суви билан, 61,0 фоизи канализация, 65,6 фоизи марказий иситиш тизими, 56,7 фоизи иссиқ сув, 92,2 фоизи табиий газ билан

таъминланган. Айти пайтда, қишлоқ уй-жой фондининг юқоридагилар билан таъминланиш даражаси жуда паст. Масалан, қишлоқ уй-жой фондининг ичимлик суви билан таъминланиши 46,3 фоизни, канализация-9,1, марказий иситиш тизими-17,7, иссиқ сув-2,3, табиий газ билан эса 72,0 фоизни ташкил қилади.

Ҳозирги кунда Жанубий иқтисодий район мамлакатимизнинг табиий газ ва нефт казиб олувчи асосий минтақаси бўлишига қарамай, аҳолининг табиий газ билан таъминланиш кўрсаткичлари бўйича энг куйи ўринларни эгаллайди. Газ таъминоти кўрсаткичи минтақа бўйича ўртача 67,2 фоизни ташкил қилгани ҳолда, Сурхондарёда у 61,4 фоиз, Қашқадарёда 73,0 фоизга тенг. Бу борада Андижон вилоятининг (71,8 фоиз) мавқеини ҳам юқори деб бўлмайди. Аҳолининг табиий газ билан таъминланиши дражасини юқорилиги билан Қуйи Амударё, Тошкент ва Зарафшон минтақаларининг нисбатан қулай ўринларга эгаллигини кўриш мумкин.

Шундай қилиб, аҳолининг ижтимоий ривожланиши барча ҳудудларда бир хилда кечмайди, ва бу хусусда айрим минтақавий хусусиятлар ҳам мавжуд. Чунончи, у Фарғона иқтисодий райони қишлоқ жойларида демографик салоҳият ва аҳоли зичлигининг юқорилиги шароитида кечса, Қуйи Амударё минтақасида экологик вазиятнинг кескинлашуви, Жанубий районда эса умумий ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг сустлиги шароитида ривожланади.

Юқоридаги муаммоларни қишлоқ туманлари миқёсида ўрганиш муҳим илмий-амалий аҳамиятга эга. Чунки, ушбу ҳудудлар турлича табиий-географик, иқлим, ер-сув шарт-шароитларига, демографик, ишлаб чиқариш салоҳиятига эга. Қишлоқ туманларининг кўпларини хўжалик ихтисослашуви даражаси кучсиз, аксарият ҳолларда бирламчи қишлоқ хўжалиги хом ашёси етказиб беради, холос. Боз устига, охириги йилларда тез-тез кузатилаётган сув танқислиги нафақат қишлоқ иқтисодиётига (айниқса, суғорма деҳқончилиқка), балки бу жойларда яшовчи аҳолининг турмуш шароитларига ҳам ўз салбий таъсирини кўрсата бошлади. Бундай вазиятда алоҳида олинган қишлоқ ҳудудларни ривожлантиришнинг мақсадли дастурларини ишлаб чиқиш талаб этилади.

Сўнги ўн йилликлар мобайнида Ўзбекистонда аҳоли ижтимоий ҳаётининг ҳудудий жиҳатларини тадқиқ этишга устувор аҳамият берилмоқда. Бу борада, айтиқса мамлакат таълим ва соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш, уни такомиллаштириш, спортни ривожлантириш, қишлоқ жойларни ижтимоий ривожлантириш масалаларини алоҳида қайд этиш жоиз.

Маълумки, аҳолининг ижтимоий ривожланиши ҳудудларнинг иқтисодий-демографик салоҳияти ва экологик шароитлари билан бевосита боғлиқ. Жумладан, бу борада Қуйи Амударё иқтисодий райони ҳам ўзига хос хусусиятларга эга.

Мазкур минтақа ўз ичига Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятини қамраб олгани ҳолда, мамлакатимиз ҳудудининг 38,4 фоизини, аҳолисининг 11,5 фоизи ни ўзида мужассам этган. Қуйи Амударё иқтисодий райониға мамлакат ялпи саноат маҳсулотининг 3,1 фоизи, қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг 9,9 фоизи, пуллик хизматларнинг 6,9 фоизи тўғри келади ва бу жиҳатдан у мавжуд 6 та иқтисодий район орасида Тошкент, Фарғона, Зарафшон ва Жанубий районлардан кейин бешинчи ўринни эгаллайди.

2014 йил 1 январ ҳолатига кўра, иқтисодий район аҳолиси 3419,2 минг кишини ташкил қилиб, унинг 51,7 % Қорақалпоғистон Республикасига ва 48, 2 фоизи Хоразм вилоятига тўғри келади. Минтақа қишлоқ аҳолисининг салмоғи 64,3 фоизга тенг.

Қуйи Амударё иқтисодий райони таркибига кирувчи 24 та қишлоқ маъмурий туманларини аҳоли зичлиги бўйича 5 та гуруҳга ажратиш мумкин. Бу ерда аҳоли зичлиги 200 кишидан ортиқ бўлган ҳудудлар майдони атиги 2,1 фоизни, аҳоли сонининг эса 41,1 фоизини ўзида мужассамлантиради. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Хоразм вилояти туманларининг асосий қисми аҳоли зичлиги юқори, зич ва ўта зич гуруҳларга тегишли, аксинча, Қорақалпоғистон Республикасининг кўпчилиқ туманлари зичлик ўрта, сийрак ва ўта сийрак гуруҳлардан жой олган.

Юқоридаги гуруҳлар бўйича аҳолининг ижтимоий инфратузилма элементлари билан таъминланишида ҳам баъзи хусусиятларни кўриш мумкин. Чунончи, минтақада аҳолининг уй-жой билан таъминланиши 1 кишига ўртача 20,0 метр кв.ни ташкил этади ва бу кўрсаткич аҳоли зичлигининг ортиб бориши билан унинг кўтарилишини намоён қилади.

ТЕНДЕНЦИИ РАЗВИТИЯ ОКАЗЫВАЕМЫХ АУДИТОРСКИХ УСЛУГ В ПЕРЕХОДЕ ИННОВАЦИОННОЙ ЭКОНОМИКЕ

доц. М.Х.Ходжаева, ТГЭУ

В настоящее время важнейшим программным документом развития предпринимательской деятельности в Республике Узбекистан является Указ Президента «О дополнительных мерах по обеспечению ускоренного развития предпринимательской деятельности, всемерной защите частной собственности и качественному улучшению делового климата»⁵⁶.

В статье 18 приложения к этому Указу «Программа комплексных мер по обеспечению ускоренного развития предпринимательской деятельности, всемерной защите частной собственности и качественному улучшению делового климата в Республике» подчеркивается, что на данном этапе развития необходимо совершенствование правовых основ деятельности аудиторских организаций и налоговых консультантов по усилению ответственности за качество услуг и достоверность представляемых ими заключений как один из основных механизмов предупреждения правонарушений и гарантий стабильной деятельности законопослушных субъектов предпринимательства. В настоящей статье рассматриваются основные мероприятия, разработанные с целью выполнения рассматриваемого Указа и направленные на развитие отечественного аудита в 2016-2018 гг.

За последние годы уровень востребованности аудиторских услуг продолжает оставаться низким вследствие недооценки хозяйствующими субъектами, собственниками и инвесторами значимости аудиторских услуг, отсутствия интереса к аудиторским услугам, за исключением обязательной аудиторской проверки. Хозяйствующие субъекты в большинстве случаев продолжают рассматривать аудиторскую проверку как излишнее административное обременение. При этом аудиторское сообщество, в частности, республиканские общественные объединения аудиторов, и регулирующие органы не предпринимают активных целенаправленных действий по разъяснению значения и ценности аудиторских услуг для эффективного ведения экономической деятельности и устойчивого развития пользователям финансовой отчетности. Основными факторами, оказывающими негативное влияние на развитие рынка аудиторских услуг, является состояние деловой среды, в том числе ограниченные бюджеты на привлечение аудиторских организаций у заказчиков, снижение или, как минимум, фиксация на неизменном уровне цен на аудиторские и консультационные услуги; снижение платежеспособности клиентов, ценовой демпинг и практика проведения конкурсов по выбору аудиторских услуг.

Важно отметить, значение стандартов контроля качества аудиторских услуг которое заключается в том, что они:

- обеспечивают профессиональную ответственность аудиторов за высокое качество оказываемых аудиторских услуг;
- содействуют внедрению и унификации требований к аудиту на международном уровне;
- помогают пользователям понять процесс аудиторской проверки;
- создают общественный имидж профессии аудитора;
- являются основой для разработки внутрифирменных стандартов аудиторской организации по оказанию аудиторских услуг;

⁵⁶ www.norma.uz. Указ Президента РУз от 05.10.2016 г. N УП-4848

- помогают аудиторской организации вести переговоры с заказчиками аудиторских услуг;
- обеспечивают связь отдельных элементов аудиторского процесса.

Дальнейшая стандартизация деятельности по оказанию аудиторских услуг должна быть направлена на достижение оптимальной степени упорядочения аудиторской деятельности посредством установления положений и норм в соответствии с общепринятыми международными стандартами, способствующим повышению уровня единообразия аудиторской практики во всем мире⁵⁷. Международный стандарт "Контроль качества аудита" разработан Комитетом по международной аудиторской практике, функционирующим в рамках Международной федерации бухгалтеров. Он входит в раздел "Обязанности" системы стандартов аудита и имеет номер 220. Целью данного стандарта является предоставление рекомендации по контролю качества в отношении политики и процедур аудиторской фирмы применительно к аудиторской работе в целом, а также процедур, касающихся работы, порученной ассистентом аудитора при проведении отдельной аудиторской проверки.⁵⁸

В последнее время все больший интерес для Узбекистана, стремящейся к эффективной интеграции в мировую экономику, представляют международные стандарты аудита (МСА). Актуальность сопоставления национальных и международных стандартов обусловлена, в первую очередь, внешними факторами, к которым можно отнести усиление общемировых интеграционных процессов.

Национальные стандарты аудиторской деятельности играют важную роль в организации аудиторской деятельности. Очевидно, что с развитием рынка и интеграционных процессов в экономике страны, а также по мере развития республиканских профессиональных общественных объединений аудиторов, признанных мировым аудиторским сообществом, вступления многих отечественных аудиторских организаций в крупные международные сети аудиторских компаний, появилась необходимость унификации аудита в международном масштабе.

С усилением интеграции международного капитала возрастает роль процесса гармонизации национальных систем бухгалтерского учета, разработки единых подходов к формированию финансовых показателей в соответствии с требованиями Международных стандартов финансовой отчетности (МСФО). Проведение аудиторской проверки в отношении хозяйствующих субъектов, составляющих отчетность в соответствии с МСФО, необходимо с применением международных стандартов аудита. Использование МСФО при составлении финансовой отчетности, с одной стороны, и Международных стандартов аудита с другой стороны, позволяет повысить значимость информации и расширить сферу деятельности субъекта предпринимательства за счет привлечения иностранных партнеров. При этом, международные стандарты аудита могут применяться в отношении финансовой отчетности составленной как по международным стандартам, так и по Национальным стандартам бухгалтерского учета.

Таким образом, потребность в Международных стандартах аудита возрастает с каждым годом, так как в мире существует тенденция интеграции в мировую экономику стран со своими системами бухгалтерского учета и финансовой отчетностью.

От того, как организована аудиторская проверка, как она спланирована и оформлена, с помощью каких методов и процедур проводится, во многом зависит ее надежность и достоверность. Эти причины и послужили основой для создания и развития стандартов аудиторской деятельности в разных странах и, в конечном итоге, для создания

⁵⁷ Statement of Membership Obligations 1. Quality Assurance (SMO1). (Положение об обязанностях членов Международной федерации бухгалтеров 4. Контроль качества (CMO1)). -IFAC Board, Statement of Membership Obligations, 2012. -106 с.

⁵⁸ Применение Международных стандартов аудита в 5 ч./Пер. с англ. -3-е изд., перераб. и доп.-М.: Альпина Бизнес Букс, 2011. -720 ст.

Международных стандартов аудита как международной системы, которая впитала в себя все наиболее ценное в области аудиторской деятельности в современном мире.

АҲОЛИГА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАЛАРИНИ ЖОЙЛАШТИРИШ

**доц. Каршибаева Л.К., ўқ. Ишонқулова К.К.,
талаба Эргашева С., ГулДУ**

Аҳолига хизмат кўрсатиш соҳаларини айрим адабиётларда ижтимоий инфраструктура билан маънодош таъкидланган. Бироқ, илгари инфраструктура хўжаликнинг алоҳида тармоғи сифатида тан олинмаган ва у асосан ишлаб чиқариш ҳамда аҳоли ҳаёт-фаолияти учун лозим бўлган шарт-шароитлар мажмуи, пойдевори (инфра-ички, структура-тузилиш, яъни ички тузилиш) мазмунида талқин қилинган. Аҳолига хизмат кўрсатиш ижтимоий ишлаб чиқариш жараёнида муҳим ўринга эга. Дарҳақиқат, барча маҳсулот-моддий ва маънавий бойлик пировард натижада инсон учун, аҳолининг эҳтиёжини қондириш мақсадида яратилади. Кишиларнинг талаб-эҳтиёжи эса борган сари миқдор ва сифат жиҳатидан ўзгариб боради, хизмат кўрсатиш соҳаларининг тур ва шакллари кўпайиб туради.

Ҳозирги даврда аҳолига хизмат кўрсатиш ўндан ортиқ соҳаларни ўз ичига олади. Жумладан улар: 1) уй-жой ва коммунал хизмати; 2) чакана савдо; 3) умумий овқатланиш; 4) маиший хизмат; 5) таълим хизмати; 6) соғлиқни сақлаш; 7) ижтимоий таъминот; 8) рекреация ва туризм хизмати; 9) маданий хизмат; 10) молия хизмати; 11) юридик хизмат; 12) алоқа хизмати; 13) йўловчи транспорти хизмати; 14) йўл ва йўл хавфсизлиги хизмати ва бошқалар. Ушбу хизматларнинг барчаси аҳолининг турмуш даражаси ва яшаш шароитини яхшилашга қаратилган. Бинобарин, уларнинг ҳудудий ташкил этилиши энг аввало аҳоли жойлашуви, унинг ижтимоий-демографик хусусиятлари билан белгиланади.

Ижтимоий хизмат соҳалари аҳолига қаратилган, аҳоли жойлашуви эса ишлаб чиқариш тармоқларига кўра анча турғун. Қолаверса, бу хизмат соҳалари кишиларнинг кундалик ҳаёти билан боғлиқ. Бинобарин, аҳолига хизмат кўрсатиш соҳаларини (АХКС) жойлаштириш бевосита маҳаллий ҳокимият зиммасига юкланади. Чунки, эндиги шароитда қаерда болалар боғчасини ёки ўрта мактабни қуриш, дорихона ёки касалхона ташкил этиш, санитария-гигиена ёки ўт ўчириш хизматини ташкил қилиш муаммолари ва ҳоказолар илгаригидек марказдан туриб эмас, балки ўз жойида ҳал этилиши керак. Яна шуни эътиборга олиш лозимки ушбу соҳаларда эркин рақобат кучли ва яққол кўзга ташланади. Чунончи, кишиларнинг ўзларига ёққан ҳаммомлари, сартарошхоналари, маиший хизмат кўрсатиш корхоналари мавжуд. Уларнинг кўпчилиги ҳозирги даврда хусусийлаштирилган. Масалан, биргина Тошкентда шахсий хонадонларда ошхона ёки қаҳвахоналарни очиш, тураргоҳ ва гузарларда шахсий дўконлар ташкил этиш бугунги кунда одат тусига кириб қолди.

Хизмат кўрсатиш соҳаларининг асосий мақсади аҳолига барча қулайликларни яратиш, замонавий, сифатли хизматларни беминнат бажариш, унинг дам олишини мароқли ва мазмунли ўтказиш, вақт ва масофани тежашдан иборатдир. Жаҳоннинг ривожланган мамлакатлари иқтисодиёти ҳозирги даврда айнан ана шу хизмат кўрсатиш тармоқларини, сервисни яхши йўлга қўйилганлиги билан ажралиб туради. Индустириал босқичдан ўтган давлатлар-АҚШ, Япония, Ғарбий Европа, Янги индустириал мамлакатлар ялпи ички маҳсулотида мазкур соҳанинг аҳамияти тобора ошиб бормоқда. Биргина туризм хизматида жаҳон бўйича 10% ишчилар банд бўлиб, улар ялпи маҳсулотнинг 10-12 %ни таъминлайдилар. Баъзи башоратларга қараганда, туризм XXI асрнинг асосий тармоғи бўлади ва у экспорт тизимида нефт ва нефтни қайта ишлаш, автомобилсозликни четлаб ўтиб, олдинги ўринга чиқиб олади.

Умуман олганда, хизмат кўрсатиш иккига бўлинади: ишлаб чиқаришга хизмат кўрсатиш ва аҳолига (ижтимоий) хизмат кўрсатиш. Ўз навбатида охиргиси ҳам икки хил бўлади: 1) бевосита аҳолига хизмат кўрсатиш, масалан, таълим, соғлиқни сақлаш, маиший, маданий, молиявий, алоқа ва бошқа турдаги хизматлар; 2) аҳолига керак бўлган воситаларни

таъмирлаш орқали хизмат кўрсатиш-радио ва телеаппаратуралар, совутгич, коммунал тармоқлар, автомобил, пойафзал таъмири, кимёвий тозалаш, автомобилларга ёқилғи қуйиш шаҳобчалари ва ҳ.к.

Юқоридаги турли хил хизмат кўрсатиш тармоқларининг ҳудудий ташкил этилиши ҳар хил. Қолаверса, уларни шаҳар ёки қишлоқ жойларда ўринлаштириш ҳам бирдай эмас. Яна шуни эътиборга олиш керакки, модомики аксарият хизмат турлари барча учун ва ҳаммавақт кўрсатилар экан, у ҳолда бундай хизмат кўрсатишнинг даражаси, тўлиқлиги тўғрисида сўз юритиш талаб қилинади. Шу билан бирга хизмат турлари ҳам такрорланишига қараб ҳар хил: кундалик, вақт-вақти билан ва даврий бўлади. Бу эса уларнинг ҳудудий ташкил қилинишига таъсир қилади.

Аксарият хизмат турларига кишиларнинг ўзлари боради, айримлари келиб хизмат кўрсатишади (ўт ўчириш, коммунал хўжалик хизмати, уй жиҳозларини таъмирлаш, тез ёрдам ва ҳ.к.), яна бошқалари эса ўзаро ҳаракатда амалга оширилади (йўловчи ташиш хизмати). Баъзи хизмат турлари борки, улар уйда ва ўз ишхонасида бажарилиши мумкин. Масалан, почта, алоқа хизмати ва бошқ. Шунга ўхшаш тўй ва маросим, тарғибот хизматларини ташкил этиш ҳам ўзига хос хусусиятларга эга.

Аҳолига хизмат кўрсатиш соҳаларини жойлаштириш поғонасимон, иерархия шаклида бўлади. Бу ҳақда аввалроқ В.Кристаллернинг олтибурчаклари ва «марказий ўрин» ғояси ҳақида айтилган эди. Мазкур соҳаларнинг айнан ана шундай ташкил қилиниши энг аввало аҳоли жойлашуви, аҳоли манзилгоҳларининг катта-кичиклиги, уларнинг бажарадиган вазифаси (функцияси) ва транспорт билан таъминланганлигига қараб амалга оширилади. Марказий ўринлар катталашган сари паст босқичдаги марказлар хизмат кўрсатиш турларини ҳам қамраб олади ёки, аксинча, улар катталашган сари хизмат кўрсатиш турлари ҳам кўпайиб боради. Энг юқори босқичдаги марказда сервис соҳаларининг ноёб, бетакрор, олий даражадагилари ўринлаштирилади, қолган барча тармоқлар эса маҳаллий, яъни шу шаҳар аҳолиси учун аҳамиятли бўлади.

АХКСнинг ҳудудий ташкил этилишини унинг айрим тармоқлари мисолида кўриб чиқайлик. Масалан, савдо хизматини олайлик: энг кичик қишлоқ ёки овулларда кундалик харид молларига ихтисослашган дўконлар мавжуд; улардан каттароғида ёки бир-бирига яқин жойлашган қишлоқларнинг бирида савдо дўконларининг турлари кўпаяди (озик-овқат, саноат моллари магазинлари), улардан ҳам каттароғида кўшимча дўконлар (маданий, хўжалик моллари магазини) жойлаштирилади. Туман марказларида дўконлар сони ва тури янада ошади, йирик универсал ва универсам магазинлари ташкил этилади, вилоят марказларида савдо ярмаркалари, пойтахтда-савдо марказлари фаолият кўрсатишади.

Худди шунга ўхшаш ҳолатни таълим ёки соғлиқни сақлаш тизимида ҳам учратамиз. Чунончи, аҳоли пунктларининг катталашиб бориши билан мактаблар сони, мужассамлашуви, тури ўзгариб боради: бошланғич мактаб→ўрта мактаб→коллеж ва академик лицейлар →олий мактаблар.

Соғлиқни сақлашда фельдшер-акушерлик пунктларидан бошлаб поликлиника, туғуриқхона ва касалхоналар, тор ихтисослашган касалхоналар, ташҳис марказлари турли хил босқич ва таъсир радиусига эга бўлган шаҳарларда ташкил қилинади.

Туризм хизмати учун тарихий обидалар ҳамда табиий шароит муҳимроқдир. Бироқ, барча АХКСни ҳудудий ташкил қилишда албатта транспорт омили эътиборга олинади. Қолаверса, марказий ўринлар ҳам ўзларининг транспорт-географик мавқеига қараб ажратилади ва улар турли кўламдаги таъсир доирасига, зонасига эга бўлади.

INNOVATSIYA-MODERNIZATSIYANING KONSEPTUAL ASOSI

dots. M.M.Tairova
talaba M.Hamidov, BuxDU

Mamlakat iqtisodiyotining jadal sur'atlar bilan o'sishi, iqtisodiyotning tobora integratsiyalashuvi hamda pirovard natijada ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanishni ta'minlash bugungi

kunning dolzarb masalalari hisoblanadi. Ushbu maqsadlarga erishish uchun iqtisodiyotga zamonaviy ilm-fan yutuqlarini tatbiq etish darkor. Iqtisodiyotni innovatsion rivojlantirish, iqtisodiyot tarmoqlarida innovatsion faoliyatni samarali tashkil etish nafaqat yuqori iqtisodiy o'sish sur'atlariga erishish mezoni qolaversa iqtisodiyotning raqobatbardosh bo'lishiga xizmat qiladi. Iqtisodiy barqarorlikni ta'minlashda ilm-fan yutuqlaridan samarali foydalanish, ishlab chiqarishda eng ilg'or va so'nggi avlod texnologiyalarini joriy etish, iqtisodiyotning barcha tarmoqlarida innovatsiyalarning rivojlanishiga e'tiborni yanada kuchaytirish g'oyat muhim ahamiyat kasb etadi.

“Innovatsiya” atamasini iqtisodiy kategoriya sifatida XX asrning boshlarida avstriyalik iqtisodchi Y.Shumpeter kiritgan. Y.Shumpeter innovatsiyaga ilgari joriy etilgan har qanday yangi texnik qaror, texnologiya, ishlab chiqarishni tashkil etish, yangi bozorlarning tarkib topishi, xomashyolar manbai deya ta'rif bergan.

Rus olimi Borisov A. innovatsiyaga quyidagicha ta'rif keltirgan: “Innovatsiya-yangi mahsulot turlari, texnologiyalar ishlab chiqish, yaratish va tarqatishga, yangi tashkiliy shakllar joriy qilishga yo'naltirilgan ijtimoiy faoliyat natijasi”⁵⁹

O'zbekistonlik iqtisodchi olimlar R.I.Gimush va F.M.Matmurodovlar tomonidan innovatsiya deganda “yangilik va yangilik kiritish degan ma'noni bildiradi. Bu yangilik zamirida yangi tartibni, yangi odatni, yangi uslubni, kashfiyotni tushunish lozim”, deya ta'rif berilgan⁶⁰

Xalqaro standartlarga muvofiq innovatsiya bozorda joriy qilingan yangi yoki takomillashtirilgan mahsulot, amaliy faoliyatda foydalaniladigan yangi yoki takomillashtirilgan texnologik jarayon ko'rinishida yoxud ijtimoiy xizmatlarga yangicha yondashuvda namoyon bo'ladigan innovatsion faoliyatning yakuniy natijasi tavsiflanadi.

Bugungi bozor iqtisodiyoti sharoitida raqobat kurashining kuchayib borishi natijasida kichik biznes subyektlari faoliyatining rivojlanishi zamonaviy ilm-fan yutuqlari, ya'ni: “innovatsiya” larga bog'liq bo'lib qolmoqda. Jahon tajribasidan ko'rish mumkinki, tadbirkorlikda innovatsion faoliyatni rivojlantirish yuqori samaradorlikka erishish mezoni bo'ladi.

O'zbekistonda innovatsiya va innovatsion faoliyatni rivojlantirishga qaratilgan islohotlarning biri sifatida - O'zbekiston Respublikasi Prezidentining “O'zbekiston Respublikasi Innovatsion rivojlanish vazirligini tashkil etish to'g'risida”gi PF-5264-son farmoni imzolandi va Innovatsion rivojlanish vazirligi tashkil etildi.

Prezident farmonida zamonaviy sharoitlarda jahon fani va innovatsiya faoliyatining yutuqlaridan keng foydalanish jamiyat va davlat hayotining barcha sohalarini izchil va barqaror rivojlantirishning, mamlakatning munosib kelajagini barpo etishning muhim omili bo'lib borayotganligi qayd etilgan.

O'zbekistonda “Innovatsion faoliyatni qo'llab-quvvatlash jamg'armasi”ning tashkil etilganligi innovatsion faoliyatning rivojlanib borishi uchun zamin yaratadi.

O'zbekiston Respublikasida 2018-yilning “Faol tadbirkorlik, innovatsion g'oyalar va texnologiyalarni qo'llab-quvvatlash yili” deb e'lon qilinishi faol tadbirkorlikni tashkil etish, tadbirkorlikda innovatsion faoliyatni rivojlantirish va qo'llab-quvvatlash uchun muhim omil bo'lib xizmat qilmoqda.

O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.M.Mirziyoyev faol tadbirkorlik tushunchasiga: “Faol tadbirkorlik biznes faoliyatini innovatsion, ya'ni zamonaviy yondashuvlar, ilg'or texnologiya va boshqaruv usullari asosida tashkil etadigan iqtisodiy yo'nalishdir”⁶¹ deb ta'rif berdilar.

Bugungi kunda jadal taraqqiy etib borayotgan fan-texnika natijasida yuqori darajadagi o'sish sur'atlari va barqaror rivojlanishning asosiy va samarali omillaridan biri sifatida innovatsion faoliyatni rivojlantirish va rag'batlantirish masalasiga alohida e'tibor berilmoqda. Chunki, zamonaviy taraqqiyot innovatsion faoliyatning natijasi sifatida olinadigan intellektual mahsulotsiz hech qanday mazmunga ega bo'lmaydi. Innovatsiya faoliyati-bu har qanday faoliyat sohasida yuqori samaraga erishish maqsadida zamonaviy texnika va texnologiyalarni qo'llash, takomillashgan menejment usullarini qo'llash bilan bog'liq bo'lgan ilmiy faoliyatdir.

⁵⁹ Борисов А.Б. Большой экономический словарь. М.:2000.

⁶⁰ Gimush R.I., Matmurodov R.I. Innovatsion menejment. T.:2008. – B.10.

⁶¹ O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.Mirziyoyevning Oliy Majlisga murojaatnomasi// Xalq so'zi, 2017-yil 23-dekabr.

Innovatsion faoliyat birinchidan, amaliyotga yangi, takomillashgan ishlab chiqarishni joriy etish, ikkinchidan, mahsulot ishlab chiqarish xarajatlarining barcha turlarini qisqartirish, uchinchidan, ishlab chiqariladigan mahsulotlar narxlarini pasaytirishda ularni iste'mol va sifat xususiyatlarini doimiy ravishda oshirib borishi bilan ahamiyatlidir.

Bozor munosabatlari sharoitida ilm-fan va iqtisodiyotning uzviy aloqasi tobora kengayib bormoqda. "Kuchli fan-kuchli iqtisodiyot" iborasi nafaqat bugungi kun uchun balki insoniyat kelajagi uchun ham dolzarb bo'lib qolmoqda.

Xulosa qilib aytganda, iqtisodiyotni modernizatsiya va diversifikatsiya qilishda innovatsiya konseptual asos vazifasini bajaradi. Zero, iqtisodiyotni innovatsion rivojlantirish mamlakat taraqqiyotini belgilab beradi.

РАЗВИТИЕ РЫНОЧНЫХ ОТНОШЕНИЙ И ВНЕДРЕНИЕ ПРИНЦИПОВ СВОБОДНОЙ ЭКОНОМИКИ

ст. преп. Б.У.Бекмухамедова, ГулГУ

Экономика, являясь одной из важных сфер жизни общества, составляет источник развития человека. Здесь люди, в целях удовлетворения своих материальных и духовных потребностей производят различные блага и средства, вступают в экономические отношения между собой. Экономическая жизнь является материальной основой социальной, культурной, политической жизни людей и оказывает влияние на их развитие.

В данный момент оказывает серьезное влияние на социально-политическую и государственную экономическую систему общества. В условиях системы прежнего тоталитарного и административного правления политика, главенствуя над экономикой, определяла направление ее развития. Экономическую основу этого строя составляла общенародное имущество, состоящее из государственной и колхозно-кооперативных форм собственности. Государство, владея более 90% производственного фонда установило единовластное правление. В результате этого, государство на административно-распорядительной основе, централизованно управляло экономикой, экономической жизнью.

Известно, что права лиц на владение имуществом, свободного выбора профессий, работу в справедливых условиях труда, свободное занятие видом экономической деятельности по своему желанию, а также в соответствии с этим, получение неограниченных доходов и способность жить хорошо, способна осуществить только социально – ориентированная рыночная экономика. Достигший независимости Узбекистан, в целях создания демократического, правового государства и гражданского общества, основанного на социально ориентированной рыночной экономике, реализует коренные реформы.

И поэтому в Конституции Республики Узбекистан констатировано, что «Основу экономики Узбекистана, направленного на развитие рыночной экономики составляет имущество (собственность) различных форм. Государство, с учетом правового преимущества потребителей, гарантирует экономическую деятельность, предпринимательство и свободной труд, равноправие всех форм собственности, совершенно равную, в правовом отношении, защиту».

Свойственные демократическому обществу, демократические экономические принципы находят свое отражение в следующих коренных признаках рыночной экономики:

- ✓ Частная собственность;
- ✓ Предпринимательство и свобода выбора;
- ✓ Личная выгода-главный мотив деятельности человека;
- ✓ Конкуренция;
- ✓ Система свободных цен.

Для реализации данного устойчивого направления необходимо, в первую очередь, поднять статус частного сектора и интенсивно развивать малое предпринимательство. В настоящее время осуществляется вовлечение в процессы приватизации все более крупные

предприятия, объекты инфраструктуры, расширение масштабов корпоративной частной собственности, развитие биржи первичной и вторичной продажи акций, а также вне биржевого рынка.

Все большее укрепление сотрудничества с влиятельными международными, финансовыми организациями мира, интегрирование к всемирной экономической системе, а также создание условий для членства в Мировой торговой организации. Осуществление данных задач приведет к развитию рыночных отношений и внедрение принципов свободной экономики, и все большей ее демократизации. В настоящее время имеет важное значение создание равных условий для экономической деятельности субъектов предпринимательства, независимо от формы их собственности. Для этого целесообразно аннулирование благоприятных условий созданных для некоторых предприятий, не имеющих стратегического значения и не обоснованной выдачи льгот. Также, субъекты хозяйств тоже должны действовать в рамках категорических финансовых ограничений, то есть не допускать превышения общих расходов над объемом общей прибыли. Повышение обязательности налоговой системы наравне со снижением налогообложения для субъектов экономики, уменьшение льготных предоставлений, внедрение практики предоставления кредитов строго на основании поставленных условий, повышая их ответственность. В целях усиления процессов либерализации и демократизации экономической жизни целесообразно защита прав индивидуального и корпоративного частного собственника, усиление их ответственности, усовершенствование законно-правовой базы, обеспечивающей свободу предпринимательской деятельности и регулирующей хозяйственную деятельность. Для большего углубления рыночных реформ и внедрения принципов свободной экономики будет продолжено реформа системы государственного управления. Однако, надо еще сделать много дел по развитию механизма урегулирования экономики государством и обеспечения его соответствия с рыночным механизмом.

Для построения демократического общества будет принято решение об ограничении экономической деятельности государства, о поэтапной передаче его задач в хокимияты и органы самоуправления, о внедрении принципов свободной экономики. В конечном результате будет достигнуто сформированная рыночная экономика, обеспечен стабильный экономический рост, достигнуто эффективное использование экономических ресурсов и рост благосостояния жизни населения.

ИННОВАЦИОН ИҚТИСОДИЁТГА ЎТИШ ШАРОИТИДА ХУДУДИЙ МЕХНАТ БОЗОРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

кат. ўқ. Т.Д.Маматкулов, ТерДУ

Бозор иқтисодиёти шароитида давлат меҳнатга лаёқатли аҳолини иш билан таъминлаш , ишсизликни бартараф этиш ва меҳнат бозорини тартибга солиш бўйича фаол ижтимоий иқтисодий сиёсат олиб боришни тақозо этади. Меҳнат салоҳиятидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш миллий иқтисодиётни ривожлантириш, аҳоли турмуш-даражасини ошириш ва юксак тараққий этган мамлакатлар қаторига қўшилишнинг манбаси ҳам меҳнат бозорини тартибга солиш ҳисобланади. Ўзбекистонда бозор иқтисодиётига ўтишнинг кетма-кет ва босқичма-босқичли характери аҳолини иш билан таъминлаш сиёсатини амалга оширишда ҳам ўзига хос изчилликка риоя қилинади. Бундан асосий мақсад иш жойларининг етарлилиги муоммосини ҳал қилиш ҳамда оммавий ва узоқ муддатли ишсизликка йўл қўймасликдир.

Шундай қилиб, ҳудудий бандлик сиёсати республикада бутун жамиятнинг ҳар бир кишининг манфаатларига жавоб бера оладиган, оммавий ишсизликка, меҳнатдан фойдаланишда номуносибликка йўл қўймайдиган оқилона бандликни аста секин, изчиллик билан шакллантиришни кўзда тутати. Ҳудудий иш билан бандлик масалаларини ўрганишда айниқса қишлоқ хўжалиги соҳаси алоҳида аҳамият касб этади.

Қишлоқ меҳнат бозори, бозор иқтисодиётининг узвий бир бўлаги сифатида ҳар доим умумий ва хусусий жиҳатларга эга бўлади. Маълум бир шартларга риоя қилиш қишлоқ меҳнат бозори шаклланиши ва самарали фаолият кўрсатиши учун зарурдир. Қишлоқда меҳнатни ташкил этишнинг шакл ва усуллари республиканинг бутун ривожланиш шароитлари, хусусиятлари, инфратузилмасининг ривожланганлигига мос бўлиши керак.

Қишлоқ хўжалигида ишчи кучига бўлган талабни меҳнат бозорида оширишни рағбатлантириш усуллари тадбиқ этиш-меҳнат ресурсларининг оқилона бандлигини таъминлашга ҳамда мазкур ҳудудлар учун самарали тармоқларни ривожлантиришга қаратилгандир. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш, сақлаш ва харид қилиш ҳамда агросервис хизмати кўрсатиш ва шахсий меҳнат фаолияти бўйича иш жойларини яратиш, ишлаб чиқариш кучлари ва бандликнинг ноанъанавий шакллари ривожлантириш, аграр секторидаги ишдан вақтинча бўшатилаётган шахслар учун мавжуд корхоналарни кенгайтириш ва қайта таъмирлаш ҳамда янги иш жойларини яратиш мақсадида тўғридан-тўғри инвестициялар-сармоялар қўлланишининг асосий йўналишларини ташкил этиш муҳимдир.

Ишчи кучларига талабни оширишни агросаноат мажмуининг меҳнат ресурсларини қайта тақсимлашдан манфаатдор тармоқларида иш жойларини яратиш ҳамда мавжудларини қайта таъмирлаш ва янги замонавий касбларни эгаллашга сармояларни тўғридан-тўғри жалб этиш орқали тартибга солиш мумкин. Кредитларни агросаноат мажмуидаги корхоналарни, айниқса, қайта ишлаш корхоналарини куриш, техник жиҳатдан қайта қуроллантириш ва реконструкциялашга, шахсий меҳнат фаолиятини ривожлантириш йўли билан хизмат кўрсатиш соҳасини кенгайтиришга ва шу тариқа ортикча меҳнат ресурсларини юқорида айтиб ўтилган тармоқларга ва айрим махсус иш жойларига жалб этиш, айти пайтда ишчи кучларининг касбий ва малака таркибига бевосита таъсир ўтказиш мумкин.

Ушбу хусусиятлардан келиб чиқиб Сурхондарё вилоятида ҳам ҳудудий меҳнат бозорини самарали ташкил этиш борасида маълум ишлар амалга оширилмоқда жумладан, иқтисодиётда таркибий қайта ўзгартиришларни янада кенгайтириш, вилоятдаги мавжуд хом-ашё захирасидан келиб чиққан ҳолда янги йўналишдаги ишлаб чиқариш тармоқларини ташкил этиш ва натижада рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш, экспорт ҳажмини кўпайтириш, фаол инвестиция муҳитини шакллантириш, тармоқлараро саноат кооперациясини кенгайтириш ҳамда аҳоли бандлигини таъминлаш борасида 2017 йилда маълум ишлар амалга оширилди. Натижада меҳнат ресурсларининг сони 1343,2 минг кишини ёки доимий аҳолини 57,9 фоизини ташкил қилган. Ёҳуд, 2017 йилда жами 1132,3 млрд.сўм инвестиция ҳисобига 1832 та лойиҳалар амалга оширилиб, 14,8 минг та янги иш ўринлари яратилди. Жумладан,

- саноатда 434 та лойиҳа, 5620 та иш ўрни (465,6 млрд.сўм);
- қишлоқ хўжалигида 622 та лойиҳа, 4214 та иш ўрни (391,1 млрд.сўм);
- хизмат ва сервисда 776 та лойиҳа, 5008 та иш ўрни (275,6 млрд.сўм)⁶².

Агар вилоятдаги мавжуд меҳнат ресурслари салоҳиятини ҳамда меҳнатга яроқли аҳолининг асосий қисми қишлоқ жойларда яшашини инobatга оладиган бўлсак, ҳали иш билан бандлик масаласида ва меҳнат бозорини тартибга солишда маълум камчиликлар борлигини кузатамиз ва уларни бартараф этишда бизнингча, қуйидаги таклифларни ўринли деб ҳисоблаймиз.

-қишлоқ хўжалиги хом ашиёсини қайта ишлаш соҳасидаги кичик тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб қувватлаш;

-мавсумий бандликка асосланган ишлаб чиқариш корхоналарини ташкил қилиш;

-қишлоқ ҳудудларида мавжуд бўлган меҳнат ресурсларининг сонини аниқлаш ва келажакда унинг ўзгариш истикболини ўрганиш;

-қишлоқ жойларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиб бериш;

-қишлоқ жойларда инфратузилма соҳаларини ривожлантириш ҳисобига аҳоли бандлигини ошириш;

⁶² Сурхондарё вилояти Статистика ахборотномаси 2017 йил 18-20-бетлари

Юқоридаги келтирилган таклифлар эътиборга олиниб ҳудудий меҳнат бозори ташкил этилса, қишлоқ жойлардаги аҳолини бандлиги самарали таъминланишига эришилиб, аҳоли даромадлари оширилиши ва турмуш шароити яхшиланишига олиб келинар эди.

ИҚТИСОДИЁТНИ ТУБДАН ЎЗГАРТИРИШ ВА ИСЛОҲ ЭТИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТИ

**кат. ўқ. М.Х. Нурмухамидова,
тадқиқотчи И.Р. Алимов, ГулДУ**

Иқтисодиёт таркибий тузилишини тубдан ўзгартириш-бу миллий манфаатларни таъминловчи, иқтисодий ўсишга йўл берувчи ва аҳоли фаровонлигини муттасил ошиб боришига олиб келувчи янгича ишлаб чиқариш тузилмасини яратишни билдиради. Бу иқтисодий ислоҳотларнинг муҳим стратегик вазифасидир.

Мамлакатимизда туб иқтисодий ислоҳотлар ўтказишнинг стратегик мақсадлари белгилаб олинган. Улар қуйидагилардан иборат: кишилар турмушини яхшилайдиган, мунтазам ривожланиб боровчи иқтисодий тизимни барпо этиш; кўп ўқладли иқтисодиётни вужудга келтириш; корхоналар ва фуқароларга кенг иқтисодий эркинлик бериш; жаҳон иқтисодиётига интеграциялашиб бориш; иқтисодиётни, молиявий аҳволни барқарорлаштириш; иқтисодиётнинг таркибини қайта қуриш, илғор технологияларни жорий қилиш; кенг кўламда аграр ислоҳотлар ўтказиш; аҳолини озиқ-овқат билан таъминлаш; мамлакат экспорт қувватини жадал ривожлантириш; хорижий сармояларга нисбатан очиқ эшиклар сиёсатини юритиш.

Иқтисодий ислоҳотлар ўз ўрнида жамиятимизнинг сиёсий, ижтимоий, маънавий ҳамда давлат қурилиши соҳаларидаги туб ислоҳотлар билан чамбарчас, узвий боғлиқликда амалга оширилиб келинмоқда.

Шуларни эътиборга олиб, юртбошимиз ислоҳ қилиш жараёнини аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва уни янги шароитга мослаштиришнинг кучли тизими билан мустаҳкамлаш зарур эканлигини пайқаганлари ҳолда Ўзбекистоннинг ижтимоий бозор иқтисодиётида ўз андозасини яратишидаги муҳим элементларни ажратиб бердилар. Улар қуйидагилардан иборат:

- кишиларнинг фаровонлигини оширишни таъминлайдиган пировард натижага эришишга қаратилган ижтимоий йўналиш;
- иқтисодиётни барқарорлаштириш муаммосини ҳал этиш билан меҳнатга лаёқатли аҳолини иш билан етарли даражада таъминланган ҳолда макроиқтисодий ўстириш ўртасидаги тенг нисбат;
- барча хўжалик юритувчи субъектларни бозор механизмидан фойдаланиш асосида иқтисодий бошқариш;
- инвестиция сиёсатининг устувор жаҳатларини танлаш ва чет эл сармоясини жалб этишда мақсадга мувофиқ шартларни жорий этиш, иқтисодий дастаклар ва рағбатлардан фойдаланиш, ишончли ижтимоий кафолатларни таъминлаш йўли билан иқтисодиётни бошқаришда давлатнинг фаол йўлини сақлаб қолиш;
- бозор муносабатларини шакллантиришнинг барча босқичларида, биринчи навбатда, аҳолининг ижтимоий жиҳатдан кам таъминланган қатламларини ҳимоя қилишга йўналтирилган кучли ижтимоий сиёсат ўтказиш.

Иқтисодий ислоҳотларнинг асосий вазифалари билан бирга устувор йўналишлар ҳам аниқ-равшан белгилаш орқали амалга оширилиб келинмоқда.

Иқтисодиёт таркибий тузилишини тубдан ўзгартириш-бу миллий манфаатларни таъминловчи, иқтисодий ўсишга йўл берувчи ва, ниҳоят, аҳоли фаровонлигини муттасил ошиб боришига олиб келувчи янгича ишлаб чиқариш тузилмасини яратишни билдиради. Бу иқтисодий ислоҳотларнинг муҳим стратегик вазифасидир.

Мамлакат иқтисодиётининг таркибий тузилиши шаклланишида унинг табиий ресурс салоҳияти, географик жойлашуви, ишлаб чиқариш кучларининг ривожланганлик даражаси

каби омиллар муҳим аҳамиятга эга бўлса-да, уни ўзгартириш ва такомиллаштиришда давлатнинг таркибий сиёсати ҳал қилувчи роль ўйнайди.

Саноат, транспорт ва алоқа тармоқларининг ЯИМдаги улуши ортиши солиқ юқининг камайрилиши, бу тармоқларга инвестициялар устувор тарзда жалб қилиниши, йирик инвестиция лойиҳаларининг муваффақиятли амалга оширилиши натижасида рўй берди.

Президентимиз томонидан 2017 йилда иқтисодиётда таркибий ўзгартиришларни янада чуқурлаштириш сиёсатини давом эттириш борасида қуйидаги вазифаларни амалга оширишга алоҳида урғу қаратилмоқда:

1) корхоналар ўртасида барқарор кооперация алоқаларини ўрнатиш ва кенгайтириш, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш асосида маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш бўйича ишларни давом эттириш;

2) мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган истеъмол товарлари турини кенгайтириш ва ҳажмини ошириш орқали истеъмол бозорини улар билан тўлдириш ва мутаносиблигини таъминлаш;

3) аҳолига хизмат кўрсатиш соҳасини янада кенгайтириш, хизмат кўрсатиш соҳасининг ЯИМдаги улушини 60 фоизга етказиш;

4) кичик бизнесни жадал ривожлантириш, соҳани қўллаб-қувватлаш бўйича чоратadbирларни кучайтириш;

5) ташқи савдо айланмаси, шу жумладан экспортнинг товар таркибини янада диверсификация қилиш.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, бу вазифалар комплекс тавсифга эга бўлиб, бир-бирини тўлдиради ва иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини таъминлайдиган оптимал таркибини шакллантириш мақсадига хизмат қилади.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИГА САРФЛАНАЁТГАН ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИНГ ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИГИ

кат. ўқ. М.Назарова, Сам.ҚХИ

Мамлакат иқтисодиётини барқарор ривожлантиришда қишлоқ хўжалигининг ўрни бекиёс. Чунки бу соҳада мамлакат ички маҳсулотининг салмоқли қисми яратилмоқда. Дарвоқе, унда биргина 2016 йилда 15,8 трлн. сўмлик ёки мамлакат ялпи ички маҳсулотининг 17,5%и яратилди. Қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг 56-57 фоизи ўсимчилик тармоқлари ҳиссасига тўғри келмоқда. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари асосан суғориладиган ерларда етиштирилиб, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 95-97 фоизини ташкил этмоқда. Бу эса, тобора ўсиб бораётган талабни тўлиқ таъминлаш имконини бермаяпти. Чунки суғориладиган ерлардан фойдаланиш даражаси, имкониятлари ва уларнинг иқтисодий самарадорлиги чегараланиб бормоқда. Чунончи,

-ердан фойдаланувчилар кўлами кенгайиши ҳисобига қишлоқ хўжалиги ерлари майдони камаймоқда;

-суғориладиган ерлардан 50 фоизга яқинининг мелиоратив ҳолати талабга тўлиқ жавоб бермайди. Масалан, республикада 49,6 фоиз ер шўрланган;

-суғориладиган ер майдонларининг балл бонитети пасайиши кузатилмоқда;

-суғориладиган ерлардан 9,6 фоизи ёки 413,7 минг гектарининг мелиоратив ҳолати турли даражада ёмонлашган;

-мамлакатимизда истеъмол қилинадиган сувларнинг 80 фоизи қўшни давлатлар худудидан оқиб келади. Бу эса давлатлар ўртасида ўзаро келишувни талаб этади;

-суғориладиган майдонларнинг қарийб 70 фоизини сув билан насослар ёрдамида таъминланади. Сув хўжалиги мажмуасига ҳар йили эксплуатация харажатлари учун 836 млрд. сўмдан ортиқ маблағ сарфланмоқда, шундан 66 фоизини электр энергияси харажатлари ташкил этади;

-суғориш иншоотлари жисмонан ва маънавий жихатдан эскирган, яъни ишлатилаётган насос қурилмаларининг ўрнатилганлигига 35 йилдан ошди;

-иқлимдаги ўзгаришлар, сув танқислиги ва бошқа муаммолар шаклланмоқда.

Юқоридаги ҳолатлар суғориладиган ерлардан имкон қадар унумли ва самарали фойдаланишни тақозо этмоқда. Бунга эришиш учун эса ерларнинг ирригацион-мелиоратив ҳолатини тубдан яхшилаш объектив зарурият ҳисобланади. Республикамизда ирригация мелиорация тадбирларини кенг миқёсда, тизимли равишда ва комплекс тарзда амалга ошириш ва унга катта миқдорда маблағлар, яъни инвестициялар сарфлаш зарурлигини эътиборга олган ҳолда мамлакатимиз Президенти томонидан бир қатор фармон ва қарорлар қабул қилинган. Натижада, 2016 йилда 260 минг гектардан ортиқ суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолати тубдан яхшиланди.

Сарфланаётган инвестициялар ирригация-мелиорациянинг қуйидаги йўналишларига, тадбирларга тизимли йўналтирилиб, сезиларли натижаларни бермоқда. Жумладан:

- янги ерлар ўзлаштирилиб, суғориладиган ерлар кўпайиб, ерлан фойдаланиш коэффицентлари, яъни маҳсулот миқдори ва қиймати ошмоқда;

- суғориладиган ерлар капитал текисланиши натижасида сувдан фойдаланиш даражаси яхшиланиб, тупроқнинг унумдорлиги ва экинлар ҳосилдорлиги ортмоқда;

- коллектор-зовурлар янгидан қурилиб, фаолият кўрсатаётганлари сифатли таъмирланиши натижасида ер ости сувлари, улар таркибидаги ортиқча тузлар худуддан ташқарига чиқарилиб, ерларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланмоқда;

- янги ирригация-мелиорация техникалари сотиб олиниб, мавжудлари сифатли таъмирланмоқда. Оқибатда жонли меҳнат ва маблағ сарфи тежалиб, меҳнат унумдорлиги ошмоқда;

- интеллектуал салоҳият ошиши натижасида ирригация-мелиорация тадбирлари кўлами кенгайиб, уларнинг вақтида ва сифатли бажарилиши таъминланмоқда. Улар қишлоқ хўжалиги яъни маҳсулоти миқдори, қиймати ошиши, харажатлар маълум миқдорда камайиши ҳамда соф фойда суммаси кўпайишини таъминламоқда.

Сарфланаётган инвестициялар қиймат назарияси талабларига кўра, наф ёки самара келтириши, яъни иқтисодий жихатдан самарали бўлиши лозим. Шу боис, ирригация-мелиорация тадбирлари ва уларга сарфланаётган инвестицияларнинг иқтисодий самарадорлигини илмий ва амалий жихатдан асосланган ҳолда аниқлаш мақсадга мувофиқ.

Ирригация-мелиорация тадбирларига сарфланган инвестицияларнинг иқтисодий-ижтимоий самарадорлигини эса:

- макроиқтисод, яъни мамлакат миқёсида;

- мезоиқтисод, яъни тармоқлар, қишлоқ хўжалиги миқёсида;

- микроиқтисод, яъни корхона доирасида;

- айрим йўналиш, тадбир, объектлар бўйича аниқлаш мумкин.

ЛИБЕРАЛИЗАЦИЯ КАК ВАЖНЫЙ ФАКТОР РОСТА ЭКОНОМИКИ

**ст.преп. Б.У.Бекмухамедова,
преп.Г.Тухтамишева, ГулГУ**

Экономика, являясь одной из важных сфер жизни общества, составляет источник развития человека. Здесь люди, в целях удовлетворения своих материальных и духовных потребностей производят различные блага и средства, вступают в экономические отношения между собой. Экономическая жизнь является материальной основой социальной, культурной, политической жизни людей и оказывает влияние на их развитие. В данный момент оказывает серьезное влияние на социально-политическую и государственную экономическую систему общества.

Либерализация экономики-это процесс ослабления ограничений на осуществление рыночной деятельности и операций. Он затрагивает прежде всего осуществление

хозяйственных сделок и ценообразование. Главные цели либерализации экономики – сокращение транзакционных издержек, усиление хозяйственной предпринимательской мотивации и легализация «теневой деятельности».

Либерализация экономики – явление, присущее не только переходной экономике. Однако при переходе к рынку задачи экономической либерализации более глубоки и обширны. Они связаны не просто с ослаблением регулирующей функции государства, как это имеет место в странах с развитой рыночной экономикой, а с изменением самих принципов хозяйствования. Основными моментами при этом являются:

- разгосударствление экономики, то есть ликвидация государственной монополии на осуществление хозяйственной деятельности;
- ликвидация централизованного распределения ресурсов;
- предоставление возможностей для предпринимательской деятельности.

Размах и сложность реализации данных мероприятий указывают на необходимость поэтапного проведения преобразований. Их темпы и масштабы зависят от исходных условий и особенностей хозяйственной системы страны.

На современном этапе исторический процесс либерализации экономики приобрел характер глобальной мировой тенденции, охватывающей все большее число стран. Открывается простор для действия механизмов рыночного регулирования. Уменьшается вмешательство государства в экономику в его административных формах, а также в формах прямого государственного регулирования. Основной функцией государства становится создание и поддержание конкурентной среды путем принятия хозяйственного и гражданского законодательства, упрощения и удешевления учреждения новых частных предприятий, поддержки среднего и малого бизнеса, усиления доступности гражданского судопроизводства и др.

Для осуществления, в экономическом отношении, устойчивого направления углубления демократических перемен в Узбекистане и формирование основ гражданского общества рассматриваются следующие мероприятия:

- либерализация внешне экономической деятельности, валютного рынка, обеспечение свободного обмена национальной валюты по текущим операциям;
- осуществление структурных перемен в экономике, а также производство продукции, способных заменить импорт;
- привлечение к экономике иностранных инвестиций. Для этого создание гарантий для соответствующей инвестиционной среды и инвесторов;
- направление внутренних и внешних инвестиций на экономику в целом, в том числе ведущих сфер, обеспечивающих рост стабильности наших золото - валютных запасов;
- все большее укрепление сотрудничества с влиятельными международными, финансовыми организациями мира, интегрирование к всемирной экономической системе, а также создание условий для членства в Мировой торговой организации.

В целях усиления процессов либерализации и демократизации экономической жизни целесообразно защита прав индивидуального и корпоративного частного собственника, усиление их ответственности, усовершенствование законно-правовой базы, обеспечивающей свободу предпринимательской деятельности и регулирующей хозяйственную деятельность.

Для большего углубления рыночных реформ и внедрения принципов свободной экономики будет продолжена реформа системы государственного управления. Однако, надо еще сделать много дел по развитию механизма урегулирования экономики государством и обеспечения его соответствия с рыночным механизмом.

Для построения демократического общества будет принято решение об ограничении экономической деятельности государства, о поэтапной передаче его задач в хокимияты и органы самоуправления, о внедрении принципов свободной экономики. В конечном результате будет достигнуто сформированная рыночная экономика, обеспечен стабильный экономический рост, достигнуто эффективное использование экономических ресурсов и рост благосостояния жизни населения.

Рост и укрепление экспортного потенциала нашей страны создает почву для занятия достаточного места в мировом сообществе. В последние десятилетия, когда на помощь производству пришел научно-технический прогресс, прорыв по многим сферам дал новую волну роста по многим показателям. Выяснилось, что словосочетание "экономическая либерализация" уже не отпугивает потенциальных вкладчиков, отдача от инвестиций стала больше, и именно частные вливания происходили более высокими темпами. Научные открытия влекут за собой новые способы производства. Они не только расширяют ассортимент продукции, но открывают и дорогу новым технологиям, с помощью которых можно эффективно осуществлять рабочие процессы и использовать сырье. Кроме повышения производительности и увеличения объема знаний, либерализация экономики дает монополистическую ренту владельцу изобретения за счет получения патента, а также стимулирует новые открытия. При этом важно отметить, что результаты разработок и исследований в области фундаментальной науки являются общественным товаром, который не изымается, а потому доступен любым заинтересованным лицам. Таким образом, важным фактором экономического роста являются технологические изменения. Итак, можно сделать вывод, что очень важное значение имеет характер частных инвестиций-идут ли они на высокотехнологичное производство, или на обновление устаревшего оборудования.

Итак, мы определили те аспекты, которые формируют перспективы для устойчивого и длительного экономического роста. Важно понимать, что либерализация экономики позволит решить ряд социально значимых проблем, а потому минимизация негативных факторов и содействие экономическому росту должны стать одними из самых приоритетных задач.

MAMLAKATDA MEHNAT RESURSLARINI INNOVATSION JIHATDAN TAKOMILLASHTIRISH

Z.M.Zikriyev
TDIU tayanch doktoranti

Iqtisodiyotdagi tarkibiy o'zgarishlar davrida talab qilingan darajada inson resurslarining zamonaviy ishlab chiqarishdagi ta'minoti - ish bilan bandlik xizmati oldida turgan asosiy masalalardan biri hisoblanadi. Respublikamizda bozor munosabatlarining shakllanib borishi mehnat bozorining tashkiliy tuzilmalari sifatida davlat ish bilan bandlik xizmati organlari bilan birga turli ixtisoslashgan va universal tijorat ish bilan bandlik organlari, mehnat birjalari, o'quv markazlari, kadrlarni tanlash bo'yicha agentliklar mehnat bozorida ahamiyatli rol o'ynay boshladilar. Korxonalar va firmalarga mehnat bozorida ish bilan bandlikka ko'maklashish va ishga joylashtirish maqsadida ishchi kuchi yollashning tashqi manbalaridan biri sifatida kasbiy mehnat vositachiligidan foydalanish hisoblanadi. Shunday ekan, davlat mehnat vositachiligi faoliyatini qonuniy jihatdan tartibga solish va ijrosini nazorat qilishi zarur.

Nodavlat ish bilan bandlik xizmati mehnat vositachiligi bilan shug'ullanishda davlat ish bilan bandlik xizmati singari o'zining faoliyatida bir qancha yo'nalishlarga ega.

Nodavlat ish bilan bandlik xizmatini bir necha mezonlar bo'yicha tasniflash mumkin.

Mehnat vositachiligining ko'rinishlari bo'yicha ular quyidagilarga bo'linadi:

- tijorat ish bilan bandlik xizmati;
- notijorat ish bilan bandlik xizmati;
- nodavlat ish bilan bandlik xizmati orasida ish beruvchilarni o'zlarining mijozlari sifatida faoliyat yuritishni maqul ko'radilar.

Shuning uchun mehnat bozorida funksiyalarning taqsimlanishi bo'yicha ish bilan bandlik xizmatlari quyidagilarga bo'linadi:

- xodimlarni tanlash bo'yicha agentlik (rekрут agentliklari);
- fuqarolarni ishga joylashtirish bo'yicha agentlik, mehnat birjasi.

Ish bilan bandlikka ko'maklashishda fuqarolarni tanlash va ishga joylashtirish bilan shug'ullanuvchi agentliklarning alohida faoliyat yuritishlari qoida tariqasida yo'q. O'z faoliyatining

boshlang'ich bosqichida agarda qandaydir agentlik ikki yo'nalishdagi faoliyat bilan shug'ullansa, keyinchalik bitta yo'nalishdagi faoliyatga ixtisoslashadi.

Mehnat bozorida faoliyat yurituvchi nodavlat ish bilan bandlik xizmati organlari konkret tarmoqlardagi korxonalar uchun xodimlarni tanlashda ixtisoslashishi yoki barcha kasbiy-malaka belgilari bo'yicha xizmatlar ko'rsatishi mumkin. Shuningdek, ma'lum bir tarmoqqa tegishli ish joylarida fuqarolarni ishga joylashtirish bo'yicha ham xizmatlar ko'rsatishi mumkin. Shunday ekan, ishga joylashtirish bo'yicha agentliklar quyidagilarga bo'linadi:

- universal;
- ixtisoslashgan.

Tadqiqotlar natijalari bo'yicha tijorat bandlik xizmatlari haqidagi axborot tahlillari shuni ko'rsatdiki, nodavlat ish bilan bandlik xizmati faoliyatining ustun yo'nalishlari quyidagilardan iborat:

1. Tashkilotlar va korxonalar uchun xodimlarni tanlash. Bu yo'nalishda xodimlarni tanlash bo'yicha imtc & Metropolis Samarqand Kadrlar Agentligi o'z faoliyatini rivojlantirmoqda. Agentlik xodimlarni tanlash xizmatidan tashqari maslahat xizmatlarini ham ko'rsatadi.

Har bir agentlik tijorat mehnat birjalari singari malaka yoki kasbiy tanlashga bog'liq holda ixtisoslashgan va universal bo'lishi mumkin.

Tijorat mehnat birjalari ham shunday xizmatlarni ko'rsatadi va ularning mijozlari bo'lib fuqarolar, ish izlovchilar, ish beruvchilar hisoblanishadi.

2. Ish izlovchi fuqarolarni ishga joylashtirishga ko'maklashish.

Bu yo'nalishda ixtisoslashgan va universal tijorat mehnat birjalari faoliyat yuritadilar. Birjalarning ixtisoslashishi aniq aholi guruhlari bilan yoki birorta kasbiy guruhlar bilan ishlashdan iborat.

3. Ish bilan bandlik sohasida maslahat xizmatlari ko'rsatish.

Muallif kadrlar agentliklari faoliyatining tahlili asosida quyidagi xulosaga keldi, ko'pchilik ish beruvchilar agentlik mutaxassislariga maslahat xizmatlari bo'yicha murojaat qilishadilar. Ish beruvchilar mehnat qonunchiligining ba'zi yuridik jihatlariga qiziqadilar. Har bir tashkilot to'qnash keladigan xodimlarni tanlash bo'yicha masalalarga va mehnat bozorida vaziyat to'g'risida axborotlar olishni ho'xlaydilar.

Bunday xizmatlarni asosan viloyatda yagona hisoblangan Samarqand Kadrlar Agentligi ko'rsatadi. Yuridik masalalar bo'yicha vaqti-vaqti bilan o'tkaziladigan ilmiy seminarlarga viloyat davlat ish bilan bandlik xizmatidan mutaxassislar taklif etilishi mumkin.

4. Kasbga tayyorlash.

Ish bilan band bo'lmagan fuqarolarni kasbga tayyorlash va qayta tayyorlash tijorat birjalari va agentliklar o'quv markazlarida o'tkaziladi.

Birjalar kadrlarni o'qitishda o'quv yurtlari bilan shartnoma tuzishlari mumkin. Shuningdek, tijorat mehnat birjalari o'zlarining mijozlariga kasbiy tayyorgarlikni o'tkazish uchun davlat ish bilan bandlik xizmati o'quv markazlari yordamiga murojaat qiladilar.

5. Mehnat bozorida marketing xizmatlari.

Mehnat bozori tarkibiy qismlari o'rtasida mehnat vositachiligi sohasida o'zaro hamkorlikning o'rnatilishi muhim ahamiyatga egadir.

Davlat va nodavlat ish bilan bandlik xizmatlarining munosabatlari bo'yicha qo'shma faoliyat quyidagi masalalarni nazarda tutishi zarur:

1) Konkret bo'sh ish o'rinlariga xodimlarni tanlash. Ko'pincha kadrlar agentligi ish beruvchilarning konkret bo'sh ish o'rinlariga xodimlarni tanlash taklifi bilan davlat ish bilan bandlik xizmatiga murojaat qiladilar. Davlat va nodavlat ish bilan bandlik xizmatlari o'rtasida konkret bo'sh ish o'rinlari bo'yicha o'zaro hamkorlikning ta'minlanishi, mutaxassislarni tanlash bo'yicha qiyinchiliklarni yuzaga keltirmaydi.

Davlat ish bilan bandlik xizmati qancha bepul xizmatlarni ko'rsatsa, ishga joylashtirish bo'yicha agentlik ham ishsizlarni ishga joylashtirishga ko'maklashishi bepul amalga oshiriladi.

2) Xodimlarni maqsadli tanlash. Turli variantlar bo'yicha xodimlarni tanlash maqsadli bo'lishi mumkin, agarda ish beruvchilarning ish kuchiga talabi keng ko'lamda (ish haqi yuqori,

qattiq shartlar asosida, tanlash vaqti chegaralangan) va agentlik uni mustaqil bajarish kuchiga ega bo'lmasa, davlat ish bilan bandlik xizmati ko'magiga tayanishi mumkin.

3) Konkret mutaxassislar uchun bo'sh ish joylarini izlash. Ba'zida shunday holatlar keladiki, nodavlat tashkilotlarning ishga joylashtirish bo'yicha ma'lumotlar bankida yuqori malakali mutaxassislar va kam uchraydigan kasbdagilarni ishga joylashtirish uddasidan chiqa olmaydilar. Bu holatda davlat ish bilan bandlik xizmati ish beruvchilar bilan oldin ishlagan davrlardagi aloqalari bo'yicha ko'rsatilgan fuqarolarni ishga joylashtirishga ko'maklashadi. Bunda ishga joylashtirish xizmatlari bepul ko'rsatiladi.

4) Ijtimoiy himoyaga va ish bilan bandlik xizmatidan foydalanishga muhtoj fuqarolarni ishga joylashtirish bo'yicha hamkorlik. Fuqarolarni ishga joylashtirishga ko'maklashish bo'yicha davlat ish bilan bandlik xizmati kadrlar agentliklari va tijorat mehnat birjalari bilan o'zaro aloqadorlikda fuqarolarga xizmat ko'rsatish, ijtimoiy himoyaga muhtojlarga ijtimoiy himoyani ta'minlashi zarur.

Biroq, hududiy darajada turli yo'nalishlarga asoslangan ixtisoslashgan mehnat birjalarining shakllanmaganligi, bu masala bo'yicha davlat va nodavlat ish bilan bandlik xizmati o'rtasida o'zaro hamkorlik ta'minlanmaganligini ifodalaydi.

Shunday qilib turli yo'nalishlarga ixtisoslashgan mehnat birjalarini shakllantirish va ular o'rtasidagi erkin raqobatchilik muhitini yuzaga keltirish, mehnat sohasida ijtimoiy-iqtisodiy munosabatlar rivojlanishiga asos yaratadi.

РОЛЬ ИННОВАЦИОННЫХ РЕШЕНИЙ В ЭКОНОМИЧЕСКОМ РОСТЕ СТРАНЫ

ст.преп.Бекмуродов А., ГулГУ

Успех деятельности предприятий, да и в целом государства, в силу ограниченности естественных, природных ресурсов, в значительной мере сегодня определяется тем, насколько широко внедряются достижения научно-технического прогресса, наукоемкие технологии, уровнем профессиональной подготовленности кадров. Исторически сложилось так, что на пороге XXI века в Республике Узбекистан сформирован интеллектуальный потенциал, который по своему уровню развития, инновационным открытиям, возможностям превосходит сегодня многие развивающиеся страны мира, а во многом и не уступает экономически развитым странам.

Сегодня Узбекистан является крупным в Центральной Азии научным центром, обладающим развитой исследовательской материальной базой, обширным научным фондом, квалифицированными научными кадрами, чьи труды нашли признание во всем мире.

Инновации как фактор экономического роста представляют информационно и технически осознанную потребность количественно-качественной трансформации национальной модели хозяйствования, пролонгированную во времени, с одной стороны, а с другой - отвечающую общественным потребностям конкретно-исторического этапа развития. Последнее, а именно сочетание статики и динамики, порождает противоречие обеспечения экономического роста преимущественно инновационной основе.

Рассматривая инновации не только как фактор экономического роста, но и условие, фактор качественных изменений региональной системы хозяйствования, справедливо говорить о смене линейной модели моделью множественных источников инноваций.

По нашему мнению, инновации как фактор экономического роста представляют информационно и технически осознанную потребность количественно-качественной трансформации национальной модели хозяйствования, пролонгированную во времени, с одной стороны, а с другой отвечающую общественным потребностям конкретно-исторического этапа развития. Последнее, а именно сочетание статики и динамики, порождает противоречие обеспечения экономического роста преимущественно инновационной основе. Инновации являются константным условием социально-экономических систем во всех проявлениях функционирования ее иерархических уровней и структур.

Взаимодействие национальной инновационной системы с общей экономической системой страны, понимание и выстраивание такой связи придают большую управляемость технологическим и инновационным развитием, позволяют развивать конкуренцию в нужном направлении и обеспечивать при этом соблюдение стратегических интересов государства.

Поскольку знания потребляются в процессе деятельности, использования и обмена между различными экономическими агентами, их потребление, использование и обмен в значительной мере инкорпорирован в течение операционных процессов.

В нашей стране в последние годы вопросам инновационной активности и создания четко очерченной инновационной системы уделяется все большее внимание. В качестве небольшого отступления стоит упомянуть, что в целом экономическое развитие страны осуществляется в соответствии с провозглашенным Президентом Узбекистана принципом централизованного регулирования, реализующимся через государственную политику. Значимый элемент этой политики – переход к инновационному типу развития, в том числе это касается и научно-технологической области. Так, в докладе на заседании Кабинета Министров важнейшим приоритетом реализации экономической программы была определена политика дальнейшего углубления структурных преобразований экономики для обеспечения роста конкурентоспособности страны, включающая высокие темпы модернизации, технического и технологического обновления производства, расширение выпуска наукоемкой продукции с высокой добавленной стоимостью, в том числе ориентированной на экспорт. Выбранная стратегия подтверждает безусловный факт, что Узбекистан выбрал инновационный путь развития экономики.

Следующий важный документ – постановление Президента Республики Узбекистан № 916 «О дополнительных мерах по стимулированию внедрения инновационных проектов и технологий в производство», которым открываются реальные возможности для развертывания масштабных работ по активизации инновационной деятельности, усилению интеграционных процессов между наукой и производством. Тем самым государство провозглашает, что повышение уровня производительных сил и благосостояния нации связано не только с реализацией своих природных, но и интеллектуальных ресурсов.

В этом отношении Узбекистан, безусловно, имеет большие возможности, поскольку страна сумела сохранить свой научный потенциал: уровень и объем научных исследований, проводимых научными организациями при поддержке государства, достаточно высок, что является одним из наиболее ценных наших достояний. Однако следует учесть, что в научной, а особенно в научно-технической сфере рыночный подход подразумевает такую организацию процесса, при котором научные результаты трансформируются в наукоемкую конкурентоспособную продукцию или технологию.

УЙ ХЎЖАЛИКЛАРИНИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ

таянч докторант Ғ.И.Бердиев, ГулДУ

Мамлакатимизда шаклланган ижобий анъанага мувофиқ, Президентимиз Ш.Мирзиёев томонидан 2018-йилга юртимизда “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили”, деб ном берилиши мамлакатимизда, аввало, маҳаллаларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнеснинг янада кенгайиши ва ривожланишига, унинг ялпи ички маҳсулотдаги улушининг ошишига муҳим омил бўлади.

Биринчи президентимиз И.Каримов мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида оилавий бизнеснинг жамиятимиздаги ўрни, аҳамияти ва уни ривожлантириш истикболлари тўғрисида тўхталиб, «...бугунги кунда кичик бизнес ва тадбиркорликни кенгайтириш учун бизнеснинг янги ташкилий-ҳуқуқий шакли сифатида оилавий бизнесни қонуний белгилаб қўйиш вақти

келди», дея алоҳида таъкидлаб ўтган эдилар. Шунингдек, маҳаллани хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнес марказига айлантириш лозимлигини қайд этди. Шу кунгача оилавий тадбиркорлик, асосан, яқка тартибдаги тадбиркорлик ёки хусусий корхона ва масъулияти чекланган жамият шаклида амалга оширилар эди. Гарчи бундай шаклдаги тадбиркорлик фаолияти оиланинг бошқа аъзолари иштирокида амалга оширилган бўлса-да, уларнинг хоҳиш-истаги, ҳаракатлари ҳамда манфаатлари ҳисобга олинмаган ёхуд иш берувчи ва ишчи мақоми тенг бўлмаган меҳнат шартномаларида кўзда тутилмаган. Оилавий бизнесда оиланинг алоҳида ижтимоий-социал тузилма сифатида мавжуд бўлиш шакли ҳам ўзига хос тарзда намоён бўлади. Бу турдаги тадбиркорликда ўзаро муносабатлар тизими шаклланади ва унда бир бутун ҳолда оила аъзолари, корхона бошлиғи иштирок этади.

Мамлакатимиз уй хўжаликлари (деҳқон хўжаликлари)да жами қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг, жумладан, гўшт (тирик вазнда), сутнинг тухум, жун ва қорақўл териларининг асосий қисми айнан улар томонидан етиштирилмоқда. Шунингдек, уй хўжаликлари дон, сабзавот, картошка, мева ва бошқа деҳқончилик ва боғдорчилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва уларни бозорда сотишда ҳам асосий ўрин эгаллайди. Бу ҳам бўлса мустақиллик йилларида аҳоли уй хўжаликларининг ишлаб чиқариш салоҳияти ва моддий манфаатдорлигининг юксалганлигидан далолат беради.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда 6 миллиондан ортиқ уй хўжаликлари мавжуд. Улардан 3,4 миллиони қишлоқ жойларида жойлашган. Улар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар улуши ЯИИМда 31,5 фоизни ташкил этади ва унинг 49 фоизи қишлоқ хўжалиги соҳасида яратилмоқда.⁶³ Бу уй хўжаликларининг мамлакатимиз ривожига катта аҳамиятга эга эканлигини кўрсатади ва уларни миллий иқтисодиётдаги ролини янада ошириш учун зарур чоралар ишлаб чиқилишини белгилаб беради.

Уй хўжаликларида кейинги вақтларда деҳқончилик ҳамда чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришда кенг фойдаланилмаган имкониятлар мавжуд. Энг аввало, уй хўжаликларида чорва моллари бошини кўпайтиришга қўшимча кўмак бериш лозим ҳисобланади. Бунинг учун уларга донли экинларидан бўшаган ер майдонларига, иккиламчи экинлар экишлари учун қўшимча ер майдонлари ажратиб бериш мақсадга мувофиқ бўлади. Шу тариқа уй хўжаликлари қўшимча равишда сабзавот, картошка ҳамда бошқа маҳсулотларни етиштириш имкониятига эга бўладилар. Суғориш имкониятларига эга бўлган ҳамда уй хўжаликларида меҳнат ресурслари етарли бўлган ҳудудлар шароитида бу масалани самарали ҳал этиш мумкин.

Шу билан бир вақтда, уй хўжаликларида тадбиркорлар билан ҳамкорлик шартномалари асосида озиқ-овқат, мева ҳамда чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва сотишни кенгайтиришга кўмаклашиш самарали йўллардан биридир. Чунки кўпчилик уй хўжаликлари экин мавсуми бошланишдан олдин уруғчилик ва бошқа экиш учун зарур бўлган хом-ашёларни сотиб олишга маблағлари етарлича бўлмайди. Бунинг учун, уй хўжаликлари тижорат банклардан имтёзли фоизлар асосида кредитлар олиб уй хўжалигида ишлаб чиқаришини янада кенгайтиришлари мумкин бўлади.

Президентимиз томонидан уй хўжалиги томорқаларидан самарали фойдаланиш, томорқада аҳолининг меҳнат билан бандлигини таъминлаш бўйича аниқ вазибалар белгилаб берилди.⁶⁴

Маълум қилинишича, энди республиканинг барча туманларида Бухоро вилоятининг Ромитан ҳамда Самарқанд вилоятининг Иштихон туманлари мисолида «Томорқа хизмати» корхоналари ташкил этилади.

Туманларда ушбу корхоналар орқали минерал ўғит, кимёвий препаратлар етказиб бериш, механизация ва бошқа сервис хизматларини кўрсатиш, етиштирилган ҳосилни қабул

⁶³ Давлат статистика қўмитаси маълумотлари, 2016 йил

⁶⁴ 2018 йил 23 март куни Ўзбекистон Республикаси президенти Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида «Қишлоқ хўжалигини жадал ривожлантириш ва ислохотларни чуқурлаштириш бўйича ишлар натижадорлиги юзасидан йиғилиши»даги маърузаси

қилиш, қайта ишлаш, сақлаш, экспорт қилиш ва юқори даромад олиш бўйича тизим яратилади.

ЎЗБЕКИСТОНДА ЭКОЛОГИК СОЛИҚЛАР РОЛИНИ ОШИРИШ

Д.Асқаров, тингловчи, БМА

Ўзбекистонда шу бугунгача олиб борилган солиқ ислохотлари асосан иқтисодийда солиқ юкини умумий тарзда камайтириш ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка қулай солиқ муҳитини яратишга қаратиб келинди. Бироқ, мамлакатимизда экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилишда солиқ инструментдан самарали фойдаланиш тизими йўлга қўйилмаган. Зеро, дунё миқёсида бугунги кунда *ecotaxes, environmental taxes*⁶⁵, *tax green taxation, environmental taxation*⁶⁶, *energy-environment tax system*⁶⁷, *green tax policy* ва шу каби яшил солиқлар, яшил солиқ сиёсати маъноларини англатувчи терминлар энг оммабоп тушунчаларга айланиб улгурган. Чунки, экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиатдан оқилона ва табиий ресурслардан самарали фойдаланиш бугунги дунё ҳамжамияти олдида турган энг глобал масалалардан биридир. Шунинг учун ҳам дунёнинг аксарият мамлакатларида экологик муаммоларни бартараф этиш, табиатни асраб-авайлаш, атмосферанинг янада исиб ва ифлосланиб боришини олдини олиш бўйича алоҳида ёки халқаро ташкилотларга уюшган ҳолда тизимли чора-тадбирлар ишлаб чиқилмоқда. Бу борада давлат қўлидаги энг таъсирчан механизмлар фискал воситалар эканлиги сўнгги пайтларда кўпчилик томонидан эътироф этилмоқда. Атроф-муҳитнинг ифлосланишини олдини олиш ва табиатни муҳофаза қилиш борасидаги энг таъсирчан восита эса солиқ механизmidир. Экологик солиқлар ва солиққа тортишнинг экологик элементларидан самарали фойдаланиш борасида Европанинг қатор давлатлари, шунингдек Канада, Австралия, Япония, Жанубий Корея ва бошқа мамлакатларда етарли тажрибалар тўпланган. Экология муҳофазасига хизмат қилувчи солиқларнинг ЯИМга нисбати нуқтаи назаридан Дания, Словения, Италия, Туркия (4% атрофида), Исроил, Австрия, Финляндия, Чехия, Эстония (3% атрофида), Буюк Британия, Жанубий Африка, Корея, Швеция, Норвегия, Белгия (2% атрофида) давлатлари етакчилик қилади⁶⁸.

Бироқ, Марказий Осиё мамлакатлари, шу жумладан Ўзбекистон солиқ тизимида экологик солиқларнинг ўрни унчалик сезиларли эмас. Бу ҳудудда табиий ресурслардан, хусусан фойдали қазилмалардан фойдаланганлик учун юқори фискалликка эга акцизларга кўпроқ аҳамият берилгани ҳолда атроф-муҳитни ифлослантиришни олдини олиш ёки табиатга етказилган зарарни қоплаш имконини берувчи фискал инструментлар яхши йўлга қўйилмаган⁶⁹.

Ўзбекистонда солиққа тортишнинг экологик характерини кучайтириш муҳимлигини турли ижтимоий ва экологик муаммолардан ҳам кўришимиз мумкин. Улардан бири, бу халқаро миқёсда ечилиши лозим бўлган муаммо, яъни сув ресурсларидан оқилона фойдаланишдир. Олимлар олиб борган тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, агарда айни пайтдаги сувга бўлган истеъмол ҳажмининг ўсиши худди шундай кўрсаткичларда давом этадиган бўлса, 2030 йилга келиб дунёдаги аҳоли сонининг ўсиши ҳисобига уларнинг деярли ярми (3,9 млрд аҳоли) сув тақчиллиги муаммосига дуч келади⁷⁰. Бу эса, ўз навбатида яқин

⁶⁵ Attzs Marlene et al. (2014) Survey and assessment of environmental taxes in the Caribbean / Marlene Attzs, Malini Maharaj, Gopiechand Boodhan. Inter-American Development Bank. Research Dept. IV. <http://www.iadb.org>

⁶⁶ Freire-González, J. (2017) Environmental taxation and the double dividend hypothesis in CGE modelling literature: A critical review. *Journal of Policy Modeling* (2017), <https://doi.org/10.1016/j.jpolmod.2017.11.002>

⁶⁷ Li Fan et al. (2011) Tax policy Tropism of Chinese Enterprises' Energy Conservation and Pollution Reduction: Evidence from Shandong Province / *Energy Procedia* 5 (2011) 2468–2473. www.sciencedirect.com

⁶⁸ OECD, 2016

⁶⁹ Ниязметов И. (2016) Role of ecological taxes in Central Asian countries // Халқаро илмий-амалий конференция материаллари, 2016.

⁷⁰ Хасанов О. (2016) Сув ресурсларидан фойдаланиш ва уни тартибга солишни иқтисодий механизмларини такомиллаштириш // Республика илмий-амалий конференцияси, 2016.

келажакда айрим мамлакатларда турли хил иқтисодий ва ижтимоий муаммоларнинг келиб чиқишига сабаб бўлиши мумкин.

XX-XXI асрнинг энг фожиали глобал экологик муаммоларидан бири бўлмиш куриб бораётган Орол денгизи айнан шу ҳудудда эканининг ўзи Марказий Осиё мамлакатлари олдига ҳал қилинишини орқага ташлаб бўлмайдиган қатор ижтимоий-иқтисодий вазифаларни кўндаланг қўймоқда. Экологик муаммоларнинг чегара билмаслиги ва ҳеч кимни кутиб тура олмаслиги Орол фожиасини нафақат мазкур ҳудуд мамлакатлари, балки унга чегарадош Россия, Хитой, Эрон, Афғонистон ва Кавказ давлатларининг ҳам долзарб муаммосига айлантирган. Бундай фожеанинг янада ривожланиб боришини олдини олиш ва оқибатларини бартараф этиш билан боғлиқ чора-тадбирларни молиялаштириш Орол ҳавзаси мамлакатлари ва унга туташ давлатлардан самарали фискал инструментларни ишлаб чиқишни талаб қилади. Бунда эса мақсадли компенсацион экологик солиқлар (Пигу солиқлари) муҳим роль ўйнайди. Марказий Осиёнинг Орол фожеасига уйғун яна бир муаммоси ҳудудда, айниқса Ўзбекистонда чучук сув захираларининг чекланганлиги шароитида унга талабнинг жуда ошиб бораётганидир. Бу эса, ўз навбатида, мавжуд сув ресурсларидан оқилона ва самарали фойдаланишни тақозо этади. Бунда сув учун солиқнинг амал қилиши ва ушбу солиқ механизмининг таъсирчан бўлиши муҳим масаладир. Шуни таъкидлаш жоизки, сув учун солиқ ёки унга тенглаштирилган тўловлар Марказий Осиёнинг барча давлатларида ҳам мавжуд эмас. Бундай тўловлар фақат Ўзбекистон, Қозоғистон ва Тожикистонда мавжуд бўлгани ҳолда, улар кенг қамровли эмас ва фискал аҳамияти ҳам унчалик катта эмас. Хусусан, Ўзбекистонда бу солиқнинг жами бюджет даромадларидаги улуши атиги 0,3 фоизни ташкил қилади. Бунинг сабаби, биринчидан, мазкур солиқнинг ставкаси жуда пастлиги бўлса, иккинчидан, сув ресурсларидан фойдаланувчиларнинг ҳаммаси бу солиққа жалб қилинмаганидир. Гап шундаки, Ўзбекистон солиқ тизими умумбелгиланган солиқ режими билан бир қаторда солиққа тортишнинг алоҳида махсус режимларига ҳам асосланган. Махсус солиқ режимларида солиқ тўловчиларга барча асосий солиқларнинг ўрнига битта (ягона солиқ тўлови, ягона ер солиғи ва бошқалар) тўлов кўзда тутилганлиги сабаб, бу лагердаги хўжалик субъектлари сувдан фойдаланганлик учун солиқнинг тўловчилари ҳисобланмайди. Зеро, бундай махсус режимларда солиқ тўловчи бизнес субъектлари жами хўжалик субъектларининг 98 фоизини, уларнинг ЯИИМдаги ҳиссаси эса қарийб 60 фоизни ташкил этади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, хулоса тарзида шуни айталикки, тайёрланаётган янги таҳрирдаги Солиқ кодексига сув солиғини қайси солиқ режимида эканлигидан қатъи назар сувдан фойдаланувчи барча тадбиркорлик субъектларига татбиқ этишга оид нормаларни киритиш лозим. Бундан ташқари, механизмида экологияни муҳофаза қилиш, табиатдан оқилона ва табиий ресурслардан самарали фойдаланишга рағбатлантирувчи ва керак бўлса мажбур қилувчи элементлар мавжуд бўлган солиқлар родини ошириш масаласини ҳам кун тартибига қўйиш зарур.

THE IMPORTANCE OF INVESTMENT POLICY IN THE MODERNIZATION OF THE COUNTRY'S ECONOMY

**Makhmudova G.R. Lecturer,
student Zikriyayev F.M. GulSU**

In the modernization of the national economy, investment plays an important role in the achievement as in the following: provision production with new modern equipments and technologies, industrialization the national economy, additional perfection of competitiveness, increase the role and importance in the world arena, expansion exports and reaching high economic growth in our country. Therefore, special attention has so far been paid to the development of structural change of the economy and to rational, efficient use of investments.

It is concrete evidence that, increasing the volume of foreign and especially foreign direct investment yearly, shows deep structural changes in our economy where active and clearly directed investment policy have been in run and functioning properly.

Today, our country's investment policy has another advantageous aspect. More than 73% of the total investment was directed to the manufacturing sector and about 40% was spent on the purchase of machinery and equipment. A distinctive feature of the investment policy to ensure deep processing of local raw material resources, organizing production on the basis of new high-tech industries is reflected in the investment projects as of priority importance.

Usually investments are classified into several criteria, which include namely domestic and foreign investments. In addition, these investments are usually differentiated from each other according to several factors. In particular, domestic investments are regulated by resident legal entities operating in the country, whereas foreign investments, which are generally devoted in order to take advantage from other state funds, are at the disposal of foreign investors.

General description of foreign investment was defined by Frank Henius as follows: foreign investment is an investment from one country into another country's territory as the exported investments.⁷¹ William Sharpe described investments as in the following: Real investments are mainly made on financial assets (land, equipment, factories) investments. Financial investments, on the other hand, are paper agreements, which include for example shares, bonds and other forms of securities. In developing economy, a major part of the investments is real investment. In developing economy, in order to develop financial investments it is important to increase real investments. These two forms of investments are not actually against each other, on the contrary they are complementary.⁷²

Foreign investment is an important source of capital for a country. At the moment, only on the account of investments major capital can be renewed, and on this basis, the quality can be improved and production cost can be reduced and this will lead to the growth of competitiveness of products. In addition, many aspects of foreign investments can be mentioned as in the following:

- stimulates the production;
- create more job opportunities;
- expands the production of import-substituting goods. For this, foreign investments should be directed into main spheres of national economy;
- brings new equipment and technology into different sectors of the economy;
- helps the country's integration with the world economy;
- promotes the establishment of enterprises, which process natural resources;
- above mentioned points will lead to the improvement of living standards.

Through foreign investments triggers the revival of the national economy, contemporary manufacturing, and production of highly competitive goods. This, in turn, will lead to creating new job opportunities, solution to economic and social problems in the country.

We got familiarized with the features of the above mentioned foreign investments. Considering the fact that the demand for domestic investment is increasing day by day, we should take into account a number of characteristics of domestic investments. Currently, localization program is being implemented in practice in our country. The localization is a process of manufacturing the same type of local products, which are previously produced goods in a foreign country and then imported into a host one for the consumption of local community and economic entities.

Today, we can see a number of positive aspects through the localization process of the production and service sectors:

- The creation of new job opportunities due to the localization process, resulting in a sharp decrease in the level of unemployment;
- The establishment and operation of social infrastructure;

⁷¹ Henius, Frank. Dictionary of foreign trade, Frank Henius. New York : Prentice-Hall, INC., 1946.

⁷² William F. Sharpe, Gordon J. Alexander, Jeffery V. Bailey. Investments. Prentice Hall, 1999.

- Through establishment of new businesses enterprises, the growing number of taxpayers in turn will facilitate the formation of the state budget revenues;
- The production of import-substituting and export-oriented products and services;
- Much lower prices of domestic goods and services produced on the basis of the localization program than those of imported goods and services gained at a much higher price.

It is important to note that, during the years 2015-2019 it is under the localization program that planned through 602 new projects to produce finished products, spare parts, components, and materials, which substitute 1225 types of import products. What's more, the same program additionally aims to set up production of export-oriented and highly competitive goods.

Due to local production of goods and services for the leading sectors of the economy and development of industrial cooperation, the share of local trade is growing year by year. As a result of the implementation of the initiative into main sectors of the industry and infrastructure, local producers and trade turnover will be increased by \$ 5,7 billion for the projected 2015-2019. In general, the approved localization program aims to produce local products instead of importing goods whose efficiency forecast to be \$ 3,5 billion as well as provide 13,3 thousand highly qualified employees with new job opportunities.

The above mentioned figures and indicators show that Uzbekistan with a favorable business environment has targets to modernize production, renew technical and technological approach with economic reforms to creating well-being climate for investment in the country. In order to maintain and further expands these opportunities on attracting investment annually, a number of tasks should be performed and factors affecting the well-being of investment should be deeply analysed:

1. The country's economic and political stability. Favorable conditions have been created in all socio-economic areas by the state, legal entities and individuals can demonstrate their potential abilities in these conditions.

2. The domestic economy continues growing at a steady pace. In this respect, for a few years the GDP growth by 8 percent has proved that the development of the leading sectors of the economy sustains high growth rates.

3. The geographical and geopolitical position. Uzbekistan is located at the crossroads of Central Asia, and has advantages to establish effective regional cooperation, enjoys favorable conditions for participation in projects for regional and transnational transport corridors. Using this opportunity the country can improve mutual relations with foreign countries on foreign trade, it is also significant to recover technological dependency and the situation in the market, work out mutually beneficial programs and projects and improve the development and implementation of joint investment activities.

4. The level of infrastructural development in the region.

5. Accurate and effective order of the country's tax and customs policy. Especially, the government supports high-tech, scientific and technical cooperation, licenses for import and export, and the development of production and exports of finished products through tax and customs policy.

6. Effective use of methods of staff training. Actually, the potential professionals and skilled workforce plays a very important role in the inflow of investment. When training and retraining specialists we should take into account that exchange experience and development of international cooperation in the scientific and practical sphere is one of the means in training specialists. Therefore, priorities of the social policy of the state includes improvement living conditions of every member of the population, enhancement educational opportunities, further development health care and perfection of labor force participation in social life.

On a thorough examination of the factors listed above. By using proposals, it is important to carry out structural transformation and diversification of the economy through further developing country's investment policy. Setting up spheres that perform the leading role, modernization of the production process, carrying out technical and technological renovation programs, completing thoroughly thought and long term targeted work which started at the right time on the formation of

a modern market infrastructure, and providing macroeconomic stability will result in a rise in the living standards of the population and increase incomes.

МАМЛАКАТНИНГ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ВА ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНТИРИШДА ТЕХНОПАРКЛАРДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШНИНГ НАЗАРИЙ-УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ

ўқ.И.Т. Данабоев, ТДИУ.

Технопарклар замонавий инновацион иқтисодиётнинг муҳим таркибий қисми бўлиб, илмий, технологик ва ишлаб чиқариш соҳасидаги тадбиркорликни барқарор ривожлантиришни таъминлайдиган иқтисодий муҳитни шакллантириш имконини беради. Бугунги кунда технопарклар- бу инновацион маданиятни тарғиб қилиш, инновацион бизнес ва илмий ташкилотларнинг рақобатбардошлиги орқали маҳаллий жамоатчилик фаровонлигини оширишга қаратилган мутахассислар томонидан бошқариладиган ташкилотдир. Ушбу мақсадларга эришиш учун технопарклар университетлар, тадқиқот институтлари, компаниялар ва бозорлар ўртасидаги билим ва технологиялар оқимини рағбатлантиради ва бошқаради. Бу инкубация жараёнлари ва янги компанияларни мавжуд тизимлардан чиқариб ташлаш жараёнлари ёрдамида инновацион компанияларни яратиш ва ўсишини осонлаштиради.

Ҳозирда технопарклар фан ва ишлаб чиқариш интеграциясининг янги самарали шакли, инновацион фаолиятни ривожлантириш ва янги технологияларни ишлаб чиқиш билан шуғулланувчи венчур корхоналарни ташкил қилиш жойи сифатида эътибор қозонди. Технопаркларни яратишнинг асосий вазифалари сифатида қуйидагиларни айтишимиз мумкин:

- илм ва ихтироларни технологияга айлантириш;
- технологияни савдо маҳсулотга айлантириш;
- технологияни саноатга кичик юқори технологияли тадбиркорлик соҳаси орқали етказиш;
- билимга асосланган компанияларни ва бозорни шакллантириш;
- юқори технология бизнесида корхоналарни қўллаб-қувватлаш.

Технопарклар илмий-техник ва ишлаб чиқариш соҳасидаги тадбиркорликни барқарор ривожлантириш, янги кичик ва ўрта корхоналарни ташкил этиш, рақобатбардош илмий-интенсив маҳсулотларни ички ва ташқи бозорларга етказиб бериш ва етказиб беришни таъминлайдиган иқтисодий муҳитни шакллантириш имконини беради. Технопаркларни яратиш ва ривожлантиришга ҳисса қўшадиган минтақа илмий - ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, минтақага юқори малакали мутахассисларни жалб қилиш, иқтисодиёт соҳасини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш, шу билан бирга янги иш жойларини яратиш имкониятини яратиб беради.

Бироқ ташкилотнинг шаклланидан қатъий назар, муваффақиятли фаолият юритадиган технопарк минтақа иқтисодиётига сезиларли ҳисса қўшиши мумкин:

- минтақанинг иқтисодий ўсишини рағбатлантиради;
- маҳаллий иқтисодиётни диверсификация қилиш, бу унинг барқарорлигини таъминлайди;
- муваффақиятли кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиради;
- маҳаллий бюджетларнинг даромадларини оширади.

Бугунги кунда технопаркларнинг бир қатор қисмлари мавжуд бўлиб, булар технологик инкубаторлар, илмий-тадқиқот парклари, технологик соҳаларидир.

Технологик инкубаторлар илмий ва тижорий ўзгаришларни тижоратлаштиришга ихтисослашган. Илмий-тадқиқот парклари технопаркларга қараганда университетлар билан янада яқинроқ алоқада бўлиб, улар ичида юқори малакали кадрлар ва катта ҳажмдаги илмий изланишлар олиб борилади. Технологик соҳалар бир хил географик минтақада жойлашган умумий ва ёки тегишли тармоқларда фаолият кўрсатадиган бир-бирига боғлиқ корхоналар

мажмуи ҳисобланади. Ушбу корхоналар умумий инфратузилмани, меҳнат бозори ва хизматларини тақсимлайди.

Технопаркларни молиялаштириш турли манбалари ҳам турличадир: университетлар ёки хайрия ташкилотлари, маҳаллий муниципалитетлар, федерал бошқармалар ёки вазирликлар, саноат фирмалари томонидан таъсис этилган жамғармалар, шунингдек ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширилади. Технопаркларнинг айримлари фойда келтирсада, бошқалари фойдасиз ишлайди.

Технопарклар муваффақиятли фаолият юритадиган бир нечта ташкилий шакллар мавжуд. Технопаркнинг ягона асосчиси университет ёки тадқиқот институти бўлиши мумкин. Ушбу бошқарув механизми ягона асосчисига қараганда анча мураккаброк, бироқ у кўпроқ молиялаштириш манбаларидан фойдаланиш нуктаи назаридан самаралидир. Бир нечта муассисга шерикчилик ёки масъулияти чекланган жамият тузилади.

Барча технопарклар мақсадли вазифани бажариш билан боғлиқ қуйидаги хусусиятга эга: янги турдаги маҳсулотларни ёки янги технологияларни ишлаб чиқаётган венчур компанияларга, алоҳида ихтирочиларга ва олимларга имтиёзли асосда ёрдам бериш. Бу ёрдам ўз ичига ишлаб чиқариш ва идора хоналарини, лаборатория ускуналарини ижарага беришни, маслаҳат хизматларини кўрсатишни, якка тартибдаги ихтироларни технологик экспертизасини амалга оширишни, ташкил этилаётган компанияларнинг бизнес-режасини тузиш, кичик бизнес бўйича маъмуриятдан қарз олишга ёрдамлашишни олади.

Ҳозирда жаҳон хўжалигида энг яхши ташкил этилаётган технопарк тузилиши бизнес инкубатор ҳисобланади. Бироқ, бу университет ёки илмий марказ негизида пайдо бўлмайди. Бу кичик бизнесни қайта тиклаш учун мўлжалланган тижорат тузилмаси, шунинг учун уни кўпинча давлат (АҚШ, Финландия, Швеция ва бошқа мамлакатларда) субсидиялашади. Инкубатор фақат технопарк учун зарур бўлган юқори технологияларга эмас, балки турли хил лойиҳаларни, масалан, савдо-сотиқни амалга оширишга қаратилган. Технопаркнинг кўпгина мижозлари ҳеч қачон тадбиркор бўлмайдилар. Улар лойиҳани амалга оширадилар, уларнинг ривожланишини амалга оширадилар ва илмий лабораторияга қайтадилар. Инкубатор шунингдек тадбиркорларни ҳам тайёрлайди.

Технопаркларни ташкил этиш бўйича АҚШ тажрибасига эътибор қаратадиган бўлсак, у ерда икки турдаги технопарклар мавжуд: алоҳида шахслар ёки хусусий ташкилотлар ташаббуси билан ўз-ўзидан ташкил этилган ва алоҳида штатларнинг кўрсатмаларига биноан ташкил этилган ҳудудлар мавжуд. Бироқ энг самарали фаолият кўрсатаётган парклар биринчи турга мансубдир. Улар орасида Санта-Клара шахри Станфорд университети яқинида жойлашган “Силикон водийси” ва Массачусетс технологик институти ва Гарвард университети яқинида жойлашган “128 Бостон маршрути”ни мисол қилиб келтиришимиз мумкин. Технопаркларнинг аксарият қисми давлат ташкилотларидан ҳеч қандай имтиёзлар олмайди. Иқтисодиётнинг юқори технологияли тармоқларида фаолият юритувчи фирмалар шартнома асосида маълум имтиёзларга эга. Бундай шартномаларни имзолашда федерал ҳукумат юқори технологияли маҳсулотларнинг энг янги турларини тадқиқ қилиш, лойиҳалаш ва ишлаб чиқариш билан боғлиқ юқори рискли лойиҳаларни амалга ошириш учун катта маблағлар ажратади. Бу тармоқларда банд бўлган фирмалар технопаркларда жамланганлиги туфайли мамлакатнинг бошқа саноат ҳудудларига қараганда қулайроқ вазиятга эга.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки технопарклар фирмалар, ҳукуматлар, университетлар ва тадқиқотлар ўртасида интерфейс вазифасини бажаради. Минтақавий инновациялар учун инфратузилмани яратади, минтақавий саноатни рағбатлантиради, мамлакатнинг инфратузилма ва инновациялар билан таъминланган ҳудудларни қўллаб-қувватлайди. Улар университетлар, тадқиқот ташкилотлари ва корхоналарни органик ҳамкорликда бирлаштиради, стратегик ҳудудий саноат учун инсон ресурсларини ривожлантиришни қўллаб-қувватлайди, саноатнинг самарали ривожланиши ва технологик инновацияларни ривожлантиради, бизнесни инкубация қилиш, таълим, қўллаб-қувватлаш ва

ишлаб чиқаришни бир жойда амалга оширади ва бизнесда янги технологиялар киритади ва маҳсулотларни кичик ва ўрта ҳажмда ривожлантиради.

МАМЛАКАТ ИҚТИСОДИЁТИДА ТАРКИБИЙ ЎЗГАРИШЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШДА САНОАТ КОРХОНАЛАРИНИ МИНТАҚАВИЙ ЖОЙЛАШТИРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ ВА ОМИЛЛАРИ

ўқ. Б.Ережепова, ҚорДУ

Ислоҳотларни чуқурлаштириш ва иқтисодиётни модернизациялаш шароитида минтақа салоҳиятидан самарали фойдаланиш орқали саноат корхоналарини ривожлантириш ва жойлаштириш мамлакатда барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашда муҳим ўрин эгаллайди.

Мамлакатимизда олиб борилаётган таркибий сиёсатни амалга оширишда ҳам унинг минтақавий шаклланиши аҳамиятлидир. Чунки иқтисодий ривожланмаган минтақаларда, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмаларни ишлаб чиқариш кучларини оптимал жойлаштириш орқали ушбу минтақаларга қўшимча инвестицияларни жалб қилиш ҳисобидан ривожлантириш мумкин.

Ҳозирда минтақаларда саноатни ривожлантириш ва жойлаштириш устувор йўналишлар қаторига киритилган. Ушбу жараёнга таъсир кўрсатувчи омилларни чуқурроқ ўрганиш, уларни алоҳида ҳудудлардаги ўрни ва аҳамиятини белгилаш жуда долзарб бўлиб қолмоқда.

Саноат корхоналарини самарали жойлаштириш мамлакат ва унинг минтақаларининг маҳсулотларга бўлган талабини уларни ишлаб чиқариш ва истеъмолчига етказиб беришда турли омилларни эътиборга олган ҳолда минимал харажатлар сарфи орқали қондиришдан иборат.

Жойлаштириш омиллари саноат корхоналарини ёки уларнинг мажмуасини самарали жойлашув вариантыни аниқлаш учун мавжуд шароитларининг йиғиндисидир.

Мамлакат ва минтақаларда бозор муносабатларининг шаклланиши ва ривожланиши саноатни жойлаштиришга таъсир этувчи омилларнинг сон ва сифат жиҳатдан ўзгаришига олиб келади. Турли омилларни ишлаб чиқаришни жойлаштиришга таъсирга қараб учта гуруҳга бўлиш мумкин:

1. Табиий омиллар;
2. Иқтисодий омиллар;
3. Инфраструктура омиллари.

Табиий ёки анъанавий омиллар гуруҳига минерал хом-ашё, ер сув ва рекреация ресурслари, табиий иқлим шароити, минтақанинг географик жойлашуви ва экологик вазият киради. Ўзгарувчан иқтисодий омиллар асосан демографик ва меҳнат салоҳиятидан, минтақаларни ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаси, иқтисодиёт таркибини ва ихтисослашувини шаклланганлигидан, макроиқтисодий муҳитдан, инвестициялар жалб қилиш ва тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган қулайликлардан ва молиявий ресурслардан иборат. Учинчи гуруҳга кирувчи инфраструктура омилларининг ўрни ва аҳамияти доимо ошиб бораётганлиги билан характерланади. Айниқса ижтимоий, ишлаб чиқариш ва бозор инфратузилмаларининг, янги инновация ва информацион технологияларнинг саноат корхоналарини жойлаштиришда долзарблигини таъкидлаш лозим. Биринчи гуруҳга кирувчи омиллар орасида табиий иқлим шароити саноат корхоналарини жойлаштиришда қурилиш учун кетадиган харажатларнинг шаклланишида муҳим аҳамиятга эга. Масалан, нисбатан ноқулай иқлим шароитига эга Қорақалпоғистон Республикасида ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфраструктуранинг қуриш учун харажатлар иқлими қулайроқ бўлган минтақаларга қараганда юқори. Шунингдек транспорт-географик жойлашув ҳам тадқиқот объекти бўлмиш Қорақалпоғистон Республикасида саноат корхоналарини жойлаштириш марказдан узоқ бўлганлиги учун қулай деб бўлмайди. Саноат корхоналарини жойлаштиришда минтақалардаги меҳнат бозорларидаги талаб ва таклиф Ўзбекистон

шароитида ўзига хос омил бўлиб хизмат қилади. Чунки деярли барча минтақаларда меҳнат салоҳияти юқори бўлиб, кўп меҳнат талаб қиладиган корхоналарни жойлаштириш учун қулай шароит мавжуд. Илмий-техника тараққиёти ва инновация, инфор­мацион технологиялар омилнинг саноатни жойлаштиришда кўп ёқлама таъсирга эга. Биринчидан, ушбу омил инновацион ва илмий сиғими юқори ишлаб чиқаришнинг ривожланиш даражасини белгилаб беради. Иккинчидан, қайта ишлаш саноатини хом-ашёга бўлган боғлиқлигини маълум даражада камайишига олиб келади. Учинчидан, саноатни минтақаларда нисбатан бир текис жойлашувини таъминлайди. Умуман олганда инфратузилма омилни алоҳида гуруҳ сифатида қаралиши бежиз эмас. Чунки бозор иқтисодиёти мамлакатларида инфратузилма саноатни жойлаштиришнинг энг асосий омил сифатида қаралади. Ушбу омилга Ўзбекистонда ҳам саноат корхоналарини жойлаштиришда, минтақаларни барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда алоҳида эътибор қаратилган.

Жойлаштиришнинг муҳим омиллари қаторига бозор инфратузилмаси объектларини жадал суръатлар билан ташкил қилиш киради. Улар молия ва банк институтлари, лизинг, суғурта, биржа ва бошқа фирмалар бўлиб, корхоналарни моддий ва молиявий ресурсларини тезроқ айирбошлашини таъминлайдилар.

Замонавий инфор­мацион технологиялар ва алоқа тизимини шакллантириш саноатни жойлаштиришда янги сифатли йўналишни очиб бермоқда. Юқори технологияларга асосланган ва деярли чегараси бўлмаган информатикани қўлланилиши саноатнинг барча тармоқларида таркибий ўзгаришларга ва бошқарув тизимида тезкор қарор қабул қилишга олиб келади. Инфор­мацион ресурслар ва технологиялар алоҳида корхоналарни жойлаштириш бўйича аниқ таклифлар ишлаб чиқишга ёрдам беради.

Саноат корхоналарини ривожлантириш ва жойлаштириш институционал ўзгаришларга, яъни хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни ривожлантириш учун қулай шароитлар яратилиши билан боғлиқ. Жумладан, қишлоқ жойларда кичик саноат корхоналарини жойлаштириш маҳаллий хом-ашё ресурсларидан, меҳнат салоҳиятидан унумли фойдаланиш долзарб муаммолар қаторига киради.

Бозор муносабатлари шароитида янги корхоналарни жойлаштиришнинг асосий омил бўлиб молиявий ресурслар хизмат қилади. Асосий молиявий ресурслар манбаи сифатида минтақаларни инвестицион жозибадорлигини ошириш орқали хориж инвестицияларини жалб қилиш, маҳаллий бюджетларнинг даромад базаларини кенгайтириш ва кичик корхоналарни жойлаштириш, аҳоли маблағларини жалб қилиш орқали инвестицион фаолликни ошириш, турли бюджетдан ташқари жамғармалар ва халқаро молия ташкилотлари грантидан унумли фойдаланишни кўрсатиш мумкин.

Минтақада саноатни жойлаштиришда макроиқтисодий муҳитнинг ўрни ошиб бораётганлигини таъкидлаш лозим. Жумладан, солиқ ва бюджет, кредит ва пул сиёсати, истеъмол товарлари баҳосининг шаклланиши, божхона тарифлари, давлат инвестициялари корхоналарни жойлаштиришда иқтисодий механизм сифатида қўллаш кучайиб бормоқда. Услубиёт нуқтаи назаридан қаралганда корхоналарни жойлаштиришда бир томондан минтақанинг, иккинчи томондан тармоқнинг ўзига хос хусусиятини эътиборга олиш лозим. Бу ерда гап аввалам бор корхоналар, товарлар бозори ва минтақаларни мажмуали ривожлантириш ўртасидаги манфаатларни ўзаро мувофиқлашганлигидир.

Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқишнинг ўзига хос хусусиятлари қаторига уларнинг хом-ашё ва истеъмол талаби шаклланадиган жойларга яқинлашишидир.

Рангли металлургия корхоналарини жойлаштиришда ҳам фойдали қазилмалар манбаига, ҳам энергетика ресурслари бой ҳудудлар эътиборга олинади. Машинасозлик корхоналарини асосан юқори малакали меҳнат ресурслари ва ишчи кучи мавжуд шаҳарларда жойлаштиришга ҳаракат қилинади.

Қурилиш материаллари саноати қурилиш ва транспорт харажатлари даражасига қараб фойдали қазилмаларга ёки истеъмол ҳудудларига яқинроқ жойлаштирилади. Кондитер, гўшт, сут саноати корхоналари асосан маҳсулотларига талаб шаклланадиган ҳудудларга яқин жойда жойлаштириш нисбатан самаралироқдир.

Хулоса қилиб айтганда минтақада саноат корхоналарини жойлаштиришда ҳар бир тармоқнинг ўзига хос хусусиятидан келиб чиққан ҳолда жойлаштириш, ўз навбатида алоҳида омилларнинг минтақада тутган ўрни ва аҳамиятини албатта эътиборга олиш лозим. Шунингдек минтақада саноат захираларини аниқлаш ва улардан самарали фойдаланишни ташкил этиш вариантларини ишлаб чиқиш, улардан энг мақбулларини танлаш ҳам ўзининг ижобий натижаларини бериши мумкин.

САНОАТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ВА ДИВЕРСИФИКАЦИЯЛАШ ИҚТИСОДИЁТНИНГ РАҚОБАТДОШЛИГИНИ ТАЪМИНЛОВЧИ МУҲИМ ОМИЛ

**Б.Н. Мамаев, и.ф.н. ТДИУ ҳузуридаги ПКҚТ ва
УМО Тармоқ маркази
М.Б. Ортиқова, Марғилон хизмат
кўрсатиш ва сервис КХК**

2017 йилда Ўзбекистан Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш сурати тубдан ўзгарди. Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ иқтисодий ривожланиш, аввало, аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифатини оширишга қаратилган мутлақо янги босқичга ўтди. Амалга оширилган барча ислохотлар "Инсон манфаатлари ва фаровонлиги ҳамма нарсадан устун" деган тамойилга асосланди. Бу борада, энг аввало, мамлакатимизда макроиқтисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш, қатъий пул-кредит сиёсатини юритиш, миллий валюта ва ички бозордаги нархлар барқарорлигини таъминлаш, солиқ-бюджет ислохотларини олиб боришга асосий эътибор қаратилди.

Бутун дунёда "ўзбек модели" деб тан олинган ўзимизга хос ва мос ривожланиш йўлидан дадил бораётганимиз кўлга киритилаётган муваффақиятларнинг бош омили бўлиб хизмат қилмоқда. Бунинг самаралари ижтимоий-иқтисодий ҳаётимизнинг барча жаҳасида кўзга яққол ташланаяпти. Айниқса, юртимизнинг олис ҳудудлари қиёфаси ўзгариб, саноат салоҳияти юксалиб бораётир. Натижада кўплаб янги иш ўринлари яратилиб, аҳоли доимий даромад манбаига эга бўлмоқдаки, пировардида юртдошларимизнинг ҳаёт даражаси юксалиб, турмуш шароити кундан-кунга яхшиланаётир. Айни пайтда ҳар 100 оиланинг 42 таси энгил автомобил, 47 таси шахсий компьютер, 31 таси кондиционерга эгаллиги бунинг яққол тасдиғидир. Жадал ва мутаносиб иқтисодий ўсиш, чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, иқтисодиётни диверсификациялашда фаол ҳамда аниқ йўналтирилган инвестиция сиёсати юритилаётгани ҳал қилувчи аҳамият касб этаяпти.

Жаҳон амалиётида ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича турлича ёндашувлар мавжуд. Айрим мамлакатларда бу жараёнда давлатнинг роли юқори бўлса, бошқаларида хусусий сектор асосий ўринни эгаллаган. Германия тажрибаси эса ҳам давлатнинг, ҳам хусусий секторнинг иштироки билан алоҳида ажралиб туради. Президентимиз ўз чиқишида бу ва бошқа ривожланган давлатларнинг илғор тажрибаларини ўрганиш мақсадга мувофиқ эканлигини таъкидлаган. Шу боис Германия ва иқтисодий жиҳатдан ривожланган бошқа мамлакатлардаги етакчи таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари жалб қилинган ҳолда республикамиз акциядорлик жамиятлари, банклар ва йирик корхоналарнинг 160 нафардан ортиқ раҳбар ходими корпоратив бошқарув соҳасида малака оширган бўлса, уларнинг ярми Германия корхоналарида тажриба орттириб қайтди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясининг раҳбар ходимлари, профессор-ўқитувчилари ва мутахассисларидан иборат делегация Германия халқаро ҳамкорлик жамияти (GIZ) ташкил этган ўқув сафари давомида эришилган ютуқлар билан яқиндан танишди. Маълумот ўрнида айтиш жоизки, Фарбий Европада жойлашган мазкур давлат ҳудуди жиҳатидан жаҳонда 62-ўринда, аҳоли сони бўйича 16-ўринда, ялпи ички маҳсулотининг ҳажмига кўра, 4-ўринда туради.

Бу жараёнда давлатнинг мувофиқлаштирувчи ва бошқарув роли муҳим аҳамият касб этаяпти. Узоққа бормайлик, ўтган йили мамлакатимиз иқтисодиётини таркибий ўзгартириш,

тармоқларни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашга доир лойиҳаларни амалга ошириш учун барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан 15 миллиард 800 миллион АҚШ доллари миқдорида инвестициялар жалб этилди. Шунинг 3 миллиард 300 миллион доллардан зиёди ёки 21 фоиздан ортиғи хорижий инвестициялар эканлиги қувонарлидир. Эътиборлиси, инвестицияларнинг 67,1 фоизи республикамиз бўйича янги ишлаб чиқариш қувватларини барпо этишга йўналтирилди. Бунинг эвазига умумий қиймати 7 миллиард 400 миллион долларга тенг бўлган 158 та йирик ишлаб чиқариш объекти фойдаланишга топширилди. Масалан, Қўнғирот сода заводида кальцийлаштирилган сода ишлаб чиқариш кенгайтирилган бўлса, “Самарқандкимё” акциядорлик жамиятида 240 минг тонна қувватга эга бўлган мураккаб таркибли янги ўғитлар тайёрлаш корхонаси ишга туширилди. Шунингдек, “Мотор заводи” акциядорлик жамиятининг фаолият кўрсатмаётган ишлаб чиқариш майдонларида трактор тиркамалари, жумладан, катта ҳажмли тиркамалар, маиший техника учун таркибий қисмлар ва бошқа маҳсулотлар тайёрлаш ташкил этилди. Ана шундай муҳим объектлардан яна бири Жанубий корейлик инвестор ҳамда мутахассислар билан ҳамкорликда Сурғил кони негизида барпо этилган Устюрт газ-кимё мажмуасидир. Унинг фойдаланишга топширилиши йилига 83 минг тонна ноёб полипропилен маҳсулотини ишлаб чиқариш имконини беради. Айни чоғда полиэтилен ишлаб чиқариш ҳажмини 3,1 баробар кўпайтириш, мингдан зиёд юқори малакали мутахассислар бандлигини таъминлаш учун шароит яратиши билан янада аҳамиятлидир.

Юртимизда ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш манзиллилик, мақсадлилик ва дастурийлик тамойиллари асосида амалга оширилаётгани диққатга сазовор. Яъни ҳудудларнинг ривожланганлик даражаси ва эҳтиёжларидан келиб чиқиб, махсус дастурлар асосида кенг кўламли чора-тадбирлар олиб борилаёпти. Кейинги йилларда Хоразм, Тошкент, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятларининг sanoat салоҳиятини ривожлантириш бўйича дастурлар қабул қилингани, шунингдек, махсус индустриал зоналар фаолияти ташкил этилгани бунга мисол бўла олади.

Президентимиз таъбири билан айтганда, биз учун асосий вазифа-ишлаб чиқаришни техник ва технологик жиҳатдан узлуксиз янгилаб бориш, доимий равишда ички имконият ҳамда захираларни излаб топиш, иқтисодиётда чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, sanoatни модернизация ва диверсификация қилишни мунтазам давом эттиришдан иборат бўлиши зарур.

МАМЛАКАТИМИЗДА ФЕРМЕРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ УСТУВОР ВАЗИФА СИФАТИДА

Махмудов Ш.Х., ўқитувчи, ГулДУ

Республикамизда фермерлик институти ўз ривожини мустақилликнинг дастлабки йиллардан бошлаган бўлиб, ҳозирги дамда қишлоқ хўжалигида асосий куч ва аграр соҳани барқарор юксалишнинг муҳим омилига айланиб бўлди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг истиқболлари ҳақида тўхталиб: ” Қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш ва озик-овқат хавфсизлигини таъминлаш масалалари, ҳеч шубҳасиз, биз учун энг муҳим вазифалардан бири бўлиб қолади. Энг аввало, агросаноат комплекси ва унинг локомотиви, яъни ҳаракатга келтирувчи кучи бўлган кўп тармоқли фермер хўжаликларини - изчил ривожлантиришга катта эътибор қаратилади.”-деб таъкидлайди.⁷³

Дарҳақиқат, ҳукуматимиз томонидан фермер хўжаликларига катта эътибор берилиши, уларни ҳар тарафлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш бўйича чора-тадбирлар ва амалий ишлар бажарилаётганлиги бежиз эмаслигини тушуниш қийин эмас. Айнан фермер хўжалиги товар маҳсулотини етиштириб, республика аҳолисини қишлоқ хўжалик

⁷³ Мирзиёев Ш.М. “Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси. // Халқ сўзи газетаси 2017 йил. 16 январь №5.

маҳсулотига бўлган эҳтиёжини қондириб қолмай, ташқи иқтисодий муносабатларга ҳам ижобий таъсир этмоқда. Чунки фермер хўжаликлари томонидан 90 % яқин пахта хом ашёси етиштирилмоқда, пахта хомашёси экспорт қилиниб, умумий экспорт ҳажмининг салмоқли улушини ташкил этади. Шунингдек, фермер хўжаликлари ривожланиши билан бир қаторда уларга хизмат кўрсатиш тизими ҳам кенгайиб бормоқда ва шу орқали янги иш ўринлари яратилиб, қишлоқ аҳолисининг бандлик даражасини оширишга хизмат қилмоқда. Шу боис аграр соҳада модернизация қилиш ва диверсификациялаш, хусусан фермерлик институтини жаҳон талаблари даражасига кўтариш, рақобатбардошлик маҳсулотларни ишлаб чиқариш, фаолият самарадорлигини ва рентабеллигини ошириш, энг муҳими, аҳолининг турмуш даражасини юксалтириш бўйича олиб борилаётган иқтисодий ислохотлар нақадар тўғри эканлигини ҳаётнинг ўзи тасдиқлаб турибди.


Қишлоқ хўжалигини модернизация ва диверсификациялаш бўйича амалга оширилаётган дастурий чора-тадбирлар Республика қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ҳажмини 6,6 фоизга, жумладан, мева-сабзавот 11,2 фоизга, картошка 9,7 фоизга, сабзавот маҳсулотлари етиштириш 10,4 фоизга ўсишини таъминлади.

Сирдарё вилоятида 2017 йилнинг 1 октябрь ҳолатига ўтган йилнинг шу даврига нисбатан йирик шохли қорамоллар 5,4 фоизга (жами 439,5 минг бошни ташкил қилди), шу жумладан сигирлар 7,0 фоизга (151,5 минг бош), қўй ва эчкилар 6,3 фоизга (317,6 минг бош), отлар 5,8 фоизга (14893 бош), паррандалар 9,0 фоизга (1993,7 минг бош) кўпайди.

Барча ҳудудларда чорвачилик маҳсулотлари (гўшт) ишлаб чиқаришнинг ўсиши асосан деҳқон ва фермер хўжаликлари ҳисобига бўлиб, гўшт ишлаб чиқариш умумий ҳажмида уларнинг улуши 99,5 фоизни, (сут, тухум) ишлаб чиқаришнинг ўсиши асосан деҳқон ва қишлоқ хўжалиги корхоналари ҳисобига бўлиб, сут ишлаб чиқаришда 97,0 фоизни, тухум ишлаб чиқаришда 71,8 фоизни ташкил этди.

Сирдарё вилоятида 2017 йилнинг ўтган 9 ойда фермер хўжаликлари томонидан ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми 518,5 млрд. сўмни ёки 2016 йилнинг тегишли даврига нисбатан 93,6 фоизни ташкил қилди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари умумий ҳажмида фермер хўжалиқларининг улуши 30,5 фоизни ташкил этди⁷⁴ (1-график). Ушбу маълумотларни таҳлил қиладиган бўлсак, кўрсаткичларни ўтган йилга нисбатан маҳсулотлар ҳажмининг 6,4 %га камайганлигини кўришимиз мумкин.

1-график. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг хўжалиқлар тоифалари бўйича тақсимланиши: (умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида)



Энг асосий устувор вазифа мамлакатни модернизация қилиш ва аҳолига муносиб турмуш шароитини яратиб беришдир. Уни ҳал этиш мақсадида қишлоқ хўжалигини

⁷⁴ www.stat.uz

модернизация этиш натижасида тармоқни янада юқори суръатлар билан ривожлантиришни таъминлаш зарур. Бунинг учун қишлоқ хўжалигидаги хусусий тармоқнинг устувор даражада ўсишини таъминлашга эришиш лозим. Шу билан биргаликда кичик бизнес ва фермерликни ривожлантириш борасидаги ишларни чуқурлаштириш ва кўламини кенгайтириш аграр ислохотнинг устувор йўналиши бўлиб ҳисобланади. Қуйида келтириладиган маълумотлар айнан вилоятда фермер хўжаликларини ривожлантириш муҳимлигини кўрсатади. 2017 йил январь-сентябрь ҳолатига Сирдарё вилояти фермер хўжаликлари томонидан ишлаб чиқарилган асосий турдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотлари гўшт (2,0%), сут (2,4%), тухум (4,1%) етиштиришдаги улуши кам. Сабзаёт етиштиришдаги улуши 2017 йилда умумий ҳажмига нисбатан 21,2 фоизни ташкил қилмоқда. Ўтган йилнинг тегишли даврига нисбатан қисман ўсиш кузатилмоқда.

Кўп тармоқли фермер хўжаликларини ривожлантириш истиқболда қишлоқ хўжалигини барқарор ва самарали ривожлантиришнинг муҳим омилларидан биридир. Улар нафақат қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, балки уларни чуқур қайта ишлаш, аҳолига турли ишлар ва хизматлар кўрсатиш билан ҳам шуғулланиши мақсадга мувофиқ. Бу уларнинг молиявий барқарорлиги ҳамда тўловга қобиллигини мустаҳкамлаб, рақобатдошлигини оширишга ёрдам беради. Уларни ижобий ҳал этилишини таъминлашга қаратилган аниқ чора-тадбирлар ҳам белгиланган. Бунинг учун бўлажак фермер хўжаликларининг раҳбарларини тўғри танлаш фермер хўжалигини юритиш учун ер майдонларини ажратиш ва тақсимлашнинг янги механизми жорий этилди. Мамлакатимизда фермерликни устувор суръатларда ривожлантириш учун қуйидаги вазифаларни амалга ошириш лозим:

- тузилмаларининг қишлоқда тадбиркорлик, кичик бизнес субъекти ҳисобланган фермерлик фаолиятига аралашувини янада чеклаш;

- фермерларнинг тендер асосидаги танловини ўтказиш, уларга ер ажратиш ишларини ошқораликда, барча қонунлар талаби асосида адолатли тарзда амалга ошириш, тендер комиссиясининг аъзолигига етук, тажрибали, билимдон, ҳалол, маънавиятли раҳбар, мутахассисларни жалб этиш, унинг фаолиятини тўлиқ компютерлаштириш;

- фермерларга узок муддатга фойдаланиш учун ажратиб берилган ерларнинг сифатини яхшилаб, унумдорлиги юксалишини таъминлашга қаратилган тадбирларни ўз вақтида, сифатли амалга оширилишини таъминлайдиган миқдорда маблағларни давлат бюджетидан ажратиш имкониятларини яратиш бериш;

- фермер хўжаликларининг самарали муқобил майдонларини белгилаш;

- айрим қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига белгиланаётган давлат буюртмасини ривожланган давлатларда қўлланилаётган ўзаро манфаатли давлат дастурлари билан алмаштириш;

- фермерлик фаолиятини молиялаштириш, кредитлаштириш ишларини соддалаштириш шартларини юмшатиш, муддатлари ва ставкаларини ўзаро манфаатли бўлишини таъминлаш;

- фермерлик фаолиятида зарур ишлаб чиқариш воситаларини эркин сотиб олиш ва ўз маҳсулотларини мустақил сотиш учун бозорларга чиқиш (нақд пулларни ўз вақтида олиш) имкониятларини кенгайтириш;

- фермерларга барча турдаги хизматларни кўрсатадиган субъектларни ташкил этиш, бозор инфратузилмасини шакллантириш, уларни моддий ресурслар ва техникалар, кадрлар билан таъминлаш билан боғлиқ жараёнларни жадаллаштириш;

- фермер хўжаликлари тўлаётган солиқ ва тўловлар мазмуни, тартиби ҳамда ставкаларини қайта кўриб чиқиш;

- фермер хўжаликларига чет эл инвестицияларини жалб этиш масалаларига кўмаклашиш ва бошқ.

ЭРКИН ИҚТИСОДИЙ ҲУДУДЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ХИТОЙ ТАЖРИБАСИ ВА УНДАН САМАРАЛИ Фойдаланиш йўллари

И.Т.Данабоев, ТДИУ ўқитувчиси

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, бугунги кунда жаҳон хўжалигида мамлакатларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида эркин иқтисодий ҳудудлар ўрни муҳим аҳамият касб этади. Шу жиҳатдан мамлакатимизда эркин иқтисодий ҳудудларни ташкил этиш ва ривожлантириш жараёнини узвий олиб бориш, бунда хориж тажрибасини, хусусан Хитой тажрибасини ўрганиш ва айниқса ушбу тажрибадан самарали фойдаланиш долзарб аҳамият касб этиши мумкин.

Бугунги кунда мамлакатимизда “Навоий” эркин индустриал-иқтисодий зонаси, “Жиззах” ва “Ангрен” махсус индустриал-иқтисодий зоналари ўз фаолиятини юритмоқда. Шунингдек, мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 12 январдаги Фармонида мувофиқ “Ургут”, “Ғиждувон”, “Қўқон” ва “Ҳазорасп” эркин иқтисодий зоналари ташқи бозорларда талаб катта бўлган, юқори қўшилган қийматли рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни таъминлайдиган минерал-хомашё ва қишлоқ хўжалиги ресурсларини чуқур қайта ишлаш бўйича замонавий ишлаб чиқаришларни ташкил этишга хорижий ва маҳаллий инвестицияларни жалб этиш учун қулай шароитларни яратиш, шунингдек, Самарқанд, Бухоро, Фарғона ва Хоразм вилоятларининг ишлаб чиқариш ҳамда ресурс салоҳиятидан комплекс ва самарали фойдаланиш, шу асосда янги иш ўринлари ташкил этиш ҳамда аҳоли даромадларини ошириш мақсадида ташкил этилди. Шу жиҳатдан айтадиган бўлсак, жаҳон хўжалигида эркин иқтисодий ҳудудларни ташкил этиш ва ривожлантириш бўйича илғор тажрибага эга бўлган Хитой Халқ Республикасининг тажрибаси мамлакатимизда ЭИҲларни янги турларини ташкил этиш ва мавжудларини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этиши мумкин.

Хитой Халқ Республикаси сўнгги 25-30 йил давомида олиб борилган самарали ва оқилона ислохотлар натижасида иқтисодиёти жадал ривожланиб келиб, бугунги кунда дунёнинг иккинчи иқтисодиётига айланди. Ушбу натижалар замирида миллий иқтисодий ривожлантиришнинг “Хитой модели”, хорижий инвесторлар учун олиб борилган “Очиқ эшиклар” сиёсати ва албатта мамлакатда ташкил этилган эркин иқтисодий ҳудудларнинг ўрни жуда катта.

ХХРнинг иқтисодий ислохотларини асосини очиклик сиёсати яъни “Кайфан” ташкил этди. Ушбу сиёсат ХХРда қабул қилинган “ГАЙГЭ” иқтисодий ислохотида қабул қилинган бўлиб, унга кўра мамлакатда кўп укладли иқтисодиётни жорий этиш ва “Очиқ эшиклар” сиёсатини олиб бориш кўзда тутилганди.

Ушбу сиёсатнинг асосий моҳияти, биринчидан хорижий капитални Хитой иқтисодига олиб кириш, иккинчидан хорижий ҳамкорлар билан қўшма корхоналар қуриш, учинчидан ЭИҲлар орқали инвесторларни жалб қилиш сиёсатидир. Ушбу ислохотлар мамлакатни ривожлантиришнинг “Хитой модели” асосида амалга оширилиши белгилаб берилди.

“Хитой модели”да эса қуйидаги хусусиятларни кўришимиз мумкин:

- бозор ислохотларини бошлашдан аввал истеъмол бозорида маҳсулотнинг нарх-наволар динамикасини тиклаш, яъни бир хил тоифага ва сифатга эга бўлган маҳсулотларнинг нархларини тенглаштириш;

- бозор иқтисодини юзага келтириш ва шакллантириш;

- бозорни янада шакллантиришда хусусий тадбиркорликни ва ёрдамчи хунармандчилик хўжаликларни ривожлантириш;

- инфляцияни олдини олиш мақсадида мамлакатда “қатъий тартибда” фаолият кўрсатиб, миллий валютанинг қадрини ошириш;

- давлат корхоналарини хусусийлаштириш, яъни саноат корхоналарини “мустақил хўжалик ташкилотларига” айлантириш;

- бир вақтнинг ўзида ҳам давлат, ҳам хусусий секторларини ривожлантириш;
- мамлакатга хорижий инвестицияларни киритишда “очиқ эшиклар” сиёсатини олиб бориш ва чет эл капиталини жалб қилиш.

Хитойда эркин иқтисодий ҳудудларни ташкил этиш ташаббуси 1979 йилда Хитой коммунистик партиясининг Марказий Қўмитаси томонидан илгари сурилди. Бунда илмий-техник ҳамкорликни авж олдириш, ишлаб чиқариш кооперацияси ва хорижий инвестициялар жалб қилишга асосланган очиқ ташқи иқтисодий сиёсат олиб бориш кўзда тутилган эди. Эркин иқтисодий ҳудудлар орқали мамлакатга капитал, илғор технология, билим, бошқарув тажрибаси кириб келиши, бундан ташқари улар мулкчиликнинг турли шакллари иштирокида бозор механизмини ўзлаштириши керак эди.

ХХРда эркин иқтисодий ҳудудларни ташкил этиш ва ривожлантиришнинг биринчи босқичи 1978-1982 йилларда амалга оширилиб, бунда хорижий капитал жалб қилишнинг шартномавий-ҳуқуқий асослари яратилди. 1982 йилда аниқланган хорижий инвестициялар учун маъқул соҳалар рўйхати асосида хорижлик ишбилармонлар фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш органларини ташкил этиш босқичи узоқ давом этмади, бироқ мамлакат иқтисодиётини “очишда” муҳим босқич бўлди. Бу Хитойга хорижий инвестицияларнинг кириб келишини тартибга солишнинг ташкилий ва қонуний асосларини яратиш имконини берди. Айнан шу босқичда узоқ муддатли иқтисодий сиёсатнинг Хитойга хос хусусиятлари ва мамлакат иқтисодиётини ташқи дунёга максимал очиш имкони ўртасидаги мувозанатни сақлаш жараёнлари синовдан ўтди. Бу тажрибани амалга ошириш аниқ масалалар ва шароитлардан келиб чиққан ҳолда муваффақиятли қўлланилмоқда. Биринчи босқичда дастлабки махсус иқтисодий ҳудудлар Шеньчжен, Чжухай, Шаньтоу ва Сямин ташкил этилди.

Иккинчи босқич 1983-1989 йилларни ўз ичига олиб, биринчидан хорижий инвесторлар билан шартномавий-ҳуқуқий асосдаги ҳамкорликнинг такомиллашуви, иккинчидан хорижий капитални жалб қилиш ва ундан фойдаланиш давлат сиёсатининг эркинлаштирилиши билан ажралиб туради.

Иккинчи босқич охирида мамлакатда имтиёзли инвестиция тартиби жорий қилинган ҳудудларни кенгайтирди. Бироқ, бунда ҳукумат хорижий инвестицияларни минтақавий ва соҳа устуворлиги асосида амалга оширди.

ХХР эркин иқтисодий ҳудудларининг асосий ривожланиш хусусиятлари биринчидан бозор тамойиллари асосида мустақил иқтисодий ривожланиш, иккинчидан хорижий капитал қўйилмаларига таяниб фаолият кўрсатиш, учинчидан замонавий ишлаб чиқариш тармоқларида саноатнинг устунлик қилиши, тўртинчидан ишлаб чиқаришни экспортга йўналтириб, чет эл хомашёсини жалб қилиш, бешинчидан миллий ҳудудларни камраб олиш, олтинчидан ЭИХларни мамлакатнинг қолган қисмлари билан ўзаро алоқасини кенгайтиришдан, еттинчидан солиқ тизимини ЭИХларнинг минтақавий хусусиятига кўра турларга бўлишдан иборат.

Бугунги кунда Хитойда 10га яқин махсус иқтисодий ҳудудлар, 30 дан ортиқ иқтисодий ва техник ривожланиш давлат ҳудудлари, 14 та очиқ портлар ҳудуди ва шунингдек эркин савдо ҳудудлари, махсус солиқ ва савдо мақомига эга бўлган божхона ҳудудлари фаолият кўрсатмоқда. ЭИХларнинг фаолият кўрсатиш жойи қилиб Хитойнинг жанубий ва жанубий-шарқий қисмининг денгизбўйи қирғоқлари танлаб олинди. Мавжуд 6 та ЭИХдан 4 таси мамлакатнинг жанубий-шарқий қисмининг денгизбўйи қирғоқларида жойлашган. Мамлакат иқтисодиётида саноатнинг ривожланиш даражаси ва функциясига кўра бу шаҳарларни тўрт гуруҳга ажратиш мумкин.

1. Комплекс саноат шаҳарлари (Шанхай, Тяньцзин, Гунчжоу). Бу шаҳарлар мамлакатнинг йирик порт шаҳарлари ҳамдир.

2. Йирик портлар (Дальянь ва Циндао) ривожланган, лекин саноат базаси номувофик жойлашган. Дальянда оғир саноат, Циндаода енгил саноат ривожланган.

3. Ўртача катталиқдаги (Яньгай, Наньтун, Чжаньцзи) ва катта бўлмаган (Фучжоу, Венчжоу, Бейхай) маҳаллий хомашёни қайта ишлашда кўп меҳнат талаб қиладиган саноат соҳалари портлари.

4. Йирик (Цзянькуандао) ва ўртча (Ляньюнган) саноат базаси ривожланмаган, юк ташиш, юк ортиш-туширишга ихтисослашган портлар.

Шунингдек, мамлакатда 29та эркин юқори технологияларни ривожлантириш ҳудуди мамлакат миқёсида бир текисда тақсимланган. Яъни бу борада мамлакатда ҳудудий бирёқламалиқ олди олинган. Мамлакатда бундай тақсимланиш фан-техника ютуқларини барча эркин иқтисодий ривожланиш ҳудудларида тажрибадан ўтказиш имконини беради. Бундай иқтисодий ҳудудларнинг барчаси ўз-ўзини иқтисодий маблағ билан таъминлашга қаратилган бўлиб, бундай ҳудудларга хорижий инвестицияларнинг киритилиши ҳам муҳим аҳамият касб этди. Шу билан бир қаторда бу ҳудудларда жойлашган корхоналар солиқ ва божхона имтиёзларига эга бўлиб, ушбу корхоналарда бошқарув аппаратининг барча мулк кўринишларидаги лойиҳалари синовдан ўтказилади.

Хулоса ўрнида шуни айтишимиз мумкинки, Хитой тажрибаси шуни кўрсатадики, эркин иқтисодий ҳудудларда юқори иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлаш билан баробарида бир қатор ютуқларга эришишимиз мумкин.

Биринчидан, мамлакатимизда ЭИХларнинг янги турларини (технопарк, илмий-саноат парклари) ташкил этиш ва “Очиқ эшиклар” сиёсати орқали ҳудудларга хорижий инвестициялар оқимини ошириш орқали, илғор технологияларнинг оммавий кириб келишини таъминлашимиз мумкин.

Иккинчидан, мамлакатимиздаги ташкил этилган ЭИХлар миллий саноатимиз ва хорижий илғор технологиялар ўртасида асосий алоқа бўғини бўлиб хизмат қилишига эришишимиз мумкин.

Учинчидан, ҳудудий бирёқламалиқни олдини олиб, нафақат мамлакатга киритилаётган хорижий инвестицияларни, балки ташкил этилаётган ЭИХларнинг тақсимотига ҳам жиддий эътибор қаратиш лозим.

Тўртинчидан, ҳудудда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг ички ва ташқи бозордаги рақобатдошлигини ошириш ҳисобига, ҳудуд экспорт салоҳияти ошириш ва аҳоли даромадларининг ўсишига эришишимиз мумкин. Шу орқали субсидияларнинг камайишига эришишимиз мумкин.

ФАОЛ ТАДБИРКОРЛИК, ИННОВАЦИОН ҒОЯЛАР-ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ

ўк. Ж.Усмонов, ГулДУ

Мамлакатимизда шаклланган ижобий анъанага мувофиқ, Президентимиз томонидан 2018 йилга юртимизда Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили, деб ном берилди. Шу ўринда фаол тадбиркорлик деган тушунчага қисқача тўхталиб ўтиш зарур. Фаол тадбиркорлик бизнес фаолиятини инновацион, яъни замонавий ёндашувлар, илғор технология ва бошқарув усуллари асосида ташкил этадиган иқтисодий йўналишдир.

Фаол тадбиркор деганда, рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришга қодир, энг муҳими, янги иш ўринлари яратиш, нафақат ўзини ва оиласини боқадиган, балки бутун жамиятга наф келтирадиган ишбилармон инсонларни тушунамиз. Бундай тадбиркорлар сафини кенгайтириш, жумладан, юқори технологиялар, илм-фаннинг энг сўнгги ютуқларига асосланган техника ва асбоб-ускуналарни мамлакатимизга олиб келиш ва жорий этиш учун уларга муносиб шароитлар яратиш биринчи галдаги вазифа бўлиши шарт. Керак бўлса, хориждаги етакчи компания ва ташкилотларда тажриба орттириши, ўзаро манфаатли ҳамкорлик қилиши учун уларга ҳар томонлама имконият туғдириб беришимиз лозим.

Бугун мамлакатимизда давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини тубдан янгилашга қаратилган инновацион ривожланиш йўлига ўтилмоқда. Бу бежиз эмас, албатта.

Чунки замон шиддат билан ривожланиб бораётган ҳозирги даврда ким ютади? Янги фикр, янги ғояга, инновацияга таянган давлат ютади.

Инновация-бу келажак дегани. Биз буюк келажакимизни барпо этишни бугундан бошлайдиган бўлсак, уни айнан инновацион ғоялар, инновацион ёндашув асосида бошлашимиз керак. Шунинг учун биз Инновацион ривожланиш вазирлигини ташкил этдик ва унинг олдида аниқ вазифаларни кўйдик. Бу вазирлик нафақат иқтисодиёт соҳасида, балки бугун жамият ҳаётида энг муҳим лойиҳаларни амалга оширишда ўзига хос локомотив ролини бажаради, деб ишонамиз.

Келгуси йилда илмий тадқиқот ва инновацион фаолиятни ривожлантириш, бунинг учун зарур молиявий ресурсларни сафарбар этиш, ушбу жараёнда иқтидорли ёшлар иштирокини, ижодий ғоя ва ишланмаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш вазифаси давлат эътибори марказида бўлади.

Муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2016 йилнинг 14 декабрь куни Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқида халқ билан янада яқин бўлиш, аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш, шу орқали уларнинг турмуш фаровонлигини янада ошириш, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, мамлакатимизда ишбилармонлик муҳитини тубдан яхшилаш мақсадида тижорат банклари томонидан имтиёзли фоизлар асосида кредитлар бериш кенг йўлга қўйилди. Унга кўра “Оддий аҳолини тадбиркор қилиш” шиори остида аҳолини соҳага янада кенгроқ жалб қилиш, уларнинг бу борадаги билим ва кўникмаларини ошириш, ташкилий ва молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш борасида банк томонидан амалий ишлар жадал суръатларда олиб борилмоқда.

Муҳтарам Президентимиз томонидан қабул қилинган мазкур қарор туман, шаҳар ҳокимликларида тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш инспекциялари фаолиятини туб маънода ўзгартиришга ҳисса қўшди десак тўғри бўлади.

Маълумки, ҳар бир минтақада ўзига хос ижтимоий-иқтисодий, шарт-шароитлардан келиб чиққан ҳолда, тадбиркорлик салоҳияти шаклланган. Масалан, Сирдарё вилояти иқтисодиётининг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятига бўлган эътибори, биринчи навбатда, унинг қишлоқ хўжалиги ва енгил саноатига ихтисослашган тармоқлари, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш салоҳияти билан белгиланади.

Буни рақамларда кўрадиган бўлсак, биргина 2017 йил мобайнида Сирдарё вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш доирасида бир қатор чора-тадбирларнинг амалга оширилиши ҳисобига вилоят ялпи ҳудудий маҳсулоти ҳажми 5066,4 млрд. сўмни ташкил этди. Ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажмида кичик бизнеснинг улуши 67,3 фоизни ташкил этмоқда.

Вилоятда ишбилармонлик муҳитини шакллантириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришни янада кучайтириш борасида амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида 2017 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари сони 8064 тага етди.

Сирдарё вилоятида янги иш ўринлари яратиш борасида амалга оширилган тизимли ишлар натижасида 2017 йилда вилоят бўйича жами 29311 та янги иш ўринлари яратилган бўлса, шулардан 12828 таси кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда яратилди. Иш ўринлари ташкил этилишида ҳукуватимиз томонидан яратиб берилган тизим асосида ишлаб чиқилган инвестиция, модернизация, саноат салоҳиятини ривожлантириш, маҳаллийлаштириш, соғломлаштириш, чарм пойафзали ишлаб чиқаришни кенгайтириш, хизмат кўрсатиш ва сервисни ривожлантириш, фермер хўжаликларида паррандачилик, чорвачилик, асаларичилик, балиқчилик ва шу каби бир қатор мақсадли комплекс дастурларни ижросини таъминлаш орқали янги иш ўринлари ташкил этилишига эришилди.

Сирасини айтганда, тадбиркорлик лойиҳаларнинг ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар аҳолининг барқарор даромадга эга бўлишига, умуман, вилоят аҳолиси фаровонлиги изчил юксалишига хизмат қилади.

МАМЛАКАТИМИЗ ТАРАҚҚИЁТИНИ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ЖИХАТДАН ЮКСАЛТИРИШДА ИНВЕСТИЦИОН ДАСТУРЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

Қарабаева И., Абдуллаева Д. ўқитувчилар.
МТ ва хизмат кўрсатиш КХК

Мамлакатимиз иқтисодиётини таркибий ўзгартириш, тармоқларни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашга доир лойиҳаларни амалга ошириш учун инвестицияларни жалб қилиш борасида бажарилаётган ишлар алоҳида эътиборга лойиқ.

Мамлакатимиз жаҳон иқтисодиётида ҳамон давом этаётган инқирознинг салбий оқибатларига нафақат ишончли тарзда бардош бермоқда, балки макроиқтисодий ва ижтимоий ўсиш суръатларини сақлашга эришмоқда.

Айниқса, инвестиция соҳасида рўй бераётган таркибий ўзгаришлар эътиборга молик. Истиқлол йилларида мамлакатда самарали қонунчилик базаси, хорижий сармоядорлар учун кенг кўламли ҳуқуқий кафолатлар ва имтиёзлар мажмуи яратилди, хориж капитали иштирокидаги корхоналар фаолиятини рағбатлантириш бўйича яхлит чора-тадбирлар тизими ишлаб чиқилди.

Минтақалар иқтисодиётини ривожлантиришда инвестиция лойиҳаларини амалга оширишнинг аҳамияти бениҳоя катта. Бунинг афзалликларига қуйидагиларни мисол келтириш ўринли:

биринчидан, хорижий инвестициялар кўмагида корхоналарга замонавий техник-технологиялар жорий қилиниб, экспортга мўлжалланган маҳсулотлар ишлаб чиқариш ривожланади;

иккинчидан, импорт ўрнини босувчи ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ва бунинг учун хорижий инвестицияларни иқтисодиётнинг устувор соҳаларига йўналтириш, пировардида аҳолининг турмуш даражасини ошириш имкони яратилади;

учинчидан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини жадаллаштириш орқали ўсиб бораётган аҳолини иш жойлари билан таъминлашга кўмаклашади; *тўртинчидан*, корхоналарнинг эскирган ишлаб чиқариш қувватлари, моддий-техник базаси янгиланади ва техник қайта қуролланади; *бешинчидан*, табиий ресурсларни қайта ишловчи корхоналар барпо этилади⁷⁵.

Айни дамда ҳукуратимиз томонидан минтақаларда инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш ички ресурслардан самарали фойдаланиш мақсадида чора-тадбирлар амалга оширилиб келинмоқда.

Маълумки, инвестицияларни кенг кўламда иқтисодиётнинг турли тармоқ ва соҳаларига йўналтиришда тижорат банкларининг алоҳида ўрни бор. 2017 йилга мўлжалланган инвестиция дастурида тижорат банклари кредитлари ва бошқа қарз маблағлари ҳисобидан капитал кўйилмаларни молиялаштириш мақсадида 5345600 миллион сўм маблағ ажратилган бўлса, 2017 йилда ушбу рақам 5870000 миллион сўмни ташкил этиши кўзда тутилмоқда. Бу эса ўтган йилга нисбатан 10 фоизга ўсишни кўрсатади. Аҳоли жамғармалари эвазига ҳосил бўлаётган маблағларни инвестиция кўринишида сарфланаётганлиги ҳам йилдан-йилга ўсиб бормоқда. Аҳолининг даромадлари асосан истеъмолга ва жамғармага йўналтирилади. Аҳолининг истеъмол ҳажмига нисбатан даромад ҳажмининг ўсиш суръати юқорилиги жамғарманинг ўсишига замин яратади. Жамғарма, ўз навбатида, инвестициянинг манбаи бўлиб хизмат қилади.

Иқтисодиётнинг реал секторига инвестицияларни жалб этиш орқали эса қуйидаги ижтимоий-иқтисодий самараларга эришилади:

- ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш миқдор ва сифат жиҳатдан ўсади;
- ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш миқдорининг ўсиши давлат бюджетига тушаётган солиқ тушумларининг кўпайишига олиб келади;

⁷⁵Д. Алматова. Минтақаларда инвестициялар жалб этишнинг муҳим йўналишлари. «O'ZIA» - «ЭВУ» 1/2012.

- ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш самарадорлигининг ошиши иш ҳақининг ортишига ва аҳоли фаровонлигининг юксалишига хизмат қилади;

- жаҳон талабларига жавоб берадиган рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш орқали мамлакатнинг экспорт салоҳияти ўсади. Иқтисодий давлат томонидан тартибга солиш ташқи иқтисодий усуллар ёрдамида ҳам амалга оширилади. Бунда махсус восита ва дастаклар орқали мамлакатнинг ташқи дунё билан амалга ошириладиган хўжалик алоқаларига бевосита таъсир кўрсатилади. Товарлар, хизматлар, капитал ва фан-техника ютуқлари экспортни рағбатлантириш тадбирлари, экспортни кредитлаш, чет эллардан инвестициялар ва экспорт кредитларини кафолатлаш, ташқи иқтисодий алоқаларга чеклашлар киритиш ёки бекор қилиш, ташқи савдода бож тўловларини ўзгартириш, мамлакат иқтисодиётига чет эл капиталини жалб қилиш ёки чеклаш бўйича тадбирлар, мамлакатга четдан ишчи кучини жалб қилиш, ҳалқаро иқтисодий ташкилотларда ва давлатлараро уюшмаларда қатнашиш мамлакатларнинг ташқи иқтисодий алоқаларини тартибга солишнинг асосий воситаларидир.

Соҳалар кесимида диверсификациялаш натижасида иқтисодийнинг барча тармоқларида истеъмол талаби ва мамлакатимизнинг истиқболини кўзлаган ҳолда, фаол инвестиция сиёсатини амалга ошириш орқали инвестицион маблағлар (ички ва ташқи) жалб этилмоқда. Инвестициявий кредитларни тармоқлар бўйича диверсификациялаш республика иқтисодиётини барқарор ривожлантиришнинг муҳим омили ҳисобланади.

THE IMPORTANCE OF INVESTMENT POLICY IN THE MODERNIZATION OF THE COUNTRY'S ECONOMY

**Lecturer Makhmudova G.R.,
Student Zikriyayev F.M., GulSU**

In the modernization of the national economy, investment plays an important role in the achievement as in the following: provision production with new modern equipments and technologies, industrialization the national economy, additional perfection of competitiveness, increase the role and importance in the world arena, expansion exports and reaching high economic growth in our country. Therefore, special attention has so far been paid to the development of structural change of the economy and to rational, efficient use of investments.

It is concrete evidence that, increasing the volume of foreign and especially foreign direct investment yearly, shows deep structural changes in our economy where active and clearly directed investment policy have been in run and functioning properly.

Today, our country's investment policy has another advantageous aspect. More than 73% of the total investment was directed to the manufacturing sector and about 40% was spent on the purchase of machinery and equipment. A distinctive feature of the investment policy to ensure deep processing of local raw material resources, organizing production on the basis of new high-tech industries is reflected in the investment projects as of priority importance.

Usually investments are classified into several criteria, which include namely domestic and foreign investments. In addition, these investments are usually differentiated from each other according to several factors. In particular, domestic investments are regulated by resident legal entities operating in the country, whereas foreign investments, which are generally devoted in order to take advantage from other state funds, are at the disposal of foreign investors.

General description of foreign investment was defined by Frank Heniusning as follows: foreign investment is an investment from one country into another country's territory as the exported investments.⁷⁶ William Sharpe described investments as in the following: Real investments are mainly made on financial assets (land, equipment, factories) investments. Financial investments, on the other hand, are paper agreements, which include for example shares, bonds and

⁷⁶ Henius, Frank. Dictionary of foreign trade, Frank Henius. New York : Prentice-Hall, INC., 1946.

other forms of securities. In developing economy, a major part of the investments is real investment. In developing economy, in order to develop financial investments it is important to increase real investments. These two forms of investments are not actually against each other, on the contrary they are complementary.⁷⁷

Foreign investment is an important source of capital for a country. At the moment, only on the account of investments major capital can be renewed, and on this basis, the quality can be improved and production cost can be reduced and this will lead to the growth of competitiveness of products. In addition, many aspects of foreign investments can be mentioned as in the following:

- stimulates the production;
- create more job opportunities;
- expands the production of import-substituting goods. For this, foreign investments should be directed into main spheres of national economy;
- brings new equipment and technology into different sectors of the economy;
- helps the country's integration with the world economy;
- promotes the establishment of enterprises, which process natural resources;
- above mentioned points will lead to the improvement of living standards.

Through foreign investments triggers the revival of the national economy, contemporary manufacturing, and production of highly competitive goods. This, in turn, will lead to creating new job opportunities, solution to economic and social problems in the country.

We got familiarized with the features of the above mentioned foreign investments. Considering the fact that the demand for domestic investment is increasing day by day, we should take into account a number of characteristics of domestic investments. Currently, localization program is being implemented in practice in our country. The localization is a process of manufacturing the same type of local products, which are previously produced goods in a foreign country and then imported into a host one for the consumption of local community and economic entities.

Today, we can see a number of positive aspects through the localization process of the production and service sectors:

- The creation of new job opportunities due to the localization process, resulting in a sharp decrease in the level of unemployment;
- The establishment and operation of social infrastructure;
- Through establishment of new businesses enterprises, the growing number of taxpayers in turn will facilitate the formation of the state budget revenues;
- The production of import-substituting and export-oriented products and services;
- Much lower prices of domestic goods and services produced on the basis of the localization program than those of imported goods and services gained at a much higher price.

It is important to note that, during the years 2015-2019 it is under the localization program that planned through 602 new projects to produce finished products, spare parts, components, and materials, which substitute 1225 types of import products. What's more, the same program additionally aims to set up production of export-oriented and highly competitive goods.

Due to local production of goods and services for the leading sectors of the economy and development of industrial cooperation, the share of local trade is growing year by year. As a result of the implementation of the initiative into main sectors of the industry and infrastructure, local producers and trade turnover will be increased by \$ 5,7 billion for the projected 2015-2019. In general, the approved localization program aims to produce local products instead of importing goods whose efficiency forecast to be \$ 3,5 billion as well as provide 13,3 thousand highly qualified employees with new job opportunities.

The above mentioned figures and indicators show that Uzbekistan with a favorable business environment has targets to modernize production, renew technical and technological approach with economic reforms to creating well-being climate for investment in the country.

⁷⁷ William F. Sharpe, Gordon J. Alexander, Jeffery V. Bailey. Investments. Prentice Hall, 1999.

In order to maintain and further expands these opportunities on attracting investment annually, a number of tasks should be performed and factors affecting the well-being of investment should be deeply analysed:

1. The country's economic and political stability. Favorable conditions have been created in all socio-economic areas by the state, legal entities and individuals can demonstrate their potential abilities in these conditions.

2. The domestic economy continues growing at a steady pace. In this respect, for a few years the GDP growth by 8 percent has proved that the development of the leading sectors of the economy sustains high growth rates.

3. The geographical and geopolitical position. Uzbekistan is located at the crossroads of Central Asia, and has advantages to establish effective regional cooperation, enjoys favorable conditions for participation in projects for regional and transnational transport corridors. Using this opportunity the country can improve mutual relations with foreign countries on foreign trade, it is also significant to recover technological dependency and the situation in the market, work out mutually beneficial programs and projects and improve the development and implementation of joint investment activities.

4. The level of infrastructural development in the region.

5. Accurate and effective order of the country's tax and customs policy. Especially, the government supports high-tech, scientific and technical cooperation, licenses for import and export, and the development of production and exports of finished products through tax and customs policy.

6. Effective use of methods of staff training. Actually, the potential professionals and skilled workforce plays a very important role in the inflow of investment. When training and retraining specialists we should take into account that exchange experience and development of international cooperation in the scientific and practical sphere is one of the means in training specialists. Therefore, priorities of the social policy of the state includes improvement living conditions of every member of the population, enhancement educational opportunities, further development health care and perfection of labor force participation in social life.

On a thorough examination of the factors listed above. By using proposals, it is important to carry out structural transformation and diversification of the economy through further developing country's investment policy. Setting up spheres that perform the leading role, modernization of the production process, carrying out technical and technological renovation programs, completing thoroughly thought and long term targeted work which started at the right time on the formation of a modern market infrastructure, and providing macroeconomic stability will result in a rise in the living standards of the population and increase incomes.

ЎЗБЕКИСТОНДА МОЛ-МУЛК СОЛИҒИ ФИСКАЛ АҲАМИЯТИНИ ОШИРИШ

Н.Отамуродов, БМА тингловчиси

Аксарият давлатларда давлат бюджетининг умумий солиқли даромадлари одатда умумдавлат ва маҳаллий солиқлардан тушумлар ҳисобига шаклланади. Маҳаллий солиқлар таркибида мулкӣ солиқлар муҳим аҳамият касб этгани ҳолда, кўпчилик давлатларнинг маҳаллий бюджетлари шаклланишида ҳал қилувчи роль ўйнайди.

Бизнинг республикамызда ҳам маҳаллий бюджетлар даромадларида мол-мулк ва ер солиқлари муҳим роль ўйнасада, мазкур солиқларнинг умумий фискал аҳамияти, яъни солиқ тушумларидаги улуши жуда сезиларсиз. Боз устига, айниқса жисмоний шахсларнинг мол-мулк ва ер солиқлари маъмурчилигини ҳозирги кунда унчалик самарали деб бўлмайди. Агар ушбу солиқларни ҳисоблаш, солиқ тўловчиларни ҳисобга олиш ва хабардор қилиш, ҳисобланган солиқларни ундириш билан боғлиқ умумий сафарбарликни баҳолайдиган бўлсак, вақт, меҳнат ресурси ва бошқа физик ресурслар сарфи нуктаи назардан бу солиқлар бошқа солиқларга нисбатан анча қимматга тушмоқда дейиш мумкин. Бироқ, бир пайтнинг ўзида маҳаллий бюджетлар молиявий имкониятлари фақат ошириб бориш замон талаби

бўлиб қолмоқда. Зеро, Республика Президенти Ш.Мирзиёев 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган маърузасида таъкидлаганидек, “ҳар бир туман ва шаҳарда, республика аҳамиятига молик йирик корхоналар ҳиссасини эътиборга олмаган ҳолда, солиққа тортиш базасини кенгайтириш бўйича амалий чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ...”⁷⁸ лозим.

Ҳалқаро солиқ амалиёти таҳлили шуни кўрсатдики, мулкӣ солиқлар ичида кўчмас мулк солиғи энг асосийси ҳисобланиб, маҳаллий бюджетлар даромадларида ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Айрим мамлакатлар кўчмас мулк солиғи механизмининг тадқиқи ушбу солиқ маъмурчилигининг нисбатан самарали экан кўрсатди.

Юқоридагилардан келиб, Ўзбекистонда маҳаллий бюджетлар молиявий имкониятларини кенгайтириш, уларнинг мунтазам ва ишончли солиқ базасини шакллантириш ҳамда солиқ маъмурчилиги самарадорлигини ошириш мақсадида, ҳалқаро амалиёт таҳлили асосида кўчмас мулк солиғини киритиш долзарб масала ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасида солиққа тортиш тизимини соддалаштириш ва қисқартириш, бир ҳил солиққа тортиладиган базага эга бўлган мулкӣ солиқларни бирхиллаштириш мақсадида кўчмас мулкка солиқни жорий қилиш орқали:

1) жисмоний шахслар мол-мулк ва ер солиқлари ўрнига, ернинг норматив қийматини ишлаб чиқиш шарти билан мол-мулк ва ер солиғини унификациялаган ҳолда кўчмас мулк солиғини жорий қилиш;

2) Жисмоний шахсларнинг кўчмас мулкларига солиқни жорий қилиш муносабати билан мол-мулк ва ер солиқлари ҳисоб рақамларини фақат битта ҳисоб рақамга бирлаштириш;

3) мулкӣ солиқлар сонини қисқартириш ва маҳаллий бюджетлар даромадларини ошириш ҳамда солиқ тушумларини прогноз қилишни осонлаштириш шунингдек мулкӣ солиқларни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартибларини ихчамлаштириш;

4) солиқ солишнинг аниқлиги, адолатлилиги ҳамда солиқ тизимининг ягоналиги тўғрисидаги солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари принципларининг амал қилиши ҳамда солиқ тўловчиларга солиқ юқининг тенг тақсимлаш;

5) мол-мулк ва ер солиқлари бўйича ҳисоб китобларни олиб бориш, солиқ тўловларини амалга оширишда инсон омили (квитанция тўлдириш ёки қўлда бажариладиган бошқа ишлар) ҳамда моддий харажатлар шунингдек, вақтнинг тежалиши каби натижаларини беради.

ТАРКИБИЙ ЎЗГАРИШЛАРНИ ИЗЧИЛ АМАЛГА ОШИРИШДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ

П.Д.Давлатов, к. ўқит. ГулДУ

Мамлакатимизда барқарор ва самарали иқтисодиётни шакллантириш борасида амалга ошириб келинаётган ислоҳотлар бугунги кунда ўзининг натижаларини намоён этмоқда. Жумладан, қисқа вақт ичида иқтисодиётда чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, аҳоли даромадларининг ўсишини таъминлаш, самарали ташқи савдо ҳамда инвестиция жараёнларини кучайтириш, қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасини барқарор ривожлантириш, банк-молия тизими фаолиятини мустаҳкамлашда аҳамиятли ютуқлар қўлга киритилди.

Ўзбекистоннинг ҳалқаро иқтисодий майдондаги нуфузи ва мавқеи сезиларли даражада ва мунтазам ошиб бормоқда. Бундай юксак даражага эришишда албатта мамлакатимиз ҳукумати томонидан ижтимоий-иқтисодий ривожланиш стратегиясининг пухта ишлаб чиқилганлиги, иқтисодий ислоҳотлар мақсади ва вазифалари, амалга ошириш йўлларининг

⁷⁸ Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, кагъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик-ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. Мамлакатнинг 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси, 2017 йил 14 январь.-Т.: Ўзбекистон, 2017. - 104 б.

аниқ ва тўғри кўрсатиб берилганлиги бош мақсад йўлидаги ютуқ ва марраларнинг салмоқли бўлишига имкон яратди. Шунга кўра, биз мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг жорий ва истиқболдаги чора-тадбирларини белгилашда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози оқибатларининг таъсирини ҳар томонлама ҳисобга олишимиз, иқтисодий ривожланиш дастурларини ушбу жараёнлар таъсири нуқтаи-назаридан шакллантиришимиз ва уларни изчил амалга оширишимиз тақозо этилади.

Мамлакатимизда таркибий ўзгаришларни изчил амалга оширишда қулай инвестиция муҳитининг яратилгани асосий омил бўлиб келмоқда. Инвестиция муҳити-бу мамлакатдаги инвестиция жараёнларига таъсир кўрсатувчи иқтисодий, сиёсий, меъёрий-ҳуқуқий, ижтимоий ва бошқа шарт-шароитлар мажмуи. Инвестиция муҳити энг аввало қуйидаги иқтисодий омиллар орқали белгиланади: табиий шарт-шароитлар, шу жумладан фойдали қазилмалар захиралари, ишчи кучи малакаси ва ўртача иш ҳақи даражаси, иқтисодий конъюнктура ҳолати, ички бозор сиғими ҳамда товарларни ташқи бозорда сотиш имкониятлари, кредит тизими ҳолати, солиққа тортиш даражаси, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилманинг ривожланганлиги, хорижий капиталга нисбатан давлат сиёсати, унга нисбатан имтиёзли шарт-шароитларнинг белгиланганлиги ва бошқалар. Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан буён қулай инвестиция муҳитини яратиш давлатимиз иқтисодий сиёсатининг марказий масалаларидан бири бўлиб келмоқда.

Иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ва уни модернизация қилиш борасида стратегик муҳим рол ўйнайдиган лойиҳаларни амалга ошириш, биринчи навбатда, ишлаб чиқариш инфратузилмасини шакллантиришда инвестицияларни жалб этиш, аввало, ички манбаларни сафарбар этиш ҳисобидан иқтисодиётимизнинг муҳим тармоқларини жадал модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, транспорт ва коммуникацияларини янада ривожлантириш ва ижтимоий инфратузилма объектларини барпо этиш ҳал қилувчи устувор йўналишга айланди.

Жаҳон иқтисодиётида кузатилаётган шиддатли рақобат кураши ишлаб чиқаришни мунтазам янгилаб, модернизация қилиб бориш заруратини кун тартибига янада ўтқир қилиб қўймоқда, бунинг учун биз бор имконият ва ресурсларимизни сафарбар этишимизни даврни ўзи талаб қилмоқда. Иқтисодий ислохотларнинг ҳозирги босқичидаги энг муҳим масала юқори қўшилган қийматли рақабатбардош сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш ва илғор юқори технологияли ишлаб чиқаришларни йўлга қўйган ҳолда, иқтисодиётни имкон даражасида модернизациялаш ва таркибий жиҳатдан қайта қуришдан иборатдир.

Бу ўринда ишлаб чиқаришни диверсификациялаш муҳим ўрин тутди. Мамлакатимизда ишлаб чиқаришни диверсификациялаш қуйидаги йўналишларда амалга оширилмоқда:

- корхона ва тармоқларнинг фаолият соҳаларини кенгайтириш;
- маҳсулот ва хизматлар ассортиментини кўпайтириш;
- маҳсулот ва хизматлар сифатини ва уни бошқариш тизимини такомиллаштириш;
- товар ва хизматларни сотиш бозорларини кенгайтириш.

Мамлакатимиз иқтисодиётига жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий таъсири оқибатларини бартараф этишда, унинг жаҳон бозоридаги ўрнини янада мустаҳкамлашда ишлаб чиқаришни модернизациялаш муҳим аҳамият касб этади. Жаҳон тажрибасидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқаришни модернизациялашни қуйидаги йўналишларда амалга ошириш яқин истиқболда ўзининг ижобий самарасини бериши табиийдир:

- эскирган ускуналарни фойдаланишдан чиқариш;
- ишлаб чиқаришни илғор техника ва технологиялар билан жиҳозлаш;
- ишлаб чиқаришга маҳаллий хом ашё асосида инновацион технологияларни жорий этиш;
- ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ассортиментини кенгайтириш;
- ресурсларни тежаш ва ишлаб чиқариш харажатларини пасайтириш;
- сифатни бошқариш ва сертифицилаштириш тизимини жорий этиш;

➤ ишлаб чиқаришда экологик тоза ва энергиятежамкор технологияларни жорий этиш;

MAMLAKATIMIZ IQTISODIYOTINI RIVOJLANTIRISHDA XORIJIY INVESTITSİYALARDAN SAMARALI FOYDALANISH YO'NALISHLARI

**o'qit. Toxtamishov S.S., To'xtamishova G.Q.,
Muxammadova D.A., GulDU**

Jahon bankining «Global iqtisodiy taraqqiyot» pragnozi asosida tayyorlangan ma'lumotda 2014 yildan 2017 yilgacha bo'lgan davrda yillik o'sish darajasi eng yuqori bo'lgan davlatlar orasida O'zbekiston 5 o'rinda qayd etilgani albatta ko'p davlatlarni O'zbekistonning iqtisodiyotiga bo'lgan qiziqishlarini ortishiga sabab bo'ldi.⁷⁹ Bu borada prezidentimiz Sh.Mirziyoyev o'zlarining “Buyuk kelajagimizni mard va olijanob xalqimiz bilan quramiz” nomli asarlarida shunday degan edilar: “Iqtisodiy mustaqillikka erishmasdan turib, siyosiy mustaqillikni ta'minlab bo'lmaydi degan qoidaga amal qilgan holda, biz mamlakatimizning iqtisodiy qudratini oshirish, jahon maydonida uning raqobatdoshligini ta'minlash, iqtisodiyotni modernizatsiya va diversifikatsiya qilish jarayonlarini izchil davom ettiramiz.”⁸⁰ Shu fikrlarni isboti uchun iqtisodiyotimizni yuqori bosqichga ko'tarish uchun xorijiy investitsiyalardan samarali foydalanishimiz kerak.

Milliy iqtisodiyotda investitsiya tushunchasi-bu kelajakda foyda olish yoki ijtimoiy samaraga erishish maqsadida, investor tomonidan iqtisodiyotimiz tarmoqlarini rivojlantirish uchun ma'lum muddatga sarflangan barcha turdagi moddiy-texnik, moliyaviy va intellektual boyliklarni ifodalaydi. Ma'lumki, hech qaysi korxonalar yakka o'zi faoliyat ko'rsatib rivojlanishning yuqori bosqichiga ko'tarila olmaydi. O'zining oldiga qo'ygan oliy maqsadi, ya'ni missiyasiga erisha olmaydi. Shuning uchun faoliyat ko'rsatayotgan korxonalar rivojlanayotgan yoki rivojlangan korxonalar faoliyatini o'rganadi ular bilan hamkorlik qilishga harakat qiladi. Rivojlangan korxonalar bilan hamkorlikni yo'lga qo'yish nafaqat iqtisodiy foyda, balki korxonalar boshqaruv strukturasi elementlari munosabatlarining o'zgarishiga olib keladi. Shuning uchun chet el resurslaridan foydalanish davrida kutilayotgan iqtisodiy foyda bilan birga ta'sir etiladigan ijtimoiy munosabat elementlarini ham o'rganib chiqish talab etiladi. Bugungi kunda respublikamizda olib borilayotgan barcha iqtisodiy islohotlar va boshqa amaliy tadbirlar yurtimiz taraqqiyoti va aholi farovonligini oshirish uchun xizmat qilmoqda. Jumladan, chet el resurslaridan samarali foydalanish maqsadida xorijiy sarmoyadorlarni rag'batlantirgan holda, ularga keng imtiyozlarning yaratilib berilishi ana shunday tadbirlardan biridir. Mahalliy investorlarning tashqi resurslardan samarali foydalanishlari uchun asosli huquqiy me'yoriy hujjatlar takomillashtirilmoqda. O'zbekiston iqtisodiyotini modernizatsiya qilishning hozirgi bosqichida investitsion faoliyatini amalga oshirish mexanizmlarini yanada takomillashtirish talab etilmoqda. Investitsiya bozorini shakllantirish investitsiya resurslarini to'plash, jamg'armalarni investitsiyalarga aylantirish, ulardan foydalanish samaradorligini oshirish muammolarini hal etishning zaruriy sharti hisoblanadi.

Shu sababli yildan-yilga mamlakatimiz iqtisodiyotiga kiritilayotgan chet el investitsiyalari va kreditlari hajmi ortib bormoqda. Xorijiy hamkorlarning kirib kelishi nafaqat iqtisodiy daromadning ko'payishi, balki ular bilan birga o'zlari uchun xos bo'lgan tashkiliy-ma'muriy boshqaruv va ijtimoiy munosabatlarning kirib kelishiga sabab bo'ladi. Bunday holat yosh mutaxassis xodimlar, hamda oliy ta'lim bitiruvchilari oldiga yanada muhim vazifalarni belgilab beradi. Oliy ta'lim tizimida chet tillarni va axborot texnologiyalarini o'zlashtirish bo'yicha amalga oshirilayotgan ishlarning maqsadi ham shunga qaratilgan, chunki korxonalar va tashkilotlarda faoliyat ko'rsatib kelayotgan mutaxassis kadrlar va bitiruvchi yoshlarning xorijiy tilni o'zlashtirganlik darajasi, kompyuter texnologiyalarini mukammal bilishligi, chet xalqlar tarixi, milliy urf odatlari bo'yicha ma'lumotga ega bo'lishi chet ellik hamkorlar bilan munosabatlarning yaxshilanishi bilan bog'liq, ya'ni tuzilayotgan shartnomalarning puxtaligi, shartnoma shartlarining bajarilishidagi nuqsonlarning kamayishiga olib keladi. Hozirgi vaqtda yurtimizda chet el sarmoyadorlariga

⁷⁹ I.A.Karimov.Ona yurtimiz baxti iqboli va buyuk kelajagi yo'lida xizmat qilish-eng oily saodatdir.-T.: O'zbekiston. 2015.

⁸⁰ Sh.M.Mirziyoyev. «Buyuk kelajagimizni mard va olijanob xalqimiz bilan quramiz.-T.: O'zbekiston. 2017

investitsiyalar qo'yishning turli shakllari tavsiya etilmoqda. Ustav fondlarida ulushli ishtirok etish, shu jumladan mol-mulk va aksiyalar olish. Bular orasida qo'shma korxonalar ochish, hususiy korxonalarining aksiyalarini sotib olish va boshqa takliflar mavjud. Shuni alohida ta'kidlab o'tish kerakki, chet el investitsiyasini iqtisodiyotimizga jalb qilish orqali eng so'nggi rusumdagi zamonaviy texnologiyalarni ham ishlab chiqarishga joriy qilish imkoni tug'iladi. Yangi texnika va texnologiyalar tufayli ishlab chiqarish samaradorligi oshadi. Investitsiya mablag'idan to'g'ri va samarali foydalanish korxonalar barqarorligini oshiradi.

Xulosa qilib aytadigan bo'lsak yuqoridagilarni e'tiborga olgan holda xorijiy investitsiyalarning barcha shakllarini faol jalb qilishda quyidagi tadbirlarni amalga oshirish maqsadga muvofiqdir:

- investitsiyalashga ta'sir etuvchi omillarni muvofiqlashtirgan holda qulay investitsion muhitni yaxshilash;

- xorijiy investitsiyalarni jalb etuvchi hamda shu asosda tovar eksport qilishni ko'paytiruvchi korxonalar uchun imtiyozlarni kengaytirish;

- xalqaro moliya institutlarining respublikamizda ochgan kredit liniyalaridan to'la-to'kis foydalanishni ta'minlash;

- mahalliy «mas'ul» muassasalarning xorijiy investitsiyalarini hududlarga jalb qilishdagi faolligini oshirish;

- xorijiy investitsiyalar uchun hisob va hisobot tizimi samaradorligini oshirish kabi qo'shimcha tadbirlarni amalga oshirish zarur.

МЕҲНАТ РЕСУРСЛАРИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШНИНГ ИҚТИСОДИЙ ЎСИШГА ТАЪСИРИ

Ўқ.О.А.Узайдуллаев, ГулДУ

Э.А.Абдулхамидова, Фарғона в. Кўқон ш.

17-ўрта умумтаълим мактаби ўқитувчиси

Мамлакатимизда иқтисодиётни эркинлаштириш босқичма-босқич ва изчиллик билан амалга оширилмоқда. Республикаимизнинг иқтисодиёт соҳасидаги ўтиш даври муаммоларини ҳал қилиш ўзимизда мавжуд барча ресурслардан, айниқса, меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишни тақозо этади. Бозор иқтисодиётига ўтиш, инсоннинг янада фаол ва ташаббускор бўлишини тақозо этади. Унинг турмуш даражасининг яхшиланиши бир қанча омилларга боғлиқ бўлади. Одамнинг жисмоний имкониятлари, маълумоти, дунёқараши ва маънавияти шулар жумласидандир. Зарур жисмоний ва маънавий имкониятлар табиийки одамнинг ёшига боғлиқ бўлади. Инсоннинг ёши ўзига хос мезон бўлиб аҳоли орасидан меҳнатга яроқли меҳнат ресурсларини ажратиб беради. Меҳнат ресурсларини ҳисоблаш чоғида иш билан банд бўлган аҳолининг барча тоифаларини ҳисобга олиш жуда муҳимдир. Шунга кўра, меҳнат ресурслари меҳнатга қобилиятли, меҳнатга лаёқатли ёшдаги фуқаролардан, яъни мамлакат иқтисодиётида ишлаётган ёшлар (ишловчи ўсмирлар), ўрта ҳамда меҳнатга ўта қобилиятли (ишловчи пенсионерлар) ёшдаги кишилардан иборат бўлади.

Меҳнат ресурсларидан фойдаланиш уларнинг оқилона тақсимланиши ва улардан иқтисодиётнинг барча соҳаларида самарали фойдаланиш демакдир. Меҳнат билан бандлик турлари бўйича меҳнат ресурсларини тақсимлашни аҳоли бўйича кузатиш мумкин. Ишлайдиган аҳоли, ўз навбатида, айрим тармоқлар, касб гуруҳлари бўйича тақсимланиши ва ижтимоий-иқтисодий соҳалар бўйича қараб чиқилади.

Миллий иқтисодиётимизда амалга оширилаётган таркибий ўзгаришлар меҳнат ресурсларидан самаралироқ фойдаланишни тақозо этар экан, меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишга қаратилган «Махсус дастурлар»ни ишлаб чиқиб, амалиётга кенгрок жорий этиш олдимиздаги муҳим вазифалардан бири бўлиб ҳисобланади.

Кейинги галдаги вазифаларимиздан бири бўлиб, ижтимоий йўналтирилган иш билан бандликни вужудга келтиришдир.

Меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишни йўлга қўйиш учун қуйидаги вазифаларни бажариш мақсадга мувофиқдир:

- янги иш жойларини яратиш;
- меҳнат биржалари фаолиятларини такомиллаштириш;
- хизмат кўрсатиш тармоқларини устувор ривожлантириш;
- якка тартибдаги меҳнат фаолиятини янада ривожлантириш;
- меҳнат ресурслари ҳаракатчанлигини кучайтириш;
- меҳнат ресурсларини бошқаришни такомиллаштириш;
- меҳнатни техник қуролланиш даражасини ўстириш;
- ишлаб чиқаришда янги инновациялар жорий этиб, янги иш ўринларига бўлган талабни шакллантириш;
- меҳнат ресурслари сифатини оширишда Кадрлар тайёрлаш Миллий дастуридан самарали фойдаланиш;
- янги иш ўринлари яратилишини рағбатлантириш;
- турли вилоят ва туманлар меҳнат муассасалари ўртасида ҳамкорлик ишларини йўлга қўйиш;

-меҳнат ресурсларини ҳудудий ривожланиш тезлигини такомиллаштириш. Республика ҳудуди иқтисодий ривожланиш даражаси, кишиларининг фаровонлиги ва демографик ривожланиши билан фарқ қилади. Бу фарқлар ҳудудлардаги меҳнат ресурсларининг ўзига хос шаклланиши ва улардан фойдаланишда акс этади. Бу хусусиятни билиш меҳнат ресурслари ҳақидаги тасаввурни бойитади ва у сабабли минтақавий даражадаги меҳнат муносабатлари соҳасида давлат сиёсатини самарали амалга ошириш имконини беради.

Мамлакатимиз меҳнат бозорида талаб ва таклифни мувофиқлаштириш, меҳнат бозорини тартибга солиш, ишсизликни камайтириш, меҳнат бозори инфратузилмасини такомиллаштириш, иқтисодиёт модернизацияси ва республикамиз ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг барқарорлиги шароитида иқтисодий фаол аҳоли бандлиги ва инсонларнинг фаровонлигини ошириш учун юқоридаги вазифаларнинг бажарилиши мақсадга мувофиқдир.

РАҚОБАТ БОЗОРИ ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШНИНГ БОШ РЕГУЛЯТОРИ СИФАТИДА

С.Хайдарова, ўқитувчи, ГулДУ

Мустаҳкам иқтисодий ўсишни ва миллатнинг фаровонлигини қўллаб-қувватланишини таъминловчи максимал иқтисодий самара, агар бозор рақобати шахсий ва жамият қизиқишларини амалга оширишни таъминласа, эркин шахсий тадбирлар шароитида эришилади, шунинг учун структура сиёсатининг энг муҳим тамойиларидан бири хўжалик юритувчи барча субъектлар учун тенг шароит яратиб берадиган рақобат муҳитини шакллантириш ҳисобланади.

Рақобат бозорининг муҳим жиҳатлари қуйидагилардир:

- Давлатнинг иқтисодиётдаги аралашувини минималлаштириш ва оптималлаштириш;
- Иқтисодиётнинг очиклиги;
- Иқтисодий фаолиятни микродаражада эркинлаштириш;
- Кадрлар потенциалини танлаб чиқиш.

Иқтисодиётда инсон капитали молиявий активларга қараганда муҳимроқ аҳамият касб этади. Лекин таълим жарёнининг узоқ муддатли шартида эркин бозор бу соҳада етарлича бўлмаслиги мумкин. Шунинг учун давлатнинг иқтисодиётга таъсирининг стратегик қуроли сифатида инсон капиталининг ривожланиши учун адекват шароитини яратиш ҳисобланади. Бизнинг фикримизча, структуравий силжишлар йўналишни аниқлашда, бир томондан Ўзбекистон иқтисодиётни ҳозирги ҳолатини аниқлаб берган бошланғич шароитлар, бошқа томондан узоқ муддатли келажакда инвесторларнинг ҳулқини шаклланишига ва капитал

тушумлари харакатига таъсир этувчи асосий иқтисодий-сиёсий омилларни ҳисобга олиш зарур.

Муҳим бошланғич шароит сифатида куйидагиларни мақсадга мувофиқ деб ажратамиз:

➤ бугунги кунда иқтисодиётнинг барча соҳаларида кузатилаётган аҳамиятли структуравий деформациялар;

➤ тарихий юзага келган нарх шакллантириш пропорциялари;

➤ эскирган самарасиз давлат аппарати.

Юқорида қайд этилганлардан келиб чиқиб, биз давлатнинг иқтисодий сиёсатининг бир неча калитли масалаларини ажратишимиз мумкин:

➤ инвестиция муҳити характери;

➤ жаҳон бозорига нисбатан иқтисодиётнинг очиклиги даражаси;

➤ давлатнинг иқтисодиётдаги роли.

Шунинг учун ҳам иқтисодий сиёсат учун инвестиция муҳитини яхшилаш энг муҳим талаб ҳисобланади. Бу талабни бажармасдан Ўзбекистон иқтисодиётини самарали функциялаштириб бўлмайди, чунки репрессив чоралар билан мамлакатдан чиқиб кетаётган-ҳам молиявий, ҳам малакали меҳнат ресурсларини тўхтатиб бўлмайди.

Шунинг учун структуравий сиёсат жаҳон бозорида талабга эга бўлган маҳсулотлар ва хизматлар яратувчи соҳаларни ривожлантиришга йўналтирилади. Шундай ёндашув доирасида «анъанавий» экспорт соҳасига (авваламбор, хом-ашё сектори ва қайта ишловчи саноат), шунингдек, «янги» хизмат кўрсатиш экспорт соҳасига ажратиш мумкин. Икки ҳолатда ҳам якуний мақсад қўшилган қиймат соҳасида бу вазифа қайта ишлаш даражасини чуқурлаштириш ҳисобига хом ашёдан ярим фабрикатга ва ундан кейин анча мураккаб тайёр буюмга ўтиш жараёни билан ҳал этилади. Хизмат кўрсатиш доираси қўшилган қийматнинг юқори ҳиссасига эга бўлиб, унинг ривожланиши қўйилган вазифаларнинг автоматик равишда очилишини таъминлайди. Ушбу вариант доирасида, бизга аён бўлишича давлатнинг тартибга солиш чоралари орқали капиталнинг чиқиб кетишини қисқартириши ва қисман экспортёрларни фойдалари ва амортизацияларини ўз корхоналарини техник қайта курулантиришга қўйишга қайта мўлжал олишларига, жумладан мамлакат машинасозлик маҳсулотлари базасида, шунингдек, иқтисодиётнинг аралаш соҳаларига қўйишга эришиши мумкин. Экспортёрлар даромадлари капиталининг четга чиқиб кетишидан инвестицияларга қайта мўлжалланиш оқибатида вертикал ва горизонтал интеграция жараёнларининг тезлашишига, экспортёрларнинг машинасозлик корхоналари ва бошқа аралаш соҳалар мулкида молиявий иштирокларининг кенгайишига олиб келади.

Бизнинг фикримизча, ўзида турли соҳа корхоналарини бирлаштирувчи ва кенг қўламли ва узоқ муддатли ташқи буюртмаларга мўжал олган йирик саноат гуруҳларининг шаклланиши юз беради. Бу йирик бирлашмалар молиялаштириш манбалари нуқтаи назаридан ўзига етарли бўлиши, чет эл капиталини жалб этишни мустақил ҳал этишга, янги бозорларга чиқишга қодир ва уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш талаб этилмайди. Экспортёрлар томонидан бошқариладиган молиявий тушумларнинг қайта мўлжалланиши ички, биринчи навбатда, мамлакат инвестицион машинасозлик маҳсулотларига талабнинг ўсиши учун шароит тайергарлигини яратади. Талабнинг ўсиши ва шунга мос равишда қувватларнинг юкланиш даражасининг ўсиши машинасозлик саноат корхоналарининг катта қисмини иқтисодий аҳолини яхшиланишига имкон яратади ва мамлакат, хорижий инвесторлар учун уларнинг инвестицион жозибадорлигини оширади.

РОЛЬ КЛАСТЕРОВ В СТРАТЕГИИ ИННОВАЦИОННОГО РАЗВИТИЯ РЕГИОНА

преп.О.Юсуфалиев, ГулГУ

Актуальной задачей социально-экономического развития Узбекистана является мобилизация потенциала территорий для обеспечения стабильных темпов роста экономики в рамках инновационной, социально-ориентированной модели развития. Одним из эффективных инструментов решения данной задачи является формирование региональных

кластеров. В Стратегии действий на период до 2021 года в качестве одного из важнейших условий перехода к инновационному развитию рассматривается «создание сети территориально-производственных кластеров, реализующих конкурентный потенциал территорий». В Стратегии действий среди основных целей инновационной политики регионов также рассматривается переход к принципам инновационной кластерной политики. Таким образом, в настоящее время особое внимание уделяется созданию сети кластеров, которые позволяют повысить эффективность использования конкурентного потенциала территорий.

Так в Стратегии социально-экономического развития Сырдарьинской области на период до 2021 года в качестве одного из приоритетов развития в инновационной сфере рассматривается формирование производственных кластеров на основе доступных земельных ресурсов в сфере сельского хозяйства.

Анализ нормативно-правовых и программных документов государственного, а также регионального уровня в части вопросов формирования стратегии инновационного развития показал, что переход к инновационной модели развития на региональном уровне управления во многом связан с формированием кластеров:

- высокотехнологичных кластеров в урбанизированных регионах;
- кластеров, ориентированных на глубокую переработку сырья и производство энергии с использованием современных технологий на слабоосвоенных территориях;
- туристско-рекреационных кластеров на территориях с уникальными природно-климатическими условиями;
- транспортно-логистических кластеров на территориях с выгодным географическим положением.

В современном этапе инновационного развития экономики требуется решение следующих задач:

- формирование условий для эффективного организационного развития кластеров;
- обеспечение эффективной поддержки проектов, направленных на повышение конкурентоспособности участников кластера;
- обеспечение эффективной методической, информационно-консультационной и образовательной поддержки реализации кластерной политики на региональном и отраслевом уровне.

Кластеры, будучи межотраслевыми образованиями, усиливают взаимосвязанность, взаимодополняемость предприятий благодаря более быстрому распространению специфических для региона технологий, профессиональных навыков, информации и маркетинга. Следствием сетевого взаимодействия входящих в кластер компаний является ускорение инноваций, что обеспечивает не только повышение производительности труда, но и обновление стратегических преимуществ, поддержание динамичной конкуренции.

В работах отечественных и зарубежных ученых систематизированы факторы влияния кластеров на социально-экономическое развитие регионов. Важной чертой кластера, отличающего его от других форм координации бизнеса, является расположение на компактной территории, что приводит к возникновению агломерационного эффекта. В результате кластерный подход создает новые возможности повышения производительности труда без снижения интенсивности конкуренции. Производственная интеграция, дополненная территориальной близостью предприятий и организаций, входящих в кластер позволяет⁸¹:

- сформировать механизм координации совместных действий, что способствует возникновению положительных внешних эффектов от близкого расположения большого числа фирм, специализирующихся в определенной области, тесно связанных посредством деловых и личных контактов;

⁸¹ De Propriis L., Driffield N. The importance of clusters for spillovers from foreign direct investment and technology sourcing // Cambridge Journal of Economics. 2006. – Vol.30. – P. 277–291.

- создать возможности гибкого реагирования на изменяющиеся запросы потребителей за счет сочетания гибкой организации производства с высоким уровнем специализации и компетенции;

- создать условия для интеграции учреждений высшего профессионального образования, бизнеса и науки.

Особое внимание в научной литературе уделяется роли кластеров в реализации инновационной модели развития территорий. Важной отличительной чертой кластера является его инновационная ориентированность, проявляющаяся в быстром освоении новейших видов техники и технологии производства с последующим выходом на новые рынки. Инновационная деятельность предприятий кластера стимулируется следующими факторами:

- взаимодействие в рамках кластера образовательных учреждений и промышленных предприятий обеспечивает развитие научных исследований и инновационной деятельности в регионе;

- членство в кластере облегчает доступ к новым технологиям, используемым предприятиями участниками кластера;

- уменьшаются издержки на осуществление НИОКР в результате межфирменной кооперации;

- облегчается и удешевляется доступ к специализированным факторам производства (комплектующим, оборудованию, персоналу, услугам) по сравнению с другими вариантами интеграции (вертикальной, формирование альянсов);

- предприятия кластера имеют дополнительные конкурентные преимущества за счет возможности осуществлять внутреннюю специализацию и стандартизацию, минимизировать затраты на внедрение инноваций;

- наличие в системе инновационно-промышленных кластеров гибких предпринимательских структур-малых предприятий, конкурирующих в процессе производства креативных идей, позволяет выявлять инновационные точки роста экономики региона.

Все перечисленные позитивные аспекты функционирования кластера можно рассматривать как составляющие синергетического эффекта, при котором доходы от совместного использования ресурсов превышают сумму доходов от использования тех же ресурсов по отдельности.

Таким образом, кластерная политика в настоящее время становится одним из основных видов региональной социально-экономической политики. Основной целью данной политики является обеспечение высоких темпов экономического роста и диверсификации экономики за счет повышения конкурентоспособности предприятий, поставщиков оборудования, комплектующих, специализированных производственных и сервисных услуг, научно-исследовательских и образовательных организаций, образующих территориально-производственные кластеры. В то же время роль кластеров в реализации региональных стратегий инновационного развития остается пока достаточно скромной. Так в настоящее время стадии практической реализации достигла лишь относительно небольшая часть проектов развития кластеров. Одной из причин невысокой эффективности кластерной политики является недостаточный уровень ее научного обеспечения. К числу проблем научного обеспечения данного вида политики можно отнести следующие:

- недостаточное развитие методологии идентификации потенциальных региональных кластеров;

- недостаток эффективных инструментов государственной поддержки процессов формирования кластеров;

- отсутствие эффективных механизмов координации участников кластера;

- недостаточное развитие методологии оценки эффективности проектов по формированию кластеров как с позиции предприятий-участников, так и региона базирования.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ЕРДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИГИ

асс. А.О.Облоқулов,
талаба Исоев.У., ТошДАУ


Ер қишлоқ хўжалигининг ривожланишида ҳар қандай ишлаб чиқаришнинг табиий асоси учун биринчи шарт-шароитдир. К.Маркс ижтимоий ишлаб чиқаришда ернинг аҳамиятини характерлаб «моддий бойликнинг манбаси фақатгина меҳнат эмас, меҳнат бойликнинг отаси бўлса, онаси ердир» деб атайди.

Қишлоқ хўжалигида ресурслардан оқилона фойдаланиш, яратилаётган маҳсулотларни сифат ва миқдор жиҳатидан яхшилаш аҳолини турмуш даражасини оширишга имкон беради. Қишлоқ хўжалигида асосий ишлаб чиқариш предмети ва воситаси ҳисобланган ердан самарали фойдаланиш масаласига Биринчи Президентимиз И.А.Каримов ҳам ўз асарларида тўхталиб: «Биз ишлаб чиқариш унумдорлигини ўстириш, иш жараёни самарасини ошириш ва провард натижаларга эришишни жадаллаштириш мақсадида кўп муаммо ва масалаларга танқидий кўз билан қарашимиз лозим. Бизни боқаётган мана шу ер, мана шу тупроқ. Унинг унумдорлигини оширишимиз керак. Бунинг учун эса энг аввало, суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, ирригация ишларини устивор мақсад деб қарашимиз шарт» эканлиги алоҳида таъкидлаб ўтилади.

Бизга маълумки, Ўзбекистоннинг умумий ер майдони 44740 минг гектар бўлиб, шундан қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерлар умумий ер майдонининг 60 фоизи атрофидаги миқдорни ташкил этади. Ҳозирги пайтда қишлоқ хўжалигида фойдаланилаётган ерларнинг атиги 15,8 фоизи ҳайдаладиган сувли ерлар ҳисобланади. Яъни, мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги ер майдонларининг 4,2 миллион гектари деҳқончиликда интенсив фойдаланиладиган суғориладиган ерлардир. Қолган ҳудудлар асосан яйлов ва қисман тоғ ўрмонларидан иборат.

Ўзбекистонда ер-сув ресурсларидан фойдаланишнинг ҳуқуқий асоси яратилган бўлиб, бунинг асоси сифатида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 55-моддасида «Ер-сув ... умуммиллий бойликдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат мухофазасидадир» деб ёзилганини кўрсатиш мумкин.

Республикамизга жами 71,69 млрд. метр куб сув ажратилган бўлиб, бу ҳам сувдан самарали фойдаланиш кераклигини билдиради. Ҳозирги кунда сув ресурсларидан фойдаланишнинг самарали йўллари ташкил этилаётганлигига қарамасдан баъзи жойларда ҳали ҳам сув ўлчагич асбобларини ўрнатилмаганлигини кўришимиз мумкин. Бизнинг фикримизча, бу муаммони тезда ҳал қилиш, сув ўлчагич асбобларини ўрнатиш лойиҳасини якунига етказиш бўйича мониторинг олиб бориш лозим.



1.1-чизма. Қишлоқ хўжалик ерларидан мақсадли ва оқилона фойдаланиш тадбирлари

Қишлоқ хўжалигида ер-сув ресурсларидан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлигини оширишда қўйидаги чора-тадбирларни ҳам амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

- ер-сув ресурсларидан фойдаланишда камчиликларга йўл қўйганлиги учун иқтисодий жавобгарликни йўлга қўйиш;
- ер-сув ресурсларидан унумли фойдаланиш борасида кенг жамоатчилик орасида тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш;
- ер-сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва муҳофаза қилишнинг иқтисодий манфаатдорлик механизмни такомиллаштириш;
- ерларни суғориш техникаси ва усулларини замонавийлаштириш;
- хўжалик ерларида алмашиб экиш механизмни янада самарали йўлга қўйиш;
- шўрланган ерларда шўрни ювиш технологиясини жорий этишни ривожлантириш;
- хўжаликларда ер ва сувдан самарали фойдаланишни таъминлаш мақсадида жадвал асосида мониторингни ташкил этиш;
- табиий пичанзорлар ва яйловларни маданийлаштириш ишларини олиб бориш.

Хулоса сифатида шуни таъкидлаш лозимки, ер ва сув-бу табиат инъом этган буюк неъматдир. Улардан самарали фойдаланишнинг илғор технологияларини амалиётга жорий этиш ҳамда қишлоқ хўжалигида меҳнатни илмий ташкил этиш, ходимлар малакасини ошириш келажакда қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни иқтисодий самарадорликка эришишга замин яратади.

ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРНИНГ МУЛКИЙ ДАРОМАДЛАРИНИ СОЛИҚҚА ТОРТИШДАГИ МУАММОЛАР

магистр Ш.Акрамов, БМА

Сўнги йилларда аҳоли турмуш фаровонлиги даражасини ошириш мақсадида кенг камровли ислохотлар амалга оширилмоқда. Жумладан, мулкый даромадлар билан боғлиқ солиқлар ставкаларида мунтазам ўзгаришлар кузатилмоқда. Бу ўз навбатида аҳолининг реал даромадлари ошишига ижобий таъсир кўрсатади.

Мамлакатимизни ҳар томонлама модернизациялаш ва ривожлантиришда маҳаллий ҳокимиятлар молиявий имкониятларини мустаҳкамлаш ва кенгайтириб бориш тақозо этилади. Бу эса мулкый даромадлар базасини янада кенгайтиришни талаб қилади.

Бугунги кунда мамлакатимизда жисмоний шахсларнинг мулкый даромадларини солиққа тортиш механизмнинг қўлланилиши борасида кўпгина ижобий ислохотлар амалга оширилишига қарамасдан, қуйидаги муаммолар ҳам мавжуд. Жумладан:

1. Жисмоний шахсларнинг кўчмас мулкларини сотишни ҳужжатлаштиришда солиққа тортиладиган базани чиқармасдан расмийлаштириш ҳолатлари амалиётда кўп учрамоқда. Масалан: мулкни ҳақиқатда 100 сўмга сотиши мумкин, лекин нотариал идораларда 20 сўмга сотилди, деб солиққа тортиладиган базани чиқармасдан расмийлаштирилиши мумкин. Ушбу ҳолатда таклиф сифатида жисмоний шахсларнинг сотиладиган кўчмас мулкларини сотишда уларнинг эгаллаган майдонига нисбатан (мулкларни ижарага беришдаги сингари) жойлашган жойлари бўйича базавий миқдорлар киритиш лозим;

2. Хорижий давлатлар фуқаролари томонидан Ўзбекистондаги мулкларини сотиб, нотариал идоралар бу борадаги маълумотларни солиқ органларига белгиланган муддат (нотариал ҳаракатлар амалга оширилган кундан эътиборан ўн кун) дан кечиктирмай бергунларига қадар хорижий давлатга чиқиб кетиш ҳолатлари кузатилади. Шундай ҳолатларда норезидент жисмоний шахсларнинг мулклари сотилиш чоғида юқоридаги жорий қилинадиган меъёрларни қўллаган ҳолда солиқларни ундириш чораларини кўриш мақсадга мувофиқ. Натижада солиққа тортиш услубиёти такомиллашади;

3. Солиқ кодексининг 190-моддасига асосан фан, адабиёт ва санъат асарларини яратганлик ва улардан фойдаланганлик учун муаллифлик ҳақи олаётган жисмоний шахс даромадлар олиш билан боғлиқ ҳисоб юритишлари шарт, лекин бу жараёнда ҳам солиқ тўлашдан қочиш ҳаракатлари кузатилмоқда. Бунинг учун ижодий фаолиятни амалга ошириш билан боғлиқ, ҳақиқатда қилинган ва ҳужжатлар билан тасдиқланган харажатларни даромаддан чегириш, бироқ чегирма олинган жами даромад суммасининг 30 фоизи эмас балки 50 фоизидан кўп бўлмаслигини белгилаш мақсадга мувофиқ;

4. Мулкый даромадларга икки томонлама солиқ солинишига йўл қўймаслик ва солиқ тўлашдан бош тортишнинг олдини олиш бўйича халқаро шартномалар сонини янада ошириш;

5. Чет давлатларда ишлаб топаётган даромадларидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида сотиб олинган мулкый даромадлари бўйича маълумотларни Давлат солиқ хизмати органларига ахборот бериб бориш тизимини йўлга қўйиш;

6. Хорижий давлатларнинг Ўзбекистондаги ваколатхоналари (элчихоналари)дан чет давлатларга ишлашга кетиш учун рухсат олган фуқаролар тўғрисидаги маълумотларни Давлат солиқ қўмитасига тақдим қилишни йўлга қўйиш.

Жисмоний шахсларни мулкый даромадларини солиққа тортишнинг прогрессив механизми воситасида юқори даромадларнинг бир қисми аҳолининг кам таъминланган қатлами фойдасига ва умумжамият манфаатлари йўлида қайта тақсимланади, пировардида эса, даромадлардаги тенгсизлик маълум даражада қисқаришига эришилади.

Мамлакатни модернизациялаш ва иқтисодиётни эркинлаштиришнинг ҳозирги шароити илғор хорижий тажрибалар асосида республикаимизда даромадларни легаллаштириш ва яширин иқтисодиёт қўламини қисқартириш мақсадида даромадларни умумдекларациялаш асосида солиққа жалб қилиш тизимига ўтишни тақозо этмоқда.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, куйидаги таклифларни киритишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

➤ Жисмоний шахсларнинг сотиладиган кўчмас мулкларини сотишда уларнинг эгаллаган майдонига нисбатан (мулкларни ижарага беришдаги сингари) жойлашган жойлари бўйича базавий миқдорлар киритиш лозим;

➤ Норезидент жисмоний шахсларнинг мулклари сотилиш чоғида юқоридаги жорий қилинадиган меъёрларни қўллаган ҳолда солиқларни ундириш чораларини кўриш мақсадга мувофиқ. Натижада солиққа тортиш услуобиёти такомиллашади;

➤ Ижодий фаолиятни амалга ошириш билан боғлиқ, ҳақиқатда қилинган ва ҳужжатлар билан тасдиқланган харажатларни даромаддан чегириш, бироқ чегирма олинган жами даромад суммасининг 30 фоизи эмас балки 50 фоизидан кўп бўлмаслигини белгилаш мақсадга мувофиқ;

➤ Мулкий даромадларга икки томонлама солиқ солинишига йўл қўймаслик ва солиқ тўлашдан бош тортишнинг олдини олиш бўйича халқаро шартномалар сонини янада ошириш;

➤ Чет давлатларда ишлаб топаётган даромадларидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида сотиб олинган мулкий даромадлари бўйича маълумотларни Давлат солиқ хизмати органларига ахборот бериб бориш тизимини йўлга қўйиш;

➤ Республикада даромадлар, мулклар ва бошқа солиқ солиш объектлари устидан тўлақонли солиқ назоратини таъминлаш, жисмоний шахслар мулкий даромадларини адолатли солиққа тортиш ҳамда мазкур солиқнинг фискал аҳамиятини ошириш мақсадида жаҳон солиқ амалиёти тажрибаларидан келиб чиққан ҳолда жисмоний шахсларнинг йиллик умумий даромадлари, харажатлари ва мол-мулкни декларациялаш тизимини жорий этиш;

➤ Фуқароларнинг солиққа тортиладиган даромадларини аниқлашда даромадларни умумдекларациялаш асосида солиққа тортиш механизмнинг муҳим шарти ҳисобланмиш солиққа тортилмайдиган минимумни жорий этиш, уни белгилашда кишининг реал минимал яшаш тарзи, яъни оиланинг турмуш кечириш учун лозим бўлган энг кам харажат миқдорини аниқловчи институтлар фаолиятини йўлга қўйиш;

➤ Жисмоний шахслар даромадларини декларациялаш асосида солиққа тортишда солиқ тўловчининг оилавий ҳолати, яъни оилада бошқа даромад олувчиларнинг бор-йўқлиги, фарзандлар сони ва таркиби, ногирон ёки бошқача боқиманда шахсларнинг мавжудлиги эътиборга олиниб, ҳар бири учун кўшимча ижтимоий чегирмалар кўзда тутиш;

➤ Республикада тадбиркорлик фаолиятдан олиннадиган даромадларнинг тўлиқ ҳисобини юритиш ва адолатли солиққа тортиш мақсадида юридик шахс ташкил этмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи якка ва оилавий тадбиркорлик субъектларини ойлик қатъий белгиланган солиққа тортишдан йиллик даромадларини декларация асосида солиққа тортиш тизимига ўтказиш;

➤ Декларациялаш асосида фуқароларнинг даромадларини солиққа тортишда илғор хориж тажрибаларидан келиб чиққан ҳолда куйидаги ижтимоий чегирмаларни белгилаш.

Ижтимоий чегирмалар таркиби:

▪ фуқароларнинг фавқулоддаги зарарлари (табiiй офат, ёнғин, ўғрилиқ, фирибгарлик ва бошқа шу кабилар оқибатида кўрган);

▪ тиббiiй харажатлар, шу жумладан тиббiiй суғурта учун тўлов;

▪ ҳаётни ва мол-мулкни суғурта қилиш қиймати;

▪ шахсий турар жойи бўйича мол-мулк ва ер солиғи суммалари;

▪ яқин қариндошлардан ўзаро ёрдам сифатида берилган молиявий ёрдам суммаларидан иборат бўлади.

МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТ ХУДУДИЙ ТАРКИБИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ДАВЛАТ ХУДУДИЙ СИЁСАТИНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

А.Х.Шоев, ўқитувчи, ГулДУ

Ўтган асрнинг 70-йилларигача «иқтисодий ривожланиш» дейилганда мамлакатнинг ишлаб чиқаришини аҳоли ўсиш суръатларидан юқорироқ суръатларда ошириш қобилияти тушунилар, ривожланиш жараёнининг миқдорий ўлчови сифатида «иқтисодий ривожланиш даражаси» тушунчаси хизмат қилар, у мамлакат миллий даромадини унинг аҳолиси сонига бўлиш орқали аниқланар эди. Кўриниб турибдики, иқтисодий ўсиш суръатлари ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг асоси ҳисобланади. Демак, миллий даромадининг ўсиш суръатлари қанчалик юқори бўлса, аҳолисининг ўсиш суръатларига нисбатан тезроқ ортган мамлакатда иқтисодий ривожланиш даражаси шунчалик оша боради.

Таҳлиллар кўрсатадики, ривожланаётган мамлакатларнинг кўпчилиги юқори ўсиш суръатларига эришган бўлса-да, бу борадаги кўрсаткичларни узоқ вақт сақлаб қола олишмаган. Чунки уларда иқтисодий ўсиш ижтимоий-иқтисодий ривожланишга олиб келмаган. Шунинг учун ҳам ўтган асрнинг 70-йилларига келиб, «иқтисодий ривожланиш» тушунчаси сифат жиҳатидан бойитилиб, миллий иқтисодиёт тузилмаси, қазиб олувчи ва қайта ишловчи тармоқлар нисбати, экспорт таркиби, мамлакат аҳолисининг маълумот даражаси, эҳтиёжлари таркиби ва бошқалар билан ифодалана бошлади. Кейинчалик эса иқтисодий тадқиқотлар чуқурлашуви билан ривожланишга ижтимоий ва сиёсий омиллар сезиларли равишда таъсир кўрсатувчи кўп қиррали жараён сифатида қаралди. «Иқтисодий ривожланиш» тушунчаси ўтган асрнинг охириги чорагида мазмунан чуқурлашди. Бунга фан-техника инқилоби ва унинг таъсирида ишчи кучи сифатига қўйиладиган талаблар ошиши сабаб бўлади. «Инсон капитали» қўйилмалари самарали иқтисодий ўсишни таъминловчи объектив зарурат сифатида тан олинди. Жаҳон банкининг маърузасида (1991-й.) иқтисодий ривожланишга инсон тараққиётига қаратилган жараён сифатида қаралди. Унда таъкидланишича, «тараққиётнинг мақсади-ҳаёт сифатини яхшилаш ҳисобланади».

Ҳаёт сифатининг яхшиланиши, хусусан, камбағал мамлакатларда, аввало, даромадлар кўпайиши ва фақат бугина емас, балки, яхшироқ таълим олиш, овқатланиш ва соғлиқни сақлаш имкониятлари тенглиги, шахсий эркинликни кенгайтириш ва бой маданий ҳаётни кўзда тутуди». Юқоридаги таърифда шу нарсага эътибор бериш керакки, ҳаёт сифатининг яхшиланиши биринчи навбатда барча аҳоли даромадларининг ўсишига-мамлакатда аҳоли жон бошига тўғри келадиган ўртача пул даромадларининг ўсишига боғлиқ қилиб қўйилади.

А.С. Булатов фикрига кўра: «Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш-бу, давлатнинг, жамиятнинг хўжалик ҳаётига ва у билан боғлиқ бўлган ижтимоий жараёнларга таъсир этиш жараёни бўлиб, унинг натижасида маълум бир доктринага асосланган давлатнинг иқтисодий ва ижтимоий сиёсати амалга оширилади».

Жаҳон тажрибасига кўра иқтисодиётни давлат томонидан самарали бошқаришга маҳаллий хусусиятдаги ижтимоий-иқтисодий муаммолар маҳаллий ҳокимият органлари ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари томонидан ҳал этилгандагина эришилади. Бунда республика ҳокимият органлари эътибори умуммиллий хусусиятдаги қарорларни қабул қилиш, иқтисодиёт ривожланишининг истикболли йўналишларини аниқлаш ва шу асосида фаолият юритиш, қонунни ҳимоя қилиш ва ҳимоялаш каби ишларга қаратилган бўлади.

Шундай қилиб, ҳудудларнинг иқтисодий ривожланишини тартибга солиш зарурати ижтимоий-иқтисодий муаммоларни (бандлик, ижтимоий ҳимоя, кичик бизнесни ривожлантириш ва бошқалар) ўзларига бириктирилган даромадлар манбалари ҳисобига ҳал этишда кўпроқ эркинлик ва ваколатлар берилганда юзага келади. Демак, ҳудудларнинг иқтисодий ривожланишини давлат томонидан тартибга солиш-республика ҳокимият органлари томонидан ҳудудларнинг иқтисодий ривожланишига ҳамда бу ривожланиш билан

боғлиқ ижтимоий жараёнларга таъсир этиш воситаси бўлиб, унинг натижасида ҳудудий сиёсат рўёбга чиқади.

«Ҳудудий сиёсат» атамаси кенг тарқалган бўлса-да ҳали унинг ягона таърифи мавжуд эмас. Ҳудудий сиёсат-давлат иқтисодий сиёсатининг муҳим таркибий қисми. У ўз ичига ҳам марказий (республика), ҳам маҳаллий ҳокимият органлари томонидан амалга ошириладиган ҳамда ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш жараёнларини тартибга солишга қаратилган турли хил қонунчилик, маъмурий ва иқтисодий тадбирлар мажмуасини олади.

Ҳудудий сиёсатнинг бош мақсади-ижтимоий зиддиятлар юзага келишига замин яратувчи, мамлакат ёки унинг ҳудудлари ижтимоий-иқтисодий ривожланишига тўсқинлик қилувчи тенгсизликларни мумкин қадар камайтиришдан иборат.

Давлат ҳудудий сиёсатининг асосий мақсадларига қуйидагилар киради:

- мамлакатда ҳудудий сиёсатнинг иқтисодий, ижтимоий, ҳуқуқий ва ташкилий асосларини яратиш;

- ҳудудларнинг иқтисодий имкониятларидан қатъий назар, ягона минимал ижтимоий стандартлар ва тенг ижтимоий ҳимояни таъминлаш, фуқароларнинг ижтимоий ҳуқуқларини кафолатлаш;

- ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши учун шарт-шароитларни тенглаштириш;

- атроф-муҳит ифлосланишини тўхтатиш ҳамда унинг ифлосланиши оқибатларини йўқотиш, ҳудудларни комплекс экологик ҳимоя қилиш;

- ўта муҳим стратегик аҳамиятга эга ҳудудларни устувор ривожлантириш;

- ҳудудларнинг табиий - иқлим хусусиятларидан тўлиқ фойдаланиш;

- ўзини-ўзи бошқариш кафолатланишини таъминлаш.

Юқоридаги мақсадлардан келиб чиққан ҳолда ҳудудий сиёсатнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

- иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, минтақаларда кўп укладли иқтисодиёт, шу жумладан, кичик тадбиркорликни шакллантириш, товар, меҳнат ва капиталнинг умумдавлат ва ҳудудий бозорлари ҳамда институционал ва бозор инфратузилмаси шаклланишига кўмаклашиш;

- ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш жараёнида улар нисбий афзалликлардан фойдаланиш ва фарқларини камайтириш, уларда аҳоли фаровонлигини оширишнинг ўз иқтисодий базаларини мустақамловчи шароитларни босқичма-босқич яратиш;

- ҳудудлар иқтисодий тузилмасининг ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан ўзини оқлайдиган даражасига эришиш, бозор шароитида уларнинг рақобатбардошлигини ошириш;

- ҳудудлараро инфратузилмавий тизимларни (транспорт, алоқа ахборот ва бошқалар) ривожлантириш;

- экологик ва фавқулодда ҳолатларга учраган, ишсизлик даражаси юқори бўлган, демографик ва миграцион муаммолар мавжуд ҳудудларга давлат томонидан ёрдам кўрсатиш.

Ҳудудий сиёсатни амалга ошириш воситалари сифатида микро ва макро даражада қўлланиладиган турли хил бевосита ва билвосита, маъмурий-ҳуқуқий ва иқтисодий воситалар хизмат қилади. Ҳудудий сиёсатни амалга ошириш воситалари қуйидаги шаклларда бўлиши мумкин:

- ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни прогноз қилиш;

- ҳудудлар иқтисодиёти ва ижтимоий соҳа объектларини ривожлантиришда давлатнинг тўғридан-тўғри иштироки;

- давлат буюртмаларини жойлаштириш;

- маҳаллий ҳокимият имкониятлари чегараланган фаолият соҳаларида ҳудудларга ташкилий, ҳуқуқий ва ахборот кўмагини кўрсатиш;

- иқтисодий механизм ва воситаларни қўллаш;

- эркин иқтисодий ҳудудларни ташкил этиш.

Прогноз қилиш-худудий тараққиёт стратегиясини илмий асослаш ва худудий сиёсатни ишлаб чиқишнинг муҳим таркибий қисми, прогнозларни ишлаб чиқишдан асосий мақсад-юз бераётган ва кутилаётган жараёнларнинг ривожланиши, худудий сиёсат ва уни амалга ошириш воситаларининг вариантлари, у ёки бу бошқарув қарорларининг оқибатларини баҳолаш. Минтақавий сиёсатни амалга ошириш шаклларида бири давлатнинг минтақаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича мақсадли дастурлари ҳисобланади. Уларга ҳозир ҳам, келажакда ҳам алоҳида эътибор бериш керак.

Худуд иқтисодиёти ва ижтимоий соҳа объектларини ривожлантиришда давлатнинг тўғридан-тўғри иштироки манзилли тартибга солиш йўлларида бири сифатида намоён бўлади. Бунга мисол тариқасида мамлакатда инвестицион лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишни келтириш мумкин. Худудий ривожланишни давлат томонидан тартибга солишнинг асосий иқтисодий механизми бюджет тизими ҳисобланади. Бюджетлар қонуний актлар асосида қабул қилинади ва ишлатилади.

ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРНИНГ МАҲАЛЛИЙ СОЛИҚЛАРИ ҲИСОБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

А.Очилов, магистр. БМА

Ўзбекистон Республикасида маҳаллий солиқлар объектларини ҳисобини такомиллаштириш, ҳисобга олиниши борасида бир қатор ечимини кутаётган муаммолар мавжуд. Жумладан, маҳаллий бюджет даромадларининг таркибини ва унда жисмоний шахслардан ундириладиган маҳаллий солиқларнинг таҳлили, ҳозирда жисмоний шахслар томонидан фойдаланаётган ер майдонлари ва мол-мулк объектлари тўлиқ ҳисобга олинмаганлиги ва улардан тўлиқ миқдорда солиқ тўланмаётганлигидан далолат беради. Бунга асосий сабаблардан бири кўпчилик қишлоқ, аҳоли пунктлари бўйича картографик асосларнинг йўқлиги сабабли қишлоқ аҳоли пунктларидаги ер участкаларининг умумий ҳисобини юритиш имконияти чекланмоқда. Шунингдек, жисмоний шахсларга тегишли бўлган мол-мулк, яъни иморат ва иншоотларнинг кадастр идораларидан тўлиқ рўйхатдан ўтказилмаганлиги, ўтказилган бино ва иншоотларнинг ҳар бир кўчмас мулкнинг индивидуал баҳоси эмас, балки мулкларнинг стандарт баҳолаш тизими бўйича ҳисоблаб чиқилиб, умумий баҳоси қабул қилинганлиги, жисмоний шахсларга тегишли бўлган бино ва иншоотларнинг бозор баҳосида баҳолаш бўйича ялпи баҳолаш методикаси ишлаб чиқилмаганлиги муаммолари мавжуд.

Ривожланган мамлакатларда жисмоний шахслар томонидан тўланадиган маҳаллий солиқларни давлат бюджети ва маҳаллий бюджетдаги улуши, маҳаллий солиқларнинг турлари ва ундирувчанлик даражаси, солиқларни ҳисобга олиш ва солиқларни ҳисоблашдаги илғор технологиясини ўрганиб, мамлакатимиз солиқ тизимида уни қандай қилиб жорий этиш, самарали механизмини ишлаб чиқилмасдан қолаётганлиги асосий сабаб бўлмоқда.

Австрия давлат солиқ тизимида мол-мулк солиғининг объекти бўлиб бутун мамлакат худудида жойлашган кўчмас мулклар қиймати асос қилиб олинади. Бу солиқнинг ҳисоби мулкларни солиқ органлари томонидан баҳоланган қийматига асосан олинади.

Солиқ ставкаси ўртача 0,8 % бир йилга ва тўлаш муддатлари 15 феврал, 15 май, 15 август, 15 ноябр. Тугалланмаган қурилишларнинг (ишлаб чиқаришга боғлиқ майдонлари билан биргаликда) баҳоланган қиймати 2000,0 минг австрия шилингидан ошса, ер солиғи объекти ҳисобланади ва унинг ставкаси 1%, ҳисоботга асосан 200,0 минг австрия шилинги миқдоридаги солиққа тортилмайдиган қийматини чегириб ташлаган ҳолда солиқ ҳисобланади. Ер солиғи ҳам кварталларга бўлган ҳолда тўланади.

Франция давлати солиқ тизимида мулк солиқлари турли хил кўринишда кўчмас мулклардан иборат бўлади: ер солиғи қурилиш майдони билан уй жой солиқларига бўлинади. Федерал ҳокимият маъмурияти фақат солиқнинг турини жорий қилишади, солиқ ҳисоблашнинг аниқ ставкаларини эса худудий ҳокимиятлар жорий қилади.

Департаментлар, коммуналар ва коммуна бирлашмалари, улар бошқарувда куйидаги чеклашларни инобатга оладилар.

Ҳар бир солиқнинг умумий ставкаси лимит билан чегараланган, уй-жой солиғи ва ер солиғи жорий йилнинг ўртача солиқ ставкасига нисбатан -2.5 бараварни ташкил этган. Ушбу тартиб умумий: ҳамма коммуна, департамент ёки давлат миқёсида белгиланади. Бу солиқнинг ҳудудий бюджет тушумлари орасидаги улуши доимо муҳим ўринни эгаллаб келган. Францияда мулкларни солиққа тортишнинг ушбу самарали услубини амалда қўллаш мақсадида амалиётини чуқурак ўрганиб кўчмас мулкларнинг турлари бўйича солиққа тортишни ташкил қилиш керак.

Франция давлати ҳудудида имтиёзликлардан ташқари ҳамма бино ва иншоотлардан ер солиғи қурилиш майдонлари учун олинади. Қурилишлар деганда ҳар қандай бинолар киритилади, доимий равишда бир жойда кўчмасдан турувчи объектлар тушунилади.

Ушбу биноларни бутунлай бузиб ташлаш йўли билан қисмларга ажратиш мумкин. Бу турдаги биноларга куйидагилар киради: саноат ишлаб чиқариш бинолари; ҳар хил турдаги жиҳозлар; устахоналар; кўприклар; тоннеллар; портга доимий равишда туриш учун қўйилган пароходлар; ишлаб чиқариш бинолари; ишлаб чиқариш мақсадларида ва реклама учун фойдаланилаётган майдонлар.

Куйидаги бино ва иншоотлар солиқ тўлашдон озод этилган: жамоатчилик фойдаланувида бўлган бинолар ва иншоотлар, давлат ихтиёрида бўлган иншоотлар, ҳудудий ташкилотлар бинолари, жамоатчилик бирлашмалари бинолари. Бунда эътироф этилишича жамоатчилик фойдаланишдаги бинолардан фақат жамоатчилик мақсадларида фойдаланилиши керак ва бино эгасига даромад келтирмаслиги керак.

Солиққа тортиш тартиби турли хил бўлади мулк турига қараб, қуриб битказилган вақтига, солиққа тортилиб бошлаган вақтига қараб ҳар йили мулкнинг қиймати қайта жорий ҳисоблаш йўли билан кўтариш коэффициенти қўлланган ҳолда йил давомида қиймати ўзгаришига қараб ҳисоблаб чиқилади. Бу коэффициентлар солиқ кодексининг «кадастр» бўлимида эълон қилиниб борилади. Томонларнинг келишувига асосан бу солиқдаги ноаниқликлар 31 декабрга қадар жорий йилгача тўлдирилиб борилади.

Агар уй жой маълум бир вақтга, бино ва иншоотлар белгиланган мақсад бўйича фойдаланилмаса, масалан, ёзги таътил вақтларида барча оила аъзолари биргаликда бир ойдан ортиқ вақтга кетишса, ушбу даврга тўланган солиқ суммаси қайтариб берилиши кўрсатиб ўтилган. Йил давомида мулкларнинг маълум қисмини ёки бутунлай бузилиши ҳолатларида, мулкка қўшимча қўшилганда солиқларни қайта ҳисоблаш ишлари амалга оширилади.

Юқоридагиларни инобатга олиб, жисмоний шахслардан ундириладиган мол-мулк солиғини ҳисобланиши ва бюджетга тўланиши бўйича муаммоларни бартараф этиш мақсадида куйидагилар таклиф этилади:

➤ Солиқ кодексининг ва бошқа тегишли қонун ҳужжатларига “ягона солиқ тўловчи юридик шахслар балансига эгалигида кафе, ресторан, тўйхона, автосервис ва автомойкалари бўлган жисмоний шахслар таъсисчи сифатида киритилишига йўл қўйилмайди” деб ўзгариш ва қўшимчалар киритиш;

➤ Солиқ тўловчи жисмоний шахсларни тўлиғича ҳисобга олинишини таъминлаш мақсадида, участка солиқ таянч пунктларини замонавий компьютерлар билан таъминлаш лозим. Бу участка солиқ инспекторлари томонидан мол-мулк солиғи, ҳисобга олишда аниқ ва тўлиқ маълумотларга эга бўлишга муҳим омил бўлиб хизмат қилади;

➤ Жисмоний шахслар мол-мулк солиғи объектини аниқлашда 1998 йил 1 январ ҳолати бўйича баҳоланмаган мол-мулк қийматини аниқлашда ягона баҳога келтирувчи йилма-йил табақалаштириш коэффициентларидан фойдаланилса мақсадга мувофиқ бўлади;

➤ Мол-мулк солиғи объектининг ҳақиқий қиймати билан расмий ҳужжатлардаги нархи ўртасида шубҳа туғилган тақдирда, солиқ тўловчи жисмоний шахсларнинг мол-мулкига бозор нархини қўллаган ҳолда мол-мулк солиғини ҳисоблашга участка солиқ инспекторларига рухсат этилса маҳаллий бюджетни маблағлар билан таъминлашдаги муаммолар ўз ечимини топган бўлар эди;

➤ Жисмоний шахслар мол-мулкини тўлиқ қайта нархлашдан манфаатдорлиги ва жавобгарлигини ошириш мақсадида баҳоланмаган мол-мулкнинг шартли баҳосини кескин ошириш талаб қилинади;

➤ Мол-мулк солиғи объектига бозор нархини қўллаётганда мол-мулк солиғи объекти жойлашган жойни, яъни марказга яқин ёки бозорларга яқин жойлашганлигини ҳисобга олса, табақалаштириш мақсадга мувофиқ бўлади.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАҲСУЛОТЛАРИ ЭКСПОРТИНИ КЕНГАЙТИРИШ СОҲАДА ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН ИСЛОҲОТЛАРНИНГ АСОСИДИР

Х.Солиев, талаба

Ил. раҳбар: и.ф.н., доцент Маҳсуталиев А.Х., АнҚХИ

Республикамиз аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотлари билан узлуксиз тامينлаш, ички бозорни сифатли мева-сабзавот ва узумчилик маҳсулотлари билан тўйинтириш мақсадида агросаноат мажмуида етакчи тармоқлардан бири ҳисобланган мева-сабзавотчилик ва узумчиликни янада ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади. Чунки бу тармоқ аҳолини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари, sanoat корхоналарини эса хомашё ресурсларига бўлган талабини узлуксиз қондириш имкониятини беради. Шу сабабдан соҳани ривожлантириш учун мамлакатимизда аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан барқарор таъминлаш, истеъмолчилар талабини мамлакатда етиштирилаётган мева-сабзавот, полиз, узум ва картошка маҳсулотлари ҳисобига тўла қондириш масалаларига алоҳида этибор қаратилмоқда.

Жумладан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 9 январдаги ПФ-3709-сон “Мева сабзавотчилик ва узумчилик соҳасида Фармони, 2016 йил 12 апрелдаги «мева-сабзавот, картошка ва полиз маҳсулотларини харид қилиш ва улардан фойдаланиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йилдаги 6-ноябрдаги № ПҚ-3377 сонли “Мева-сабзавот маҳсулотлари, узум, полиз, дуккакли экинлар, шунингдек, қуритилган сабзавот ва меваларни маҳаллий экспорт қилувчиларни қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорлари ушбу соҳани янада ривожлантиришга асос бўлиб келмоқда.

Бугунги кунга келиб мамлакатимизда мева-сабзавотчилик ва узумчиликни ривожлантириш борасида олиб борилган ислоҳотлар натижасида нафақат ички бозорни тўлдириш балки, уларни чет давлатларга экспорт қилиш имкониятига эга бўлди. Хусусан 377 минг тонна ғалла етиштирилди, 2 миллион 930 тоннадан зиёд пахта ҳосили, 12 минг 450 тонна пилла, 318 минг тонна шоли, 23 миллион тонна мева-сабзавот, 13 миллион тонна гўшт ва сут маҳсулотлари олишга эришдик. Бу йил биринчи марта ғалладан бўшаган қарийб 1 миллион гектар майдонга сабзавот, картошка, полиз ва дуккакли экинлар экилди ва 5,5 миллион тоннадан ортиқ маҳсулот етиштирилди, бу рақамлар Ўзбекистоннинг экспорт салоҳияти юқорилигини кўрсатиб турибди. Лекин мева-сабзавот етиштиришни янада кўпайтириш, уни сифатли тарзда аҳолига етказиш ва экспорт қилиш ишлари, афсуски, етарли даражада эмас. Бу борада Президентимиз Ш.Мирзиёев шундай деган: “Бугунги кунда юртимизда етиштирилаётган мева-сабзавотнинг атиги 15 фоизи қайта ишланиб, 8 фоизи экспорт қилинмоқда, холос. Айниқса, Сирдарё, Жиззах, Хоразм, Қашқадарё ва Тошкент вилоятларида бу кўрсаткичлар ҳамон пастлигича қолмоқда. Жорий йилда 860 минг тонна ёки 620 миллион долларлик мева-сабзавот экспорт қилингани бизнинг имконият ва салоҳиятимизга мосми? Йўқ, албатта! Ривожланган давлатлар тажрибаси асосида боғлар ва тоқзорларга ишлов берадиган, сабзавот ва картошка уруғларини экадиган ва йиғиштириб оладиган техникалар мавжуд эмас, фермер, деҳқон хўжаликларига ёқилғи-мойлаш материаллари, минерал ўғитлар, уруғлик етказиб бериш, касаллик ва зараркунандаларга қарши кураш ишлари талаб даражасида ташкил этилмаган.”⁸²

⁸² O'zbekiston Respublikasi Prezidenti SHavkat Mirziyoevning Qishloq xo'jaligi xodimlari kuniga bag'ishlangan tantanali marosimdagı nutqi. 09.12.2017. <https://www.gazeta.uz/oz/2017/12/10/qishloq-xujaligi>

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Мева-сабзавот маҳсулотлари, узум, полиз, дуккакли экинлар, шунингдек, қуритилган сабзавот ва меваларни маҳаллий экспорт қилувчиларни қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори билан хўжалик юритувчи субъектларнинг мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиши тартиб-таомилларини янада соддалаштириш, жисмоний шахслар томонидан уларнинг ишлаб чиқарилишини рағбатлантириш назарда тутилди.

Хусусан қарорда бугунги кунда экспортга йўналтирилаётган мева-сабзавот маҳсулотларининг 90 фоизидан ортиғи кичик ишлаб чиқарувчилар томонидан ёрдамчи хўжаликларда, шу жумладан томорқа участкаларида етиштирилаётганлигини инобатга олиб, мазкур ишлаб чиқарувчилар чет эл харидорлари билан шартномалар тузиш ва рухсат берувчи тартиб-таомиллардан ўтиши лозимлиги сабабли маҳсулотларини мустақил равишда экспорт қилиш имкониятига эга эмас. Шунини ҳисобга олган ҳолда, давлат раҳбарининг қарори билан тадбиркорлик субъектларига экспорт контракти тузмасдан уларнинг тўлови ва етказиб берилиши бўйича шартларга риоя қилган ҳолда инвойс асосида мева-сабзавот маҳсулотларининг экспортини амалга ошириш ҳуқуқи берилди, бу халқаро амалиётга мувофиқдир.

Бундан ташқари қарорда божхона органлари томонидан экспорт қилинаётган мева-сабзавот маҳсулотларининг табиий йўқотиш нормативини ҳисобга олиш тартиби мавжуд эмаслиги билан боғлиқ бошқа муаммоли масала ўз ечимини топди. Кейинчалик экспорт қилиш учун фуқаролардан мева-сабзавот маҳсулотларини сотиб олиш билан шуғулланадиган юридик шахсларнинг фаолиятини амалга ошириш учун қўшимча қулай шарт-шароитлар назарда тутилди.

Хусусан, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи бўйича имтиёзлар келгусида жисмоний шахслар томонидан маҳсулотларнинг етиштирилганлигини тасдиқловчи ҳужжатни тақдим қилмасдан қўлланилиши белгиланмоқда.

Шунингдек, давлат раҳбари томонидан Ўзбекистон Республикасида берилган мувофиқлик сертификатларининг маҳаллий мева-сабзавот маҳсулотлари асосий истеъмол қилинадиган давлатларда тан олинishi, шунингдек, лабораториялар модернизация қилинишини таъминлаш чораларини кўриш топширилган. Мазкур топшириқнинг амалга оширилиши маҳаллий етказиб берувчилар хорижий бозорларда уларнинг маҳсулотлари мева-сабзавот маҳсулотларини потенциал импорт қилувчи кўпгина мамлакатлар стандартлари, санитария ва фитосанитария талабларига мувофиқ келмаслиги билан боғлиқ камчиликларни бартараф этиш имконини беради.

Қарорда мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш соҳасида инфратузилмаларни яратиш ва замонавий технологияларни жорий этишга ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Ушбу мақсадда ҳақиқий эҳтиёж ҳамда халқаро ва хорижий молия институтларининг чет эл инвестициялари ҳисобига мева-сабзавот маҳсулотларини ташиш йўналишларини ўрганиш асосида мева-сабзавот маҳсулотларини ишлаш, сақлаш ва ташиш бўйича логистика марказлари ташкил этилади.

Ҳозирги вақтда маҳаллий ишлаб чиқарувчилар етиштирган маҳсулотлари, уларнинг нави ва нархлари, шунингдек, чет эл харидорлари томонидан уларни сотиб олиш учун буюртмалари тўғрисидаги фойдаланилаётган тарқоқ ахборот базалари импорт ва экспорт қилувчилар учун ягона порталга бирлаштирилади.

Хулоса қилиб айтганда, Республикамизда мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасини янада ривожлантириш ушбу соҳада фаолият юритаётган фермер, деҳқон хўжаликларига ва томорқа ер эгаларига имтиёзлар бериш, мева-сабзавот ва узумни қайта ишловчи агрофирмалар фаолиятини янада ривожлантириш мамлакатимиз иқтисодиётини барқарор ўсишига хизмат қилади. Олиб борилаётган ислохотлар натижасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш хажми ортаётгани, уларни сақлаш инфратузулмаси ривожланаётгани, қайта ишлаш саноати такомиллашаётгани ҳалқимиз дастурхони тўқинлиги манбаи бўлиб хизмат қилади.

**3-ШЎБА. ТАРКИБИЙ ИСЛОҲОТЛАР МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТДАГИ
МАКРОИҚТИСОДИЙ НОМУТАНОСИБЛИКНИ БАРГАРАФ ЭТИШ ВА УНДА
САМАРАЛИ ТАРКИБИЙ ТУЗИЛМАНИ ШАКЛЛАНТИРИШ АСОСИ СИФАТИДА**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШНИНГ ШАКЛЛАРИ, УСУЛЛАРИ
ВА МЕХАНИЗМЛАРИ**

**доцент З.К.Кушаров,
Б.Эркабоева, магистрант. ТошДАУ**

Қишлоқ хўжалигида бозор муносабатларини тўғри ташкил қилиш ва аграр сиёсатни тўғри олиб бормасдан иқтисодий самарадорликка эришиб бўлмайди. Соҳани қўллаб-қувватлашнинг асосий кўрсаткичи сифатида товар ишлаб чиарувчиларни қўллаб-қувватлашни баҳолашдан фойдаланилади.

Қишлоқ хўжалигининг асосий жиҳатларидан бири озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг ҳақиқий ҳолатини тавсифлайди, озиқ-овқат маҳсулотларини етиштиришда аграр салоҳиятни аниқлайди.

Зеро мамлақтимиз Президенти Ш.М.Мирзиёев ўзларининг нутқида: «Сизларга яхши маълумки, ҳозирги кунда фермер хўжаликлари ва умуман, қишлоқ хўжалиги соҳаси давлатимиз томонидан ҳар томонлама қўллаб-қувватланиб, уларга барча зарур шароит ва имкониятлар яратиб берилмоқда» деб таъкидлаб ўтган эди⁸³.

Давлатнинг иқтисодиётни қўллаб-қувватлашдаги асосий вазифаларини муваффақиятли амалга ошириш унинг иқтисодий имкониятлари, яъни салоҳияти даражасидан келиб чиқади.

Шакллари. Бошқарув объекти томонидан бошқарилувчи объектга таъсир кўрсатишнинг асосий хусусиятларига эътибор қаратилади. Бунда қуйидаги турларга бўлинади:

1. Бевосита – давлат бошқаруви органлари томонидан бошқарилувчи объектга тўғридан-тўғри таъсир кўрсатиш усуллари.

2. Билвосита – хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини тартибга солиш ва қўллаб-қувватлаш усуллари йиғиндиси.

Усуллари. Маълум қоидалар ва тамойиллар асосида бошқарув субъектининг объектга таъсир ўтказиш йўллари тизимидир.

1. Маъмурий-ҳуқуқий – хўжалик юритиш субъектлари фаолиятини меъёрий-ҳуқуқий актлар орқали тартибга солиш ва назорат қилиш.

2. Иқтисодий – бошқарилувчи объектнинг иқтисодий манфаатлари тизимига таъсир ўтказиш орқали тартибга солиш ва қўллаб-қувватлаш чоралари.

3. Таркибий-институционал – тармоқ ва ишлаб чиқариш таркибини оптималлаштириш, институционал тузилмалар орқали тартибга солиш.

Механизмлари. Давлат томонидан тартибга солиш ва қўллаб-қувватлаш сиёсатини амалга оширишнинг турли дастаклари йиғиндиси. Бу:

1. Маъмурий-ҳуқуқий усул механизмлари: қонуний-ҳуқуқий тартибга солиш, ташкилий таъсир ўтказиш, регламентлаш, стандартлаш, назорат, квоталаш, меъёрлаш, лицензиялаш.

2. Иқтисодий усул механизмлари: бюджет-солиқ, молия-кредит, валюта, нарх, суғурта, божхона, ташқи иқтисодий, мақсадли дастурлаш ва инвестиция.

3. Ижтимоий усул механизмлари: меҳнатни тартибга солиш, ижтимоий ҳимоя, ижтимоий таъминот, ижтимоий суғурта, ижтимоий инфратузилмалар.

4. Таркибий-институционал усул механизмлари: оптималлаштириш, илмий-техник, кадрлар ва ахборот маслаҳат, институционал қўллаб-қувватлаш турларига бўлинади.

⁸³ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. М. Мирзиёевнинг қишлоқ хўжалиги ходимлари кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи. 09.12.2017

Давлат ўзининг қишлоқ хўжалигини қўллаб-қувватлаш соҳасидаги вазифаларини бир қатор тамойиллар орқали амалга оширади. Жумладан, мувофиқлик тамойили; ягоналик тамойили; тенглик тамойили; тизимлилик тамойили; ихтиёрийлик тамойили; зарурият ва етарлилик даражасида аграр протекционизм; паритетни сақлаш тамойили; самарадорлик тамойили – давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тадбирларининг мамлакатнинг озиқ-овқат хавфсизлигини кафолатли таъминлаш, аграр иқтисодиётни барқарор ривожлантириш ва қишлоқ аҳолисининг турмуш сифатини яхшилаш мақсадларига хизмат қилиши; қўллаб-қувватлаш чораларининг табақаланган ҳолда қўлланилиши каби қатор тамойилларга асосланади.

Фикримизча бу тамойилларга амал қилиш қишлоқ хўжалигининг самарадорлигини ошириш ва рақобатбардошлигини юксалтиришга ҳамда шу орқали мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга имкон яратади.

Илмий адабиётларни ўрганиш шуни кўрсатадики, давлатнинг қишлоқ хўжалигини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш соҳасидаги фаолияти маълум бир шакллар ва усуллар асосида олиб борилади. Иқтисодий адабиётлар ва илмий тадқиқотларда аграр иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш шакллари ва усуллари тўғрисида турли ёндошувлар мавжуд. Кўпчилик иқтисодчи-олимлар аграр иқтисодиётни тартибга солиш усулларини асосан иккига, яъни маъмурий ва иқтисодий усулларга ажратадилар. Бизнинг назаримизда тартибга солиш шакллари ва усуллари маълум бир механизмлар орқали, улар эса ўз навбатида регулятор деб аталувчи давлат бошқарувининг махсус дастаклари орқали ишлаб чиқариш, ижтимоий ва бошқа жараёнларга ўз таъсирини ўтказди.

Республикамизда қишлоқ хўжалигини давлат томонидан тартибга солиш ва қўллаб-қувватлашнинг турли шакллари, усуллари, механизмлари ва дастакларини ўз ичига муайян тизим шаклланган бўлиб, бу тажрибаларни ўрганиш аграр соҳани қўллаб-қувватлашнинг миллий тизимини шакллантиришга ёрдам берди.

Шундай қилиб, давлат томонидан аграр сиёсатни тартибга солишнинг қараб чиқилган барча ички ва ташқи иқтисодий усуллари биргаликда миллий иқтисодиёт аграр секторидан тақрор ишлаб чиқариш жараёнига ва мамлакатнинг ташқи иқтисодий алоқаларига ўз таъсирини кўрсатади.

МАКРОИҚТИСОДИЙ МУТАНОСИБЛИККА ЭРИШИШ ОМИЛЛАРИ

и.ф.н., доцент О.Т.Сатторкулов, ГулДУ

Мамлакатдаги иқтисодий ўсиш омиллари ва манбалари таҳлили кўрсатишича, инқирозга қадар бўлган даврда иқтисодий фаолликнинг юқори суръатлари, асосан, экспорт салоҳиятини ривожлантиришни жадаллаш-тириш, иқтисодиётга йўналтирилган инвестицияларнинг миқёси, иқтисодиёт таркибини тизимли ва босқичма-босқич янгиланиши ҳисобига эришилган. Иқтисодий ўсишни иқтисодиётни эркинлашувининг чуқурлашуви ва миқёси кенгайиши, валюта бозорининг барқарорлашуви, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик секторининг жадал суръатларда ривожланиши таъминлади.

“Давлатнинг инновацион янгиланиш дастурини шакллантириш, инновация ва инвестициялардан самарали фойдаланадиган янги авлод кадрларини, янги сармоядорлар синфини тайёрлаш ўта муҳим аҳамиятга эга. Бунинг учун Ўзбекистонни технологик ривожлантириш ва ички бозорни модернизация қилиш бўйича кучли миллий ғоя, миллий дастур керак. Ушбу дастур Ўзбекистонни жаҳондаги тараққий топган мамлакатлар қаторига тезроқ олиб чиқишга имкон яратиши лозим”⁸⁴.

Жаҳон амалиёти ва мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг натижаларига кўра, макроиқтисодий барқарорлик даражаси билан барқарор

⁸⁴ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. <http://www.press-service.uz/ru/lists/view>

иктисодий ўсишни таъминлаш ўртасида бевосита боғлиқлик мавжуд. Масалан, инфляциянинг юқори даражаси иктисодиётни инвестициялашнинг мавжуд манбаларини сўндиради, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш суръатларига салбий таъсир кўрсатади. Кейинги йилларда инфляцияни жиловлаш, самарали бюджет-солиқ сиёсатини олиб бориш, солиқ юқини камайтириш, давлат бюджети харажатларини янада оптималлаштириш, банк тизими барқарорлигини мустаҳкамлаш, банкларнинг кредитлаш салоҳиятини ошириш, иктисодиётни модернизация қилиш ва таркибий ўзгаришларни амалга оширишга жалб қилинаётган инвестициялар (жумладан, хорижий инвестициялар) ҳажмини кўпайтириш, экспорт ҳажмини ошириш ва уни диверсификациялаш борасидаги чора-тадбирлар макроиктисодий барқарорликни таъминлашга ва барқарор иктисодий ўсишга эришиш учун хизмат қилади. Мамлакатдаги макроиктисодий кўрсаткичларнинг таҳлили унинг барқарорлиги ортиб бораётганини кўрсатмоқда.

Макроиктисодий сиёсатни олиб бориш дастакларидан бири бўлган солиқ сиёсати иктисодиётдаги таркибий ўзгаришларни амалга оширишда давлатнинг бош ислохотчи сифатидаги ролини мустаҳкамлайди. Ўзбекистонда солиқ сиёсати ва солиққа тортиш орқали иктисодиётни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор бериб келинмоқда. Бозор иктисодиётини шакллантириш, соғлом рақобат муҳитини яратиш, тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантириш ва айниқса, кичик бизнес вакиллари ва хусусий тадбиркорларни қўллаб-қувватлашга хизмат қиладиган солиқ тизимини яратиш иктисодий ислохотларни амалга ошириш борасида қабул қилинган стратегиянинг энг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади.

2018 йилда макроиктисодий барқарорликни таъминлаш масадида давлатимиз Раҳбари томонидан белгилаб берилган ишбилармонлик муҳитини тубдан яхшилаш, тадбиркорлик субъектларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш вазифаларидан, шунингдек, 2018-2020 йиллар учун солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишларидан келиб чиқиб, солиқ юқини янада пасайтиришга, солиқ тизимини соддалаштиришга ва солиқ маъмурчилигини такомиллаштиришга қаратилган муҳим ҳужжатлар қабул қилинди.

Белгиланган стратегик вазифалар доирасида банк тизими назоратини базель қўмитасининг янги тавсиялари асосида такомиллаштириш, банк тизимини ва алоҳида банкларни юқори халқаро рейтинг баҳоларига эга бўлишини таъминлаш, тижорат банкларининг ресурс базасини янада кенгайтириш, уларнинг инвестициявий фаоллигини кучайтириш ҳамда иктисодиётни таркибий ўзгартириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш бўйича стратегик муҳим инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлашга йўналтириладиган кредитлар ҳажмларини кўпайтириш каби муҳим чора-тадбирларни давом эттириш режалаштирилмоқда.

Амалий натижаларга иктисодиётни модернизация қилиш ва таркибий ўзгартиришлар жараёнини жадаллаштирмасдан, унинг муҳим тармоқларини техник ва технологик жиҳатдан янгиланмасдан эришиб бўлмайди.

Мўлжалланган стратегик вазифаларни амалга ошириш ўрта муддатда қуйидаги натижаларга эришиш имконини беради:

- макроиктисодий ривожланишнинг бошқариладиган модели асосида барқарор, юқори иктисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш;
- иктисодиётни тўхтовсиз модернизация қилиш, ишлаб чиқаришни техник ва технологик жиҳатдан янгиланишни амалга ошириш;
- ишлаб чиқариш, транспорт ва коммуникация инфратузилмасини барқарор иктисодий ўсиш ва аҳоли эҳтиёжларини қондириш талабларига мувофиқ ривожлантириш;
- банк-молия тизими барқарорлигини ошириш ва инвестиция миқёсини кенгайтиришдаги ролини кучайтириш;
- нодавлат секторининг, биринчи навбатда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг иктисодиётдаги роли ва улушини янада ошириш;

- юқори агротехнология асосида замонавий самарали қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришни яратиш ва қишлоқ аҳолиси даромадларини ошириш;
- аҳолининг, шу жумладан, ёш авлоднинг баркамол ривожланишини таъминлайдиган замонавий ижтимоий секторни шакллантириш.

ХИЗМАТ СОҲАСИНИ ЮКСАЛТИРИШГА ҚАРАТИЛГАН ТИЗИМЛИ ИСЛОҲОТЛАР САМАРАСИ

**доцент З.К.Кушаров,
магистр О.Н.Абдурашидова, ТошДАУ**

Республикамызда олиб борилаётган иқтисодий ислохотларнинг устувор йўналишларидан бири хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини жадал суръатлар билан ривожлантириш бўлиб ҳисобланади. Дарҳақиқат, республикамызда мазкур соҳани ривожлантиришга катта эътибор берилаётганлиги бежиз эмас, албатта. Чунки республикамызда айнан хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш вазифаси жамиятимиз учун ушбу соҳада хизмат кўрсатиш турларини кўпайтириш, янги иш ўринларини барпо этиш ҳамда аҳоли реал даромадларини оширишга қаратилгандир.

Дастлабки маълумотларга кўра, 2017 йилда Ўзбекистон Республикасининг ЯИМ жорий нархларда 249,13 триллион сўмдан ошди ва 2016 йилнинг шу даврига нисбатан 5,3 фоизга ўсди. ЯИМ индикатори 2016 йилги нархларга нисбатан 18,9 % ни ташкил этди. 2017 йил якунлари бўйича аҳоли жон бошига ЯИМ 7,69 млн сўмни ташкил этди, бу ўтган йилга нисбатан 3,6% га кўп.

Иқтисодий ўсиш суръати миллий иқтисодиётнинг асосий тармоқлари ижобий ўсишига боғлиқдир. Миллий иқтисодиётнинг барча тармоқлари томонидан яратилган ялпи қўшилган қиймат (ЯҚҚ) умумий ЯИМ 89,8 фоизини ташкил этди ва 5,3 фоизга ўсди. Маҳсулотларга соф солиқлар ЯИМ таркибида 10,2 %ни ташкил этди ва 5,3%лик шунга ўхшаш ўсишни кўрсатиб берди.

ЯИМнинг ўсишига энг катта ҳисса хизмат кўрсатиш соҳаси томонидан қўшилди, у ўтган йилга нисбатан 6,9 % га кўп. Шу жумладан, турар-жой ва озиқ-овқат хизматлари 3,9 %га (ЯИМ таркибидаги улуши - 11,5 %), олиб ўтиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа - 8,9 % (11,0%) ҳамда бошқа хизматлар - 7,3 %га (24,8%) ўсди.

2017 йилда ЯИМ таркибида мулкчилик шакллари бўйича иқтисодиётнинг нодавлат секторига умумий ҳажмнинг 81,0 %, давлат секторига 19,0 % тўғри келди.

Мустақилликка эришилган дастлабки йиллардан бошлаб, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларини ривожлантиришга мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини юксалтирувчи муҳим йўналишларидан бири сифатида алоҳида эътибор қаратилиб келинмоқда. Чунки, бозор иқтисодиётини таркибий ўзгартириш шароитида энг асосий масалалардан бири – хизматлар соҳасини ривожлантириш, шунингдек, бу борада аҳолининг иш билан бандлик даражасининг кенгайиб бориши ҳисобланади. Ҳозирда бирор-бир мамлакатни ривожланган мамлакатлар қаторига қўшишда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасининг мамлакатда яратилаётган ЯИМдаги улуши 65 фоиздан юқори бўлиши асосий мезон бўлиб қолмоқда.

Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш – Ўзбекистон иқтисоди ва уни бошқаришнинг устувор йўналишларидан биридир. Мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ унинг имкониятлари аҳоли бандлигини ошириш ва даромадини кўтаришнинг доимий манбаи бўлиб қолди.

Ўсиш кўрсаткичи жадаллашинининг асосий омилларидан бири аҳоли талабларининг муттасил ошиб борганлиги билан боғлиқ. Қишлоқ жойларида янги хизмат кўрсатиш турларига бўлган талаб, уларнинг янги соҳаларини яратиш ва фаолият юритаётганларини кучайтиришни тақозо қилади. Ушбу жараён одамларни янги иш ўринлари билан таъминлаш, уларнинг фаровонлигини ошириш имконини яратади.

Хизмат кўрсатиш соҳасида иш ҳажмининг ошиши билан биргаликда уларнинг тузилмавий таркиби ҳам ўзгариб боради. Анъанавий – савдо, маиший, коммунал каби хизмат

кўрсатишнинг турлари қисқариб, ўрнига янги бозор хизматлари ҳиссаси сезиларли даражада ўсади.

Ўзбекистонда 2013-2016 йилларда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш Дастури тараққиётда янги қадам бўлди. Ушбу ҳужжат соҳа ривожини жадаллаштиришга қаратилган чора-тадбирлар мажмуасини амалга оширишга, айниқса, қишлоқ жойларда хизмат кўрсатиш турларини кенгайтириш ва кўрсатилаётган хизматлар сифатини яхшилашга йўналтирилган бўлиб, шу асосда мамлакат иқтисоди тараққиётида барқарор ва ўсиб боровчи хизмат кўрсатиш соҳасининг бандликни таъминлаш, аҳоли даромади ва фаровонлигини кўтаришдаги аҳамиятини оширишдан иборат.

Сервис фаолияти самарадорлигини ошириш учун хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналари бошқарувини, айниқса, инновацион хизматларни сотиш билан шуғулланувчи корхоналар бошқарувини модернизациялаш зарур.

Хизмат кўрсатиш соҳаси модернизациясига бўлган мавжуд ёндашувлар таҳлили асосида уни таъминлаш тамойилларини шакллантирдик: ташкилотлар бошқаруви ва ходимларининг пировард натижага йўналганлиги; модернизациянинг оптимал компонентларини шакллантириш; мослашувчан бошқарув тизимини яратиш; хизматлар сифатини ошириш; инновацион фаолиятни фаоллаштириш ҳамда ривожлантириш ва бошқалар.

Хулоса сифатида қўйилган вазифаларни ҳал қилиш учун, биринчи навбатда, ҳозирги вақтда кўпгина хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналари амалиётидаги режалаштиришнинг асоссиз равишда режалаштирилган даромадларнинг барча бандларини пасайтириш ва режалаштирилган харажатларнинг барча бандларини кўтаришдан воз кечиш керак. Ушбу ёндашув юқорида кўрсатилганларни мустақамлашга йўналтирилган, аммо, биринчидан, режалаштиришнинг ишонччилик тамойили бузилишига, иккинчидан эса, молиявий маблағлардан фойдаланиш самарадорлигининг жиддий пасайишига олиб келади.

МАМЛАКАТИМИЗДА МЕВА-САБЗАВОТ МАҲСУЛОТЛАРИ ЕТИШТИРИШ АҲАМИЯТИ

доцент Қаршиев Ш., ТошДАУ

Ер юзи аҳолисининг тез кўпайиб бораётгани билан озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиш имкониятлари чеклангани ўртасидаги тафовут озиқ-овқат дастурини ҳал этиш масаласи йилдан-йилга кескинлашиб бораётганини кўрсатмоқда. Яъни озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши аҳоли сони ва эҳтиёжларининг ўсишидан ортда қолмоқда.

БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти ҳамда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, ҳозирги вақтда дунёда 840 миллиондан ортиқ киши, яъни деярли ҳар саккиз одамнинг бири тўйиб овқатланмаяпти, сайёрамиз аҳолисининг 30 фоизидан зиёди тўлақонли равишда овқатланмаслик, энг асосий микроэлемент ва витаминлар етишмаслиги муаммосини бошидан кечирмоқда. Ана шундай сабаблар туфайли 160 миллиондан ортиқ болалар бўйининг ўсиши, жисмоний ва интеллектуал ривожланишига доир камчиликлардан азият чекишига сабаб бўлмоқда.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотлари шундан далолат берадики, бугунги кунда ривожланаётган мамлакатларда бир киши учун тавсия этилган кундалик 400 грамм ўрнига жуда кам миқдорда – бор-йўғи 150-200 грамм мева ва сабзавот истеъмол қилинмоқда.

Халқаро диетологларнинг тавсиясига кўра, инсон истеъмол қиладиган озиқ-овқатнинг камида 50 фоизини мева ва сабзавотлар ташкил этиши зарур.

Мамлакатимизда озиқ овқат муаммосини келиб чиқилишининг олдини олишга қаратилган сиёсат қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 2 баробардан зиёд ошиб, мамлакат аҳолисининг қарийб 10 миллион кишига ёки 30 фоиздан ортиқ кўпайишига қарамаздан, жон бошига тўғри келадиган гўшт истеъмолини 1,3 баробар, сут ва сут

маҳсулотларини 1,6 карра, картошкани 1,7 баробар, сабзавотларни 2 мартадан зиёд, меваларни қарийб 4 баробар ошириш имконини берган.

Мамлакатда ҳар йили 16 миллион тоннага яқин мева ва сабзавот етиштирилиб, аҳоли жон бошига ҳисоблаганда қарийб 300 килограмм сабзавот, 75 килограмм картошка ва 44 килограмм узум тўғри келмоқда. Бу оптимал, яъни мақбул деб ҳисобланадиган истеъмол меъёрларига нисбатан уч баробар кўпдир.

1-жадвал. Республикамизда мева-сабзавот маҳсулотлари ишлаб чиқариш кўрсаткичлари динамикаси, минг тонна

№	Маҳсулот тури	1991 йил	2015 йил	2016 йил	2016 йилда 1991 йилга нисбатан	
					фоиз	фарқи, - /+
1	сабзавот	3324,1	10128,1	11272,5	339	7948,4
2	полиз	925,8	1853,1	2045,2	221	1119,4
3	картошка	355,7	2696,7	2958,3	8,3 марта	2602,6
4	мева	516,6	2746,2	3042,7	589	2526,1
5	узум	480,4	1579,0	1735,3	361	1254,9

Манба: Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги маълумотлари.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг маълумотларига кўра 1991-2016 йиллар давомида республикамизда сабзавот маҳсулотлари 3324 млн. тоннадан 11272,5 млн. тоннага, полиз маҳсулотлари 925,8 млн. тоннадан 2045,2 тоннага, картошка тоннадан 2958,3 тоннага, мева 516,6 тоннадан 3042,7 тоннага, узум маҳсулотлари эса 480,4 тоннадан 1735,3 тоннага оширилди.

2016 йилда республикамиз қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш, соҳанинг барча тармоқларини модернизация қилиш, ер-сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, замонавий ресурстежамкор агротехнологияларни жорий этиш, иқтисодий муносабатларни янада такомиллаштириш орқали ишлаб чиқариш самарадорлиги ва барқарорлигини таъминлайдиган ташкилий чора-тадбирлар амалга оширилиши натижасида қуйидаги натижаларга эришилди. Жумладан, ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан қиёслама баҳоларда 6,6 фоиз ўсишига эришилди. Республика бўйича далалардан 21,1 млн тонна (ўтган йилга нисбатан 11,1% кўп) шундан, 11,3 млн тонна (11,3%) сабзавот, 2,1 млн тонна (10,4%) полиз, 3,0 млн тонна (9,7%) картошка, 3,0 млн тонна (10,8%) мева ва 1,7 млн тонна (9,9%) узум маҳсулотлари етиштирилди. Барча тоифадаги хўжаликлар томонидан 2 млн 171 минг тонна (ўтган йилга нисбатан 6,8% кўп) гўшт, 9 млн 703 минг тонна (7,5%) сут, 6,1 млрд дона (10,6%) тухум ишлаб чиқарилишига эришилди.

Хулоса, таклиф ва тавсиялар. Республикамизда юкори сифатли ва ракобатбардош мева-узум маҳсулотлари етиштириш ҳажмини қулайтириш ҳисобига экспорт қилиш учун катта имкониятлар мавжуд. Бунинг учун хомашё тайёрлашдан бошлаб, то тайёр маҳсулотни халқаро савдода сотишдан олинадиган валюта тушумини конвертациялашгача булган барча ишлар мажмуини такомиллаштириш зарур. Бунинг учун қуйидаги тадбирларни амалга ошириш талаб этади:

1. мева-узум маҳсулотлари сифатини оширишнинг муҳим шарти ушбу соҳани халқаро ва миллий сифат стандартлари асосида бошқаришга ўтишидир;

2. халқаро майдонда мамлакатимиздаги, хусусан, АСМда инвестиция имкониятлари тугрисидаги маълумотларни кенг тарғиб этиш, таҳлил қилиш, баҳолаш ва тасдиқлаш каби тадбирларни кучайтириш;

3. келгусида мева-сабзавот ва узум маҳсулотлари етиштирувчи хўжаликларни ривожлантириш ва уларни ҳар томонлама қуллаб-қувватлаш ва бошқалар.

РЕСПУБЛИКАМИЗДА ЭКОЛОГИК ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК МАҲСУЛОТЛАРИ ЕТИШТИРИШНИНГ АҲАМИЯТИ

доцент Ш.Қаршиев, ТошДАУ

Республикада иқтисодиётнинг барқарор ривожланишини таъминловчи шарт-шароитлар тизимини ислоҳ қилишда ташқи савдо экспортининг ҳиссасини ортиб бориши халқаро бозорларга интеграциялашувни кенгайтиришни кўрсатмоқда. Экологик тоза қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришни барқарор ривожлантириш мамлакатимиз иқтисодий сиёсатининг устувор йўналишларидан бири бўлмоқда.

Экологик тоза маҳсулот бу - қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат саноатида сунъий пестицидлар, сунъий ўғитларсиз тайёрланган ёки кам миқдорда фойдаланиш билан етиштирилмаган, сунъий озиқ-овқатга оид қўшимчалар қўшилмайдиган маҳсулотлардир. Қишлоқ хўжалигида экологик тоза маҳсулотлар етиштирилганда далаларда тез кўшилиб эриб кетадиган минерал ўғитлардан фойдаланилади, заракуналлар билан курашиш учун табиий пестицидлар қўлланилади, чорвачиликда эса озуқа таркибида ҳар хил консервантлар ва иштаҳа кўзгатувчи омиллардан фойдаланилмайди.

Дунё мамлакатларида экологик тоза қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари 3-4 баробар қиммат нархларда сотилиши валюта тушувини кўпайтириш имкониятини яратади. Шу билан биргаликда республикада аҳолини арзон, сифатли, экологик тоза мева-сабзавот ва узум маҳсулотлари билан таъминлаш ва экспорт ҳажмини кўпайтириш бўйича катта салоҳият мавжуд бўлиб, бундан самарали фойдаланиш натижасида экологик тоза қишлоқ хўжалиги маҳсулотини ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ва экспортини кўпайтириш мумкин. Қишлоқ хўжалигида экологик тоза ва экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришни такомиллаштиришда соҳага маҳаллий ва хорижий инвестицияларни жалб этиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини таркибини сифат жиҳатидан ўзгартириш, рақобатбардошлигини ошириш вазифаларини атрофлича ўрганиш мавзунинг долзарблигини ифодалайди.

Экологик тоза қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини халқаро стандартларини шакллантиришда ўзининг таркибига 100 дан ортиқ давлатлардаги 700 дан ортиқ экологик тоза қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи фаол ташкилотларни бирлаштирувчи “Экологик қишлоқ хўжалиги ҳаракатларининг халқаро федерацияси”-нодавлат ташкилоти катта ўрин тутаяди. Экологик тоза қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини стандарлаштириш ва сертификатлашда савдо бозори талабларини ҳисобга олиш зарурдир.

1- жадвалда жаҳон бозорида экологик тоза қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг савдоси таҳлил этилган.

1– жадвал. Жаҳон бозорида экологик тоза қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг савдоси

Тўр	Кўрсаткичлар	2011 йил	2012 йил	2013 йил	2014 йил	2015 йил	2020 йил (башорат)
1	Экологик тоза қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари (млрд АҚШ \$)	59	68	78	89	102	200-250
2	Экологик тоза қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва истеъмолнинг ўртача йиллик ўсиш суръатлари						10-15 фоиз
3	Экологик тоза қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари истеъмолчиси Европа Иттифоқи давлатлари ва АҚШ бўлиб, бу давлатларинг жаҳон бозоридаги улуши						96фоиз
4	Япония ва бошқа давлатлар						4 фоиз

Манба: Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитаси маълумотлари асосида таёрланган.

1- жадвалда келтирилган кузатишимиз натижаларига кўра охириги беш йилликда экологик тоза қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг истеъмоли йилдан йилга ошиб борган. Жаҳон бозорида экологик тоза маҳсулотларнинг товар алмашинуви 2011 йилда 59 миллиард АҚШ долларидан 2015 йилда 102 миллиард АҚШ долларигача ошган бўлиб, экологик тоза қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини истеъмолининг ўртача йиллик ўсиш суръатлари 10-15 фоизга ортиб борган. 2020 йилларга бориб жаҳон бозорида экологик тоза қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини истеъмоли 200-250 миллиард АҚШ долларига етади деган башоратлар мавжуд. Экологик тоза қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг асосий истеъмолчилари Европа Иттифоқи давлатлари ва АҚШ, Япония ва бошқа ривожланган давлатлар бўлиб, Европа Иттифоқи давлатлари ва АҚШ нинг жаҳон бозоридаги улуши 96 фоиз, Япония ва бошқа ривожланган давлатлар улуши 4 фоизга тенг. Мамлакатимизда ҳам экологик тоза қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришга ҳам катта эътибор берилиши натижасида мева-сабзавот, полиз ва узум маҳсулотларининг экспорт ҳажми ҳам йил сайин кўпайиб бориб, сўнгги 5 йилда 4 маротабага ошган. Республикада мева, узум ва сабзавотчилик соҳасида фермер хўжаликлари, агрофирмалар, қайта ишлаш корхоналари ва тадбиркорлар томонидан охириги 5 йилда жами 2250 та шартномалар тузилиб, келишувлар асосида 136 млрд сўм миқдоридagi лойиҳалар амалга оширилди.

Экологик тоза қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва истеъмоли натижасида соғлом овқатланиш таъминланади. Юқори сифатли таъм, ишлаб чиқариш жараёнида табиий шароитларнинг сақланиши, ионли нурланишларнинг, кимёвий ва сунъий моддаларни бўлмаслиги сабабли истеъмолчилар экологик тоза маҳсулотларга 10-50 фоиз юқори нархлар тўлайдилар.

Юқоридагилардан хулоса қиладиган бўлсак, мамлакатимизда ҳам экологик тоза қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш учун қулай табиий-иқлим шароитлари мавжуд бўлиб, фермер хўжаликлари томонидан экологик тоза қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирилиши ва экспорт қилиниши натижасида қишлоқ хўжалик корхоналарининг молиявий-иқтисодий барқарорлиги таъминланади. Натижада моддий-техника базасини замонавий жиҳозлар билан таъминлаш имкониятлари яратилади.

MAMLAKAT IQTISODIYOTIDA TARKIBIY O'ZGARISHLARNING O'ZIGA XOSLIGI

dotsent Mo'minov X. I., BuxDU

О'zbekistonda tarkibiy siyosatning amalga oshirilishi mamlakatimiz iqtisodiyotining jahondagi rivojlangan davlatlar qatorida o'sishining asosiy shartlaridan biridir. Shuning uchun respublikada iqtisodiy islohotlar, modernizatsiyalash va yangilanishlar dasturini amalga oshirishning dastlabki kunlaridan boshlab, asosiy e'tibor iqtisodiyot tuzilmasini muayyan ravishda yaxshilash, uning bir tomonlama xomashyo bazasi sifatidagi yo'nalishidan voz kechishga qaratildi va hozirgi kundagi eng muhim ustuvor yo'nalishlardan biri boshlangan tarkibiy siljishlarni va iqtisodiyotni diversifikatsiya qilish jarayonlarini davom ettirishdir.

Mamlakatda amalga oshirilayotgan ijtimoiy-iqtisodiy islohotlarning pirovard natijasi aholi farovonligini ta'minlashga qaratilgan. Bu farovonlikka erishish yo'llaridan biri tadbirkorlikni yo'lga qo'yish bilan bog'liq. Chunki tadbirkorlikning rivojlanishi, uning ommaviy tus olishi eng muhim ijtimoiy-iqtisodiy masalalarni, ya'ni aholi farovonligini ta'minlash va ish bilan bandlik masalalarini hal qilish imkoniyatini yaratadi. Shu bois, ushbu sohani taraqqiy ettirish respublika hukumatining doimo diqqat e'tiborida bo'lib kelmoqda.

Qulay investitsion iqlim barqaror siyosiy va makroiqtisodiy sharoitlarning shakllanishi, mol-mulk huquqi himoyasining yaratilishini ko'zda tutadi. Biroq birgina investitsion iqlimning yaxshilanishi xorijiy investitsiyalar hajmining shiddat bilan oshishini ta'minlay olmaydi. Rivojlanayotgan va o'tish davri iqtisodiyoti mamlakatlari tajribasining ko'rsatilishicha, investitsion iqlimning yaxshilanishi xorijiy bevosita investitsiyalar oqimining zaruriy, ammo yetarli bo'lmagan shart hisoblanadi.

Zamonaviy sharoitda rivojlangan mamlakatlar ham, rivojlanayotgan va bozor iqtisodiyotiga o'tayotgan mamlakatlar ham o'z iqtisodiyotiga to'g'ri xorijiy investitsiyalarni jalb qilish uchun fiskal moliyaviy va boshqa turdagi investitsiya rag'batlaridan faol foydalanadilar:

- Fiskal rag'batlar: soliq ta'tillari, foyda soliq imtiyozlari, investitsiya va reinvestitsiya uchun foydalanadigan mablag'larga nisbatan imtiyozlar, tezlashtirilgan amortizatsiya rejimi, tashqi savdo imtiyozlari;

- Moliyaviy rag'batlar: boshlang'ich harajatlarning bir qismini qoplash uchun davlat subsidiyalarning berilishi, kredit kafolatlari yoki imtiyozli kreditlarning taqdim etilishi, davlat tomonidan sug'urtalashning imtiyozi shartlarini ta'minlash;

- Boshqa rag'batlar: investitsion infra tuzilmani yaratish uchun davlat xarajatlari, maxsus iqtisodiy zonalarni yaratish va boshqalar.

Bunday rag'batlarni qo'llash amalda XTI bozoridagi muvaffaqiyatli raqobatning zaruriy sharti bo'lib qoldi va bular ko'pgina mamlakatlar tomonidan qo'llanadi. Bundan tashqari, O'zbekiston Respublikasi rahbariyati oqilona siyosati va tegishli harakatlari natijada milliy iqtisodiyotning tarkibi tubdan uzgardi (1-jadval):

1- jadval.O'zbekiston Respublikasi YaIM ishlab chiqarish tarkibi o'zgarishning dinamikasi, %

Yillar	Yalpi ichki mahsulot				
	Sanoat	Qishloq xo'jaligi	Qurilish	Xizmatlar	Sof soliqlar
1997	17,1	28,1	7,1	34,6	13,1
1998	17,8	22,4	8,2	37,2	14,4
1999	15,6	28,3	7,3	36,4	12,4
2000	14,9	26,8	7,5	36,4	14,4
2001	14,3	29,0	6,7	36,6	13,4
2002	14,2	30,1	6,0	37,2	12,5
2003	14,2	30,2	5,8	37,3	11,9
2004	14,5	30,1	4,9	37,9	12,6
2005	15,8	28,6	4,5	37,4	13,7
2006	17,1	26,8	4,5	37,6	14,0
2007	20,7	25,0	4,9	38,4	11,0
2008	22,1	24,1	5,1	39,5	9,2
2009	24,0	21,7	5,5	39,3	9,5
2010	22,3	19,4	5,6	43,3	9,4
2011	24,0	18,0	7,0	44,0	7,0
2012	24,0	17,5	6,8	49,0	2,7
2015	24,2	16,8	4,0	53,0	2,0

Manba: O'zbekiston Respublikasi Davlat statistika qo'mitasi ma'lumotlari.

Investitsion iqlim sarmoya kiritishning imkoniyati va samaradorligini, investitsion jozibadorlik mamlakatning sarmoyani jalb qilishdagi afzalliklarni belgilaydi.

O'zbekiston o'z iqtisodiy siyosatini yuritishda bozor munosabatlariga o'tishning o'z modelini tanlagan bo'lib, u davlat tomonidan muvoffiqlashtirib turiladigan ijtimoiy yo'naltirilgan xo'jalikdan iborat. Investitsiyalarning hajmi va tarkibi mamlakatdagi makroiqtisodiy muvozanatga, ishlab chiqarish kuchlarining joylashtirilishi va rivojlantirishiga bevosita tasir ko'rsatadi.

Investitsiya faolligining oshishi iqtisodiy rivojlanishning ayni paytdagi bosqichi xususiyatlarini hisobga oluvchi oqilona investitsiya siyosatini ishlab chiqishni taqazo etadi. Aynan mana shunday siyosat mamlakatning iqtisodiy rivojlanishiga, uning ishlab chiqarish texnik salohiyatining o'sishiga sezilarli tasir ko'rsatadigan samarali vositaga aylanadi.

Investitsiya siyosati, davlat iqtisodiy siyosatining tarkibiy qismi bo'lib, qo'yilgan maqsadlarga erishish hamda iqtisodiy siyosatning qisqa muddatli, shuningdek uzoq istiqbol uchun

belgilangan vazifalarni bajarishga xizmat qiladi.

Hozirgi zamon jamiyat va iqtisodiyotni modernizatsiyalash sharoitida quyidagilarni amalga oshirish maqsadga muvofiq:

- O'zbekistonda va shu jumladan Samarqand viloyati va shahrida modernizatsiyalash ustuvor yo'nalish va choralaridan eng asosiylaridan biri korxonalarni modernizatsiya qilish va texnik-texnologik qayta jihozlashni yanada jadallashtirish, zamonaviy moslashuvchan texnologiyalarni keng joriy etish;

- Iqtisodiyotning real sektori resurs bazasini kengaytirish va investitsion faollik o'sishini taminlash;

- Elektro-energetika sohasini moderizatsiya qilish;

- Kichik biznesning rivojlanishini qo'llab – quvvatlashni kuchaytirish, aholi bandligiga va yangi ish o'rinlarni tashkil etishga ko'maklashish kabi chora – tadbirlarni qamrab oladi;

- Vatanimiz moliya bozoriga spikulyativ kapital kirishiga yo'l qo'ymasdan xorijdan to'g'ridan – to'g'ri sarmoyalarni jalb qilish;

- Iqtisodiyotning ustuvor sohalarni moliyalashtirishda davlat kafolati ostida olingan kreditlarni faqat uzoq muddatlarga ya'ni 20 yildan 40 yilgacha hamda imtiyozli stavkalarda, xususan 0,5 foizdan 2 foizgacha bo'lgan miqdorda jalb qilish;

- Sotsial iqtisodiyot shakllanishi sharoitlaridan namoyon hududda iqtisodiy islohatlarning borishini baholash va tahlil etishdagi bosh vazifa – iqtisodiyotni isloh qilish bo'yicha tadbirlarning ijtimoiy va xo'jalik yuritish jarayonlariga ta'siri va o'zaro aloqadorliklarini aniqlash hisoblanadi.

- Respublikada o'tkazilayotgan iqtisodiy islohatlar o'z miqiyosi va o'zgartirishlar buyicha xo'jalik yuritishda yangicha yondashuvlar va mexanizmlar zarurligini talab etadi.

- Hududlarni boshqarishda iqtisodiy usullarni rivojlantirishdan asosiy maqsad – yirik mintaqaviy sotsial – iqtisodiy muammolarni hal etishni amalda ta'minlash va shu asosda samarali mintaqaviy siyosat o'tkazishni yaxshilashdir.

- Mintaqalarning iqtisodiy va sotsial rivojlanishi yo'nalishlarni eng yuqori darajada asoslash va uning o'ziga xos xususiyatlarini to'liqroq hisobga olish uchun, fikrimizcha muayyan vazifa yoki muammolar yig'indisi nuqtainazaridan mintaqaga har tomonlama chuqur ta'rif beradigan o'zaro bog'liq ko'rsatkichlarning butun tizimini e'tiboriga olish lozim.

- Turizimni rivojlantirish va sanoatni jonlantirish bizning investitsiya- innovatsion strategiyamiz bo'lishi shart.

- Respublika raqobatbardoshligini oshirishda mintaqalarning raqobat salohiyatini ob'ektiv baholash va uni iqtisodiyotni modernizatsiyalash sharoitida rivojlantirishga ko'maklashish maqsadga muvofiqdir.

So'nggi yillarda diversifikatsiya qilish va iqtisodiyot sohasining raqobatbardoshligini oshirish borasida olib borilayotgan chora-tadbirlar natijasida respublikamizda eksport miqdorini oshirishga erishilgani joiy holat bo'lib, eksport qilinadigan mahsulotlar turi va geografiasini yanada kuchliroq diversifikatsiya qilish, eksport faolyatiga yangi korxonalarni jalb etish ishlari davom ettirish hozirgi vaqtda dolzarb masala bo'lmoqda.

МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТНИНГ ТАРКИБИЙ ТУЗИЛМАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШДА АГРОСАНОАТ МАЖМУАСИНИ ЎРНИ

**доц.Назаров О.Р.,
талаба Рахимова Х., ГулДУ**

Агросаноат мажмуаси агросаноат интеграцияси ва кооперациясининг махсули булиб, ўтган асрнинг етмишинчи йилларидан бошлаб ягона тизим сифатида шакллана бошлади. Агросаноат мажмуаси кишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш, уларни тайёрлаш, қайта ишлаш, сақлаш ва тайёр маҳсулотни истеъмолчиларга етказиб бериш билан боғлиқ тармоқлар йиғиндиси бўлиб, учта соҳани ўз ичига қамраб олади. Биринчи соҳа саноатнинг

агросаноат мажмуасини ишлаб чиқариш воситалари билан таъминловчи, шунингдек кишлоқ хўжалигига ишлаб чиқариш ва техник хизмат кўрсатувчи тармоқлардан иборат, жумладан: агросаноат мажмуаси учун машина, трактор, комбайн, станоклар, ишчи машиналар, кишлоқ хўжалиги техниклари учун эҳтиёт қисмлар, ёкилғи-мойлаш материаллари етказиб берувчи, минерал уғит ва химикатлар, кишлоқ хўжалиги зараркунандаларига қарши воситалар ишлаб чиқарувчи, чорвачилик учун омихта ем ишлаб чиқарувчи корхоналар, кишлоқ хўжалиги экинлари ва чорва моллари учун дори-дармон ишлаб чиқарувчи ихтисослашган корхоналар ва бошқалар қиради. Бу соҳага қирувчи тармоқлар ишлаб чиқариш жараёнини ресурслар билан таъминлаш, кишлоқ хўжалигини саноатлаштириш ва қайта ишлаш саноатида техника тараққиёти учун асос яратиш, мажмуанинг барча бўғинларини самарали фаолият кўрсатиши учун шарт - шароит барпо этишга имкон яратади.

Иккинчи соҳага бевосита кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи корхоналар, биринчи навбатда ширкат, фермер ва дехкон хўжаликлари қиради. Бундан ташқари агросаноат мажмуасининг иккинчи соҳасига, пиллачилик, асаларичилик, қисман ўрмончилик (табiiй озик-овқат ва доривор ўсимликлар етиштириш) ҳамда балиқчилик қиради. Бу соҳа агросаноат мажмуасининг асосини ташкил этади, чунки мажмуанинг бошқа соҳасига қирувчи тармоқлар, асосан, шу соҳа маҳсулотлари асосида фаолият юритадилар ёки ушбу соҳага хизмат кўрсатадилар. Агросаноат мажмуасининг учинчи соҳаси кишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тайёрловчи, қайта ишловчи ва тайёр маҳсулотларни истеъмолчиларга етказиб берувчи тармоқлар ва корхоналарни ўз ичига қамраб олади, жумладан, пахта, гўшт ва сут заводлари, мева шарбатлари чиқарувчи корхоналар, ёғ-мой комбинатлари, жун, каноп, пиллани қайта ишлаш корхоналари, кишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ёки уларни қайта ишлаш натижасида олинган маҳсулотларни сақлайдиган, хом-ашё сифатида ишлатадиган корхоналар, уларни сотиш билан шуғулланувчи корхоналар шу соҳанинг таркибий қисмларидир.

Агросаноат мажмуасининг учинчи соҳаси, кишлоқ хўжалиги хом ашёсини саноат усулида бирламчи қайта ишлаш, уни тайёрлаш ва сақлаш, шунингдек, хомашёни иккиламчи қайта ишлаш ва аҳолига сотиш учун тайёр даражага етказишни таъминлайди, шу соҳа тармоқлари маҳсулотни сақлаш ва сотиш жойига етказиб беришни ҳам амалга оширади. Мамлакат аҳолисининг турмуш даражаси агросаноат мажмуаси, айниқса унинг учинчи соҳаси ривожланиши ҳолати ва суръатларига бевосита боғлиқ. Қишлоқ хўжалиги агросаноат мажмуасининг муҳим боғловчи бўғини ҳисобланади, у нафақат агросаноат мажмуасида, балки миллий иқтисодиётда алоҳида ўрин тутаяди. Шу сабабли, Ўзбекистонда амалга ошириладиган иқтисодий ислохотлар тизимида аграр соҳага доим устуворлик берилаяди. Қишлоқ хўжалиги аҳоли учун озик-овқат маҳсулотларини, саноат учун хомашёни етказиб беришдек муҳим вазифаларни бажариш билан бирга саноат маҳсулотларининг йирик истеъмолчиси ҳам ҳисобланади. Қишлоқ хўжалигидаги ижобий натижалар бутун иқтисодиётни барқарор фаолият кўрсатишига, унинг тармоқ ва ҳудудий таркибининг такомиллашувига, иқтисодий ўсиш суръатларини жадаллаштириш орқали халқ турмуш фаровонлигини яхшиланишига олиб келади. Гарчи, ҳозирги кунда аграр соҳада амалга ошириладиган иқтисодий ислохотларда сезиларли ютуқларга эришиладиган бўлсада, ҳал этилиши лозим бўлган муаммолар ҳам талайгина. Ўзбекистон Республикаси агросаноат мажмуаси тармоқларининг айни вақтдаги устувор вазифалари қуйидагилардан иборат:

- маҳсулотлар миқдорини кўпайтириш ва ассортиментини яхшилаш;
- ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг таннархи паст бўлишини таъминлаш;
- мамлакат агросаноат мажмуаси тармоқларида, айниқса қишлоқ хўжалигида, меҳнат унумдорлигини ошириш;
- агросаноат мажмуа тармоқларини бир-бири билан мутаносиб ҳолда ривожланишини таъминлаш;
- аграр сектор ва унга хизмат кўрсатувчи саноат маҳсулотлари нархлари ўртасидаги кучли номутаносибликнинг келиб чиқиши омилларини ўрганиш ва уларни бартараф этиш ва бошқалар.

Агросаноат мажмуасининг бош вазифаси - аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари ва халқ истеъмоли товарларига булган эҳтиёжларини тўлароқ ва самаралироқ қондиришдан иборат бўлганлиги сабабли қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, сақлаш ва қайта ишлаш билан боғлиқ ҳолда кўплаб поғонавий ишлаб чиқариш йўналишлари ривожланишига, тармоқ ва соҳалар кўпайишига, ва умуман, иқтисодиётни оёққа туришига хизмат қилиши билан ҳам муҳим. Қишлоқ хўжалигида етиштирилган маҳсулотларнинг нобуд бўлмаслиги нафақат қишлоқ хўжалиги корхоналари ишчиларининг фаолиятига, балки бир жиҳатдан уларни тайёрловчи, қайта ишловчи, сақловчи ва истеъмолчиларга етказиб берувчи тармоқ ва хизматларнинг мавжудлигига, уларнинг замонавий талабларга мос равишда техник-технологик жиҳатдан жиҳозланиши ва бир меъёрда етарли қувват билан ишлашига ҳам боғлиқ. Бугунги кунда агросаноат мажмуасининг ҳар бир бўғинида ўзаро фаолиятнинг таъминланиши, фойда манбаининг кенгайиши нафақат қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ соҳаларнинг ривожланиши, балки бутун иқтисодиётни барқарорлашуви, кўплаб янги иш ўринлари яратилиши, аҳоли фаровонлигини оширилишига хизмат қилишини ҳисобга олсак, бу соҳада бозор муносабатларини янада чуқурлаштириш, маҳсулот экспортини кўпайтириш, хорижий давлатларнинг илғор тажрибасини ўрганиш ва ишлаб чиқаришга жорий қилиш, кадрлар малакасини, билимини ошириш, меҳнаткашларни турмуш шароитларини юксалтириш масалалари мавзунинг долзарб вазифаларидан ҳисобланиб, ҳукуматимизнинг доимий эътиборидадир.

ФОРМИРОВАНИЕ РЕГИОНАЛЬНЫХ МЕЖОТРАСЛЕВЫХ КЛАСТЕРОВ В УСЛОВИЯХ РЫНКА

доц. Назаров О.Р. ГулГУ

Развитие кластеров является новым подходом к формированию инновационной экономики. Главная особенность кластера — его инновационная ориентированность. Опыт США (поддержка и стимулирование образования инновационных кластеров — феномен Силиконовой долины) показывает, что инновационные (промышленные) кластеры могут формироваться на уровне региона, где высока концентрация взаимосвязанных отраслей.

Во-первых, региональные инновационно-промышленные кластеры имеют в своей основе сложившуюся устойчивую систему распространения новых технологий, знаний, продукции, так называемую технологическую сеть, которая опирается на совместную научную базу.

Во-вторых, предприятия кластера имеют дополнительные конкурентные преимущества за счет возможности осуществлять внутреннюю специализацию и стандартизацию, минимизировать затраты на внедрение инноваций.

В-третьих, важной особенностью инновационно-промышленных кластеров является наличие в их структуре гибких предпринимательских структур — малых предприятий, которые позволяют формировать инновационные точки роста экономики региона.

В-четвертых, региональные промышленные кластеры чрезвычайно важны для развития малого предпринимательства: они обеспечивают малым фирмам высокую степень специализации при обслуживании конкретной предпринимательской ниши, так как при этом облегчен доступ к капиталу промышленного предприятия, а также активно происходит обмен идеями и передача знаний от специалистов к предпринимателям.

Важнейшим фактором конкурентоспособности кластеров будет являться высокий уровень развития системы связанных институтов и отраслей. С одной стороны, это результат рыночных отношений и эффективной конкуренции, а в том, что касается формирования национальной инновационной системы и притока квалифицированных кадров, — безусловной заслугой государственной политики

Передовые страны, достигшие успехов в усилении своей конкурентоспособности, за последние два десятилетия, как правило, делали акцент на инновационности производства и создании инновационных сетей. Создание эффективных инновационных сетей практически

трансформировалось в концепцию формирования конкурентоспособных промышленных кластеров. Такая концепция стала основой национальной промышленной политики и ведущих инициатив в области взаимодействия государственного и частного капиталов.

Например, в Германии и Великобритании действуют программы создания биотехнологических кластеров на базе регионального размещения фирм. Правительство Норвегии стимулирует создание кластеров, укрепляя сотрудничество между фирмами, специализирующимися в сфере морских промыслов. В Финляндии развит лесопромышленный кластер, в который входит производство древесины и лесобумажной продукции, мебели, полиграфического и связанного с ним оборудования. Еще в 1983 г. в Японии была принята концепция развития технополисов, опыт реализации которой показал, что темпы их экономического роста значительно превышают средние показатели по стране. Пример образования кластера в Австрии — это Венский деловой центр, который консолидировал ряд исследовательских институтов и промышленных концернов вокруг университета с мощной научной базой по биотехнологиям. Ныне в этом кластере работает 51 тыс. человек, обучаются студенты и повышают свою квалификацию специалисты из 40 стран, с ним сотрудничают 700 ученых, а также установлены деловые связи со многими биоцентрами мира.

Развитие международных кластерных систем в зоне ЕС происходит по следующим направлениям:

- образование кластеров с участием предприятий двух и более стран, когда в их состав включаются специализированные компании, научные образовательные учреждения из двух стран и более;
- создание трансграничных кластеров, которые формируются в приграничных регионах соседних стран;
- формирование так называемых глобализирующихся кластеров, которые имеют в своем составе одну или даже несколько транснациональных компаний, формирующих непосредственно ядро кластера.

Несмотря на определенные существующие между ними различия, все три вида международных кластерных систем выступают важными звеньями международной производственной кооперации, что, по сути формирует механизм развития региональной экономической интеграции в зоне ЕС.

В современных условиях дальнейшее развитие технологической и производственной специализации, усиление кооперационных связей, увеличение информационно-технологического обмена целесообразно осуществлять на основе сетевых структур, каковыми являются промышленно-инновационные кластеры. Причем объединение в такой кластер представляет собой не спонтанную концентрацию различных технологических изобретений, а строгую систему создания и распространения новых знаний и на этой основе, соответственно, новых технологий и инноваций.

Таким образом, зарубежный опыт формирования кластерных образований показывает, что кластер позволяет, при системном подходе к его организации, создать эффективную бизнес-среду и технологически реализуемых комплексных решений на определенной территории, улучшать механизмы взаимодействия власти и бизнеса, увеличивать конкурентоспособность продукции и предприятий территории.

РАЗВИТИЕ ИННОВАЦИОННЫХ ПРОЦЕССОВ В МАЛОМ ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСТВЕ КАК ФАКТОР ПОВЫШЕНИЯ КОНКУРЕНТОСПОСОБНОСТИ ЭКОНОМИКИ УЗБЕКИСТАНА

доц. Райимбердиева О. Р. ГулГУ

В условиях расширения процессов интеграции, усиления международной конкуренции важным фактором обеспечения высоких и устойчивых темпов роста экономики является постоянное движение страны по пути укрепления своих конкурентных

преимуществ на основе перехода к инновационной модели экономического развития. Особенно актуально эта проблема стоит перед Узбекистаном. Задача отечественной экономической науки состоит в научном обосновании ответов на ряд ключевых вопросов по переходу Республики Узбекистан к инновационной модели экономического роста. В связи с этим возникает ряд вопросов о путях и механизмах развития инновационного сектора экономики Узбекистана, усиления на этой основе потенциала конкурентных преимуществ республики.

В Узбекистане за годы экономических реформ значительно укреплена нормативно-правовая база, сформирована система преференций и льгот, открыт широкий доступ субъектов малого бизнеса к основным высоколиквидным материальным ресурсам, сокращено вмешательство контролирующих структур в финансово-хозяйственную деятельность предприятий, существенно расширены экономические свободы и права предпринимателей. Важное значение имеет принятие мер по сокращению видов и упрощению процедур для осуществления предпринимательской деятельности, усовершенствованию системы правовой защиты субъектов предпринимательства, введению уведомительного порядка государственной регистрации субъектов предпринимательства. Проводимые целенаправленные меры по поддержке малого бизнеса способствуют достижению реальных позитивных сдвигов в увеличении доли малого бизнеса в ВВП и занятости населения в этом секторе экономики. За период с 2015-2017 годы количество зарегистрированных субъектов малого предпринимательства увеличилось почти в 2 раза. Количество субъектов малого предпринимательства на 1000 человек населения Узбекистана составило в 2017 году 19,2 единиц. Основные высокие показатели развития малого предпринимательства в Узбекистане характеризуются следующими тенденциями:

- Повышением доли в валовом внутреннем продукте;
- Повышением доли численности занятых в малом и частном предпринимательстве до 74,8 % от общей доли занятых в экономике;
- Расширением деятельности по производству локализуемой комплектующих деталей и узлов для автомобилестроения, тракторостроения и других отраслей экономики.

Численность занятых в малом бизнесе составляет свыше 7,7 млн. человек (включая занятых индивидуальным трудом), или 72,1% общей численности занятых в экономике.

Общие показатели деятельности субъектов малого предпринимательства по отраслям экономики являются достаточно высокими: доля произведенной фермерскими и дехканскими хозяйствами (юридическим лицами) продукции достигла 97,5% общего ее объема; малыми предприятиями и микрофирмами, действующими в строительстве, выполняется более 55,4% общего объема строительных работ; товарооборот малого предпринимательства в объеме товарооборота достиг 54,2%; удельный вес в объеме платных услуг составляет более 50%, а в объеме рыночных услуг – 50,1%; удельный вес в объеме промышленного производства вырос до 18%.

Для стимулирования развития малого частного бизнеса в индустриальном секторе Узбекистана, необходимо решение следующих организационно-экономических задач:

- диверсификация и совершенствование механизмов поддержки производителей импортозамещающих и экспортных товаров потребительского назначения;
- коренное реформирование национальной системы стандартизации и сертификации, внедрение стандартов ISO серии 9000 для обеспечения соответствия качества производимой потребительской продукции международным стандартам;
- повышение эффективности маркетинговых исследований республиканского и международного товарных рынков путем создания соответствующей инфраструктуры, как в самой республике, так и в странах – целевых рынках сбыта отечественной продукции потребительского назначения, а также в строительстве, транспорте и связи;
- информационная поддержка отечественных производителей импортозамещающей и экспортоориентированной потребительской продукции путем обеспечения их реального доступа к необходимой для их деятельности полноценной информации;

- доступ к базам инновационных проектов может осуществляться за счет расширения спектра изданий, посвященных вопросам инноваций и формирования базы данных по инновациям с организацией специальных в Веб-сайтов в сети интернет;

- расширение привлечения отечественного и иностранного капитала.

Исследования, проведенные учёными, показывают, что развитие малого бизнеса и предпринимательства в Узбекистане целесообразно проводить в контексте инновационного развития стратегически важных секторов экономики, позволяющих выпускать конкурентоспособную продукцию, пользующуюся спросом на рынке и отвечающую современным требованиям покупателей.

Опыт развитых стран ещё раз подтверждает, что малый бизнес эффективно осваивает передовые технологии. Ведь рынок живет нововведениями, и инновационное ускорение является основой его устойчивого развития.

Таким образом, в Узбекистане имеются все предпосылки для развития инновационного бизнеса. Риски инновационной деятельности могут быть уменьшены путем регулирования масштабов внедрения инновации в малом и частном предпринимательстве.

Для обеспечения инновационно-ориентированного развития Узбекистана, на наш взгляд необходимо решение следующих первоочередных задач:

- усиление роли частного сектора, способного увеличить экспорт за счет более эффективной конкуренции. Такого рода предприятия испытывают недостаток инициативы, столь важной в конкурентной борьбе на мировых рынках;

- улучшение параметров стабильности макроэкономической среды (в частности, снижение уровня инфляции);

- расширение доступа на основные экспортные рынки путем проведения переговоров с основными странами-потребителями по снятию торговых, прежде всего нетарифных барьеров на экспортные товары Узбекистана;

- повышение конкурентоспособности экономики и модернизации производственных фондов использования передовых технологий и методов управления производством в передовых отраслях;

- укрепление научно-технического потенциала, необходимого для дальнейшего расширения производства инвестиционных товаров и диверсификации продукции;

- стимулирование технологического перевооружения производства и внедрение инновационных технологий;

- создание единой системы непрерывной подготовки кадров для малых предприятий, способных быстро приспосабливаться к непрерывно изменяющейся конъюнктуре рынка.

Совершенствование в Республике Узбекистан национальной инновационной системы является ключевой задачей не только научно-технической сферы, но и повышения роли малого бизнеса в отечественной экономике и углубления интеграции страны в систему мирохозяйственных связей.

ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЛИБЕРАЛЛАШТИРИШ ЖАРАЁНЛАРИДА БОЖХОНА ТЎЛОВЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ

**доц.Т.Н. Пардаев,
тингловчилар Ф.Шодиев, Р.Турсунов,
Олий ҳарбий божхона институти**

Мамлакатимизнинг барқарор иқтисодий ривожланишини таъминлашда, ташқи иқтисодий фаолиятни божхона тўловлари орқали тартибга солиш муҳим ўрин эгаллайди. Божхона тўловларини ундириш миллий иқтисодиётда бозор муносабатлари тамойилларини қарор топтириш имкониятлар яратиб, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш орқали иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга оширишда асосий омил ҳисобланади.

Модернизация-ишлаб чиқаришда тайёрланаётган маҳсулотлар рақобатдошлигини оширишга йўналтирилган технологик янгиланиш жараёнидир. Диверсификация, бу юқори кўшилган қиймат ўсиш динамикасини таъминлайдиган маҳсулот ва хизматлар ассортиментининг ошиши ва кенгайиш жараёнидир. Диверсификация жараёни иқтисодий тармоқларида олиб борилаётган модернизация ва таркибий ўзгаришлар билан бевосита уйғунлашган ходисадир.

Мамлакатимиз Президентининг 2017 йил 2 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармонида белгиланган, бешта асосий устувор йўналишларидан бири бўлган, иқтисодий янада ривожлантириш ва либераллаштириш жараёнлари жадал суръатлар билан олиб борилмоқда.

Республикамизда ташқи иқтисодий фаолиятда босқичма-босқич амалга оширилаётган либераллаштириш жараёнлари натижасида, ташқи иқтисодий фаолиятини тартибга солиш халқаро амалиёт меъёрларига ва талабларига мослаштирилмоқда, миқдорий чеклашлар борган сари тарифлар асосида тартибга солинмоқда.

Ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солишда қўлланилаётган божхона тўловлари турларининг иқтисодий моҳиятини ижтимоий-иқтисодий нуқтаи назардан таҳлил қилиш асосида уларни қўллашни такомиллаштириб бориш иқтисодий самарали таркибий ўзгаришларга олиб келади.

Божхона тўловлари ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солиш жараёнида ташқи савдо айланмасини зарур даражада муқобиллаштириш, иқтисодий хавфсизликни таъминлаш ҳамда фискал вазифаларни бажаради. Ушбу вазифалардан келиб чиқиб, дунё мамлакатларида турли хил божхона тўловлари ва ставкаларидан фойдаланади ҳамда уларни қўллашда имтиёз ва преференциялар беради.

“Божхона иттифоқига кировчи Россия, Беларуссия ва Қозоғистон давлатларида “Божхона иттифоқи қатнашчиси давлатларида божхона тўловларини ҳисоблаш ва ундириш тартиби тўғрисида”ги Битимнинг 3-моддасига асосан, товарларни олиб киришда ва олиб чиқишда божхона божи, солиқлар, божхона йиғимлари” ундирилиши белгилаб қўйилган. Шунингдек, божхона иттифоқига аъзо давлатларда ушбу иттифоқ “Божхона кодексининг 74-моддасида божхона тўловларидан имтиёзлар қўйидаги:

- Тариф преференциялари;
- Тариф имтиёзлари;
- Солиқларни тўлашда бериладиган имтиёзлар;
- Божхона йиғимларини тўлашда бериладиган имтиёзлар” шаклида берилади.

Ўзбекистон Республикасига товарлар олиб келинганда ва олиб чиқилганда қонун ҳужжатларига асосан божхона органлари томонидан бож, акциз ва қўшилган қиймат солиғи ҳамда, божхона йиғимлари ундирилади. Ўзбекистон Республикаси божхона кодексининг 297-моддасига асосан, ташқи савдо сиёсати амалга оширилаётганда илгари тўланган божхона божини қайтариш, божхона божи ставкасини пасайтириш ва божхона божини тўлашдан озод этиш тарзида тариф имтиёзлари берилади ва 300-моддасига биноан, тариф преференциялари божхона божларини тўлашдан озод этиш, божхона божлари ставкаларини камайтириш ёки муайян давлатларда ишлаб чиқарилган товарларни божхона ҳудудига преференциал олиб кириш ёки ушбу ҳудуддан преференциал олиб чиқишда квоталар белгилаш тарзида берилади.

2017 йилда божхона тўловларидан берилган имтиёзлар миқдорини 2013 йил билан солиштирадиган бўлсак, ушбу кўрсаткич бу давр мобайнида 2,1 мартага ошганлигини кўришимиз мумкин (1-жадвал).

Божхона тўловларидан берилган имтиёзларни ўсишига ишлаб чиқаришни модернизациялаш, маҳаллийлаштириш ва иқтисодий инқирозга қарши чоралар дастурлари, Ўзбекистон Республикаси эркин савдо зонасини ташкил этиш тўғрисидаги халқаро шартнома тузган давлатларда ва савдо-иқтисодий муносабатларда энг кўп қулайлик бериш режимини қўллаётган мамлакатларда ишлаб чиқарилган товарларга нисбатан имтиёз ва

преференцияларнинг кўпаётганлиги ҳамда божхона тўловларидан имтиёзларни бериш бўйича меъёрий-ҳуқуқий базани такомиллашгаётганлиги каби омиллар сабаб бўлган.

Божхона органлари томонидан 2017 йилда жами божхона тўловларидан берилган имтиёзлар таркибида: қўшилган қиймат солиғидан берилган имтиёзлар 55,2 фоизни, импорт божхона божи 36,8 фоизни, акциз солиғи 7,9 фоизни, бошқа тўловлар 0,1 фоизни ташкил этган.

1-жадвал.Божхона органлари томонидан 2013-2017 йилларда божхона тўловларидан берилган имтиёзлар миқдори (трн.сўм.).

№	Йиллар	2013	2014	2015	2016	2017
	Кўрсаткич					
1.	Божхона тўловларидан берилган имтиёзлар	10,5	11,8	11,4	13,4	22,8

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, божхона тўловларини ундириш ва давлат бюджетига ўтказиш 2017 йилда 2013 йилга нисбатан 1.6 мартага ошган. 2017 йилда жами божхона тўловлари таркибида: қўшилган қиймат солиғи 60,4 фоизни, импорт божхона божи 22,5 фоизни, акциз солиғи 14,5 фоизни, бошқа тўловлар 2.6 фоизни ташкил этган. 2013 йилда бу кўрсаткичлар мос равишда 58,3, 22,1, 16,2 ва 3,4 фоиз бўлган. (2-жадвал)

2-жадвал.Божхона органлари томонидан 2013-2017 йилларда Давлат бюджетига ўтказилган божхона тўловлари таркиби (фоизда).

№	Божхона тўловлари турлари	2013 й.	2014 й.	2015 й.	2016 й.	2017 й
1	Импорт божхона божи	22,1	23,4	24,9	25,8	22,5
2	Қўшилган қиймат солиғи	58,3	56,1	54,5	54,1	60,4
3	Акциз солиғи	16,2	17,1	17,3	17,2	14,5
4	Божхона йиғимлари ва бошқа тўловлар	3,4	3,4	3,3	2,9	2,6
	Жами	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0

Божхона тўловларини ўсишига: ташқи савдо айланмаси ҳажмини кўпайиши, товарларнинг божхона қийматини аниқланишини такомиллашгаётганлиги, божхона тўловлари ставкаларини ўзгариши, эркин алмаштириладиган валюта курсининг ўзгариши, божхона соҳасида автоматлаштирилган ахборот тизимиидан самарали фойдаланилаётганлиги, божхона соҳаси бўйича меъёрий-ҳуқуқий базани такомиллашгаётганлиги каби асосий омиллар таъсир этган.

Умуман олганда, божхона тўловларини йиғилувчанлигини ва Давлат бюджети даромадлар қисмидаги улушини ошишига қуйидаги омиллар таъсир этади: импорт товарлари ҳажмини кўпайиши, товарларни божхона қийматини аниқлаш механизмларини такомиллаштириш, товарларни тўлиқ божхона кўригидан ўтгазиш орқали, уларни миқдорини аниқ белгилаш, товарларнинг келиб чиқиш мамлакатини тасдиқловчи сертификатларнинг ҳақиқийлигини аниқлаш, товарларнинг ташқи иқтисодий фаолият товарлар номенклатурасига хос код рақамларини тўғри белгилаш, божхона тўловларидан бериладиган имтиёзларни тўғри қўлланилишини таъминлаш ва бошқ.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, божхона тўловларини ундириш ва улардан бериладиган имтиёзларни самарадорлигини ошириш мақсадида қуйидагиларни амалга ошириш лозим деб ҳисоблаймиз:

- божхона тўловларидан берилаётган имтиёзларни эркин иқтисодий зоналардан ташқаридаги ташқи иқтисодий фаолият субъектларига бериладиган имтиёзлар билан таққослаш асосида ва чет элларнинг ушбу соҳадаги тажрибаларини ҳисобга олиб такомиллаштириб бориш;

- божхона тўловларидан берилаётган имтиёزلарни қўллаш механизмини божхона расмийлаштирувидан кейин жорий этиш, яъни олиб келинган товарлардан самарали фойдаланиш, рақоботбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш, ишлаб чиқаришни кенгайтириш каби мезонларни ҳисобга олган ҳолда илгари тўланган божхона тўловларини қайтариш тартибини жорий этиш;

- божхона тўловлари ставкаларини товарларнинг ички ва ташқи бозорлардаги талаб ҳамда таклифидан келиб чиқиб, доимий равишда такомиллаштириб бориш.

Юқоридаги таклифларни инобатга олган ҳолда мазкур йўналиш бўйича амалдаги меъерий ҳужжатларни такомиллаштириш, мамлакатимизда иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштириш жараёнларини янада тезлаштиради.

САБЗАВОТЧИЛИК ТАРМОҚЛАРИНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШДА ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ИМКОНИАТЛАРИ

**И.С.Саламов.–доцент,и.ф.н.,
Назарова М.Ш.-катта ўқитувчи, Сам.ҚХИ.**

“Сабзи даҳшатли рақ касаллигига қарши
курашда давримизнинг мўжизаси
ҳисобланади”. Н. Уокер

Миллий иқтисодиётимизни барқарор ўсишини таъминлашда, аҳолини витаминга бой сабзавот маҳсулотлари билан таъминлашда, ортиқчасини эса хориж маамлакатларига экспорт қилиб, мамлакатимиз ва мулкчиликнинг турли шаклларида фаолият кўрсатиб келаётган корхоналар даромадини оширишга имкониятлар мавжуддир. Бу имкониятлардан самарали фойдаланиш натижасида сабзавотчилик тармоқларини модернизациялашда инновацион техника ва технологиялар жорий этилмоқда.

Ўзбекистон Президенти 2016 йилнинг якуни бўйича қилган маърузасида “Кўпгина инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқиш чўзиб юборилмоқда. Ички бозоримизнинг кўплаб товарларга бўлган эҳтиёжи 50 фоиз даражасида ҳам қондирилмаяпти. Экспорт бўйича топшириқлар барбод қилинган. Хусусий тадбиркорларнинг ўзи ташаббус кўрсатаётганидан қаноатланиб юрибсиз. Тармоқда эса ҳалигача зарур силжиш йўқ” – деб мутасадди раҳбарларни танқид қилиб ўтган эди.

2016 йилнинг 8-10 ноябрь кунлари эса Тошкентда I Халқаро мева-сабзавот ярмаркаси бўлиб ўтди. Миллий иқтисодиётимизни ижобий томонга ўзгартиришда мамлакатимиз Президенти Ш.Мирзиёевнинг “Ўзбекистон Республикасида мева-сабзавотчиликни жадал ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги 2018 йилнинг 29 мартда имзолаган Фармонларига асосан уларнинг экин майдонлари кенгайтирилиши билан биргаликда тармоқ модернизация қилинади, инновацион техника ва технологиялар ривожланган мамлакатлардан мутахассислари билан кириб келади. Самарқанд вилоятининг Жомбой туманига хориждан 2 дона помидор ҳосилини йиғиштирадиган хорижий комбайн, яъни инновацион техника импорт қилинган. 2017 йили мамлакатимизда 23 миллион тонна мева-сабзавот маҳсулотлари етиштирилди. 2017 йилда биринчи марта ғалладан бўшаган қарийб 1 миллион гектар майдонда сабзавот, картошка, полиз ва дуккакли экинлар парваришланиб, улардан 5,5 миллион тоннадан ортиқ ҳосил олинди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг мамлакат ялпи ички маҳсулотдаги улуши 17 фоиздан ошмаган. Аграр соҳа маҳсулотларини қайта ишлаш ҳажми 10 фоизга ҳам етмаган. Холбуки ривожланган давлатларда 50 фоиздан ортиқни ташкил этилиши аниқланган. Сабзавот, полиз экинлар ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти томонидан 21,5 тонна сабзавот ҳамда полиз уруғлари етиштирилиб, фермер ва деҳқон хўжаликлариغا етказиб берилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 4 январдаги “2016 йилда мева-сабзавот маҳсулотлари, картошка, полиз ва узум ишлаб чиқариш ҳамда улардан

фойдаланишнинг истиқбол кўрсаткичлари тўғрисида”ги 1-сонли қарорига асосан 10 миллион 458 минг тонна сабзавот маҳсулотлари етиштириш бизнес режалаштирилган бўлиб, ҳақиқатда кўп ишлаб чиқарилди. 2016 йилда республикаimizни барча тоифа хўжаликларининг асосий, оралиқ ва такрорий майдонларига сабзавот, полиз ва картошка экинларини экиш учун жами 2875 тонна сабзавот уруғи фермер хўжаликлари ва аҳоли хонадонларидаги томорқаларга ўз муддатида етказиб берилди ва экилди.

Сабзавотчиликни ташкил этишда Самарқанд шаҳрида 1989-1991 йилларда ташкил этилган ва фаолияти вақтинчалик тўхтаб қолган истеъмолчиларга қишлоқ хўжалик маҳсулотларини (жумладан сабзавотларни) ва халқ истеъмол молларини йил давомида буюртма столи хизмати орқали “Дала-уй” “Дала-магазин-истеъмолчи” “Магазин-истеъмолчи” ва инфратузилманинг бошқа кўринишлари орқали буюртмалар бажарилар эди.

Ўтган 2017 йилда Самарқанд вилоятининг сабзавотчилик тармоғида 30 минг 68 гектарга сабзавот экинлари экилиб, рентабеллик даражаси 27,2 фоизни ташкил қилди. Туманлар ичида Тайлоқ туманида 30,4 фоизни, Самарқанд туманида 30,2 фоизни ташкил этди. Вилоят чорвачилигидаги гўшт етиштириш ва сотиш билан таққосласак унда рентабеллик даражаси 9,6 фоизга етган, холос. Сабзавотчилик тармоғининг чорвачилик тармоғига нисбатан 17,6 пунктга ортиқлиги миллий иқтисодиётимиздаги имкониятлар катта эканлигини кўрсатади.

Хулоса: Самарқанд вилоятининг Самарқанд ва Тайлоқ туманлари бошқа туманлар ичида энг юқори рентабеллик даражасига эришдилар. Инновацион техника ва технологиялар сабзавотчилик тармоғига кириб келмоқда.

Таклифлар: 1. Сабзавотчилик, вилоят истиқболида ўз ўрнига эга бўлиш учун сублиматорларни сабзавотчилик тармоғига қўллашни амалга ошириш, туманда яшайдиган оилалар ва туман бюджети даромадининг ошишига, шунингдек, маҳсулотларни етказиб бериш харажатларининг камайишига олиб келади.

2. Самарқанд шаҳрида, туманларда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини, жумладан сабзавотларни ва бошқа товарларни истеъмолчиларга буюртма столлари орқали етказиш бўйича 1989-1991 йилларда фаолият кўрсатган ва товар айланмасини 1,3-1,5 баробар оширган буюртма столи фаолиятини тиклаш ва такомиллаштиришда Германия, АҚШ, Канада, Жанубий Корея, Хитой, Япония, Чили мамлакатлари тадбиркорлари, ишбилармонлари ва бизнесменлари билан қўшма лойиҳалар ва қўшма корхоналар тузиб, амалий ишларни бошлаш керак.

3. Маҳаллий шароитда ишлаб чиқарилаётган сув танқислигига барҳам беришда “Гидрогел” ва Россияда торфдан тайёрланган “Таркуша” моддаларини сабзавот экиладиган майдонларда олимлар ҳамкорлигида кенг қамровли ҳаракат билан қўллашни ташкил этишни тавсия этамиз.

ЧОРВАЧИЛИКНИ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АЙРИМ КОНЦЕПТУАЛ ЙЎНАЛИШЛАРИ

доцент Д.Рахмонов, Самарқанд ҚХИ

Чорвачилик қишлоқ хўжалигининг икки асосий тармоғидан бири бўлиб, у аҳолини гўшт, сут, тухум каби қимматли озиқ-овқат маҳсулотларига, қайта ишлаш саноатини эса қорамол ва қўй териси, жун, қорақўл тери, пат ва пар каби хом ашёларга бўлган талабини қондиришга хизмат қилади. Чорвачилик глобал муаммолардан ҳисобланган бандликни таъминлашда ҳам муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистон Республикасида қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларнинг кўпчилиги қисми чўл, ярим чўл ва дашт ерлар ҳисобланиб, улардан яйлов чорвачилиги (қўйчилик, йилқичилик ва туячилик) гина фойдаланиши мумкин. Шунингдек, чорвачилик тармоқларидан бири бўлган қорақўлчилик маҳсулотларидан бири

ҳисобланган қорақўл терини экспорт қилишдан мамлакат бюджетига валюта тушиши таъминланади ва ҳоказо.

СамИСИ профессори, и.ф.д. М.Қ.Пардаевнинг фикрича, сўнги йилларда кўплаб илмий ишларда “.....ривожланиш концепцияси”, “концептуал асослар”, “концептуал йўналишлар” каби сўз бирикмалари ишлатилсада, айрим ҳолларда бу ишларда ўрганилаётган масаланинг концептуал асослари ёки концептуал йўналишлари ифода этилмаган бўлиб, уларнинг мазмунидан айнан тадқиқотда юқоридагиларнинг асоси ҳисобланган концепцияга дахлдор гапларни учратиш қийин. Аслида турли тиллардаги луғатларда келтирилган изоҳларга таянган ҳолда бирорта мавзунинг концепцияси ҳақида гап кетганда, у шу мавзунинг асосий моҳиятини, мағзини англатишини тушуниш лозим. Турли луғатлардаги изоҳлар, адабиётлар ва илмий ишларда келтирилган концепция тушунчаларнинг таҳлил қилган муаллиф унга қуйидагича таъриф беради: “концепция деганда, дунёни, унда содир бўладиган бирорта ҳодиса ёки жараёни тўғри тушуниши ва англашга қаратилган ғоялар, қарашлар, фикрлар тизими тушунилади”⁸⁵

Бугунги кунда чорвачиликни жадал ривожлантиришнинг концептуал йўналишлари сифатида моллар подасида насли моллар салмоғини кескин кўпайтириш, мустаҳкам ем-хашак базасини яратиш, сунъий уруғлантириладиган моллар сонини ошириш, чорва маҳсулотларини кўпроқ қайта ишлашга эришиш ва сифатини яхшилаш кабиларни мисол келтириш мумкин. Самарқанд вилояти қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасидан олинган маълумотлар бўйича вилоятнинг барча тоифадаги хўжаликларида 2018 йил 1 январ ҳолатига кўра жами қорамоллар 1466442 бошни, жумладан сигирлар

627114, қўй ва эчкилар 2322763, отлар 23555 ва барча турдаги паррандалар 9589334 бошни ташкил этиб, мос равишда уларнинг 4,3; 4,0; 5,1; 8,3 ва 21,7 фоизи фермер хўжаликларида боқиб, кўпайтирилмоқда. Вилоятда жами боқилаётган йирик шохли қорамоллар бош сони 5 йил аввалги кўрсаткичлардан 134,6; сигирлар 25,8; қўй ва эчкилар 381,9 ва барча турдаги паррандалар 2048,0 минг бошга ошганлигини кўриш мумкин. Шу даврда чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмлари ҳам ошган. Рақамларни таҳлил қиладиган бўлсак, 2017 йилда Самарқанд вилоятида 265432 тонна гўшт (тирик вазнда), 1238138 тонна сут, 1234,4 млн. дона тухум, 4632 тонна жун, 93144 дона қорақўл тери, 1340 тонна асал, 1984 тонна пилла етиштирилган ва 3856 тонна балиқ овланган. 2013 йилга нисбатан гўшт 51,2 ва сут 243,7 минг тоннага, тухум 400,1 минг донага, жун 199 тоннага ва қорақўл тери 4794 донага кўпайган. Етиштирилган асал ва овланган балиқ миқдорлари ҳам кўпайиб, фақат пилла миқдори 750 тоннага камайган, ҳолос.

Чорвачилик тармоғини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш бутун аграр тармоқни ривожлантириш концепциясининг муҳим қисми ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 29 декабрдаги ПҚ-2460-сонли “2016-2020 йиллар даврида қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилишни чуқурлаштириш ва ривожлантириш чоратadbирлари тўғрисида”ги қарорида шу йилларда қорамоллар сонини 3165 минг бошга, қўй ва эчкилар сонини 4281 минг бошга ва паррандалар сонини 31200 мингга ошириш вазифалари белгиланган. Натижада шу йиллар оралиғида гўшт ишлаб чиқариш ҳажми (тирик вазнда) 519 минг, сут 4177 минг, балиқ 90 минг, асал 13,7 минг тоннага ва тухум 4100миллион донага ошиши кўзда тутилган.

Кейинги йилларда чорвачилик ривожланган мамлакатлардан зотдор молларни олиб келиб, кўпайтиришни ташкил этишга жиддий эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг маълумотларига қараганда, 2006-2016 йиллар мобайнида Украина, Белоруссия, Польша, Австрия, Германия, Голландия ва бошқа Европа мамлакатларидан 69 175 бош маҳсулдорлиги юқори насли моллар келтирилган.

⁸⁵ Пардаев М.Қ. Концепция тушунчаси ва қишлоқ хўжалик соҳасини ривожлантиришнинг концептуал йўналишлари. Фан, таълим ва ишлаб чиқаришнинг инновацион корпоратив ҳамкорлигини ривожлантириш масалалари. СамҚХИ профессор-ўқитувчиларининг илмий мақолалар тўплами, Самарқанд, 2016, 214-217 бетлар

Чорва молларини турли касалликлардан асраш, наслини яхшилаш ва маҳсулдорлигини ошириш мақсадида мамлакатимизнинг барча ҳудудларида 2616 та зооветеринария пунктлари томонидан зооветеринария хизматлари кўрсатилган, 2465 минг бош сигир ва ургочи таналар сунъий уруғлантирилган, қорамолчилик йўналишида наслчилик хўжаликлари сони 610 тага етказилган, улар томонидан 7677 бош насли моллар тайёрланиб, аҳоли ва чорвачилик фермер хўжаликларига аукционлар орқали сотилган. 2016-2020 йилларда янгидан 1533 та наслчилик хўжалигини ташкил этиш режалаштирилган.

Чорва маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш асосида ярим тайёр ва тайёр озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича энг замонавий юқори технологик асбоб-ускуналар билан жиҳозланган янги қайта ишлаш корхоналарини куриш, мавжудларини реконструкция ва модернизация қилиш бўйича инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш чорвачиликни ривожлантиришнинг концептуал йўналишларидан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 5 мартдаги “2016-2020 йилларида мева-собзавот ва гўшт-сут маҳсулотларининг хом ашё базасининг янада ривожлантириш, уларни қайта ишлашни чуқурлаштириш, озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқариш ва экспорт қилишни кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2505-сон қарорига асосан 2016-2020 йилларда гўшт маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича қуввати 16 500 тоннага тенг 46 та, сут маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича қуввати 34 850 тоннага тенг 79 та янги корхона ишга тушириш кўзда тутилган бўлиб, бу борада 2016-2017 йилларга режалаштирилган ишлар асосан бажарилди.

Чорвачилик маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш бўйича тизимли тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида 2020 йилга келиб 2016 йилга нисбатан гўшт ва гўшт маҳсулотлари 59,5 фоиз, колбаса маҳсулотларини 68,8 фоиз, сут ва сут маҳсулотларини 56,6 фоиз, сариёғни 51,4 фоиз, пишлокни 2,5, гўштли консерваларни 2,4, балиқ маҳсулотларини 3,4 ва музлатилган балиқни 2,8 марта ошириш имконини беради.

Юқорида санаб ўтилган ва бошқа чорвачиликни жадал ривожлантиришнинг концептуал йўналишлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947 сонли Фармони билан тасдиқланган “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”да акс эттирилгани қувонарли ҳолдир.

ИННОВАЦИОННОЕ РАЗВИТИЕ ПРОМЫШЛЕННОГО КОМПЛЕКСА РЕГИОНОВ

доц.Туйчибоев Б.Б., ГулГУ

Одним из приоритетных направлений развития как экономики Узбекистана в целом, так и ее отдельных регионов, является инновационный путь развития. В настоящее время вопросам инновационного развития уделяется пристальное внимание во всех динамично развивающихся странах. Необходимость разработки научно обоснованных механизмов управления промышленным комплексом на основе его инновационно-технологического развития в целях структурной модернизации реального сектора национальной экономики и ее регионов, является одной из наиболее актуальных проблем. Истоки этой проблемы заключены в исторически сложившейся крайне непропорциональной, двухсекторной модели отраслевой структуры промышленности страны, включающей сектор экономики, ориентированный на экспорт и внутренний сектор экономики. В первую очередь, необходимо обеспечить опережающее развитие и адресную поддержку тех отраслей и производств, которые имеют и могут иметь высокую конкурентоспособность на мировом рынке и в предстоящий период могут стать локомотивами экономического роста, дальнейшей модернизации и диверсификации экономики⁸⁶.

⁸⁶ Каримов И.А. Создание в 2015 году широких возможностей для развития частной собственности и частного предпринимательства путем осуществления коренных структурных преобразований в экономике страны,

По нашему мнению, возможен только инновационный путь развития промышленного комплекса. Только в этом случае предприятия промышленного комплекса смогут обеспечивать непрерывное обновление технической и технологической базы, осваивать и в дальнейшем предлагать потребителю новые виды продукции и услуг, тем самым увеличивая эффективность и конкурентоспособность своего производства.

Промышленность нашей страны прошла долгий исторический путь и в корне изменилась в годы независимости, так как начала развиваться в соответствии с рыночной экономикой. В последние 10 лет, промышленность развивалась довольно быстро, в итоге Узбекистан занял свое место среди стран с развитой промышленностью. В годы независимости появились абсолютно новые отрасли, такие как автомобилестроение, моторостроение и создающие запчасти к этим отраслям, нефти и газоперерабатывающее отрасли, фармацевтика, а также производства современных телевизоров и компьютеров. Промышленность имеет немало важную роль в обеспечении занятости населения. По данным государственного статистического комитета 13 % из общего трудоспособного населения заняты в этой отрасли.

Важное направление инновационного типа развития - разработка механизма привлечения негосударственных инвестиций в стратегические инновации в промышленную сферу. Сложность в том, что основной особенностью инновационного сектора является его зависимость от неопределенного рыночного спроса. Кроме того, инновационный сектор является своего рода промежуточным звеном между сектором науки и промышленным комплексом, при этом характеризуясь еще и высоким инвестиционным риском с длительным периодом вложений.

Решение данной проблемы, по нашему мнению, заключено в создании технопарков, бизнес-инкубаторов, региональных инновационных центров, особых экономических зон, т.е. в формировании полноценной инновационной инфраструктуры развития промышленного комплекса региона. При этом особо следует отметить, что создание инновационной инфраструктуры предполагает интенсификацию интеграционных процессов ее элементов с предприятиями промышленности, а также формирование предпосылок кластерного взаимодействия субъектов экономической деятельности в промышленном комплексе региона.

Таким образом, организация взаимодействия и кооперация научнотехнической сферы и промышленного комплекса может существенно повысить эффективность инновационного сектора экономики.

Вместе с тем, важнейшим условием перехода экономики на инновационный путь развития является государственная поддержка этого вида деятельности.

Следует отметить, что рынки высокотехнологичной продукции развиваются чрезвычайно динамично. Они постоянно расширяются за счет новых перспективных технологий, что создает возможности изменения позиций на этих рынках для отдельных стран. Безусловно, центральное направление современного научно-технического прогресса связано с продолжающимся активным процессом развития информационных технологий. Оно характеризуется продолжением компьютерной революции, формированием глобальных телекоммуникационных сетей, нарастанием экономического использования интернет-технологий. В то же время они открывают возможности для зарождения принципиально новых областей знаний и технологий. Большинство прогнозов технологического развития мировой экономики выделяют нанотехнологии.

Вместе с тем, опыт развитых стран подтверждает, что в условиях глобальной конкуренции на мировом рынке выигрывает не только тот, кто имеет перспективные научные заделы, но и тот, кто имеет эффективную национальную инновационную систему, и, прежде всего, развитую инфраструктуру создания и реализации инноваций, кто владеет

наиболее эффективным механизмом инновационной деятельности, полным циклом воспроизводства инноваций⁸⁷.

Региональный аспект инновационного развития предполагает адекватное отражение всего многообразия социально-экономических и организационных условий для формирования стратегий эффективного развития региональных экономических систем. При этом одним из важнейших условий структурных изменений и дальнейшего экономического роста в значительном числе национальных регионов становится их ориентация на инновационный тип развития, что требует соответствующего инфраструктурного обеспечения. Становится необходимым усилить альянс «наука - производство», что невозможно без инфраструктурного фактора, «катализирующего» процесс трансферта инноваций. Инфраструктурный фактор следует рассматривать как комплекс взаимосвязанных элементов. Инновационная инфраструктура представляет собой совокупность организаций, фирм, объединений, обслуживающих реализацию инновационной деятельности по всему циклу воспроизводства инноваций.

Необходимость поддержки инфраструктурного обеспечения возрастает в условиях расширения властных полномочий региональных органов управления в осуществлении инновационной и промышленной политики на местах, начиная с разработки комплексных программ и завершая решением оперативных вопросов текущей деятельности по внедрению научно-технических новшеств в промышленный комплекс региона.

Таким образом, задачей современного регионального экономического развития Узбекистана является создание инновационной инфраструктуры для формирования высокотехнологичных конкурентоспособных отраслей, позволяющих отойти от экспортно-сырьевой направленности, и превратить Узбекистан в серьезного игрока на рынке высоких технологий и инноваций. Решение этой задачи невозможно без использования инновационно-технологического базиса для динамичного развития промышленных комплексов отечественных регионов.

ИҚТИСОДИЁТНИНГ РЕАЛ СЕКТОРИДА ИҚТИСОДИЙ ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ

А.А.Абдувохидов, ўқитувчи, ГулДУ

Мамлакат иқтисодиётининг жаҳон хўжалигидаги ўрнини реал секторнинг ривожланиши даражаси ва рақобатдошлиги белгилайди.

Иқтисодий адабиётларда иқтисодиётнинг реал секторига турлича таъриф берилган бўлсада, улар бугунги кунда реал секторни тўлиғича тавсифлаб бера олмайди. Шу боис иқтисодиётнинг реал секторига қуйидаги таърифларни бериш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз:

1. Иқтисодиётнинг реал сектори - иқтисодий ва қонуний белгилан-маган иқтисодий атама ҳисобланади ва маълум ҳудуддаги фаолияти маҳсулот ишлаб чиқаришга йўналтирилган кичик, ўрта ва йирик (индустриал) корхоналарни бирлаштирадиган иқтисодиёт соҳасидир; 2. Иқтисодиётнинг реал сектори - бу иқтисодиётнинг йирик таркибий қисми бўлиб, у турли ишлаб чиқариш соҳаларини ўхшаш тавсифлар, иқтисодий мақсадлар, функциялари орқали бирлаштиради ва назарий ҳамда амалий жиҳатдан иқтисодиётнинг бошқа қисмларидан фарқ қилади; 3. Иқтисодиётнинг реал сектори - бу иқтисодиётни материал-буюм маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи, номоддий бойликни яратувчи ва хизмат кўрсатиш соҳаларини ўз ичига оладиган соҳа; 4. Иқтисодиётнинг реал сектори капитални спекулятив ҳаракатини истисно қилган ҳолда иқтисодиётни тузилмавий қайта қуриш ва иқтисодий ўсиш жараёнларини бирлаштирадиган соҳа; 5. Иқтисодиётнинг реал сектори - бу иқтисодиётнинг муҳим сектори бўлиб, тўғридан тўғри маҳсулот ишлаб чиқариш, даромад

⁸⁷ Болтаев С. Б. Инновационные аспекты развития промышленного комплекса регионов Узбекистана.//Пути развития региональных агропромышленных комплексов в условиях модернизации экономики. Сборник республиканских научно-практических конференций. Т.: “Университет”. 2017. стр.343.

олиш ва бюджет даромадлари тушумини таъминлайди; 6. Иқтисодийнинг реал сектори – тижоратга асосланган серияли ва йирик миқдорда маҳсулот ва товарлар ишлаб чиқарувчи. жумладан, бино ва иншоотларни қуриш, алоқа, телекоммуникация, транспорт хизматини амалга оширувчи кичик. ўрта ва йирик корхоналар йиғиндисидир.

Иқтисодийнинг реал секторида хавфсизликни таъминлаш мамлакат миллий хавфсизлигини таъминлашнинг муҳим шартларидан бири бўлиб ҳисобланади. Чунки барқарорлик ва тараққиёт айнан реал ишлаб чиқариш, самарали фаолиятни таъминлаш, аҳоли бандлиги, унинг эҳтиёжларини тўлиқ қондириш билан бевосита боғлиқдир.

Иқтисодий реал секторининг иқтисодий хавфсизлиги энергетика, озиқ-овқат ва ахборот соҳаларида хавфсизликни таъминлаш билан бевосита боғлиқдир.

Реал секторнинг энг йирик, етакчи тармоғи – саноат тармоғи ҳисобланади. Унда меҳнат қуролилари (воситалари), меҳнат буюмлари ва халқ истеъмол товарларининг кўпчилик қисми яратилади; машина ва механизмларнинг барча турлари, бино ва иншоотларнинг конструктив элементлари ишлаб чиқарилади; ер ости бойликлари қазиб олиш амалга оширилади; минерал, ўсимлик ва ҳайвон хомашёсига ишлов берилади, кенг истеъмол моллари тайёрланади ва ҳ.к.лар.

Саноат тармоғи иқтисодийнинг барча тармоқларини ишлаб чиқариш воситалари, меҳнат қуролилари билан таъминлайди. Миллий иқтисодий, фан, маориф, маданият, соғлиқни сақлаш, спорт, туризм ва бошқа соҳалар ривожини саноатнинг тараққиёт даражасига боғлиқ. Ишлаб чиқариш кучлари ва муносабатлари тараққиётида саноатнинг тарихий роли бекиёсдир. Шу сабабли унинг ривожини ва самарадорлигини қанчалик юқори бўлса, давлатнинг мавқеи шунчалик кучли бўлади ва аҳоли турмуш даражаси янада яхшиланиб боради.

Саноат тармоғининг ривожини туфайли унда банд бўлган ходимларнинг сони кўпаяди, уларнинг билими ва маҳорати ортади, кадрлар салоҳияти юқори даражага кўтарилади.

Фақат йирик машина индустриясигина фан ва техника ҳамда инновациянинг барча ютуқларини мужассамлаштириб, меҳнатни техника билан қуроллантириб меҳнат унумдорлигини юқори даражага кўтара олади.

Саноат ва айниқса, унинг энг муҳим соҳаси бўлган оғир саноат мамлакатда кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришнинг асоси ҳисобланади. Шундан келиб чиққан ҳолда, мамлакатимизда саноат ва оғир машинасозлик вазирлигини ташкил этишни таклиф этган бўлар эдик.

Саноат моддий ишлаб чиқаришнинг бош тармоғи, иқтисодийнинг пойдеворидир. Миллий иқтисодийнинг барча тармоқларини қайта қуришга қодир бўлган йирик машиналашган саноатгина иқтисодий мустақилликнинг бирдан-бир моддий негизи бўлиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармонда олиб борилаётган ислохотлар самарасини янада ошириш, давлат ва жамиятнинг ҳар томонлама ва жадал ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиш, мамлакатимизни модернизация қилиш ҳамда ҳаётнинг барча соҳаларини либераллаштириш бўйича устувор йўналишларни амалга ошириш мақсадида 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тасдиқланди⁸⁸. Ушбу Ҳаракатлар стратегиясида иқтисодийни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишлари алоҳида муҳим ўрин эгаллайди.

Иқтисодийни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг асосида албатта таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш, миллий иқтисодийнинг етакчи тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш ҳисобидан унинг рақобатдошлигини ошириш масаласи туради.

Иқтисодийни модернизациялаш, ислохотларни чуқурлаштириш, янги ишлаб чиқариш қувватлари ва асосий фондларни яратиш, амалда фаолият юритаётган техника ва

⁸⁸Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли [Фармони](#). // Халқ сўзи, 8 февраль 2017 йил.

технологияларни янгилаш, уларни кўллаб-қувватлаш инвестицион жараёнларни нечоғлиқ тўғри ва самарали амалга оширишга боғлиқ. Мамлакатимизда иқтисодиёт тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш борасида амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар, уларнинг натижалари атрофлича муҳокама қилинмоқда.

Миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоқларининг рақобатдошлигини ошириш масаласини ҳал этиш бўйича Ҳаракатлар стратегияси-да иқтисодиётнинг таянч тармоқларидаги 4400 дан ортиқ корхонанинг рентабеллик даражасини ошириш ва молиявий соғломлаштириш ҳамда ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражасини юксалтириш асосида ишчилар сонини кўпайтиришга эришиш режалаштирилган. Бу тадбирлар натижасида корхоналарнинг рентабеллик даражаси ошади, ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражаси ва ишчилар сони кўпаяди.

Иқтисодиёт таркибида саноатнинг ривожланиш динамикасидаги муҳим ўзгариш корхоналар ва ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгиланиш асосида саноатда чуқур таркибий ўзгаришлар ва диверсификациянинг амалга оширилгани ҳисобланади.

Таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш ҳисобидан иқтисодиёт-нинг рақобатдошлигини оширишда ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни рағбатлантириш сиёсатини давом эттириш ҳамда энг аввало, истеъмол товарлар ва бугловчи буюмлар импортининг ўрнини босиш, тармоқлараро саноат кооперациясини кенгайтириш Ҳаракат дастурининг энг муҳим вазифалари қаторидан ўрин олган.

Мамлакатимиз экспорт салоҳиятидан самарали фойдаланиш ва уни кенгайтиришда экспортчи корхоналарнинг мақсад ва вазифаларини аниқ белгилаш, уларни амалга ошириш йўналишларидан келиб чиққан ҳолда, экспорт стратегиясини шакллантириш корхоналарнинг ҳозирги пайтда кучли рақобат шароитида ўз ўрни ва мавқени тўғри белгилаб олишига ёрдам беради. Жаҳон бозорларида рақобатнинг кескин тус олиши шуни кўрсатмоқдаки, эндиликда корхоналар ўз мақсад ва вазифаларини белгилашда нафақат маҳсулотга бўлган оддий талаб ва таклифдан келиб чиқишлари керак, балки биринчи навбатда, салоҳиятли истеъмолчиларининг эҳтиёжлари, ҳоҳиш-истаклари ҳамда мақсадларини доимо диққат марказда тутиб, уларни чуқур ўрганишлари ва шу шароитга мос келадиган стратегияни амалга оширишлари муҳим бўлиб қолмоқда.

Ўзбекистонда бозор муносабатларини шакллантиришнинг сифат жиҳатидан янги – эркин иқтисодий тизимни барпо этиш жараёнлари рўй бермоқда. Бу тартибни амалга оширишда иқтисодий очиқлик, миллий ва хорижий иқтисодий субъектларнинг тенг ҳуқуқлилигига ҳамда соғлом рақобат муҳитига алоҳида урғу берилади. Миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини таъминлашга қаратилган давлат сиёсати бу борада муҳим аҳамият касб этади. Биламизки, иқтисодиётни либераллаштиришга қаратилган ислохотларнинг бош мақсади Ўзбекистоннинг Жаҳон Савдо Ташкилотига аъзо бўлишига йўналтирилган. Бунинг учун эса ташкилот томонидан белгилаб берилган конценсус шартлар амалга оширилиши керак. Бу талаблар орасида очиқ савдо режимини вужудга келтириш, импорт тарифлари ва бошқа савдо чекловларининг камайтиришга алоҳида эътибор қаратилган. Мазкур ҳолат ўтиш иқтисодиётига эга мамлакатлар учун, айниқса, салбий ҳолатларни келтириб чиқариши мумкин. Таркибий ўзгаришлар ва янгиланишларни бошдан кечираётган миллий иқтисодиёт тармоқлари ва субъектларининг рақобатбардошлиги очиқ савдо режими шароитида жиддий ҳавф остида қолади. Шунинг учун иқтисодий ҳавфсизликни таъминлаш борасида давлатнинг ролини аниқ белгилаб олиш зарурати туғилади. Шуни таъкидлаш керакки, бу борадаги давлат сиёсати жамиятнинг барча аъзолари томонидан қабул қилинган ва асосланган стратегияга таяниши лозим.

Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистоннинг глобаллашув ва жаҳон хўжалигига интеграциялашув жараёнларига мослашувини кўзда тутувчи самарали ҳуқуқий ва қонунчилик, иқтисодий, ижтимоий, институционал ўзгаришларни амалга ошириш борасидаги фаол давлат сиёсатини амалга ошириш талаб этилади.

МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТ РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ ОШИРИШ ИҚТИСОДИЙ ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ СИФАТИДА

А.А.Абдувоҳидов ўқитувчи
Н. С. Саидова, талаба, ГулДУ

Рақобат бозор хўжалигининг энг муҳим хусусиятларидан бири бўлиб ҳисобланади. Иқтисодиёт соҳасида рақобат янги рақобатбардош товарлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш йўли билан ўз салоҳияти ва имкониятларини амалга ошириш учун шароитлар яратади.

Глобаллашув жараёнлари кучайиб бораётган шароитларда эса халқаро рақобат муаммолари биринчи ўринга чиқиб боради. Жаҳоннинг кўпгина мамлакатлари, шу жумладан, ўтиш иқтисодиётидаги мамлакатларда ҳам рақобат тўғрисидаги қонунлар қабул қилинган ва ушбу муаммолар билан шуғулланадиган идоралар ташкил этилган. Бу эса ўз навбатида бозор хўжалигининг муваффақиятли амал қилишида рақобатнинг етакчи ролини тан олинганлигидан далолат беради.

Миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш зарурияти бошқа шарт-шароитлар билан ҳам белгиланади. Масалан, ички бозорнинг чегараланганлиги замонавий технологияларини қўллаш орқали ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш имкониятларини ҳам бир мунча чеклайди. Бундан ташқари ҳар қандай мамлакат истеъмол товарларини маълум қисмини ташқи бозорлардан харид қилишга мажбур бўлади. Мана шундай шароитда мамлакат экспорт салоҳиятини ошириш импортни таъминлаш учун валюта тушумларини кафолатлайди. Маълумки, бир неча йиллардан бери мамлакатларнинг жаҳон хўжалик тизимида рақобатбардош-лигини аниқлаш ҳамда уларни рақобатбардошлик рейтингини тузиш бўйича тадқиқотлар олиб борилади. Ҳар йили Бутун жаҳон иқтисодий форуми Глобал рақобатбардошлик даражаси тўғрисида ҳисобот эълон қилади. Бу борада дастлабки маъруза 1979 йилда чоп этилган бўлиб, 2004 йилдан бошлаб мамлакатлар рақобатбардошликнинг глобал индекси асосида кетма –кетлик тартибида рўйхатга киритилади. Рақобатбардошлик индекси мамлакатнинг ўз фуқаролари учун муносиб ҳаёт кечириш имкониятини таъмин этишга қай даражада қодир эканлигини кўрсатади. Бу эса, биринчи навбатда мавжуд ресурслардан нечоғли самарали фойдаланилаётганлигига боғлиқдир. Эркин бозор шароитида фуқароларнинг муносиб ҳаёт кечиришларини таъмин этиш учун одатда, муттасил тарзда меҳнат унумдорлигини ошириб бориш, товар ва хизматлар сифатини яхшилаш талаб этилади. Бутун жаҳон иқтисодий форуми экспертларининг фикрича, глобал рақобатбардошлик индексидан мамлакатлар иқтисодий тараққиёт ва рақобатбардошликни таъминлаш борасидаги тўсиқларни бартараф этиш, иқтисодий сиёсатни амалга оширишдаги муаммоли вазиятларни таҳлил қилиш ва барқарор иқтисодий ўсишга эришиш стратегиясини ишлаб чиқишда фойдаланишлари мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Бутун жаҳон иқтисодий форуми вакилларининг таъкидлашларича, мамлакат иқтисодиётининг рақобатбардошлигига турли –туман омиллар таъсир кўрсатади. Масалан, давлат молиясини самарасиз бошқариш, юқори инфляция даражаси иқтисодий вазиятга салбий таъсир кўрсатса, интеллектуал мулк муҳофазаси, ривожланган суд –ҳуқуқ тизими кабилар ижобий таъсир кўрсатади. Институционал омиллар билан бир қаторда таълим ва ишчи кучи малакасини ошириш, доимий равишда янги билим ва технологияларга эғалик қилишга интилиш ҳам рақобатбар-дошликка таъсир кўрсатувчи муҳим омиллардан саналади. Бугунги кунда мамлакатлар рақобатбардошлигини баҳолашнинг умумлашган кўриниши бўлиб, Колумбия университети профессори Ксавье Сала-и-Мартин (Xavier Sala-i-Martin, Columbia University) томонидан Бутун жаҳон иқтисодий форуми учун махсус ишлаб чиқилган ва 2004 йилда биринчи мартаба нашр қилинган Глобал рақобатбардошлик индекси ҳисобланади.

Глобал рақобатбардошлик индекси иқтисодий тараққиётнинг турли даражасида бўлган мамлакатларнинг рақобатбардошлик даражасини синчковлик билан таҳлил этиш ва

тавсифлаш имконини берувчи 113 та ўзгарувчидан ташкил топган. Барча ўзгарувчилар миллий рақобатбардош-ликни аниқлаб берувчи 12 та назорат кўрсаткичларига бирлаштирилган:

1. Институтлар сифати; 2. Инфратузилма; 3. Макроиктисодий барқарорлик; 4. Соғлиқни сақлаш ва бошланғич таълим; 5. Олий таълим ва касбий тайёргарлик; 6. Товар ва хизматлар бозори самарадорлиги; 7. Меҳнат бозори самарадорлиги; 8. Молия бозорининг ривожланганлиги; 9. Технологик тараққиёт даражаси; 10. Ички бозор кўлами; 11. Корхона-ларнинг рақобатбардошлиги; 12. Инновацион салоҳият.

Юқорида санаб ўтилган омил ва кўрсаткичларнинг ҳеч бири ўзи алоҳида иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини таъмин этишга қодир эмас.

Рақобатбардошлик – иқтисодий хавфсизликни таъминлашнинг энг муҳим механизми бўлиб ҳисобланади. Иқтисодий хавфсизлик ва рақобатбардошлик доимо ўзаро муносабатда бўлиб туради. Иқтисодий хавфсизлик ҳам, рақобатбардошлик ҳам миллий хўжалик мажмуаси ва унинг таркибий қисмларини тавсифловчиларидир. Шу билан бирга рақобатбардошлик бир пайтнинг ўзида ҳам мақсад, ҳам миллий хўжалик мажмуаси ва унинг таркибий қисмларини ривожланиш даражасини индикатори бўлса, иқтисодий хавфсизлик унинг мавжудлиги ва ривожланиш шarti сифатида намоён бўлади.

Мамлакатда рақобатни қўллаб-қувватлаш, уни ривожлантириш, рақобат муҳитини яратиш макроиктисодий барқарорликни таъминлаш, юксак иқтисодий ўсишга эришиш, иқтисодиётнинг самарали таркибини шакллантиришда ва миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини оширишда муҳим аҳамиятга эга бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистондаги иқтисодий ислохотларнинг ўзига хос хусусиятларидан бири давлатни ижтимоий-иқтисодий ҳамда сиёсий соҳалардаги ўзгаришларни амалга оширишда бош ислохотчи эканлигини белгиловчи тамойилдир. Ўтиш даврида айнан давлат миллий манфаатлардан келиб чиққан ҳолда ислохотлар жараёнини тартибга солиб туриши, иқтисодий ривожланишнинг асосий мақсади ва устувор вазифаларини белгилаши, давлатнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги туб ўзгаришлар сиёсатини ишлаб чиқиши ва изчил амалга ошириши зарур эканлигини Ўзбекистон тажрибаси яққол намоён қилди.

Ўтган 26 йиллик мустақил тараққиёт даврида иқтисодиётда маъмурий-бўйруқбозликка асосланган бошқарув тизимидан мутлақо воз кечилиб, бозор ислохотлари босқичма-босқич амалга оширилгани ва пул-кредит сиёсати пухта ўйлаб олиб борилгани макроиктисодий барқарорликни, иқтисодиётнинг юқори суръатлар билан ўсишини, инфляцияни прогноз кўрсаткичлари даражасида сақлаб қолишни таъминлади ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, фермерлик ҳаракатини ривожлантириш учун кенг имкониятлар ва қулай шароитлар яратилишига хизмат қилди.

Айни вақтда мамлакатимиз босиб ўтган тараққиёт йўлининг чуқур таҳлили, бугунги кунда жаҳон бозори конъюнктураси кескин ўзгариб, глобаллашув шароитида рақобат тобора кучайиб бораётгани давлатимизни янада барқарор ва жадал суръатлар билан ривожлантириш учун мутлақо янгича ёндашув ҳамда тамойилларни ишлаб чиқиш ва рўёбга чиқаришни тақозо этмоқда.

Шуларни эътиборга олиб, Ҳаракатлар стратегиясининг учинчи йўналишида макроиктисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолишнинг қуйидаги вазифалари белгилаб олинди:

макроиктисодий мутаносибликни сақлаш, қабул қилинган ўрта муддатли дастурлар асосида таркибий ва институционал ўзгаришларни чуқурлаштириш ҳисобидан ялпи ички маҳсулотнинг барқарор юқори ўсиш суръатларини таъминлаш;

ҳаражатларнинг ижтимоий йўналтирилганини сақлаб қолган ҳолда, давлат бюджетининг барча даражаларида мутаносибликни таъминлаш, маҳаллий бюджетларнинг даромад қисмини мустаҳкамлашга қаратилган бюджетлараро муносабатларни такомиллаштириш;

солиқ юкини камайтириш ва солиққа тортиш тизимини соддалаштириш сиёсатини давом эттириш, солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш ва тегишли рағбатлантирувчи чораларни кенгайтириш;

илғор халқаро тажрибада қўлланиладиган инструментлардан фойдаланган ҳолда, пул-кредит сиёсатини янада такомиллаштириш, шунингдек, валютани тартибга солишда замонавий бозор механизмларини босқичма-босқич жорий этиш, миллий валютанинг барқарорлигини таъминлаш;

банк тизимини ислоҳ қилишни чуқурлаштириш ва барқарорлигини таъминлаш, банкларнинг капиталлашув даражаси ва депозит базасини ошириш, уларнинг молиявий барқарорлиги ва ишончилигини мустаҳкамлаш, истиқболли инвестиция лойиҳалари ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кредитлашни янада кенгайтириш;

суғурта, лизинг ва бошқа молиявий хизматларнинг ҳажмини уларнинг янги турларини жорий қилиш ва сифатини ошириш ҳисобидан кенгайтириш, шунингдек, капитални жалб қилиш ҳамда корхона, молиявий институтлар ва аҳолининг эркин ресурсларини жойлаштиришдаги муқобил манба сифатида фонд бозорини ривожлантириш;

халқаро иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш, жумладан, етакчи халқаро ва хорижий молиявий институтлар билан алоқаларни кенгайтириш, пухта ўйланган ташқи қарзлар сиёсатини амалга оширишни давом эттириш, жалб қилинган хорижий инвестиция ва кредитлардан самарали фойдаланиш.

Иқтисодиётни либераллаштириш шароитида макроиқтисодий кўрсаткичлар ҳамда валюта бозори ҳолати устидан тизимли мониторингни амалга ошириш, зарурият туғилганда, миллий валюта ва ички бозордаги нархларнинг барқарорлигини ошириш, макроиқтисодий мувозанатни сақлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлашга йўналтирилган қонунчиликни такомиллаштириш бугунги куннинг муҳим масалаларидан ҳисобланади.

НЕОБХОДИМОСТЬ РАЗВИТИЯ СЕЛЬСКОГО ТУРИЗМА КАК ОСНОВНОЙ ФАКТОР БЛАГОПОЛУЧЕНИЯ НАСЕЛЕНИЯ НА СЕЛЕ

**Аллаярова М.К. старший преподаватель,
Жоникулов Б.Р. студент ГГУ**

Туризм, являясь одной из крупнейших высокодоходных отраслей мирового хозяйства, оказывает влияние на развитие национальной экономики. При этом конкурентоспособный туристический комплекс вносит значительный вклад в социально-экономическое развитие региона, за счет привлечения дополнительных инвестиций, налоговых поступлений в бюджет, увеличения числа рабочих мест, увеличения валютных поступлений, роста уровня жизни местного населения, сохранения и рационального использования культурного, исторического и природного наследия.

Обладая колоссальными туристическими ресурсами, в Узбекистане насчитывается около 4000 природных и историко-культурных памятников, превращается в туристическую зону.

Узбекистан при соответствующем уровне развития туристической инфраструктуры способен принимать в год свыше 10 миллионов иностранных туристов.

Республика Узбекистан обладает высоким туристско - рекреационным потенциалом. Здесь сосредоточены уникальные природные и рекреационные ресурсы, объекты национального и мирового культурного и исторического наследия.

Во многих регионах представлен широкий спектр потенциально привлекательных туристских объектов и комплексов, пользующихся большой популярностью у иностранных туристов. Наличие разнообразных туристско – рекреационных ресурсов страны позволяет развивать различные виды туризма, в том числе рекреационный, культурно – познавательный, деловой, активный, оздоровительный и экологический, спортивный, а также сельский и другие.

Одним из приоритетных видов туризма, на который необходимо обратить внимание в процессе развития данной индустрии и привлечения дополнительного числа туристов, является сельский туризм. Это направление может стать одним из важных источников получения доходов для сельского населения и рыночной нишей для многих сельских предпринимателей.

В условиях реализации целевых программ, развитие сельского туризма оказывает позитивное влияние на сохранение и потенциал сельских территорий, рациональное использование их ресурсов, стимулирует развитие личных подсобных хозяйств, расширяя спрос на экологически чистые, натуральные продукты питания и другие. Развитие сельского туризма также влияет обустройству сельских территорий, сельское строительство, народные промыслы, культуру и самобытность, то есть, в целом на решение социально-экономических проблем, прежде всего, занятости населения сельской местности.

Активное развитие этого нового сектора экономики могло бы помочь в решении задач, стоящих перед нашим государством, селом – с одной стороны, и перед туристской отраслью – с другой.

На сегодняшний день бурное развитие сельского туризма в регионах республики сдерживается некоторыми препятствиями, возникающими на пути его продвижения:

- несовершенство механизмов по созданию благоприятного инвестиционного климата в сфере сельского туризма;
- неразвитость инфраструктуры сельских территорий, в том числе дорожной сети, транспортного, бытового обслуживания и т.д.
- недостаточная информированность сельских жителей о возможностях сельского туризма;
- низкая ресурсная обеспеченность селян, желающих заниматься организацией сельского туризма;
- отсутствие квалифицированных кадров в сельском туризме.

Поэтому для реализации имеющихся возможностей развития сельского туризма в регионах нужно создать следующие условия:

- законодательную базу регулирования рынка сельского туризма;
- обеспечить целевое финансирование и государственную поддержку малых предпринимателей;
- стимулировать инвестиции в развитие внутреннего сельского туризма;
- развивать туристскую инфраструктуру в сельской местности;
- стимулировать развитие малого бизнеса для оказания сопутствующих туризму сервисных услуг;
- разработать учебные программы для подготовки кадров для сельского туризма и сопутствующих отраслей;
- обеспечить поддержку продвижения региональных сельских туристических продуктов на внутреннем и международном туристских рынках.

Таким образом, реализация имеющихся возможностей даст толчок для бурного развития сельского туризма в регионах Узбекистана. Правильно спланированный и организованный сельский туризм может стать одним из перспективных направлений структурной перестройки экономики села, фактором возрождения и социально – экономического развития сельских территорий страны.

АНАЛИЗ СТРУКТУРНЫХ ПРЕОБРАЗОВАНИЙ В НАЦИОНАЛЬНОЙ ЭКОНОМИКЕ В УСЛОВИЯХ ПЕРЕХОДА К ИННОВАЦИОННОЙ ЭКОНОМИКЕ

Аллаярова М.К., старший преподаватель, ГГУ

Динамика экономического развития Узбекистана в годы независимости наглядно демонстрирует эффективность и состоятельность выработанной «узбекской модели»

перехода к рыночной экономике. Происходит много знаковых событий и преобразований. Это служит ярким подтверждением масштаба и взаимосвязанности осуществленных в стране кардинальных преобразований по реформированию экономики, а также объективным свидетельством того, что, несмотря на все трудности, проблемы, вызовы и испытания, которые приходится преодолевать, в Узбекистане наблюдается поразительные перемены в динамике и структуре экономики, развитии производственного и экспортного потенциала, социальной сферы, уровне и качестве жизни населения.

В условиях становления новой модели социально-экономического развития страны конкурентоспособность предпринимательских структур занимает главенствующее положение в системе национального хозяйствования. Именно в конкурентоспособности отечественных предпринимателей концентрируются основные экономические категории – качество продукции и цена, товарная политика, маркетинг, научно-технический и производственный потенциал.

Согласно Указа Президента Республики Узбекистан были приняты программы для повышения путей развития предпринимательской деятельности и конкурентоспособности малого бизнеса, разработанной Ш. Мирзиёевым «Стратегия действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021гг». В основу стратегий действий легли концептуальные вопросы общественно-политического, социально-экономического, культурно-гуманитарного развития и модернизации страны, либерализация всех сфер жизни.

В стратегию действий включены 5 приоритетных направлений развития страны: 1. Совершенствование государственного и общественного строительства. 2. Обеспечение верховенства закона и дальнейшее реформирование судебной-правовой системой. 3. Развитие и либерализация экономики. 4. Развитие социальной сферы. 5. Обеспечение безопасности международного согласия и религиозной толерантности.

В 2017-2021 годах планируется реализовать отраслевые программы, предусматривающие в общей сложности 649 инвестиционных проектов на сумму 40 миллиардов долларов США. В результате в последующие 5 лет производство промышленных товаров увеличится в 1,5 раза, его доля в ВВП (включая строительство) – до 32,9 процентов, доля перерабатывающей отрасли – до 80,3 процентов.

В сельской местности запланировано строительство 15 тысяч доступных жилых домов, 415 км путей водоснабжения, 316 км – газоснабжения и 291 км – внутренних дорог. В целях улучшения качества оказания транспортных услуг населению намечается ввести 86 новых автобусных направлений и приобрести 537 современных автобусов.

Высокая приспособляемость современных предпринимательских структур и массовый охват всех сфер внутреннего рынка страны обеспечивает устойчивость развития экономики. В этой связи совершенствование методического инструментария обеспечения конкурентоспособности предпринимательских структур посредством диверсификации характеризуется высокой значимостью, обусловленной стратегической ролью данного фактора.

Диверсификация – мера разнообразия в совокупности. Она снижает риск инвестиционного портфеля, при этом чаще всего не снижая доходность. Наибольший эффект от диверсификации достигается добавлением в инвестиционный портфель активов различных классов, отраслей, регионов. Модернизация и диверсификация производства поставила перед страной задачи по обновлению производственного потенциала страны, связанные и с расширением деятельности созданных в Узбекистане специальных индустриальных зон. Этому свидетельствует накопленный опыт в деятельности созданных в Узбекистане специальных индустриальных зон «Навои» и «Ангрен». С момента создания свободная индустриальная экономическая зона «Навои» и на ее территории введены в эксплуатацию производства по 19 инвестиционным проектам на общую сумму свыше 100 миллионов долларов. Надо особо отметить, что ассортимент продукции составляет такие современные виды продукции, как модемы и ТВ-приставки, электронные счетчики

электроэнергии, силовые кабели, отопительные и водонагревательные котлы, мобильные и стационарные телефонные аппараты, готовые лекарственные средства и другие.

Свободная индустриальная зона «Ангрен» за короткий срок наладила производство высокотехнологичной продукции по 5 проектам на общую сумму около 44 миллионов долларов – энергосберегающих светодиодных ламп, медных труб различного диаметра, брикетного угля, а также завершено строительство нового завода по производству сахара и других предприятий. Учитывая накопленный опыт, в Джизакской области была создана специальная индустриальная зона «Джизак» с филиалом в сырдарьинской области, в которой активно ведутся работы по опережающему развитию транспортной, производственной и инженерно-коммуникационной инфраструктуры. Вследствие модернизации и диверсификации технологически обновляются практически все отрасли экономики, в структуре ВВП доля промышленности в настоящее время составляет более 24,2 процента против 14,2 процента в 2000 году.

Таким образом, сегодня мы можем гордо говорить, что за исторически короткий период Узбекистан превратился в современное, независимое и суверенное государство, развивающееся устойчивыми и стабильными темпами.

КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНТИРИШДА ИЛҒОР РИВОЖЛАНГАН МАМАЛАКАТЛАР ТАЖРИБАЛАРИ

Исматов Ш. А – ТерДУ катта ўқитувчиси

Бугун жаҳоннинг ривожланган мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик мамлакатнинг барқарор ривожлантиришининг асосий омили ҳисобланади. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик бозор конъюктураси ўзгаришига тез мослаша оладиган, кўп маблағ талаб этмайдиган, тезликда иқтисодий қарорларни қабул қила оладиган, янги техника-технологияларни ва янгиликларни тез қабул қилаоладиган ҳамда меҳнат унумдорлиги юқори бўлган фаол хўжалик субъекти сифатида намоён бўлмоқда.

Бугун кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш мамлакатда ўрта мулкдорлар синфини шакллантириш, ички бозорни нисбатан арзон ва сифатли зарурий товар ва хизматлар билан тўлдириш, янги иш ўринларини яратишга, шунингдек улар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни экспортга йўналтири орқали мамлакатимизнинг экспорт салоҳиятини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2015 йилда кичик тадбиркорликнинг ЯИМдаги улуши 56,7 фоизга етгани, яъни 2000 йилдаги 31 фоиз ўрнига ёки 1,8 баробар ошгани юқоридаги фикримизнинг далилидир.

Турли манбаларни ўрганиш асосида ривожланган ва ривожланиш босқичига кираётган хорижий мамлакатларнинг бу борадаги тажрибаларини ўрганиш ва таҳлил этиш асосида уларни мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг салмоғини оширишга тадбиқ этиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Ривожланган мамлакатларда кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш давлат аҳамиятига эга бўлган мажмуавий комплекс тузилма бўлиб, бунда тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш қонуний асосланган бўлиб, тадбиркорлар кредит ресурсларидан фойдаланишда, солиқ тўлашда турли хил имтиёзларга эга. Масалан, Германияда давлат қишлоқ жойларида цехлар қуринишидаги ишлаб чиқариш хўжалиқларининг фаолиятини қўллаб-қувватлаш, ҳар томонлама рағбатлантириш бўйича қарорлар қабул қилиб, қишлоқ хўжалиқ маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларининг маълум бир экин турига ёки ўсимликка ихтисосланмаганлиги, озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат, истеъмол молларининг ишлаб чиқарилиши кенг йўлга қўйилишига катта аҳамият бермоқда.

Японияда эса кичик ва йирик кооперация тармоқларини шакллантириш, майда ва ўрта бизнес имкониятларини ривожлантириб, йирик корхоналар тизимини яратишга, ташқи бозорларда япон маҳсулотлари ва технологиясининг кадр-қимматини оширишга алоҳида эътибор берилган бошланди. Барча кичик саноат фирмаларининг 60 фоиздан

кўпроғи йирик фирмалар билан субподряд асосида ишлайди. Корхона субподрядчи турли масштабдаги субподряд компанияларга қирувчи йирик компанияларнинг ярим мустақил аъзолари бўлиб, бу субподряд компаниялар атрофида гуруҳланган бўлади.

Хитойда иқтисодий ислохотлар ва модернизациялашнинг ажойиб ва оригинал жиҳатлардан бири бу “очик” иқтисодий сиёсатнинг олиб борилишидир. Бу сиёсатнинг моҳияти шундаки, мамлакатда махсус иқтисодий зоналар ташкил этилган, 14 та йирик денгиз портлари ва шаҳарлар очик деб эълон қилинган. Бутун Хайнан провинцияси (шу ном билан аталувчи оролда жойлашган) майдони махсус очик иқтисодий худуд деб эълон қилинди. Шанхайда Пундун янги очик иқтисодий район ташкил этилди.

Шунингдек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасида Жанубий Корея, Исроил, Малайзия ва Иордания каби давлатларда ҳам фойдали тажрибалар тўпланган.

Сўнги йилларда Исроил давлати кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни хар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган сиёсатни ишлаб чиқиб, 1998 йилда кичик бизнес ривожлантириш буйича 64 та марказ ташкил этилди.

Статистик маълумотларга кўра ривожланган мамлакатларда ялпи ички маҳсулотнинг 50-67 фоизи кичик бизнес корхоналари хиссасига тўғри келади. Бу кўрсаткич АҚШда 50-52 фоизни, Европа Иттифоқи мамлакатларида 63-67 фоизни, Японияда 52-55 фоизни ташкил этади. МДХ мамлакатларида эса кичик бизнеснинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши ривожланган мамлакатларга нисбатан паст кўрсаткични ташкил этмокда.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимки, жахон амалиётида ҳамда ривожланган бозор иқтисодиёти мамлакатларида кичик бизнес ижтимоий- иқтисодий муаммоларни хал этишда, янги иш ўринларини барпо қилишда, бозор ўзгаришларига нисбатан тез мослашишида ва мулкдорлар синфини шакллантиришда алоҳида аҳамиятга ва юқори самарадорликка эга эканлигини тасдиқламокда. Шу нуқтаи назардан бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатларнинг кичик бизнес ва уни молиялаштириш юзасидан тажрибаларини атрофлича ўрганиш ва самарали булган усулларни миллий иқтисодиётнинг хусусиятларини хисобга олган ҳолда жорий қилиш долзарб масаладир. Бу эса, ўз навбатида, республикада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни изчил ривожлантириш, бунинг натижасида, мамлакат иқтисодиётини юксалтириш ва аҳоли турмуш даражасини кўтаришга муҳим замин яратади.

Республикамизда 2018 йил “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили” деб эълон қилиниши мамлакагимизда олиб борилаётган иқтисодий ислохотларнинг янада жадаллашувига кичик бизнеснинг ялпи ички маҳсулотдаги улушининг ошиши асосий омил бўлиб хизмат қилади.

ҲУДУДИЙ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА САНОАТНИНГ ЎРНИ

Маматқулов Т. Д - ТерДУ к. ўқитувчиси

Инновацион иқтисодиётга ўтиш шароитида миллий иқтисодиётда саноат соҳаси кейинги вақтларда жадаллик билан ривожланиб бормокда. Буни биз иқтисодиётдаги олиб борилаётган жараёнларда аниқ кўришимиз мумкин. Амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг объектив шароитлари, давлат иқтисодий сиёсатининг асосий йўналишлари ва амалга оширилаётган ислохотларнинг моҳияти ушбу тармоқни янада самарали ривожлантиришга қаратилгандир.

Саноат маҳсулотларининг сифати ва унинг рақобатбардошлигини таъминлаш, ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини кучайтиришдир. Хозирги кунга келиб саноатнинг кенг

миқёсда мамлакатимизнинг иқтисодий ривожланишида ўзининг ижобий самарасини бермоқда.

Республикаимизнинг инновацион иқтисодиётга ўтиш шароитида миллий иқтисодиётда sanoat соҳасида эришилаётган ютуқларида ҳудудий sanoat корхоналарининг ҳам ўрни аҳамиятли бўлиб, жумладан, Сурхондарё вилоятида ҳам sanoat ишлаб чиқариши жадал суратлар билан ўсиб бормоқда. Иқтисодиётда таркибий қайта ўзгартиришларни янада кенгайтириш, вилоятдаги мавжуд хом-ашё захираларидан келиб чиққан ҳолда янги йўналишдаги ишлаб чиқариш тармоқларини ташкил этиш ва натижада рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш, экспорт ҳажмини кўпайтириш, фаол инвестиция муҳитини шакллантириш, тармоқлараро sanoat кооперациясини кенгайтириш борасида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, 2017 йилда ўтган йилга нисбатан ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми - 103,6 фоизга, sanoat маҳсулотлари ишлаб чиқариш 101,0 фоизга, қурилиш ишлари 105,2 фоизга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 105,5 фоизга, жами хизматлар 104,9 фоизга, чакана савдо айланмаси 104,0 фоизга ўсиши амалга оширилди.

Ҳудудни комплекс ривожлантириш, sanoat тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш, вилоят иқтисодиётига чет эл инвестицияларини жалб этиш масалалари бўйича ҳам етарлича ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Жарқўрғон туманида "Сурхонцементинвест" хорижий корхонаси томонидан йиллик қуввати 360 минг тонна цемент маҳсулоти ишлаб чиқаришга мўлжалланган завод барпо этиш бўйича ишлаб чиқариш бино ва иншоотларни, муҳандислик коммуникация тармоқларини қуриш ишлари якунланди. Зарурий асбоб-ускуналар технологиялар келтирилган, ҳамда уларни ўрнатиш ишлари амалга оширилмоқда.

Вилоятда энгил sanoat соҳасини жадал ривожлантириш, кейинги беш йилда вилоятда етиштирилган пахта толасининг 80 фоизини қайта ишлаш ва ундан ишлаб чиқарилган энгил sanoat маҳсулотларининг 70 фоизи ташқи бозорларга экспорт қилишни ташкил этиш бўйича "Нортекс стайл" ХКга 4,8 млн доллар, "Сурхон сифат текстил" МЧЖга 15,7 млн доллар, "Шохмохкашшоб" ХКга 12,25 млн доллар, "Амудар текстил" МЧЖга 13,2 млн доллар, "Сурхон текстил кийимлари" МЧЖга 1.4 млн доллар кредит маблағлари ажратилган ҳамда ушбу лойиҳалар бўйича қурилиш-монтаж ишлари олиб борилмоқда.

Шунингдек, Шўрчи туманида "Мумин Текстил" МЧЖ томонидан 2 529,0 минг ЕВРО миқдорида хорижий кредит линияси ҳисобидан "Truetzshler GmBH&Co.KG" (Германия) компаниясидан йилига 3 минг тонна ип калава ишлаб чиқариш қувватига эга ускуналар келтирилиб ўрнатилди ҳамда объект тўлиқ фойдаланишга топширилди.⁸⁹

Юқоридаги маълумотлардан келиб чиққан ҳолда, вилоятда sanoat тармоқларини кенгайтириш ва ислохотларнинг иқтисодий натижаларини самарали таъминлашга қаратилган. Худудида sanoat тармоқларини ривожлантириш ва ислох қилишда ижобий ўзгаришлар билан бир қаторда маълум муаммолар ҳам мавжуд бўлиб, ушбу муаммоларни ечими сифатида қуйидаги таклифларни келтириб ўтамиз:

* Инновацион иқтисодиётга ўтиш шароитида ҳудудда sanoat тармоқларининг барча соҳасини янада кенг миқёсда комплекс ривожлантириш;

* ҳудудга чет эл инвестицияси иштирокидаги sanoat корхоналарини маҳаллий хом-ашёларни қайта ишлашга ва ундан тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришга кенг жалб этиш;

* Хорижий ишбилармон доиралар ўртасида ва оммавий ахборот воситаларида вилоятнинг иқтисодий ва ресурс салоҳияти ҳамда инвестицияларни жалб қилиш учун яратилган қулай шароитлар ҳақида кенг ёритиш;

* Хорижий инвесторларни ахборот билан таъминлаш, уларга истиқболли лойиҳалар ва инвестиция фаолиятининг меъёрий-ҳуқуқий асослари ҳақидаги маълумотларни тақдим қилиш;

⁸⁹ Сурхондарё вилояти Статистика ахборотномаси 2017 йил 16-18-бетлари

* Худудда хорижий инвесторлар ва маҳаллий тадбиркорлар ўртасида учрашув ва музокараларни ташкил этиш;

* Хорижий мамлакатларда реклама тадбирлари ва акциялари ўтказиш орқали вилоятнинг юқори даражадаги халқаро имиджини шакллантириш ва қўллаб-қувватлаш.

Юқоридаги келтирилган таклифлардан келиб чиқиб, инновацион иқтисодиётга ўтиш шароитида миллий иқтисодиётда саноат ишлаб чиқариш тармоқларини жадал ривожлантириш ҳудудий иқтисодиётнинг юксалишига олиб келиб ўз навбатида худуд аҳолисининг турмуш даражаси фаровонлигининг оширилишига, аҳоли даромадларнинг кўпайишига, иш билан бандликнинг таъминланишига ва истеъмол маҳсулотларининг ҳажмининг ўсишига олиб келади. Бундан кўринадики, Сурхондарё вилоятида саноат тармоқларини кенгайтириш, мавжудларини қайтадан жиҳозлаш, табиий хом-ашё захираалардан унумли ва самарали фойдаланиш ҳамда тежаш мақсадга мувофиқдир.

РАЗВИТИЕ ТРАНСГРАНИЧНОЙ Е-ТОРГОВЛИ УСЛУГАМИ

**Маслова Мария Станиславовна, аспирант,
Белорусский государственный университет**

Современные тренды - это закономерные последствия генезиса е-торговли и развития рынка. Наибольшую динамику согласно многочисленным международным исследованиям в электронной торговле демонстрируют сегменты B2C и C2C и мировые лидеры Китай и США. Согласно данным исследования компании Frost & Sullivan, на долю интернет-продаж в сегменте B2B будет приходиться почти 27% от общего объема торговли, который, согласно прогнозам, к 2020 году достигнет \$25 трлн. Лидерами рынка онлайн-торговли B2B станут Китай и Соединенные Штаты Америки [1]. За 2017 года товарооборот в электронной коммерции Беларуси вырос на 25% и приблизился к рекордному показателю в 500 миллионов долларов в год. При этом все больше и больше белорусов начинает пользоваться электронными сервисами для ежедневных покупок. По оценкам экспертов, почти каждый второй житель республики регулярно пользуется онлайн-каталогами и магазинами [2].

Основной целью международно-правового регулирования торговли услугами, как в рамках ВТО, так и других международных организаций является ее либерализация для трансграничной торговли. В рамках ГАТС наиболее открытыми из всех секторов являются секторы компьютерных и телекоммуникационных услуг. Еще большую их либерализацию предусматривают РТС – региональные торговые соглашения.

В документе ЮНКТАД особо отмечается два формирующихся мега-РТС – транс-тихоокеанское соглашение о партнерстве (ТСП) и соглашение между ЕС и США о трансатлантическом торговом и инвестиционном партнерстве (ТТИП), которые могут кардинально изменить "правила игры" применительно к процессам экономической интеграции. Транс-тихоокеанское соглашение (12 стран), нацелено на создание регионального рынка емкостью, эквивалентной 40% мирового ВВП и 24% мирового экспорта. Оно рассматривается как преамбула к заключению всеобъемлющего регионального соглашения об экономическом партнерстве между Ассоциацией стран Юго-Восточной Азии (АСЕАН) и ее шестью торговыми партнерами. «Будущее соглашение о трансатлантическом партнерстве приведет к созданию самого большого в мире рынка, на долю которого будет приходиться почти половина мирового ВВП и треть глобальной торговли. Таким образом, ожидается, что в рамках РТС будет осуществляться 60–70% всей торговли услугами Соединенных Штатов» [3, с. 9].

Прототипами нового поколения РТС (РТС XXI века) считают соглашения о свободной торговле между Республикой Корея и ЕС; Республикой Корея и США. Они кардинально улучшают условия доступа на корейские рынки юридических, финансовых, транспортных и телекоммуникационных услуг стран, входящих в названные договоры. В телекоммуникационном секторе, например, члены ЕС и США могут приобрести в течение

двух лет до 100% акций, базирующихся в Корее провайдеров государственных телекоммуникационных услуг. В банковском секторе Корея разрешила финансовым учреждениям из стран ЕС и США предоставлять и передавать финансовую информацию и данные на трансграничной основе, а также оказывать консультативные услуги. Юридическим фирмам стран ЕС и США будет разрешено открывать свои представительства и затем создавать совместные предприятия с корейскими фирмами (юридические услуги) [3, с.15].

Одним из международных объединений, в которое входит Беларусь, является СНГ. Работу над проектом соглашения о свободной торговле услугами в СНГ планируется завершить в 2018 г. Оно базируется на положениях ВТО, однако представители государств СНГ при его разработке предложили форму "ВТО плюс". "Она предусматривает, что свободная торговля услугами будет иметь более широкие масштабы и полномочия в СНГ и станет более легкой по реализации, чем в рамках ВТО" (снижение и поэтапная отмена экспортных пошлин и разработка проекта соглашения о транзите трубопроводным транспортом стран СНГ) [4].

Тесные экономические связи Республики Беларусь в сфере торговли услугами развивались и в рамках ЕврАзЕс, а ныне в ЕАЭС (Евразийский экономический союз). Либерализация торговли услугами в рамках нового союза осуществляется с учетом международных принципов и стандартов путем гармонизации законодательства государств-членов и взаимного административного сотрудничества. Основные принципы: 1) *оптимизация* внутреннего регулирования для поставщиков и получателей услуг; 2) *пропорциональность* - гармонизация законодательства государств-членов и взаимного административного сотрудничества для эффективного функционирования рынка услуг; 3) *взаимовыгода* - либерализация торговли услугами на основе справедливого распределения выгод и обязательств с учетом чувствительности секторов услуг и видов деятельности для каждого государства-члена; 4) *последовательность* - принятие любых мер в отношении торговли услугами не должно допускать ухудшения условий по сравнению с условиями, закрепленными в настоящем Договоре; поэтапное сокращение ограничений, изъятий, дополнительных требований и условий; 5) *экономическая целесообразность* - проведение в рамках формирования единого рынка услуг, либерализации торговли услугами особенно тех, которые в наибольшей степени влияют на себестоимость, конкурентоспособность и (или) объемы производимых и реализуемых на внутреннем рынке Союза товаров [5].

Бизнесу нужны предсказуемые и работоспособные схемы для e-торговли услугами: надежные технологии, нормативно-правовые документы и синергетический ресурс (саморегулирование и самообновление). Существующие правовые нормы были разработаны в нецифровую эпоху. Необходимо создать правила игры, эквивалентные новой ситуации, отмечается в документах ОЭСР. Так, в налогообложении следует учитывать два момента - обеспечение финансовой среды, в которой может процветать e-торговля и при этом не подорвать фискальную политику государства.

Соответствие национальных и международных стандартов значимо для каждой страны в свете внешней торговли услугами. Ее объем между Беларусью остальными странами в 2017 г. возрос на 12,1% до 12 580 млн долл. По-прежнему, перспективны такие направления, как: финансовые услуги, операционный лизинг, деловые услуги, компьютерные и телекоммуникационные услуги, туристические услуги, услуги в области рекламы, маркетинга, интеллектуальной собственности и др. [6, с. 70-71].

И еще один очень важный момент. Сейчас идет подготовка Договора по торговле услугами (*Trade in Services Agreement, TISA*), который разрабатывается в рамках ГАТС, ВТО. Он обяжет правительства стран, подписавших документ, безоговорочно поддерживать либерализацию рынка и расширять его дерегулирование, лишив национальные правительства права принимать меры по предотвращению рецессии, вызванной неолиберализмом. Предусмотрен и вариант соглашения с ограниченным кругом участников в рамках ВТО. Сегодня, считает Джек Ма (Ma Юнь), председатель совета директоров *Alibaba*

Group, крупнейшего в мире интернет-холдинга, – мир нуждается в обновленной глобальной торговой структуре, которую пока можно обозначить как "электронная ВТО" [7].

Мы же подчеркнем ту огромную роль, которую сегодня играет торговля услугами в мировой экономике, и новое соглашение является еще одним подтверждением значимости этой проблематики.

Литература

1. Frost & Sullivan: объем мирового рынка электронной коммерции B2B к 2020 году достигнет \$6,7 трлн [Электронный ресурс] // Режим доступа: <http://saas.ru/articles/~frost-sullivan-obiem-mirovogho-rynka-eliكتروнной-kommerciisii-b2b-k-2020-ghodu-dostighniet-6-7-trln~3444> - Дата доступа: 15.02.2018.

2. Эксперты: «Беларусь на пороге повсеместного использования электронной коммерции» [Электронный ресурс] // Режим доступа: <https://slovodelu.by/articles/eksperty-belarus-na-poroge-rovsemestnogo-ispolzovaniya-beznalich/> - Дата доступа: 30.03.2018.

3. Услуги, развитие и торговля: регулятивные и институциональные аспекты: Конференция Организации Объединенных Наций по торговле и развитию [Электронный ресурс] // Режим доступа: http://unctad.org/meetings/en/SessionalDocuments/c1mem4d5_ru.pdf - Дата доступа: 18.10.2017.

4. Решение о ходе реализации положений Договора о зоне свободной торговли от 18 октября 2011 года [Электронный ресурс] // Режим доступа: <http://www.e-cis.info/page.php?id=23891> - Дата доступа: 06.12.2015.

5. Договор о Евразийском экономическом союзе [Электронный ресурс] // Режим доступа: <http://www.pravo.by/document/?guid=3871&p0=F01400176> – Дата доступа: 18.10.2017

6. Беларусь в цифрах, 2018 [Электронный ресурс] // – Режим доступа: http://www.belstat.gov.by/ofitsialnaya-statistika/publications/izdania/public_compilation/index_8771/ – Дата доступа: 02.04.2018

7. Эпоха электронной торговли требует усовершенствованной, «электронной ВТО» – глава Alibaba Джек Ма [Электронный ресурс] // RUSSIAN.NEWS.CN. – Режим доступа: http://russian.news.cn/2015-11/19/c_134830879.htm. –Дата доступа:02.12.2017

РЕАЛИЗАЦИЯ ПОТЕНЦИАЛА ТРУДОВОЙ МОБИЛЬНОСТИ НА ПРОСТРАНСТЕ СОДРУЖЕСТВА

**Нестерова Анастасия Александровна, старший преподаватель
Белорусский государственный университет**

Образование СНГ послужило механизмом возвращения людей на свою историческую родину, и данный процесс вызвал значительное увеличение международной миграции в регионе. Страны Содружества существенно различаются по структуре занятых по секторам экономики. Так наибольший удельный вес занятых в сельском хозяйстве в Таджикистане (около 65%), далее в Азербайджане (36,4%), Армении (35,3%), Молдове (31,7%), Кыргызстане (29,3%), самый низкий – в России (6,7%) и Беларуси (9,7%). Самый высокий уровень занятости в промышленности наблюдается в Беларуси (31,1%), России (27,7%), а самый низкий – в Таджикистане (6,7%). Что касается сферы услуг, то в Российской Федерации здесь занято наибольшее число человек – около 66% всех занятых в экономике, в Украине – 63%, в Казахстане – 61,2%, в Беларуси – 59,2%, а наименьшее число занятых в Таджикистане – 28,4%.

В Таджикистане структура занятости существенно отличается от других государств СНГ. Большинство (67%) работает в сельском и лесном хозяйстве, рыболовстве и охоте. Доля занятых в остальных отраслях в Таджикистане ниже, чем по странам СНГ. В особенности низкие доли занятых в промышленности, строительстве, транспорте и связи, торговле, гостиничном и ресторанном бизнесе и финансовой деятельности. Такая структура занятости отражает более низкий уровень развития Таджикистана по сравнению с другими государствами СНГ, а также связана с последствиями гражданской войны, продолжавшейся в этой стране в течение восьми лет. Страны СНГ существенно отличаются по объему производимого ВВП, безусловным лидером является Российская Федерация, а самый маленький объем ВВП – в Кыргызстане и Молдове. Статистические данные показывают

существенные вариации в 2016 году ВВП на душу населения от 7 510,1 долл. США в Казахстане до 795,8 долл. США в Таджикистане. Отличия в экономическом развитии стран-членов Содружества объясняет и дифференциацию в доходах населения, что находит отражение в мобильности населения в регионе и привлекательности рынков труда стран.

Таблица 1 – Показатели средней заработной платы и ВВП на душу населения в странах СНГ, 2015 г.

	средний уровень заработной платы, в долл.	средний уровень заработной платы, в % от России	средний уровень заработной платы, в % от Казахстана	ВВП на душу нас., долл.	ВВП на душу нас, в % от России	ВВП на душу нас, в % от Казахстана
Азербайджан	453,0	80,7%	79,7%	5 496	60,68%	52,30%
Армения	359,1	64%	63,18%	3 500	38,64%	33,31%
Беларусь	413,1	73,6%	72,68%	5 639	62,26%	53,66%
Казахстан	568,4	101,3%	100%	10 508	116,02%	100
Кыргызстан	209,2	37,25%	36,81%	1 103	12,18%	10,5%
Молдова	245,0	43,67%	43,1%	1 843	20,35%	17,54%
Российская Федерация	561,0	100%	98,7%	9 057	100	86,19%
Таджикистан	142,5	25,31%	25,1%	926	10,22%	8,81%
Туркменистан	364,0	64,88%	64,04%	6 948	76,71%	66,12%
Украина	192,5	34,31%	33,87%	2115	23,35%	20,13%

Источник: собственные расчеты автора на основе [2, с. 289]

На протяжении практически десятилетия лидером по росту заработной платы и ВВП на душу населения была Российская Федерация, но в 2015 году по данным показателям лидирующее положение занял Казахстан. Но в 2016 году вновь лидером стала Россия.

Самая высокая заработная плата в Казахстане и Российской Федерации, далее в Азербайджане и Беларуси. В Таджикистане и Молдове самые низкие заработные платы среди государств-членов Содружества.

В СНГ до 2014 года наблюдался ежегодный рост заработной платы во всех странах, а в 2015 году наблюдается ее снижение. Тем не менее, Казахстан и Российская Федерация остаются странами с самыми высокими заработными платами в регионе. Следует отметить, что более высокие темпы роста реальной заработной платы наблюдаются в Таджикистане, а самые низкие в Армении и России.

Таблица 2 – Индексы реальной заработной платы работников в странах СНГ (2010 =100)

	2011	2012	2013	2014	2015
Азербайджан	101,8	110,3	114,5	118,7	119,2
Армения	97,8	99,8	98,3	103,3	107,3
Беларусь	101,9	123,8	144,0	145,8	142,5
Казахстан	107,1	114,5	116,2	120,9	117,9
Кыргызстан	111,0	124,3	123,2	124,7	126,5
Молдова	103,1	109,7	113,8	120,5	121,4
Российская Федерация	102,8	111,4	116,7	118,1	107,3
Таджикистан	110,9	131,7	156,8	173,2	177,2

Источник : авторская разработка на основе [4, с. 290]

По данным статистического комитета СНГ, самый высокий уровень экономической активности среди стран Содружества в 2016 году зафиксирован в Молдове, Азербайджане и Беларуси, а самый низкий – в Таджикистане. В большинстве стран СНГ увеличивался за последние 15 лет. Следует отметить, что между странами СНГ сильна дифференциация в

уровнях экономической активности мужчин и женщин. В Таджикистане и Кыргызстане разница между экономической активностью мужчин и женщин значительно выше, чем в Беларуси, Казахстане и России. Так, в Таджикистане среди мужчин составляет около 78%, женщин – 60,5%, в Кыргызстане соответственно 81,8% и 59,1%, в Беларуси – 69,8% и 62,3%, в Казахстане – 81,4% и 74,2%, в России – 78,4% и 68,6%.

Распределение занятых по уровню образования в России очень разнообразно: 27,8% экономически активного населения имеет высшее профессиональное образование, 26,6% – среднее профессиональное, 19,8% – начальное профессиональное, 20,9% — среднее (полное) общее, 4,5% – основное общее, 0,4% – не имеет общего образования .

Уровень безработицы значительно дифференцируется по странам в 2016 году от 0,5 % в Беларуси до 16,8 % в Армении, уровень безработицы во всех странах Содружества за период 2011–2016 гг. снизился.

В регионе на миграцию влияет множество факторов, среди наиболее важных является экономическое положение страны-донора и страны-реципиента. Россия и Казахстан являются наиболее привлекательными для мигрантов страны. Лидирующее положение по количеству мигрантов принадлежит Российской Федерации. Российская Федерация является основной принимающей страной для мигрантов из стран СНГ из-за относительно более высокого уровня оплаты труда и возможностей найти работу. Казахстан привлекает рабочих из близлежащих стран Центральной Азии (Кыргызстана, Таджикистана и Узбекистана). Экономические факторы трудовой мобильности дополняются такими как: географическая близость и легкость пересечения границ, похожесть культур и русский язык, родственные и деловые связи. Для стран-поставщиков рабочей силы влияние трудовой миграции оказывает влияние на экономическое развитие стран происхождения в части снижения напряженности ситуации на рынке труда, решения проблем дефицита платежного баланса за счет поступления денежных переводов из-за рубежа и повышения уровня жизни в результате снижения бедности домашних хозяйств .

Таким образом, экономический потенциал трудовой мобильности в регионе СНГ реализуется не в полной мере и интенсивность миграционных потоков низка. Росту миграционной активности людей существуют ряд существующих барьеров.

MILLIY IQTISODIYOTNI RIVOJLANTIRISHDA INNOVATSION TADBIRKORLIKNI O'RNI VA AHAMIYATI

**Katta o'qituvchi M.Nurmuhamedova,
Shodiboyeva M. K., talaba, GulDU**

**“Xalq boy bo'lsa davlat ham boy va qudratli bo'ladi”
Sh.M.Mirziyoyev.**

O'zbekistonda amalga oshirilayotgan iqtisodiy islohotlarning hozirgi bosqichi kichik biznes va xususiy tadbirkorlikni rivojlantirish, unga keng iqtisodiy erkinlik berish bilan tavsiflanadi. Shu jihatdan, hozirgi kunda respublikamizda kichik biznes va xususiy tadbirkorlik faoliyatini rivojlantirishga alohida e'tibor berilmoqda. Chunki, kichik biznes va xususiy tadbirkorlik sohasini rivojlantirish masalasiga davlatimiz iqtisodiy siyosatining strategik vazifasi sifatida qaralmoqda. Shuning uchun bundan keyin tadbirkorlikni rivojlantirishga to'sqinlik qilish–davlat siyosatga Prezident siyosatiga to'sqinlik qilish deb baholanadi⁹⁰. Darhaqiqat, mamlakatimizda kichik biznes va xususiy tadbirkorlikni davlat tomonidan doimiy qo'llab-quvvatlanishi natijasida 2000-2016 yillarda kichik biznes va xususiy tadbirkorlikning YAIMdagi ulushi 31,0 foizdan 56,9 foizga o'sib, 25,9 foiz birlikka ortgan. Kichik biznes va xususiy tadbirkorlikni rivojlantirish hisobidan 2017-yilda 336 mingdan ziyod yangi ish o'rinlari tashkil etildi. 2017 yil 1 yanvar holatiga respublikamizda faoliyat ko'rsatayotgan kichik biznes sub'ektlari soni (dehqon va fermer

⁹⁰Sh.M.Mirziyoyev- “Erkin va farovon demokratik O'zbekiston davlatini birgalikda barpo etamiz”-Toshkent “O'zbekiston”-2016.15-bet

xo`jaliklaridan tashqari) 218170 tani tashkil etib, 2000 yilga nisbatan 118731 taga yoki 2,2 barobar ko`paygan.

Taqqoslash uchun bir qator chet el davlatlarida kichik biznesning YAIMdagi ulushini olib qaraydigan bo`lsak, Fransiyada bu ko`rsatkich 62 foizni, Italiyada - 60 foizni, Yaponiyada - 55 foizni, Germaniyada - 54 foizni, Buyuk Britaniyada - 53 foizni, AQShda - 52 foizni, Qozog`istonda - 25,6 foizni, Rossiyada – 20,0 foizni tashkil etadi. Bularning barchasi mamlakatimizda olib borilayotgan oqilona iqtisodiy siyosat natijasi hisoblanadi.

Innovatsion iqtisodiyotga o`tish sharoitida milliy iqtisodiyotni rivojlanishi innovatsion jarayonning samaradorligi bilan bog`liq. O`z navbatida innovatsion jarayonning samaradorligi innovatsion biznes tashkiliy tuzilmasining mustahkamligi, innovatsion tadbirkorlik bilan aniqlanadi. Innovatsion tadbirkorlikning avfzalligi innovatsion g`oyalarni qidirishga intilish, yangi loyihalarni amalga oshirishga intilish va qayta ishlash adekvativ tashkiliy mexanizmlarni talab qiladi. Innovatsion tadbirkorlikning tashkiliy tuzilmasining mustahkamligi innovatsion jarayonning aniq topshiriqlarini rivojlanishini, zaxiralar bilan ta`minlanganligi, aniq ma`lumot ba`zasiga egaligi, innovatsion loyihani amalga oshirish doirasini ko`rsatadi. Aynan shu paytda innovatsion tadbirkorlikning tashkiliy tizimi umumiy xususiyati hamda ularda tavakkal omilining o`zlashtirilishi, maqsadga erishishida noaniqlik va oxirgi natijalar bilan bog`liq.

Innovatsion tadbirkorlik – g`oya va ixtirolardan amaliy foydalanish orqali yangi tovar va texnologiyalar yaratish jarayoni hisoblanadi. Odatda, tadbirkorlik faoliyati zamirida yangi ehtiyojlarni qondirishga imkon beruvchi, yangi bozorni barpo etish, mahsulot yoki xizmatlar sohasiga yangilik kiritishdir. Innovatsiyalar – tadbirkorlikning maxsus quroli bo`lib, bunda innovatsiyalar o`z holicha emas, balki yangiliklarni yo`naltirilgan tashkiliy izlash, ularga tadbirkorlik tarkiblarining muntazam qaratilganligidir. Tadbirkorlar fikrlashning innovatsion turini farqlaydi, innovatsion faoliyat esa o`zida tadbirkorlikning alohida qurolini aks ettiradi. Shunday qilib, tadbirkor-novatorning vazifasi – ixtirolarni tatbiq etish bilan birga ishlab chiqarishni isloh qilishdir, yanada kengroq ma`noda yangi texnologik imkoniyatlarni qo`llash orqali yangi mahsulotlarni ishlab chiqarish yoki tayyor mahsulot bozori ochilishi yoki yangi manbaning ochilishi evaziga eski mahsulotlarni yangi uslubda ishlab chiqarishdan iborat.

Innovatsion tadbirkorlikning tashkiliy – huquqiy asoslari turlichadir. Innovatsion tadbirkorlikning bir tashkiliy turi - ilmiy texnologik park (texnopark) lar bo`lib, bu struktura innovatsion biznes mahsulotini ishlab chiqarish va bozorda sotishni tashkil qilishga yordam beradi va shu orqali kichik biznesda innovatsion faoliyatni rivojlantirishga yordam beradi.

Biznes inkubatorlar – kichik kichik innovatsion korxonalar faoliyat ko`rsatishi uchun sharoit yaratuvchi strukturadir. Biznes inkubatorlar bir qancha funksiyalarni bajaradilar:

-kichik biznes korxonalariga imtiyozli shartlarda asbob-uskunalar yetkazib beradilar, xuquqiy maslahat va axborot xizmatlarini ko`rsatadilar;

- ilmiy texnologiyalarni tijorat asosida sotadilar;

- tadbirkorlarning malakasini oshiradilar va boshqalar.

Mamlakatimizda texnopark, texnopolislarni tashkil etish maqsadida ko`plab ishlar amalga oshirilmoqda. Jumladan 2018-yil “Faol tadbirkorlik, innovatsion g`oyalar va texnologiyalarni qo`llab-quvvatlash yili deb e`lon qilinib, davlat dasturi qabul qilindi. Ushbu davlat dasturida ham innovatsion tadbirkorlikni joriy etishga alohida e`tibor berilgan.

Innovatsion tadbirkorlik faoliyati uchun kichik korxonalarda yaratilgan yangilikni tijorat maqsadida ishlata oladigan bilim va intuitsiyaga ega bo`lgan mutaxassis lozim. Kichik korxonalarda innovatsion tadbirkorlik faoliyati ustunliklari quyidagilardan iborat:

- yangilikka yaratishdan manfaatdorlikning yuqoriligi;

- tor doirada (aniq yo`nalishda) ilmiy izlanishlarning olib borilishi;

- barcha intellektual resurslarni yakuniy mahsulot ishlab chiqarishga yo`naltirish imkonini mavjudligi;

- katta korxonalar amalga oshira olmaydigan “risk”i yuqori bo`lgan ishlar olib borilishi.

Innovatsion tadbirkorlik uchun biznes muhit asosiy hisoblanadi, chunki yangiliklarni kashf etish va uni amaliyotga tatbiq qilish yetarli tadbirkorlik muhitini talab qiladi.

Xulosa qilib shuni aytish mumkinki, innovatsion iqtisodiyotga o'tish sharoitida innovatsion tadbirkorlik subyektlari faoliyatini rivojlantirish muhim ahamiyat kasb etadi. Aynan katta mablag' talab etmaydigan va resurslarning o'sish tezligini kafolatlovchi innovatsion tadbirkorlik subyektlari, iqtisodiyotdagi qayta tuzilishlar bilan bog'liq bo'lgan muammolarni nisbatan tez va ortiqcha sarf-harajatsiz yechishga, nisbatan kam mablag' sarflab, yangi ish o'rinlarini qisqa vaqt ichida yaratishga, innovatsion texnologiyalarni ishlab chiqib, amaliyotga joriy etishga, bozorda sog'lom raqobat muhitini shakllantirishga, iqtisodiyotning turli sektorlari o'rtasidagi o'zaro aloqani mustahkamlashga, eng asosiysi esa mamlakat yalpi ichki mahsulotining o'sishida rivojlangan mamlakatlar tajribasiga tayangan holda ta'kidlash lozimki, kichik biznes va xususiy tadbirkorlik subyektlari muhim va asosiy manbadir.

МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТ ТАРМОҚЛАРИНИ РАҚОБАТДОШЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ

**М. Нурмухамидова, катта ўқитувчи,
Н. Саидова, талаба, ГулДУ**

Макроиктисодий барқарорликка эришилиши, иқтисодий ва институционал ислохотларнинг чуқурлаштирилиши ҳамда мамлакатимизда инвестиция муҳитининг яхшиланиши инвестиция фаоллигининг сезиларли даражада кучайишига ва иқтисодиётимизга йўналтирилаётган капитал қўйилмалар ҳажмини ошишига имкон беради.

Жадал ва мутаносиб иқтисодий ўсиш, чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ва иқтисодиётни диверсификация қилишда фаол ва аниқ йўналтирилган инвестиция сиёсати юритиш энг муҳим омил ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармонида олиб борилаётган ислохотлар самарасини янада ошириш, давлат ва жамиятнинг ҳар томонлама ва жадал ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиш, мамлакатимизни модернизация қилиш ҳамда ҳаётнинг барча соҳаларини либераллаштириш бўйича устувор йўналишларни амалга ошириш мақсадида 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тасдиқланди. Ҳаракатлар стратегиясида иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишлари алоҳида муҳим ўрин эгаллайди.

Иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг асосида албатта таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш, миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш ҳисобидан унинг рақобатдошлигини ошириш масаласи туради.

Иқтисодиётни модернизациялаш, ислохотларни чуқурлаштириш, янги ишлаб чиқариш қувватлари ва асосий фондларни яратиш, амалда фаолият юритаётган техника ва технологияларни янгилаш, уларни қўллаб-қувватлаш инвестицион жараёнларни нечоғлиқ тўғри ва самарали амалга оширишга боғлиқ. Шу боисдан ҳам, Ўзбекистон Республикаси давлат раҳбари томонидан ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, ишлаб чиқариш, транспорт-коммуникация ва ижтимоий инфратузилма лойиҳаларини амалга оширишга қаратилган фаол инвестиция сиёсатини олиб боришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунинг учун марказлашган, марказлашмаган жамғармалар маблағлари, хорижий инвестициялар ва кредитларни ўзлаштиришга ҳамда улардан самарали фойдаланиш масалаларига урғу берилмоқда.

Мамлакатимиз иқтисодиётини таркибий ўзгартириш, тармоқларни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашга доир лойиҳаларни амалга ошириш учун инвестицияларни жалб қилиш борасида бажарилаётган ишлар алоҳида эътиборга лойиқ.

2017 йилда иқтисодиётга 16,6 миллиард АҚШ долларидан кўп инвестиция киритилди, бу 2016 йилга нисбатан 9,6 фоизга кўпдир. Ўзлаштирилган чет эл инвестиция ва кредитлари ҳажми эса 11,3 фоизга ўсиб, 3,7 миллиард доллардан зиёд бўлди.

2017 йилда Инвестиция дастури доирасида умумий қиймати 5,2 миллиард долларлик 164та йирик ишлаб чиқариш объекти ишга туширилди. Жумладан, Толлимаржон ИЭСда 450 МВт қувватли иккита буғ-газ турбинаси ва Ангрэн ИЭСда кўмир кукунидан фойдаланишга мўлжалланган 130-150 МВт қувватли энергия блоқи қуриш, Жиззах вилоятидаги цемент заводи қувватини кенгайтириш, «Индорама Кўқон текстиль» хорижий корхонаси ва «Фантекс» МЧЖда йигирув ишларини ташкил этиш, «GM Ўзбекистон» акциядорлик жамиятида «Т-250» русумидаги енгил автомобиллар ишлаб чиқаришни ташкил қилиш», шу билан бирга, «Сирдарё вилоятидаги «Guliston Med Technika» кўшма корхонасида стерил шприцлар ишлаб чиқариш" ва бошқа лойиҳалар шулар жумласидандир.

Миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоқларининг рақобатдошлигини ошириш масаласини ҳал этиш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида иқтисодиётнинг таянч тармоқларидаги 4400 дан ортиқ корхонанинг рентабеллик даражасини ошириш ва молиявий соғломлаштириш ҳамда ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражасини юксалтириш асосида ишчилар сонини кўпайтиришга эришиш режалаштирилган. Бу тадбирлар натижасида корхоналарнинг рентабеллик даражаси ошади, ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражаси ва ишчилар сони кўпаяди.

Иқтисодиёт таркибида саноатнинг ривожланиш динамикасидаги муҳим ўзгариш корхоналар ва ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгиланиш асосида саноатда чуқур таркибий ўзгаришлар ва диверсификациянинг амалга оширилгани ҳисобланади.

Саноат сиёсатидаги асосий устувор аҳамият институционал ислохотларнинг сифатини ошириш ва тадбиркорлик фаолиятига кенг йўл очиб бериш, саноат ишлаб чиқаришни модернизация ва диверсификация қилиш, иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини кўллаб-қувватлаш, ўрта ва узоқ муддатда саноатни ривожлантириш бўйича дастурий чора-тадбирларни амалга оширишга қаратилди.

Давлатимиз раҳбари томонидан Ҳаракатлар стратегиясида юқори технологияларга асосланган қайта ишлаш тармоқларини, энг аввало, маҳаллий хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматга эга тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни жадал ривожлантиришга қаратилган сифат жиҳатидан янги босқичга ўтказиш орқали саноатни янада модернизация ва диверсификация қилиш зарурати алоҳида ўрин тутади.

МАМЛАКАТДА МАКРОИҚТИСОДИЙ МУТАНОСИБЛИК ВА УНИ ТАЪМИНЛАШ ЖАРАЁНИ

катта ўқ.Расулова З.С., талаба Одилжонова Н., ГулДУ

Ўзбекистон ўз миллий модели асосида тараққиётнинг юксак чўққиларини забт этиб, улкан бунёдкорлик ишлари, модернизациялаш жараёнлари орқали асрларга татиғулик ютуқларни қўлга киритмоқда. Ҳозирги даврда юртимиз кун сайин равнақ топиб, аҳоли турмуш фаровонлиги тобора ошиб бораётир.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ҳамон давом этаётган бир даврда, мамлакатимизда юқори тезлик ва мутаносиб иқтисодий ўсиш, иқтисодиётда чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, иқтисодиётни модернизациялаш ва диверсификациялашда фаол ва аниқ йўналтирилган пухта ўйланган макроиқтисодий сиёсат юритилаётгани иқтисодиётимизда макроиқтисодий барқарорликни таъминловчи асосий омил сифатида намоён бўлмоқда. Бунга бир мисол сифатида Жаҳон иқтисодий форуми рейтингига кўра, Ўзбекистон дунёдаги энг тез ривожланаётган бешта мамлакат қаторидан жой олганини келтириш мумкин. Бу рейтингни аниқлашда 2014–2016 йиллардаги ривожланиш яқунлари

хамда 2017–2018 йилларда иқтисодий ўсиш прогнозлари ҳам асос қилиб олинган. Бутун жаҳонда «ўзбек модели» номи билан тан олинган ўзимизга хос ва мос ривожланиш модели йўлида дадил қадамлар билан бораётганимиз кўлга киритилаётган иқтисодий ва ижтимоий муваффақиятларнинг бош омили бўлиб қолмоқда. Пировардида, иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар натижасида юртимиз кун сайин равнақ топиб, мамлакатимизнинг нафақат шаҳарларида, балки қишлоқларида ҳам саноат жадал ривожланиб бормоқда, замонавий ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш корхоналари барпо этиляпти. Бунинг натижасида янгидан-янги иш ўринлари яратилиб, аҳоли турмуш фаровонлиги тобора ошиб бораётир. Хусусан, ҳар 100 оиланинг 42 таси енгил автомобилларга, 47 таси шахсий компьютер, 31 таси кондиционерга эга эканлиги бунинг яққол исботидир⁹¹. Президентимиз томонидан истиқлолнинг илк йилларидан бошлаб узокни кўзлаб ҳаётга татбиқ этилган пухта стратегия самаралари бугун ҳақли равишда дунё жамоатчилиги томонидан эътироф этилаётганининг боиси ҳам шунда. Хусусан, Ўзбекистонда мустақиллик йилларида жамиятда ижтимоий табақаланиш ва хавфсизлик даражасини баҳолаш мезонларидан бири сифатида тан олинган Жини индекси кўрсаткичи 2010 йилдаги 0,390 ўрнига ҳозирги вақтда 0,280 ни ташкил этди. БМТнинг бу борадаги тавсиялари 0,35–0,37 атрофида эканлигини инобатга олсак, юқоридаги рақамлар халқаро стандартлар нуқтаи назаридан аҳолиимизнинг ижтимоий фаровонлиги муттасил ўсиб бораётганини яққол тасдиқлайди.

Бугунги кунда жаҳоннинг бир қатор мамлакатлари тобора қарз гирдобига тушиб, инқироздан чиқиш йўллари қидираётган бир пайтда, Ўзбекистоннинг жами ташқи қарзи ялпи ички маҳсулотга нисбатан 18,5 фоизни ташкил этиши, шундан бевосита давлат қарзи бор-йўғи 8 фоиздан ошмаётганлиги, давлатнинг ички қарзи эса умуман мавжуд эмаслиги мамлакатимизда молиявий барқарорликни таъминлаб бермоқда.

Ваҳоланки, давлат қарзи ялпи ички маҳсулотга нисбатан Европа Иттифоқида ўртача 88 фоизни, Испанияда 94 фоизни, Америка Қўшма Штатларида 101 фоизни, Португалияда 104 фоизни ва Грецияда 141 фоизни ташкил этмоқда. Барқарор, юқори иқтисодий ўсиш суръатлари бу амалга оширилган мувозанатлаштирилган макроиқтисодий сиёсатни, иқтисодиётни эркинлаштиришни, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва техник қайта қуроллантиришга қаратилган таркибий ўзгаришлар жараёнларини жадал-лашуви ва чуқурлашувининг натижасидир.

Ўзбекистон иқтисодиёти таркиби мустақиллик йилларида қуйидаги омиллар таъсирида ўзгариб бормоқда: ижтимоий меҳнат тақсимоти, илмий-техника тараққиёти, аҳоли эҳтиёжларининг ўсиши ва мураккаблашуви, бирламчи ишлаб чиқариш ресурслари кўлами ва миқёсининг чекланганлиги, ташқи иқтисодий омиллар.

Юртимизда иқтисодиётни тузилмавий ислоҳ этиш ва модернизациялаш туфайли нафақат экспорт ҳажмининг юқори суръатларда барқарор ўсишига, балки унинг таркибини сифат жиҳатдан яхшиланишига эришилмоқда:

- Ҳозирги вақтда ЯИМ таркибида нодавлат секторнинг улуши 82,9 фоиз бўлиб, улгуржи ва чакана савдо ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг эса қарийб 100 фоизи нодавлат сектори томонидан ишлаб чиқарилмоқда;

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ЯИМдаги улуши 1991 йилда 1,5 фоизни ташкил этган бўлса, 2017 бу кўрсаткич 56,9 фоиздан ошди. Ҳатто, 2000 йилга нисбатан унинг улуши 1,8 баробар кўпайди. 2018 йилда эса унинг янада юксалиши назарда тутилмоқда;

- 2016 йилда ЯИМ ўсишининг ярмидан кўпи хизмат кўрсатиш соҳасига тўғри келди. ЯИМдаги унинг улуши 1991 йилда 16,3 фоизни ташкил этган бўлса, 2010 йилда 49 фоиз ва 2016 йилда 54,7 фоизга етди;

⁹¹ Ислом Каримов. Бош мақсадимиз – иқтисодиётимизда олиб бораётган ислохотларни ва таркибий ўзгаришларни кескин чуқурлаштириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка кенг йўл очиб беришдир. – Т.: «Ўзбекистон», 2016. 24-бет.

1991–2016 йиллар мобайнида ЯИМда саноат улуши 3 баробар, яъни 11 фоиздан 33,5 фоизга ўсди. Ишлаб чиқаришни модернизация ва диверсификация қилиш, технологик янгилаш натижасида саноат ишлаб чиқариш 2017 йилда 2016 йилга нисбатан 6,5 фоизга фоизга ўсди. 2017 йилда барқарор иқтисодий ўсиш суръатлари 5,5 фоизни ташкил этди, экспорт ҳажми қарийб 15 фоизга кўпайди. Ташқи савдо айланмасининг ижобий сальдоси 854 миллион долларга етди.

Мустақиллик йилларида хом ашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш, юқори қўшилган қийматли товарлар улушининг ортишига қаратилган таркибий сиёсатни амалга ошириш натижасида мамлакат ялпи ички маҳсулот таркибида қишлоқ хўжалиги улушининг пасайиши ва саноат, хизмат кўрсатиш соҳалари улушининг ортиши кузатилмоқда. Бу йўлда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ҳисобидан саноатни жадал ривожлантириш ва ялпи ички маҳсулотда унинг улушини 2015 йилдаги 33,5 фоиздан 2030 йилда 40 фоизга етказиш, қишлоқ хўжалиги улушини эса 16,6 фоиздан 8–10 фоизга камайтириш, энергияни тежайдиган замонавий технологияларни кенг жорий этиш эвазига ялпи ички маҳсулот учун сарфланадиган энергия ҳажмини тахминан 2 баробар қисқартиришга эришиш керак .

ИННОВАЦИОН ИҚТИСОДИЁТГА ЎТИШ ШАРОИТИДА САНОАТ ТАРМОҚЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

**Умарова Г. А., катта ўқитувчи
Бойқўзиева Л.А., талаба, ГулДУ**

Мамлакат иқтисодиёти юқори суръатлар билан ўсиши ва макроиқтисодий мутаносиблик таъминланиб, ишлаб чиқаришни таркибий ўзгартиришга ва модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш изчил давом эттирилмоқда.

Мамлакат ЯИМ ўсиш суръатларининг барқарорлигини таъминлашда иқтисодиётдаги етакчи тармоқларнинг юқори ўсиш суръатлари мустаҳкам замин бўлмоқда. 2017 йилда барқарор иқтисодий ўсиш суръатлари 5,5 фоизни ташкил этди, экспорт ҳажми қарийб 15 фоизга кўпайди. Ташқи савдо айланмасининг ижобий сальдоси 854 миллион долларга етди.

Иқтисодиётимизни мутлақо янги асосда ташкил этиш ва янада эркинлаштириш, унинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, ишлаб чиқаришни модернизация ва диверсификация қилиш бўйича қатор қонунлар, фармон ва қарорлар, пухта ўйланган дастурлар қабул қилинди ва улар изчил амалга оширилмоқда.

Мамлакатимизда қисқа муддатда 161 та йирик саноат объекти ишга туширилди. Бу биз учун келгуси йилда қўшимча 1,5 триллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш имконини беради.

Ҳозирги вақтда Олмалиқ кон-металлургия комбинати томонидан “Ёшлик – 1”, “Ёшлик – 2” конларини ўзлаштиришга киришилди. Сардоба, Марказий Фарғона ва Тўпаланг сув омборларини қуриш бўйича ишлар жадал олиб борилмоқда. Бу йирик иншоотлар ҳам, ҳеч шубҳасиз, мамлакатимиз иқтисодий ҳаётида муҳим воқеа бўлади.

Фарғона – Марғилон йўналишидаги темир йўл тармоғи айна пайтда электрлаштирилмоқда.

Яна бир йирик объект – Қандим газни қайта ишлаш комплекси ишга туширилиши ҳисобидан 2018 йилда қўшимча равишда 4 миллиард 100 миллион куб метр табиий газни қайта ишлаш, 67 минг тоннадан зиёд конденсат, 106 минг тоннадан ортиқ олтингургурт ишлаб чиқариш имкони яратилади.

Ўзбекистон иқтисодиётининг локомотивларидан бири бўлган Муборак газни қайта ишлаш заводида келгуси йили қўшимча равишда 6 миллиард куб метр табиий газни олтингургуртдан тозалайдиган блоклар тўлиқ фаолият бошлайди. Шулар қаторида “Ўзагротех-саноатхолдинг” акциядорлик жамиятида янги йилда 5 мингдан кўпроқ замонавий тракторлар, мингдан зиёд пахта териш машинаси ва 2 мингдан ортиқ прицеплар ишлаб чиқариш йўлга қўйилади.

Жанубий корейлик инвестор ва мутахассислар билан ҳамкорликда Сурғил кони негизда барпо этилган умумий қиймати 4 миллиард доллардан ошадиган Устюрт газ-кимё мажмуаси мажмуа дунёдаги энг замонавий, юқори технологиялар асосида ишлайдиган, йирик корхоналардан бири бўлди. Мажмуанинг ишга туширилиши йилига 83 минг тонна ноёб полипропилен маҳсулотини ишлаб чиқариш имконини беради. Ҳолбуки, бу маҳсулот илгари мамлакатимизга четдан, катта валюта ҳисобига олиб келинар эди. Айни вақтда мазкур корхона полиэтилен ишлаб чиқариш ҳажмини 3,1 баробар кўпайтириш, мингдан зиёд юқори малакали мутахассисларни иш билан таъминлаш учун имконият яратади.

Энг муҳим йўналиш минерал хомашё ва ўсимлик дунёси ресурсларини чуқур қайта ишлашни босқичма-босқич ошириб бориш, шунингдек, юқори қўшимча қийматга эга бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг ҳажми ва турини кенгайтиришдан иборат бўлиши керак.

Хомашёни жаҳон бозорида талаб катта бўлган маҳсулотга айлантириш учун қайта ишлашнинг 3-4 босқичли тизимига ўтишимиз зарур. Бу тизимнинг маъно-моҳияти шундан иборатки, у биринчи босқичда хомашёни дастлабки қайта ишлаш, яъни ярим фабрикатлар тайёрлаш, кейинги босқичда саноат асосида ишлаб чиқариш учун тайёр материалларга айлантириш, учинчи, якуний босқичда эса истеъмол учун тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш лозим.

Ҳисоб-китоблар шуни кўрсатмоқдаки, юқори қўшимча қийматга эга бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқариш натижасида 2030 йилда, янги турдаги товарлар тайёрлашни ўзлаштириш асосида нефт-газ-кимё соҳасида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 3,2 баробар, рангли металл маҳсулотлари 2,2 марта, қора металлдан тайёрланадиган буюмлар 2,3 карра, кимё саноати маҳсулотлари, жумладан, минерал ўғитлар 3,2 баробар кўпайиши мумкин.

Замонавий технологиялар асосида пахта толасини ва мева-сабзавот маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш ташқи ва ички бозорда талаб юқори бўлган тайёр, экологик тоза тўқимачилик ва энгил саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини 2030 йилда 5,6-марта, мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш ҳажмини эса 5,7 карра ошириш имконини беради.

Жаҳон иқтисодиётининг ривожланиш жараёнларини чуқур таҳлил қилиб, ресурс ва имкониятларни реал баҳолаган ҳолда, аниқ мақсадни – яъни, 2030 йилга бориб мамлакатимизда ялпи ички маҳсулот ҳажмини камида 2 баробар ошириш вазифасини қўйиш мумкин.

Шундай қилиб, ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг бутун жараёнини – хомашёни чуқур қайта ишлашдан токи уни тайёр маҳсулотга айлантиришгача бўлган йўлини – циклини, сарфланган харажатларнинг мақсадга мувофиқлиги ва нечоғлиқ ўзини қоплашини асослаб берган ҳолда, прогноз қилишни таъминлаш лозим.

ИННОВАЦИОН ИҚТИСОДИЁТГА ЎТИШ ШАРОИТИДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ

С.К. Худайберганова –ТерДУ к. ўқитувчиси

Ўзбекистон Республикасида ислохотларнинг босқичма-босқич амалга оширила бориши туфайли тадбиркорликнинг ривожланишига катта аҳамият берилмоқда. Юртимизнинг иқтисодий ўсишида улкан салоҳият мавжудки, бунинг учун ана шу кичик соҳа гуркираб ривожланиши зарур. Бугунги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ўзининг иқтисодиётимиздаги ўта муҳим ва салмоқли ҳиссаси, роли ва таъсири, содда қилиб айтганда, бошқа ҳеч бир соҳа ва йўналиш ўрнини босолмайдиган катта аҳамияти билан давлат ва жамиятимиз ривожда алоҳида ўрин эгаллайди. Шу туфайли республикаимизда кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Чунки, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш масаласига давлатимиз иқтисодий сиёсатининг стратегик вазифаси сифатида қаралмоқда.

Бугунги кунда ушбу соҳа нафақат миллий иқтисодиётнинг ўсиш суръатларини жадаллаштириш, балки бугунги кун учун долзарб ҳисобланган аҳолини иш билан таъминлаш ва турмуш даражасини ошириш масалаларини ҳал этишда ҳам етакчи ўрин тутмоқда.

Шуларни эътиборга олиб ҳурматли Президентимиз 2018 йилга “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили” деб ном бердилар. Йилнинг бундай номланишида чуқур маъно ва катта янгиликлар, замонавий ёндашувлар, тинимсиз изланишлар ётади. Хўш, фаол тадбиркорлик деганда нимани тушинишимиз лозим? Фаол тадбиркорлик бизнес фаолиятини инновацион яъни замонавий ёндашувлар, илғор технология ва бошқарув усуллари асосида ташкил этадиган иқтисодий йўналишдир.

Фаол тадбиркор деганда эса рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришга қодир, янги иш ўринлари яратиш, нафақат ўзини ва оиласини боқадиган, балки бутун жамиятга наф келтирадиган инсонларни тушунамиз. Бундай тадбиркорлар юқори технологиялар, илм-фаннинг энг сўнги ютуқларига асосланган техника ва асбоб –ускуналарни мамлакатимизга олиб кела оладиган, хориждаги етакчи компания ва ташкилотларда тажриба орттира оладиган, ўзаро манфаатли ҳамкорлик қила оладиган шахслардир.

Фаол тадбиркорлар давлатимиз томонидан қўллаб-қувватланиб , уларга зарур шароитлар , имкониятлар, имтиёзлар яратиш берилмоқда.

Бугунги кунда мамлакатимиз давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини тубдан янгилашга қаратилган инновацион иқтисодиётга, яъни инновацион ривожланиш йўлига ўтмоқда.

Инновация –бу келажак дегани. Келажакимизни барпо этишни бугундан бошлайдиган бўлсак, уни айнан инновацион ғоялар, инновацион ёндашув асосида бошлаш лозим. Бу жаҳон тажрибасида синалган ғоядир. Чунки ривожланган мамлакатлар иқтисодиёти ҳам айнан инновацион ғоялар, инновацион ёндашув асосида ривожланиб бормоқда.

“Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг олий мажлисга “Мурожатномаси””да ҳурматли Президентимиз шундай таъкидлайдилар: “Шунинг учун биз Инновацион ривожланиш вазирлигини ташкил этдик ва унинг олдида аниқ вазифаларни қўйдик. Бу вазирлик нафақат иқтисодиёт соҳасида, балки бутун жамият ҳаётида энг муҳим лойиҳаларни амалга оширишда ўзига хос лакоматив ролини бажаради,...”

Юқоридагиларни эътиборга олган ҳолда давлатимиз томонидан илмий тадқиқот ва инновацион фаолият қўллаб-қувватланмоқда. Бунинг учун уларни зарур молиявий ресурслар билан таъминлашга ёрдам берилмоқда, бу жараёнда иқтидорли ёшлар иштирокини қўллаб-қувватлаш мақсадида уларга кенг имкониятлар яратилмоқда, имтиёзлар берилмоқда.

Албатта йил номидан келиб чиқиб 2018 йил фаол тадбиркорликни ривожлантириш эътибор марказида бўлади. Бу соҳани қўллаб-қувватлаш бизнес субъектларини жадал ва барқарор ривожлантириш йўлидаги тўсиқ ва ғояларни бартараф этиш бўйича зарур чоралар кўрилмоқда. Айрим корхоналарга имтиёзлар берилгани эркин рақобат муҳити бўғилишига олиб келди. Бозор иқтисодиёти шароитида тенг ва ҳалол рақобат муҳитини яратиш мақсадида “Мамлакат озиқ –овқат хавфсизлигини янада самарали таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармон лойиҳаси ишлаб чиқилиб , кенг жамоатчилик муҳокамасига қўйилди.

Божхона таомилларининг мураккаблиги тадбиркорликка тўсқинлик қилаётган асосий омиллардан бири ҳисобланади. Жаҳон банкининг ҳисоботида кўра, экспорт-импорт ҳужжатларини расмийлаштириш бўйича Ўзбекистон 190 давлат орасида 175-ўринда туради. Божхона ҳужжатларини расмийлаштириш учун Белгияда 1 соат кифоя қилса Ўзбекистонда 1 ой муддат сарфланади. Шу муносабат билан тадбиркорлик субъектлари учун божхона кўригида хавф- хатардан огоҳ этиш тизими, яъни тадбиркорлар қанчалик ҳалол эканига қараб, уларни “яшил” ва “қизил” йўлақлар орқали ўтказиш жорий этилмоқда.

Айни вақтда ноқонуний текширишлар, хусусий бизнес фаолиятига асоссиз аралаштиришга қарши курашни кучайтириш мақсадида тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текшириш тизими тубдан қайта кўриб чиқилди. Текшириш ўтказишга рухсат беришнинг махсус электрон тизимига ўтирилиб, унинг назорати Бош прокуратурага юклатилди. Барча

тадбиркорлик субъектларининг молиявий-хўжалик фаолиятини текшириш 2 йилга тўхтатилди.

Бўш турган давлат мулки объектларини ўзаро шериклик асосида хусусий секторга ўтказиш бўйича ишлар давом эттирилмоқда. Интернет тармоғида электрон савдолар ва аукционлар орқали ер участкаларини, жумладан, тадбиркорлар учун ажратишнинг ягона тартиби ўрнатилиб, 2018 йилдан электрон савдо майдонлари орқали давлат активларини сотиш бўйича электрон тизим ташкил этилди.

2018 йилда банк тизими фаолиятини ривожлантириш бўйича белгиланган вазифаларни амалга оширишда банклар билан тадбиркорлик субъектлари ўртасида самарали ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик муносабати таъминланмоқда.

РОЛЬ СЕКТОРАЛЬНЫХ ПРЕФЕРЕНЦИЙ, ЛЬГОТ И ГАРАНТИЙ В СНИЖЕНИИ ФИНАНСОВЫХ И ЭКОНОМИЧЕСКИХ РИСКОВ ДЛЯ ИНОСТРАННЫХ ИНВЕСТИЦИЙ В УЗБЕКИСТАНЕ.

А.С.Азизов, докторант НамГУ

В основе инвестиционной деятельности Республики Узбекистан лежит законодательство Республики Узбекистан, которое регулирует инвестиционную деятельность в нашей стране. Закон Республики Узбекистан «Об инвестиционной деятельности» [1] – основной закон Республики Узбекистан, который определяет основные термины, определения и положения инвестиционной деятельности, осуществляемой как иностранными, так и внутренними инвесторами.

Секторальное стимулирование инвестиций транснациональных компаний (далее – «ТНК») регулируется Указом Президента Республики Узбекистан «О дополнительных мерах по стимулированию привлечения прямых иностранных инвестиций»[2]. Данный Указ регулирует сферу предоставления льгот иностранным инвесторам. В частности, приложении №1 к Указу перечислены основные гарантии, льготы и преференций, установленных для иностранных инвесторов и предприятий с иностранными инвестициями. Согласно Указа, льготы и преференции разделены, как для крупных, так и для малых иностранных инвестиций, с конкретным указанием конкретных приоритетных отраслей⁹² народного хозяйства. При этом льготы действительны даже при изменении законодательства в худшую сторону для иностранного инвестора до конца срока действия льгот и преференций.

Размер иностранных инвестиций	Срок действия
от 300 тыс. долларов США до 3 млн долларов США	3 года
свыше 3 млн долларов США до 10 млн долларов США	5 лет
свыше 10 млн долларов США	7 лет

Таблица 1: Срок действия налоговых и таможенных льгот для предприятий с ИИ в зависимости от размера инвестиций

Остановимся на некоторых видах льгот, так как они непосредственно влияют на норму прибыли иностранных инвестиций (далее –«ИИ»), так же как и на экономический и финансовые риски инвестирования в нашу страну в приоритетных отраслях. Итак, законодательство прописывает льготы, гарантии и преференции для иностранных инвесторов для увеличения их прибыли (и стало быть, денежных потоков от операционной

⁹² К таким отраслям относятся: легкая промышленность, шелковая промышленность, производство строительных материалов, промышленное производство мяса птицы и яиц, пищевая промышленность, мясомолочная промышленность, переработка и консервирование рыбы и рыбных продуктов, химическая промышленность, нефтехимическая промышленность, медицинская промышленность и препараты ветеринарии, машиностроение (в том числе, общее, тракторное и сельскохозяйственное, для легкой промышленности, для бытовых приборов и т.д.) и металлообработка, станкостроение, производство игрушек и т.д. Для более детальной информации смотреть «Перечень отраслей экономики, на которые распространяются льготы, предоставляемые для прямых частных иностранных инвестиций» Указа Президента Республики Узбекистан «О дополнительных мерах по стимулированию привлечения прямых иностранных инвестиций» от 10 апреля 2012 года, №УП-4434

деятельности). Помимо этого, вышеуказанный Указ Президента прямо или косвенно увеличивает вероятность достижения целевых норм прибыли ИИ и одновременно снижает вероятность происшествия негативных событий (новое законодательство, реквизиция, национализация и пр.). К примеру, помимо прочих преференций, Указом закреплён порядок, в соответствии с которым в рамках инвестиционных проектов стоимостью свыше 50 млн. долларов США и долей иностранного инвестора не менее 50 процентов строительство необходимых внешних инженерно-коммуникационных сетей осуществляется за счёт бюджетных средств и других внутренних источников финансирования. Воздействие некоторых льгот, преференций и гарантий указано в таблице ниже.

Преференции, льготы и гарантии в Республике Узбекистан

...вновь создаваемые предприятия с иностранными инвестициями, в которых вклад иностранного инвестора в денежной форме составляет не менее 5 млн. долларов США, при изменении налогового законодательства вправе применять в течение 10 лет с момента их государственной регистрации нормы и положения по уплате налогов.

...порядок, в соответствии с которым в рамках инвестиционных проектов стоимостью свыше 50 млн долларов США и долей иностранного инвестора не менее 50 процентов строительство необходимых внешних, за пределами производственной площадки, инженерно-коммуникационных сетей осуществляется за счёт бюджетных средств и других внутренних источников финансирования.

...запретить и считать незаконным установление министерствами, ведомствами, государственными органами на местах, правоохранительными и контролирующими органами, коммерческими банками дополнительных требований и ограничений, связанных с деятельностью иностранных инвесторов и предприятий с иностранными инвестициями.

...иностранные инвестиции и иные активы иностранных инвесторов в Республике Узбекистан не подлежат национализации.

...иностранные инвестиции и иные активы иностранных инвесторов не подлежат реквизиции, за исключением случаев стихийных бедствий, аварий, эпидемий, эпизоотии...

Таблица 2: Воздействие льгот, гарантий и преференций на норму прибыли иностранных инвестиций

Воздействие на норму прибыли ИИ и вероятность достижения нормы прибыли

- Увеличивает норму прибыли тем, что снижает налоговые издержки на долгосрочный период.
- Снижает (или сводит к 0%) вероятность снижения нормы прибыли ввиду изменения налогового законодательства

- Данная льгота снижает первоначальную сумму инвестиций (на сумму строительства инфраструктуры), что увеличит норму прибыли для иностранного инвестирования

- Снижает вероятность негативных событий, снижающих норму прибыли ввиду изменения применимого законодательства (например, появление незапланированных издержек производства в виде налогов)

- Снижает вероятность наступления негативных событий, связанных с политическим риском

Итак, мы можем сделать заключение, что в Республике Узбекистан имеется соответствующее законодательство, которое обеспечивает фундаментальные права иностранных инвесторов в Узбекистане. Узбекистан имеет особое географическое положение в регионе Центральной Азии с отличными демографическими показателями, что, в свою очередь, делает нашу страну привлекательным для иностранных инвесторов. Дальнейшее качественное выполнение «Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах» Главы 3 «Приоритетные направления развития и либерализации экономики» является неотъемлемой частью развития приоритетных секторов экономики Республики Узбекистан.

МАКРОИҚТИСОДИЙ СИЁСАТ ВА АҲОЛИ БАНДЛИГИ

Ахунбобоев М.М. , Сатторов С. М., ўқитувчилар,
Умрзоков О., талаба, ГулДУ

Бозор муносабатларига ўтиш даврида Ўзбекистон миллий иқтисодиётини шакллантириш ва ривожлантиришда республикадаги демографик вазият ҳамда меҳнат ресурслари катта салоҳиятга эгадир. Шунинг учун республикада макроиқтисодий масалаларни ҳал қилиш жараёнида меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш муаммосига катта эътибор қаратилиши бежиз эмас. XXI аснинг бошланиши жаҳон тарихига ижтимоий–иқтисодий, сиёсий нуқтаи назардан катта ўзгаришлар билан бошланганлиги ҳамда сиёсатлар тузумида ўзгаришлар даври бўлиб кириб келди.

Республика иқтисодиётини ривожлантириш жараёнида ишлаб чиқилган стратегия ва тактикага таянган ҳолда таркибий ўзгаришлар амалга оширилаётир. Чунончи, саноатни жадал ривожлантириш, агросаноат мажмуасини янги поғонага кўтариш, географик ўрнига боғлиқ ҳолда транспорт тизимини такомиллаштириш каби вазифалар бўйича бир қанча муваффақиятларга эришилди. Бунда хуудлардаги мавжуд минерал ва қишлоқ хўжалиги хом ашёларидан ҳамда меҳнат ресурслари захираларидан, халқнинг қадимдан шаклланиб келган миллий ҳунармандчилик ва меҳнат кўникмаларидан фойдаланишга ҳаракат қилинмоқда.

Президент Шавкат Мирзиёвнинг сайловолди дастури асосида ишлаб чиқилган 2017-2021 йилларда мамлакатни тараққий эттиришнинг Ҳаракатлар стратегиясида мўлжал ва вазифалар, шунингдек, уларни ҳал этиш йўллари аниқ белгилаб берилган. Макроиқтисодий сиёсат ва мамлакат хўжалигида чуқур таркибий ўзгаришларга асос солиш долзарб масалага айланди. Макроиқтисодий сиёсатнинг асосий мақсади хўжалиқда чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш орқали иқтисодий барқарорликка, аҳолининг фаровонлигини таъминлашга ҳамда жаҳон ҳамжамиятига қўшилиб, ундан муносиб жой олишга қаратилгандир. Мисол учун ўтган 2017 йилда 161та қурилган йирик саноат иншоатлари ҳам буни тасдиқлаб турибди.

«Макроиқтисодиёт–бу мамлакат миқёсида моддий ишлаб чиқариш ва номоддий соҳаларини бир бутун қилиб бирлаштирган миллий ва жаҳон хўжалиги даражасидаги иқтисодиётдир. Макроиқтисодиёт ўз ичига халқ хўжалигининг моддий ва номоддий ишлаб чиқариш ҳамда хизмат кўрсатиш соҳаларини олади» (Шодмонов Ш., Алимов Р., Жўраев Т. Иқтисодиёт назарияси. -Т.: Молия, 2002. – 245 б.)

Мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришда демографик вазият ҳам ўз таъсирини кўрсатмоқда. Негаки, меҳнатга лаёқатли аҳоли сони тез ўсиб, йилига 200-230 минг кишига кўпаймоқда. Бу эса энг асосий иқтисодий ва ижтимоий масалалардан бири-меҳнат ресурсларини иш билан таъминлаш, улардан самарали фойдаланиш ва ишсизлик муаммосини келтириб чиқармоқда. Бу муаммоларни ижобий ҳал этиш учун Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И. Каримовнинг қуйидаги фикрларини эслашимиз тўғри бўлар эди: “... қишлоқ жойларида, биринчи галда, тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнеснинг жадал ривожланиши учун зарур бўлган барча шарт-шароит ва кафолатларни яратиш, деҳқон ва фермер хўжаликлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш орқали янги-янги иш

жойлари ташкил этиш керак”¹. Маълумки, аҳоли ва унинг энг фаол қисми бўлган меҳнат ресурслари макроиқтисодиётнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучи ҳисобланади. Шунинг учун макроиқтисодиёт аҳоли ва меҳнат ресурсларининг ижтимоий-иқтисодий йўналишларини тадқиқ этиб, уларни самарали бошқариш ва макроиқтисодиётни ривожлантириш бош мақсад ҳисобланади.

Сирдарё вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш Дастури доирасида саноат, хизмат кўрсатиш, сервис ва қишлоқ хўжалиги йўналишларида оширилиб, 21,7 мингта янги иш ўринлари яратиш кўзда тутилган. (2017 йилнинг биринчи чорагида вилоятда 1704 та янги иш ўринлари барпо этилди).

Сирдарё вилоятида 2017 йил январ-декабрда меҳнат ресурслари сони 475,1 минг кишини ташкил этиб, 2016 йилга нисбатан 4,9 минг ёки 0,4% ўсган. Меҳнат ресурсларининг таркибида иқтисодий фаол аҳоли сони 371, 9 минг нафар (жами меҳнат ресурсларининг 78,3%) иқтисодий нофаол аҳоли эса 103, 2 минг ёки 21,7% ни ташкил қилмоқда. Кичик бизнес ва тадбиркорликда иш билан бандларнинг жами бандликдаги улуши 79,5 % ташкил этмоқда. Бу кўрсаткич жиҳатдан республикада етакчи ўринда туради. Вилоятда аҳолини иш билан таъминлаш мақсадида янги саноат корхоналари барпо этиш билан бирга қўшма корхоналар ҳам ташкил этилмоқда.

МАМЛАКАТ ИҚТИСОДИЁТИНИ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНТИРИШДА ЕР РЕСУРСЛАРИДАН ФЙДАЛАНИШ

**Ахунбобоев М.М., Зикиров И. Я., ўқитувчилар
Усанов.А.А., талаба, ГулДУ**

Кейинги йилларда республикада ерлардан оқилона ва самарали фойдаланишни ташкил этиш, таъсирчан назоратни таъминлаш ҳамда ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри соҳаларидаги муносабатларни комплекс тартибга солишга йўналтирилган бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилди. Республикамиз учун ўта долзарб аҳамиятга эга бўлган суғориладиган ерлар 4,3 миллион гектарни, ёки мамлакат умумий майдонининг 9,6 фоизини ташкил этиб, уларда барча қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 95 фоиздан ортиғи етиштирилади.

Юқоридаги маълумотларнинг ўзи ҳам ер ресурслари мамлакат иқтисодиётида катта аҳамиятга эга эканлигидан далолат бериб турибди.

Республикамиз ер ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини, қишлоқ хўжалиги ерлари унумдорлигини ошириш, шунингдек, соҳа фаолиятини такомиллаштириш ва унинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ерларни муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш борасида назоратни кучайтириш, геодезия ва картография фаолиятини такомиллаштириш, давлат кадастрлари юритишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Фармонда Ер ресурсларини мамлакат иқтисодиётидаги ўрни катта эканлиги учун ҳам ундан самарали ва оқилона фойдаланиш кўзда тутилади.

Ердан самарали ва оқилона фойдаланиш қишлоқ хўжалигини жадал раванк топтиришнинг муҳим шарти, фаровон ҳаётимиз пойдеворидир.

Шунинг учун ҳам истиқлолнинг дастлабки йилларидан бошлаб, қишлоқ хўжалиги соҳасининг ҳуқуқий асоси яратилиб, унинг ривожига янада жиддий эътибор қаратила бошланди. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси, “Фермер хўжалиги тўғрисида”, “Дехқон хўжалиги тўғрисида” ҳамда “Давлат ер кадастри тўғрисида” ги

¹ Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. -Т.: «Ўзбекистон», 2001. – 404 б.

Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Президент фармонлари ва ҳукуматнинг бир қатор қарорлари қабул қилинди. Иқтисодий мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, аҳолининг озик-овқат маҳсулотларига бўлган талабини қондириш, саноат тармоқларини муҳим хом ашёлар билан кафолатли таъминлаш, экспорт салоҳиятини юксалтириш бевосита ер ресурсларидан самарали фойдаланиш, тупроқ унумдорлигини сақлашга боғлиқ. Бу борада қилинаётган тадбирлар натижасида республикадаги ер ресурсларининг сифати яхшланиб бормоқда. Масалан, 2007 йилги ва 2015 йилги ерларнинг (дунё бўйича қарийб 2 миллиард гектар ер майдони яроқсиз аҳволга келгани) шўрланиш кўрсаткичларини таққослайдиган бўлсак, унда шўрланмаган ерлар 2127,2 минг гектардан, 2289,6 гектарга ошганлигини ва аксинча, шўрланган ерлар миқдори 2154,7 минг гектардан 2000,0 гектарга тушиб қолганини кўраемиз. (Сирдарё вилоятида бу кўрсаткич 8,2 минг га дан 7,1 минг га, 284,0 дан 280,7 минг га тенг).

Ер майдонларидан тўғри ва самарали фойдаланиш мақсадида аҳоли хонадонлари, фермер ва деҳқон хўжаликлари ҳамда тадбиркорлар томонидан 635 гектар майдонда иссиқхоналар ташкил этилди.

Бугунги кунда Республика бўйича 8,5 минг гектардан ортиқ майдонларда иссиқхоналар фаолият юритмоқда, буларнинг 40 гектар майдонида гидропника усулида сабзавот маҳсулотлари етиштирилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 29 декабрдаги ПҚ-2460-сонли қарорига асосан, 2017-2020 йиллар давомида паст рентабеллик пахта ва ғалла майдонларни оптималлаштириш ҳисобига 2020 йилгача 235 минг гектар майдонлари оптималлаштирилиб, уларнинг ўрнига 40,9 минг гектар картошка, 96,7 минг гектар сабзавот, 49,8 минг гектар озуқа экинлари, 15,1 минг гектар мойли экинлар ҳамда 20,9 минг гектар интенсив боғлар ва 12 минг гектар тоқзорларга қўшимча майдонлар қўшилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 29 декабрдаги ПҚ-2460-сонли қарорига асосан 2017-2020 йиллар давомида паст рентабеллик пахта ва ғалла майдонларни оптималлаштириш ҳисобига 2020 йилгача 235 минг гектар майдонлари оптималлаштирилиб, уларнинг ўрнига 40,9 минг гектар картошка, 96,7 минг гектар сабзавот, 49,8 минг гектар озуқа экинлари, 15,1 минг гектар мойли экинлар ҳамда 20,9 минг гектар интенсив боғлар ва 12 минг гектар тоқзорларга қўшимча майдонлар қўшилади.

Республикада олиб борилаётган барча тадбирлардан шуни кўриш мумкинки, Ер ресурслари мамлакат халқ хўжалигининг барча тармоқлари учун зарур бўлган хом ашёларни етказиб бериши билан бирга асосий хом ашё сифатида ишлатилади. Айниқса, қишлоқ хўжалигида унинг аҳамияти янада салмоқлидир. Ер ресурсларидан тўғри фойдаланилса, ҳар қандай давлатнинг иқтисодий жиҳатдан ривожланишини таъминлай олиши мумкин. Ер ресурсларини таъбир жоиз бўлса, давлатнинг олтин фондига қийслашимиз мумкин. Негаки, давлатни ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий, ҳам маънавий раванқ топиши учун унинг роли беқиёс деб қарашимиз лозим. Ер ресурсларидан оқилона, тежамкор, самарали фойдаланиш барча фуқароларни бурчидир.

МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТДА РЕСТРУКТРИЗАЦИЯЛАШГА ЁНДАШУВНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

**кат. ўқит. Дехқонова Л. А.,
кат. ўқит. Худойкулова Ш.В. ГулДУ**

Ўзбекистонда охириги вақтларда иқтисодиётнинг ривожланиши натижасида ташқи бозорга йўналтирилган ресурсларни казиб олиш тармоқлари соҳасининг устуворлиги, хизмат кўрсатиш доирасининг нисбатан юқорилиги, ишлов бериш тармоқлари соҳаларининг, жумладан юқори технологик тармоқлари паст даражаси билан характерланувчи, ислохатларгача бўлган даврдагидан фарқ қилувчи янги иқтисодиёт структураси шаклланди. Юзага келган структуравий силжишлар мақсадли йўналтирилган сиёсатнинг натижаси

бўлмасдан, балки структуравий-технологик дисбаланснинг объектив оқибати ва Ўзбекистон иқтисодиётини глобал иқтисодий тизимга тезкор йўналтирилиши натижасида пайдо бўлди.

Очиқ бозор шароитида мавжудлиги бўйича жорий иқтисодий рақобатли устунликлар амалга оширилиб кўрилди. Бирламчи ресурслар экспорти юқори самараси кўрсатилган структуравий силжишларнинг қатъийлигини мустахкамлайди, капитал тушуми механизми йўқлиги шароитида айнан рақобатбардош соҳалар ўз рақобатбардошлигини сақлаш ва оширишнинг катта имкониятини кўлга киритди.

Структуравий силжишларнинг объектив ва ягона характери мамлакат, жамият, давлатнинг узоқ муддатли қизиқишлари нуқтаи назаридан бу силжиш-ларнинг оптимал эканлигини англатмайди. Бизнинг фикримизча, иқтисодиётнинг янги структурасининг шаклланиши ва функцияланиши, қоида бўйича, ривожланган давлатлар замонавий технологик базасидан узоқ ва паст даражада юз бериб, рақобат устунлигини ишончсиз қилиб кўяди.

Ресурслар қазиб олинаётган конларнинг тугаб бориши яқин келажакда соҳанинг асосий экспорт ишлаб чиқаришининг қисқаришига ва секторга харажатларнинг кескин ўсишига ва унинг рақобатбардошлигининг пасайиб кетишига олиб келиши мумкин. Шаклланаётган экспорт структураси миллий иқтисодиётни Ўзбекистон монопол бўлмаган товар бозорларида конъюктура тебранишларига қарам қилиб кўйиши мумкин.

Бундан ташқари, келажакда иқтисодиётнинг барча соҳаларининг технологик ривож импортуга боғлиқлиги кучаймоқда. Хом-ашё устунлиги соҳаларининг ривож етарли миқдорда ишчи ўринлари (айниқса малакали ходимлар учун)ни яратмайди, натижада меҳнат бозорида зўриқишни юзага келтириб, ижтимоий соҳада умумий ва минтақавий муаммолар пайдо бўлади. Шу билан бирга бизнинг иқтисодиётимизда ички бозорда ҳам, жаҳон бозорида ҳам рақобатбардош қобилиятга эга бўлган сектор ва соҳалар бор. Ушбу секторларнинг рақобатбардош устунликлари (тўлиқ ишга солинмаган технологик қувватлар, малакали мутахассислар, илмий-техник ишлар)ни амалга ошириш бозор механизми ва институтларининг такомиллашмаганлиги каби омиллар ушбу секторлар ҳозирги вақтда юзага келган бошланғич шароит, ишлаб чиқаришни экспансиялаш, ишлаб чиқариш базасини модернизациялаш ва самарадорликни ошириш учун ҳам ноқулайлик туғдиради.

Иқтисодий шароитларни такомиллаштириш ва бозор институтларини ривожлантириш масалалари самарали хўжалик юритишнинг умумий шароити ҳисобланади. Бироқ, кўпгина структуравий дисбаланслар ва институцион муаммоларни қисқа муддатларда бутунлай бартараф этиб бўлмайди. Бу ўрта муддатли ва узоқ муддатли келажакда соҳавий ва секторли махсуслашган ривожланиши шароитининг сақланишини англатади. Биз санаб ўтган юқоридаги сабаблар ҳозирги вақтдагидан анча кенг соҳалар ва ишлаб чиқариш доираларининг ички ва ташқи рақобатбардошлилигини оширишга, қўшилган қиймати юқори ҳиссали, замонавий технология ва малакали мутахассислардан фойдаланувчи иқтисодий фаолият турлари ва соҳаларида умумий структуравий силжишларни барқарорлаштириш ва кўллаб-қувватлашга мақсадли йўналтирилган давлат структуравий сиёсати заруриятини аниқлаштириб берди. Биз давлатимизнинг структуравий сийосатининг асосий мақсади кейинги ўн йилликда мамлакатда ишлаб чиқарилган товар ва хизматлар ички ва жаҳон бозоридаги рақобатбардошлигини оширишга ва юқори даражадаги махсулотлар ишлаб чиқарувчи, қайта ишловчи ва хизмат кўрсатувчи соҳаларнинг ҳиссасини ошириш томонига структуравий силжишларни таъминлашга қаратилиши керак деб ҳисоблаймиз. Структуравий сиёсатнинг муҳим ташкил этувчиси мустақил аҳамиятга эга бўлган соҳа бозорларини тартибга солиш ҳисобланади.

Бундай тартибга солиш қуйидагиларни назарда тутаяди:

I. Ўзбекистон иқтисодий фаолияти шароитида нафақат бутун иқтисодиёт кўламида, балки алоҳида соҳалар бозори кўламида ҳам тенг ва олдиндан айтиш мумкин бўлган шароит яратиш, рақобат муҳитини шакллантириш.

II. Иқтисодий ўсишни микродаражада импорт ўрнини босувчи, экспорт шартномаларини ва бошқа воситалардан фойдаланиш занжирларини шакллантиришни кўллаб қувватлаш орқали барқарорлантириш.

III. Самарадор корхоналарни шакллантиришни кўллаб-қувватлаш (хам интеграцион жараёнлар билан, хам мулкчилик шакллари ўзгаришлари билан хам боғлиқ корхоналар).

Корхоналарда инвестициялар ва айланма воситаларнинг етишмаслиги ва соҳа бозорлари ўртасидаги бизнес даромади ўртасидаги узилишлар шароитида соҳалараро капитал тушумларини ўта қийинлаштиради. Соҳа бозорларидаги юқори сегментациялашни баргараф этиш вазифаси улар учун тартибга солишнинг специфик воситаларини ишлаб чиқишни талаб этади.

Бундай инструментларга қуйидагилар киради:

I. Ҳукумат томонидан таклиф этилаётган ўрта муддатли ва узоқ муддатли мақсадли мўлжаллар ва прогнозлар асосида тузилган соҳали келишувлар. Давлатнинг самарсиз аппаратини кучининг айрим функцияларини тартибга солиш ва арбитраж функцияларини, жумладан соҳа бозорларидаги рақобат режимини сақлашнинг кузатиб туриш функцияларини шу бозор ассоциацияси иштирокчиларига ўтказишни таъминлаш зарур.

II. Барча товарлар ва хизматлар категориялари учун божхона ва солиқ режимларини тартибга солиш ва келиштириш.

III. Экспортни кўллаб-қувватлашга ва ички бозорларда янги сегментларни ўзлаштиришга йўналтирилган мақсадли кредит ва лизинг институтларини ташкил этиш (давлат иштирокидаги институтларни уларнинг конкурс ёки аукцион характерлари асосида кредитлаштириш процедурасини жозибадорлигини таъминлаш зарурияти шароитида).

IV. Давлат иштирокининг турли шаклларида фойдаланиб, мулкдор сифатида унинг хиссасининг хусусийлаштирилишининг давомийлиги билан мулкчилик комплексини қайта хосил қилиш.

V. Соҳанинг кадрлар ва ахборотлар дастурини ривожлантириш, сифат марказларини ташкил этиш, соҳа бозорларининг логистика ва специфик транспорт инфраструктурасини шакллантириш (қоидага кўра, мос келувчи инвестицияларни молиялаштириш ёки имтиёзли кредитлаш асосида).

Тартибга солишнинг ўзига хос инструментлардан фойдаланишнинг мажбурий шартлари шу соҳа бозорларининг барча иштирокчилари учун жозибадорлик, олдиндан айта олишлилиқ режимларини, уларнинг ягоналигини сақлаш хисобланади. Бизнинг фикримизча, соҳанинг маълум бозорларида иштирокчиларнинг сонининг табиий чегараланиши ёки унинг монополиялаштирилиш даражасининг оширилишига қарши йўналтирилган чоралар киритилиши керак. Шу билан бир вақтда шуни хам хисобга олиш керакки, бир неча соҳалар учун бозор ўлчамлари (хом-ашё комплекси, оғир машинасозлик, авиация) миллий доирадан ташқарига чиқади. Бундай шароитларда давлат самарадор корхоналарни шакллантиришни уларни миллий кўламда мустахкамлаш ва Ўзбекистон иштирокида халқаро корпорацияларни яратиш йўли билан тартибга солиш керак.

ГОСУДАРСТВЕННЫЙ МЕХАНИЗМ РЕГУЛИРОВАНИЯ ИННОВАЦИОННЫХ ПРОЦЕССОВ И ЕГО ИНСТРУМЕНТЫ

**Джонибеков Ш., преподаватель,
Мадатов З., студент, ГулГУ**

Необходимость государственного регулирования инновационных процессов вызвана в первую очередь их возрастающим значением для экономики и общества в целом. Под влиянием инновационных процессов меняется и структура экономики. За счет роста эффективности использования ресурсов часть их высвобождается и перераспределяется в другие сферы деятельности. Воздействие на структуру общественного производства - второй аспект общегосударственного значения инновационных процессов.

Инновации изменяют также экономическую организацию общества. Появляются новые элементы в спектре основных хозяйственных структур (например, венчурные фирмы), трансформируется содержание взаимосвязей между ними. Происходят сдвиги в структуре и реализации различных форм собственности. Развиваются технологии управления. Вертикальные воздействия во все большей мере дополняются и заменяются горизонтальными связями. Претерпевает изменения и содержание собственно государственного регулирования экономики. Итак, существенное влияние на институциональные экономические механизмы - третий аспект общегосударственного значения инноваций. Инновационные процессы приобретают все большее социальное значение. Наряду с тем, что уже отмеченный генерируемый инновациями экономический рост позволяет повысить уровень жизни населения, нововведения часто способствуют решению проблем занятости за счет создания новых высокооплачиваемых рабочих мест. Повышается уровень образования и здравоохранения. Кроме того, в нынешний исторический период процесс распространения инноваций является одним из элементов, связующих различные социальные и экономические субъекты в единое целое, обеспечивает единство нации, во многих случаях смягчает социальные противоречия и конфликты. Итак, влияние инновационных процессов на социальную стабильность - пятый аспект общегосударственного значения инноваций. Интенсивность инновационных процессов в современном мире значительно обострила экологические проблемы. С другой стороны, только на инновационном пути возможна гармонизация отношений между человеком и природой. Научно-технические достижения позволяют уменьшить использование невозполнимых ресурсов и вредные выбросы путем рационализации структуры производства и потребления, а также распространения рециклических технологий. Следовательно, влияние инноваций на окружающую среду - шестой аспект общегосударственного значения инновационных процессов. Восьмой аспект общегосударственного значения инноваций - зависимость глобальной конкурентоспособности национальной экономики от уровня развития инновационных процессов.

Необходимость государственного регулирования инновационных процессов объясняется не только их общенациональным значением, но и экономическим содержанием. С одной стороны, в настоящее время инновации становятся основным средством увеличения прибыли хозяйствующих субъектов за счет лучшего удовлетворения рыночного спроса, снижения производственных издержек по сравнению с конкурентами. С другой стороны, в условиях классических рыночных механизмов получение научно-технических результатов было бы существенно затруднено, многие нововведения не могли бы быть внедрены в хозяйственную практику⁹³.

Углубление экономических реформ, проводимых в Узбекистане коренным образом меняет систему государственного управления инновациями. Правительство Республики Узбекистан совместно с регионами управляет единой топливно-энергетической и транспортной системами, связью и информацией, метрологией и стандартизацией, программами фундаментальных НИР и стимулирования нововведений.

Процесс разрушения системы централизованного планирования и создания рыночного хозяйства усложнили проблему обеспечения стабильного научно-технического развития. Центр уже не может напрямую вмешиваться во все процессы и сферы экономического развития. НТП, как постоянный и непрерывный процесс, должен стать исключением. Опыт зарубежных стран с рыночной экономикой показывает, что именно в этих вопросах нельзя полностью полагаться на саморегуляцию рынка. Проблема нововведений не может быть лишь частной проблемой того или иного предприятия или региона и во все большей степени носит общественный характер, поскольку социально-

⁹³ Фатхутдинов Р. А. Инновационный менеджмент. – учебник, 2-е изд., - М.: ЗАО «Бизнес – школа «Интел Синтез»», 2004 г., с. 624

экономические перспективы развития общества начинают все сильнее зависеть от того, насколько органично в этом обществе развиваются инновационные процессы. В связи с этим необходима разработка экономико-правовых механизмов для систематического и планомерного регулирования деятельности сферы науки и инновации.

Реальные экономические условия в республике и оценка степени развитости той или иной отрасли науки и технологий в стране, по сравнению с мировым уровнем, требуют выбора определенной стратегии научно-технической политики. Из мирового опыта известны три принципа: всеобщее, селективное и заимствованное развитие науки, техники и технологий. Наиболее целесообразным путем реализации государственной научно-технической политики в Узбекистане представляется путь, сочетающий стратегии селективного развития и заимствования передовых научно-технических разработок.

Ни одна развитая страна не обходится без государственного вмешательства в сферу науки и техники. Исходя из мирового опыта и специфики нашей экономики, отказ от государственного регулирования сферы НТП и упование на механизм рынка и преимущества частной собственности представляется не абсолютным. Стержнем управления развития инновационного процесса по-прежнему следует считать научно-техническую политику государства как составную часть воспроизводственных преобразований. Объектом государственной научно-технической политики должны быть инновационные процессы, процессы по созданию и внедрению инноваций (нововведений, научно-технических достижений) во все элементы и звенья общественного развития, а также научно-техническая и прочая продукция, воплощающая в себе достижения науки и техники.

Государственный механизм регулирования инновационных процессов использует следующие инструменты:

- социально-экономические и научно-технические прогнозы государственной политики в области финансов, цен, денежного обращения и др.;
- государственно-административные, общеэкономические и рыночные регуляторы;
- государственные и региональные программы, балансы и модели оптимизации экономических процессов;
- государственные заказы и современные контрактные системы;

В период осуществления рыночных реформ в Узбекистане деятельность государства должна быть направлена на всемерное поощрение внедрения и распространение инноваций. Как свидетельствует мировой опыт, чем больше страна отстает в своем развитии, тем значительнее роль государственных органов управления в создании инфраструктуры, мобилизации ресурсов, выявлении приоритетов хозяйственного развития, достижении пропорций и взаимосвязей в национальной экономике. Уровень развития инновационной сферы определяет положение страны в мировом хозяйственном пространстве.

АКТИВИЗАЦИЯ ИНВЕСТИЦИОННОГО ПОТЕНЦИАЛА В УСЛОВИЯХ МОДЕРНИЗАЦИИ ЭКОНОМИКИ

Джураев И.Б., преподаватель, ГулГУ

Экономика Узбекистана на мировой арене с авторитетными международными кредитными организациями видится динамично развивающейся. Она в Центральной Азии стала частью мировой экономической системы, наращивая свой экспортный потенциал, при этом последовательно, меняя свою структуру поставок на внешние рынки, с сырьевой направленности на высокотехнологичную готовую продукцию с высокой добавленной стоимостью.

В экономической сфере в 2017 году мы сделали первые шаги по реализации эффективных реформ, отвечающих современным требованиям. Приняты и последовательно реализуются законы, указы и постановления, всесторонне продуманные программы по

организации нашей экономики на новой основе и ее дальнейшей либерализации, совершенствованию ее правовой базы, модернизации и диверсификации производства⁹⁴.

В странах с переходной экономикой прямые иностранные инвестиции (ПИИ) позитивно повлияли на развитие экономики, стали ключевым источником роста во многих сферах и каналом, по которому происходит перелив новых методов управления и технологий в экономику страны. Глобальные тенденции показали в истекшем году, сокращение потока ПИИ в странах с переходной экономикой на 54%. Связать этот факт можно с различными международными эскалациями, в том числе со снижением цен на сырьевые товары (на природный газ (на 18%), медь (на 9%), цветные металлы (на 11%), а также на золото (на 7%)) как следствие, влияющее на снижение внешнего спроса со стороны основных торговых партнёров Узбекистана⁹⁵.

В настоящее время возникает необходимость активизации инвестиционного процесса в экономике Республики Узбекистан, обусловленного структурными сдвигами, направленными на точность инвестиционных затрат, капитальных вложений и, определения приоритетов в отраслевой структуре инвестиций, внутри основных народнохозяйственных сфер: основного производства, производственных и социальных инфраструктур. В продолжении условий качественного экономического роста, социально-экономического развития единого экономического пространства необходима оценка и активизация национального инвестиционного потенциала в том числе региональная оценка абсолютных (природных) преимуществ в совокупности дающие эффект синергизма. Под инвестиционным потенциалом необходимо понимать: инвестиционную активность, инвестиционный климат, инвестиционную привлекательность, инвестиционные риски. Стратегические усилия Республики Узбекистан направлены на углубление проникновения иностранного капитала в ключевые и наиболее капиталоемкие сектора экономики. Как результат созданная и апробированная благоприятная правовая база, как инвестиционный импульс поощрения иностранного капитала и стимулирования его активного проникновения в экономику Узбекистана. Действующая адресная инвестиционная программа, аккумулирующая инвестиционные потоки как в масштабе всей страны (ГИП) и регионов в целом (РИП) - региональных инвестиционных программ. Учитывая вышеперечисленное, препонами, останавливающими становление перспективных инвестиционных проектов, служит излишние ограничения на приток капиталов в экономику Узбекистана. Как основное ограничение в доступе к свободно конвертируемой валюте, ставят проблематичной репатриацию прибыли и дивидендов, что даёт повод инвесторам искать более диверсификационные направления инвестиционной активности.

В Узбекистане в рейтинге благоприятности условий для ведения бизнеса в 2017 году по отношению к прошлому году наблюдаются положительные сдвиги по регистрации собственности (+6 позиции в рейтинге), защита миноритарных инвесторов (+8 позиции в рейтинге), налогообложению (+1 позиции в рейтинге). Данные продвижения достигнуты благодаря упрощению передачи собственности путем повышения прозрачности информации, защиты инвесторов через разъяснения прав собственности и структур контроля, сокращения налогового бремени⁹⁶.

Хочется отметить проблемы инвестиционной активности в регионах, что обуславливается, недостаточностью научных разработок, касающихся определения

⁹⁴ Послание Президента Республики Узбекистан Ш. Мирзиёева Олий Мажлису. <http://www.press-service.uz/ru/lists/view/>

⁹⁵ Абдуллаев А.Ф. Активизация инвестиционного потенциала в региональном аспекте. //Значение сферы услуг в повышении финансового потенциала регионов.: сборник материалов респуб.научно-практич.конференций. – Т.: «Iqtisod-Moliya», 2017. – стр 456.

⁹⁶ Мухсимова Д. Проблемы улучшения делового климата в Узбекистане.// Пути и механизмы дальнейшего развития и либерализации экономики в свете реализации Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах. Материалы IX форума экономистов. Ташкент. IFMR, 2017.-468с.

сущности и содержания инвестиционного потенциала в новых условиях рыночного хозяйствования, также изменением экономической и социальной функций государства, выбором национальной модели экономических реформ, определением границ государственных гарантий и региональных инвестиционных инициатив.

Прежде всего, мы должны создать эффективную систему привлечения иностранных кредитов и инвестиций, научиться расчетливо использовать каждый цент. С этой точки зрения важное значение приобретают формирование инновационной программы, подготовка кадров нового поколения, эффективно пользующихся инновациями и инвестициями, поддержка развития класса собственников. Для этого нужна глубоко продуманная программа технологического развития Узбекистана и модернизации внутреннего рынка. Реализация этой программы должна создать новые возможности для обретения Узбекистаном достойного места в ряду развитых стран мира.

Оценивая позицию Узбекистана как страны-реципиента прямых иностранных инвестиций в перспективе, можно сделать вывод о том, что механизмы поощрения инвестиций в региональном аспекте в большей степени опираются на фискальные, т.е. налоговые и таможенные льготы. Не дает ожидаемого положительного эффекта, даже упрощение инвестиционных процедур, создание СЭЗ и СИЗ, как инструмент поощрения и облегчения инвестиций имеют свои ограничения, и их потенциал используется не полностью, положительные тенденции в кратко-среднем срочном периоде принесли бы, более глубокую либерализацию законодательства или разработку инвестиционных соглашений, положений, касающихся поощрения ввоза и вывоза инвестиций.

Для активизации инвестиционного потенциала в региональном аспекте необходимо:

- внесение дополнений в законодательно-нормативные документы, а точнее синхронизация национального законодательства, с международными правовыми документами в сфере инвестиционной политики. Как вариант более глубокая интеграция правовых аспектов с нашими традиционными партнерами в пространстве СНГ. Под гарантию обязательного соблюдения и создания стабильных условий функционирования иностранных инвесторов и их интересов на принципе эффективного использования полученного инвестиционного капитала в совокупности с защитой стратегических отраслей.

- предлагается под гарантию конкретного инвестиционного проекта в области новых высокотехнологичных производств на примере механизмов государственно-частных партнерств (PPP) Public-Private-Partnership, реализуемого в долгосрочной перспективе, создание и улучшения производственной инфраструктуры индивидуально под проект, создание экономической среды и специально разработанной технической и ресурсной базы с предоставлением высококвалифицированных кадров, вкуче с внедренным эффективным менеджментом.

- акцентировать внимание и направленность иностранных инвестиций, в сектор услуг обладающий возможностью привлечения новых знаний, технологий и приблизить общий уровень развития сектора услуг к мировым стандартам за счет повышения качества оказываемых услуг и снижения издержек. Данный сектор должен быть ориентирован на информационно-коммуникационные технологии, способствующие дальнейшему превращению услуг в рыночный товар, и рост глобальных производственно-бытовых цепочек, содействующих интернационализации услуг.

MAKROIQTISODIY NOMUTANOSIBLIKNI BARTARAF ETISHDA TURIZMNI RO'LI
Djurayev M.E., o'qituvchi
Qurbonova Yu., Shodiyeva Z. talabalar. GulDU

O'zbekiston Respublikasi mustaqillikka erishgandan keyingi davrda milliy va madaniy qadriyatlarga bo'lgan e'tibor kuchaydi. O'zbekistonda amalga oshirayotgan tashqi iqtisodiy

aloqalarning asosiy shakli xorijiy mamlakatlar bilan ijtimoiy-iqtisodiy aloqlarni rivojlantirishdir. Bu o'rinda O'zbekistonning iqtisodiy salohiyatini shakllantirishda shubhasiz turizmning o'rni beqiyosdir. Jumladan, Respublikada turizmni rivojlantirish, ijtimoiy-geografik asoslarini bilish, va uni o'rganish ayniqsa turizm tarixi va hududiy tarkibini, uning iqtisodiy va madaniy jihatdan yuksalishi bilan bog'liq muammoli masalalarini tadqiq etish hozirgi zamon geografgiya fanining eng muhim vazifalaridandir.

Birinchi prezidentimiz Islom Karimov aytganlaridek, «O'zbekiston muqaddas Vatan, farzandlarimizni shu zaminga sadoqat ruhida tarbiyalash, ularning qalblarida shu muborak zaminning har bir qarichiga mehru muxabbat o'yg'otish bugungi kunning eng ustuvor fazilatlaridan biriga aylanayotganligi hammamizni quvontiradi».

Nufuzli olimlarning fikriga ko'ra, O'zbekiston davlatchiligining shakllanish tarixi miloddan avvalgi ikki minginchi yillardan boshlangan va 3,5 ming yildan ziyod davrni qamrab oladi. Ko'hna Rim va Bobilning tengdoshi hisoblangan, o'rta asrlar ilm-fani, san'ati va madaniyatining yirik markazlari sifatida dunyoga dong taratgan va YUNESKONing Butunjahon merosi ro'yxatiga kiritilgan Termiz, Samarqand, Buxoro, Xiva, SHahrisabz shaharlari bu zaminda qadimgi davlatchilikning shakllanish va rivojlanish markazlari bo'lib kelgan. Shu o'rinda ushbu sohaning rivojlanish tarixiga nazar tashlaydigan bo'lsak ayrim xalqlar uchun sayohat bu asrlar davomida yashash joyining tabiiy iqlim sharoitlari ta'sirida shakllangan turmush tarzidir. Bunday xalqlarga misol qilib ko'chmanchilar-belujlar, badaviylar, lo'lilar, shuningdek, qochoqlar va majburiy ko'chuvchilarni ko'rsatish mumkin. Ko'p asrlik tarix guvohki, inson savodini rivojlantirish, yangi yerlarni ochish va o'zlashtirish, resurslar va yangi transport turlarini izlab topish maqsadida jahon bo'ylab sayohat qilish xos bo'lgan. Turizm insonni tabiatni o'rganish maqsadida qilgan sayohatidan boshlagan bo'lib, bu jarayon industriyaga aylandi va ko'pchilik davlatlarning asosiy daromadi bo'lib qoldi. O'z navbatida ushbu sohaning rivojlanish sohasi tarixiga nazar tashlaydigan bo'lsak. Turizm fransuzcha "tour" so'zidan olingan bo'lib, sayr-sayohat degan ma'noni anglatadi. Turistik faoliyatning boshlang'ich turlari qadimdayoq paydo bo'lgan. Qadimda rimliklar ilk sayohatchilar hisoblangan. Qadimgi Gretsiyada sportga oid ilk sayohatlar paydo bo'lgan. Olimpiada o'yinlariga turli davlatlardan ishtirokchi va tomoshabinlar tashrif buyurgan. Bugungi kun zamonaviy turizm asoschisi deb tan olingan Tomas Kuk birinchilardan bo'lib sayohatchilarning ommaviy safar uyushtirishning mohiyati va foydaliligini anglab yetadi, va 1843- yilda o'z qavmi uchun dastlabki temir yo'l orqali sayohat qilish turini tashkillashtirdi va muvofaqiyatga erishdi. 1870- yilga kelib u o'zining «**TOMAS KUK TURISTIK**» firmasini ochadi, o'sha paytda ularning soni 500-mingdan ortar edi. Tomas Kuk – turizm asoschisi hisoblanadi. U o'sha davrda turizm faoliyatlariga quyidagi yangiliklarini olib kiradi:

-transport, mehmonxona va boshqa xarajatlarni o'z ichiga olgan holda ommaviy sayohat qilish;

-kreditga sayohat qilish;

-yoshlar uchun ma'rifiy sayohatlar;

-ishchilar uchun maxsus sayohatlar uyushtirish;

-ishchilar uchun maxsus sayohat uyushtirish;

-dengiz orti mamlakatlariga sayohat qilish;

-valyuta almashtirish operatsiyalari;

Bugungi kunda turizmning quyidagi turlari mavjud:

-ov turizmi –maxsus tur bo'lib qonun bo'yicha ruxsat berilgan joylarda hayvonlarni ov qilish yo'nalishlari tashkil qilingan bo'lib qatnuvchilarning maxsus ruxsaynomasi bo'lishi kerak;

-oilaviy turizm rivojlangan davlatlarda turistlar o'z oilalari bilan dam olish yoki sayohat qilish maqsadidagi turizm turidir. Bunda bolalar ta'tilda bo'lishlari to'ydan keyingi sayohatlar bilan farqlanadi;

-milliy turizm har bir millat madaniyati sa'nati urf odatlari to'ylari bayramlarini o'tkazish tadbirlarini ko'rsatuvchi maxsus yo'nalishlar milliy turizm deyiladi;

-nastalgiya turizmi oldingi hayotini qumsash natijasida boshqa joylarga sayohat qilish;

-kosmik turizm turistlarni raketalar yordamida boshqa sayyoralarga olib boorish, u yerda ilmiy ish va dam olish yer orbitasi atrofida aylanib va yana qayta yerga olib tushuvchi;
-ijtimoiy turizm davlat mablag'idan kasaba uyushmasi va boshqa fondlardan beriladigan mablag' hisobiga yuboriladigan sayohat shu bilan birga ziyorat turizmi ,diniy turizmi, dengiz turizmi, bolalar turizmi, o'smirlar turizmi, davolanish turizmi kabilar uchraydi;

Statistik ma'lumotlarga ko'ra 2017-yilda sayyohlarni quyidagi davlatlar jalb qilgan.

10-Gongkong xitoydagi ushbu shahar osmon o'par binolarga boy, binolar balandligi 150m dan oshadi. Tashrifdan asosiy maqsad shopping oshxonasi mashhur joylar.

9-Kuala-Lumpur bu yerga viza olish bir muncha qiyinchilik tugdiradi

8-Nyu York eng go'zal ko'chalarga ega.

7-Seul tashrifdan maqsad plastic jarohlik klinikalari, pazandachilik.

6-Tokio borishdan maqsad yapon madaniyati ,sakura daraxtini gullashi ,shopping

5-Singapur tashrifga sabab futuristic arxitekturasi noodatiy ko'cha oshxonasi va boshqalar.

4-Dubay hashamat! dunyoning hech bir burchagida uchramaydigan mehmonxonalar.

3-Parij muzeylar , shopping sayohlarni jalb etadi.

2-London arxitektura ,sanat musiqa adabiyot ,tarix ,qirolik oilasi sayyohlarni o'ziga jalb etadi.

1-Bangkok hamyonbop narxi rivojlangan infratuzilmasi ajoyib plyajlari sayyohlarni o'ziga jalb etadi.

Statistik ma'lumotlarga ko'ra Amerikalik va Yevropalik turistlar jahonda eng ko'p sayohat qilgan bo'lsalar, bugungi kunda ular qatoriga Xitoylik sayyohlar ham qo'shilmoqda. Bugungi kunda turizm jahon eksportida o'z hissasiga ega.U butun jahon yalpi ichki mahsulotining 11%ini tashkil etmoqada. So'nggi 40 yil davomida daromad boshqa mamlakatlarga tashrif buyuruvchilar soni 20 martaga, turizmdan keluvchi daromad 60 martaga oshdi va xalqaro turizmdan olinuvchi daromad 400 mlrd \$ga yetdi.

Shunday qilib Turizm sohasida 1-o'rinni Braziliya qo'lga kiritgan. BMT Turizm Tashkiloti bergan ma'lumotiga ko'ra har bir sayyoh Braziliyaga qilingan sayohati davomida turizmga 1,153 AQSH \$ miqdorida mablag' sarflaydi. Reytingning keying o'rinlarida Italiya, Ispaniya, Tailand, Yangi Zelandiya turadi. Reytingning madaniy ta'sir reytingi bo'yicha, 1-o'rinda Fransiya, 2-o'rinda Italiya, keying o'rinlarda Germaniya joy oldi. Ro'yhat 10 ligida shuningdek, Yaponiya, Buyuk Britaniya, Avstraliya, Kanada, Shvetsariya joy oldi. Travel and Tourism Competitiveness Report talqini bo'yicha Braziliya tabiatga eng boy mamlakat deb topilgan. Bugungi kunda O'zbekistonning horijiy turistik oqimlarini dunyo miqyosidagi sayyohlar soni bilan taqqoslasak, u 1% ni ham tashkil etmaydi. Vaholanki, Italiyaga tashrif buyurgan Xalqaro turistik oqim jahon umumiy turistik oqimining 5,9% , Xitoyda 4,5%, Rossiyada 3,3% ni tashkil etgan. Yurtimizda 2017-yil hisobi bo'yicha Respublikaga tashrif buyurgan sayyohlar soni 2mln 520 ming nafardan ortiqni tashkil etdi. Shunday qilib, BMT Bosh Assambleyasi 2017-yilni Xalqaro Turizm Yili deb e'lon qildi. BMTning Jahon Sayyohlik Tashkiloti bosh kotibi Taleb Rifaining aytishicha 2017-yilga bunday nom berilishi jahonning iqtisodiy, ijtimoiy va ekologik sohalarida barqaror rivojlanishga ushbu soha ulushini oshirishga hissa qo'shdi.

ИҚТИСОДИЁТНИ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШИДА ЁШЛАРНИ ИШ БИЛАН БАНДЛИГИГА ТАЪСИРИНИ БАҲОЛАШ

таянч докторанти З.М.Зикрияев,ТДИУ

Ҳозирги шароитда ахборот инқилоби ва унинг оқибати сифатида ишлаб чиқариш жараёнига ва меҳнатни ташкил этишга ахборот технологияларининг кенг жорий этилиши, янги илм-фанга асосланган иқтисодиёт тармоқларининг пайдо бўлиши муносабати билан иқтисодиётда трансформация жараёнларининг фаоллашуви юз бермоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси аҳолини, шу жумладан, таълим муассасалари битирувчиларини иш билан бандлигини таъминлаш масалаларига тўхталиб, қуйидагиларни таъкидлаб ўтди: “Бугуннинг ўзида ҳар бир битирувчини аниқ бир ташкилотга бириктиришни таъминлаш билан бирга, унинг бўлажак иш жойи, иш ҳақи ва ижтимоий шароитларини аниқ белгилаш зарур.”⁹⁷

Иш билан бандлик шакллариининг ўзгариши аҳолини иш билан бандлигининг анъанавий юзага келган тузилмасини ўзгартириб, меҳнат ресурсларининг ҳаракатчанлигини оширади, бунда меҳнат ресурсларининг тақсимланиши халқаро меҳнат бозорида юзага келадиган конъюнктуранинг таъсири остида юз беради.

Иқтисодий фаол аҳолини ишлаб чиқаришнинг анъанавий тармоқларидан озод этиш ва уларни иқтисодиётнинг инновацион секторига ишга йўналтириш хўжалик юритишнинг барча даражаларида, биринчи навбатда, минтақавий даражада самарали иш билан бандлик сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга оширишни тақазо этади, бу ҳол мамлакатимиз учун ўта муҳим, чунки, иш билан бандлик шаклини ўзгартириш жараёнига Ўзбекистон Республикаси ҳудудларининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишидаги фарқлар катта таъсир кўрсатади. Шу билан бирга, аҳолини иш билан бандлигини тартибга солиш чора-тадбирларини ўз вақтида ишлаб чиқиб, амалга ошириш давлат, меҳнат ресурслари ва иш берувчилар ўзаро ҳамкорлигининг янги шакллари, шунингдек, мамлакатнинг инновацион ривожланишга жадал ўтишини таъминлайди.

Ҳозирги шароитда ишлаб чиқариш жараёнларига инновацион технологияларнинг интенсив тарқалиши ва жорий этилиши билан боғлиқ сифат жиҳатдан таркибий ўзгаришлар узлуксиз равишда кечмоқда. Билимларга асосланган иқтисодиётнинг ривожланиши ушбу ўзгаришларни тезлаштириш учун маълум даражада туртки берди. Мазкур ўзгаришлар аҳолининг иш билан бандлиги соҳасидаги барча ижтимоий-иқтисодий институтларни қамраб олади ва умуман иқтисодиётга катта таъсир кўрсатади.

Иқтисодиётнинг инновацион ривожланиш йўлига ўтиши ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларига илм-фанга асосланган технологияларнинг оммавий жорий этилиши, меҳнатни ташкил этишнинг аҳоли бандлиги шаклининг ўзгаришига, меҳнат бозорида янги тенденциялар пайдо бўлишига олиб келувчи янги шакллариининг ривожланиши билан тавсифланади. Унинг энг муҳим жиҳатлари ичида қуйидагиларни ажратиш мумкин: ишлаб чиқариш воситаларининг бешинчи ва олтинчи технологик укладларга мос келувчи интеллектуал капитал фойдасига дематериализация қилиниши; хўжалик юритувчи субъектлар хатти-ҳаракати мотивациясининг инсон капиталини ривожланиш томонга сурилиши; ахборот тармоқлари орқали масофавий иш билан бандликдан кенг фойдаланишда намоён бўладиган ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этиш борасидаги муносабатларнинг виртуаллашуви ва ҳ.к.⁹⁸

Ижтимоий ривожланиш ҳозирги ҳолатининг ўзига хос хусусиятлари шундан иборатки, билимлар иқтисодиётида инновациялар, кўпроқ, ресурсларнинг вариатив комбинациялари ва амалий илмий ютуқларга эмас, балки билимлар оқимининг амалиётда самарали қўлланилишига асосланади.⁹⁹ Агар ушбу нуқтаи назардан келиб чиқадиган бўлса, меҳнат ресурслари инновацион ўсишнинг муҳим манбаига айланиб бораётганлигига гувоҳ

⁹⁷ Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак // Халқ сўзи газетаси. 2017 йил 16 январь.

⁹⁸ Dorenbosch, L. On the job Innovation / L. Dorenbosch, M. L. van Engen, M. Verhagen// The Impact of Job Design and Human Resource Management through Production Ownership. Creativity and Innovation Management, 14(2). – 2005. – P.130.

⁹⁹ Горденко, Г.В. Межфирменная кооперация в инновационной сфере как объект государственного регулирования / Г.В. Горденко// [Электронный ресурс] Экономика, предпринимательство и право, 2012. – № 2 (13). – С. 9-15.

бўламиз. Улар билимларнинг эгаси бўлгани ҳолда инновацияларнинг ёйилишини таъминловчи ижтимоий-иқтисодий алоқаларни ҳосил қилади.

Иш билан бандлик меҳнат ресурсларини ишлаб чиқариш жараёнларига киритишни назарда тутади, шунинг учун инновацион меҳнатнинг хусусиятини тушуниш муҳим аҳамият касб этади. Иқтисодиётга доир ишларнинг аксарияти «меҳнат» тушунчасини инсоннинг ижтимоий фойдали фаолияти билан боғлайди. Шаклланаётган инновацион иқтисодиёт учун меҳнат фаолиятининг қуйидаги ўзига хос хусусиятларини ажратиш мумкин: ишлаб чиқаришнинг ижодий хусусияти; ходимларнинг инновацион хатти-ҳаракатини сақлаб туриш; кооперациянинг ишлаб чиқариш жараёнларининг индивидуаллашуви ва ишлаб чиқариш муносабатларининг глобаллашуви билан боғлиқ икки томонлама хусусияти.

Ахборотни яратиш ва тарқатишга асосланган фаолият иқтисодиётнинг инновацион секторлари корхоналари учун асосий жиҳатга айланмоқда. Ҳозирги шароитда ахборот ресурсларининг юқори аҳамиятга эгаллиги унинг ишлаб чиқариш воситаси ва мақсади сифатидаги ролини белгилаб беради. Ахборот меҳнатини – ахборотни яратиш ва тарқатиш мақсадида меҳнат ресурсларининг интеллектуал капиталидан фойдаланишга йўналтирилган ижтимоий фойдали фаолиятни шакллантириш учун замин яратилади.

Бизнинг фикримизча, замонавий иқтисодиёт учун меҳнатнинг янги мослашувчан (инновацион) тури хосдир, бу иш билан бандликнинг янги шакллари ва турларини жорий этиш ҳисобидан унинг мазмуни ва таркибини доимий равишда янгиланган туриш зарурлигида намоён бўлади. Л.А.Васюнининг фикрига кўра, инновацион иш билан бандлик «инсоннинг, фирмадаги кадрлар салоҳиятининг, тармоқ меҳнат ресурсларининг, худуддаги иқтисодий фаол аҳолининг технологик янгиликлар туфайли келиб чиққан иқтисодиётнинг янги эҳтиёжларига тезда мослашиш қобилиятини» ўзида намоён этади.¹⁰⁰

Тадқиқотчи, биринчидан, меҳнат ресурсларининг «мослашувчанлиги» тушунчасини қўллашди, бу, бизнинг фикримизча, етарли эмас, чунки у «аҳолининг иш билан бандлиги» тушунчасининг назарий мазмуни билан боғланмайди. Бир томондан, меҳнат ресурсларини ишлаб чиқариш жараёнига киритиш механизми мавжуд эмас, иккинчи томондан, меҳнат бозорининг бошқа институтлари меҳнат ресурсларининг сифат ва миқдор тавсифларини иқтисодиётнинг самарали иш билан бандлик учун қақариқларига мувофиқлаштириш масалаларида иштирок этмайди.

Шундан келиб чиққан ҳолда, «инновацион иш билан бандлик» тушунчасининг мазмунини кенгайтириш учун уни иқтисодий циклнинг турли босқичларида, иқтисодиёт томонидан шакллантирилаётган янги трендларга мослаштириш доирасида меҳнат бозори турли иштирокчиларининг манфаатларини боғлаш ва бирлаштириш нуқтаи назаридан кўриб чиқиш ҳам мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Меҳнат бозорида илгари юзага келган муносабатларнинг йўқолиши муносабати билан иқтисодиётнинг пасайиши босқичида меҳнат бозорининг турли субъектлари ўз манфаатларини боғлаш жараёнига киришади, ушбу манфаатларнинг кесишуви нуқталари шаклланади, мазкур манфаатлар мувозанати асосида муносабатлар тизимини ўрнатиш учун асос солинади.

Ўз навбатида, меҳнат бозорининг ёрдамчи институтлари – иш билан бандлик хизматлари, ижтимоий шериклар ва касаба уюшмаларига меҳнат бозори асосий иштирокчиларининг манфаатларини ифодалаш билан боғлиқ ижтимоий аҳамиятли рол берилади. Жонланиш ва кўтарилиш босқичида шаклланадиган муносабатлар янада кўзга кўринарли бўлади, бу меҳнат муносабатларнинг барча томонларини қондирувчи шароитда меҳнатни ташкил этишнинг янги шакллари ва усуллари жорий этиш имкониятини таъминлайди.

2-жадвал

¹⁰⁰ Васюнина Л.А. Механизм регулирования рынка труда при формировании инновационного типа занятости населения [Электронный ресурс] / Л.А. Васюнина, Е.В. Борисова // Электронный журнал. - Режим доступа: URL: www.sor.volsu.ru/journal/TEST1/index02.shtml

Меҳнат бозоридаги аҳоли иш билан бандлиги шаклининг ўзгариши билан боғлиқ тенденциялар

Анъанавий иш билан бандлик	Инновацион иш билан бандлик
бир иш берувчида ишлаш	турли буюртмачиларда ишлаш
меҳнат фаолияти иш берувчининг ишлаб чиқариш воситаларида амалга оширилади	уларда ходим ўзининг ишлаб чиқариш воситаларидан қисман ёки тўлиқ фойдаланадиган аралаш ишлаб чиқаришларнинг шаклланиши
муайян функцияга эга бўлиб, тарафлар буйсунадиган узок муддатли ёки муддатсиз меҳнат шартномалари	тарафларнинг тенглиги асосида муайян натижага эришишни ўз олдига мақсад қилган муддатли фуқаролик-хуқуқий шартномалар
иш юкмасининг муайян вақт доирасида тенг тақсимланиши	ходим ўз вақтини вазиятга қараб мустақил бошқаради
пенсия, ижтимоий, тиббий суғурта каби анъанавий кадриятларни ҳимоялашни ўз олдига мақсад қилган касаба уюшмаларининг иши ва меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари	касаба уюшмаларининг корхона ва ташкилотлар фаолиятига таъсирининг камайиши ҳамда меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг либераллашуви
ишлаб чиқариш жараёнлари ва корпоратив маданият доирасида меҳнат мажбуриятлари ва хатти-ҳаракат нормаларининг қатъий регламентланиши	анъанавий корпоратив маданиятнинг ўзгариши, меҳнат ресурслари ички ва ташқи мобиллигининг ривожланишига олиб келувчи меҳнат муносабатларининг дерегламентацияси
ихтисослашувга қараб меҳнатни ташкил этишнинг қатъий доиралари	ходимнинг функционал мослашувчанлиги ва поливалент ихтисослашувига олиб келувчи касбий чегаралар дестандартизацияси
моддий рағбатлантиришнинг устунлик қилиши ва ходимнинг келажакка бўлган ишончни, хавфсиз ва қулай меҳнат шароитлари, мансабда ўсишни таъмин-ловчи кафолатларга бўлган эҳтиёжлари	ходим манфаатларининг ривожланиш ва ўзини ифодалаш ҳамда горизонтал меҳнат мобиллиги томонга ўзгариши
ўрта ёки олий касбий маълумотли дипломли мутахассисларга бўлган юқори талаб	ташкilotларнинг мутахассисларни ўқитиш учун алоҳида буюртмаларни шакллантиришга, корпоратив ва аралаш ўқитишни шакллантиришга интилиши
барқарор иш ҳақи	иш берувчининг қисқа муддатли вазифа-ларига қараб меҳнатга ҳақ тўлашнинг мослашувчан шакллари қўллаш
меҳнатни сарфлашнинг устунлик қилувчи йўналиши сифатида моддий ишлаб чиқариш	хизматлар кўрсатиш соҳаси ҳажмининг ошишида намоён бўладиган ишлаб чиқариш диверсификацияси
кадрлар таркибининг мавжуд меҳнат иерархияси ва субординация доирасида корпоратив нормалар ва талабларга амал қилишнинг устуворлиги	ҳар бир ходимнинг ўзига хос хусусиятлари ҳисобга олинишини ва ностандарт тафаккурнинг рағбатлантирилишини назарда тутувчи инновацион хатти-ҳаракатни ривожлантиришга интилиши

***Манба: жадвал муаллиф тадқиқотлари асосида тузилган**

Жадвалдан кўриб турганимиздек, янги ижтимоий-иқтисодий шароитларда инсон ўзига берилган иш ўрни доирасидаги меҳнат фаолиятининг субъекти ролини эмас, балки инновацион фаолиятни амалга оширувчи ролини бажаради. Бизнинг фикримизча, меҳнат ресурслари томонидан меҳнатда ўзини намоён этишнинг янги моддий ва номоддий неъматларни яратишга йўналтирилган янги усулларининг мунтазам ўзлаштирилиши билан боғлиқ тегишли ташаббускор яқка тартибдаги ёки жамоавий хатти-ҳаракатсиз интеллектуал капиталнинг эгаси ролини бажариб бўлмайди. Шу ўринда ходим ўта инновацион бўлиши (бу унинг истаклари ва ҳаракатларида ифодаланади), лекин ресурсларнинг етишмаслиги,

хамкасблар ва раҳбариятнинг қаршилиги туфайли унинг фаолиятининг якуний натижаси минимал бўлиши мумкин.

Шуни ҳисобга олган ҳолда, инновацион хатти-ҳаракатни ходимнинг инновацияларни ишлаб чиқишга «тайёрлиги» сифатида кўриб чиқувчи Л.Дорренбошнинг фикрига қўшилса бўлади.

Ўз навбатида, «тайёрлик» ўша тадқиқот доирасида янада самарали ишга қандайдир интенцияни (мақсадни) ўзида намоён этади.¹⁰¹ Таъкидлаш жоизки, инновацион хатти-ҳаракат ўз табиатига кўра ўзгарувчан категория ҳисобланади. У янги ғояларни ўйлаб топиб, ривожлантирувчи ходимларга ҳам, хўжалик юритувчи субъектларга ҳам учрайди. Хўжалик юритувчи субъектлар даражасидаги инновацион хатти-ҳаракатни биз меҳнат ресурсларининг ғояларни ўйлаб топиб, амалга оширишга йўналтирилган фаолиятни рағбатлантирувчи ва таъминловчи ташкилий тизим сифатида кўриб чиқамиз.

Ҳозирги вақтда ахборот ва коммуникация технологияларининг ривожланиши ва кенг тарқалиши ходимлар билан иш берувчилар ўртасидаги ўзаро ҳамкорликнинг янги шакллари пайдо бўлиши учун шароитлар яратади. Хўжалик амалиётида коммуникация воситаларидан фойдаланиш иш берувчига ходимни корxonанинг асосий инфратузилмасидан узоқлаштириш асосида турли хилдаги меҳнатни ташкил этиш имконини беради. Хизматлар кўрсатиш билан боғлиқ юзага келган виртуал муҳит меҳнат ресурсларига ўз ишини Интернет глобал тармоғи орқали бажаришга шароит яратади.

Ўтказилган таҳлил натижалари шуни кўрсатдики, ностандарт иш билан бандлик инновацион хатти-ҳаракатга таъсир кўрсатиши мумкин, бу ходим манфаатларининг қисқа муддатли мақсадларга эришишга қайта йўналтирилганлиги, ташкилот ичидаги муносабатларнинг йўқолганлиги ва ходимда иш берувчига бўлган ишончнинг камайганлиги билан боғлиқ. Аини пайтда иш билан бандликнинг ностандарт шакллари қўллаган ҳолда меҳнат ресурсларини бошқариш замонавий усулларининг самарали уйғунлаштирилиши нафақат иш билан бандликнинг ностандарт шакллари қўллашдан кўриладиган харажатларни қоплаши, балки ходимларнинг инновацияларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишга бўлган мотивациясини кучайтириши ҳам мумкин.

БАНКЛАРДА АУДИТОРЛИК РИСКЛАРИ ВА УЛАРНИ БАҲОЛАШ МАСАЛАЛАРИ

Ибрагимов Қ. БМА тингловчиси

Иқтисодий эркинлаштириш, бозор муносабатларининг шаклланиб бориши тижорат банклари молиявий ҳисоботини аудиторлик текширишдан ўтказиб, улар фаолиятини баҳолаб натижаларига хулоса бериш усулларига янгича, замонавий ёндошувларни зарурият қилиб қўймоқда. Ушбу муаммолар аудиторлик фаолиятининг сифатини яхшилаш, уни ташкил этиш ва ҳар томонлама ривожланишини таъминлаш, унинг назарий ва услубий жиҳатларини қараб чиқиш ҳамда чуқур тадқиқ қилишни тақозо қилмоқда. Ушбу объектив жараёнларнинг ҳаммаси тижорат банкларида аудиторлик рискларини аниқлаш усуллари, уларни баҳолаш тартибларини, молиявий ҳисобот аудитини ўтказишда риск даражаларини ҳисоблаш, аудиторлик ҳисоботларни рискларни кўрсатиш ва уни таркибини такомиллаштириш муаммоларини тадқиқ қилишни тақозо этади.

Жаҳон тажрибасида бир қанча омиллар ва вазиятлар таъсири натижасида аудитор мустақиллиги даражалари камайиб бормоқда. Уларнинг ҳаммасини санаб ўтиш қийин, шунга қарамай уларнинг орасидан аудитор мустақиллигига таъсир қилувчи куйидаги ҳолларни кўрсатиш мумкин:

а) аудитор тижорат банки акцияларига (облигацияларига) вақтинча бўлсада эгалик қилиши, уларни биржалар, биржадан ташқари савдода сотиб олиш ва қайта сотиши;

¹⁰¹ Локосов, В.В. Трансформация социальных систем (опыт реформ в современной России): автореф. дис. ... д-ра социол. наук: 22.00.04 / Локосов Вячеслав Вениаминович. – Москва, 2002. – С.64.

- б) тижорат банки маъмурияти вакиллари билан биргаликда бошқа фирмаларни таъсис этиши, унинг ходими бўлиши ёки маъмурият ходимларини ўзи ёллаган бўлиши;
- в) шунга ўхшаш рақобатчи гуруҳларнинг ёки тижорат банкига қарашли гуруҳ ходими бўлиши;
- г) ўзи бажарган аудиторлик хизматлари учун ўз аудиторлик ташкилотларидан эмас, бевосита тижорат банкдан ҳақ (молиявий ёрдам, қарз ва шу кабилар) олгани;
- д) тижорат банки маъмурияти вакилларига яқин қариндошлилиги;
- е) кўп йиллар ушбу тижорат банкни текширишда сурункасига қатнашганлиги ва бошқалар.

Иқтисодий эркинлаштириш шароитида аудиторлик рискни тўғри аниқлаш ва уни таърифни бериш муҳим масала ҳисобланади. Бизнинг фикримизча, аудиторлик фаолиятига нисбатан бундай таржималар “риск” атамасининг асл моҳиятини тўлиқ очиб бермайди.

Аудит иш жараёнида ушбу рискларни ўрганиши, уларни баҳолаши ва баҳолаш натижаларини ҳужжатлаштириши керак. Рискларни аниқлашнинг қийинлиги шундаки, уларни аниқ қиймат шаклида баҳолаш мумкин эмас, шунинг учун улар аудитор томонидан юқори, ўрта ва паст даражада аниқланади”

“Аудитнинг махсус дастури асосида фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисобот, ҳамда баланснинг моддаларини аниқлаш, масалан, асосий капитал, пул маблағлари, инвестициялар ёки дебитор қарзлар. Ташқи аудиторлар ананъавий равишда кредитларни ёмон бошқариш ва қаллобликларни назорат қилиши лозим. Шу билан бирга аудитни амалга ошириш жараёнида камдан кам ҳолларда кредит олувчиларнинг кредит таҳлили батафсил кўриб чиқилади

Тижорат банклари филиалларида ҳам аудиторлик текширувларини баҳолаш жараёнида аудиторлик рискларига катта эътибор қаратилиши керак деб ҳисоблайман. Хусусан, АТИБ “Ипотека банк” филиаллари мисолида шунини айтиш жоизки, тижорат банк фаолиятини ташқи ва ички аудит томонидан аудит қилинишида аудиторлик рискларини тўғри белгилаш ва уларни баҳолаш муҳим аҳамиятга эга бўлади ва ички аудит бўлими томонидан аудиторлик рискларини тўғри белгиланишига ҳисса қўшиб ҳар бир бўлим фаолиятини текшириши ва ушбу текширишлар натижасида аудиторлик рискларини олдини олиши, актив ва пассив операциялар, банк операцияларининг 60-70% дан ортиғини ташкил этган кредит операциялари текшириб тўғри фаолият юритилиши бўйича маслаҳатлар берилиши, камчиликлар аниқланганда бартараф этиш чораларини ишлаб чиқариши мақсадга мувофиқ бўлишини айтиб ўтиш лозим.

Жаҳон тажрибасидан ҳам маълум бўлдики мамлакатларда Россия мисолида банкларнинг ички аудити ханузгача ривожланиб бормоқда. Бу ҳақда мақолаларда ёзиб ўтилган. Дунёнинг барча малакатларида аудитга алоҳида эътибор берилиши бежиз эмас, чунки ҳар бир соҳа фаолияти текширилганда, назорат қилингандагина ривожланишга эришади.

Бозор иқтисодиёти шароитида банкларнинг самарадорлик кўрсаткичлари аудитини республикамиз банк тизимидаги ўрни, аҳамиятини ўрганган ҳолда, банк аудитининг зарурлиги ва унинг ҳуқуқий асосларини яратилиши, тижорат банклари кўрсаткичларини аудит қилиш усуллари ва назорат турлари, Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида аудит ўтказишни ташкил қилиш асослари батафсил ўрганиб чиқилди.

Тижорат банкларида самарадорлик кўрсаткичлари таҳлили масаласида ҳозирги кунда банкларда олиб борилаётган тижорат банкларида нақд пул муомаласи ва касса операцияларининг аудити, кредит операциялар, қимматли қоғозлар аудити, ҳамда чет эл валютасидаги операциялари аудитини ўтказиш тартиби кўриб чиқилди.

МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТ ТАРКИБИЙ ТУЗИЛМАСИДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИНГ ЎРНИ

ўқ. Ш.С. Исмоилов, ТерДУ

Мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ тараққиётнинг “Ўзбек модели” асосида бозор муносабатларининг босқичма-босқич жорий қилиниши бугунги кунга келиб ўзининг ижобий самараларини кўрсатмоқда. Айниқса, миллий қонунчилигимизда иқтисодийнинг ҳаракатлантирувчи кучи бўлган кичик бизнес вакиллари ва хусусий тадбиркорлар ҳуқуқларининг кафолатлангани, уларнинг фаолиятини қўллаб-қувватлаш ҳамда эркинлаштиришга қаратилган чора-тадбирлар кўрилгани натижасида юртимизда мулкдорларнинг замонавий қатлами шаклланди.

Ҳозир ушбу субъектлар ялпи ички маҳсулотни ва бюджет тушумларини қўпайтиришда, аҳоли бандлигини таъминлашда катта аҳамият касб этмоқда. Хусусий тадбиркорларга давлат ва назорат органлари билан муносабатларда устуворлик тамойили жорий қилинаётгани, уларнинг фаолиятига ҳар қандай тўсиқ ва ноқонуний аралашишларни бартараф этишга қаратилган комплекс чора-тадбирлар рўёбга чиқарилаётгани, чунончи, “ягона дарча” тартибининг татбиқ этилаётгани ушбу соҳа ривожини таъминлашда муҳим омил бўлмоқда.

Энг эътиборлиси, мустақилликка қадар мамлакатимизда умуман мавжуд бўлмаган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик бугунги кунда ялпи ички маҳсулотнинг 56 фоиздан ортигини ишлаб чиқараяпти. Мазкур соҳада жами иш билан банд аҳолининг 78 фоизи меҳнат қилмоқда. Бу ҳали-ҳануз оқибатлари бартараф этилмаган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ўз самарадорлигини, турли шарт-шароитларга мослашувчанлиги ва ҳозиржавоблигини намойиш этишга қодир эканлигига яққол далил бўла олади.

Айни пайтда ушбу секторнинг аҳоли, айниқса, ёшларни иш билан таъминлаш, одамларнинг даромадларини юксалтириш, ҳудудлар ва мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожига ролини янада ошириш зарурлигини даврнинг ўзи кўрсатмоқда.

Шуларни эътиборга олиб ҳурматли Президентимиз 2018 йилга “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили” деб ном бердилар. Йилнинг бундай номланишида чуқур маъно ва катта янгиликлар, замонавий ёндашувлар, тинимсиз изланишлар ётади.

Албатта йил номидан келиб чиқиб 2018 йил фаол тадбиркорликни ривожлантириш эътибор марказида бўлади. Бу соҳани қўллаб-қувватлаш бизнес субъектларини жадал ва барқарор ривожлантириш йўлидаги тўсиқ ва ғояларни бартараф этиш бўйича зарур чоралар кўрилмоқда. Айрим корхоналарга имтиёзлар берилгани эркин рақобат муҳити бўғилишига олиб келди. Бозор иқтисодиёти шароитида тенг ва ҳалол рақобат муҳитини яратиш мақсадида “Мамлакат озиқ –овқат хавфсизлигини янада самарали таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармон лойиҳаси ишлаб чиқилиб , кенг жамоатчилик муҳокамасига қўйилди.

Айни вақтда ноқонуний текширишлар, хусусий бизнес фаолиятига асоссиз аралашишга қарши курашни кучайтириш мақсадида тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текшириш тизими тубдан қайта кўриб чиқилди. Текшириш ўтказишга рухсат беришнинг махсус электрон тизимига ўтилиб, унинг назорати Бош прокуратурага юклатилди. Барча тадбиркорлик субъектларининг молиявий-хўжалик фаолиятини текшириш 2 йилга тўхтатилди.

Бўш турган давлат мулки объектларини ўзаро шериклик асосида хусусий секторга ўтказиш бўйича ишлар давом эттирилмоқда. Интернет тармоғида электрон савдолар ва аукционлар орқали ер участкаларини, жумладан, тадбиркорлар учун ажратишнинг ягона тартиби ўрнатилиб, 2018 йилдан электрон савдо майдонлари орқали давлат активларини сотиш бўйича электрон тизим ташкил этилди.

2018 йилда банк тизими фаолиятини ривожлантириш бўйича белгиланган вазифаларни амалга оширишда банклар билан тадбиркорлик субъектлари ўртасида самарали ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик муносабати таъминланмоқда. Ўзбекистонда халқаро стандартлар асосида валютани либераллаштириш жараёни бошланди. Валюта сиёсати бизнес ва

иктисодиётни ривожлантириш манфаатларига тўлиқ хизмат қилиши, инвестиция фаолиятига ижобий туртки бериши лозим.

2018 йилда солиқ сиёсатини амалга оширишда кескин чора-тадбирлардан воз кечилди. Чунки ислохотлар даврида давлат тизимининг узлуксиз фаолият кўрсатиши учун бюджет барқарор бўлиши керак. Ўзбекистонда йирик инвестиция лойиҳаларни амалга ошириш ниятида бўлган инвесторлар учун мамлакатимизни жозибали қилиш мақсадида солиқ тизими такомиллаштирилди. Барча бизнес тоифалари учун солиқ юкни камайтириш ва қулайлаштириш, шу асосда ишлаб чиқаришни ва солиққа тортиладиган базани кенгайтириш зарур.

Солиқ имтиёзлари беришда индивидуал ёндашувлардан воз кечиб, уларни фақат иқтисодиётнинг маълум тармоқлари учун қўллаш амалиётига ўтилди.

Мамлакатимиз иқтисодиётида етакчи тармоқ бу қишлоқ хўжалиги ҳисобланади. Шунинг учун ҳам кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни шу тармоқда ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Чунки, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг мамлакат ялпи ички маҳсулотидаги улуши 17 фоиздан ошмаяпти. Аграр соҳа маҳсулотларини қайта ишлаш ҳажми эса 10 фоизга етмайди. Шунинг учун ҳам, қишлоқ хўжалигини янада ислоҳ қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар ҳамда инновацион ғояларни қўллаб-қувватлаш бўйича самарали механизмлар ишлаб чиқилмоқда.

НАМАНГАН ВИЛОЯТИДА ЭРКИН ИҚТИСОДИЙ ҲУДУДЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

И.Э.Кенжаев, НамДУ ўқитувчиси

Хорижий иқтисодий адабиётларда тадқиқотчилар кўпчилик ҳолларда “киритилган инвестиция учун инвестор қайси ҳудудда энг паст таваккалчиликка ва энг юқори фойда даражасига эришиши мумкин?”- деган ягона саволга жавоб топишга интилиб, минтақанинг инвестицион муҳитини фақатгина инвестор нуктаи назаридан баҳолашмоқда. Бироқ, ҳудуднинг инвестицион муҳитини, биринчи навбатда маҳаллий ҳокимият органлари манфаати нуктаи назаридан келиб чиққан ҳолда баҳолашни лозим.

Бизнинг фикримизча, иқтисодий ривожланишнинг глобаллашуви шароитида, инвестицион иқлим иқтисодий муносабатларининг инновацион шаклларида бири сифатида инвестицион иқлимни таъминлашнинг инновацион-институционал шакли бўлган эркин иқтисодий ҳудудлар модели муҳим ўрин эгаллайди. Эркин иқтисодий ҳудудларни барпо этишнинг жаҳон тажрибасини ўрганиш мамлакатимизда уларнинг самарали институтларини шакллантириш жараёнида муҳим аҳамият касб этади.

Иқтисодиётни модернизациялаш, ислохотларни чуқурлаштириш, янги ишлаб чиқариш қувватлари ва асосий фондларни яратиш, амалда фаолият юритаётган техника ва технологияларни янгилаш, уларни қўллаб-қувватлаш инвестицион жараёнларни нечоғлик тўғри ва самарали амалга оширишга боғлиқ. Шу боисдан ҳам, Ўзбекистон Республикаси давлат раҳбари томонидан ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, ишлаб чиқариш, транспорт-коммуникация ва ижтимоий инфратузилма лойиҳаларини амалга оширишга қаратилган фаол инвестиция сиёсатини олиб боришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунинг учун марказлашган, марказлашмаган жамғармалар маблағлари, хорижий инвестициялар ва кредитларни ўзлаштиришга ҳамда улардан самарали фойдаланиш масалаларига асосий урғу берилмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, хорижий инвестицияни фаол жалб этиш, ривожланаётган мамлакатлар учун ягона мақсад эмас. Турли хил имтиёзларни бериш хорижий инвестициялар оқимини рағбатлантиради, унинг ёрдамида эса ушбу мамлакатлар – миллий иқтисодиётни, марказдан узоқда жойлашган иқтисодий жиҳатдан қолоқ минтақаларни ривожлантириш, ишсизликни камайтириш, давлат бюджети учун барқарор

кўшимча даромад манбаларини яратиш каби мақсадларни кўзлайдилар. Албатта, бу каби мақсадларга эришишда эркин иқтисодий зоналарнинг аҳамияти катта.

“Наманган вилоятида 3 та эркин иқтисодий зоналарни (Наманган, Чуст, Чортоқ) ташкил этилиши режалаштирилган. Наманган эркин иқтисодий зонаси доирасида янги инвестиция лойиҳалари жамланмаси ишлаб чиқилмоқда. Улар вилоятда саноат корхоналари ва хусусий бизнесни янада юқори суръатлар билан ўсишини таъминлайди, вилоят экспорт салоҳиятини оширади”¹⁰².

Шунингдек, 2012 йил 13 декабрдаги “Ангрен махсус индустриал зонасини барпо этиш тўғрисида”ги, 2013 йил 18 мартдаги “Жиззах махсус индустриал зонасини барпо этиш тўғрисида”ги, 2016 йил 26 октябрдаги ПФ–4853-сон “Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини фаоллаштириш ва кенгайтиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ҳамда 2017 йил 12 январь ПФ–4931-сон “Ургут”, “Ғиждувон”, “Кўқон” ва “Ҳазорасп” эркин иқтисодий зоналарини ташкил этиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари ҳудудларда ишлаб чиқаришнинг янги босқичга ўтишига муҳим пойдевор қўйди.

2016 йил 26 октябрдаги ПФ–4853-сон “Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини фаоллаштириш ва кенгайтиришга доир кўшимча чора тадбирлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони бевосита ҳудудларда хорижий инвесторларга мамлакатимиз иқтисодиётининг реал секторларига инвестиция киритиши учун янада қулай шароитлар яратиш мақсадида эркин иқтисодий зоналар учун ягона ҳуқуқий режимни белгилаш, солиқ ва божхона имтиёзлари, преференцияларни бирхиллаштиришга туртки бўлди¹⁰³.

Шу муносабат билан Наманган вилоятининг Чортоқ туманида ташкил этиш мумкин бўлган эркин иқтисодий зоналарнинг аҳамияти ҳақида гапирадиган бўлсак, Наманган вилоятининг Чортоқ тумани нафақат Ўзбекистонда, балки бутун Марказий Осиё ҳудудида такрорланмас табиий манзараларга эгаллиги билан ажралиб туради. Хитойга чиқиш имконини берувчи “Наманган-Андижон-Ўш-Эргаштом-Қашқар” давлатлараро аҳамиятга молик халқаро йўлнинг қурилиши (бунинг бир бўлаги Чортоқ тумани ҳудудидан ўтади) транспорт инфратузилмаларининг ривожланишига кучли таъсир кўрсатади. Чортоқ туманида шифобахш иссиқ, минерал сувлари ўзининг минералланиш даражаси ва шифобахшлиги бўйича кенг шуҳрат қозонган Мацеста, Чакрак, Тал каби жаҳонга машҳур сувлардан қолишмайди. Минтақанинг Чотқол тизмасининг жанубий қисмида ер сатҳидан 1925 м баландликда энг тоза шифобахш сувлари ва альпинистлар сўқмоқлари эга бўлган Сари-Челак кўрикхонаси мавжуд. Туристлар ўртасида тумандаги “Гулистон” санаторийси ва XIX аср бошларида қурилган Мавлон бува меъморчилик мажмуаси эътибор қозонган.

Шунинг учун Чортоқ туманида икки йўналишда махсус эркин иқтисодий зона ташкил этиш ва ривожлантириш мумкин деб ҳисоблаймиз. Биринчиси Чортоқ туманида халқаро туризмни ривожлантириш ва иккинчиси қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлашга йўналтирилган махсус саноат зонасини ташкил этиш ва ривожлантириш. Наманган вилояти Фарғона иқтисодий районида жойлашган бўлиб бугунги кунда Республикада ишлаб чиқарилаётган мева-сабзавотларнинг 26,5% Фарғона иқтисодий районида тўғри келмоқда. Бу ерда Республика меҳнат ресурсларининг 30% яшайди. Фарғона иқтисодий районида мева-сабзавот маҳсулотлари ишлаб чиқаришда Наманган вилоятининг Чортоқ тумани муҳим ўрин тутаяди. Шунга кўра минтақанинг Чортоқ туманида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлашга асосланган махсус эркин саноат иқтисодий зонасини ташкил этиш мақсадга мувофиқ бўлиб ҳисобланади. Эркин иқтисодий зоналарни ташкил этишдан асосий мақсад – минтақани ижтимоий-иқтисодий ривожланишини жадаллаштириш учун мамлакат ва чет эл капиталини, истиқболли технология ва бошқарув тажрибасини жалб этиш орқали унинг саноат салоҳиятини, ишлаб чиқариш, транспорт-транзит ва ижтимоий инфратузилмасини

¹⁰² Ўзбекистон Республикаси ҳудудларининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини комплекс ўрганиш натижалари бўйича йиғма таҳлилий материал. – Т.: “Sano-standart” – 2017. 328 б.

¹⁰³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини фаоллаштириш ва кенгайтиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2016 йил 26 октябрдаги ПФ–4853-сон Фармони.

ривожлантириш, замонавий бозор инфратузилмаларини ташкил этишдан иборатдир. Кўпинча ривожланаётган мамлакатлар гуруҳида эркин иқтисодий ҳудудларнинг фаолияти жаҳон бозорида миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, халқаро иқтисодий алоқаларда хомашё экспортидан воз кечишга интилиш, ҳудудларни хўжалик юритишнинг янги усулларини синаб кўриш майдонларига айлантириш, миллий иқтисодиётнинг жаҳон хўжалигига интеграциялашуви даражасини яхшилаш каби алоҳида стратегик мақсад ва вазифаларни ҳал этишга йўналтирилган бўлади.

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ИНФРАТУЗИЛМА КОРХОНАЛАРИДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

**С.К.Қузибеков, ўқитувчи, ГулДУ
З.А.Шарипова, Фарғона в. Қўқон ш.
17-ўрта умумтаълим мактаби ўқитувчиси**

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда бозор иқтисодиётининг асоси бўлган хусусий мулк устуворлигини таъминлайдиган барқарор қонунчилик базаси яратилганлигини таъкидлаш лозимдир. Ўрта мулкдорлар синфини шакллантириш, мамлакат иқтисодиётини барқарор юксалтириш, янги иш ўринлари яратиш ва аҳоли даромадини оширишнинг муҳим омили бўлган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш бўйича қулай ишбилармонлик муҳити ва ҳуқуқий кафолатлари яратилди. Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида кичик бизнесни ривожлантирилишига кўпроқ урғу берилиши бежиз эмас. Кичик бизнес капитал тақчиллиги шароитида кўп маблағ талаб этмаслиги билан бир қаторда, истеъмол талабининг ўзгаришига тез мослашади ва шу орқали истеъмол бозоридаги зарур бўлган мувозанатни таъминлаб беради.

Мамлакатимизда кичик бизнесни ривожланаётганлиги қувонарли ҳол албатта, бироқ ташкил этилаётган янги кичик корхоналарнинг аксарият қисми савдо ва умумий овқатланиш хиссасига тўғри келиши, ишлаб чиқаришда нисбатан камлиги бироз ачинарли. Фикримизча, янги ташкил этилаётган кичик корхоналарни ишлаб чиқаришга йўналтирилса самаралироқ бўларди. Айниқса қишлоқ жойларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ишлаб чиқариш инфраструктурасини янада ривожлантириш амалга оширилса мақсадга мувофиқ бўлар эди. Ривожлантиришни асосан гидротехника, мелиорация, электр энергетика тармоқларидан бошланса, ерларни суғориш, кўп йиллик кўчатлар экиш саноатнинг қайта ишловчи корхоналарини қуриш, уларни янги техникалар билан таъминлашга қаратилган ишлар амалга оширилса қишлоқ жойларда кичик бизнес ва тадбиркорликни янада ривожланиши учун асос бўлиб хизмат қилар эди. Агар хом ашё ва материалларни қайта ишловчи кичик корхоналар фаолияти кўпроқ ривожлантирилса бу: биринчидан, халқимизнинг талабини қондиради; иккинчидан, бу соҳада бошқа соҳаларга нисбатан кўпроқ ишчи кучи талаб этилишини инобатга оладиган бўлсак, бу мавжуд ишсизлик масалаларини ҳал этишга ёрдам беради.

Енгил саноат корхоналарини ташкил этиш ва ривожлантириш учун уларга шарт шароит яратиб бериш лозим. Шу билан бирга, пахта толасидан, бошқа маҳаллий хом ашёлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, ушбу тармоқдаги корхоналарни янги техникалар билан жихозлаш учун хорижий сармояларни кенгроқ жалб этиш, ушбу корхоналарни жойлашган ўрнига алоҳида аҳамият бериш, яъни бу корхоналарни аҳоли зич ҳудудларда жойлаштиришни ташкил этиш лозим.

Енгил саноат соҳасида маҳсулотлар сони ва сифатининг ошиб бориши бевосита бу тармоқда рақобат муҳитининг пайдо бўлишига олиб келади. Жамиятдаги соғлом рақобат муҳити жамият ривожининг кўплаб ижтимоий муаммоларини ечишга имкон беради, маҳсулот ва хизмат турларини анча кенгайтиришга хизмат қилади, инсонларга айнан керакли маҳсулотларни харид қилишга имконият яратади.

Жаҳон тажрибаси шундан далолат берадики, ривожланган мамлакатларда иқтисодиётда рақобат муҳитини сақлаб қолиш ва рақобат механизмининг самарали фаолиятини таъминлаш мақсадида кичик ва хусусий тадбиркорлик учун қулай макроиқтисодий муҳит яратилиши билан бирга унга давлат томонидан турли хил ёрдамлар кўрсатилади. Тадбиркорлик давлат ва жамият ҳаётига таъсир этувчи турли кўринишга эга ходиса ҳисобланади. Бу фаолият соҳаси жамоа онгида ва амалиётида нафақат товарлар ишлаб чиқариш, ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш, балки саноат қишлоқ хўжалиги ва қурилишга инвестициялар киритиш билан ҳам боғлиқдир.

Тадбиркорликнинг жамиятнинг деярли барча соҳалари билан боғлиқлигини инобатга оладиган бўлсак, унинг ривожланиши ва тараққий этиши учун иқтисодий жиҳатдан асосланган бўлиши, ишлаб чиқариш тизими билан узвий боғлиқлиги, режали иқтисодиётдан устун жиҳатларини намойиш этиши, моддий ва молиявий ресурслар, фан техника ютуқларидан самаралироқ фойдаланиши ва қолаверса меҳнат унумдорлиги ошишига сезиларли таъсир этиши лозим. Демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида тадбиркорликни Ўзбекистоннинг ижтимоий иқтисодий ривожланишига самарали таъсир этиш имкониятига эга бўлган тизим сифатида кўриб чиқилиши лозим. Кичик ва хусусий тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва рақобат муҳитини шакллантириш бўйича жаҳон тажрибаси бой ва хилма хил бўлсада, улар бир-бирларидан ушбу жараёни амалга ошириш механизми, усуллари ва воситалари жиҳатидан фарқ қилади. Мазкур тажрибани ўрганиш, унинг ижобий томонларидан мамлакатимизнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда самарали фойдаланиш иқтисодиётда таркибий ўзгаришлар амалга оширилаётган бугунги кунда энг долзарб вазифалардан бири бўлиб ҳисобланади. Ривожланган мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, йирик корхоналарга нисбатан кичик бизнес субъектларида янги иш ўринларини яратишга мойиллик кучлироқ бўлиб, у кичик бизнеснинг капитал сиғими паст бўлган янги иш ўринларини тезлик билан ташкил этишга қодирлиги, кичик корхоналардаги капитал техник тузилишининг нисбатан юқорилиги, кичик корхоналар ташкил топиш жараёнининг енгиллиги, кичик корхоналар маълум қисми фаолиятининг йирик корхона фаолиятининг ҳосиласи сифатида амалга оширилиши, кичик бизнес корхоналарида ишчи кучини ёллашда миқдор самарасининг амал қилиниши, меҳнат қилиш ва ишга ёллашнинг мослашувчан шарт шароитлари кенг тарқалганлиги билан изоҳланади. Қолаверса, давлат аҳолини хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнес билан шуғулланишлари учун шарт шароит яратиш, уларнинг яширин қобилиятларини намоеън этишга имконият яратади. Қолаверса, улардаги боқимандалик кайфиятини йўқотиб, давлат бюджетига қарамлигини пасайтиради. Рақобат муҳитини шакллантиришда давлат аввалам бор барча корхоналар учун рақобатни рағбатлантирувчи, уларнинг иқтисодий эркинликларини кафолатловчи меъёрий-ҳуқуқий базани яъни қонунчилик тизимини яратиши, сўнгра олиб бораётган молия ва кредит сиёсати, давлат бозорида кичик ва хусусий корхоналар учун муайян улушни таъминлаш механизмини амалга ошириши лозим.

Миллий иқтисодиётимизнинг енгил саноат тармоғида рақобатбардошлик муҳитини яратиш ва ушбу соҳада амалга ошириладиган фаолиятлар қуйидаги йўналишлардан иборат бўлиши мақсадга мувофиқдир:

- саноатнинг устувор тармоқларини қўллаб-қувватлаш ва саноат мажмуасидаги таркибий ўзгаришларга таъсир кўрсатиш;
- миллий товар ишлаб чиқарувчиларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва ички бозорни ҳимоялаш;
- миллий ишлаб чиқарувчиларни маркетинг воситасида қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш;
- рақобат муҳитини барпо этиш, халқаро сертификатларни жорий этиш;
- сифат ва стандартларни баҳолашнинг мувофиқлаштирилган тизимини қўллаш орқали бозор инфратузилмаси ривожланишига ёрдам кўрсатиш;

— иқтисодий, ҳуқуқий ва сиёсий воситалардан фойдаланиш асосида ракобатбардошлик даражасини ошириш бўйича давлат сиёсатини юритиш.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ - АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИНИ ОШИРИШ ГАРОВИ СИФАТИДА

Махмудов Ш.Х., ўқитувчи. ГулДУ

Иқтисодий ва модернизациялаш давридаги муаммоларни ҳал этиш ҳамда қишлоқ хўжалигида ислохотларни изчил ва босқичма-босқич амалга ошириш мамлакатимиз аграр тармоғининг барқарор ривожланишини таъминлаш билан бирга аҳоли фаровонлигини оширишга имкон яратади. Мамлакатимиз Президенти Ш.Мирзиёевнинг 22 декабр 2017 йилдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида қуйидагиларни таъкидлаб ўтган: “Маълумки, ҳозирги кунда юртимизда 51 фоиздан зиёд аҳоли қишлоқ жойларда яшайди. Бирок, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг мамлакат ялпи ички маҳсулотига улуши 17 фоиздан ошмайди. Аграр соҳа маҳсулотларини қайта ишлаш ҳажми эса 10 фоизга ҳам етмайди. Ҳолбуки, ривожланган давлатларда бу кўрсаткич 50 фоиздан ортиқни ташкил этади.

Республикамиз аграр тармоғининг барқарор ривожланишини таъминлаш учун етарли даражада мустақкам ресурслар базаси мавжудлиги ҳамда ҳуқуқий, иқтисодий ташкилий, институционал асослар яратилганини таъкидлашимиз лозим. Айниқса, мамлакатимиз аграр тармоғининг ер-сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг энг самарали шакли сифатида фермер хўжаликларини устувор ривожлантирилиши, моддий-техник ва молиявий таъминлаш бўйича бозор иқтисодиёти тамойилларига тўла жавоб берадиган ишончли тизим ва механизмлар шакллантирилиб, уларнинг муваффақиятли фаолият кўрсатиши қишлоқ хўжалигининг барқарор ривожланишига хизмат қилади. Қишлоқ хўжалигида ўтказилаётган тизимли ислохотларни амалга оширилишида ““Пахтасаноат илмий маркази” АЖ фаолиятини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги ва “Республикада уруғлик картошкани етиштиришни янада ривожлантириш чоралари тўғрисида”ги Президент қарорлари аҳамиятлидир. Қарорга асосан манфаатдор ташкилотларнинг Картошка етиштирувчилар ассоциациясини тузиш тўғрисидаги таклифлари маъқулланди. Ассоциациянинг асосий вазифаларидан бири, республикада хорижий технология асосида маҳаллий картошка уруғчилигини ривожлантириш, ҳосилдорлиги юқори бўлган картошка кўчатларини етиштиришни ташкил этиш ҳисобланади.

Мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб озиқ-овқат хавфсизлиги масалалари Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий сиёсатида марказий ўринлардан бирида туради. Натижада мамлакат ушбу йўналишда катта ютуқларга эришди. Ғалла мустақиллигига эришилди, аҳоли жон бошига асосий озиқ-овқат маҳсулотлари – гўшт, сут, тухум ва мева-сабзавот маҳсулотлари етиштириш анча кўпайди ва, бунинг оқибатида, озиқ-овқатнинг барча асосий турларини мамлакатнинг ўзида ишлаб чиқариш амалда тўлиқ таъминланди. Жумладан, 2017 йил давомида Сирдарё вилояти қишлоқ хўжалигида ялпи маҳсулот ҳажми 2902265,6 млн.сўмни ташкил этган ҳолда, 2016 йилга нисбатан 102,3 фоизга тенг бўлган. Шундан, деҳқончилик маҳсулотлари 2025722,5 млн.сўмни, чорвачилик маҳсулотлари 792696,1 млн.сўмни ташкил қилиб, 2016 йилга нисбатан деҳқончилик маҳсулотлари 0,8 % га ва чорвачилик маҳсулотлари 3,7% га ўсишга эришилган.

Бундан ташқари, ўрмон, овчилик ва балиқчилик маҳсулотлари 36696,1 млн. сўмлик етиштирилган бўлиб, ўтган 2016 йилга нисбатан 61,2 %га ошган.

Сирдарё вилоятида озиқ-овқатнинг асосий турларидан картошка барча турдаги хўжаликлар томонидан 2017 йилда 2042 га ер майдонига экилган бўлиб, ҳосилдорлиги ўтган 2016 йилга нисбатан 0,5%га ошиб, ҳосилдорлиги 141, ц/га ни, жами 58296 тоннани ташкил қилади. Аҳоли жон бошига (58296/815,7) 71,46 кг тўғри келган.

Сабзавот етиштиришда барча хўжаликлар ер майдони 4568 га ни ташкил қилиб, 2017 йилда ҳосилдорлиги 275,2 ц/га тенг бўлиб, ўтган 2016 йилга нисбатан 100,2 % га тенг. Барча хўжаликлар томонидан етиштирилган сабзавот 299383 тоннани ёки 2016 йилга нисбатан 94,2 %ни ташкил қилиб, аҳоли жон бошига (299383/815,7) 367, 026 кг тўғри келган.

Полиз экинларини етиштиришда барча хўжаликлар ер майдони 8873 га ни ташкил қилиб, ўтган йилга нисбатан 149,4 фоизни ташкил қилади. 2017 йилда ҳосилдорлиги 283,2 ц/га тенг бўлиб, ўтган 2016 йилга нисбатан 14,7 %га камайган. Барча хўжаликлар томонидан етиштирилган полиз маҳсулотлари 366048 тоннани ёки 2016 йилга нисбатан 107,0 %ни ташкил қилиб, аҳоли жон бошига 448,753 кг тўғри келган.

Мева етиштиришда барча хўжаликлар ер майдони 6747 га ни ташкил қилиб, ўтган йилга нисбатан 3,8 %га камайган. 2017 йилда ҳосилдорлиги 84,7 ц/га тенг бўлиб, ўтган 2016 йилга нисбатан 104,2 %ни ташкил қилади. Барча хўжаликлар томонидан етиштирилган мева маҳсулотлари 42905 тоннани ёки 2016 йилга нисбатан 4,4 % камайган бўлиб, аҳоли жон бошига 52,6 кг тўғри келган.

Умумий қилиб айтганда, Сирдарё вилояти қишлоқ хўжалигида 2017 йил давомида етиштирилган маҳсулотларнинг аҳоли жон бошига тўғри келадиган кўрсаткичлари қуйидагича бўлган: Узум – 17,73 кг; Гўшт (тирик вазнда) – 77,93 кг; Сут – 399,4 кг; Тухум – 195,3 дона. Қишлоқ хўжалиги ҳам иқтисодийнинг бошқа муҳим тармоқлари сингари барқарор суръатлар билан ривожланмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимида киришиш тантанали маросимида бағишланган Олий Мажлис палаталарининг кўшма мажлисидаги “Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қураимиз” номли нутқида шундай дейди: “Қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш ва озик-овқат хавфсизлигини таъминлаш масалалари, ҳеч шубҳасиз, биз учун энг муҳим вазифалардан бири бўлиб қолади. Энг аввало, агросаноат комплекси ва унинг локомотиви, яъни ҳаракатга келтирувчи кучи бўлган кўп тармоқли фермер хўжалиklarини изчил ривожлантиришга катта эътибор қаратилади”. Бундан асосий мақсад аҳоли турмуш фаровонлигини оширишдир. Сирдарё вилоятида фермер хўжалиklари сони 2017 йилда 6293 бирликни ташкил қилиб, ўтган йилга нисбатан 102,9 %ни ташкил қилган. Фермер хўжалиklари томонидан етиштирилган ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулоти 2017 йилда 925524,0 млн.сўмга тенг бўлиб, 2016 йилга нисбатан 98,6 %ни ташкил қилади¹⁰⁴.

Таъкидлаш керакки, бундай мўл ҳосил, асосан, қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни жадаллаштириш, селекция ишларини яхшилаш, ғўза ва бошоқли дон экинларининг районлаштирилган навларини жорий қилиш, замонавий агротехнологияларни ўзлаштириш эвазига таъминланди. Мамлакатимизда бугундан гектаридан ўртача 55 центнер ҳосил олингани, айрим туманларда бу кўрсаткич 60-77 центнерни ташкил этгани, ҳеч шубҳасиз, фермерларимизнинг улкан ютуғидир.

Бугунги кунда республика миқёсида, жумладан Сирдарё вилоятида озик-овқат маҳсулотларига эҳтиёж доимо юқори бўлиб, бу эҳтиёж бундан кейин ҳам ортиб боришидан келиб чиққан ҳолда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш орқали қишлоқда саноат ишлаб чиқариши ва қурилишини жадал ривожлантириш, мева-сабзавот ва чорва маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича замонавий инновацион техника-технологиялар билан жиҳозланган ихчам корхоналарни ташкил этиш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш ҳисобидан қишлоқда янги, замонавий қайта ишлаш корхоналарини шакллантириш ва уларнинг кенг қўламда фаолият юритиши учун ҳар томонлама мустақкам хом ашё базасини ташкил этишга устуворлик берилиши замон талабидир.

Замонавий инновацион ишлаб чиқаришни ривожлантирилиши, ҳар бир вилоят, туман ва қишлоқда барпо этилиши, ишлаб чиқаришнинг янги ҳажмлари ва ялпи ички

¹⁰⁴ 2017 йилнинг январь-декабр ойлари якунига Сирдарё вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш асосий кўрсаткичлари. Сирдарё вилояти Иқтисодий-иқтисодий комплекс ривожлантириш бош бошқармаси маълумоти.

маҳсулотни ҳамда озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш имконини беради.

Республикаимиз Президенти Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек, “Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини самарали реализация қилиш жуда муҳим масаладир. Шу мақсадда фермер хўжаликларида етиштирилган маҳсулотлар ҳажми ва миқдори ҳақидаги маълумотларнинг ягона базасини яратиш зарур”¹⁰⁵.

Қишлоқ хўжалигида хўжалик юритиш субъектлари фаолиятини ривожлантириш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва маҳсулот экспорт салоҳиятини оширишда бозор нархлари конъюнктураси талабларидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш учун ишлаб чиқариш ҳаражатларини камайтириш тадбирларини жорий этиш, агротехнологик жараёнларни рационализациялаш ҳисобига маҳсулот таннархини арзонлаштириш, ишлаб чиқарилаётган ҳар бир турдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва кўрсатилаётган хизматлар бўйича сарф-ҳаражатларнинг лимити ва меъёрини қайта кўриб чиқиш;

- фермер хўжаликларида етиштирилган маҳсулотлар ҳажми ва миқдори ҳақидаги маълумотларнинг ягона базасини яратиш;

- фермер хўжаликларида маҳсулот таннархини камайтириш, рақобатбардошлигини ҳамда ташқи ва ички бозорда сотиш ҳажмини ошириш;

- сув истеъмолчилари уюшмаларининг самарали фаолият кўрсатишини таъминлаш;

- зооветеринария ва сервис хизматларини яхшилаш бўйича қўшимча зооветпунктлар ташкил этиш ва кредит маблағлари ҳисобига уларни керакли жиҳозлар ҳамда бошқа асбоб-анжомлар билан таъминлаш;

- мавсум давомида маҳсулот етиштирувчилардан шартнома асосида сифатли маҳсулотларни қабул қилиш, уларни тозалаш, саралаш, қолиплаш ва ўз муддатларида экспортга жўнатиш ишларини ташкил қилиш;

- мавжуд қайта ишлаш корхоналари ва агрофирмалар томонидан сотиб олинадиган мева-сабзавот маҳсулотларини сақлайдиган катта ҳажмли музлаткичларни ишга тушириш;

- сунъий уруғлантиришни кўпайтириш ва чорва молларининг касалликларига қарши ўз вақтида эмлаш ҳисобига уларда чиқим салмоғи камайтирилишига эришиш;

- сув танқислигининг етиштирилаётган ҳосилга салбий таъсирини юмшатишга қаратилган техник-муҳандислик тадбирлари ва сув ресурсларининг тежамкор агротехнологияларини ишлаб чиқиш;

- сабзавот, полиз ва картошка экинларини фермер, деҳқон хўжаликлари ва шахсий томорқа бўйича асосий, ёш боғ-узумзорлар оралиғига эрта ва ўрта муддатларда етиштирилиши бўйича такрорий майдонларга жойлаштириш ҳамда фермер хўжаликлари бўйича мева-сабзавот экинлари етиштириш учун уруғлик, кўчатлар, ёнилғи-мойлаш маҳсулотлари ва минерал ўғитлар билан таъминлаш;

- деҳқон хўжаликлари томорқаларида экиладиган экинлар турлари ва майдонларини аниқлаш ҳамда уруғликка, кўчатларга, ёнилғи мойлаш маҳсулотларига ва минерал ўғитларга бўлган талабини қондириш тизимини ривожлантириш;

- ташкил этилган паррандачилик фермер хўжаликлари ва фабрикалари ер майдонларида озуқа экинлари етиштириш имконияти кенгайганлиги ҳисобига парранда гўшти ва тухум етиштириш ҳажмини кўпайтириш чора-тадбирларини амалга ошириш зарур ҳисобланади.

Хулоса килиб айтганда, юкоридаги чора-тадбирларни амалга ошириш натижасида вилоят аҳолиси фаровонлигини ошириш, иқтисодиётни модернизациялаш, инновацион ривожлантиришни йўлга қўйиш, илғор ва тежамкор агротехнологияларни жорий қилиш қишлоқ хўжалигининг барқарор ривожланишини таъминлашда муҳим омил ҳисобланади.

¹⁰⁵ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 22 декабр 2017 йил.

KEY ISSUES IN THE DEVELOPMENT OF SMALL BUSINESS AND ENTREPRENEURSHIP IN PRODUCTION INFRASTRUCTURE

Lec.G.R.Mahmudova,
student F.M.Zikriyayev, GulSU


During the years of independence, it is worth mentioning that a stable legal framework was established, which ensured privileges of private property and the basis of the market economy in Uzbekistan. When developing small business and private entrepreneurship, favorable entrepreneurial environment and legal security guarantees have been created and it is considered an important factor to form the middle class property owners, to develop country's economy in a stable way, to creating new job opportunities, and to increase people's income.

Legal guarantees have been created in such sectors of the economy as private property, small business and private entrepreneurship. Small businesses will enjoy the right to have following benefits:

- prevention illegal interference in entrepreneurial activities and improvement of the level of criminal liability for the violation of the rights of private property owners;
- guarantees for the protection of private property;
- registration and licensing of all types foreign economic activities related to the implementation and further simplification of procedures;
- in order to create necessary conditions and opportunities for the development of entrepreneurship by assisting with financial resources and improving loaning system;
- by accomplishing these stages, creating appropriate business environment.¹⁰⁶

The banking and financial system, the formation of a favorable business environment for small business development and providing greater freedom to the wide range of measures have been implemented. As a result, the volume of credits allocated to the sector in 2015 increased by 1.3 times and 9.2 trillion as of January 1, 2016. soums (Figure 1).


Figure 1. Loans to small business and private entrepreneurship



In particular, micro-loans account for 1.9 trillion soums and that trend increased by 1.4 times compared to 2015. Commercial banks supported women's entrepreneurship with loans in 2015 which increased by 1.4 times and accounted for 960.2 billion soums. Furthermore, banks persuaded young people especially graduates of vocational colleges to pay attention to financial projects to

¹⁰⁶ <http://uz.denometr.com/>

support seriously. In particular, in 2016, 200.9 billion soums was allocated to this aspect and in 2015, this figure increased by almost 1,4 times. (Figure 2)



That is one of the main reasons why a special attention has been drawn to the development of small businesses and private entrepreneurship in market economy. Small business enterprises are supposed not only to require much financial resource in the conditions of capital deficiency but it is also quickly adaptable to immediate changing consumer demand, consequently it maintains necessary balance in a consumer market.

The development of small business in our country is definitely a worthy situation. However, the vast majority of running small businesses comprise of commercial and restaurant businesses, which is more disadvantageous compared to more profitable production business. It is generally understood that it is more effective to direct newly organized businesses to production of goods and services. It is vitally important to further develop production infrastructure of small business and private entrepreneurship in the country sides of our country where there are sufficient human resources.

If the development starts mainly in such spheres as hydraulic engineering, irrigation, energy sector, watering lands, planting long term seedling, setting up processing enterprises in industry, providing them with modern equipment, it will serve as the basis of development of small business and entrepreneurship in the country side.

If the activities of small enterprises, which are processing raw material to produce ready made products, are developed then it will lead to:

firstly, meeting consumer demands of citizens;

secondly, considering the fact that this sphere requires more human resource than other spheres, then it will help with current unemployment problems.

It is vitally important to create necessary conditions for light industry enterprises to be set up and develop eagerly. Also other important factors are to increase the efficiency of the use of cotton and other raw materials, to equip enterprises in this sphere with modern technology, to attract more foreign investment, to pay special attention to the site where they are organized, that's to say, to organize these enterprises in more populated areas.

In the sphere of light industry, the improvement of quantity and quality of the products directly leads to the development of competition in this field. Fair competition in society has much chance firstly to solve many social problems while developing, secondly to extend choices of products and services, and allows people to purchase especially necessary products.

Business is an event, which influences our life of the state and society. Generally in our minds and practice, this field of activity does not only concern productions of goods but it involves industry agriculture and attract investment for construction as well.

If we take into consideration the relationship of business in all sectors of society, its development and for improvement it must be economically and closely linked with the production

system. It should be provided with a planned economy to demonstrate material and financial resources, scientific and technological achievements, which are normally used efficiently, additionally labor productivity should have a significant impact on the growth.

Democratic reforms and economic liberalization in the context of effective measures of the entrepreneurship of Uzbekistan's socio-economic development of the system should be considered as a valuable opportunity.

Despite the state support of small business and private entrepreneurship, the formation of a competitive environment in the world experience is rich and diverse; there are differences in mechanism for the implementation of this process in terms of methods and tools.

By learning this experience, it is one of our key responsibilities today to use efficiently positive aspects and specific features of this experience in structural changes of the economy.

The experiences of developed countries show that small businesses have tendency to become stronger to create new job opportunities than larger enterprises. The low capacity of small businesses in the capital is able to create new jobs quickly. The amount of small business enterprises recruit of labor force was done effectively and the hiring of labor is explained by the prevalence of the flexible conditions.

In addition, the state creates the conditions necessary to engage in the private sector and the population of small business, and creates opportunities to show their hidden talents. What's more, it helps with the cut of their dependence mood and reduces dependence on the state budget.

Primarily, in the formation of a competitive environment, it is vital to stimulate competition for all enterprises, guaranteeing their economic freedom to create a legal and regulatory framework in other words creating a legal system. It is also important to run the financial and credit policy appropriately, and form a mechanism to ensure that certain market share is provided for small and medium-sized enterprises.

From the world experience it can be seen that the competitive environment in the economy of developed countries was preserved and the effective functioning of the mechanism of competition and the creation of a favorable macroeconomic environment for private enterprise was aided in wide range by the government.

Creating a competitive environment in light industrial sector of national economy and accomplishing activities in this field is necessary which include following activities:

- Support priority sectors of the industry and influence structural changes in the industrial complex;
- Support national producers and protect domestic market by government;
- Support domestic producers by improving system of marketing;
- Create competitive environment and establish international certificates;
- Aid improvement of market infrastructure through perfected system of quality and standard assessment;
- On the basis of using the means of economic, legal and political ways, running the state politically to increase the level of competitiveness.

МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТ ВА УНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

Н.Т.Мисирова, ўқитувчи, ГулДУ

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий – иқтисодий ривожланиш ва иқтисодиёт тармоқларидаги таркибий ўзгаришлар шуни англатадики, эришилаётган ютуқ ва муваффақиятларнинг асосида иқтисодиёт ва унинг етакчи тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш жараёнларининг ўрни каттадир. Шу нуқтаи назардан, амалга оширилаётган ислохотларнинг моҳияти ва тамойилларини таҳлил қилиш, модернизация ва ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш жараёнларининг назарий асосларини тадқиқ этиш муҳим аҳамият касб этади.

Модернизация – ишлаб чиқаришнинг тайёрланаётган маҳсулотлар (иш ва хизматлар) рақобатдошлигини оширишга йўналтирилган технологик янгиланиш жараёнидир. У корхоналарнинг технологик қолоқлигини бартараф этиш воситаси бўлиб, меҳнат, моддий ва хом ашё ресурсларидан самарали фойдаланиш даражасига кескин таъсир кўрсатади. Модернизация, техник ва технологик янгиланиш натижалари юқори технологик, рақобатдош ишлаб чиқаришнинг жадал ривожланиш шартини белгилаб беради.

Иқтисодиёт ва унинг етакчи тармоқларини модернизация қилиш ишлаб чиқаришни диверсификация этишга олиб келади.

Диверсификация – юқори қўшилган қиймат ўсиш динамикасини таъминлайдиган маҳсулот ва хизматлар ассортиментининг ошиш ва кенгайиш жараёнидир. Диверсификация жараёни иқтисодиёт тармоқларида олиб борилаётган модернизация ва таркибий ўзгаришлар билан бевосита уйғунлашган ҳодисадир.

Иқтисодиёт ва унинг етакчи тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик янгиланиш ушбу тармоқларда ишлаб чиқаришни диверсификация этишга олиб келади, пировардида мамлакат, корхона ва маҳсулотнинг ички ва ташқи бозордаги рақобатдошлиги, аҳолининг иш бандлиги ортади, унинг турмуш даражаси юксалади ҳамда мамлакатнинг барқарор иқтисодий ўсиши таъминланади.

Миллий иқтисодиётнинг барқарор ва самарали фаолият юритишини таъминлаш, унинг ўсиш суръатларини жаҳондаги ривожланган мамлакатлар даражасига кўтариш, турли сиёсий ва иқтисодий ўзгаришлар, жаҳон бозори конъюнктурасидаги тебранишлар, инқироз ҳолатларига нисбатан “чидамлик”, мустақил ривожланиш салоҳияти айнан иқтисодиётнинг турли тармоқларидаги туб ислохотлар ва уларнинг натижаларига боғлиқ. Айни вақтда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ижтимоий – иқтисодий ҳаётнинг бошқа соҳаларидаги ўзгаришларга чамбарчас боғлиқ ҳолда амалга оширилади. Яъни, барча соҳа ва жабҳаларда жадал ислохот ва модернизация жараёнларининг амалга оширилишида изчиллик ва мантикий мувозанатни таъминлаш алоҳида муҳим ўрин тутади.

Мамлакатда етакчи тармоқларни модернизация қилиш, техник ва технологик янгиланиш жадаллаштириш ва ишлаб чиқаришни диверсификация қилишнинг асосий омиллари қуйидагилар:

- мақсадли давлат ва ҳудудий дастурларни амалга ошириш;
- юқори қўшилган қиймат яратадиган тармоқлар улушини ошириш;
- саноатни ривожлантиришда хорижий инвестициялар ва банк кредитлари таъсирчанлигини ошириш;
- саноатни ривожлантиришда қўшма корхоналарнинг улушини ошириш;
- инфратузилмани шакллантириш (сув, газ, электр энергияси, транспорт ва бошқалар);
- қурилиш материаллари саноатини ривожлантириш;
- енгил саноат соҳасида янги корхоналар ташкил этиш ва тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш;
- чарм хом ашёсини қайта ишлаш соҳасида янги корхоналар ташкил этиш ва янги маҳсулот ишлаб чиқаришни ўзлаштириш;
- қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш соҳасида янги корхоналар ташкил этиш ва бозорни янги маҳсулотлар билан таъминлаш;
- маҳаллий хом ашёни чуқурроқ қайта ишлаш; ишлаб чиқарилган маҳсулотлар экспорти кўламини кенгайтириш, кичик корхоналар маҳсулотларини экспортга йўналтиришга кўмаклашиш.

Шундай қилиб, иқтисодиётни етакчи тармоқларни модернизация қилиш, техник ва технологик янгиланиш жадаллаштириш ва ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш бўйича ислохотлар бевосита давлатимиз томонидан, миллий корпорациялар, компаниялар, корхоналарнинг ўз маблағлари ва АҚШнинг “Женерал Моторс”, “Тексако”, Германиянинг “МАН”, “Даймлер Бенц”, “Клаас”, Буюк Британиянинг “БАТ”, Испаниянинг “Максам”, Япониянинг “Исузу”, “Иточу”, Малайзиянинг “Петронас”, Кореянинг “Кореан Эйр”,

“LG”, “CNOС”, Хитойнинг “СNPC”, Россиянинг “Лукойл, “Газпром” каби жаҳондаги энг йирик ва машҳур компаниялари, Осиё тараққиёт банки, Жаҳон банки, Ислом тараққиёт банки сингари йирик халқаро молия ташкилотлари, Жанубий Корея, Япония, Хитой ва бир қатор араб давлатлари инвестиция банклари ҳамкорлигида амалга оширилмоқда.

METHODS OF INNOVATION PROJECTS DONE IN LIGHT INDUSTRY ENTERPRISES

**B.A.Narbutayev, Lecturer,
S.Z.Habibullayev, Lecturer, GulSU**

In market economy condition, it is important to support real sector enterprises of economy. That is to say, modernization of production process, improving mutual relations, establishing long term and strong relations with potential partners and stimulating the increase of demand for locally produced goods and services play a crucial role.

It is vitally essential to further develop textile sectors of light industry. Consequently, these textile sectors process cotton fiber, make yarn and raw fabric, then make cloth, knitted cloth, knitwear and textile products. What’s more, they export major part of their ready-made products. In particular, it is significant to develop modern textile complex, which will produce ready-made products that are exportable and highly competitive in textile industry. In addition, production capacity mainly concentrates on the production of spinning, weaving and garment production where there is a good opportunity to attract investment.

The following three methods are considered important in the development of light industry: first, ready-made products should be produced, which will meet world standard qualities; secondly, to attract foreign investment and technology joint ventures should be established; finally, the share of small business should be increased in that sphere. Since quality of the products manufactured by small businesses is much higher than that of big enterprises, and they are easily adaptable to new situations, it is believed important in market economy condition. In case of bankruptcy, crises are enormous for big enterprises: there will be loss for area’s economy, it will lead to the increase in the amount of unemployment. However, the crises for small businesses counts for minor amount.

Based on the concept of democratic improvement deepening and developing civil society the law regarding family business was passed and put into practice.

Through passing this law, we have achieved the following:

- Organization of several small business enterprises;
- Employment of thousands of people via creating new job opportunities;
- Increase in the family budget;

Strengthening the cooperational relations between large industrial enterprises and outworkers is very important in solving unemployment problems. Hence, the specifics of the labor employment and the regional location will be taken into account.

One of the factors providing stable progress of family budget income and providing job opportunities is outwork and developing its types in our republic.

It generally helps with solving above-mentioned problems through establishing cooperation relations between outwork and light industrial enterprises.

Furthermore, nowadays evaluating outworker’s work experience and legal establishing social security of outworkers have been provided in our republic.

The cooperation relationship between large enterprises and outworker is established as in the following: large industrial enterprises supply outworkers with necessary raw materials and outworkers produce goods that require a lot of manual work by spending time effectively in home conditions. Consequently, this will help increase work efficiency and job opportunity for large enterprises.

Doing outwork job will benefit people several advantages:

Outworker will work based on labor contract with employment history book which will later help the bearer to calculate work experience.

Outworkers who work based on labor contract is considered economically employed personnel.

Outworker can work anywhere as well as from home where he lives.

There is no need for outworkers to think about the problems regarding obtaining the tools needed in production process, providing with raw materials and how to realize the goods and services produced by themselves because they work based on work contract. These problems are usually dealt with the enterprises they have contracted with.

The country of employment and income of the family budget is another factor in ensuring sustainable growth in jobs and the development of its forms. With the major's industrial enterprises, including textile factories based establishment is also of great help to solve the above problems and help with the work. In addition, today the home of seniority, pension rights and social insurance benefits. Cooperative relations between large enterprises with the home set on the basis of the following: large industrial enterprises, workers and raw materials suppliers. Workers and efficient use of the time, the family and for the benefit of the contract on the basis of low labor required to produce some of the goods at home. As a result, this is an opportunity to improve the efficiency of large enterprises. Home-based activities provide a number of advantages:

1. Operates on the basis of the book with a person engaged in home-based work, pensions and social insurance allowances, shall be added to the working experience of working time;
2. Contract workers employed population working class;
3. Engaged in home-based accommodation in the category of residential premises is not required;
4. Contract for work to be used for the production of the purchase of equipment, raw materials, and to provide the necessary materials and manufactured products, it is possible to solve the problems about how we should sell. Because the company is responsible for providing them.

Different products manufactured by out-workers include consumer goods and technological products. Organizing goods and services based on outwork, it would appropriate to work in such fields, which provide efficiency in industry as textile, silk farming, processing, furniture industry, electrical assembly and services.

Nowadays it is strategically important to develop technologic, innovative areas and provision with information in light industry because these measures will lead to the growth of production efficiency of the enterprises and meet the demand for competitiveness. It is considered important to design innovation projects and apply them correctly into practice in that sphere. Effective completion of these innovation projects depends on several factors:

- to deeply, thoroughly and scientifically analyze information about the enterprise;
- to organize events which will serve to accomplish innovative purposes;
- to correctly establish the process which will accomplish innovation activity.

Henceforth, it can be said that it is such an enveloping process that includes accomplishing certain purposes, tangible resource period of their fulfillment, person who carries it out scientific and technologic innovation project in the sphere.

In order to apply the innovation project into practice, it must be scientifically grounded and financially supported. Besides, so as to stand an innovation project, it must meet several demands:

- innovation projects should be worked out thoroughly, which in return must provide high productivity.
- the development and implementation of innovation projects require large investment, which will in turn limit opportunities of accomplishing them in a short period of time.¹⁰⁷

To achieve higher results, the innovation project is very complicated and must fully justify its efficiency. It is important to give thorough attention to a number of sections while forming an innovation project. The projects should depict plans of the enterprise and they should be able to determine necessary potential steps. Innovation projects should include everything regarding advanced technologies and new types of products and services.

¹⁰⁷ M.B.Boltaboev, M.S.Qosimova and others. Small business and entrepreneurship. Tashkent, Noshir, 2011.

Overall, nowadays Uzbekistan's light industry is developing on a large scale. As for the country's natural resources: cotton, silk, wool, raw materials are sufficient enough. Most importantly, to develop this sector, regulatory and legal base has been created by the government. One of the main goals ahead is to prepare highly qualified employees and to create system, which will involve retraining them regularly in light industry sphere. In order to further develop light industry, we should successfully use a new type of business, which is a "family entrepreneurship". In addition, worthwhile results should be achieved through outworkers' labor. Utilizing all the opportunities above mentioned, we can achieve better results in solving unemployment issues through developing light industry.

ЭЛЕКТРОН ТИЖОРАТ ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИНГ АЖРАЛМАС БЎЛАГИ

**ўқ.З.Т. Негматуллоев,
ўқ. Ш.Х. Мавлонов, ГулДУ**

Электрон тижоратни ривожлантириш мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли иқтисодий ислоҳотларнинг ажралмас бўлаги ҳисобланади. Айни пайтда Ўзбекистон Республикасининг "Ахборотлаштириш тўғрисида"ги, "Электрон тўловлар тўғрисида"ги, "Электрон рақамли имзо тўғрисида"ги Қонунлари мазкур йўналишдаги ислоҳотларни амалга оширишнинг муҳим асоси сифатида хизмат қилмоқда. Электрон тижорат соҳасининг бугунги ривожланиш босқичи Президентимиз Ислом Каримовнинг ташаббуси билан 2015 йилда "Электрон тижорат тўғрисида"ги Қонуннинг янги таҳрирда қабул қилиниши билан бевосита боғлиқдир. Қонуннинг қабул қилиниши электрон тижоратнинг технологик ва телекоммуникацион ривожланишига ижобий таъсир кўрсатиш билан бирга маҳаллий хўжалик субъектларининг самарали фаолияти учун қулай шароит яратиш борасидаги тизимли ишларнинг такомиллашувига олиб келди.

Ахборот-коммуникация технологияларининг иқтисодиёт соҳасига кенг жорий этилиши ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчи ўртасида товар ва хизмат кўрсатишдаги алоқаларнинг янги ривожланиш босқичини бошлаб берди. Айни пайтда Ўзбекистонда электрон тижоратни хўжалик технология жараёнларига фаол жорий этиш ва ундан самарали фойдаланиш, мижозларнинг Интернет глобал тармоғи ва мобил алоқа воситалари орқали интерактив хизмат кўрсатишга қаратилган тизимли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Иқтисодий интеграциялашув ва глобаллашув шароитида хўжалик юритувчи субъектлар, хусусан, кичик бизнес вакиллари ва тадбиркорларнинг ўз фаолиятида электрон тўлов ва электрон тижоратни жорий этиши уларнинг рақобатбардошлигини ошириш билан бирга миллий иқтисодиётда юқори иқтисодий кўрсаткичларга эришишлари учун хизмат қилмоқда.

Бу юқорида кўрсатилган муаммоларни ечишнинг аниқ йўли электрон тижоратни замонавий усуллари ва воситаларини ишлатишдир. Эътибор берган бўлсангиз, "Электрон тижорат", "Электрон бизнес", "Электрон савдо" атамаларини охириги вақтларда оммавий ахборот воситаларида тобора кўпроқ учратиш мумкин. Ҳозирги даврда "рақамли иқтисодиёт" усуллари ишлатишнинг потенциал истикболи шубҳага ўрин қолдирмайди ва уларнинг асосини билиш иш жараёнини самарали ташкиллаштиришнинг элементлари бўлиб ҳисобланади.

Давлат ёки хусусий ташкилот ёки фирмаларда, албатта компьютер техникаси, шу қаторда ички компьютер тармоғи, шунингдек одатий алоқа воситалари (оддий ва уяли телефон, факс) ишлатилади, Интернет имкониятларидан фойдаланилади. Кейинги пайтларда "Электрон дўкон", виртуал "Савдо майдонлари", "Интернет консалтинг" кабилар ҳам кўп ишлатилмоқда. Бу мавзунинг ўрганишдан асосий мақсад бозор шароитида электрон тижоратни самарали ишлатиш муаммоларини мажмуавий кўриб чиқишга ҳаракат қилишдир. Асосий урғулар замонавий корхонада эксплуатация воситаларини ва электрон тижорат тизимларини кузатиш бўйича саволларга қўйилган. Ушбу муаммоларнинг ечими ўрта ва кичик корхоналарга қаратилган. Бундай корхоналарга юқорида берилган соҳавий хизматни ташкил

қилишга имкон йўқ, шу сабабли электрон тижорат тизимини киритиш давомидаги бошқарув қарорларини қабул қилиш масаласи кўпинча ахборот технологиялари соҳасида тажрибаси йўқ ҳодимларга қўйилади.

Республикада банк назорати ва бошқарув фаолиятини янада такомиллаштириш, банк тизими эришган натижаларни реал ва ҳар томонлама чуқур таҳлил этишнинг самарали модели, молиявий барқарорлиги, ликвидлигини таъминлаш ва мижозлар ишончини қозониш масалаларига жиддий эътибор берилиши ва асосий кўрсаткичлари динамикасига халқаро экспертлар юқори баҳо бериб келмоқда. Барча тижорат банклари фаолияти “катта учлик”ни ташкил этувчи халқаро рейтинг агентликлари томонидан қатор йиллардан буён «барқарор» даражада баҳоланиб келинмоқда.

Ҳар бир мамлакатнинг иқтисодий-ижтимоий ривожланиш даражаси, ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, электрон тижоратни амалга ошириш механизми ва технологиясини ишлаб чиқиш лозим. Мисол тариқасида турли маҳсулотларга бўлган божхона солиқлари, тўлов воситалари ва турларининг турлилиги, тўловни амалга ошириш механизми, конвертация масаласи, суғурта масалалари келтириш мумкин.

Электрон тижорат асослари номли мавзунинг долзарблиги шундаки, бугунги кунга қадар электрон тижорат соҳаси деярли ривожланмаган. Лойиҳада мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳолатидан келиб чиққан ҳолда омма орасида электрон тижоратни ривожлантириш учун зарур бўладиган техник, ташкилий, меърий-ҳуқуқий, дастурий ва ахборот таъминотларни, зарур маълумотларни излаш технологиясини, маҳсулот ва хизмат учун тўловларни амалга ошириш механизминини яратиш ва амалда қўллаш муаммо сифатида қаралади.

Электрон тижоратни замонавий усулларини ва воситаларини ишлатишдир. Этибор берган бўлсангиз, "Электрон тижорат", "Электрон бизнес", "Электрон савдо" атамаларини охириги вақтларда оммавий ахборот воситаларида тобора кўпроқ учратиш мумкин.

ИННОВАЦИОН ТЕНОЛОГИЯЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИНГ ЎРНИ

ўқ.Норқобилов Н.Н.,ТерДУ

Миллий иқтисодиётнинг юқори даражадаги иқтисодий ўсиши саноатнинг устувор тармоқларини янада ривожлантириш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, ташқи ва ички бозорлардаги талабларга жавоб берадиган рақобатбардош товарларни кўпайтириш ва янгиларини яратиш ҳисобига амалга оширилишини тақозо этади. Шунингдек, ушбу мақсадга эришишда катта миқдорда моддий, молиявий, интеллектуал ресурслар манбаларини излаш, шакллантириш ва тежамли фойдаланиш алоҳида ўринга эга бўлади.

Иқтисодиётни барқарор ривожлантириш, таркибий ўзгаришларнинг узоқ муддатли стратегиясини ишлаб чиқиш ички ва глобал жараёнлар ҳамда муаммоларни ҳисобга олишни тақозо этади. 2017 йилда юртимизда газ ишлаб чиқариш ҳажми 56,5 миллиард куб метрни ташкил этди. Аммо мазкур соҳа йиллар давомида модернизация қилинмагани туфайли йўқотиш миқдори жуда катта 20-23 фоизни ташкил этмоқда.¹⁰⁸ Шу нуқтаи назардан "...иқтисодиётда энергия ва ресурслар сарфини камайтириш, ишлаб чиқаришга энергия тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш, қайта тикланадиган энергия

¹⁰⁸ . Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 22 декабрь 2017 йил.

манбаларидан фойдаланишни кенгайтириш” 2017-2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантириш ҳаракатлар стратегиясининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади.¹⁰⁹

Хусусан, 2017-2021 йилларда ушбу соҳа лойиҳаларга 1,9 млрд доллар миқдорда инвестиция сарфланиши режалаштирилган. Умумий қуввати 500 МВт бўлган қуёш фотоэлектр станцияларни қуриш учун 1,1 млрд доллар, мавжуд 8 нафар ГЭСлар ва 13 та янги кичик ГЭСлар қуриш учун 700 млн доллар миқдорда инвестициялар сарфланади.¹¹⁰

Ривожланган мамлакатлар тажрибаси иқтисодий ўсишнинг устувор йўналишларидан бири тежамкор инновацион технологияларга ўтишнинг самарали эканлигидан далолат беради. Чунки жаҳон молиявий тизимида ва қатор йирик мамлакатлар иқтисодиётида юз берган инқирозларга қарамасдан, инновацион ривожланишга устуворлик бериш кўплаб глобал муаммоларни ҳал этишнинг асосий омили эканлиги исботини топди.

Дунё илмий-техника маконида янги глобал иштирокчиларнинг пайдо бўлиши инновация жараёнларига тобора фаол таъсир кўрсатмоқдаки, халқаро технологиялар алмашинуви, трансмиллий компаниялар, ходимлар ролини кучайтирмоқда. Ушбу нуқтаи назардан ривожланган мамлакатлар иқтисодиёти қуйидаги хусусиятлари билан алоҳида гуруҳ сифатида ажратилади:

- 1) илмий тадқиқотларга асосланган билимларга эга бўлиш, янги технологиялар яратиш ва уларни амалиётга қўллашга эътибор қаратиш;
- 2) фан-техника тараққиёти ютуқларини оммалаштиришни таъминлаб берувчи ахборот инфратузилмасини яратишни жадаллаштириш;
- 3) янги тежамкор технологиялар асосида инновацион жараёнларини ривожлантириш ва ишлаб чиқариш рақобатбардошлигини ошириш;
- 4) янги билимларни мунтазам равишда ўзлаштириш жараёнини йўлга қўйиш ва ҳақозо.

Юқоридагилардан келиб чиқиб инновацион сиёсат ва стратегия қуйидаги тадбирлар амалга оширилиши таъминланиши тавсия этилади:

Илмий технологик инновацияни аниқ асосланган илмий тадқиқотлар асосида яратиш. Таълим олиш ва тадқиқот ўтказиш узлуксизлигини таъминлайдиган барча муассасалар фаолиятини таъминлаш лозим.

Инновацияларни яратиш ва ривожлантириш соҳасидаги сиёсат ва институларни ривожлантириш. Бу соҳада амалга оширилаётган сиёсат долзарблиги сақлаб қолиниши учун амалга оширилаётган стратегия мониторинг, баҳоланиши ва ўрганилиб борилиши лозим. Мазкур стратегиялар доирасида мамлакатдаги корхоналар, олий ўқув юртлари, илмий-тадқиқот институтлари, давлат ва фуқаролик жамияти ташкилотлари кенг иштирок этишини аниқ белгиланган мақсад бўлганда инновацион жараёнларга фойда беради. Мустақил ва демократик шартлар асосида бошқарув ва молиялаштириш бу соҳада фаолият юритаётган ташкилотлар фаолиятини ривожлантириши мумкин. Бу нафақат молиявий маблағлар самарадорлиги балким мазкур ташкилотлар ишончининг ортиши, натижасида ҳамкорлик асосида ривожланиши ва рақобатбардошлиги ошишига хизмат қилади.

Ишлаб чиқарувчи ва илмий марказлари ўртасидаги мавжуд алоқаларни кенгайтириш ва янгиларини яратиш. Илмий тадқиқот фаолиятларининг глобаллашуви миллий ғоялардан фойдаланишни чеклаши мумкин шу боис миллий ва хорижий илмий ғоялар мутаносиблигини таъминламоқ лозим.

Шундай қилиб, инновацион иқтисодиёт корхонанинг амалиётида доимий илмий ишланмалар, янги концепциялар, ғоя ва ихтироларни ва ундан фойдаланишга қобилияти ва унга интилиши демакдир.

МАМЛАКАТИМИЗДА МЕВА-САБЗАВОТ МАҲСУЛОТЛАРИ ЕТИШТИРИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ

¹⁰⁹ .Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги 2017 йил 7 февраль, ПФ-4947-сон фармон [htt.www.lex.uz](http://WWW.LEX.UZ).

¹¹⁰ .Махмудов Р. Нормативная энергетика. Экономическое обозрение, №5, 2017.с.28.

Миллий иқтисодиётни модернизациялаш шароитида мева-узум маҳсулотлари бозорини барқарор ривожлантириш, иқтисодий самарадорлигини оширишга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш ҳозирги пайтнинг долзарб масалаларидан биридир. Шу мақсадда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи 38 та корхона билан 286,9 минг тонна мева, узум, сабзавот, полиз маҳсулотлари етказиб бериш юзасидан фермер хўжаликлари ва агрофирмалар ўртасида шартномалар тўзилиб, 10,1 миллиард сўм бўнак пуллари олдиндан берилди.

“Ўзвиртисаноат-холдинг” ассоциациясининг шу тармоғини ривожланишдаги белгиланган дастур режасида маҳсулотлари мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича 13 инвестиция лойиҳа, ҳамда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича 8 лойиҳа белгиланган. Бу эса ўз вақтида 40 млн. АҚШ доллари миқдорида йиллик маҳсулот экспортини оширади. Белгиланган лойиҳаларни амалга оширишдаги инвестиция ҳажми бошланғич баҳолавида 550-600 млн АҚШ долларини ташкил этади. Ушбу лойиҳалар конатурал-концентратли сокларни, томат пасталарини қадоқлаш, идиш ва идишларни қадоқлайдиган материаллар, қуритилган ва музлатилган мева-сабзавотлар ва узумларни ишлаб чиқариш учун илғор технологик ускуналарини сотиб олишга қаратилган.

Мамлакат қишлоқ хўжалиги интенсификациялаштиришни самарадорлигини оширишда иқтисодиётда рентабеллик барқарорлигини давлат томонидан тартибга солишда унинг ривожланишини таъминлаш ва жаҳон хўжалигига интеграциялашувини мустаҳкамлашда миллий иқтисодиётимизга ички ва хорижий инвестициялар қўламини кенгайтириш ва улардан оқилона фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун ҳукуратимиз томонидан ички ва чет эл инвестициялари учун мамлакатимизда барча шарт- шароитлар яратиб берилмоқда. Юртимиздаги сиёсий, иқтисодий ва молиявий барқарорлик ҳар қандай сармоянинг асосий гарови ва шартидир.

Юқорида келтирилган маълумотлар, мустақиллик йилларида республикада сабзавотчилик, боғдорчилик ва узумчилик барқарор ривожланганлигини кўрсатади. Бу даврда сабзавотчилик майдони 3,2 минг гектар ёки 2,2 фоиз, кўп йиллик мевазорлар майдони 5,3 минг гектар ёки 3,8 фоизга қисқарган, узумзор майдони 18,9 минг гектарга камайганлигига қарамай, боғдорчиликда ўртача ҳосилдорлик 2000 йилда 47,1 ц/га.дан 2015 йилда 114,4 ц/га.ни ташкил этди, натижада, ялпи ҳосил 1542,9 минг тоннага етказилиб, 2,3 баробарга ўсиш таъминланди. Таҳлил этилаётган давр мобайнида узумчиликда ялпи ҳосил атиги 54,4 фоизга ортган, холос. Айрим йилларда мевазор ва узумзорларнинг ўртача ҳосилдорлигидаги жиддий фарқлар асосан табиий-иқлим шароитлари билан боғлиқ. Хусусан, энг ноқулай келган 2005 ва 2006 йилларда мевали дарахтлар ва ток айни гуллаган пайтда совук тушиши, дўл уриши ва жала ёғиши ҳисобига ялпи ҳосил камайган.

2017 йилда жон бошига истеъмол қилинган сабзавот миқдори Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги белгилаган меъёрдан 2,2 кг. кам ёки 98,6 фоизга тенг бўлди. 2017 йилда жон бошига истеъмол қилинган мева ва резаворлар Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги меъёридан 60,9 кг. кам ёки 38,5 фоизни ташкил этди. Узум етиштириш ҳажми, майиз истеъмоли меъёрини ҳисобга олмаган ҳолда, узум кўринишидаги истеъмолни таъминлайди. Қуритилган мева истеъмолининг йиллик меъёри Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан 7,8 кг қилиб белгиланган. Ўзбекистон шароитида 2017 йил кўрсаткичлари бўйича узум истеъмоли аҳоли жон бошига 20,6 кг, мева истеъмоли эса ўртача 38,6 кг. га тенг бўлди.

2-жадвал

Мева-сабзавотчиликни ривожлантириш бўйича 2017 йилга амалга оширилган лойиҳалар

№	Турлари	Лойиҳалар сони	Лойиҳаларни амалга ошириш (га)	Жами талаб этиладиган маблағ, млн.сўм	шундан, кредит маблағлар, млн.сўм	Янги иш ўринлар сони
1	Интенсив боғлар	2365	9816	248517	28371	5704
3	Янги токзорлар	2015	9880	94217	4430	8219
4	Боғ реконструкция	2660	12255	43658	2451	
5	Ток реконструкция	1165	7462	23475	1070	
6	Иссиқхоналар (фермер хўжаликларида)	558	297	88835	32703	2199
7	Иссиқхоналар (аҳоли томорқаларида)	10025	154	27208	2536	7053
8	Мўзлаткичли омборхона	181	102770	146224	72753	711
9	Қайта ишлаш ташкил этиш	247	318048	235563	142873	2666
Жами		19216		907697	287187	26552

Манба: Ўзбекистон Республикаси давлат Статистика Қўмитаси маълумотлари асосида

Боғдорчилик ва узумчиликнинг ривожланиши тўғрисидаги маълумотлар аҳоли жон бошига етиштирилган маҳсулотлар ҳажмидан келиб чиқади. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, 2017 йилда 2015 йилга нисбатан аҳоли жон бошига мева етиштириш 18,6 фоизга, сабзавот-14,4 фоизга ошган, узум бўйича эса, аксинча, 11,2 фоизга камайган. Ушбу маълумотлар республикамизда таққосланаётган йилларда аҳолининг умумий сони ўсиши давом этганлиги билан изоҳланади.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда қуйидагиларни хулоса қилиш мумкин, республикамизда юқори сифатли ва рақобатбардош мева-узум маҳсулотлари етиштириш ҳажмини кўпайтириш ҳисобига ташқи савдони кенгайтириш учун катта имкониятлар мавжуд. Бунинг учун хомашё тайёрлашдан бошлаб, то тайёр маҳсулотни халқаро савдода сотишдан олинadиган валюта тушумини конвертациялашгача бўлган барча ишлар мажмуини такомиллаштириш зарур.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ЕТИШТИРИШДА ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ЖАЛБ ЭТИШ

Облоқулов А.О. ўқитувчи
Эргашев Ғ. магистрант. ТошДАУ

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда инновациявий жараённи самарали бошқаришни ташкил этишнинг иккита йўналиши мавжуд:

➤ инновациявий лойиҳа барча босқичларини ягона узлуксиз жараёнга бирлаштириш, бошқарувнинг барча поғоналари тузилмасини ўзгартириш ва улар ўртасидаги алоқаларни вертикал ва горизонтал мувофиқлаштириш. Бундай марказга интилган тенденциялар, йирик миқёсдаги вазифани бажариш учун корхона ресурсларини жамлаш лозим бўлганда пайдо бўлади;

➤ инновациявий жараёнлар бошқарувини бошқаришнинг мустақил объектига ажратиш, яъни инновациявий тузилмаларни анъанавий функцияларни бажарувчи бўлинмалардан ажратиш.

Амалиётда, биронтасига устунлик берилган ҳолда, ҳар иккала ёндашув ҳам қўлланилади. Бунда йирик илғор чет эл компаниялари, бозордаги ўзгаришларига жавобан, мавжуд ресурсларни қайта гуруҳлаш мақсадида ўз илмий-ишлаб чиқариш мажмуасини қайта ташкил этилишини амалга оширадilar. Инновациявий жараёни амалга ошириш учун корхона ташкилий тузилмасини оптималлаштириш, юқори раҳбариятнинг муҳим вазибаларидан бири ҳисобланади.

Корхона доирасида, ўз самарадорлигини исботлаган, инновациявий жараёни бошқаришнинг бир қатор ташкилий шакллари мумкин бўлади:

➤ техник сиёсатни ишлаб чиқиш бўйича кенгашлар, қўмиталар, ишчи гуруҳлар. Улар инновациявий жараёнинг стратегик йўналишлари бўйича корхона раҳбарияти учун таклифларни тайёрлайди;

➤ инновациявий фаолиятни мувофиқлаштирувчи, техник ривожланиш мақсади ва йўналишларини ўзаро келиштирадиган, янги маҳсулотни ишлаб чиқиш ва жорий этиш жараёнини назорат қиладиган, янги маҳсулотлар ривожланишининг бўлинмалари ва марказий хизматлари;

➤ янги маҳсулот ғоясидан оммавий ишлаб чиқаришгача бўлган илмий тадқиқотлар ва ишланмаларни амалга оширадиган лойиҳа мақсадли гуруҳлари. Улар мустақил бўлинма сифатида ташкил этилади ва юқори раҳбариятга бўйсунди. Одатда, бундай гуруҳлар иши вақтинчалик характерга эга, аммо доимий фаолият юритувчи гуруҳлар ҳам мавжуд. Инновациялар муваффақиятли жорий этилганда, бундай гуруҳлар янги шуъба корхонасига асос бўлади. Чет эл тажрибасининг кўрсатишича айнан лойиҳа мақсадли гуруҳлари инновациявий жараёни ташкил этишнинг асосий шакли бўлиб хизмат қилади;

➤ илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларини бажарувчи бўлимлар - янги маҳсулот яратувчи анъанавий бўлинмалар. Сўнги вақтда, янги истиқболли ғояларни ишлаб чиқиш ва уларни ўзлаштириш босқичигача олиб келиш ҳисобига уларнинг роли анча ошди;


➤ ривожланиш марказлари, уларнинг асосий вазибаси сотувлар ҳажмини ошириш йўли билан бозорни эгаллаш. Бундай бўлинмалар хўжалик фаолияти мустақил амалга оширилади. Уларнинг ходимларини моддий рағбатлантириш эса, бозордаги муваффақиятларга боғлиқ;

➤ йирик корпорацияларнинг шуъба корхоналари ёки мустақил корхоналар сифатида фаолият юритувчи венчур тузилмалар. Улар юқори тижорат таваккалчилиги билан боғлиқ бўлган илмий-техник ғояларни ишлаб чиқади ва жорий этади;

➤ инновациялар жорий этишни рағбатлантириш учун даромаддан ташкил топган, маҳсус инновациявий жамғармалар. Кўпгина ҳолларда бундай жамғармалар венчур жамғармалар ролини ўйнайди, яъни уларнинг маблағлари корхона манфаатдор бўлган венчур компанияпарига инвестиция қилинади;

➤ ўз таркибига функционал бўлинмаларнинг бошқарувчилари, тадқиқотчилари ва ходимларини олган, таҳлилий гуруҳлар. Улар технологиялар ривожланишининг прогнози, тадқиқотлар мавзуларининг таҳлили, истиқболли ғоялар ва бошқа ишлар билан шуғулланади.

Инновацион лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва қўллаб-қуватлаш тизими 1-чизмада келтирилган.



1-чизма. Инновацион лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва қўллаб-қувватлаш тизими

ИШЛАБ ЧИҚАРИШДА ИННОВАЦИЯВИЙ ЛОЙИҲАЛАРНИ РЕЖАЛАШТИРИШ

Ортиқов Ш.М. - ТерДУ ўқитувчиси

Корхонада рўй бераётган инновациявий жараёнларнинг самарадорлиги, инновациявий стратегияни шакллантиришда қўлланиладиган усул ва услубларга, инновациявий маҳсулот категориясига, ишлаб чиқиладиган инновациялар турларига, илмий-тадқиқот ишлари натижаларининг ишлаб чиқаришда қўлланилишига боғлиқ бўлади.

Лойиҳаларни бошқаришнинг муҳим таркибий қисмлари сифатида молиявий стратегияни ишлаб чиқиш, молиялаштириш манбалари ёки инвесторларни излаш, молиявий маблағларни бошқаришни таъкидлаб ўтиш жоиз.

Мамлакатимиз Президенти Ш.Мирзиёев 2018 йилни Фаол тадбиркорлик. Инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили, деб ном беришни таклиф этаркан, “Фаол тадбиркорлик бизнес фаолиятини инновацион, яъни замонавий ёндошувлар, илғор технология ва бошқарув усуллари асосида ташкил этадиган иқтисодий йўналишдир” деб таъкидлади¹¹¹.

Инновацияларни молиялаштиришнинг асосий вазифалари сифатида қуйидагиларни келтириб ўтиш мумкин:

- техник инновацияларни тез ва самарали жорий этиш зарур бўлган шароитларни яратиш;
- илмий-техник салоҳиятни сақлаш ва ривожлантириш;

¹¹¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси 22 декабрь 2017 йил Тошкент – “Ўзбекистон” 2018

- илм ва техниканинг кадр салоҳиятини сақлаб қолиш учун зарурий моддий шароитларни яратиш, кадрларни четга чиқиб кетишини олдини олиш;
- инновациялар сони ва самарадорлигини ошириш, бунинг ҳисобига инсонлар турмуш тарзини яхшилаш.

Ҳозирги кунда инновациявий фаолиятга инвестициялаш учун фойдаланиладиган асосий молиялаштириш манбалари қуйидагилар:

1. Шахсий маблағлар ҳисобига ташкил топган молиявий ресурслар:
2. Бюджет ажратмалари:
3. Қайта тақсимот бўйича келиб тушувчи молиявий маблағлар:
4. Кредит ташкилотлари ёки ташқи инвесторлар маблағлари:

Инновациявий лойиҳаларга, шахсий ва бюджет маблағларидан ташқари, инвестиция киритишнинг қуйидаги манбалари кенг тарқалган:

- тижорат инвестициявий банклари;
- инвестициявий ва венчур жамғармалари;
- инновациявий жамғармалар;
- илмий тадқиқотлар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш бўйича халқаро дастурлар;
- халқаро хайрия жамғармалари.

Аммо, инновациявий лойиҳани молиялаштириш манбаси қандай бўлмасин, у билан ишлаш лойиҳа бизнес-режасини таҳлил этишдан бошланади.

Умумий тарзда олганда, бизнес-режа – бу янги бизнесни яратиш ёки мавжуд бизнесни ривожлантириш режасидир. Бизнес-режада хўжалик фаолиятининг предмети, асосий мақсадлари, стратегияси ва йўналиши ифодаланган; нарх сиёсати, бозор сиғими ва тузилмаси, етказиб бериш, ташиш, товарларни қайта ишлаш ва суғурталаш шароитлари аниқланган; корхона даромади ва харажатларига таъсир этувчи омиллар ўрганилган бўлиши керак.

Бозор иқтисодиёти шароитида ишлаб чиқаришни режали бошқариш - бизнес ва стратегик режасини тузиш - иқтисодий сиёсатларни амалга оширишнинг муҳим шартидир. Бу тамойил ишлаб чиқариш ривожланишининг узоқ муддатга мўлжалланган йўналишлари, суръатлари ва нисбатларини белгилашни ифодалайди.

Режалаштириш ёки режани ишлаб чиқишга киришишдан олдин иқтисодий таҳлил ўтказиш муҳим бўлиб, унинг асосий вазифалари қуйидагилар ҳисобланади:

- ◆ режани бажариш, ишлаб чиқариш динамикаси ва маҳсулотни сотиш даражаси;
- ◆ ушбу кўрсаткичлар ўзгаришига омилларнинг таъсирини аниқлаш;
- ◆ маҳсулот чиқариш ва сотишни кўпайтириш учун ички ишлаб чиқариш заҳираларини аниқлаш;
- ◆ аниқланган заҳиралардан фойдаланиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш.

Режалаштириш ва заҳиралар ёки фойдаланилмаган имкониятларни аниқлаш билан одатда корхонанинг иқтисодий хизматлари шуғулланадиган бўлса, ишлаб чиқариш заҳираларидан фойдаланишга техник, технологик ва бошқа бўлим ва хизматлар жалб қилиниши мумкин. Бошқача қилиб айтганда корхонанинг самарали фаолият кўрсатиши ва унинг иқтисодий барқарорлигини таъминлаш бутун корхона жамоасининг вазифасидир.

Мавзунини ўрганиш натижасида қуйидагиларни таклиф этаман.

Биринчидан, инновацион лойиҳаларни молиялаштиришнинг нобюджет манбаларини ўрганиш ва топиш;

Иккинчидан, йирик саноат корхоналари қошида инновацион лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва режалаштириш институтларини ташкил этиш;

Учинчидан, асосий фондлардан фойдаланишда ташкил топаётган амортизация фондларидан фойдаланишнинг минимал ва максимал муддатларини аниқ белгилаб олиш;

Тўртинчидан, инновацион инвестициялаштиришнинг ташкилий-ҳуқуқий ва иқтисодий механизмларини такомиллаштириш лозим.

МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТ БАРҚАРОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

С.Ю.Пулатова. ТерДУ ўқитувчиси

Бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар миллий иқтисодиётимиз барқарорлигини таъминлашга қаратилмоқда. Мамлакатимиз иқтисодиётини юксалтириш, замонавий техника ва технологиялар билан жихозланган янги корхоналарни барпо этиш ва реконструкция қилиш учун хорижий инвестицияларни жалб қилиш муҳим аҳамиятга эга. Бу авваломбор аҳоли бандлиги, унинг иш ҳақи ва даромадларини ошириш каби энг муҳим ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш имкониятини беради. Шу боисдан ҳам, мамлакатимизга хорижий инвестициялар жалб этаётган корхоналарни иқтисодий рабатлантириш ва улар учун зарур шароитларни яратиб бериш ўта муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

Кейинги йилларда Ўзбекистон иқтисодиётига киритилаётган хорижий инвестициялар ҳажмининг изчил ва барқарор ўсиб бораётгани эътиборга сазовордир. Буни биз қуйидаги жадвал орқали кўришимиз мумкин:

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётига жалб этилган хорижий инвестицияларнинг динамикаси

Кўрсаткичлар	Йиллар							
	2010	2011	2012	2013	2014	2015	2016	
Асосий капиталга йўналтирилган инвестицияларнинг умумий ҳажми (млрд. доллар)	9.7	10.8	11.7	13.0	14.6	15.8	17.3	
Жами инвестициялар таркибида хорижий инвестициялар улуши, фоиз ҳисобида	28.8	23.5	22.0	23.07	21.2	21.5	23.6	

Жадвал маълумотларидан шуни кўришимиз мумкинки, асосий капиталга йўналтирилган инвестициялар 2010 йилда 9,7 млрд. АҚШ долларини ташкил этган бўлса, 2016 йилда 17,3 млрд. АҚШ долларини ташкил этди яъни асосий капиталга йўналтирилган инвестициялар 2010 йилда 28,8 фоизни хорижий инвестициялар ташкил қилган бўлиб, 2016 йилда жами инвестицияларнинг 23,6 фоизини ташкил этган. Бундан кўриниб турибдики, юртбошимиз томонидан олиб борилаётган пухта ўйланган оқилона иқтисодий сиёсат ва хорижий инвесторларни жалб қилиш учун яратилган қулай инвестиция муҳити ҳисобланади.

Мамлакатимиз иқтисодиётига хорижий инвестицияларнинг жалб этилиши унинг иқтисодий имкониятларининг кенгайишини тезлаштириб, барча соҳаларда ички имконият ва резервларни ишга солиш, янги техника ва технологияни, экспортбоп товарларни ўзлаштириш уларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш орқали давлатимиз иқтисодий қудратини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Миллий иқтисодиётни барқарор ривожлантиришда хорижий инвестицияларнинг аҳамияти қуйидагилар билан изоҳланади:

- хорижий инвестициялар ишлаб чиқаришга замонавий техника ва технологияларни жорий этиб, экспортга мўлжалланган маҳсулотларни ишлаб чиқаришни ривожлантиради;

- импорт ўрнини босувчи товар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, шунингдек, хорижий инвестицияларни иқтисодиётнинг устувор соҳаларига йўналтириш орқали аҳолининг меъёрадаги турмуш даражасини таъминлаш имконини яратади;

- кичик бизнесни ривожлантириш ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришни кенгайтириш орқали ўсиб бораётган аҳолини иш жойлари билан таъминлайди;
- корхоналарнинг эскирган ишлаб чиқариш қувватларини, моддий-техник базасини янгилайди ва техник қуроолантиради.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистонда инвестицион муҳитни такомиллаштириш, хорижий капитални жалб қилиш учун қулай макроиқтисодий сиёсатни олиб бориш муҳим ҳисобланади ва бу борада қуйидаги вазифаларни амалга оширишни мақсадга муфовикдир: инфляция даражасини инвестицион лойиҳалар қиймат ўсишига таъсирини камайтириш, шунингдек, хорижий инвестициялар ҳажмини янада кўпайтириш; инвестицияларни хомашёни қайта ишловчи тармоқларга жалб этиш; чет эл инвесторларига янада қулай инвестиция муҳитини яратиш мақсадида рағбатлантириш тизимини янада такомиллаштириш, хусусан, солиқ юқини камайтириш ва солиқ тизимини инвесторлар учун ҳам соддалаштириш; хорижий иқтисодий субъектлар билан ўзаро манфаатли лойиҳаларни амалга ошириш тизимини такомиллаштириш ва улар билан эркин инвестицион иқтисодий зоналарни ташкил этиш ва х.к.з. Умуман олганда, бу омиллар мамлакат иқтисодиётини барқарор ривожланишида муҳим ўрин эгаллаши мумкин.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ИННОВАЦИОН ЁНДАШУВ

Ўқ.К.У.Раҳматов, Ш.Самижонов, ГулДУ

Қишлоқ хўжалиги ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эга бўлиб, унда инсонларнинг ҳаёт фаолияти ва ишчи кучини такрор ишлаб чиқаришларининг асоси бўлган истемол маҳсулотлари ҳамда бошқа тармоқлар учун хом-ашё ишлаб чиқарилади. Қишлоқ хўжалигининг ривожланиши мамлакатнинг иқтисодий хавфсизлигига таъсир этади. Ўтган йиллар мобайнида қишлоқ хўжалигида олиб борилган иқтисодий ислоҳотлар ва таркибий ўзгаришлар бўйича тизимли ишларга қарамай, соҳада максимал фойдаланиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сифати, экспорт салоҳиятини ошириш ва валюта тушумларини кўпайтириш бугуннинг долзарб вазифасига айланмоқда. Қишлоқ хўжалигида маҳсулот ишлаб чиқаришни жаҳон андозаларига етказиш ва сифат жиҳатдан яхшилаш, модернизациялаш ва диверсификациялаш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг экспорт салоҳиятини ошириш ва хомашё сотишдан тайёр рақотбардош маҳсулотларга ўтиш аграр ислоҳотларнинг асосий йўналиши бўлиб қолмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек¹¹²: “Қишлоқ хўжалиги ҳақида сўз борар экан, бугунги кундаги энг муҳим вазифамиз – **одамларни кўпроқ даромад топишга ва шу асосда яхши яшашга ўргатиш**, бунинг учун зарур шароитлар яратиб беришдан иборатдир ...”. Бундан келиб чиққан ҳолда, бугунги кундаги асосий вазифаларимиздан бири ердан самарали фойдаланган ҳолда, маҳсулот етиштиришни бозор талаблари доирасида юритишни ташкил этиш ҳамда мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиб, ерларнинг унумдорлигини ошириш, мелиоратив ҳолатини яхшилаш билан бир қаторда меҳнатни ташкил этиш шакллари ва усулларини қўллаган ҳолда даромадни оширишга эришишдир.

Мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, модернизациялаш ва интенсивлаштириш, деҳқон фермер хўжаликларини рағбатлантириш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирлар аграр секторда сифат ўзгаришларини таъминламоқда. Пахта, ғалла, полиз ва сабзавот маҳсулотлари етиштиришда юқори натижаларга эришилмоқда. Бироқ қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ва сотишдаги ривожланган хорижий мамлакатлар тажрибаси билан солиштирганда ёки экспорт қилинаётган маҳсулотлар ҳажмида ҳали ҳам хомашёнинг улуши юқорилиги ҳамда фермер хўжаликлари таркибида қайта ишловчи кичик корхоналар салмоғининг озлиги муайян камчиликлар борлигидан далолат беради. Ушбу масалада Президентимиз Ш.М.Мирзиёев

¹¹² Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Халқ депутатлари Хоразм вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги нутқи. www.kun.uz.

мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаларида аграр соҳадаги камчиликларга жиддий эътибор қаратиб, уларнинг энг асосийлари сифатида, ер майдонларини оптималлаштиришдаги, фермер хўжалиklarининг етарлича айланма мабалағлар, зарур техника ва бошқа моддий-техника ресурсларига эга эмаслиги ва соҳада ишларнинг етарли даражада ташкил этилмаганлигини алоҳида кўрсатиб ўтди ва қуйидаги стратегик муҳим вазифаларни амалга ошириш шартлигини белгилаб қўйди:

- экин майдонлари ва экинлар таркибини оптималлаштириш, илғор агротехнологияларни жорий этиш ва ҳосилдорликни ошириш, мева-сабзавот ва узум етиштиришни кўпайтириш;

- фермер хўжалиklarининг молиявий-иқтисодий ҳолатини мустаҳкамлаш ва минерал ўғитлар, ёқилғи мойлаш материаллари ва уруғлик нархининг ўсиши билан пахта хомашёси ва ғаллани харид қилиш нархлари ўртасидаги фаркни мувофиқлаштириш;

- ўтган йилларда Молия вазирлиги ва унинг ҳузуридаги Жамғарма шакллантирилган, агротехника тадбирларини молиялаштиришда ижобий натижа бермаётган ва мутлақо чала тизимга барҳам бериш¹¹³.

Ушбу стратегик вазифаларни амалга ошириш республикамизда аграр соҳани таркибий жиҳатдан қайта қуриш ва ривожлантиришда ер-сув ресурсларидан оқилона фойдаланишни самарали ташкил қилиш, фермер хўжалиklarини барқарорлаштиришнинг устувор йўналиши ҳисобланади. Қишлоқ хўжалигининг ривожланиши мамлакатнинг иқтисодий хавфсизлигига таъсир этади. Агросаноат мажмуаси ривожлантириш давлатнинг ижтимоий-иқтисодий сиёсатни амалга оширишида устувор йўналишлардан бири ҳисобланади. Агросаноат мажмуасини ривожлантириш масаласини таҳлил этиш учун биринчи навбатда озик-овқат хавфсизлиги, қишлоқ жойларда бандлик даражаси, қишлоқ хўжалигида банд бўлганларнинг даромадларини ошириш масалаларини ўрганиш зарур. Агросаноат мажмуаси ривожлантириш учун ривожланган қишлоқ хўжалиги бозорларини шакллантириш, мамлакатни озик-овқат маҳсулотлари билан ишончли тامينлаш, агросаноат ишлаб чиқаришини ривожлантириш ва ресурс потенциалини сақлаб туришга йўналтирилган аграр сиёсат олиб бориш керак бўлади. Аграр сиёсатни амалга оширишнинг стратегик вазифалари бўлиб иқтисодиёт бўйича самарали рақобатбардош агросаноат ишлаб чиқаришини шакллантириш, ижтимоий соҳа бўйича қишлоқ аҳолиси турмуш даражасини ошириш ва қишлоқ жойларда ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, экология борасида эса экологик тоза истеъмол маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва агросаноатнинг технологик даражасини ошириш ҳамда ресурсларни тежовчи технологияларни жорий этиш орқали табиий ресурсларни сақлаб қолиш ҳисобланади. Шу боис мазкур мақолада мамлакатимиз иқтисодиётининг асосий тармоқларидан бири бўлган қишлоқ хўжалигини инновацион асосда ривожлантиришнинг долзарб вазифалари баён қилинган бўлиб, яқин истиқболда қишлоқ хўжалигини янада тараққий эттиришнинг устувор вазифа ва йўналишлари кўрсатиб берилган.

Келажакда мамлакат иқтисодиётини юксалтириш учун қишлоқ хўжалигини ривожлантириш объектив зарурат ҳисобланади. Ҳуқуқий ҳамда меъёрий ҳужжатларга асосланган ҳолда қишлоқ хўжалигида:

- ер ислоҳоти амалга оширилмоқда. Бунда ерга нисбатан умуммиллий бойлик деб қаралмоқда, яъни давлат мулкчилиги сақланган ҳолда юридик ва жисмоний шахсларга ердан фойдаланиш ҳуқуқи берилмоқда;

¹¹³ Мирзиёев Ш.М. “Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси. // Халқ сўзи газетаси 2017 йил. 16 январь №5.

- мулк ислохотини амалга оширишга катта эътибор берилмоқда. Натижада тармоқда нодавлат мулкчилик шаклларида жамоа, хусусий, шахсий ҳамда аралаш мулкчилик турлари босқичма-босқич барпо этилиб, ривожлантирилмоқда;

- шаклан ва мазмунан афзал туб молия, кредит, солиқ ва баҳо ҳамда ташкилий-таркибий ислохотлар амалга оширилмоқда.

Амалга оширилаётган аграр-иқтисодий ислохотлар натижасида мамлакат қишлоқ хўжалигининг маълум даражада ривожланиши таъминланмоқда. Лекин бу жараён ҳам бозор иқтисодиёти талабларига тўлиқ жавоб бера олмайди. Шунинг учун ҳам келажакда барча йўналишлар бўйича иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш зарур. Асосий эътибор қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг ривожланишини таъминлайдиган шахсий ва хусусий ҳамда аралаш мулкчилик турларини ривожлантиришга, солиқ, молия-кредит ва баҳо ислохотларини такомиллаштиришга қаратилиши мақсадга мувофиқдир. Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда, унинг самарадорлигини юксалтиришда моддий-техника ресурсларининг, фан-техника тараққиётининг ҳамда илғор инновация технологияларининг аҳамияти беқиёс. Уларсиз қишлоқ хўжалигида кўзланган натижага эришиб бўлмайди.

Экин майдонларининг оптималлаштирилиши ва замонавий агротехнологияларнинг жорий этилиши натижасида 2020 йилда бошоқли дон етиштиришни 16,4 фоизга ошириб, унинг ҳажмини 8 млн 500 минг тоннага етказиш, картошка етиштиришни 35 фоизга, сабзавотни 30 фоизга, мева ва узумни 21,5 фоиз, гўшт етиштиришни 26,2 фоизга, сутни 47,3 фоиз, тухумни

74,5 фоизга кўпайтириш, балиқ етиштиришни 2,5 мартага ошириш кўзда тутилмоқда. Тармоқда моддий-техника ресурсларидан фойдаланишнинг ҳозирги даражаси, самарадорлиги талабга тўлиқ жавоб бермайди. Чунки улар ўртасидаги мутаносибликка ҳозирча эришилгани йўқ.

Хўжаликларнинг улар билан таъминланганлик даражаси пастрок, техника ресурсларининг ишга яроқлилиги ҳам талаб даражасида эмас, бундай воситаларга эркин баҳоларнинг ўсиш даражаси юқори. Илғор, самарали инновация технологиялари қишлоқ хўжалигининг ҳамма соҳаларида барча омилларни эътиборга олган ҳолда жорий этилиши лозим. Моддий-техника ресурслари, фан-техника тараққиёти маҳсули бўлган воситалар ҳамда илғор технологиялар бозорини ривожлантириш зарур. Яна бир долзарб ва узоқни кўзланган масала - 2020- йилгача пахта хом-ашёсини етиштириш ва уни давлат томонидан харид қилиш ҳажмини 3 млн 350 минг тоннадан 3 млн тоннага босқичма-босқич қисқартиришдир. Ҳисоб-китоблар шуни кўрсатмоқдаки, шундай ҳажмдаги етиштириладиган пахта ҳосили, бир томондан, хом-ашёни ўзимизда чуқур ишлашни инобатга оладиган бўлсак, аввало, тўқимачилик ва енгил саноатнинг ана шу хом ашёга бўлган эҳтиёжини нафақат тўла таъминлайди, балки Ўзбекистоннинг жаҳон бозорига пахта толаси ва ундан тайёрланадиган маҳсулотлар етказиб берадиган мамлакат сифатидаги мустаҳкам мавқеини сақлаб қолиш имконини беради.

Бундай кенг кўламли чора –тадбирларнинг амалга оширилиши қишлоқ хўжалигини инновацион асосда тараққий эттиришни ва ривожланган мамлакатларнинг тажрибасидан унумли фойдаланишни тақозо этади.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ КОРХОНАЛАРИ ВА ИНФРАТУЗИЛМА ТАРМОҚЛАРИ ЎРТАСИДАГИ АЛОҚАЛАРНИНГ ИҚТИСОДИЙ ЖИХАТЛАРИ

ўқ.Саймуратова И., ГулДУ

Бозор муносабатларининг ҳозирги босқичида, аввало, барча мавжуд маданий-маиший хизмат кўрсатиш корхоналари инсоннинг ўй-фикрлари, фаолияти, унга фаровон ҳаётни инъом этишга бўйсундирилган бўлмоғи лозим. Қишлоқда хизмат кўрсатиш маданиятига алоҳида эътибор бериш тақозо этилади. Биринчидан, қишлоқда ижтимоий инфратузилма ва унинг ажралмас қисми – хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш орқали аҳолининг турли

хизматларга бўлган эҳтиёжи қондирилса, иккинчидан, ортикча меҳнат ресурсларини иш билан таъминлаш муаммоси ҳал қилинишига ёрдам беради. Бундан ташқари, шу соҳада банд аҳоли даромадлари ҳамда давлат хазинаси маблағларининг шаклланиш даражаси ортади.

Бугун ривожланган мамлакатлар, жумладан, Хитой тажрибаси шуни кўрсатаптики, аҳолининг 80 %дан кўпроғини деҳқонлар ташкил қиладиган Хитойдек катта давлатда халқнинг қорнини тўқ, устини бут қилиш анча меҳнат талаб қилади. Шунинг учун ҳам, дастлаб ерлар ҳар бир оилага унинг жон сони ёки ишчи кучига қараб берилди. Деҳқончилик солиғи сифатида давлатга маълум миқдорда маҳсулот топширилгандан ташқари, давлат у белгилаган баҳо бўйича муайян миқдорда деҳқончилик маҳсулотини сотиб олиш вазифасини ҳам белгилади, қолган маҳсулотни истаган ерда, истаган субъектга, истаган нархда сотиш деҳқоннинг ихтиёрида қолдирилди.

Кейинчалик сотиб бериш масаласини шартнома бўйича давлат билан деҳқон келишади. Умуман олганда, давлатнинг сотиб олиш баҳоси шу вақтдаги бозор баҳосидан паст бўлмади. қарийб ўн беш йиллик ислохотлар жараёнида дон нархи 1,5 марта, мойли экинлар хомашёси нархи 8,0 марта, пахтанинг нархи 1,7 марта, гўштники 3,8 мартага ошди.

Ўзбекистон илғор мамлакатлар қаторига кириши учун ишлаб чиқариш, хусусан, қшлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг инфратузилмасини замонавий саноат асосига қуриб, қайта ишлаш саноатини шакллантириши лозим. Қишлоқда саноатлашган меҳнат кўринишига ўтиб, фақат деҳқончилик билан боғланиб қолмаслик, қишлоқ ижтимоий-сиёсий ривожланишининг муҳим шарти эканлиги англаб етилмоқда, меҳнат соҳаларига, қишлоқ ижтимоий муаммоларини ҳал этишга нисбатан янгича қарашлар шакллана бошлади.

Бозор муносабатлари шаҳар ва қишлоқлар ўртасидаги миграция жараёнига ҳам таъсир кўрсатади, чунки қишлоқда хизмат кўрсатиш соҳасининг кам ривожланганлиги кўпгина кишиларни, хусусан, ёшларни иш ахтариб шаҳарга келиши ёки ишлаб қолишларига сабаб бўлиши мумкин. Иш билан таъминлаш соҳасида шаҳар маълум устунликка эга, яъни имкониятлари кўпроқ.

Ҳозирги бозор шароитида кичик корхоналар ўз фаолиятини амалга ошириш учун зарур бўлган хомашё баҳолари ниҳоятда қиммат бўлиб, бу ҳол корхона ишлаб чиқарган маҳсулот таннархига ҳам таъсир этаяпти. Корхоналарни қишлоқ жойларда ташкил этиш, аввало, меҳнат ресурсларини жалб этишга қулай имкониятлар мавжудлиги билан алоҳида аҳамиятга эга, чунки қишлоқларда ишчи кучининг ортиқлик даражаси шаҳарлардагига нисбатан анча юқори. Корхона учун муҳим бўлган иккинчи омил, қишлоқ хўжалигида етиштирилаётган қимматли хомашё ҳисобланади.

Ўзбекистон шароитида кичик корхоналарни барпо этиш орқали мустақил хўжалик юритувчи мулк эгалари шаклланади. Бу кичик корхоналарни ташаббускор, ишбилармон шахслар бошқариб, турли бюрократик элементларни хўжалик фаолиятига аралаштиришдан ҳалос этади. Корхона ҳақиқатда ҳам маҳаллий шарт-шароитларга тез кўникиб, маҳаллий бозор шарт-шароитларига ва талабларига мослашиш билан бирга бозорнинг ўзига хос томонларини ўрганади. Кичик корхоналарнинг олаётган фойдалари ва пировард натижаларидан жамоатчилик тезда хабардор бўлиб, ўзлари ҳам шундай фаолият олиб бориш учун ҳаракат қиладилар. Кичик корхоналар ҳам иқтисодий жиҳатдан мустақил бўлиб, ўз-ўзини бошқаради, ўзининг харажатларини ўзи қоплайди. Жавобгарлиги чекланган кичик корхоналар акциялар чиқариши, сотиб олиши мумкин. Бошқа қимматли қоғозлар бўйича мамлакатда амал қиладиган қонунлар доирасида муомала қила олади. Бу корхоналар мустақил экспорт, импорт операцияларини амалга ошира олади, халқаро ярмаркаларда, кўرғазмаларда иштирок этиши, ўзи ҳам муҳсул ихтисослашган кўрғазмалар ташкил қилиши, реклама фаолияти билан шуғулланиши, китоблар чиқариши мумкин. Корхоналар республикада бозор иқтисодиётининг ривожланишига таъсир этувчи асосий омиллардан бирига айланиши лозим.

Жаҳондаги ривожланган мамлакатлар тажрибаси шундан далолат бермоқдаки, бозор иқтисодиёти шароитидаги мамлакатларнинг барчасида турли корхоналарни давлат кооператив, жамоа ҳамкорлигида, хусусий ҳамда кичик корхоналар кўринишида иқтисодий

фаолият кўрсатиб келмоқда. Бу мамлакатларда қишлоқ хўжалиги миқёсида турли корхоналарни ривожлантириш билан бирга уларнинг фаолиятига алоҳида эътибор қаратилган. Ривожланган индустриал мамлакатларда қишлоқ хўжалиги секторининг 80-90 % ини турли шаклдаги бизнес корхоналари ташкил этади.

Ўзбекистонда ҳам жаҳондаги ривожланган мамлакатларнинг кичик корхоналар бўйича қўлга киритган ютуқларидан тажриба сифатида фойдаланиш ҳамда мамлакатимизда бир неча асрлар давомида турли соҳада фаолият кўрсатиб келган хунармандчилик корхоналари фаолиятини мустақиллик қўлга киритилганлиги натижасида қайта тиклаш учун ҳукукий имкониятлар яратилди.

ERKIN IQTISODIY ZONALAR - INNOVATSION IQTISODIYOTNI SHAKLLANTIRISHDA XORIJIY INVESTITSİYALARNI JALB QILISHNING OMILI SIFATIDA

tayanch doktarant D.S.Salayev, ToshDSHI

Hozirgi globalashuv jarayonlari kuchayib borayotgan bir davrda milliy iqtisodiyotning barqaror rivojlantirish hamda uning raqobatbardoshligini oshirishda xorijiy investitsiyalarni jalb etish va ularni maqsadli yo'naltirish dolzarb ahamiyat kasb etmoqda. Shu bois, respublikamiz iqtisodiyotiga investitsiyalarni, xususan, xorijiy investitsiyalarni kengroq jalb etish, ularning mamlakatimizda o'tkazilayotgan iqtisodiy islohatlarning samarali ijrosini ta'minlashning muhim asosiga aylanganligi bilan bog'liqligini tushunib olish qiyin emas. Mamlakatga xorijiy investitsiyalarni jalb qilishda erkin iqtisodiy zonalarining ahamiyati yuqori.

“Erkin iqtisodiy zonalar - mintaqani jadal ijtimoiy - iqtisodiy rivojlantirish uchun mamlakat va chet el kapitalini, istiqbolli texnologiya va boshqaruv tajribasini jalb etish maqsadida tuziladigan, aniq belgilangan ma'muriy chegaralari va alohida huquqiy tartiboti bo'lgan maxsus ajratilgan hududdir”. Erkin iqtisodiy zonalarini tashkil etish jarayonida davlat qo'llab - quvvatlovchi, rag'batlantiruvchi hamda nazorat qiluvchi sifatida bosh islohotchi bo'lishi lozim.

Shuningdek mamlakatda yuqori texnologiyali yangi ishlab chiqarish quvvatlarini tashkil etish, hududlarni raqobatdosh va eksportga yo'naltirilgan zamonaviy sanoat mahsulotlari ishlab chiqarishni o'zlashtirishga yanada faol jalb qilish, ishlab chiqarish, muhandislik-kommunikatsiya, yo'l-transport, ijtimoiy infratuzilma va logistika xizmatlarini jadal rivojlantirishni ta'minlash uchun to'g'ridan-to'g'ri xorijiy investitsiyalarni jalb etishni kengaytirishning eng muhim omili sifatida erkin iqtisodiy zonalarini izchil rivojlantirish borasida yanada qulay shart-sharoitlar yaratish dolzarb masalalardan biri hisoblanadi.

Bu borada O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2016 yil 26 oktyabrdagi PF-4853-sonli “Erkin iqtisodiy zonalar faoliyatini faollashtirish va kengaytirishga doir qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida”gi Farmoniga binoan “Navoiy” erkin industrial-iqtisodiy zonasi, “Angren” va “Jizzax” maxsus industrial zonalarini nomini bir xillashtirish maqsadida ularni “Navoiy”, “Angren” va “Jizzax” erkin iqtisodiy zonalar deb atash belgilandi.

“Navoiy”, “Angren” va “Jizzax” erkin iqtisodiy zonalarini faoliyatini yanada rivojlantirishning asosiy yo'nalishlari sifatiga quyidagilar belgilandi:

- xorijiy investorlarga mamlakatimiz iqtisodiyotining real sektorlariga investitsiya kiritishi uchun yanada qulay sharoitlar yaratish maqsadida erkin iqtisodiy zonalar uchun yagona huquqiy rejimni belgilash, soliq va bojxona imtiyozlari, preferensiyalarni birxillashtirish;
- mahalliy mineral-xomashyo resurslarini chuqur qayta ishlaydigan va yuqori qo'shimcha qiymatga ega raqobatdosh mahsulotlar ishlab chiqaradigan yuqori texnologiyali va mahalliyashtiriladigan zamonaviy korxonalarini tashkil qilish uchun to'g'ridan-to'g'ri investitsiyalarni, avvalambor, xorijiy investitsiyalarni faol jalb etish, erkin iqtisodiy zonalarining muayyan sohaga ixtisoslashuvini qo'llab-quvvatlash va ularda sanoat kooperatsiyasini rivojlantirish;

- erkin iqtisodiy zonalarda «yagona darcha» tamoyili asosida barcha turdagi davlat xizmatlarini ko'rsatishga, jumladan, ruxsat berish tartib-tamoyillariga bosqichma-bosqich o'tish;
- ishlab chiqarish, muhandislik-kommunikatsiya, yo'l-transport va ijtimoiy infratuzilmani jadal rivojlantirish, shuningdek, sifatli logistika xizmatlari ko'rstish bo'yicha zamonaviy infratuzilmani shakllantirish;

- oliy, o'rta maxsus kasb-hunar ta'limi muassasalarida erkin iqtisodiy zonalarning soha kadrlariga bo'lgan hozirgi va istiqboldagi ehtiyojlaridan kelib chiqib, ularning erkin iqtisodiy zonalarda joylashgan korxonalarda ishlab chiqarish amaliyotini o'tashini nazarda tutgan holda, yuqori malakali mutaxassislarni tayyorlashni tashkil etish.

Unga muvofiq, "Navoiy", "Angren" va "Jizzax" erkin iqtisodiy zonalarining ishtirokchilari:

- yer solig'i, daromad solig'i, yuridik shaxslar mulk solig'i, obodonlashtirish va ijtimoiy infratuzilmani rivojlantirish solig'i, mikrofirmalar va kichik korxonalar uchun yagona soliq to'lovi, shuningdek, Respublika yo'l jamg'armasi va O'zbekiston Respublikasi Moliya vazirligi huzuridagi byudjetdan tashqari umumta'lim maktablari, kasb-hunar kollejlari, akademik litseylar va tibbiyot muassasalarini rekonstruksiya qilish, kapital ta'mirlash va jihozlash jamg'armasiga majburiy ajratmalaridan;

- o'zining ishlab chiqarish ehtiyojlari uchun olib kelinadigan uskunarlar, xomashyo, material va butlovchi buyumlar, shuningdek, O'zbekistonda ishlab chiqarilmaydigan va loyihalarni amalga oshirish doirasida Vazirlar Mahkamasi tomonidan tasdiqlanadigan ro'yxatlar bo'yicha olib kelinadigan qurilish materiallari uchun bojxona to'lovlaridan (bojxona rasmiylashtiruv yig'imlaridan tashqari) ozod etildi.

Yangi joriy etilgan soliq va bojxona imtiyozlarini ushbu zonalar uchun ilgari berilgan imtiyozlar bilan taqqoslab ko'rilganda, "Angren" va "Jizzax" erkin iqtisodiy zonalar qatnashchilariga qo'shimcha ravishda yer solig'ini va Moliya vazirligi huzuridagi byudjetdan tashqari umumta'lim maktablari, kasb-hunar kollejlari, akademik litseylar va tibbiyot muassasalarini rekonstruksiya qilish, mukammal ta'mirlash va jihozlash jamg'armasiga majburiy to'lovni to'lashdan ozod etilganligini ko'rishimiz mumkin.

Farmon bilan, yuqorida qayd etilgan soliq imtiyozlarining joriy etilishida erkin iqtisodiy zonalar qatnashchilari tomonidan kiritiladigan investitsiyalar hajmi hamda imtiyoz joriy etiladigan muddatlar ham qat'iy lashtirilib, erkin almashtiriladigan valyuta faqat bir xil valyutada, ya'ni AQSH dollarida kiritilishi hamda imtiyozli davr 3 yildan 10 yil muddatgacha qat'iy qilib belgilandi hamda soliq va bojxona imtiyozlaridan foydalanish muddati kiritilgan investitsiya hajmiga nisbatan:

- 300 ming AQSH dollaridan 3 million AQSH dollarigacha hajmdagi investitsiyalar - 3 yil muddatga;

- 3 million AQSH dollaridan 5 million AQSH dollarigacha hajmdagi investitsiyalar - 5 yil muddatga;

- 5 million AQSH dollaridan 10 million AQSH dollarigacha hajmdagi investitsiyalar - 7 yil muddatga;

- 10 million va undan ko'p AQSH dollari hajmidagi investitsiyalar so'nggi 5 yilda amaldagi stavkalardan 50 foiz kam hajmdagi daromad solig'i va yagona soliq to'lovi stavkalari qo'llangan holda - 10 yil muddatga beriladi¹¹⁴.

Xorijiy investitsiyalarni milliy iqtisodiyotga keng hajmda jalb etish o'tish iqtisodiyotining strategik va muhim vazifalarini hal etish zaruriyati bilan bog'liq. Ushbu vazifalar ichida eng asosiylari:

- iqtisodiyotda tarkibiy o'zgartirishlarni amalga oshirish;
- mamlakatning eksport salohiyatini mustahkamlash;
- iqtisodiyotni modernizatsiyalash;
- *yuqori texnologik* raqobatbardosh tarmoqlarni yaratish;
- ilg'or xorij texnologiyasi nou-xau va boshqaruv tajribalarini jalb etishdir.

114 O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2016 yil 26 oktyabrdagi PF-4853-sonli "Erkin iqtisodiy zonalar faoliyatini faollashtirish va kengaytirishga doir qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida"gi Farmoni www.uza.uz/

O'zbekiston sharoitida milliy iqtisodiyotga xorijiy investitsiyalar oqimining jadal sur'atlarda o'sishini quyidagi omillar belgilab bermoqda:

Birinchidan, mamlakatdagi investitsiya muhitining barqarorligi. Yirik investitsion loyihalar uzoq muddatga mo'ljallab amalga oshirilishi bilan tavsiflanadi. Yuqoridagi sabablarga ko'ra investorlarga, birinchi navbatda, xorijiy investorlarga biznes olib borish uchun qulay investitsiya muhiti hamda ishonch kerak.

Ikkinchidan, valyuta kursini tartibga solishdagi ijobiy o'zgarishlar. Milliy valyutaning diversifikatsiyalashuvi, mahalliy tovar ishlab chiqaruvchilarga xorijiy tovar ishlab chiqaruvchilar va import qilinadigan tovarlarga nisbatan raqobat kurashida ma'lum afzallikni beradi.

Xulosa qilib aytganda, respublikamizda erkin iqtisodiy zonalar qatnashchilariga berilgan soliq va bojxona imtiyozlari, imtiyozlarni qo'llashdagi qulayliklar hamda markazlashgan boshqaruv tizimining tashkil etilishi xorijiy investorlarni mamlakatimizga investitsiya kiritish imkoniyatlarini yanada oshiradi. Bu esa o'z navbatida iqtisodiyotimizga yuqori texnologiyali yangi ishlab chiqarish quvvatlarini tashkil etish, hududlarimizda raqobatdosh va eksportga yo'naltirilgan zamonaviy sanoat mahsulotlari ishlab chiqarishni o'stirish, zamonaviy muhandislik-kommunikatsiya, yo'l-transport, ijtimoiy infratuzilma va logistika xizmatlarini jadal rivojlantirishga qo'shimcha imkoniyatlar beradi bu orqali innovatsion iqtisodiyotni shakllantirish imkoniyatini yaratagi.

ЕНГИЛ САНОАТ КОРХОНАЛАРИДА ИННОВАЦИОН МАРКЕТИНГНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ОМИЛЛАРИ

**Ўқ.Сатторов Қ.К., Маматкулова М.Б.,
Уктамов Ш.Б., ГулДУ**

Мамлакатимиз тараққиётида кўлга киритилаётган юксак натижалар, энг аввало, янгидан-янги замонавий тармоқ ва ишлаб чиқариш қувватларининг йўлга қўйилиши, бунинг таъсирида мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятининг сезиларли даражада ортиб бораётгани, яратилаётган маҳсулот ва кўрсатилаётган хизмат турларининг кўпайиб, сифатининг тубдан яхшиланиб бориши иқтисодиётимизда инновацион жиҳатдан ривожланишига ижобий таъсир кўрсатмоқда. Бу Ўзбекистоннинг кейинги иқтисодий ҳолатини мустаҳкамлаш учун зарурий асос бўлиб хизмат қилмоқда. Инновацион ривожланиш шароитида бозордаги талабни атрофлича ўрганиш, таклиф билан талаб ўртасидаги муносабатни инобатга олган ҳолда корхоналарда ишлаб чиқаришни ташкил этиш бўйича маркетинг стратегиясини ишлаб чиқиш бугунги кунда долзарб масалага айланмоқда.

Маркетинг концепциясига асосан, ҳозирги шароитда ҳар қандай корхона бозорда мустаҳкам ўрин эгаллаши учун энг аввало истеъмолчилар талаб-истакларини инобатга олиши лозим. Бу эса ўз навбатида истеъмол жараёнини, аҳоли эҳтиёжи ва талабини ўрганиш ва уларнинг талабларига биноан товар ва хизматлар таклиф этишни тақозо этади.

Корхонанинг фаолияти: бозорни ўрганиш, тадқиқ қилиш, янги маҳсулотларни реклама қилишни ташкил этиш, товарни то истеъмолчи кўлига етиб боргунга қадар бўлган барча босқичларда қатнашиш - бу муносабатларнинг таркибий қисмига киради. Инновацион ривожланиш шароитида корхона фаолияти рақобатбардош маҳсулотни ишлаб чиқариш ва сотишдан олинадиган даромадга боғлиқ. Шунинг учун корхоналарда товар сиёсатини шакллантиришнинг амалий механизмини ташкил қилиш ҳамда товар сиёсатини бошқариш самарадорлигини ошириш масалалари муҳим ҳисобланади. Ҳозирги пайтда корхоналарда ишлаб чиқариш, уни ташкил этиш, бошқариш, ривожлаштириш, янги товар бўйича маркетинг стратегиясини ишлаб чиқиш масалалари муаммоли масалалар ҳисобланади.

Мамлакатимизнинг энгил саноат тармоғидаги корхоналарда маркетинг фаолиятини тўғри ташкил этиш, ушбу соҳада ижобий натижаларга эришишда муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Янги товар ишлаб чиқариш бўйича маркетинг фаолиятини ташкил этиш имкониятларини ўрганиб чиқиш ва корхонанинг ўз имкониятларини таҳлил этиш, инновацион ғоялар ва технологиялар ёрдамида иқтисодиётимизнинг саноат тармоғини чуқур

кайта тузиш, бошқарув тизимини янада самаралироқ ташкил этиш орқали маҳсулот ҳажми ва сифатида салмоғли ўсишига ва иш унумдорлигини оширишга эришиш мумкин. Мамлакатимизда инновация фаолиятини ривожлантиришимиз учун илмий, меъёрий-ҳуқуқий база яратилган бўлиб, кадрлар салоҳиятимиз ҳам юқори даражада эканлиги бу соҳани ривожлантиришимизда муҳим рол ўйнайди. Бу соҳада қутилаётган натижага эришишимиз учун қуйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

–енгил саноат корхоналаридаги маркетинг бўлимлари фаолиятларини такомиллаштириш орқали, маркетинг тадқиқотларини кўпроқ олиб боришга жалб этиш ва бу тадқиқотлар асосида янги инновацион ғояларни ишлаб чиқишни рағбатлантириш;

–ҳар бир корхона раҳбари инновацион ғояларни амалиётга қўллашдан аввал уларни синаб кўриш учун етарли шарт-шароитларни яратиб бериш;

–саноат тармоғида инновацияларни жорий этишда молия-кредит муассасалари билан ҳамкорликда иш олиб бориш, яъни саноат корхоналари учун зарур ресурслардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш ва яратилган янги инновацион лойиҳаларни самарали молиялаштириш тизимини ишлаб чиқиш;

–ҳар бир корхонанинг ўзида инновацион лойиҳалар билан ишлайдиган ишчи гуруҳлар ташкил этиш ва инновацион ғоялар муаллифларини моддий рағбатлантириб бориш.

Бугунги, рақобат кучайиб бораётган бир даврда енгил саноат корхоналари ўз ишлаб чиқариш фаолиятларида янги инновацияларни қўллагандан, бошқарувни ташкил этишларида инновацион маркетинг стратегияларини қўллагандан бозорга янги маҳсулотларни кирита олишлари қийиндир.

ЎЗБЕКИСТОНДА ИҚТИСОДИЁТНИ ЭРКИНЛАШТИРИШ ВА СОҒЛОМ РАҚОБАТ МУҲИТИНИ ВУЖУДГА КЕЛТИРИШ МУАММОЛАРИ

ўк.С.С.Собиржонов ,ТМИ

Иқтисодиёт эркинлиги бозор тизимининг туб белгиси, бозор қонунлари ва уларни амалга ошириш механизмларини чекловларсиз амал қилишини билдиради. Иқтисодий эркинлик - иқтисодиёт субъектларини белгиланган тартиб-қоидага биноан аммо ўз манфаатлари йўлида мустақил фаолият юргизиши учун барча шарт-шароитларни мавжуд бўлишидир.

Иқтисодий тизимнинг эркинлик даражасига баҳо берилишидан олдин унинг бош мезонларини аниқлаб олиш, кейин унинг миқдорий кўрсаткичларини ҳисоблаб чиқиш керак бўлади. Сўнгра эса бу мезонларни иқтисодиётнинг турли соҳаларига тадбиқ этиб, эркинлик меъёрларини аниқлаш мумкин бўлади. Айтилган талаблардан келиб чиққан ҳолда иқтисодиёт эркинлиги даражасини бир қатор иқтисодий параметрларга қараб баҳолаш мумкин:

1. Хусусий мулкчилик ва иқтисодиёт хусусий секторининг устиворлиги. Бу бош мезон, чунки мулки йўқ субъект мустақил бўла олмайди, эркин фаолият юргиза олмайди. Мулксизлик иқтисодий ташаббусни заифлаштиради, аксинча, мулк соҳиби манфаатини юзага чиқаришга интилиш, иқтисодий фаолликни юзага келтиради. Мулкий мустақиллик индивидуал хусусий мулк билан чекланмайди, чунки мулкнинг структурани муҳим бўғини корпоратив хусусий мулк ҳам ҳисобланади. Хусусий мулкни иқтисодиётдаги мавқеини хусусий секторни ЯИМ ҳиссасига қараб аниқланади. Бу ҳисса қанчалик юқори бўлса, шунчалик иқтисодиёт эркинлиги кучли бўлади.

2. Иқтисодиётнинг монополлашув даражаси. Монополиялар бозор иқтисодиёти ривожининг таркибий маҳсули, лекин улар фаолияти эркинликни чеклайди. Монополлашув даражасини монополияларни, товар ва хизматлари яратиш ва уларни сотишдаги ҳиссаси белгилайди, аммо ҳиссадан ташқари монополияни нарх белгилашга таъсири ҳам муҳим. Шу боис иқтисодиёт эркинлиги баҳоланганда монопол ҳокимиятнинг нақадар кучли бўлишини

инобатга олинади. Бунда монополия нархини харажатлардан қанчалик юқори бўлиши ҳисобланади.

3. Давлатнинг иқтисодиётга аралашув даражаси ёки давлат интервенционализи. Давлатнинг иқтисодиётга аралашув мезони шундайки, бу иш бозор механизмининг эркин амал қилишига ҳалақит бермаслиги талаб қилинади. Шу меъёрдан чиқиб кетилганда, эркинлик жиддий чекланади. Давлатнинг иқтисодиётдаги мавқеини икки нарса тавсифлайди: **биринчиси**, давлат секторининг ЯИМни яратишдаги ҳиссаси, **иккинчиси**, давлат истеъмолининг ЯИМ ҳиссаси. Давлат истеъмоли эркинликни яқунловчи кўрсаткич эмас, чунки у нисбатан юқори бўлгани ҳолда эркинлик кучли бўлиши мумкин. Давлатнинг социал функциялари кучли жойда давлат истеъмоли катта бўлади.

4. Нарх-наво эркинлиги. Нархни қандай шаклланишига қараб эркинликни тавсифлаш мумкин. Эркинлик талабига мукамал рағобатли бозордаги нархлар мос тушади, чунки улар эркин равишда ҳеч бир тазйиқсиз талаб ва таклифга қараб ташкил топади. Монопол нархлар, жумладан давлатнинг монопсония нархлари бозор эркинлигини чеклайди. Шу боис иқтисодиёт эркинлиги баҳоланганда ЯИМ қандай қисми монопол нархлар билан сотилиши ҳисобга олинади.

5. Ташқи иқтисодий фаолиятни маъмурий чекланиши. Бундай чекланишилар иқтисодий хавфсизликни таъминлаш даражасида бўлиши керак. Бу даражасини экспорт-импорт квоталари, лицензиялари ва божхона тўловлари белгилайди. Қанчалик лицензиялар кўп берилса ва квоталар кам бўлса, бож тўловлари кам бўлса, шунчалик иқтисодиёт эркинлиги юқори бўлади. Халқаро савдо ташкилоти мамлакатларида импорт учун бож тўлови импорт қийматининг 10% ошмаслиги талаб қилинади.

6. Даромад топиш хусусан фирма, хўжалик, ташкилот ва хонадонлар - учун қонуний йўл билан даромад топишдаги чекланишларни бўлмаслиги. Даромад топиш эркинлиги иқтисодиётнинг ижтимоий кучли бўлишини билдиради. Эркинлик фақат бизнес учун эмас, балки ёлланиб ишловчилар учун ҳам бўлиши керак. Шу жиҳатдан олиб қаралганда, ишсизлик даражасини юқори ёки паст бўлиши ҳам эркинликни тавсифлайди, эркинликни яна бир қирраси – бу бозор даромадларининг устувор бўлишидир, шунинг учун у таҳлил этилганда, ялпи даромадларда бозор даромадларининг ҳиссасини ҳам назарда тутиш керак.

7. Эркин ҳайри-эҳсон фаолиятининг мавжудлиги. Ҳайри-эҳсон ишларини молиялаштириш субъектлар даромадини эркин тасарруф этилишини билдиради. Ҳайри-эҳсон сарфлари ихтиёрий бўлиши керак.

8. Иқтисодиётни коррупциядан холи бўлиши. Иқтисодиёт эркинлиги. коррупциялашув даражасига тескари мутаносибликда бўлади, бу кўрсаткич қанчалик паст бўлса, шунчалик эркинлик юқори ҳисобланади. Бу кўрсаткич порага берилган пулни ходимлар иш ҳақиси ва фирмалар фойдасидаги ҳиссасига қараб аниқланади. Эркинлаштириш мезонлари унинг аниқ кўрсаткичларга кўчирилади ва рейтинг шаклида баҳоланади. Мазкур рейтинг эркин бозор муносабатларини ривожланишига қараб мамлакатлар бўйича фарқланади.

Ҳозирги вазиятдан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон бозорларида соғлом рақобат муҳитини барпо этишдаги муаммолар қуйидагилардан иборат:

- Маъмурий ислоҳотларни амалга оширилиши етарли даражада эмаслиги.
- Тармоқлар тузилишидаги номувофикликлар ва ишлаб чиқаришда юқори технологияларнинг етишмаслиги.
- Соҳа ва тармоқлар миқёсидаги рақобатда адолат мезонларининг бузилиши.
- Мансабдор шахсларнинг тадбиркорлик фаолиятидаги суйистеъмолликлари.
- Нарх белгилашда монопол мавқийнинг сақланиб қолиши, хусусан иқтисодиётнинг аграр ва индустриал секторида нархларнинг кескин фарқланиши.
- Контрабанда йўли билан мамлакатга товарлар кириб келиши.
- Фаолият турини ва даромадларни яшириш ҳолларининг мавжудлиги.
- Соғлом пул муомиласи учун ҳозирги шароитдан келиб чиқадиган бозор инфратузилмасининг етарли эмаслиги.

- Миллий валютани хорижий валюталарга эркин алмаштириш имкониятларининг чекланганлиги.
- Субъектларнинг бозор иқтисодиёти қоидаларини чуқур тушуниб етмаганликлари.
- Иқтисодий жиноятчилик ҳолатларининг мавжудлиги.

Хулоса қилиб айтганда мазкур муаммоларни ҳал этиш, уларнинг бир-бирига таъсирини аниқлаш ва қайси муаммони биринчилардан бўлиб ҳал этиш муҳим эканлигини белгилаб олиш зарур. Ўзбекистонда рақобат муҳитини шакллантириш ва ривожлантириш борасида долзарб муаммолардан **биринчиси** нарх белгилашда монопол мавқийнинг сақланиб қолиши, хусусан иқтисодиётнинг аграр ва индустриал секторида нархларнинг кескин фарқланиши бўлса, **иккинчиси** соҳа ва тармоқларнинг рақобат курашида тенг иштироки учун тўсиқлар мавжудлиги деб ҳисоблаш мумкин. Муаммолар куламини аниқлаш масаланинг бир томони бўлса, асосий жиҳат мавжуд муаммоларни қандай йўл билан ҳал этишга келиб тақалади.

ЭФФЕКТИВНОСТЬ ИНВЕСТИЦИОННЫХ ПРОЕКТОВ В УСЛОВИЯХ ПЕРЕХОДА К ИННОВАЦИОННОЙ ЭКОНОМИКИ

**Тагиев С.А. преподаватель,
Нуритдинов К. студент, ГулГУ**

Существенное влияние на активизацию инвестиционной деятельности оказывают деловая ситуация на финансовом рынке, доступность инструментов инвестирования, количество квалифицированных участников сделок, наличие соответствующей инфраструктуры рынка.

Инвестиционный проект - обоснование экономической целесообразности, объемов и сроков проведения капитальных вложений, включая необходимую документацию, разрабатываемую в соответствии с принятыми в Узбекистане стандартами (нормами и правилами), а также описание практических действий по реализации инвестиций (бизнес-план).

Приоритетный инвестиционный проект - это проект, включенный в перечень, утверждаемый Правительством Республики Узбекистан, объем капитальных вложений, который соответствует требованиям законодательства Республики Узбекистан.

Срок окупаемости инвестиционного проекта - вероятный лаг (от англ. *lag* — отставание, запаздывание) со дня начала финансирования реального проекта до дня, когда разность между полученной суммой чистой прибыли вместе с амортизационными отчислениями и объемом капитальных вложений приобретает положительное значение.

Основу инвестирования составляют вложения денежных средств в реальный сектор экономики, то есть в основной и оборотный капитал предприятий различных форм собственности. Рынок инвестиций представляет собой сферу, где происходит купля-продажа инвестиционных товаров по равновесным ценам.

Основные этапы инвестирования:

1) преобразование ресурсов в капитальные затраты, то есть процесс преобразования инвестиций в конкретные объекты инвестиционной деятельности (собственно инвестирование);

2) превращение вложенных средств в прирост капитальной стоимости, что характеризует конечное потребление инвестиций и получение новой потребительной стоимости (зданий, сооружений, установленных технологических линий);

3) прирост капитальной стоимости в форме прибыли, то есть реализуется конечная цель инвестирования.

Объем инвестиций зависит от распределения получаемого дохода на потребление и накопление (сбережение). В условиях низких доходов у значительной части населения основную их долю (70-80%) направляют на потребление. Рост доходов граждан вызывает

повышение доли, направляемой на сбережения, которые служат источником инвестиционных ресурсов. Следовательно, рост удельного веса сбережений в общем доходе вызывает увеличение объема инвестиций, и наоборот. Однако это условие соблюдается, если обеспечены государственные гарантии сбережений граждан, что служит стимулом их инвестиционной активности.

На объем инвестиций воздействует также ожидаемая норма прибыли как основной побудительный мотив. Чем выше ожидаемая норма прибыли на капитал, тем больший объем инвестиций направляют в конкретную отрасль хозяйства или сферу бизнеса.

Существенное влияние на объем инвестиций оказывает ставка ссудного процента, так как в процессе инвестирования могут быть использованы не только собственные, но и заемные средства. Если норма ожидаемой чистой прибыли оказывается выше средней ставки ссудного процента на кредитном рынке, то такие вложения выгодны для инвестора. Поэтому рост процентной ставки вызывает снижение объема инвестиций в стране.

Объем инвестиций связан также с предполагаемым темпом инфляции. Чем выше этот показатель, тем больше обесценится будущая прибыль инвестора и тем меньше стимулов будет у него для расширения объема инвестиций (особенно в сфере долгосрочного инвестирования). Поэтому при разработке бизнес-планов инвестиционных проектов следует учитывать влияние указанных факторов.

К наиболее важным условиям успеха во всех формах инвестирования относят: сбор необходимой информации; прогнозирование перспектив рыночной конъюнктуры по интересующим инвестора объектам; выбор стратегии поведения на рынке инвестиционных товаров; гибкую текущую корректировку инвестиционной тактики, а часто и стратегии.

Выбор наиболее эффективного способа инвестирования начинают с четкого определения возможных вариантов. Альтернативные проекты поочередно сравнивают друг с другом и выбирают наилучший из них с точки зрения доходности, безопасности и надежности. При решении вопроса об инвестировании целесообразно определить, куда выгоднее вкладывать капитал: в производство, недвижимость, приобретение товаров для перепродажи, ценные бумага или в валюту.

Таким образом, высоких темпов развития предприятия можно достичь за счет подбора высокодоходных проектов и ускорения их реализации. В свою очередь, максимизация прибыли (дохода) от реальных инвестиций сопровождается ростом проектных рисков, что требует их нейтрализации. Минимизация данных рисков выступает важнейшим условием обеспечения финансовой устойчивости и платежеспособности предприятия в процессе инвестиционной деятельности.

АГРАР СОҲАДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ

Умаралиев О.Р. ГулДУ ўқитувчиси

Мамлакатимизда фермерлик ҳаракати қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг асосий ишлаб чиқарувчисига ҳамда аграр соҳани ва у билан боғлиқ бўлган бошқа тармоқларни ҳамда ишлаб чиқаришларни янада ривожлантириш, шунингдек, аҳолининг турмуш даражаси ва сифатини ошириш учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган қудратли ижтимоий-сиёсий кучга айланиб бормоқда. Диверсификация усулида таваккалчилик бир неча турдаги товарларга тақсимланади, яъни бирор қишлоқ хўжалиги маҳсулотини ишлаб чиқариш юқори таваккалчилик билан боғлиқ бўлиши бошқа бир қишлоқ хўжалиги маҳсулотни ишлаб чиқаришдан бўладиган таваккалчиликни камайтиришга олиб келади.

Фермер хўжалиги ўз ишлаб чиқаришини диверсификация қилиб иккинчи тур товар ҳисобидан йўқотадиган даромадини биринчи тур товарни кўпроқ ишлаб чиқариш ҳисобидан қоплайди. Худди шундай йўқотишлар бошқа ҳолатда иккинчи товар ҳисобидан қопланади. Кўриниб турибдики фермер хўжалиги диверсификация йўли билан таваккалчиликни камайтиради. Лекин, диверсификация таваккалчиликни тўлиқ йўқотмайди, у фақат

камайтиради холос. Ишлаб чиқаришни диверсификациялаш жараёнида иқтисодий натижаларни янада ошириш асосан ишлаб чиқаришни ташкил қилишни такомиллаштириш ва хўжаликнинг ички резервларидан фойдаланишга боғлиқ. Ишлаб чиқаришни диверсификациялаш албатта интенсив ривожланишни талаб қилади.

Мехнатга ҳақ тўлашнинг амалдаги системаси диверсификация жараёни билан етарлича боғланган эмас. Мехнатга ҳақ тўлашда ишлаб чиқаришнинг пировард натижалари ҳисобга олинмиши керак. Ҳозирги вақтда даромад пировард натижа хизматини ўташи мумкин. Махсулот нечоғли кўп етиштирилган, материал-пул маблағлари ва иш ҳақи фондидан қанчалик оқилона фойдаланилган бўлса, ялпи даромад ҳам шунча кўп бўлади. Демак, ҳақ тўлаш ҳам шунга мувофиқ бўлиши керак. Шу сабабли ҳодимлар меҳнатига олинган ялпи даромадни ҳисобга олган ҳолда ҳақ тўланиши фермер хўжалигида меҳнат унумдорлигининг ошишига олиб келади. Бунда экин майдонларининг ва боғларнинг сув таъминоти, мелиоратив ҳолатини яхшилашга ҳамда органик ва минерал ўғитлардан талаб даражасида фойдаланишга алоҳида аҳамият бериш зарур. Бу масаланинг долзарблигини эътиборга олиб, республика ҳукумати хўжаликларга иқтисодий жиҳатдан кўмаклашиш йўлларини, механизмларини ишлаб чиққан. Жумладан, озиқ-овқат махсулотлари етиштиришни ривожлантириш учун имтиёзли кредитлар ажратиш, шу мақсадда четдан моддий-техника ресурслари келтирилса, улар божхона туловларидан озод этилиши ва бошқа чора-тадбирлар белгиланган. Бундан ташқари, томчилатиб суғориш технологиясини жорий этган фермер хўжаликларига 5 йилгача ер солиғидан озод этилган. Пахта ва ғалла йўналишида фаолият юритаётган фермер хўжаликларида 2012 йилдан бошлаб экин майдонларининг 5% қисмида кўшимча тармоқ сифатида сабзавот етиштиришга қонуний йўл билан имконият берилиши уларнинг иқтисодий жиҳатдан ривожланишида, молиявий ҳолатининг барқарорлашишида муҳим аҳамият касб этади.

Кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш учун зарурий ресурслар яратишга асос бўлади. Биринчи навбатда гап фермер хўжаликларини янада такомиллаштириш ва уларнинг самарадорлигини ошириш, ҳуқуқ ва ваколатларини кенгайтириш, ер-сув ресурсларидан ва яратилган ишлаб чиқариш салоҳиятидан фойдаланишда, қишлоқни жадал ривожлантириш ва ободонлаштиришда, аҳоли бандлиги ва фаровонлигини таъминлашда уларнинг ролини кучайтириш тўғрисида бормоқда. Бу жараёнда чет эл инвестициялари жалб этилишига алоҳида эътибор бериш зарур.

Маълумки, интенсив боғлар кейинги йилларда бутун дунёда кенг тарқалиб, ривожланмоқда. «Интенсив» сўзининг луғавий маъноси жадаллаштириш демакдир. Республикамизда юқори ҳосил берувчи пакана ва ярим пакана мевали (интенсив) боғларни барпо этишдан мақсад, республика аҳолисини мевага бўлган талабини тўлиқ қондириш, бозорларимиз тўкин-сочинлигини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини йилдан-йилга ошириб боришдан иборат.

Мамлакатимизда мева-сабзавот махсулотлари етиштириш, уларнинг сифатини яхшилаш, шунинг баробарида, мевали дарахт кўчатлари турини кўпайтириш орқали интенсив боғлар барпо этиш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Мамлакатимизда 2010-2014 йиллар давомида қарийб 50 минг гектар майдонда янги боғлар, жумладан, 14 минг гектардан ортиқ майдонда интенсив боғлар, 23 минг гектарда узумзорлар яратилди. Интенсив боғлар ташкил этиш учун Польша, Сербия ва бошқа мамлакатлардан меваларнинг сархил навларининг 6 миллиондан зиёд кўчатлари олиб келинди.

Бундай боғларнинг кўплаб афзалликларга эга экани бугунги кунда амалда намоён бўлмоқда. Мисол учун, оддий мевали дарахт экилганидан бошлаб дастлабки ҳосилини бергунига қадар одатда 4-5 йил ўтади. Интенсив боғдорчиликда эса дарахт иккинчи-учинчи йилдаёқ ҳосилга киради. 2011 йилда яратилган боғларнинг ҳар гектаридан 2016 йилнинг ўзида ўртача 300 центнердан ҳосил олингани ва ҳосилдорлик йил сайин кўпайиб бораётгани буни тасдиқлайди.

Фермер хўжалигида ишлаб чиқаришни диверсификациялаш иқтисодий самарадорликни яхшилашга сезиларли таъсир этади.

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY IQTISODIYOTINI RIVOJLANTIRISHDA OZIQ-OVQAT SANOATINING RO‘LI

Ummatova M.B., o‘qituvchi
Musaev Z. SH., To‘ychieva G. talabalar. GulDU

Oziq ovqat sanoati ham xalq iste‘mol mollarini ishlab chiqaruvchi asosiy tarmoqlardan hisoblanadi. Uning hissasi, vino-arog mahsulotlari bilan birga jami xalq iste‘mol mollari tarkibida 38-40 foizga teng. Demak, bundan ko‘rinib turibdiki, ushbu sanoat tarmog‘ining rivojlanishi va joylanishi, eng avvalo, aholi soni, uning o‘shishi va huddiy tarkibiga bog‘liq.

Oziq-ovqat sanoatining joylanishini xom ashyo omili ham belgilab beradi. Xom ashyo sifatida turli xil qishloq xo‘jaligi mahsulotlari, masalan, paxta chigiti, bug‘doy va boshqa g‘alla ekinlari, meva va uzum, chorva mahsulotlari kabilar xizmat qiladi. Bu va boshqa qishloq xo‘jaligi mahsulotlarini qayta ishlash asosida *agrosanoat majmuasi* shakllanadi. Shu o‘rinda aytish mumkinki, oziq-ovqat sanoati ko‘p jihatdan qishloq xo‘jaligiga, qishloq xo‘jaligi esa ob-havo, iqlim sharoitlariga bog‘liq bo‘ladi.

Oziq-ovqat sanoati geografiyasi, uning joylashish va rivojlanish xususiyatlaridan kelib chiqqan holda, keng tarqalgan. O‘simlik yog‘i ishlab chiqaruvchi yirik korxonalar Toshkent, Farg‘ona, Yangiyo‘l, Guliston, Koson, Xo‘jayli, Andijon, Namangan, Kattaqo‘rg‘on, Uchqo‘rg‘on va boshqa qator shaharlarda mavjud. Ularning joylashuvi paxta qayta ishlash zavodlari bilan ham bog‘liq. Paxta etishtirish, uni qayta ishlash, paxta chigitdan yog‘ olish korxonalari birgalikda agrosanoat hududiy ishlab chiqarish majmualarini tashkil qiladi.

Go‘sh t kombinatlari, kolbasa ishlab chiqarish, sut va sut mahsulotlarini oluvchi sanoat korxonalari o‘rta va katta shaharlarda joylashgan. Un kombinatlari Toshkent, Ohangaron, don mahsulotlarini ishlab chiqaruvchi korxonalar Jomboy, Xonqa, Sho‘rchi, Yangiyer kabi qator kichik shahar va shaharchalarda qurilgan. O‘zbek-Britaniya qo‘shma korxonasi Urgut tumanida yetishtiriladigan tamakini qayta ishlash asosida sigaret ishlab chiqaradi; korxonasi Toshkent shahrida joylashgan.

Oziq-ovqat sanoati mahsulotlari deyarli to‘laligicha nodavlat sektorida ishlab chiqariladi. Shu bilan birga, kolbasa mahsulotini ishlab chiqaruvchi xususiy korxonalar ham mavjud. Turli xil meva va sabzavotlardan konserva ishlab chiqarish ham rivojlangan. Ba‘zi ma‘lumotlarga qaraganda, bog‘dorchilik va mevachilik asosida qayta ishlash sanoatini rivojlantirish istiqbolli yo‘nalishlardan hisoblanadi. Xususan, bir vaqtlar dongi ketgan o‘zbek vinosi (“Bayan shirey”, “Soyaki” va b.), quruq meva-konserva sanoatini (masalan, To‘raqo‘rg‘onda shunday korxonasi bo‘lgan) yoki anzur piyoz asosida konserva ishlab chiqarishni (sobiq Ittifoqda bunday yagona zavod Shahrisabzda faoliyat ko‘rsatgan) qayta tiklash katta ahamiyatga ega bo‘ladi. Ayni vaqtda bu respublika eksport salohiyatini yuksaltirishda, valyuta tushumini ko‘paytirishda ham muhim manba bo‘lib xizmat qiladi. Mazkur sanoat tarmog‘ini rivojlantirishda ham qator muammolar mavjud. Jumladan, ushbu sanoat xom ashyo bazasini mustahkamlash (ayniqsa, uzum maydonlarini kengaytirish), qayta ishlash korxonalarining tegishli quvvatini yaratish, investitsiyani jalb qilish asosida qo‘shma korxonalarini ko‘proq tashkil qilish talab etiladi. Shuningdek, yirik korxonalarini (masalan, Guliston, Koson, Farg‘ona, Yangiyo‘l, Toshkent yog‘-moy kombinatlarini) qayta jihozlash, kichik biznes va xususiy tadbirkorlikka keng imkoniyat berish ham dolzarb hisoblanadi.

2017-2021-yillarda O‘zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo‘nalishi bo‘yicha Harakatlar strategiyasiga muvofiq, yer va suv resurslaridan oqilona foydalanish maqsadida qishloq xo‘jaligi ekin maydonlarini maqbullashtirish belgilangan. Unga ko‘ra, joriy yilda paxta maydonlarini 49 ming, g‘alla maydonlarini 10 ming gektarga qisqartirish mo‘ljallanmoqda. Bo‘shagan yerlarda kartoshka, sabzavot, ozuqa va moyli ekinlar yetishtiriladi. Bu va boshqa qator yangiliklar haqida O‘zbekiston Iqtisodiyot vazirligida qishloq xo‘jaligi mahsulotlarini qayta ishlash bo‘yicha olib borilayotgan islohotlar va istiqboldagi vazifalarga bag‘ishlangan brifingda ma‘lumot berildi.

2017-2018-yillarda meva-sabzavot mahsulotlarini saqlash va qayta ishlash quvvatlarini tashkil etishni rivojlantirish bo'yicha qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risidagi dastur doirasida mamlakatimizda 740,1 million dollar qiymatga teng 434 loyiha amalga oshirilish rejalashtirilgan. Mazkur loyihalar doirasida sutni qayta ishlash, xususan, bolalar taomlari ishlab chiqarish borasida Rossiya bilan keng hamkorlik yo'lga qo'yilmoqda. Shuningdek, meva-sabzavot mahsulotlarini qayta ishlash quvvatlarini oshirish, yangi yetishtirilgan va qayta ishlangan meva-sabzavot mahsulotlarini saqlash uchun yangi sovutish kameralari quriladi. G'ijduvon, Amudaryo, Ellikqa'la tumanlarida qayta ishlash korxonalari barpo etiladi. Termizda esa yirik logistika markazi tashkil etiladi. Dasturda meva-sabzavotni qayta ishlashni yanada rivojlantirish, ichki iste'mol bozorini mahalliy mahsulotlar hisobiga to'ldirish va yuqori qo'shimcha qiymatga ega bo'lgan mahsulotlarni eksport qilishni kengaytirishga alohida e'tibor qaratilgan. Unga ko'ra, mahsulotlarni tayyorlash, saqlash, birlamchi qayta ishlash va eksporti bilan shug'ullanuvchi o'ndan ziyod savdo-logistika markazi tashkil etiladi. Sohada kichik biznes va xususiy tadbirkorlikni rivojlantirishda qishloq-xo'jaligi mahsulotlarini saqlash, logistika va eksport qilish infratuzilmasini yaratish doimiy e'tiborda. Shu maqsadda tijorat banklari orqali Jahon banki, Osiyo taraqqiyot banki, Xalqaro tiklanish va taraqqiyot banki va boshqa xalqaro moliya institutlarining yirik miqdordagi imtiyozli kreditlarini jalb etish mo'ljallanmoqda. Ayni vaqtda mamlakatimizda yaratilgan qulay sharoit va imtiyozlar, dehqonu-fermerlarning fidokorona mehnati tufayli barcha turdagi qishloq xo'jaligi ekinlaridan har yili mo'l va sifatli hosil yetishtirilmoqda. 180 dan ortiq turdagi meva-sabzavot va ularni qayta ishlash asosida tayyorlangan mahsulotlar eksport qilinayotgani buning isbotidir.

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА КРЕДИТ ОПЕРАЦИЯЛАРИ ҲИСОБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Шамирзаев А. БМА тингловчиси

Ўзбекистон тижорат банклари фаолиятини узлуксиз назорат қилишни ва уларни самарали бошқариш учун зарур маълумотлар базасини вужудга келтирувчи бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботининг услубий асосларини такомиллаштиришни талаб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 сентябрдаги ПҚ-3270 сонли “Республика банк тизимини янада ривожлантириш ва барқарорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2015 йил 6 май ПҚ-2344 сонли “Тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини янада ошириш ва уларнинг ресурс базасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорлар ҳам айнан банк тизимининг бошқариш механизмларининг ҳар бир элементини ўзаро боғлиқ ҳолда ўрганиш ва таҳлил этиш орқали мавжуд муаммоларни ечимини топиш ва уларни ўз вақтида бартараф этишни тақозо этади.

Кредитлар банк активлари таркибида асосий ўринни эгаллайди. Банкларнинг кредит операциялари орқали иқтисодиётда маблағларга эҳтиёж сезаётган соҳалар кредитланади. Кредит такрор ишлаб чиқариш жараёнини тезлаштиради ва ижтимоий ишлаб чиқаришнинг узлуксизлигини таъминлайди.

Тижорат банклари томонидан берилган кредитлар ҳисоби Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 17 декабрда № 1435 сон билан рўйхатга олинган “Тижорат банкларида кредитларнинг бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиби тўғрисида”ги Низом ва бошқа Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг меъёрий ҳужжатларига асосан ташкил этилган. Кредит операцияларни ҳисобга олиш учун кредит ҳисобварақларидан ва баланسدан ташқари ҳисобварақларидан фойдаланилади.

МҲХС ларига асосан бухгалтерия ҳисобида банк томонидан берилган кредит амалдаги қийматида акс эттирилади ва у қарздорга берилган пул маблағлари суммасини ифодалайди.

Тижорат банкларида кредит операцияларини ҳисобга олиш жараёнини бир неча босқичга бўлиш мумкин:

1. Кредит беришдан олдин амалга ошириладиган жараён ҳисоби. Бунда бухгалтерия ходими кредит операцияларини ҳисобга олиш учун зарур бўлган ҳисобварақларни очади, кредит бериш мажбуриятларини, таъминотни ҳисобга олади.

2. Кредит бериш жараёни ҳисоби. Ушбу жараёнда банк кредит шартномасида келишилган суммани маблағ олувчи ҳисобварағига ўтказиб беради, кредит шартномаси шартларини, муддатли мажбуриятномаларни ҳисобга олади.

3. Кредитни қайтариш жараёни ҳисоби. Бунда берилган кредит бўйича фоизлар ҳисобланади ва ундирилади, кредит қайтарилади, муддатли мажбуриятномалар ҳисобдан чиқарилади, яхши кредитлар бўйича захиралар яратилади ва ҳисобга олинади, тўлиқ қопланган кредитлар бўйича таъминот ҳисобдан чиқарилади.

4. Муаммоли кредитларни қайтариш жараёни ҳисоби. Ушбу жараёнда банкда муаммоли кредитлар бўйича захиралар яратилади ва ҳисобга олинади, фоиз ўстирмаслик мақоми берилган кредитлар бўйича фоизлар ҳисоб-китоб қилинади ва ҳисобга олинади, суд жараёнидаги кредитлар ҳисоби олиб борилади ва ҳоказо.

Хулоса қилиб айтганда тижорат банкларида берилган кредитларнинг бухгалтерия ҳисобини тўғри юритиш, муддати ўтган кредитларни ўз вақтида қайтарилишини таъминлаш ва ҳисобга олиш ўз долзарблигини йўқотмайди.

ҚИШЛОҚДА САНОАТ ВА ХИЗМАТ ТУРЛАРИНИ КЎПАЙТИРИШ ОРҚАЛИ АҲОЛИ ТУРМУШ ФАРОВОНЛИГИНИ ОШИРИШ

**К.М.Шодмонқулов, ўқитувчи
М.М.Тоштемиров талаба. ТошДАУ**

Аҳоли турмуш даражаси давлат ижтимоий-иқтисодий сиёсатда самарадорлигини баҳолашнинг энг муҳим мезонидир. Уни ошириб бориш ижтимоий ривожланишнинг асосий мақсадидир. Турмуш даражаси деганда, аҳолининг зарурий, моддий ва номоддий неъматлар ҳамда хизматлар билан таъминланганлик даражаси, уларни истеъмол қилиш даражаси тушунилади.

Аҳолининг фаровонлик даражасини ифодалаш учун "турмуш даражаси", "халқ фаровонлиги", "турмуш фаолияти хавфсизлиги", "турмуш тарзи", "меҳнат фаолияти сифати", "турмуш сифати" каби турли хил тушунчалар қўлланилади. Баъзан турли атамалар бир мазмунни англатса, бошқа ҳолларда улар ўртасидаги фарқ муайян характер касб этади, мазмуни сезиларли даражада фарқ қилади. Шу билан бирга, мазкур тушунчаларнинг ўзаро боғлиқлигини қайд этиш лозим.

Ўзбекистонда аҳолининг моддий, маънавий, ижтимоий эҳтиёжлари қондирилиш даражасини ифодаладиган "турмуш даражаси" атамаси кенгроқ қўлланилади. Бундай тавсиф кўпроқ турмуш даражаси статистикасини характерлайди. Шу билан бирга турмуш даражаси – кўплаб омиллар йиғиндиси таъсирида бўлган ўзгарувчан жараёндир.

Турмуш даражасини ифодалашда миқдор ва сифат кўрсаткичлари муҳим аҳамиятга эга. Миқдор кўрсаткичлари муайян моддий неъматлар ва хизматлар истеъмол ҳажмини аниқлайди. Сифат кўрсаткичлари эса, аҳоли фаровонлигини сифат жиҳатидан баҳолаш имконини беради. Улар моддий неъматлар, хизматлар истеъмол таркиби, овқатланиш, маълумот, малака, узоқ муддатга мўлжалланган ижтимоий-маиший буюмлар билан таъминланганлик даражаси кабиларни ўз ичига олади.

Аҳоли фаровонлиги пропорцияси ва тақсимот таркибининг (аҳоли қатламларини даромадлар бўйича тақсимланиши, даромадлар ва истеъмолни концентрациялаш ҳамда дифференциациялаш кўрсаткичлари ва бошқалар) ифодаловчи кўрсаткичларни мустақил кўрсаткичлар сифатида ажратиш мумкин.

Бозор иқтисодиёти муносабатлари шароитида илгари қабул қилинган таснифдан фойдаланиш деярли мумкин эмас, чунки шўролар даврида таркиб топган 280 дан ортиқ кўрсаткични баҳолаш жуда мураккаб ва шу билан бирга сўнгги йилларда ижтимоий

тараққиётнинг йуналишлари, ҳисоб юритиш ва ҳисобот амалиёти туб ўзгаришларга юз тутди ва мамлакатда миллий манфаатларни ҳимоя қилувчи иқтисодий омиллар муҳим ўрин тутди.

Ҳозирги пайтда юзага келган шароитларни ҳисобга олиб, бозор иқтисоди шароитларига мувофиқлаштирилган қуйидаги янги кўрсаткичлар тизими таклиф этилади:

1) умумлаштирувчи кўрсаткичлар (ички ялпи маҳсулот, истеъмол фонди, турмуш қиймати индекси ва бошқалар); 2) аҳоли даромадлари; 3) аҳоли истеъмоли ва харажатлари; 4) аҳолининг пул жамғармалари; 5) жамғарилган мол-мулклар ва тураржойлар; 6) аҳолининг ижтимоий табақаланиши; 7) аҳолининг кам таъминланган табақалари.

Бу тизим ҳам камчиликлардан бутунлай холи бўлмасада, у шўролар даврида фойдаланилган таснифга қараганда ихчам, ҳисоб юритиш учун қулай ва турмуш даражасининг асосий кўрсаткичларини акс эттиради.

Ўзбекистонда аҳолининг энг кўп таъминланган 10 фоизи ва энг кам таъминланган 10 фоиз қатлами даромадлари ўртасидаги тафовут 2012-йилда атига 8,0 баробарни ташкил этганини алоҳида таъкидлаш керак. Бу жаҳондаги энг паст кўрсаткичлардан бири бўлиб, мамлакатимизда жамиятнинг кескин табақаланишига йўл қўймаслик борасида олиб борилаётган ижтимоий сиёсатимизнинг самараси, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Ўзбекистонда юқорида қайд этилган аксарият индекс ва кўрсаткичлар бўйича катта ўзгариш ва ютуқларга эришилди. Бу ҳақда сўз юритганда, шуни айтиш жоизки, айти пайтда оилаларнинг 97 фоизи ўз уйига эга, аҳолининг 90 фоизи узоқ муддат фойдаланиладиган барча асосий товарлар билан таъминланган, ҳар уч оиладан бири шахсий енгил автомобилга эга, аҳоли истеъмол маҳсулотлари билан етарли даражада таъминланмоқда.

Қишлоқда саноатни, хизмат турларини кўпайтириш орқали аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш мумкин. Шунингдек, фермер ва деҳқон хўжаликларида кичик бизнес ва хизмат кўрсатишни ривожлантириш орқали қишлоқ аҳолиси бандлигини ошириш муҳим аҳамият касб этади.

Фермер ва деҳқон хўжаликларида кичик бизнес ва хизмат кўрсатишни ривожлантириш орқали қишлоқ аҳолиси бандлигини ошириш ва улардан самарали фойдаланиш натижасида :

- мавсумдан ташқари вақтда уй меҳнати шакллари кенгайтиришга;
- фермер хўжалигининг ишлаб чиқариш таркибини такомиллаштиришга;
- деҳқон хўжалигида қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштириш билан бирга тадбиркорликни ва миллий хунармандчиликни ривожлантиришга эришилади.

Хулоса қилиб айтганда, қишлоқ ҳудудларида янги иш ўринларини очиш мақсадида кичик саноат корхоналарини қуриш ёки маҳсулотларни қайта ишлаш технологияларини сотиб олиш тадбирларига устувор имтиёз яратиш, бунда узоқ муддатли (10-15 йил муддатли) имтиёзли кредитлар ажратиш, гаровга қўйиладиган объектлар қийматини камайтириш, кредитни устама фоизи билан қайтариш муддатини 3 ёки 5 йилдан сўнг бошлаш каби имтиёзларни яратиш лозим. Чунки, қишлоқ ҳудудларида маҳсулотларни қайта ишлаш ёки тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш учун харид қилинган технологиялар ишга тушгандан сўнг 2-3 йилдан бошлаб сарфланган маблағларни босқичма-босқич қайтариш имконини беради ва қишлоқ аҳолиси турмуш даражаси яхшиланади.

САНОАТДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ СОҲАЛАРИНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

**ўқитувчи Юлдашев Ф. Т.,
талаба Бозоров Ё., ТерДУ**

Президентимиз Ш. Мирзиёев 2017-2021-йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили” да амалга оширишга оид бир қанча давлат дастурлари ишлаб чиқилди. Юртимизда тадбиркорлик ва инновацион ғояларни ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда.

Ишлаб чиқариш ҳажмлари ва йўналишларининг ўзгариши билан янги ишлаб

чиқаришни ташкил этишга зарурат туғилади, бошқарувнинг янги методлари ва функциялари пайдо бўлади, иқтисодий иш ҳажмлари ўзгаради, бошқарув қарорларини қабул қилишга янги талаблар қўйилади.

Республикада янги ишлаб чиқариш соҳаларини яратиш ва эскиларини модернизация қилиш, янги технологияларни жорий қилиш бўйича катта ишлар амалга оширилмоқда. Бу эса бошқарувни ташкил этишни такомиллаштиришни талаб қилади.

Чуқур бозор ислоҳатларини амалга ошириш даврида республика иқтисодиёти олдида турган муҳим вазифалардан бири товар бозорини тез ва самарали бойитиш, импорт "инжиқликлари"га буткул боғлиқликни тугатиш ҳисобланади. Саноат ишлаб чиқаришининг мураккаблиги унинг элементларининг хилма-хиллиги билан белгиланади. Саноат ишлаб чиқаришининг мақсади жамият ва унинг аъзолари эҳтиёжларини қондирувчи моддий маҳсулотларни яратиш, халқ хўжалигини техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш, халқ хўжалиги ва республиканинг муҳофаа қудратини мустаҳкамлаш ҳисобланади.

Ҳар қандай вазифа, шу жумладан, бозор муносабатларига ўтиш вазифасининг ҳал қилиниши саноат билан боғлиқ бўлади.

Саноат ишлаб чиқаришининг бош элементлари ишлаб чиқариш воситалари ва муносабатлари ҳисобланади.

Ишлаб чиқарувчи кучлар - бу ишлаб чиқариш воситалари ва уларни ҳаракатга келтирувчи одамлардир. Ишлаб чиқариш воситалари ишлаб чиқариш жараёнида инсон томонидан таъсир кўрсатиладиган меҳнат предметларини ва инсон меҳнат предметларига таъсир кўрсатишда фойдаланадиган меҳнат воситаларини ўз ичига олади. Ҳар қандай ишлаб чиқариш жараёни учун хомашё керак бўлади табиатда учрайдиган саноат хом ашёларини бойитиш технологиялари ҳам такомиллашяпти.

Биз саноат миқёсида ва тиббиётда ишлатиладиган барча моддаларни ҳар доим ҳам тополмаймиз, уларни энди ўзимиз табиат неъматлардан ажратишимиз керак.

Шу сабабли ўзимиз ҳисоб-китоблар асосида электрозёр яратдик, ундан тоза ва кўп миқдорда олинадиган кислород лаборатория шароитида олинган кислород унумидан катта бўлади. Шунинг назарда тутиш керакки, энг тоза кислород фақат электролиз усулида олинади. Олинган кислороддан шишани эритиб қайта ишлашда фойдаланамиз.

Бироз фаол бўлган металлдан ясалган буюм сиртини фаол эмас, металл билан қошлаш орқали металлларни коррозиядан сақлаш, металлни тежаш ва металллар жилосини оширишимиз мумкин. Бундан ташқари, мум ва бошқа ток ўтказадиган материаллардан ясалган буюмлар сиртини ҳам металл билан қошлаб, керакли шаклдаги буюмни олишимиз мумкин. Шунинг таъкидлаш керакки, барча металлларни мераллотермик, кокс ёрдамида қайтариш усулларида олиб бўлмайди. Чунки, фаол металлларнинг қотишмалари жуда барқарор бўлади. Уни тўлиқ ажратиб, бошқа керакли металл билан қотишма қилиш учун бизга электролизёр асбоби керак бўлади.

Ҳозирги кунда олиб борилаётган бозор иқтисодиёти шароитида сифатли, арзон маҳсулотларга бўлган талаб юқори. Биз шу мақсадда 15 вольт ва 60 амперда ишлайдиган электролизёр ясадик. Менинг мақсадим назарий билим билан амалий билимни бир хил ривожлантириш, яъни электролиз усулида олинадиган модда миқдорини ошириб унга кетадиган харажатларни камайтириш.

Шу мақсадда тоза ҳолда металлларни тузлар, оксидлар ва бойитилган рудалар таркибидан ажратиб олиб, ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва тоза ҳолда кислородни ажратиб олиш. Чунки кислород тиббиётда, бетон, темир-бетон ўртача чидамли материалларни кесишда, рандалаш, йўниш, тозалаш ва бошқаларда соҳаларда кенг фойдаланади.

Менинг хулосам шуки, мен ажратмоқчи бўлган метал ва металмас моддалар ишлаб чиқариш бошқа халқ хўжалиги, техника тараққиётида ишлатиладиган материаллар учун синтез қилинадиган жараёнларга арзон ва сифатли хомашё етказиб бериш.

Республикамызда олиб борилаётган иқтисодий ислоҳатлар бозор иқтисодиёти шароитида ишлаб чиқаришни ривожлантириш, хизмат кўрсатиш сифатини яхшилашга янада

кенг имкониятлар очиб бермоқда. Жамият томонидан ишлаб чиқариладиган маҳсулотга талаб юкорилиги сабабли жамиятнинг иш фаолиятини тез орада йўлга қўйишга олиб келади. Ҳозирги кунда хизмат кўрсатишни тўхтовсиз олиб бориш ва бозордаги мавжуд рақобатга бардош бериш учун жамият ўз хизматларини сифатини ошириш учун қўшимча маблағга эҳтиёж сезмоқда.

Саноат ишлаб чиқариши бошқарув объекти сифатида мураккаб динамик ижтимоий-иқтисодий тизимни ташкил қилади. Саноатнинг динамиклиги ишлаб чиқариш хажмлари, кадрларнинг касб ва малака даражасининг мунтазам ўсиб бориши, уларнинг тузилмаларидаги ўзгаришлар; ишлаб чиқаришнинг янги техникаси, технологияси ва ташкил этишнинг жорий қилиниши; янги маҳсулот турларининг ўзлаштирилиши; ишлаб чиқариш муносабатларида рўй берувчи ўзгаришлар билан белгиланади.

Бугунги кунда биз кимёвий технологлар барча моддалар тупроқ, сув, чиқиндилар, ҳатто заҳарли газлардан ҳам зарарсиз керакли моддаларни олиб ишлаб чиқаришни йўлга қўйиб, она юртимизни ривожланишига ўқиб изланиб, янги кашфиётлар яратиб, ўз хиссамизни қўшишимиз керак деб ўйлайман.

ЭФФЕКТИВНОЕ ИСПОЛЬЗОВАНИЕ ЗЕМЕЛЬНЫХ РЕСУРСОВ В УСЛОВИЯХ СТРУКТУРНЫХ ПРЕОБРАЗОВАНИЙ

**Ш.Юлдошев, преподаватель
М.Курбанова, студент, ГулГУ**

Глубокие структурные изменения происходят в сельском хозяйстве. Благодаря самоотверженному труду и мастерству фермеров и дехкан, несмотря на сложные погодные условия, в республике выращен и собран богатый урожай сельскохозяйственной продукции- произведено более 7 миллионов 500 тысяч тонн зерна, более 3 миллионов 350 тысяч тонн хлопка. Следует отметить, что полученные высокие урожаи обеспечены в основном за счет интенсификации сельскохозяйственного производства, улучшения селекции и внедрения районированных сортов хлопчатника и зерновых колосовых культур, освоения современных агротехнологий¹¹⁵.

В условиях модернизации экономики особое значение приобретает охрана и рациональное использование земельных ресурсов. В стране проводится целенаправленная работа, по борьбе с деградацией земель и повышение уровня жизни сельского населения направленных на привлечение координированных инвестиций в усовершенствование землепользования в сельской местности, конечным результатом которого является успешного осуществления концепций для устойчивого управления земельными ресурсами. Ежегодно на поддержку фермерских хозяйств выделяются значительные средства и ассигнования. Земли аграрного сектора экономики являются одной из важнейших ресурсов, здесь создается 26,8% всего ВВП Узбекистана. Особой гордостью страны являются орошаемые земли, составляющие около 4,3 млн. га, на которых производится свыше 95,0% всей сельскохозяйственной продукции.

В Узбекистане активно проводится широкомасштабная программа рационального использования земельных ресурсов в аграрном секторе. Принципиально важным приоритетом экономической программы на ближайшую перспективу является дальнейшее углубление реформирования и структурных преобразований в сельском хозяйстве, эффективного использования земельных и водных ресурсов. Надо сказать, что с переходом на фермерскую систему хозяйствования вопрос оптимизации размеров участков, которыми

¹¹⁵ Каримов И.А. Создание в 2015 году широких возможностей для развития частной собственности и частного предпринимательства путем осуществления коренных структурных преобразований в экономике страны, последовательного продолжения процессов модернизации и диверсификации-наша приоритетная задача.// Народное слово, №11. 17.01.2015.

на правах арендной собственности наделяется каждое фермерское хозяйство, остается актуальным. Это, в первую очередь, связано с тем, что в условиях орошаемого земледелия, дефицита водных ресурсов и большой засоленности практически все посевные территории в Республике Каракалпакстан, областях и сельских районах страны отличаются большим разнообразием по плодородию и бонитету земель.

Узбекистан-страна с развитым агропромышленным сектором. Она располагает 25 млн. 736 тыс. га земель сельскохозяйственного назначения, из них площадь орошаемых земель составляет около 4,2 млн. га, в том числе, площадь орошаемой пашни 3,30 млн.га. Именно на орошаемых землях получают свыше 97% всей сельскохозяйственной продукции республики. Из-за водного дефицита увеличивать площадь орошаемых земель практически невозможно. Сельское хозяйство даёт примерно 25% валового внутреннего продукта. По производству хлопка Узбекистан занимает пятое место в мире. Он обеспечил свою зерновую независимость, собрав в 2007 г. свыше 6 млн. тонн зерна колосовых культур. В настоящее время страна производит около 3,7 млн. т. хлопка сырца, 7,5 млн. т зерна, более 6 млн. т. плодоовощной продукции, ежегодно экспортирует около 1,2 млн. т. хлопкового волокна, 590 тысяч т. плодоовощной продукции. За последние два года за счет восстановления и реконструкции более 37 тысяч километров коллекторов и дренажных систем, включая 35 тысяч километров межрайонных и межхозяйственных сетей, улучшено мелиоративное состояние 740 тысяч гектаров орошаемых земель. Успешное осуществление экономико-экологических мероприятий, которые затем могут быть интегрированы в секторальные планы и бюджет, вносят свой вклад в общие приоритеты национального развития.

Необходимо отметить, что более широкие региональные и глобальные цели также будут достигнуты путем 1) сохранения, консервации и восстановления структуры и функциональной интегрированности экосистем и 2) стабилизации зон формирования стока, особенно для предотвращения эрозии почв и заиления водоемов.

Эффективность работы принципов устойчивого управления окружающей средой, прежде всего, зависит от развития потенциала страны в этой области. Поэтому был разработан Национальный доклад по борьбе с опустыниванием Республики Узбекистан, в котором обобщена и проанализирована деятельность по выполнению Конвенции по борьбе с опустыниванием. Однако необходима ежегодная оценка и пересмотр этих мероприятий, а также определение потенциала по Конвенции по борьбе с опустыниванием .

Проблемы опустынивания и засухи являются трансграничными проблемами и поэтому необходимы совместные действия государств по разработке и реализации проектов по борьбе с опустыниванием. Приоритетными вопросами субрегионального сотрудничества в области опустынивания, деградации земель для стран Центрально-азиатского региона являются мониторинг и оценка процессов опустынивания; создание системы раннего предупреждения и смягчения последствий засухи, улучшение водопользования в сельском хозяйстве; борьба с эрозией, засолением и заболачиванием; агролесоводство, управление лесными ресурсами и зонами водосбора; управление пастбищами и сохранение биоразнообразия и охрана природы, развитие этнотуризма.

По причине географических и природно-климатических особенностей Республика Узбекистан в высокой степени уязвима к ущербу окружающей среде, в особенности, в отношении ущерба неустойчивым аридным экосистемам. Наиболее серьезными экологическими проблемами наступательно угрожающими природным ресурсам страны являются возрастающее засоление почв и воды, ветровая и водная эрозия, стравливание пастбищ и вырубка лесов, потеря биоразнообразия и снижение продуктивности пахотных и пастбищных угодий. Экологические проблемы существуют во всех областях Узбекистана, но наиболее серьезные характерны для районов с наивысшей концентрацией населения .

Повышение продуктивности использования земельных ресурсов непосредственно связано с развитием фермерских и дехканских хозяйств. В результате оптимизации земельных участков дополнительно создано свыше 17,5 тысячи фермерских хозяйств и более 250 тысяч новых рабочих мест. Наибольшее количество фермерских хозяйств образовано в

Ташкентской, Джизакской, Наманганской, Самаркандской, Кашкадарьинской, Ферганской, Андижанской областях и Республике Каракалпакстан.

Избыточно засоленные земли всегда дают сниженный урожай по сравнению с незаселенными. Вместе с тем они требуют более значительных затрат труда и средств со стороны государства и непосредственно от земледельцев. Поэтому рациональное и эффективное использование, всемерное сохранение и повышение плодородия земель следует рассматривать как обязательный раздел государственной политики зональных, региональных и локальных систем земледелия и планов развития экономики страны и каждого хозяйства.

Таким образом, можно сделать вывод, что в настоящее время как никогда высок уровень экологического бедствия. Поэтому необходимо направить все усилия на решение проблем эффективного использования природных, земельно-водных и минерально-сырьевых ресурсов, как у нас в стране, так и в соседних среднеазиатских странах.

ТРАНСФОРМАЦИЯ РЕГИОНАЛЬНОЙ ПОЛИТИКИ В УСЛОВИЯХ СТРУКТУРНЫХ ПРЕОБРАЗОВАНИЙ

**преп.Ш.Юлдашев,
студент М.Курбанова, ГулГУ**

В процессе трансформации национальной экономики сформировалась и развивается рыночная инфраструктура, способствующая функционированию хозяйствующих субъектов в новых условиях в различных секторах экономики и социальной сферы. На современном этапе развития национальной экономики рыночная инфраструктура превратилась в широко разветвленную сеть организаций (компаний, фирм, предприятий и др.), выполняющих разнообразные работы и услуги, востребованные рыночной системой хозяйствования и институциональными преобразованиями. Сама жизнь и опыт прошлых лет требуют от нас устранить серьезные проблемы в обеспечении комплексного развития территорий, создания и коренной перестройки инфраструктуры.¹¹⁶

Возникающие сложности, противоречия и проблемы в функционировании рыночной инфраструктуры проявляются и на региональном уровне, что не лучшим образом сказывается на реализации имеющегося потенциала и социально-экономическом развитии регионов. Современные условия формирования инновационной модели хозяйствования и обеспечения стабильного экономического роста в регионах диктуют высокую значимость эффективного и бесперебойного выполнения функций и предоставления адекватных услуг всеми составными частями региональной рыночной инфраструктуры. В этом деле, наряду с рыночными механизмами, немаловажная роль принадлежит государству и местным органам власти.

Для комплексного рассмотрения региональной политики, целей и задач необходимо выделить основные ее виды. Различают следующие виды региональной политики :

-по целям: выравнивание уровней развития регионов, расширение спектра социальных ролей в регионах, рационализация использования местных ресурсов, рационализация межрайонного сотрудничества;

-по механизму: автоматическая (распределение по формуле), проблемная (по специальным программам), целевая (по конкретным регионам);

-по средствам: финансовая (помощь, льготы, штрафы), административная (разрешения и запреты), инфраструктурная (строительство дорог и другое);

-по объекту: борьба с чрезмерной специализацией хозяйства, снижение остроты противоречия "регион - страна", сглаживание контрастов "бедные - богатые регионы";

-по адресату: региональные власти, предприятия и организации, граждане.

Уровень социально-экономического развития страны, особенности ее регионального развития определяют цели региональной политики:

¹¹⁶ Мирзиёв Ш.М. Критический анализ, жесткая дисциплина и персональная ответственность должна стать повседневной нормой в деятельности каждого руководителя.//Народное слово, №11. 16.01.2017.

-обеспечение экономических, социальных, правовых и организационных основ создания единого экономического пространства;

-обеспечение единых минимальных социальных стандартов и равной социальной защиты, гарантирование социальных прав граждан, обеспечение социальной помощи независимо от экономического положения региона;

-выравнивание условий социально-экономического развития регионов;

-создание условий для укрепления собственной экономической базы регионов;

-предотвращение загрязнения окружающей среды, а также ликвидация последствий ее загрязнения, комплексная экологическая защита регионов.

В качестве приоритетных задач региональной экономической политики можно определить:

-содействие развитию и углублению экономической реформы, формированию во всех регионах многоукладной экономики, становлению региональных и общегосударственных рынков товаров, труда и капитала, институциональной и рыночной инфраструктуры;

-сокращение чрезмерно глубоких различий в уровне социально-экономического развития регионов, поэтапное создание условий для укрепления в них собственной экономической базы повышения благосостояния населения, рационализация систем расселения;

-достижение экономически и социально оправданного уровня комплексности и рационализации структуры хозяйства регионов, повышение ее конкурентоспособности в рыночных условиях;

-развитие межрегиональных инфраструктурных систем (транспорта, связи, информатики и других);

-оказание государственной поддержки районам экологической напряженности, регионам с высоким уровнем безработицы, демографическими и миграционными проблемами;

-совершенствования экономического районирования.

Способы и средства, которые государство может использовать для решения региональных проблем, можно назвать методами региональной политики. Методы региональной политики определяются принципами государственного регулирования общественных процессов. Государственное регулирование регионального развития может осуществляться мерами прямого и косвенного воздействия.

Реализация региональной политики предполагает институциональные преобразования, формирование институциональной инфраструктуры, позволяющей реализовать ее цели и задачи. Ядром последней являются институты региональной политики - государственные организации, комиссии, уполномоченные формировать и проводить региональную политику. Они являются частью государственного механизма, специализированного не только на решении региональных проблем, но и на взаимодействии с регионами.

В целом, анализ теоретических концепций региональной политики, ее целей, задач и методов позволил выделить блоки проблем, от решения которых зависит действенность региональной политики:

1.Ограниченность ресурсного обеспечения территориально-регулятивной деятельности государства, целевое распределение ресурсов и гарантии результативности их использования.

2.Упорядочение организационной структуры государственного управления региональным развитием с целью координации деятельности органов государственной власти и органов исполнительной власти регионов.

3.Недостаточность научного обеспечения региональной политики. Основные концепции регионального развития базируются на единых методологических посылах, различаясь вариантами стратегии, методов, стимулов и т. д. Более того, все они, опирающиеся на опыт других стран, ориентированы на условия стабильного развития. Для современного Узбекистана следует разрабатывать концепцию региональной политики переходного

периода.

Таким образом, теоретическая модель региональной политики, по нашему мнению, должна отвечать следующим требованиям: долговременность; адаптивность; сопряженность с перспективной программой социально-экономического развития Узбекистана; комплексность; ориентация на экономическое и социальное развитие регионов; обеспечение приоритета общенациональных интересов.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИГА ХИЗМАТ КЎРСАТУВЧИ АГРОХИЗМАТЛАР БОЗОРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Д.Ғ. Янгибоев, ўқитувчи. ТошДАУ

Аграр соҳасида амалга ошириладиган ислохотларни асосий мақсадларидан бири ҳам қишлоқда янги иш ўринларини барпо этиш ва янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқаришга қаратилгандир. Ҳар қандай ишлаб чиқариш жараёни унга таъсир этувчи омиллардан самарали фойдаланиш натижасида ўз самарасини беради. Бу эса шу соҳада хизматлар бозорини ривожланганлик даражасига боғлиқ бўлади. Қишлоқ хўжалигида ҳам кўзланган натижага эришиш, ишлаб чиқариш жараёнида ресурслардан тўғри фойдаланишга агрохизматлар бозорини ривожланганлик даражаси ўз таъсирини кўрсатади. фермер хўжаликларга хизмат кўрсатувчи агрохизматлар бозори томонидан кўрсатиладиган хизматларни йириклаштириш мақсадга мувофиқдир, яъни турли хизматларни ўзида мужассам этган йирик агрохизматлар бозорини ривожлантиришни устувор йўналишларда олиб бориш зарурдир.

Ҳозирда қишлоқ хўжалигида агрохизматлар бозорини ривожлантиришда лизинг компанияларини ривожланганлиги ва улар томонидан жалб қилинадиган молиявий маблағлар ҳам ўзини ижобий самарасини бермоқда бу эса агрохизматлар бозорини юқори даражада сифатли ресурслар билан таъминланишига хизмат қилмоқда.

Республикамиз бўйича 2016 йилнинг 1 январ ҳолатига кўра, республикамизда 1171 та мини банк, 1357 та ёқилғи-мойлаш материалларини тарқатиш шахобчаси, 1645 та муқобил МТП, 1518 та сувдан фойдаланувчилар уюшмаси, 904 та минерал ўғитларни тарқатиш шахобчаси, 2596 та зотли молларни сотиш ва зооветеринария хизматини кўрсатиш шахобчалари, 348 та ахборот таъминоти ва коммуникация хизматини кўрсатиш шахобчаси, 153 та тара идиш ва қадоклаш шахобчалари, 121 та транспорт хизмати кўрсатиш шахобчаси ва 195 та агрофирмалар ташкил этилди (1-жадвал).

Фермер хўжаликларига хизмат кўрсатувчи инфратузилма субъектлари тўғрисида жадвал маълумотларини таҳлил қиладиган бўлсак, 2016 йилда 2010 йилга нисбатан фермерларга хизмат кўрсатадиган мини банклар сони 130,8 фоизга, муқобил МТПлар сони 105,3 фоизга, сувдан истеъмолчилари уюшмаси 118,8 фоизга, ЁММ сотиш шахобчалари 122,2 фоизга, зооветеринария пунктлари 6,8 мартага, транспорт хизмати кўрсатиш шахобчалари 157,1 фоизга ва тара идиш материаллари тайёрлаш шахобчалари 209,5 фоизга ошган.

1-жадвал. Фермер хўжаликларига хизмат кўрсатувчи инфратузилма субъектлари

Инфратузилма объектлари	2010 й.	2012 й.	2014 й.	2016 й	2016йил. 2010 й.га нис.%
Мини банк	895	1094	1180	1171	130,8
Муқобил МТП	1562	1777	1681	1645	105,3
Минерал ўғитлар сотиш шахобчаси	1051	928	917	904	86,0
Сувдан истеъмолчилари уюшмалари	1271	1676	1487	1518	119,4

ЁММ сотиш шохобчаси	1110	1373	1366	1357	122,2
Қ-х маҳсулотлари сотиш шохобчаси	581	424	420	384	66,0
Зооветеринария пунктлари	381	2278	2596	2596	681,3
Ахборот-Камуникатция хизмати кўрсатиш шохобчалари	317	300	318	348	109,7
Транспорт хизмати кўрсатиш шохобчаси	77	82	85	121	157,1
Тара идиш материаллари тайёрлаш шохобчалари	73	78	78	153	209,5

Манба: Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги маълумотлари асосида тайёрланган

Ахборот-коммуникация хизмати кўрсатиш шохобчалари 31 тага кўпайган. Лекин минерал ўғитлар сотиш шохобчалари 86,0 фоизга, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сотиш шохобчалари 66,0 фоизга камайган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, қуйидагиларни хулоса қилиш мумкин. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг сифатли ва салмоқли бўлишида хизмат кўрсатувчи инфратузилмаларнинг ўрни бекиёсдир. Шу сабабли қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатувчи агрохизматлар бозорини ривожлантириш бугунги кунда қишлоқ хўжалик корхоналарининг самарали фаолият юритишини таъминлаш билан бирга қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлаш имкониятлари яхшиланади.

БАНКЛАРНИНГ ЛИКВИДЛИГИ ВА УНГА ТАЪСИР ҚИЛУВЧИ ОМИЛЛАР

**Б.Ф.Одилов, магистрант
Ш.Қ.Нуров, талаба. ТМИ**

Маълумки, мамлакатнинг молиявий-иқтисодий инқирозга юз тутиши оқибатида банк миқдорларининг молиявий имкониятининг пасайиши, уларга ажратилган кредитлар қайтарилишининг сусайиши, банк депозитлари (омонатлари)дан маблағларни олиб қўйиши жараёнлари юз беради ва аксинча, иқтисодиётнинг ривожланиши эса банкларга қўшимча маблағларининг келиб тушиши ҳамда банк ресурсларининг шаклланиши учун замин яратади. Банкларнинг фаолиятига миқдорий баҳо берувчи, ишончлигини таъминловчи ва унинг фаолиятига аниқ ташхис қўювчи воситаларидан бири бу – банкнинг ликвидлиги ҳисобланади. Банкнинг барқарор ривожланиши унинг ликвидлик даражасининг таъминланишини талаб этади. Банк ликвидлиги нафақат банкнинг барча контрагентлари олдидаги молиявий ва қарз мажбуриятларини ўз вақтида ва тўлиқ бажарилишини таъминлаш имкониятини беради, балки банк контрагентларининг кредитларга бўлган эҳтиёжларини ҳам таъминланишини белгилаб беради.

Банк ликвидлиги унинг мажбуриятлари билан ҳам ўзаро боғлиқ. Маълумки, банк мажбуриятларининг таркибида талаб қилиб олинган сакланадиган, жамғарма ва муддатли депозитлар, жалб қилинган банклараро ресурслар, кредиторларнинг қарз маблағлари, банклар томонидан берилган кафолатлар акс этади. Банк мажбуриятларининг ўз вақтида, тўлиқ ва йўқотишларсиз бажара олиш имкониятини банк ликвидлиги ўзининг зиммасига олади. Ликвидликни таъминлай олмайдиган банк тўловга лаёқатсиз бўлиб қолаверади ва натижада у банкротликка юз тутиши муқаррар.

Банк мажбуриятларининг ўз вақтида, тўлиқ бажарилиши ва уларни йўқотишларсиз таъминлашнинг зарурлиги банк раҳбарларидан ликвидликнинг ўзгаришига таъсир қиладиган омилларни таҳлил қилиб боришни талаб этади. Банк раҳбари томонидан ликвидликни самарали бошқариш учун унга таъсир этувчи асосий омилларни аниқлаб олиши зарур, чунки

бу омилларни аниқлаш банк раҳбари учун банк амалиётида юз берадиган негатив ўзгаришларни олдиндан кўра билиш ва унга нисбатан эҳтиёт чорасини кўриш учун имконият яратади. Банк ликвидлигини бошқаришда Марказий банкнинг назорат функциясининг самарадорлиги давлат назорат органларининг муносабатини белгилаб беради. Марказий банк ликвидликнинг зарурий меъёрини белгилаш имкониятига эга ва тижорат банклари бу меъёрларга риоя қилиши лозим. Бунда аниқ белгиланган кўрсаткичлар банкнинг ликвидликни таъминлашга ёрдам беради.

Банк ликвидлигининг ўзгариши банк фаолиятининг ичида юзага келадиган бир қатор ички омиллар билан ҳам боғлиқ. Булар банкнинг мустаҳкам капитал базаси, банк активлари ва депозитлар сифати, ташқи манбаларга боғлиқликлиги, актив билан пасивларнинг муддатлари бўйича мувофиқлиги, банкнинг менежменти, банк нуфузи каби омиллардир.

Банк ликвидлигига активларнинг сифати ҳам таъсир кўрсатади ва уларнинг сифати ликвидлик, хатарлилик, даромадлилик ва диверсификациялаш мезонлари орқали аниқланади.

Банкнинг ликвидлик даражасини таъминлаш учун банкдан кассадаги нақд пуллар, Марказий банкдаги ва бошқа банклардаги вакиллик ҳисобварағидаги қолдиқ маблағлар ва давлат қисқа муддатли облигацияларни сақлаб туришни талаб этади. Активларнинг ликвидлик даражаси қисқа муддатли ссудалар, банклараро кредитлар, факторинг операциялар, акциядорлик жамиятининг қимматли қоғозлари, банкнинг узоқ муддатли қўйилмалари ва инвестициялари билан боғлиқ бўлиб, улар муайян муддат ичида нақд пулларга айланиши қобилиятига эга. Муддати ўтган ссудалар, қимматли қоғозларнинг турлари, бино ва иншоотлар кўринишидаги активлар ва ноликвидли активларни ташкил этади. Банк активларининг таркибида ноликвид активларнинг кўпайиши банкнинг ликвидлигига салбий таъсир кўрсатиши маълум. Қайтарилмаган кредитлар учун банк ўзининг даромадлари ҳисобидан кўрилиши мумкин бўлган захираларни шакллантиради, зарурий ҳолларда улар шакллантирилган захиралар ҳисобидан банк томонидан қопланиши ҳам мумкин.

Тижорат банкининг ликвидлигини хўжалик юритувчи субъектларнинг ликвидлиги сифатида қараш мумкин. Маълумки, тижорат банкининг ликвидлиги тўғридан-тўғри, банкдаги ҳисобварақлар орқали ўтувчи пул оқимларининг хусусиятлари билан боғлиқ. Айнан, тижорат банкларининг хусусияти пул оқимлари тизими сифатида, банк ликвидлиги тушунчасининг ўзига хос компоненти сифатида алоқа қилади, бунда ликвидлик тижорат банкининг мавжуд мажбурий шарти бўлиб қолади. Банк учун энг муҳими ҳозир ва келажакда кирим ва чиқим қилинадиган пул оқимларининг мувозанатини таъминлашнинг реал ва потенциал имкониятлари зарур.

Фикримизча, пул маблағларини ресурси сифатида қисқа муддатга банкка жалб қилиш, уларни узоқ муддатли активларга жойлаштириш, иқтисодий ва сиёсий нобарқарорлик натижасида маблағнинг чиқиб кетиш жараёнлари банкнинг ликвидлик даражасини пасайтиради, ва аксинча, халқаро капиталларнинг банкларга кирим қилиниши банкнинг ликвидлик даражасини оширади. Шу билан бирга, банк ликвидлигининг ўзгаришига «банкка жалб қилинган ресурсларга белгиланган фоиз ставкаси билан миллий валюта курсининг ўзгариши», кредитлар ва депозитлар учун ўрнатилган фоиз ставкалари ҳам таъсир этади. Масалан, бу ҳодисани 1998 йилда айрим мамлакатлардаги инқироз даврида АҚШ доллари курсининг ниҳоят даражада ўсганлигини ва бу жараёнга сабаб бўлганлигини кўришимиз мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, банк ликвидлигига таъсир қилувчи омилларни таҳлил қилиш ва уларнинг ўзига хос хусусиятларини батафсил ўрганиш банкнинг «оғрик» нуқталарини ва мавжуд муаммоларнинг ечимларини топишга, уларни юзага келишининг олди олинади ва улар ўз вақтида бартараф этиш учун амалий ёрдам беради.

ЎЗБЕКИСТОНДА АҲОЛИ БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ АҲАМИЯТИ ҲАМДА НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

Бугунги кунда мамлакат тараққиётининг муҳим кўрсаткичларидан бири аҳоли бандлигининг таъминланганлик даражаси ҳамда аҳоли бандлиги бўлиб – бу ижтимоий ҳимоянинг энг мақбул йўли ҳисобланади. Одамларнинг муносиб ишга эга бўлиши жамиятда ижтимоий барқарорликни таъминлаб, аҳолининг истеъмол қувватини оширади, фуқароларнинг ижтимоий фаоллигини юксалтириб, уларнинг бунёдкорлик ишларида иштирокига кенг йўл очади.

Ўзбекистон аҳолиси ва ишчи кучи ресурслари таркибида ёшлар катта қисми ташкил қилади. Буни ҳар йили меҳнат бозорига қарийб 500 минг атрофида йигит-қизларимиз кириб келаётганида ҳам кўриш мумкин. Ҳар қандай давлат тараққиётида иш ўринларини яратиш ва бандликни таъминлаш орқали аҳоли фаровонлигини ошириш асосий омиллардан бири сифатида алоҳида аҳамиятга эга.

Республикамизда ҳар йили иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг мажлисида кенг муҳокамадан ўтказилиб, тасдиқланади. Иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурининг асосий мақсади аҳолини иш билан таъминлаш бўйича комплекс ва бир-бирига ўзаро боғлиқ чора-тадбирларни ҳудудлар ҳамда иқтисодиёт тармоқларининг бу борадаги салоҳиятини сафарбар қилиш йўли билан рўёбга чиқариш, демографик ва меҳнат бозори омилларини ҳисобга олган ҳолда бандликнинг самарали шаклларини ривожлантиришга ҳар томонлама кўмаклашишдан иборат. Вақтинча ишламаётган корхоналарнинг фаолиятини тиклаш ва соғломлаштириш орқали ҳам иш ўрни яратилиши белгиланган бўлиб, бунда паст рентабелли ва зарар кўриб ишлаётган корхоналарнинг молиявий-иқтисодий аҳволини яхшилаш, истиқболсиз корхоналар негизида янги ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этиш шарти билан мулкдорларга бериш муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.


Иш билан бандлик одамларнинг Ўзбекистон республикаси Конституциясига ва қонунларига зид келмайдиган, ўз шахсий ва ижтимоий эҳтиёжларини қондириш билан боғлиқ бўлган, уларга иш ҳақи (меҳнат даромади) келтирадиган фаолиятидир. Меҳнат қилишга маъмурий йўл билан бирон-бир шаклда мажбур этишга йўл қўйилмайди. Ўзбекистон Республикаси қонунларида кўзда тутилган ҳоллар бундан мустасно. Одамларнинг ихтиёрий равишда иш билан банд бўлмаслиги уларни жавобгарликка тортиш учун асос бўлмайди. Бошқа давлатларнинг республика ҳудудида вақтинча туриб, дипломатик ваколатхоналар фаолиятини таъминлаш билан боғлиқ бўлмаган ишларни бажарувчи фуқаролари ҳам иш билан таъминланган аҳоли жумласига қиради.

Ҳар бир мамлакатда иқтисодий сиёсат, молиявий, пул-кредит тизими ишсизлик даражасининг ошиши ёки камайишига таъсир кўрсатади. Бугунги кунда жаҳонда ишсизлик даражаси юқори бўлган мамлакатлар сонининг ортиб бораётгани жаҳон ҳамжамиятини ташвишлантирмоқда. Бу муаммо айрим давлатларнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий барқарорлигига путур етишига сабаб бўлмоқда.

Мамлакатимизда ушбу масала давлат сиёсати даражасига кўтарилиб, аҳоли бандлигини таъминлашнинг ҳуқуқий ва ташкилий асослари яратилган. Хусусан, Меҳнат кодекси, “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”ги Қонун билан аҳоли бандлигини таъминлаш, унинг меҳнат ҳуқуқларини рўёбга чиқаришда давлат сиёсатининг асослари белгилаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат Кодекси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1995 йил 21 декабрдаги 161-1-сонли қарори билан тасдиқланган бўлиб 1996 йил 1 апрелдан амалга киритилган. 294 та моддадан иборат. Меҳнат кодекси Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида амал қилади.

Ҳозирги замон ривожланган бозор иқтисодиётида иш билан бандлик ҳамда унинг ташкил қилиш муаммоси ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатларда янгича маъно касб этмоқда.



1-расм. Республикада аҳоли бандлиги дастури бўйича 2014-2017 йилдаги янги иш ўринлари

Дастур доирасида 2017 йилда 789,5 мингта иш ўринлари яратиш белгиланган. 1-расмда Ўзбекистон Республикасида 2017 йилда янги иш жойлари яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури бўйича ташкил этилиши режалаштирилган иш ўринлари ҳақида маълумот келтирилган. Бунда энг кўп иш урни яратиш 2016 йил дастурида берилган ва 992700 нафарни ташкил этади. Энг кам иш урни яратиш эса 2017 йил дастурида берилган ва 789500 нафарни ташкил этади

Хулоса қилиб айтганда бугунги кунда мамлакат тараққиётининг муҳим кўрсаткичларидан бири аҳоли бандлигининг таъминланганлик даражаси ҳамда аҳоли бандлиги бўлиб – бу ижтимоий ҳимоянинг энг мақбул йўли ҳисобланади. Қишлоқ аҳолиси бандлигини таъминлашда кишиларнинг меҳнат ва тadbиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш керак.

ТИЖОРАТ БАНКЛАРДА АКТИВЛАРНИ ҚАДРСИЗЛАНИШИ ҲИСОБИ

Холматов Ф.Х., магистрант, БМА

Эркин бозор иқтисодиёти шароитида фаолият кўрсатиш тижорат банкларида етарли ресурс маблағлари бўлишини, мавжуд маблағларни энг кам таваккалчилик асосида жойлаштириб юқори даромад олиш талаб этилади. Тижорат банклари фаолиятининг даромад олиш имкониятлари молиявий ресурсларга боғлиқдир. Молиявий ресурслар, уларнинг таркибида банк активлари ва асосан даромад келтирувчи активлар муҳум аҳамиятга эга. Шунинг учун уларнинг таркибини ўрганиш ва бошқаришни такомиллаштириш долзарб масаладир.

Активларнинг қадрсизланиши таҳлили Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандарти 36-сонли ҳамда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2005 йил 10 сентябрдаги 19/5-сон Қарори билан рўйхатга олинган “Тижорат банкларида молиявий

активларнинг бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиби тўғрисида” ги Низомга мувофиқ амалга оширилади.

Банклар ҳар бир ҳисобот санасига молиявий активнинг ёки молиявий активлар гуруҳининг қадрсизланишини тасдиқловчи объектив далиллар бор-йўқлигини баҳолаши ва кўрилиши мумкин бўлган зарарларни баҳолашга ёки кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захирасини оширишга зарурат бор-йўқлигини аниқлаштириши лозим.

Фоиз ставкасининг ўзгариб туриши қарз қимматли қоғозларининг ҳаққоний қийматига таъсир қилади. Бироқ, фоиз миқдорининг ўзгариб туриши билан боғлиқ ҳаққоний қийматнинг ўзгариши қадрсизланишга олиб келмайди.

Банклар молиявий активларнинг қадрсизланиши бўйича юқорида келтирилган қарорда белгиланган қоидалардан фойдаланган ҳолда, шунингдек тижорат банкларида активлар сифатини таснифлаш ва активлар бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаш учун захиралар шакллантириш ҳамда улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги Низомга мувофиқ кўрилиши мумкин бўлган зарарлар суммасини баҳолайдилар. Банклар кўрсатилган тартиб асосида аниқланган катта миқдордаги зарарга тенг бўлган кўрилиши мумкин бўлган зарарни баҳолашни акс эттиради. Ушбу Низом эса МҲХСларига мувофиқ молиявий активларнинг қадрсизланишини баҳолаш услубини умумлаштиради. Бу ҳужжатларда қўлланилган услубларнинг бир-биридан кичкина фарқи бўлсада, мазкур иккала ҳужжатдаги асосий тамойиллар бир хил. Ушбу иккала услубга асосан баҳолангандаги зарарлар суммаси унчалик фарқ қилмаслиги лозим ва банклар катта зарар суммаларини акс эттирадидилар.

МҲХСларида «қадрсизланишдан кўрилган зарар» иборасидан фойдаланилган бўлиб, у «кўрилиши мумкин бўлган зарарлар» иборасига ўриндош ҳисобланади.

МҲХСларига мувофиқ, қачонки молиявий актив ёки молиявий активлар гуруҳи дастлабки тан олингандан кейин рўй берган бир ва ундан ортиқ ҳодисалар натижасида уларнинг қадрсизланиши тўғрисида гувоҳлик берувчи маълумотлар мавжуд бўлса ва бу ўз навбатида ушбу молиявий актив ёки молиявий активлар гуруҳи бўйича кўзда тутилган келгуси пул оқимларига салбий таъсир кўрсатиб, зарар кўришга олиб келса ва у ишончли тарзда баҳоланган бўлса, мазкур молиявий актив ёки молиявий активлар гуруҳи қадрсизланган ҳисобланади ва бу ҳолат зарарларнинг пайдо бўлишига олиб келади.

Балки қадрсизланишга олиб келувчи алоҳида, ягона ҳодисаларни аниқлаш имкони йўқ бўлиши мумкин. Қадрсизланиш асосан умумий таъсир этувчи рўй берган бир қанча ҳодисалар туфайли вужудга келиш эҳтимоли катта бўлади. Келгуси ҳодисалар натижасида кўрилиши кутилаётган зарарлар тан олинмайди.

Амортизация қиймати бўйича акс эттирилган сўндириш муддатигача сақланадиган қимматли қоғозларга қилинган инвестицияларнинг қадрсизланиши тўғрисида объектив далиллар мавжуд бўлса, у ҳолда ушбу зарар мазкур активнинг баланс қиймати билан актив бўйича кутилаётган пул оқимининг жорий қиймати (ҳали қилинмаган келажакдаги зарарларни чегириб ташлаган ҳолда) ўртасидаги фарқ сифатида баҳоланади. Мазкур жорий қиймат ушбу актив бўйича дастлабки реал фоиз ставкаси (яъни, дастлабки тан олишда ҳисобланган реал фоиз ставкаси)га тенг бўлган дисконт ставкасини қўллаш йўли билан ҳисоблаб чиқарилади.

Сўндириш муддатигача сақланадиган молиявий активлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захирасини ташкил этиш бўйича қуйидагича бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дт 56826 — «Сўндириш муддатигача сақланадиган қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни баҳолаш»	XX	
Кт 15999 — «Сўндириш муддатигача сақланадиган қарз қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси (контр-актив)»		XX

«Сотиш учун мавжуд» тоифасида таснифланган молиявий активнинг қадрсизланиши тўғрисида объектив далиллар мавжуд бўлганда, у ҳолда ҳаққоний қийматни тўғрилаш билан боғлиқ бўлган ва илгари тўғридан-тўғри капиталда акс эттирилган ихтиёрий кумулятив зарар ҳисобдан чиқарилади ва фойда ва зарарлар ҳисоботида акс эттирилади. Бунда қуйидагича бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Ҳақиқий қийматни тўғрилаш суммасини бекор қилиш учун:

Дт 10895 — «Сотиш учун мавжуд қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар ҳақиқий қийматининг ўзгариши»	XX
Кт 30907 — «Сотиш учун мавжуд қимматли қоғозларнинг ҳақиқий қиймати ўзгариши натижасида ҳосил бўлган ўзлаштирилмаган фойда ёки зарарлар (актив-пассив)»	XX
Кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захирасини ташкил этиш учун:	
Дт 56808 — «Сотиш учун мавжуд қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни баҳолаш»	XX
Кт 10899 — «Сотиш учун мавжуд қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси (контр-актив)»	XX

Капиталдан ҳисобдан чиқариладиган ва фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботда тан олинадиган кумулятив зарар суммаси активнинг баланс қиймати (ихтиёрий ҳақиқий қийматни тўғрилаш суммасини чегириб ташлаган ҳолда) билан жорий ҳаққоний қиймати ўртасидаги фарқ суммага тенгдир.

Агар кўрилиши мумкин бўлган зарар суммаси илгари капиталда тан олинган ҳақиқий қийматнинг салбий (манфий) тўғрилаш суммасидан ошиб кетадиган бўлса, у ҳолда банклар қўшимча кўрилиши мумкин бўлган зарарларни баҳолаш суммасини қуйидагича акс эттиради:

Дт 56808 — «Сотиш учун мавжуд қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни баҳолаш»	XX
Кт 10899 — «Сотиш учун мавжуд қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси (контр-актив)»	XX

«Олди-сотди қимматли қоғозлари» тоифасида таснифланган қимматли қоғозлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси камдан-кам ҳоллардагина ташкил этилади. Албатта бунда молиявий активнинг қадрсизланиши тўғрисидаги объектив далиллар борган сайин аниқлашиб бориши, шу билан бирга, ушбу қимматли қоғознинг жорий ҳаққоний қиймати мазкур қадрсизланишни акс эттирмаган бўлиши лозим.

«Олди-сотди қимматли қоғозлари» тоифасида таснифланган қимматли қоғозлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захирасини ташкил этишда қуйидагича бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дт 56806 — «Олди-сотди қимматли қоғозлари бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни баҳолаш»	XX
Кт 10799 — «Олди-сотди қимматли қоғозларидан кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси (контр-актив)»	XX

Юқорида баён этилганлардан ташқари, улушли воситалар қилинган инвестицияларнинг қадрсизланиши тўғрисида маълумот берувчи объектив далиллар сифатида, эмитент ўз фаолиятини технологик, бозор, иқтисодий ёки ҳуқуқий шарт-шароитларда амалга оширганда кўнгилсиз таъсир этувчи муҳим ўзгаришлар тўғрисидаги маълумотлар ҳам хизмат қилиши мумкин ва бу қарз инструментларига қилинган инвестициялар қайтарилмаслиги мумкинлигини кўрсатади. Улушли воситаларга қилинган инвестицияларнинг ҳақиқий қийматининг сезиларли ва давомли даражада пасайиши, яъни ҳақиқатдаги қийматидан кичик

бўлиши ҳам кадрсизланиш тўғрисида маълумот берувчи объектив далиллар бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Баъзи ҳолларда, молиявий актив бўйича кадрсизланишдан кўрилган зарар суммасини баҳолаш учун талаб этиладиган, кузатиладиган маълумотлар чегараланган ёки жорий мажбуриятларга тўлиқ мос келмаслиги мумкин. Масалан, бу қуйидаги ҳолда рўй бериши мумкин, яъни қарздор қийин молиявий ҳолатга тушиб қолганда ва ўхшаш қарздорлар тўғрисида жуда кам статистик маълумотларга эга бўлганда. Бундай ҳолларда, банк кадрсизланишдан кўрилган зарар суммасини баҳолаш учун ўзининг профессионал даражадаги фикрлаш хулосасини қўллаши лозим. Албатта, банк молиявий активлар группаси бўйича кузатилаётган маълумотларни жорий шарт-шароитларга мувофиқлаштириш мақсадида ўзининг профессионал даражадаги фикрлаш хулосасини қўллаши лозим. Онгли равишда кутилаётган баҳолашлардан фойдаланиш молиявий ҳисоботларни тайёрлаш жараёнининг узвий жараёни ҳисобланади ва бунда асло унинг ишончини йўқотмайди.

ИҚТИСОДИЁТНИ РЕСТРУКТУРИЗАЦИЯЛАШ ДАВР ТАЛАБИ

магистр Ш.Халилов, ТМИ

Миллий ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш ва бозор муносабат-ларининг такомиллашиб, жамият иқтисодий ҳаётида мустаҳкам ўрин эгаллаб бориш жараёни, бир томондан, мамлакатда давлатнинг иқтисодий эркинлаштириш ва жамиятни модернизациялаш сиёсатини изчил амалга оширишга, иккинчидан эса ишлаб чиқариш ҳамда молиявий соҳаларни рес-структуризациялашга боғлиқ.

Бугунги кунда иқтисодий реструктуризациялаш ва корхоналарни қайта ташкил этиш муаммолари асосан инқирозли жараёнлар билан боғлаб талқин қилинади. Шу маънода реструктуризациялашга корхоналарни инқи-роздан олиб чиқувчи самарали восита, яъни инқирозга қарши ташкилий бошқарув тизимини такомиллаштириш воситаси сифатида қаралади. Иқтисодий адабиётларда ва амалиётда “реструктуризация” термини мазмуни бўйича ҳалигача ягона фикрга келинмаган. Лекин шу билан биргаликда бу ҳодисанинг табиатини тушуниш бўйича бир қанча ёндашувлар ишлаб чиқилган. Реструктуризациялашнинг нимага йўналтирилганлигига боғ-лиқ ҳолда реструктуризацияни бизнесни олиб боришнинг ташкилий-ҳуқуқий шаклини ўзгартириш, ташкилот фаолиятини ислоҳ қилиш ёки капи-тал тузилмасини қайта шакллантириш сифатида қараш мумкин. Бироқ бу нуктаи назарлар реструктуризациядек комплекс ҳодисанинг фақат алоҳида қирраларига тегишли у ёки бу фаолият доираларининг ўзига хос жиҳатлари ни акс эттиради.

“Реструктуризация” термини ҳақида гап кетганда кўпроқ маънода қарз мажбуриятлари, инқироз ҳолатига яқин ташкилотларда қўлланилганлигини қайд этиш лозим. Бироқ қарзларни реструктуризациялаш бу фақатгина рес-структуризациялаш турларидан бири - молиявий реструктуризация элементиدير. Бунда реструктуризацияни ҳўжалик юритишнинг ташкилий-ҳуқуқий шаклини ўзгартириш билан чалкаштириб юбормаслик керак. Шу тарзда реструктуризацияни бирёқлама тушуниш бу инструментнинг рақобат кура-шида устунликка эришишда имкониятларин чеклаб қўйишга олиб келади. Инқирозга қарши бошқарув, жумладан реструктуризация соҳасида тадқиқот-лар билан шуғулланувчи етук иқтисодчи олимлар реструктуризацияни анча фундаментал ва узоқ муддатли характерга эга эканлигини таъкидлашади.

Реструктуризация бўйича кенг маъноли тушунчани О.С.Сухарев таклиф этади. У реструктуризация доирасида давлат сиёсатининг етакчи ўрни борли-гини таъкидлайди. Унинг фикрича реструктуризация – бу ташкилот, минтақа, иқтисодийнинг барча соҳалари даражасида қўланиладиган ва давлат назорати остида рақобатбардошлик, бандлик доирасининг ўсиши, реал даро-мадлар ва саноат комплексларини инвестицияларини шаклланишига олиб келувчи ва мамлакат ишлаб чиқарувчилари томонидан ҳам, ҳорижий

рақо-батчи ишлаб чиқарувчилар томонидан ҳам юқорида кўрсатилган рақобат сиқувини (прессингини) таъминлаш учун етарли оқловчан тадбирлардир.

Юқорида кўриб чиқилган тушунчалар реструктуризация моҳиятини аниқ-ловчи бир нечта аниқ тавсифларни ажратишга имкон беради:

- Реструктуризация – доимий ўзгаришлар, қайта шакллантириш, революцион, радикал, шунингдек аста-секинлик характеридаги эволюцион транс-формация.

- Реструктуризация фаолиятнинг барча соҳалари, иқтисодий тизим, бошқарув даражалари ва ташкилот активлари турларига туртки беради.

- Реструктуризация инқирозли ҳолатларни бартараф этишга ва бошқарув тизимини ўзгарувчан ташқи муҳит шароитларига мослаштириш йўли билан ўз вақтида огоҳлантиришга йўналтирилган турткидир. Реструктуризациянинг пировард мақсади самарадорликни, рақобатбар-дошликни ва иқтисодий тизим даромадлигини ошириш ҳисобланади.

Шу тарзда реструктуризация ташкилотлар даражасида унинг фаолиятини қайта шакллантириш, барча соҳаларда унинг рақобат устунчилигини қўллаш ва шакллантиришга йўналтирилган жараёнларни ўзида акс эттиради.

Менежмент назариясида айтилишича, аниқ қўйилган мақсад муваффа-қиятнинг ва унга эришишнинг 50 % ини таъминлайди. Бугунги кунда мамла-кат хўжалиги корхоналарига айнан фаолиятнинг аниқ мўлжалли йўналиш-лари етишмаяпти. Аниқ натижаларга йўналиш ололмаслик маълум муомма-ларни ечишда реструктуризациялаш натижасини режалаштирилган ҳолатга мос тушмаслигига олиб келади.Ташкилот раҳбарларининг ўз олдларига қандай мақсад ва вазифалар қўйишига боғлиқ ҳолда реструктуризациянинг барча шакллари ва турлари қуйидаги гуруҳлар бўйича бирлаштирилиши мумкин:

- Ташкилотларнинг мақсадлари узоқ муддатли (стратегик) ва қисқа муддат-ли (тезкор) эканлиги реструктуризациянинг стратегик ва тезкорлигини англади.

- Реструктуризацияга ташкилот фаолият доирасида маълум функционал муоммани ҳал этиш вазифаси киритилса, бундай ҳолатда реструктуризация бошқарув, ишлаб чиқариш, маркетинг,молия, кадрлар бўйича бўлиши мумкин.

- Реструктуризация инқирозли ҳолатдан огоҳлантиришга (превентив реструктуризация), инқирозни бартараф этишга (инқирозли реструктуризация) йўналтирилиши мумкин.

Ўзбекистон саноат корхоналарида реструктуризацияни амалга оширишдан кўзланган асосий мақсад уларнинг узоқ муддатли истикболда барқарор ривожланишини таъминлашдан иборат бўлиши керак. Бунга эришиш учун корхона реструктуризация натижасида товар айланмасини, фойда нормасини ва рақобатдошлигини ошириб бориши тақоза қилинади.

INNOVATSION IQTISODIYOTGA O'TISH SHAROITIDA INNOVATSION LOYIHALARNI TASHKIL ETISH XUSUSIYATLARI

**M.K.Shodiboyeva, talaba. GulDU
Ilmiy rahbar: Nurmuxammedova M.**

О'zbekiston Respublikasida hozirgi vaqtda amalga oshirilayotgan iqtisodiy siyosatning asosiy maqsadlaridan biri iqtisodiyotning jadal rivojlanishi , raqobatbardoshligini ta'minlash hamda innovatsion iqtisodiyotga o'tish hisoblanadi. Buning uchun bazaviy sohalarda ishlab chiqarishni qayta qurollantirish, yangi va zamonaviy texnologiyalarni,innovatsion loyihalarni faol joriy qilish va modernizatsiyalashni jadallashtirish orqali tarmoqlar va hududlarda tuzilmaviy o'zgarishlarni amalga oshirish, ular o'rtasidagi o'zaro bog'liqlik va mutanosiblikni ta'minlash, milliy iqtisodiyotni diversifikatsiyalash, ishlab chiqarish salohiyatini oshirish lozimdir. Bunda mazkur maqsadga erishishda, xususan, bugungi kunning ilm-fan yutuqlaridan keng va samarali foydalanish, ishlab

chiqarishda eng ilg'or va so'nggi avlod texnologiyalarini joriy etish, milliy iqtisodiyotning barcha tarmoq va sohalarida innovatsiyalarning rivojlanishiga e'tiborni yanada kuchaytirish va bunda innovatsiyalar sohasida xorijda yaratilayotgan yangiliklar va tajribalarga suyanib, ularni o'z iqtisodiyotimizga ko'chirib olib kelish bilan chegaralanib qolmasdan, balki, milliy amaliyot va yutuqlarimiz bilan yuqori darajalarga erishish, buning uchun barcha imkoniyat va salohiyatlarimizni ishga solish muhim ahamiyat kasb etadi."... Bugun biz davlat va jamiyat hayotining barcha sohalarini tubdan yangilashga qaratilgan innovatsion rivojlanish yo'liga o'tmoqdamiz. Bu bejiz emas, albatta. Chunki zamon shiddat bilan rivojlanib borayotgan hozirgi davrda kim yutadi? Yangi fikr, yangi g'oya, innovatsiyaga tayangan davlat yutadi. Innovatsiya – bu kelajak degani. Biz buyuk kelajagimizni barpo etishni bugundan boshlaydigan bo'lsak, uni aynan innovatsion g'oyalar, innovatsion yondashuv asosida boshlashimiz kerak. Shuning uchun biz innovatsion rivojlanish vazirligini tashkil etdik va uning oldiga aniq vazifalarni qo'ydik. Bu vazirlik nafaqat iqtisodiyot sohasida, balki butun jamiyat hayotida eng muhim loyihalarni amalga oshirishda o'ziga xos lokamativ rolini bajaradi, deb ishonamiz."¹¹⁷

Jumladan joriy 2018 yil "Faol tadbirkorlik, innovatsion g'oyalar va texnologiyalar yili" deb nomlandi va davlat dasturi qabul qilindi. Ushbu dasturda "Innovatsion faoliyat to'g'risida"gi O'zbekiston Respublikasi qonun loyhasini ishlab chiqish, loyihada innovatsion faoliyatni davlat tomonidan tartibga solish prinsiplari va qo'llab quvvatlash shakllari, innovatsion g'oyalar, ishlanmalar va texnologiyalardan foydalanish imkoniyatlarini kengaytirish ko'zda tutilgan.

Innovatsiya jarayonlarining rivojlanib borishida inson kapitaliga katta risklar ostida safarbar etilgan investitsiyalar, innovatsiya g'oyalari, ishlanmalar, ixtiro, kashfiyot va shu kabi yangiliklarni yaratilishiga, ya'ni innovatsiyalarni barpo etilishiga, ular negizida o'z navbatida innovatsiya loyihalarini shakllanishiga, texnik-iqtisodiy asoslash va tahlil o'tkazish yo'li bilan samaradorligini aniqlash, hamda tanlov asosida innovatsiyalarni tadbiq etish va moliyalashtirish qarorlari turadi.

Ilmiy texnik, texnologik yangiliklarni amaliyotga joriy etish innovatsiya loyihalarini ishlab chiqish hamda amaliyotga tadbiq etish bilan yo'lga qo'yiladi. Innovatsiya loyihalari, bizningcha, shakllantirilgan yangi texnik, texnologik g'oyalarni, ilmiy jihatdan asoslangan texnik, texnologik ishlanmalarni kuchli raqobat muhitida, makon va zamonda aniq maqsadlarga erishish uchun ehtimoli bo'lmish risklar asosida belgilangan muddatlarda amaliyotga joriy etilishiga qaratiladi va innovatsiya jarayonining keyingi uzviy ravishda bog'liq bo'lgan bosqichlarini tashkil etadi. Mamlakatimizda innovatsiya loyihalarini amalga oshirish mustaqillik yillaridan boshlab yangi rivojlanish tarixiga ega bo'lib kelmoqda, natijada har yili mahalliy xom ashyolarni qayta ishlash asosida jahon bozoriga raqobatdosh mahsulotlarni ishlab chiqarishga yo'naltirilgan innovatsiya loyihalari ilmiy tadqiqot institutlari, oliy ta'lim institutlari kafedralari, ilmiy bo'limlari olimlari tomonidan bajarilmoqda. Innovatsiya loyihalarini amalga oshirish xorijiy ekspertlar ishtirokida xalqaro anjumanlarda sinovdan o'tkazilmoqda. Har qanday investitsiya loyihasi kabi innovatsiya loyihalari aniq maqsadga ega bo'lib, unga erishishning mavjud imkoniyatlari, ya'ni moliyaviy, moddiy, mehnat resurslari, vaqt birligi (zamon va makonda) bilan birga doimo intellektual salohiyatga tayangan holda, yangi texnika-texnologiyalarni yaratish, ish-faoliyatni boshqarishning takomillashgan usul va shakllarini ishlab chiqish hamda ularni joriy etishga qaratilgan, aniq ma'lumotlar hisob-kitoblari, tahlillari asosida istiqbolga qilingan bashoratlarni o'z ichiga oluvchi kompleks hujjatlar yig'indisi hisoblanadi.

Innovatsiya loyihaning asosiy maqsadlaridan biri – korxonada yuqori sifatga ega bo'lgan kerakli miqdorda mahsulot ishlab chiqarish layoqatiga ega ekanligini raqobatchilarga isbotlashdan iborat.

Innovatsiya loyihalarining turlari, ularning hayotiy tsikllarining davomiyligiga qarab turlicha, ya'ni qisqa, o'rta va uzoq muddatli bo'lishi mumkin. Fan va texnika taraqqiyoti yutuqlari qanchalik tez shiddat bilan o'zgarsa, innovatsiya loyihalari hayotiy tsikllari muddatlari ham shunchalik qisqarib boradi. Shunday qilib, yangilik yaratuvchi ijodkorlarning g'oyalari, ixtirolari, kashfiyotlari va boshqalar, ya'ni innovatsiya jarayoni asosini tashkil etuvchi novatorlarning mahsulotlari

¹¹⁷ O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.M.Mirziyoyevning Oliy Majlisga Murojaatnomasi.

eksperimental tariqasida tekshirilib, innovatsiya loyihasi shaklida ehtimoli bo'lmish risklar asosida amaliyotga joriy etiladi.

Innovatsiya mahsulotlarini ishlab chiqish hajmining o'sib borishi va rivojlanishi ushbu loyihalarni amalga oshirishga yo'naltirilayotgan mablag'larga ham bevosita bog'liqdir. O'zbekiston Respublikasida innovatsion loyihalarni moliyalashtirish dinamikasini tavsiflovchi ko'rsatkichlardan biri bu asosiy kapitalga yo'naltirilgan investitsiyalarni moliyalashtirish jarayonidir. Chunki, asosiy kapitalga yo'naltirilgan investitsiyalarning muhim funktsiyasi innovatsion xarakterga ega, ya'ni uning yordamida sifatli raqobatdosh mahsulotlar ishlab chiqarish uchun ilmiy-texnik yutuqlardan foydalanish asosida asosiy fondlarni innovatsion yangilash, samarali texnologiyalarni yaratish amalga oshiriladi. Investitsiyalar innovatsion loyihalarni moliyalashtirishning muhim manbasi bo'la turib, innovatsiyalarni amalga oshirishning zaruriy sharti, uning ajralmas qismidir. Innovatsiyalarsiz kapital qo'yilmalar samarsiz va hatto, zararli bo'lishi mumkin, kelgusida raqobatga qodir bo'lmagan mahsulotlar ishlab chiqarilishi davom etishi mumkin.

Xulosa sifatida shuni aytish mumkinki, bugungi kunda jahon amaliyotida dunyoning barcha davlatalarida quyidagi ustuvor yo'nalishlarda innovatsiya loyihalarini ishlab chiqish va amalga oshirish, innovatsiya faoliyatini tashkil etish, moliyalashtirish va rivojlantirishga katta e'tibor qaratilmoqda hamda o'z kelajagini yaratish imkoniyatini ko'rmoqda: fanlararo fundamental tadqiqotlar va prognozlar; biotexnologiya va biomeditsina; eng yangi informatsion texnologiya va tizimlar; energiya tejovchi texnologiyalar va notraditsion energiya resurslari; butkul yangi materiallar; yangi avlod mashina va texnologiyalari tizimi; aviakosmik texnologiyalar, transport va aloqa vositalarining yangi avlodlari; mudofaa-texnika tizimlari va yangi avlodlarining xavfsizlik vositalari.

МЕВА-САБЗАВОТ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ЭКСПОРТ САЛОҲИЯТИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Д.Ғ.Янгибоев, ўқитувчи, ТошДАУ

Қишлоқ хўжалиги – Ўзбекистон иқтисодиётининг муҳим тармоғи ҳисобланади. Бу тармоқ мамлакат аҳолисининг озиқ-овқат маҳсулотларига, қайта ишлаш саноати тармоқларини эса хомашёга бўлган талабини қондиради. Озиқ-овқат маҳсулотларининг 90 фоизга яқини аграр тармоқда етиштирилади.

Ўзбекистонда кейинги йилларда мева-сабзавот, полиз ва узум маҳсулотлари етиштириш ўсиб бормоқда. Ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 2015 йилга нисбатан қиёслама баҳоларда 6,6 фоиз ўсишига эришилди. Республика бўйича далалардан 21,1 млн тонна (ўтган йилга нисбатан 11,1% кўп) шундан, 11,3 млн тонна (11,3%) сабзавот, 2,1 млн тонна (10,4%) полиз, 3,0 млн тонна (9,7%) картошка, 3,0 млн тонна (10,8%) мева ва 1,7 млн тонна (9,9%) узум маҳсулотлари етиштирилди. Барча тоифадаги хўжаликлар томонидан 2 млн 171 минг тонна (ўтган йилга нисбатан 6,8% кўп) гўшт, 9 млн 703 минг тонна (7,5%) сут, 6,1 млрд дона (10,6%) тухум ишлаб чиқарилишига эришилди.

Таъкидлаш лозимки, мева-сабзавот маҳсулотларини етиштириш, қайта ишлаш ҳамда уни истеъмолга чиқаришда бевосита маҳсулотларни экспорт қилиш даражаси алоҳида аҳамият касб этади.

Кейинги йилларда мамлакатимизда экспортга йўналтирилган мева-сабзавот маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг ҳуқуқий-меъёрий асослари такомиллаштирилди. Мева-сабзавот маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш ҳажмини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 1999 йилдан бошлаб ҳар йил мева-сабзавот маҳсулотлари ва узум етиштириш ҳамда улардан фойдаланишнинг прогноз баланси ишлаб чиқиш бўйича қарор қабул қилина бошланди.

Бундан ташқари республикаимизда етиштирилаётган мева-сабзавот маҳсулотларининг таркибига эътиборни қаратадиган бўлсак, у ҳолда ҳар бир маҳсулот тури бўйича қуйидагича экспорт ҳажмлари амалга оширилганлигини кўришимиз мумкин (1-жадвал).

1-жадвал. Республикада мева-сабзавот, полиз ва узум маҳсулотларининг алоҳида турлари бўйича экспорт ҳажми

Сабзавотлар	Экспорт, минг т.				
	2008	%	2009	2010	2014
	126,4	100,0	155,9	318,2	324,3
Помидор	14,4	11,4	17,8	36,3	36,9
Бодринг	3,5	2,8	4,3	8,8	9,0
Сабзи	11,9	9,4	14,7	30,0	30,5
Пиёз ва саримсоқ	29,9	23,7	36,9	75,3	76,7
Карам	12	9,5	14,8	30,2	30,8
Бошқа сабзавотлар	54,7	43,3	67,5	137,7	140,3
Полиз	73,6		92,9	121,8	125,4
Мевалар	93,7		95,4	127,5	132,7
Олма	20,5	21,9	20,9	34,9	36,3
Нок	0,2	0,2	0,2	0,3	0,4
Беҳи	0,9	1,0	0,9	1,5	1,6
Олхўри	3,9	4,2	4,0	6,6	6,9
Олча	0,1	0,1	0,1	0,2	0,2
Гилос	0,1	0,1	0,1	0,2	0,2
Ўрик	10,1	10,8	10,3	17,2	17,9
Шафтоли	5,4	5,8	5,5	9,2	9,6
Хурмо	41,4	44,2	42,2	70,4	73,3
Анор	4,4	4,7	4,5	7,5	7,8
Бошқа мевалар	6,7	7,2	6,8	11,4	11,9
Узум	83,3		91,2	85,3	86,1
Жами	377,0	100,0	435,4	652,8	668,5

Агар сабзавотларнинг экспорт ҳажмига қарайдиган бўлсак, 2008 йилда жами сабзавотларнинг 126,4 минг тоннаси экспорт қилинган бўлса, 2014 йилда 324,3 минг т. сабзавот маҳсулотлари экспорт қилинган. Сабзавот маҳсулотларининг экспорт таркибида айниқса, помидор, карам, сабзи, пиёз-саримсоқ маҳсулотларининг улуши юқори кўрсаткичларни ифода этади. Шунингдек, 2014 йилда 125,4 минг т. полиз маҳсулотлари экспорт қилингани ҳам эътиборга моликдир. Бундан ташқари экспорт таркибида мева маҳсулотларининг айрим турлари салмоқли ўринни эгаллайди. Жумладан, олма маҳсулоти 2014 йилда 36,3 минг тонна, хурмо 73,3 минг тонна ва ўрик 17,9 минг тонна экспорт қилинган. 2014 йилда 86,1 минг тонна узум ҳам экспорт қилинган. 2008 йилда жами 377 минг тонна мева-сабзавот, полиз ва узум маҳсулотлари экспорт қилинган бўлса, 668,5 минг маҳсулот экспорт қилиниб, 77% дан кўпроқ ўсган.

Хулоса, таклиф ва тавсиялар. Мамлакатимизда мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш даражасини ошириш, унинг жаҳон бозоридаги рақобатбардошлигини кўтариш, уларни қадокланиш даражасига эътиборни қаратиш ҳамда унинг экспорт географиясини кенгайтириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган мева-сабзавот маҳсулотлари турлари бўйича жаҳон бозоридаги рақобатбардошлигига баҳо бериб ўтиш, экспорт салоҳиятини белгилаш ва стратегик йўналишларни аниқлашда муҳим омил ҳисобланади. Ҳўл мева-сабзавот

маҳсулотларининг жаҳон бозоридаги рақобатбардошлик даражасини аниқлашда, ички ресурслар қийматининг жаҳон бозори нархларига нисбати, қайта ишланган маҳсулотлар бўйича маҳсулот улгуржи нархларининг жаҳон бозори нархларига нисбати коэффициентларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Мазкур ҳисоб-китобларда “экспорт харажатлари” омилининг ҳисобга олиниши маҳсулотнинг жаҳон бозоридаги рақобатбардошлик даражасини аниқроқ баҳолаш имконини беради.

МУНДАРИЖА

1-ШЎЪБА. ИННОВАЦИОН ИҚТИСОДИЁТГА ЎТИШ ШАРОИТИДА МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТДАГИ ТАРКИБИЙ ЎЗГАРИШЛАР ТАҲЛИЛИ ВА УНИНГ ИҚТИСОДИЙ ЎСИШ СИФАТИГА ТАЪСИРИ			
1	Ходжиев М.Т.	Кириш сўзи. ГулДУ ректори, т.ф.д., профессор.	
2	Жўраев Т.Т., Шадиева Д.Х.	Инновацион ривожланиш йўлига ўтишнинг иқтисодий ўсиш сифатиغا таъсири	
3	Хуррамов А.Ф.	Қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш	
4	Абулқосимов Ҳ. П.	Таркибий ўзгаришлар мамлакат иқтисодий хавфсизлигини таъминлашнинг муҳим омили	
5	Маматов А.А.	Инновацион иқтисодиётга ўтиш даврида миллий иқтисодиётда таркибий ўзгаришлар	
6	Расулов Т.С.	МДҲ давлатларининг инновацион иқтисодиётга ўтишида валюта курсини таъсири	
7	Расулова Д. В.	Ўзбекистонда ташқи савдони ривожлантиришнинг бугунги кундаги ҳолати	
8	Усмонов М.Б.	Миллий иқтисодиётни ривожлантиришда хусусий тадбиркорликнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш	
9	Ғафуров У.В.	Миллий иқтисодиётда кичик бизнес субъектларининг таркибий тузилмасини такомиллаштириш йўллари	
10	Сатторкулов О.Т., Умматов Ш.Н.	Барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашда таркибий ўзгаришларни амалга оширишнинг ўрни ва аҳамияти	
11	Бурханов А.Х.	Особенности перехода к инновационно-ориентированному типу развития экономики Узбекистана	
12	Ҳошимов П.З. Баратова З.М.	Миллий иқтисодиёт таркибий узгаришларида туризмнинг аҳамияти	
13	Маҳмудов Р.Ж.	Инновацион иқтисодиётга ўтиш шароитида инновацион лойиҳаларни амалга ошириш иқтисодий ўсишнинг муҳим омили	
14	Райимбердиева О. Турдикулова Г.	Либерализации экономической жизни в Узбекистане	
15	Пардаев Т. Н.	Иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни чуқурлаштиришда божхона тўловларининг ўрни	
16	Жапақов Н., Раҳмонов И.	Қишлоқ хўжалигида инновацион иқтисодий ўсишни таъминловчи омиллар	
17	Курбонов Б., Курбанова Г.Б.	Инновационный процесс в сфере управления	
18	Агзамов А.Т.	Миллий иқтисодиётнинг тараққиёти ва диверсификациялашуви шароитида солиқ маъмурчилиги тизимини вужудга келишининг иқтисодий шарт-шароитлари	
19	Бобомуратов И.И., Эшназаров Э.	Миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини оширишда таркибий ўзгаришлар ва модернизациялаш жараёнларининг ўрни	
20	Тошбоев О. Раҳматов К.	Иқтисодий тараққиётнинг ҳозирги босқичида мамлакатимизда пул –кредит сиёсатини амалга	

		оширишнинг устувор йўналишлари	
21	Boltaeva Sh. B., Axmedov G'. N.	Innovatsiyalar – iqtisodiy o'sish omili sifatida	
22	Нарбутаев Б.А., Тўхтамишева Г.Қ.,	Миллий иқтисодиётнинг энгил саноат тармоғидаги корхоналарни бошқаришда инновацияларнинг ўрни	
23	Rasulov N.A.	Innovatsion iqtisodiyot barqaror turizmning asosidir	
24	Шукурова Ў.	Иқтисодиётни эркинлаштириш соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар ва уларнинг хусусиятлари	
25	Зурапов А.Ў.	Иқтисодиётни барқарор ривожлантиришда инновацион технологияларнинг аҳамияти	
26	Тошбоев Б.Б.	Иқтисодий тараққиётнинг ҳозирги босқичида саноатлаштириш сиёсатини амалга оширишнинг назарий асослари	
27	Маъмуров Б.Х.	Корхоналар инновацион фаолиятининг мазмуни ва аҳамияти	
28	Исроилов М.	Инновацион иқтисодиёт афзалиги (Осиёнинг ривожланган давлатлари мисолида)	
29	Д.И.Рўзиева	Иқтисодиётни ривожлантиришда инновацион ёндашув тамойилларининг аҳамияти	
30	ДЖураев И.Б., Абдусаматова Н.	Основные направления государственной инновационной политики и механизм ее реализации	
31	Зикрияев З.М.	Иқтисодиётда бандликни таъминлашда инновацияларнинг ўрни	
32	Омонбоев Б.	Инновацион иқтисодиётга ўтишда глобаллашув ва иқтисодий хавфсизлик масалалари	
33	Мирджалилова Д., Файзиева Г.А.,	Сравнительный анализ оценочной деятельности в мире	
34	Чилматова Д., Исмоилова С.	Модернизация шароитида иқтисодиётни эркинлаштириш-ҳаракатлар стратегиясининг муҳим йўналиши сифатида	
35	Шодиев Э.,	Иқтисодиётни реструктуризациялашнинг мазмуни ва стратегик вазифалари	
36	Xusanova Z.R.	Mamlakatning ijtimoiy iqtisodiy rivojlantirishda innovatsiyalarni ahamiyati	
2-ШЎБА. ИННОВАЦИОН ИҚТИСОДИЁТГА ЎТИШ ШАРОИТИДА МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТНИНГ ТАРМОҚ, ҲУДУДИЙ ВА ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ТАРКИБИ РИВОЖЛАНИШИ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ ВА УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ			
1	Абулкасимов Х.П., Турсунходжаев М., Абулкасимов М.Х.	Особенности промышленной политики узбекистана	
2	Базаров Ф.О., Нуров Ш.Қ.	Иқтисодиётни инновацион ривожланишининг иш билан бандликка таъсири	
3	Райимбердиева О., Абдугаппаров И.	Агропромышленный комплекс республики Узбекистан на пути к рыночной экономике	
4	Мо'aminov X.I.	Mamlakat makroiqtisodiy ko'rsatkichlarini regression tahlil qilish	

5	Сулаймонов А.	Қишлоқ хўжалигида амалга оширилган чуқур таркибий ўзгаришлар ва уларнинг хусусиятлари	
6	Maraimova U.I.	Bozor munosabatlariga o'tishda aholining ijtimoiy himoya tizimi	
7	Каршибаева Л.Қ., Мадраҳимова Н., Шарофиддинов М..	Қишлоқ жойларда инфратузилма шаҳобчаларининг ҳудудий ташкил этиш этилиши	
8	Ходжаева М.Х.,	Тенденции развития оказываемых аудиторских услуг в переходе инновационной экономике	
9	Каршибаева Л.Қ., Ишонқулова К.К., Эргашева С.	Аҳолига хизмат кўрсатиш соҳаларини жойлаштириш	
10	Tairova M.M. Hamidov M.	Innovatsiya-modernizatsiyaning konseptual asosi	
11	Бекмухамедова Б.	Развитие рыночных отношений и внедрение принципов свободной экономики	
12	Маматкулов Т.Д.	Инновацион иқтисодиётга ўтиш шароитида ҳудудий меҳнат бозорини ривожлантириш истикболлари	
13	Нурмухамидова М.Х., Алимов И.Р.,	Иқтисодиётни тубдан ўзгартириш ва ислоҳ этишнинг ўзига хос хусусияти	
14	Назарова М.	Қишлоқ хўжалигига сарфланаётган инвестицияларнинг иқтисодий самарадорлиги	
15	Бекмухамедова Б., Тухтамишева Г.	Либерализация как важный фактор роста экономики	
16	Zikriyayev Z.M.	Mamlakatda mehnat resurslarini innovatsion jihatdan takomillashtirish	
17	Бекмуродов А.	Роль инновационных решений в экономическом росте страны	
18	Бердиев Ғ.И.	Уй хўжаликларини иқтисодий фаоллигини оширишнинг устувор йўналишлари	
19	Асқаров Д.	Ўзбекистонда экологик солиқлар ролини ошириш	
20	Makhmudova G.R. Zikriyayev F.M.	The importance of investment policy in the modernization of the country's economy	
21	Данабоев И.Т.	Мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ва инновацион ривожлантиришда технопарклардан самарали фойдаланишнинг назарий-услубий асослари	
22	Ережепова Б.	Мамлакат иқтисодиётида таркибий ўзгаришларни амалга оширишда саноат корхоналарини минтақавий жойлаштиришнинг ўзига хос хусусиятлари ва омиллари	
23	Мамаев Б.Н., Ортиқова М.Б.,	Саноатни модернизация ва диверсификациялаш иқтисодиётнинг рақобатдошлигини таъминловчи муҳим омил	
24	Махмудов Ш.Х.	Мамлакатимизда фермерликни ривожлантириш устувор вазифа сифатида	
25	Данабоев И.Т.	Эркин иқтисодий ҳудудларни ташкил этиш ва	

		ривожлантиришнинг хитой тажрибаси ва ундан самарали фойдаланиш йўллари	
26	Усмонов Ж.	Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар-тараққиёт омили	
27	Қарабаева И., Абдуллаева Д.	Мамлакатимиз тараққиётини ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан юксалтиришда инвестицион дастурларнинг аҳамияти	
28	Makhmudova G.R., Zikriyayev F.M.	The importance of investment policy in the modernization of the country's economy	
29	Отамуродов Н.	Ўзбекистонда мол-мулк солиғи фискал аҳамиятини ошириш	
30	П.Д.Давлатов	Таркибий ўзгаришларни изчил амалга оширишда ишлаб чиқаришни модернизациялашнинг устувор йўналишлари	
31	Toxtamishov S.S., To'xtamishova G.Q., Muxammadova D.A.	Mamlakatimiz iqtisodiyotini rivojlantirishda xorijiy investitsiyalardan samarali foydalanish yo'nalishlari	
32	Узайдуллаев О.А., Абдулхамидова Э.	Меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишнинг иқтисодий ўсишга таъсири	
33	Хайдарова С.	Рақобат бозори иқтисодий ривожланишнинг бош регулятори сифатида	
34	Юсуфалиев О.	Роль кластеров в стратегии инновационного развития региона	
35	Облокулов А.О., Исоев.У.	Қишлоқ хўжалигида ердан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлиги	
36	Акрамов Ш.	Жисмоний шахсларнинг мулкӣ даромадларини солиққа тортишдаги муаммолар	
37	Шоев А.Х.	Миллий иқтисодиёт ҳудудий таркибини ривожлантиришда давлат ҳудудий сиёсатининг асосий йўналишлари	
38	Очилов А.	Жисмоний шахсларнинг маҳаллий солиқлари ҳисобини такомиллаштириш	
39	Солиев Х. Маҳсуталиев А.Х.	Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспортини кенгайтириш соҳада олиб борилаётган ислоҳотларнинг асосидир	
3-ШҶБА. ТАРКИБИЙ ИСЛОҲОТЛАР МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТДАГИ МАКРОИҚТИСОДИЙ НОМУТАНОСИБЛИКНИ БАРТАРАФ ЭТИШ ВА УНДА САМАРАЛИ ТАРКИБИЙ ТУЗИЛМАНИ ШАКЛЛАНТИРИШ АСОСИ СИФАТИДА			
1	Кушаров З.К., Эркабоева Б.	Қишлоқ хўжалигини қўллаб-қувватлашнинг шакллари, усуллари ва механизмлари	
2	Сатторкулов О.Т.	Макроиқтисодий мутаносибликка эришиш омиллари	
3	Кушаров З.К., Абдурашидова О.	Хизмат соҳасини юксалтиришга қаратилган тизимли ислоҳотлар самараси	
4	Қаршиев Ш.	Мамлакатимизда мева-сабзавот маҳсулотлари етиштириш аҳамияти	
5	Қаршиев Ш.	Республикамизда экологик қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришнинг аҳамияти	
6	Мо'minov X. I.	Mamlakat iqtisodiyotida tarkibiy o'zgarishlarning o'ziga xosligi	
7	Назаров О.Р., Рахимова Х.	Миллий иқтисодиётнинг таркибий тузилмасини такомиллаштиришда агросаноат мажмуасини ўрни	

8	Назаров О.Р.	Формирование региональных межотраслевых кластеров в условиях рынка	
9	Райимбердиева О.	Развитие инновационных процессов в малом предпринимательстве как фактор повышения конкурентоспособности экономики узбекистана	
10	Пардаев Т.Н., Шодиев Ф., Турсунов Р.	Иқтисодий ривожлантириш ва либераллаштириш жараёналарида божхона тўловларининг аҳамияти	
11	Саламов И.С. Назарова М.Ш.	Сабзавотчилик тармоқларини модернизациялашда инновацион технологияларни жорий этиш имкониятлари	
12	Рахмонов Д.	Чорвачиликни жадал ривожлантиришнинг айрим концептуал йўналишлари	
13	Туйчибоев Б.Б.	Инновационное развитие промышленного комплекса регионов	
14	Абдувохидов А.А.	Иқтисодийнинг реал секторида иқтисодий хавфсизликни таъминлаш	
15	Абдувохидов А.А. Саидова Н.С.	Миллий иқтисодий рақобатбардошлигини ошириш иқтисодий хавфсизликни таъминлашнинг муҳим омили сифатида	
16	Аллаярова М.К., Жоникулов Б.Р.	Необходимость развития сельского туризма как основной фактор благополучения населения на селе	
17	Аллаярова М.К.	Анализ структурных преобразований в национальной экономике в условиях перехода к инновационной экономике	
18	Исмаатов Ш.А.	Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни инновацион ривожлантиришда илғор ривожланган мамалакатлар тажрибалари	
19	Маматкулов Т. Д.	Худудий иқтисодий ривожлантиришда саноатнинг ўрни	
20	Маслова М.С.	Развитие трансграничной е-торговли услугами	
21	Нестерова А.А.	Реализация потенциала трудовой мобильности на пространстве содружества	
22	Nurmuhamedova M., Shodiboyeva M. K.	Milliy iqtisodiyotni rivojlantirishda innovatsion tadbirkorlikni o'rni va ahamiyati	
23	Нурмухамидова М. Саидова Н.	Миллий иқтисодий тармоқларини рақобатбардошлигини оширишнинг устувор йўналишлари	
24	Расулова З.С., Одилжонова Н.	Мамлакатда макроиқтисодий мутаносиблик ва уни таъминлаш жараёни	
25	Умарова Г. А. Бойқўзиева Л.А.	Инновацион иқтисодийга ўтиш шароитида саноат тармоқларини такомиллаштириш йўналишлари	
26	Худайберганаева С.	Инновацион иқтисодийга ўтиш шароитида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш	
27	Азизов А.С.	Роль секторальных преференций, льгот и гарантий в снижении финансовых и экономических рисков для иностранных инвестиций в узбекистане	
28	Ахунбобоев М.М. , Сатторов С. М., Умрзоков О.	Макроиқтисодий сиёсат ва аҳоли бандлиги	
29	Ахунбобоев М.М., Зикиров И. Я.,	Мамлакат иқтисодий инновацион ривожлантиришда ер ресурсларидан фойдаланиш	

	Усанов.А.А.,		
30	Дехқонова Л. А., Худойкулова Ш.В.	Миллий иқтисодиётда реструктуризациялашга ёндашувнинг ўзига хос хусусиятлари	
31	ДЖонибеков Ш. Мадатов З.	Государственный механизм регулирования инновационных процессов и его инструменты	
32	Джураев И.Б.	Активизация инвестиционного потенциала в условиях модернизации экономики	
33	Djurayev M.E., Qurbonova Yu., Shodiyeva Z.	Makroiqtisodiy nomutanosiblikni bartaraf etishda turizmni ro'li	
34	Зикрияев З.М.	Иқтисодиётни инновацион ривожланишида ёшларни иш билан бандлигига таъсирини баҳолаш	
35	Ибрагимов Қ.	Банкларда аудиторлик рисклари ва уларни баҳолаш масалалари	
36	Исмоилов Ш.С.	Миллий иқтисодиёт таркибий тузилмасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ўрни	
37	Кенжаев И.Э.	Наманган вилоятида эркин иқтисодий ҳудудларни ташкил этиш йўналишлари	
38	Кузибеков С.К., Шарипова З.А.	Ишлаб чиқариш инфратузилма корхоналарида кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш	
39	Махмудов Ш.Х.	Қишлоқ хўжалиги - аҳоли фаровонлигини ошириш гарови сифатида	
40	Mahmudova G.R., Zikriyayev F.M.	Key issues in the development of small business and entrepreneurship in production infrastructure	
41	Мисирова Н.Т.	Миллий иқтисодий тараққиёт ва унинг хусусиятлари	
42	Narbutayev B.A., Habibullayev S.Z.	Methods of innovation projects done in light industry enterprises	
43	Негматуллоев З.Т., Мавлонов Ш.Х.	Электрон тижорат иқтисодий ислохотларнинг ажралмас бўлаги	
44	Норқобилов Н.Н.	Инновацион технологияларни ривожлантиришда инвестицияларнинг ўрни	
45	Облоқулов А.О., Эломонов А.	Мамлакатимизда мева-сабзавот маҳсулотлари етиштириш самарадорлигини ошириш йўллари	
46	Облоқулов А.О. Эргашев Ғ.	Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда инновацион технологияларни жалб этиш	
47	Ортиқов Ш.М.	Ишлаб чиқаришда инновациявий лойиҳаларни режалаштириш	
48	Пулатова С.Ю.	Миллий иқтисодиёт барқарорлигини таъминлашда хорижий инвестицияларнинг аҳамияти	
49	Рахматов К.У., Самижонов Ш.	Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда инновацион ёндашув	
50	Саймуратова И.	Қишлоқ хўжалиги корхоналари ва инфратузилма тармоқлари ўртасидаги алоқаларнинг иқтисодий жиҳатлари	
51	Salayev D.S.	Erkin iqtisodiy zonalar - innovatsion iqtisodiyotni shakllantirishda xorijiy investitsiyalarni jalb qilishning omili sifatida	
52	Сатторов Қ.К., Маматкулова М.Б., Уктамов Ш.Б.	Енгил саноат корхоналарида инновацион маркетингни ривожлантириш омиллари	

53	Собиржонов С.С.	Ўзбекистонда иқтисодий эркинлаштириш ва соғлом рақобат муҳитини вужудга келтириш муаммолари	
54	Тагиев С.А. Нуритдинов К.	Эффективность инвестиционных проектов в условиях перехода к инновационной экономике	
55	Умаралиев О.Р.	Аграр соҳада ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш	
56	Ummatova M.B., Musaev Z. SH., To'uchieva G.	O'zbekiston respublikasi milliy iqtisodiyotini rivojlantirishda oziq-ovqat sanoatining ro'li	
57	Шамирзаев А.	Тижорат банкларида кредит операциялари ҳисобини такомиллаштириш	
58	Шодмонкулов К.М., Тоштемиров М.М.	Қишлоқда саноат ва хизмат турларини кўпайтириш орқали аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш	
59	Юлдашев Ф. Т., Бозоров Ё.	Саноатда ишлаб чиқариш соҳаларини модернизация қилишни такомиллаштириш йўллари	
60	Юлдошев Ш. Курбанова М.	Эффективное использование земельных ресурсов в условиях структурных преобразований	
61	Юлдашев Ш., Курбанова М.	Трансформация региональной политики в условиях структурных преобразований	
62	Янгибоев Д.Ф.	Қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатувчи агрохизматлар бозорини ривожлантириш	
63	Одилов Б.Ф., Нуров Ш.Қ.	Банкларнинг ликвидлиги ва унга таъсир қилувчи омиллар	
64	Тураев С.Ж. Тоштемиров М.М.,	Ўзбекистонда аҳоли бандлигини таъминлашнинг ижтимоий-иқтисодий аҳамияти ҳамда назарий асослари	
65	Холматов Ф.Х.	Тижорат банкларда активларни қадрсизланиши ҳисоби	
66	Халиллов Ш.	Иқтисодий реструктуризациялаш давр талаби	
67	Shodiboyeva M.K.	Innovatsion iqtisodiyotga o'tish sharoitida innovatsion loyihalarni tashkil etish xususiyatlari	
68	Янгибоев Д.Ф.	Мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт салоҳиятини ошириш йўллари	

**Босишга рухсат этилди: 23.04.2018йил.
Қоғоз бичими 60 x 84 1\4 офсет қоғози
Гарнитура Times New Roman
Хажми 35,5 босма табок
Буюртма -65 адади 100 нусха
Гулистон шаҳар, 4-мавзе,
Гулистон давлат университети
Босмахонасида чоп қилинди**